

БҮРИБОЙ  
АХМЕДОВ

Амир Темурни ёд элиб



БЎРИБОЙ  
АҲМЕДОВ

# Амир Темурни ёд этиб



ТОШКЕНТ  
«ЎЗБЕКИСТОН»  
1996

Нашира тайёрловчи — Музаффар АҲМЕДОВ  
Муҳаррир — Абдували КУТБИДДИН

**NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi**

Наманган Давлат  
университетининг  
**ИЛМИЙ КУТУБХОНАСИ.**

280468

Аҳмедов Бўрибой.  
Амир Темури ёд этиб. Т.: "Ўзбекистон", 1996,  
368 б.

ISBN 5-640-02126-8

Таниқли тарихчи олим, ЎзР ФА академиги Бўрибой Аҳмедовнинг мазкур китобидан Амир Темурининг давлатни идора қилиш сиёсати, тарихимизнинг ёзилмаган, баҳсли саҳифалари ҳақидаги 1988—1994 йилларда ёзилган илмий-оммабон мақолалари, матбуотда эълон қилинган суҳбатлари ҳамда "Амир Темурига мактублар"и, "Темур ва Қамариддин" номли янги талқиқоти ўрин олган. Китоб Амир Темурининг 660 йиллигига муносиб совға бўлади, деб ўйлаймиз.

ББК 67.3+63.3(5У)

А 4702620201 — 92 — 96  
М 351 (04) 96

## ИККИ ОҒИЗ ЭСЛАТМА

Мазкур тўпламга 1988—1994 йиллар мобайнида вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган илмий-оммабоп, публицистик мақолалар киритилди. Тўпламда, шунингдек, суҳбатлар, Амир Тсмурға мактублар "Тсмур ва Қамариддин" номли янги тадқиқотга ўрин берилди.

Маълумки, олимларнинг китоблари кенг халқ оммасига ҳаммавақт ҳам стиб бормайди, чунки улар жуда кам нусхада, минг, кўп бўлганда икки-уч минг нусхада чоп этилади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, китоблар илмий бўлгани сабабли жуда кам одам ўқийди. Шу боис айрим олимлар, шулар қатори биз ҳам, кейинги йилларда кўпроқ илмий-оммабоп асарлар ёзадиган, мақолаларимизни содда ва ихчамлаштириб, вақтли матбуот — газета ва журналларнинг саҳифаларида эълон қиладиган бўлиб қолдик. Билган одамга бу жуда қулай йўл экан. Чунки, шундай қилинганда, кашфиётнинг тезроқ ёруғлик кўрар ва у тез фурсатда оммалашар экан. Дарҳақиқат, оммалашмаган, халқ ва мамлакатга фойдаси тегмайдиган илмнинг кимга кераги бор, ўзи? Хуллас, ушбуларни ҳисобга олиб, кўпдан бери, имкон қадар мақолаларимизни вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилиб келяпмиз. Қарангки, улар шу пайтгача йиғилиб, анчагина бўлиб қолган экан, биз ўғлим Музаффар иккимиз (у ҳам бўлажак шарқшунос) улардан муҳим-муҳимларини, тўғриси иккимизга муҳим кўринганларини танлаб олдик.

Турли ифода услубиятларида ёзилган ёзишмаларда биз бутун илмий фаолиятимиз давомида машғул бўлиб келётган тўрт мавзу: ўзбек халқининг келиб чиқиши; Марказий Осиё халқларининг қадимий тарихи ва маданияти; араб, форс ва туркий тилларда битилган тарихга оид қўлёзма асарларни ўрганиш; Амир Тсмур ва унинг авлодлари ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, Тсмурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш муаммо-

лари билан боғлиқ масалалар юзасидан билдирган таҳлилий қарашларимиз, мулоҳазаларимиз, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзлигимизни англаш, халқимиз, айниқса, Ёш авлод онгида миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш хусусидаги фикрларимиз ўз аксини топган.

Тўпламда, айниқса адиблар ва журналистлар билан бўлган суҳбатларга алоҳида эътибор берилган. Бундан ташқари, жавобсиз қолган саволлар, яъни олий ўқув юртларининг талабалари билан бўлган учрашувларда тушган, лекин вақт тақозоси билан жавоб бериш имкони бўлмаган саволлар ва уларга кейинчалик вақтли матбуот саҳифалари орқали берилган жавоблар ҳам мажмуамизда бор.

Суҳбатларимиз тарих ва тақдир ҳақида. Бу борада шу кунларда республикамизда олиб борилаётган хайрли ишлар, шунинг билан бирга бу масалада йўл қўйилаётган айрим хато ва камчиликлар борасида ҳам сўз боради. Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш давр талабига айланган кезлари, навоийшунослар бирдан кўпайиб кетгандай, ҳозир Амир Темур, Улугбек, Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида у ер-бу ердан кўчириб ёзаётганлар уруғлаб кетди. Ҳақиқий асл асарлар туриб, тарихий манбалар ва илмийликдан йироқ халқ оғзаки ижоди намуналарига яқин Салоҳиддин Қорининг "Темурнома"си, Набижон Маҳмуднинг "Амир Темурнинг таржимаи ҳоли"га ўхшаган нақлу ривоятларга асосланиб ёзилган асарлар ҳам нашр қилинмоқда.

Баъзи олимлар эса Амир Темур шахси, ҳаёти, авлодлари хусусида ақлга сигмайдиган муболағалар ўйлаб топишаяптики, уларнинг даъволари асоссиз эканлигини, муболағалари тарихий-илмий йўсинга мутлақо зид келишини исботлаш зарурияти туғилди.

Хуллас, мазкур тўпламга кирган мақола ва суҳбатлар тарихимиз ва маданиятимизни чуқурроқ ҳаққоний ўрганишга бир тўртки бўлармикин, деган умиддамиз. Чунки ўтмиш ва кўҳна тарихни яхши билмай туриб бугунимизни ҳам, келажагимизни ҳам тсран англолмай-миз.

АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТНИ ИДОРА  
ҚИЛИШ СИЁСАТИ

(Дастлабки мулоҳазалар)

I

Амир Темур, ўз даври ва замонасига кўра марказлашган йирик давлатга асос солди ва бу билан халқига, юртига бсқисс хизмат қилди. Буни англаб стиш учун Амир Темур катта сиёсат майдонига кириб келмасдан бурун мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий аҳволни кўз олдимизга келтирсак, шунинг ўзи кифоя. Хўш, ўша вақтда юртдаги аҳвол қандай эди? Чигатойхон авлодидан бўлган Тормоширинхон (1326—1334) ўлдирилгандан кейин улусда бсқарорлик кучайди. Буни шундан ҳам билса бўладики, йигирма бсш йил мобайнида мамлакат тахтида ўндан ортиқ хон салтанат қуриб ўлтирди, лекин биронтаси ҳам тобора кучайиб бораётган фсодал тарқоқликка барҳам беришга қодир бўлмади. Бсқарорлик оқибатида тарихда Чигатой улуси номи билан машҳур бўлган улкан бир мамлакат унга яқин мустақил бскликларга бўлиниб кетди. Масалан, Ксш вилоятида Ҳожи барлос ўзини ҳоким дсб эълон қилди, Хўжанд ва унга қарашли срларда амир Боязид жалоир мустақиллик даъво қилиб чийди. Балх ва унга тобс бўлган срларда Ўлжой Буғо сулдус, Шибирғон вилоятида найман умоқига мансуб бўлган Муҳаммадхўжа Аперди, Хутталон билан Арҳанг саройида амир Кайхусрав билан Ўлжойту Аперди, Самарқандга қарашли Тотканд билан Сарипулда Хизр Ясовурий мустақиллик байроғини кўтариб чийдилар. Ҳирот ҳукуматини эса марҳум амир ул-умаро Қазағоннинг уддабурро набираси амир Ҳусайн эгаллаб олди. Қўйингки, бу парчала ниш улусни ўзаро уруш-талаш гирдобига улоқтирди. Жоҳил, урушқоқ бсıklar, амирлар элни қон қақшатдилар, ҳузур-ҳаловат ўртадан кўтарилди, мамлакатда ксчалари

дод-фарёд чиқмаган бирон хонадон қолмади. Айниқса, босқину талонга тушган қора халққа қийин бўлди. Чигатой улусидан хайру барака кўтарилди.

Чигатой улусининг катта қисмида, яъни Мовароуннаҳр ва унинг тсварагида бошланган парокандаликдан ўша пайтларда анча куч-қудратга эга бўлган Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон (1348—1363) фойдаланиб қолди. У 1360 йил февраль ойининг ўрталарида сон-саноксиз лашкар билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Сайрам мўғулга қаршилиқ кўрсатмай таслим бўлди. Туркистоннинг катта йўл устида жойлашган шаҳар ва қишлоқлари ҳам душманга бош эгишга мажбур бўлди. Бир ой ўтар-ўтмас Туғлуқ Темурхон қўшини билан Сирдарёнинг ўнг соҳилида пайдо бўлди. Мўғуллар бахтга қарши, дарёнинг сўл тарафидаги ерларда ҳам деярли қаршилиққа дуч келишмади. Ўзини ҳокими мутлақ деб эълон қилиб, халқнинг нонини сб, отини миниб юрган улус беклари бир ёқадан бош чиқариб умумий душманга қарши кураш учун бирлашолмадилар, воқсан, бирлашсалар ҳам, эл-юртни муҳофаза қилолмасдилар. Чунки, ўзаро босқин қилавериш, юз кўрмас бўлиб кетган эдилар. Айрим беклар эса мўғул босқинини "худонинг стказган несъмати", деб ҳисобладилар ва мўғулларнинг қўли билан ўз рақибларини маҳв қилмоқ ниятида бўлдилар. Ана шундай беклардан бири Хўжанд вилоятининг ҳокими Боязид жалоир мўғул лашкарининг манғулоси (илғор қисми) узоқдан кўриниши билан ўз қавмини олиб душман тарафига ўтиб кетди ва рақибни Ҳожи барлосни бир ёқлик қилиш ниятида мўғулни Насаф (Қарши) билан Кеш (Шаҳрисабз) устига стаклади. Бекларнинг бир қисми, хусусан Ҳожи барлосга ўхшаганлар, бундан ҳам баттар йўлни танладилар, яъниким, эл-юртни ўз ҳолига ташлаб, Амударёнинг нариги томонига қочиб кетдилар. Оқибат, ҳимоясиз қолдирилган мамлакат фалокат гирдобидида қолди. Улус яна қайтадан мўғул асоратига тушди.

Мўғуллар 1369 йилгача Мовароуннаҳрда хўжайинлик қилишди. Урушлар ва тўқнашувлар фуқаро тинкасини қуритди, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланди, юрт таназзулга юз тутди. Ана шундай аянчли дамда мўғул босқинчиларига қарши қилич кўтарган, Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини тиккан бирдан-бир одам Темурбек бўлди. У Мовароуннаҳр халқининг босқинчиларга қарши курашига бошчилик қилди ва мамлакатни мўғуллар истибдодидан озод қилиб, эл-юртга

тинчлик ва эмну омонлик бағишлади. Амир Темуру, юқорида айтилганидек, марказлашган мустақил давлатга асос солди. Бу давлат кўп ўтмай қадимда Туркистон заминидан донг таратган Грек-Бақтрия (милоддан аввалги 250—130 й.), Кушон империяси (милоднинг I асри охири — III аср бошлари), Ҳасталалар (Эфталлийлар) салтанати (милоднинг V ва VI асрлари), Турк ҳоқонлиги (милоднинг VI—VII асрлари), Сомонийлар сулоласи (819—1005 й.), Хоразмшоҳлар империяси (995—1200 й.) каби ўзидан буюк шон-шухрат қолдирди. Амир Темуру асос солган давлатни Хитой, Ҳиндистон, Олтин Урда, Русия, Византия, Миср, Мўғулистон, Венеция, Испания, Франция, Англия каби жаҳоннинг жуда кўп йирик мамлакатлари тан олдилар ва у билан сиёсий (элчилик), иқтисодий (савдо-сотик) ва маданий алоқа ўрнатдилар.

Лекин Туркистон заминидан ўтган бу буюк давлатларнинг тарихи сингари Темуру давлати тарихи ҳам яхши ўрганилмади. Юртимизда 130 йилдан зиёд хўжайинлик қилган мустамлакачилар бунга йўл қўйишмаганидан ташқари, тарихий манбалар устида олиб борилаётган илмий изланишларнинг сустлиги ҳам бунга халақит берди. Бундай манбалар эса жуда кўп ва турлича. Булар — археологик топилмалар, турли хорижий тилларда, хусусан хитой, араб, форс ва туркий тилларда битилган асарлар. Уларнинг аксарияти ҳанузгача ўзбек, рус ва бошқа Оврупо тилларига таржима қилинмаган. Ваҳоланки, уларнинг саҳифаларидаги маълумотлар заминимиздаги қулдорлик ва феодал давлатларнинг келиб чиқиши, моҳияти, белгилари, вазифаларини ўрганишда асл манба бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Таъбир жоиз бўлса шуни ҳам айтиш керакки, давлат ҳақидаги ҳал қилувчи фикрни тарихчилардан кўра кўпроқ ҳуқуқшунослар (фақиҳлар) айтгани дуруст. Шу сабабли биз давлат ҳақида, хусусан, Темуру давлати ҳақида узил-кесил фикр айтишга даъвогар эмасмиз. Ушбу мақолада фақат Амир Темурунинг давлатни идора қилишда тутган сиёсати хусусида билган-уққанларимизни айтмоқчимиз, холос. Бизнинг бу ҳақдаги фикримиз Амир Темуру давлати ҳақидаги дастлабки мулоҳазалардир.

Ҳар қандай давлат ўз фаолиятида маълум ижтимоий гуруҳга таянади, ҳокимиятни қўлга олгандан кейин эса ўша ижтимоий гуруҳнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилади. Темуру ва темурийлар давлати ҳам бундан



мустанасно эмас, албатта. У ҳам аслида, моҳияти билан, мол-мулк эгаларининг давлати бўлган...

Темур сиёсатдон ва моҳир арбоб эди. У ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ёки икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянди. Мана ўша табақалар: 1) саййидлар (пайғамбар авлоди), уламо, машойих, фозил кишилар, яъни зиёлилар, 2) ишнинг кўзини билган донишманд кишилар; 3) художўй, дарвеш, қаландарлар, 4) нўёнлар (хонзодалар, туман, яъни 10 минг кишилик қўшин бошлиқлари) ва мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар, 5) сипоҳ ва раият, яъни аскарлар ва авом ун-нос, 6) махсус, яъни ишончли кишилар, 7) вазирлар ва саркотиблар, 8) ҳақимлар ва табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар, 9) тафсир ва ҳадис олимлари, 10) аҳли саноат (ҳунармандлар, косиблар), 11) сўфийлар, 12) тужжор (савдогар) ва сайёҳлар. "Салтанатим қонун-қоидаларини,— дейди Амир Темур ўз "Тузуклари"да,— шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Шу ўн иккита тоифани салтанатим осмонининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи дсб ҳисобладим". Амир Темур биринчи тоифадан диний, ҳуқуқий ва ақлий масалаларни ўрганди. "Улар саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисларимни безаб туришди",— дсб таъкидлайди у. Иккинчи тоифага Темурбек доно кишилар, эҳтиёткор арбоблар, ссргак ва охирина ўйлаб, узоқни кўриб иш тутувчи одамларни қўшади. "Уларнинг суҳбатларидан, ишларидан нафъ олиб, тажриба ҳосил қилардим",— дсб айтади Амир Темур. Учинчи тоифага, асосан художўй кишилар киритилган. Улар ҳақида мажлисларда, тўйларда, жанг майдонида кўп баракотлар топдим",— дейди жаҳонгир. Тўртинчи тоифага амирлар, сарҳанглар ҳамда сипоҳсолорлар, яъни ҳарбий бошлиқлар киритилган ва подшоҳи олам яқин маслаҳатчилари, суянчиғи бўлганлар. "Сипоҳийгирлик ишларида уларга таяниб, улардан кенгаш тилар эдим",— дейди ҳазрат соҳибқирон. Бешинчи тоифага кирган сипоҳ ва раият тожу тахтнинг асосий суянчиғи бўлиб, Амир Темур ҳамиша уларга бир кўз билан қаради, уларнинг бошини силади. Унинг сипоҳ ва раият хусусида айтган мана бу гаплари ўта ибратлидир: "Уларнинг ҳар иккаласига бир кўз бирлан қарадим. Сипоҳийларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Сипоҳ бирлан раиятни шундай тутдимки,

биронтаси иккинчисидан устунлик қилиб, бир-бирига дағаллик қилишмади. Сипоҳийларни ўз мартабалари ва даражаларига қараб шундай тутдимки, ҳаддидан ташқари бирон қадам қўёлмас эдилар. Уларнинг мартабаларини кўп кўтариб ҳовлиқтирмадим ва тушириб юбориб кўнгилларини чўктирмадим. Қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъом бериб, бошқалардан ортиқ ҳурматладим. Кимнинг ақли ва шижоатини имтиҳон тарозусида тортиб кўриб, бошқалардан ортиқ топсам, уни тарбия қилиб амирлик даражасигача кўтардим".

Амир Темур ўз ёнидаги ишонган кишилари — яъни ким, маҳрами асрорлари билан ҳар ишни кенгашиб оларди. Улардан дилидагини сир тутмасди. "Улар билан сирдошлик қилиб, яширин ишлар, махфий сирларни уларга топширдим", — деб айтади ҳазрати соҳибқирон. Шу бois маҳрами асрорлар олтинчи тоифага киритилган. Еттинчи тоифадан вазирлар, саркотиблар ва дсвон муншийлари ўрин олган. Амир Темур уларга мамлакат кўзгуси сифатида эътибор беради. Тузукларини давом эттириб, "Чунки улар кунда элу улус орасида бўлаётган воқеаларни, сипоҳу раиятнинг туриш-турмушини менга билдириб турар эдилар. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанат мулкига тушган раҳналарни беркитишнинг зарур чоратадбирларини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чиқимига оид ишларни тўғри олиб бордилар. Ҳамма вақт мамлакатнинг тўкинчилиги ва ободончилиги учун ҳаракат қилишарди", — деб ҳурматини билдиради.

Амир Темур ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларни (саккизинчи тоифа) ҳам давлат таянчи ҳисоблаб, уларнинг салтанат корхонаси ривожига беқийс хизмат қилишини тeран англаган. "Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда, — деб давом этади у, — беморларни даволатардим. Мунажжимлардан сайёраларнинг қутлуғ ва қутсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва айланишини аниқлаб олардим. Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар бино қилиб, боғу бўстонларнинг тарҳини (лойиҳасини) чиздирдим". Тўққизинчи тоифадагилар муҳандислар (ҳадис олимлари) ва ривоят айтувчилар (тарихшунослар) бўлиб, Амир Темур бу тоифани ҳам ўзига яқин тутган, ул заковат ва билимларидан фойдаланган. Буюк Амир мазкур эъозли кишилар ҳақида бундай дейди: "Пайғамбарлар ва валийлар ҳақидаги

қиссаларни, аввал ўтган подшоҳлар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай стишганликларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра заво­лот­пан­ли­гини улардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқсаларни улардан эшитардим ва олам аҳволидан хабар топардим".

Машойих, сўфийлар ва орифлар (ўнинчи тоифа) ҳам ҳазрат соҳибқиронга мусоҳиб эдилар. Амир Темур давлат ва сипоҳийгирлик ишларидан фориғ бўлган пайтларда уларнинг суҳбатларидан баҳра топарди. "Уларнинг хиз­мат­ларида бўлиб, улар билан суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулодда хориқ одатларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳат­ланиб, ҳузур қилдим". Соҳибқирон аҳли саноат, яъни косибларнинг ҳурматини ҳам (ўн биринчи тоифа) баланд тутишга интиланган. Чунки, сипоҳ учун керак бўлган қурол-яроғ ва кийим-кечак ўша аҳли ҳунарнинг қадоқ қўллари билан яратиларди. Буюк Амир савдо-сотиққа, айниқса, хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган савдо-сотиққа, унинг тараққийсига алоҳида рағбат берарди. Савдо-сотиқнинг ривожини раиятнинг фаровонлигини ва мамлакатнинг ободонлигига хизмат қилади, деб таъкид­ларди. Шу сабаб савдогарларни (ўн иккинчи тоифа) қўллаб-қувватлади. "Тузуқлар"да бу ҳақда мана буларни ўқиймиз: "Ҳар бир мамлакатга ва дийёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қасрга боришмасин, Хитойгами, Хўтан билан Чин-мочингами, Ҳиндистонгами, Мисру Шом ёки Фарангистонгами, уларнинг нафис ма­толари ва муносиб тўхфаларидан келтирсинлар. Ўша мамлакатларда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳо­ла­аҳволи, туриш-турмуши ҳақида менга хабар олиб кел­синлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз халқига қандай муомала ва муносабатда эканлигини аниқласин­лар".

Амир Темур эл-юртнинг ўз тасарруфида ва итоатида тутиш учун ўн икки тузуқ тутди: 1) Подшоҳ бир сўзлик бўлиши ва айтган сўзига амал қилиши, белгиланган ҳар бир ишини билиб қилиши лозим; 2) ҳар ишда адолатпеша бўлиши, атрофида ҳам шундай кишиларни тутиши зарур; 3) не ишники қилар бўлса ўзи ҳукм чиқарсин; 4) бирор ишга азму қарор қилар экан, қарорида қаттиқ турсин; 5) унинг амру фармони ҳамма учун вожиб бўлсин,

6) подшоҳлик ишларини бирон бошқа кимсага ишониб бериб қўямасин; 7) не иш қилмоқчи бўлса, бошқалар билан кенгашсин, лекин маслаҳатнинг фойдалисини олсин; 8) салтанат, раият ва сипоҳ ишларида яхши-ёмон гаплар эшитса, ҳақиқат қилиб, шошмасдан, мулоҳаза билан ҳукм чиқарсин; 9) сипоҳ ва раият олдида ўзини ҳайбатли ва жиддий тутсинки, ҳеч ким бўйин товлаш ва гап қайтаришга журъат этолмасин; 10) раият, хазина, лашкар ва салтанат подшоҳнинг ҳукми остидадир, у буни доимо эсда тутмоғи лозим; 11) салтанатни идора қилишда бошқани ўзига шерик қилмаслиги керак; 12) аҳли кенгашдан огоҳ ва ҳушёр бўлиши зарур, чунки улар кўпинча айб ахтарадилар ва уни ташқарига ташийдилар.

"Ушбу ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олганлигим учун,— дейди ҳазрат соҳибқирон,— тўла мустақиллик билан салтанат тахтида ўлтирдим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қайси бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанат бебаҳра қолур".

## II

Мамлакат ва раиятнинг турмуши, унинг фаровонлиги ёки оғир аҳволга тушиб қолиши кўп жиҳатдан марказий давлат тизими ва унинг иш олиб боришига боғлиқ. Амир Темур буни тўғри англади. Авваламбор марказий давлат тизимини ихчам ва ишчан қилиб тузди ва бу ишда у сонга эмас, балки сифатга эътибор берди. Давлат муассасаларига имонли ва инсофли, диёнатли ва ташаббускор одамларни ўтқизди.

Тожу-тахт ва салтанат тақдири кўп жиҳатдан вазирларнинг фаросати, тўғрилиги, қандай иш юритиши, қолаверса, саъй-ҳаракати ва ғайратига боғлиқ. Амир Темур улардан инсоф, тўғрилик ва савоб билан иш тутиш, ришват (порахўрлик)дан холи бўлишни талаб қилди. Амир Темурнинг фикрича, вазир тўрт сифатга эга бўлиши керак. Булар: 1) аслик ва тоза наслик; 2) ақлу фаросатлилик; 3) раият ва сипоҳ аҳволидан бохабарлик; 4) сабр-тоқатлилик ва тинчликсеварлик. Бинобарин, шу тўрт сифатга эга бўлган кишиларгина ҳазрат Амир фармони билан вазирлик мансабига тайин этилган, мамлакат ишлари, раият ва сипоҳнинг ихтиёри уларнинг қўлига топширилган. Бу борада соҳибқирон қатъий хулосага эга бўлганлар: мана шу тўрт сифатга эга бўлган

вазиргина "давлат ишларини тартибга келтириб, мулкӣ ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан, аслу наслининг тозалигини кўрсатиб, ажойиб бир тарзда адо эта олади. Олгулик ердан олиб, бергулик ерга беради... Душманлик ва жабр-зулм қилмайди... Бировдан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бировдан ёмонлик кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиладики, у охири ёмонлигидан қайтади..."

Ва яна бузуқи, қора ният, зоти паст одамларни ҳукумат ишларига яқинлаштирмаслик керак, деб огоҳлантиради ҳазрат соҳибқирон. Шунинг билан бирга у вазирларни — тўғрисўз, соф кўнгил, адолатпеша ва садоқатли вазирларни эҳтиёт қилиш зарур, деб уқдиради. У хусусан, бундай дейди: "Агар улар ўз фаолияти даврида, ҳатто салтанатни йиқитиш қасдида давлатга хиёнат қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришга шошмасинлар, балки аввал (унинг ҳақида) хабар берувчиларнинг ўзлари кимлиги, даъволарининг рост-ёлгонлигини маҳак тошига (олтиннинг софи ёки сохталигини аниқлаб берувчи қора тусли бир тош) уриб текшириб кўрсинлар. Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва гийбатчилар ёки кўролмай, ё таъмагирлик билан ёлгон тўқиб, уни чиндай қилиб, ясаб чиқарадилар ва ёвуз мақсадларига стишадилар. Давлат ичида талайгина, олчоқ, ёмон одамлар борки, давлат душманларини яхшилаб, унинг учун жон фидо қилувчиларни турли макр-ҳийла билан хароб қиладилар. Уларнинг мақсадлари салтанат кўрғонига раҳна солишдир". Шу билан бирга, Амир Темури мансабини суиистеъмом қилиб давлат ва халқ ҳақида хиёнат қилган вазирларга шафқатсиз эди. 1404 йили Самарқандда бўлган Испания қироли Ҳенрих III (1390—1407)нинг элчиси Луи Гонсалес де Клавихо Амир Темурнинг 1404 йил 9 октябрь куни ўз мансабини суиистеъмом қилиб, давлатга хиёнат қилган вазир хожа Муҳаммад Довудни халқ кўзи олдида жазолагани ҳақида гувоҳлик беради. "У,— деб ёзади Клавихо,— Самарқанд империясида энг катта одам эди. Темурбек бундан олти йилу ўн бир ой аввал уни алькальд (вазир) этиб тайинлаб кетган эди. У бўлса шу вақт ичида мансабини суиистеъмом қилди".

Амир Темур тузган марказий давлат тизимига келсак, уни бор йўғи етти вазир: 1) мамлакат ва раият вазири, 2) сипоҳ вазири, 3) молия ишлари вазири, 4) салтанат ишларини юритувчи вазир; бешинчи, олтинчи, еттинчи вазирлар — сарҳад вазирлари бошқарарди. Лекин улар-

нинг ким ва нималиги, яъни зиммасига қандай вазифалар юклатилганлиги аниқ маълум эмас. "Тузуқлар"да айтилишича, бу уч вазир сарҳадлар вазири деб аталган ва тобсъ мамлакатларга тегишли ишлар билан машғул бўлганлар. Хусусан, "улар мазкур ерлардаги молиявий муомалаларни ва ксладиган даромадларни бошқариш-син",— дейилган. Балким вазири аъзам қарамоғида шу ишлар билан шуғулланадиган уч вазирдан иборат ҳайъат бўлгандир? "Зафарнома"да дсвони адл, дсвони қуззот, дсвони мансаб дсган атамалар учрайди. Дсвони адл ва дсвони қуззот, ўз-ўзидан кўриниб турибди, адлия ишлари билан шуғулланган. Дсмак, бешинчи вазир адлия ишлари билан машғул бўлган. Дсвони мансабга келсак, у подшоҳ саройида ва бошқа ерларда бўлиб турадиган ҳар қандай воқса ва ҳодисалардан хабардор бўлиб туриш, мансабдорларнинг фаолиятини кузатиш ишлари зиммасига юклатилган махсус дсвон бўлса керак. Шундай муассаса Ғазнавийлар, Сомонийлар ва Хоразмшоҳлар давлатида ҳам бўлган ва дсвони мушриф деб аталган. Шубҳасиз, бундай дсвон Темур ва Темурийлар давлатида ҳам бўлган, албатта. Дсмак, олтинчи вазир Дсвони мансаб тепасида турган. Яна шу ҳам маълумки, ўрта аср фсодал давлатлари фаолиятида, (Амир Темур давлати бундан мустасно эмас, албатта) мамлакатлараро савдо ва элчилик муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Мазкур юмушларга масъул бўлган муассаса Дсвони расоил (Элчилик дсвони) ёки Дсвони иншо деб аталган. Дсмак, вазирлардан бири, еттинчиси шу муассасага раҳбарлик қилган. Шундай бўлганида Амир Темур давлатидаги дсвонлар ва уларнинг тепасида турган вазирлар қуйидагилардир:

Биринчиси вазири аъзам (Бош вазир) деб ҳам аталиб, салтанатнинг муҳим ишларига мутасаддийлик қилган. Бошқа сўз билан айтганда, кундалик жорий ишлар, раиятнинг ҳол-аҳволи, вилоят ва ўлкалардан олиб туриладиган ҳосил, солиқ, кирим-чиқим ишларини бошқариш каби муҳим ишлар вазири аъзамнинг зиммасида бўлган. Хазина ва эл-юртнинг фаровонлигини таъминлаш ҳам унга вазифа қилиб юклатилган. Вазири аъзам фақат олий ҳукмдор (подшоҳ, хон) олдида масъул бўлган.

Иккинчи вазир сипоҳийларнинг маош ва танҳоларини (уларнинг маоши учун ажратиб берилган ер-сув) тасаруф этган. Бошқа сўз билан айтганда, сипоҳнинг таъминоти ва унинг умумий аҳволини назорат қилиб туриш иккинчи вазирнинг зиммасида бўлган.

Учинчи вазирнинг зиммасига эгасиз (давлатга қарашли) ер-сув ва мулкларни бошқариш, яйлов ва ўтлоқларни назорат қилиш, бож ва закотдан тушган даромад ҳисоб-китобини олиш вазифаси юклатилган.

Тўртинчи вазир тамом давлат муассасаларининг ким-чиқимлари, хазинадан олиб сарфланаётган харажатларни тасарруф қилиб турган.

Бешинчи вазир адлия вазири бўлиб, дсвони қуззот (қозилар дсвони)га раҳбарлик қилган. Бу дсвон — дсвони адл дсб ҳам аталган.

Олтинчи вазир, юқорида қайд этилганидек, Дсвони мушрифга раҳбарлик қилган.

Еттинчи вазир эса хорижий мамлакатлар билан бўладиган муносабатларга мутасаддийлик қилган.

Тарихий манбаларда айтилишича, давлат муассасаларида амин, арзбегги, баковулбоши, битикчи, дафтардор, доруға, қутвол, омил, оталиқ, мажлиснавис, мунший, муфтий, муҳандис, муҳосил, мухтасиб, филбон, садр, садр аъзам, соҳиб дсвон, товочи, фаррош, фақиҳ, хабаргир, хазинадор, хонсолор, шайхулислом, юртчи, қози калон, қози аскар, қушчи каби катта-кичик мансабдорлар хизмат қилишган. Шулардан баъзиларининг вазифаларига қисқа тарзда тўхталиб ўтамиз.

Арзбегги — подшоҳ ҳузурига арз-дод билан келувчилар ҳақида, шунингдек, эл-юртнинг умумий аҳволи, жойларда олий ҳукмдорнинг фармон ва буйруқлари қандай бажарилаётганини вақти-вақти билан келиб унга арз қилиб турувчи мансабдор.

Аълам — фиқҳ ва шариат қонунларини пухта билган олим; маслаҳатчи.

Баковулбоши — сарой ошпазларининг бошлиғи.

Битикчи — котиб, дсвон хизматчиси, мунший дсб ҳам аталган.

Дафтардор — молия маҳкамаси хизматчиси, ким-чиқим ва олиқ-солиқ дафтарларини юритувчи кичик мансабдор.

Дсвонбегги — ҳукумат дсвонларининг бошлиғи.

Жарчи — олий ҳукмдорнинг фармонлари ва подшоҳликда (хусусан саройда) юз бериб турадиган муҳим воқеаларни халққа эълон қилиб турувчи кичик мансабдор.

Доруға — шаҳар ҳокими; шахна дсб ҳам аталган.

Зинбардор — подшоҳ ва шаҳзодаларнинг отларига эгар урувчи хизматкор.

Қутвол — қалъа бошлиғи.

Омил — маҳаллий ҳоким; солиқ ундириш ишларига раҳбарлик қилган.

Оталиқ — шаҳзода ва хонзодаларнинг тарбиячиси.

Мажлиснавис — Олий ҳукмдорнинг кенгаш ва машваратларида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва счилган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотини махсус дафтарга ёзиб олиб сақловчи хизматкор. Бундан ташқари, подшоҳга арз қилинган ишлар, қабул этилган қарор (ҳукм), хуллас, мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб то шахсий гапларгача қайд этиб бориш зиммасига юклатилган девон хизматчиси.

Мирохур — подшоҳ отхонаси хизматчилари тепасида турган мансабдор.

Мушриф — давлат назоратчиси.

Мухосиб — солиқ ва ўлпон йиғувчи кичик мансабдор.

Муфтий — фақиҳлар (мусулмон қопуншунослари) бошлиғи. Шариат қонунлари асосида қатъий ҳукм чиқарувчи олий мансабдор. Мансаб жиҳатдан қози калондан юқори турган.

Мухтасиб — мўмин-мусулмонлар томонидан шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши, бозорда нарх-наво ва тошу тарозуларнинг тўғри ёки эгрилигини назорат қилиб турувчи мансабдор.

Мунший — котиб, саркотиб; подшоҳ (хон)нинг шахсий котиби. Мунший хос деб ҳам аталган. У махфий кенгаш ва мажлислардаги бўлқин гапларни холислик билан дафтарга қайд этиб борган. Ундан мажлисда бўлган гапларни пинҳон тутиш талаб қилинган.

Муҳандис — геометрия илмини яхши билган олим; биноларнинг тарҳини тузиб берувчи мутахассис; қурувчи-инженер.

Нақиб — қўшинни жанг олдидан ўринлаштирувчи мансабдор.

Филбон — подшоҳ ихтиёрида бўлган жанговар филларни тасарруф қилиб турувчи хизматкорлар бошлиғи.

Садр аъзам — сайишлар ва диний арбобларга суюрғол (тожу-тахт ва салтанат олдида кўрсатилган катта хизмат эвазига берилган махсус инъом; ер-сув, мол-мулк) тариқасида берилган ерлар, шунингдек вақфларни тафтиш қилиб, вақти-вақти билан олий ҳукмдорнинг арзига ст-казиб туриш зиммасида бўлган олий мансабдор.

Соҳиб девон — ҳукумат девонининг бошлиғи; вазири аъзам.



Тавочи — олий ҳукмдорнинг амри билан ҳарбий юришлар олдидан вилоятларга бориб лашкар тўплаб келиш ва унинг бошқа махсус топшириқларини (ҳарбий юришлар вақтида қўшинларни ўринлаштириш; ҳукм ижро этилишини назорат қилиш; иморат, наҳр ва бошқа қурилишларда иш тақсимлаб бериш ва ҳ.к.) ижро этувчи ҳарбий мансабдор.

Фаррош — подшоҳ (хон) хоналарини супуриб-сидирувчи, гилам, тўшак ва бошқа керакли нарсаларни тўшовчи хизматкор.

Фақиҳ — **фиқҳ** (мусулмон қонунчилиги) илмининг билимдони; ҳуқуқшунос олим.

Хабаргир — бошқа мамлакатларда, шунингдек, душман тарафдаги аҳвол ҳақида маълумот олиб келувчи.

Хазинадор — подшоҳ (хон) ва давлат хазинасини (хазорайи омира аталган) тасарруф этиб турувчи мансабдор.

Хонсолор — сарой дастурхончиси.

Чуҳрабоши — подшоҳ (хон) ва шаҳзодаларнинг шахсий қўриқчилари бошлиғи.

Шайхулисом — мусулмон жамоасининг бошлиғи.

Юртчи — ҳарбий юришлар пайтида қўниб утиладиган манзилларда подшоҳнинг ўрдасини жойлаштиришга масъул бўлган мансабдор.

Қози калон — мамлакат қозиси.

Аҳдос қозиси — фуқаро ўртасидаги келишмовчилик ва тортишувларни дунёвий қонунлар асосида ҳал қилган мансабдор.

Шариат қозиси — шариат қонунарига асосланиб иш юритган мансабдор.

Қози аскар — сипоҳийлар ўртасида чиқиб турадиган келишмовчилик ва тортишувларни қонун асосида ҳал қилувчи мансабдор; ҳарбий судья.

Қўрбоши — қурол-аслаҳа омбори бошлиғи.

Қурчи боши — подшоҳ ва шаҳзодаларнинг қурол-аслаҳасини кўтариб юрувчилар бошлиғи.

Қушбеги — подшоҳнинг ов ҳайвонларини тасарруф қилиб турган хизматкорлар (қушчилар) тепасида турган олий мансабдор.

Қоровулбеги — подшоҳ (хон) саройи (ўрдаси) қўриқчилари бошлиғи; қўриқчи ҳарбий қисм бошлиғи.

Давлатни идора қилишда, хусусан қўшинларни бошқаришда амирларнинг хизмати бешиҳоят катта бўлган. Авваламбор шуни айтиш керакки, амирлар асосан ҳарбий кишилар бўлишган. Улар Амир Темур давлатига тобё

бўлган туман ва ноҳияларда истиқомат қилиб турган қирқта аймоқ (қабил)дан ўн иккитаси, яъни барлос, аргин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, туғой, қипчоқ, орлот, тотор, тархон ва бошқалар орасидан сайлаб олинган. Амирлик рутбаси дастлаб Амир Темур ҳарбий-сиёсий фаолиятининг илк даврида унинг билан елкадош бўлган 313 кишига берилган. Уларнинг юз нафари — ўнбоши, юзтаси — юзбоши, яна бошқа юзтаси — мингбоши, тўрттаси — бекларбеги, биттаси — амир ул-умаро (амирлар бошлиғи) вазифасига тайинланган. Қолган 18 рутба бизнинг фикри ожизимизча, сарой (ўрда)нинг ўзида хизматда бўлган олий мансабдорларга (масалан, муҳрдор, хазинадор)га берилган бўлиши мумкин. Амирлар орасидан ўн икки кишига биринчи, иккинчи, учинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи даражали амир деган фахрий унвон берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умарога ноиб бўлган. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ногора, бир туман (ўн минг кишилик) қўшин, туғ ва чортуғ берилган. Тўрт нафар бекларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ногора, чортуғ, бурғу (карнайга ўхшаш мусиқа асбоби) берилган. Жанг ва хизматда ўзини кўрсатган, бошқаларга ўрнак бўлушлик иш қилган амирлар рағбатлантирилган. Масалан, жанг майдонида шижоат ва баҳодирлик намуналарини кўрсатган амирларга уч имтиёз: 1) туғ, ногора ва баҳодирлик рутбаси; 2) давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи ва 3) бирон сарҳаднинг ноиблиги инъом этилган.

Амир Темур ўзининг улкан империясини улус-улус қилиб идора қилди. Мовароуннаҳрдан бошқа барча ўлка ва мамлакатларни у тўрт улусга бўлди: Қобул, Ғазни ва Қандаҳорни, Синд дарёсигача бўлган ерларни 12 минг кишилик қўшин билан тўнғич ўғли амирзода Жаҳонгирга берди. Унинг вафотидан (1376) кейин эса, у вилоятларга Балх мамлакатини ҳам қўшиб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом қилди. Соҳибқирон иккинчи ўғли Умаршайх мирзога Фарғона ўлкасини, сўнгра 1393 йили Форс вилоятини берди. Шунингдек, унга 10 минг кишилик қўшин ихтиёрини ҳам берди. Учинчи ўғли амирзода Мироншоҳ 1380 йили 10 минг кишилик қўшин билан Хуросон мамлакатига тайинланди. 1383 йили эса унга Ғарбий Урда ва Озарбайжонни (маркази Табриз) улус қилиб берди. Хуросонга эса кенжа ўғли амирзода Шохрухни тайин қилди ва 8 минг кишилик қўшин билан

Ҳиротга жўнатди. Улус ҳукмдорлари сиртдан қараганда, мустақил ҳукмдорга ўхшардилар. Уларнинг ўз дсвонлари, хазинаси ва қўшини бўлган. Лекин аслида улуснинг инон ихтиёри тўлалигича шаҳзодалар қўлида эмас эди. Биринчидан, улар улуснинг муҳим ишларини отаси ва марказий ҳукумат билан кенгашиб қилишарди. Иккинчидан, Амир Тсмур уларнинг ёнида ўзининг ишончли одамларини тутди. Ундан ташқари, улус ҳокимлари хирожнинг бир қисмини марказий давлат хазинасига жўнатиб туриши ва зарур бўлиб қолганда отаси ёнига қўшин билан бориб хизмат қилишга мажбур эдилар.

### III

Биз юқорида давлат асосан тўрт омилга: раият, хазина, қўшин ва салтанатга таянишини эслатиб ўтган эдик. Салтанат хусусидаги бор гапни айтдик. Энди бошқа омилларга: раият, хазина ва қўшин масаласига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тарихда биронта давлат хазинасиз кун кечирмаган, ҳозирда ҳам шундай. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат.

Гапни хазинадан бошлайлик. У асосан халқдан тўп-ланадиган олиқ-солиқ, бўйсундирилган шаҳар ва мамлакатлардан ундириладиган ўлпон (моли омон), давлат ерлари ҳамда бошқа мулкдан келадиган даромад ҳисобига тўлдирилган. Шу сабабдан подшоҳлар хазина, унинг тўкин-сочинлиги хусусида доимо қайғуриб келганлар. "Хазинанинг камайиб қолиши,— дейилади "Тузуқлар"да,— сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади". Яна шуни ҳам айтиш керакки, нафақат лашкарнинг туриш-турмуши, балки давлат хизматчиларининг туриш-турмуши ҳам хазинага боғлиқ. Шунинг учун ҳам хазинанинг ғариблашиши ўз навбатида салтанатнинг заифлашувига олиб боради. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, ўша замонларда аҳолидан хирож (мол), молу жиҳот, тағор, тамға, ихрожат, бож, сари шумор, хона шумор, алафа (улуфа), шилон пули, пшкаш, совурин каби солиқ ва жарималар ундирилган.

Хирожни олсак, у асосий даромад солиғи бўлиб, айрим ҳолларда стиштирилган ҳосилнинг ўндан бири, кўп ҳолларда эса учдан бир қисмини ташкил этган. Молу жиҳот — нақд пул ёки маҳсулот билан тўланадиган солиқ; тағор — ҳарбий юришлар вақтида аҳолидан

тўпланадиган ғалла, озиқ-овқат; тамга — ҳунармандлар ва савдогарлардан йиғилган солиқ, ихрожат — сарой харажатлари учун аҳолидан тўпланадиган солиқ; бож — бир мамлакатдан иккинчисига, айрим ҳолларда вилоятдан — вилоятга ўтишда савдо қилувчилардан ундириладиган йиғим; сари шумор — жон бошидан олинадиган солиқ — жонсолиги; хона шумор — ҳар бир хонадондан йиғиладиган солиқ; қўналга — элчилар ва чопарларга қўноқ бериш мажбурияти: шилон пули — подшоҳлар ва амирларнинг овқати учун хонабошидан тўпланадиган солиқ; пешкан — подшоҳ, амирзодалар ва олий мартабали кишиларга қилинадиган ҳадя; совурин — олий мартабали кишиларга ҳадя қилиш учун бадавлат аҳолидан тўпланадиган йиғим.

Сипоҳ масаласига келсак, тожу-тахт олдида унинг хизмати ниҳоятда каттадир. Амир Темур айниқса сипоҳнинг таъминотига алоҳида эътибор берди; чунки унинг ҳукуматга садоқат билан хизмат қилиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Шунинг учун биринчи галда сипоҳийларга маоши ўз вақтида бериб туриларди. Ҳазрат соҳибқирон ҳарбий юриш олдидан олти ойлик маошни бирийўла тўлашни мутасадди мансабдорлардан талаб қилди. Ундан ташқари, ҳар бир сипоҳийга жанг олдидан махсус совғалар (укулкалар) улаштирилди. Сипоҳийлар тўпланган ўлжадан ҳам баҳраманд қилинди. Масалан, сипоҳнинг маоши қуйидаги миқдорда белгиланган: оддий сипоҳийга, ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан, минган отининг баҳоси миқдорида; баҳодирларга икки-уч от баҳоси миқдорида; ўнбошиларга ўн от баҳоси миқдорида; юзбошиларга — ўнбошиларникига қараганда икки баробар ортиқ; мингбошиларга юзбошилардан уч баробар ортиқ миқдорда белгиланган.

Сипоҳийлар (қўшин) хусусида яна шуни ҳам айтиш керакки, Амир Темур яхши қуролланган ва ўргатилган кучли армияга асос солди. Унинг армияси, ўрдада доимий хизматда турган қурчи, қоровул, навкарлар ва махсус черик (гвардия)дан ташқари, асосан лашкардан, яъни фақат юриш олдидан улус ва юртлардан тўплаб олиб келинадиган аскардан иборат бўлган. "Юриш вақтида,— дейилади "Тузуқлар"да,— ҳар бир улус ва туман амири ҳар чодирликдан бир отлиқ, ҳар икки олачуқ (чайла)дан бир отлиқ, ҳар бир уйдан бир отлиқ аскар ажратиб, ўзлари билан бирга олиб келсинлар". Дарҳақиқат, ҳарбга чақирилганларнинг ҳар бири эгар-жабдуқ ва зарур уруш анжомларини ўзи билан бирга олиб келган. Масалан, ҳар

ўн саккиз киши бир чодир олиб келиши, ҳар бир сипоҳий икки от, бир камон, бир садоқ (ўқдон) ўқ, бир қилич, арра, бигиз, бир қоп, жуволдуз, болта, ўнта игна, орқага осиладиган чарм халта олиб келиши шарт бўлган.

Сипоҳийга ҳар бир жангдан сўнг ажрим берилган, агар сипоҳий урушда хатога йўл қўйса, маоши ўндан бирга камайтирилган. Ва, аксинча, жасурлик кўрсатганларнинг мартабаси кўтарилган. "Қилич чошида ўзини кўрсатган баҳодирларни,— биринчи мартаба бўлса — ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса — юзбоши, учинчи мартабасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар" дейилади тузуқларда.

Қартайиб қолган ва шу сабабдан ҳарбий хизматдан озод қилинган сипоҳийлар ҳам Амир Темурнинг диққат-эътиборидан четда қолмаган. "Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қариллик ёшига старкан,— дейди у,— уни улүфадан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик лозим. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзи инъом ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойиқдир".

Лекин нима бўлганда ҳам, салтанатнинг устуворлиги кўп жиҳатдан раиятга, унинг салтанатга содиқ хизмат қилишига боғлиқ. Давлатнинг борини ҳам, йўғини ҳам ўша раият, яъни қора халқ ҳал қилади. Шунинг учун ҳам Амир Темур сипоҳий билан раиятга бир кўз билан қаради, адолат ва инсоф билан иш тутиб, қора халқни ҳам ўзидан рози бўлишига ҳаракат қилди. Биз буни ҳазрат соҳибқироннинг солиқ сиёсатида яққол кўраимиз. "Тузуқлар"да айтилишича, хирож олинадиган ер-сув одатда (сув манбаларига яқин-йироқлиги, ҳосилдор ёки камҳосиллигини ҳисобга олиб) уч даражага бўлинган. Биринчи даражали ерлардан ҳосилнинг тўртдан бир қисми, иккинчи даражали ерлардан икки харвор (икки эшак юки), учинчи даражали майдондан бир харвор миқдорида хирож олинаши белгиланган. "Агар раият бу йўсинда солиқ тўлашга рози бўлмаса, у ҳолда бир харвор буғдойига беш мисқол кумуш, бир харвор арпасига икки ярим мисқол кумуш миқдорида нарх қўйсинлар", дейилади "Тузуқлар"да. Ва яна ҳосил пишиб йиғиштирилмасдан туриб раиятдан молу жиҳот талаб қилмаслик ва умуман солиқни бирдан эмас, уч қисмга бўлиб олиш лозим", деб алоҳида уқдирилади.

Амир Темур ҳукумати янги ер очган ва ташландиқ ерларни обод қилган зироатчиларга (деҳқонларга) алоҳида

имтиёзлар берган. Бу ҳақда "Тузуқлар"да мана буларни ўқиймиз: "Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ё худ бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин". Умуман, Амир Темури калонтарлар ва солиқ йиғувчиларни бу ишда инсоф ва адолатга, қонунга хилоф иш тутмасликка чақиради ва бу хусусда мансабдорларни қаттиқ огоҳлантиради. "Раиятдан мол-хирож олишда, — дсб айтади у, — уларни оғир аҳволга солишдан сақланиш зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашишига олиб келади. Хазинанинг ғариб бўлиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши эса, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади". Мсҳнаткаш халққа зулм қиладиган яна бир ижтимоий тоифа бор. Бу — савдогарлар. Аслида савдогар — керак тоифа, чунки у аҳолининг мушкулини осон қилади. Оддий халқнинг қўли стмайдирган, турмуш учун ўта зарур бўлган товарни узоқ юртлардан олиб келиб ҳожат чиқаради. Имонли савдогарлар молини инсоф билан сотади. Лекин шундай савдогарлар ҳам борки — бахтга қарши, улар кўпчиликни ташкил қилади — ҳазрати Алишер Навоийнинг сўзи билан айтганда, "уларнинг дўконида инсофдан бошқа барча мол мавжуддир, улар бирга арзирни юзга сотмоқдан минг бор мақтанадилар, мингга тенгни юзга олмоқдан заррача уялмайдилар... Алдаш уларнинг ҳунаридир". Навоий уларни хиёнатчи дсб атайди. Амир Темури ҳам бундайларни ёмон кўрган, уларга шафқат қилмаган. Клавихо бундай гувоҳлик беради: "Ўша куни (1404 йил 9 октябр — Б. А.) Темурбек айрим қассобларни, у Самарқандда бўлмаган йиллари, гуштни ортиқ нархда сотганлари учун, жавобгар қилишни буюрди. Сўнг молини ортиқ баҳо қўйиб сотган баъзи маҳсидўз ва этикдўзлар ҳам жазога тортилдилар".

Амир Темури бошқа мамлакатлар билан элчилик ва савдо муносабатларини яхши йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор берди. Соҳибқирон ва унинг ворислари даврида Темурийлар давлатининг Мўғулистон, Хитой, Ҳиндистон, Олтин ўрда, Миср, Туркия ва ҳатто Испания, Франция, Англия билан элчилик ва савдо муносабатлари ривожланди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг саройи ҳамма вақт ўша мамлакатлардан келган элчилар билан, карвонсарой ва бозорлар эса моллар билан лиқ

тўла эди. Бунга Амир Темури, Мироншоҳ ва бошқа темурийларнинг хорижий давлат бошлиқлари билан олиб борган ёзишмалари шоҳиддир. Бу мактубларнинг айримлари ҳозирча Франциянинг миллий кутубхонасида, Англиянинг Британия музейида, Туркиянинг Фотиҳ Сулаймон кутубхонасида, шунингдек баъзи бир қўлёзма ва мажмуаларда сақланмоқда. Мен ёш шарқшунос олимларни ўша ҳужжатларни ўрганишга, Амир Темури давлатининг ташқи сиёсатини тадқиқ этишга чақирардим. Чунки бу — катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Яна бир гап. Амир Темури салтанатни бошқаришда кенгаш-машварат ва маслаҳатга алоҳида эътибор берган. Кенгаш — бу яқин, ишончли одамлар билан муҳим давлат ишлари юзасидан қилинадиган маслаҳат, йиғилиш; машварат эса машойих, уламо, фузалло, вазиро, умаро ва бошқа аркон давлатни тўплаб қилинадиган йиғилиш. Ҳазрат соҳибқирон бутун умри мобайнида ҳар ишда яқин одамлари, аркон давлат ва мамлакат аъёнлари билан кенгашиб иш тутди. "Ғарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса-да, — дейди у, — ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозим". Ҳазрат соҳибқирон давлат ишлари хусусида бирон қарорга келиши олдидан обдон ўйлаб иш тутган. "Давлат ишларининг тўққиз улушини, — дейди у, — кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич билан ҳал қилдим".

Амир Темури бу хусусда яна бир муҳим гапни айтади: "Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур: бири тил учиде айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учиде айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жо этардим".

Муҳим давлат ишлари, масалан кимнидир олий мансабга кўтариш зарур бўлганда, умуман давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар қурултойда ҳал қилинар эди. Унга барча амирлар, улус ва вилоят ҳокимлари, аркон давлатнинг барчаси иштирок этган.

Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати ҳақидаги фикр айтилганлар билан чекланиб қолмайди. Булар фақат денгиздан бир томчи, холос. Амир Темур давлати ва ҳазрат соҳибқироннинг давлат тутиш сиёсати жуда кўп катта-катта илмий асарларга мавзу бўлгулик. Узил-кесил фикр — олдинда.

## ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Бинони пойдесворсиз тиклаш мумкин бўлмаганидск, манбасиз тарихни ҳам, хоҳ у узоқ ўтмиш, хоҳ янги замон тарихи бўлмасин, яратиш қийин. Айниқса, ўтмиш ҳақида бирон асар ёзиш мушкул, чунки, орадан анча вақт ўтган, қолаверса, узоқ ўтмиш воқсалари ҳақида жуда кам ахборот сақланиб қолгандир. Қолаверса, тарихий манбанинг турлари ҳам кўп. Улар турли нарсалардан (суяк, тош, темир ва бошқалар) ясалган қурол-аслаҳалар, уй-рўзгор буюмлари, зсб-зийнат ашёлари, қадимги одамларнинг турар жойлари, суғориш ва мудофаа иншоотларининг қолдиқлари, ниҳоят, тош, папирус, тери ва қоғозга битилган ёзувлар бўлиши мумкин. Буларсиз ўтмиш билан боғлиқ тарихий масалаларни счиб бўлмайди...

Алалхусус, Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиш тарихи масаласини олиб кўрайлик. Бу масала кўпдан бери илмий жамоатчиликнинг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бу ҳақда йирик тарихчи олимларнинг (Н. А. Аристов, А. Ю. Якубовский, П. П. Иванов, А. А. Семенов, Ҳ. Вамбери, Г. Ховорс, М. П. Пельо, М. А. Чапличка ва бошқалар) озми-кўпми фикрлари бўлса-да, лекин ҳозиргача қатъий бир илмий фикр айтилганича йўқ. Уни счиш учун ўтмишдан қолган барча ёдгорликларни, археологик топилмаларни, қадимий афсоналар ва қиссаларни шунингдек, турли тилларда битилган ва бизнинг замонамизгача стиб келган ёзма ёдгорликларни ҳам қунт билан атрофлича ўрганиш талаб қилинади. Бунинг учун стук археологлар, этнографлар, географлар, антропологлар, тилчи ва адабиётчилар, шунингдек шарқ тиллари ҳамда қўлёзма манбаларни яхши биладиган олимларнинг ҳақиқий бир уюшмасини тузишга тўғри келади.

Ўрга Осиё, замини кўҳна ўлкаларнинг, қадимий миллатларнинг бшигидир. Шу муқаддас бшикда ўзбек халқининг тарихи ҳам бор. Хоразмда, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида, шунингдек Шош (Тошкент) ва Фарғона воҳаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар ва кузатишлар Ўзбекистонда милоддан аввал, аниқроғи IV—II минг йилликлар орасида одам яшаганлигини кўрсатди. Археолог олимларимиз уларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётига оид бир қатор ёдгорликларни очдилар. Республикамиз жанубидаги Кўҳитанг тоғларидаги ғорларда, Самарқанд яқинида жойлашган Илонсой,



Оқсой, Тошкент вилоятига қарашли Хўжакент қишлоғида, шунинг каби Фарғона воҳасидаги Фалактош манзилида топилган тошга ўйиб ишланган ов манзаралари, кўҳна Хоразмда (Жонбос қалъа ва бошқалар) топилган суяк ва тошдан ишланган қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари шулар жумласидандир. Топилмалар узоқ аجدодларимизнинг ижтимоий ва маданий турмуши қай даражада бўлганлиги ҳақида умумий хулоса чиқаришга ёрдам беради. Модомики шундай экан, бу ёдгорликлар ўзбек халқининг келиб чиқиши, шаклланиш тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбалардан бири вазифасини ўтайди.

Авалло шуни айтиш керакки, биринчидан, ўзбек халқининг аجدодлари бўлган қадимий қабила ёки элатлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд асарларда аниқ бир жойда, маълум бир бобда келтирилмаган, балки бутун асар бўйлаб "сочилиб" ётибди. Демак, бутун асарни аввалидан охиригача қунт билан ўқиб чиқиш ва бу маълумотларни бошоқ тергандай битталаб териб олишга тўғри келади. Иккинчидан, бу маълумотлар мукамал бўлмай, жуда-жуда қисқадир. Учинчидан эса, бир муаллифнинг келтирилган маълумоти иккинчи бир асарда учрайдиган маълумотга тамоман зид бўлиш ҳоллари ҳам учрайди. Демак, бир эмас, балки ўнлаб асарларни диққат билан ўқиб чиқиш, уларда келтирилган маълумотларни бир-бирига солиштириш ва уларни танқидий нуқтаи назар билан ўрганишга тўғри келади.

Маълумки, қадимдан Амударё (унинг қадимий туркийча номи Ўқуз) ва Сирдарё (қадимий номи Хашрат)<sup>1</sup> оралиғида ва унинг шимолий ҳамда шимолий-шарқ тарафидаги ерларда истиқомат қилган саклар, массагетлар, тохарлар (хитой манбаларида юэчжи), кангюйлар, уззлар ҳамда усунлар ўзбек, туркман, қозоқ ва қирғиз халқларининг аجدодларидир. Қадимги Эрон манбаларида, Муғ қалъаси (Тожикистоннинг Айний тумани)дан топилган сўғд тилидаги ҳужжатларда, шунингдек, Қаяумарс, Жамшид, Сиёвуш, Афросиёб, Кайхусрав ҳақидаги афсоналарда, Аморг ва Спаретра, Тўмарис, Широқ қиссаларида булар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қадимги юнон манбаларида, хусусан Геродот (милoddан аввалги V аср), Страбон (милoddан аввалги I аср),

1

Қадимги юнон олимлари ва ёзувчилари ўз тилига мослаштириб, буларнинг бирини Оксус, иккинчисини Яксарт деб атаганлар.

Эфор (милоддан аввалги 405—330 йиллар), Дионисий (милоднинг II асри) каби тарихчи ва географ олимларнинг асарларида саклар ҳамда массагетлар ҳақида, хусусан уларнинг аниқ яшаган жойлари, урф-одати ва турмуши ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан, Эфорнинг "Умумий тарих" деб аталган 30 жилдлик асарида мана буларни ўқиймиз: "Қўйбоқар саклар — скифлар таркибига кирувчи қабилалардан. Улар одил кўчманчилар тоифасидан бўлиб, дон етиштириладиган Осиёда истиқомат қилганлар... Саклар бир жойдан иккинчи бир жойга араваларда кўчиб юрадилар ва бия сути билан тирикчилик ўтказдилар..." Ёки Клавдий Эллианнинг кўп жилдлик "Ҳар хил ҳикоятлар" асарида келтирилган қуйидаги маълумотга эътибор берайлик: "Саклардан бирон шахс бир қизга уйланмоқчи бўлса, аввало у билан мусобақалашиви зарур. Борди-ю бу курашда сн-гилгудск бўлса, йигит тамоман унинг ихтиёрига ўтади, асири ва қулига айланади. Йигит фақат ғолиб келган тақдирдагина қизни хотинликка олиши мумкин". Қадимги юнон ва Рим олимларининг асарларида шунга ўхшаш маълумотларни кўплаб учратиш мумкин. Страбоннинг 17 китобдан иборат "География" асарида, шунингдек, милоддан аввалги I аср охири ва милоднинг бошларида ўтган Помпей Трогнинг 44 жилддан иборат "Умумий тарих"ида ("Филиппин тарихи" деб ҳам аталади) саклар ва массагетларнинг умуман қайси халққа мансублиги, улар яшаган ҳудуд ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар учратамиз. "Каспий денгизи (унинг шарқий қисми)дан бошлаб — скифларнинг катта қисми,— деб ёзади Страбон,— дайлар (дайлар ва дербиклар асосан ҳозирги Қорақум ўрнида истиқомат қилганлар — Б. А.), улардан шарқда яшовчи қисмлари эса массагетлар ва саклар деб аталади..." Скифлар хусусида Помпей Трог билдирган мана бу мулоҳазалар ҳам диққатга сазовордир. "Скифларни ҳамма вақт энг қадимий қабила деб ҳисоблаб келганлар. Қадимийликда улар мисрликлардан қолишмайдилар".

Шарқ манбаларини олиб кўрайлик. Оташпарастрларнинг (бу диний эътиқод милоддан аввалги VI асрда Балх ва Ўрта Осиёда юзага келган) муқаддас китоби "Авесто"да Аҳамонийлар (миллодан аввалги 559—330 йиллар) ва Сосонийлар (милоднинг 224—651 йиллари) асоратига тушиб қолган мамлакатлар ва халқлар, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар бор. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, шарқ манбаларидан Амударё билан

Сирдарё оралиғида, Хоразм ва Фарғонада, шунингдек, мазкур сарҳадларга туташ ўлкаларда яшаган халқлар умумий ном билан "турк", уларнинг мамлакати эса "Туро" аталиб келган. "Авесто"да баён этилган маълумотларга ўхшаш хабарлар сосонийлар ҳукмронлиги даврида яратилган "Хвадайнамак" ("Илоҳийнома") асарида ҳам келтирилган. Тўғри, бу асар бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Унинг Ибн Муқаффаъ (757 йилда ўлдирилган) томонидан қилинган арабча таржимаси ҳам сақланмаган. Лекин мазкур асар Ибн ал-Қутайба (889 йилда вафот этган) ҳамда Табарий (838-923)ларнинг асарларига манба бўлган, хусусан, Табарий "Хвадайнамак"нинг маълум қисмларини деярли ўзгаришсиз ўз китобига киритган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимий тарихи, хусусан мамлакатнинг араб истилоси арафасидаги аҳволи, шунингдек унинг VII—IX асрлардаги тарихи араб, форс ва туркий тилларда ёзилган яна бир қатор асарларда ҳам баён этилган. Умар ал-Воқидий (747-823) нинг "Китоби мағозий" ("Урушлар ҳақида китоб"), Аҳмад ибн Вадиҳ ал-Яъқубий (892 йилда вафот этган)нинг икки жилдлик "Тарих" китоби, номи юқорида зикр этилган Табарийнинг "Тарих ар-расул ва-л-мулк ва-л-ҳулафо" ("Пайғамбар, подшолар ва халифалар тарихи"), Ибн Мискавайх (1030 йилда вафот этган)нинг "Китоб тажориб ул-умам" ("Халқлар бошига тушган имтиҳон"); Абулқосим Фирдавсий (932 ёки 936 — тахминан 1020)нинг буюк "Шоҳнома"си, Абу Наср Муҳаммад Утбий (961—1036)нинг "Тарихи Яманий" ("Султон Маҳмуд Ғазнавий тарихи"), Абу Саид Абдулҳай Гардизий (XI аср) нинг "Зайн ул-ахбор" ("Хабарлар безаги"), йирик қомусий олим Маҳмуд Қошғарий (1029—1038 йиллар орасида туғилган) нинг "Девон луғат ат-турк" ("Туркийча сўзлар девони"), Ибн ал-Асир (1160—1234) нинг "Ал-комил фи-т-тарих" ("Мукаммал тарих") асарлари шулар жумласидандир.

Бу кўҳна асарларнинг саҳифаларида Ўрта Осиёнинг қадимий туркий тилли аҳолиси ҳақида қимматли маълумотлар сақланган. Масалан, Табарийнинг юқорида қайд этилган йирик асарида араб истилочилари Қутайба ибн Муслим бошчилигида Ўрта Осиёга бостириб кирган (VIII аср бошлари) вақтида туркий қабилалар Фарғонада, Шошда, Марвда, Термизда, Хутталонда, Бодғис ва Балхда, Боб ал-абвоб (Дербент) да, шунингдек Самарқанд ва Бухоронинг теварак-атрофларида истиқомат қилганликла-

ри ва истилочиларга қарши мардлик билан курашганлик-лари ҳақида фикр юритади. "Дсвон луғат ат-турк" да ҳам эътиборга молик маълумотлар бор. Мана шулардан бири: "Қаз — Афросиёб қизининг исми. Қазвин шаҳарини шу қургандир. Бу сўзнинг (Қазви сўзининг — Б. А.) асли "Қоз ўйини" — ўйналадиган жой демакдир. Чунки шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар Қазвинни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Қум шаҳри ҳам чегарадир. Қум туркча сўздир. Афросиёбнинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк шаҳарлари чегараси Марви шоҳижаҳондан бошланишини сўзлайдилар. Чунки Қазнинг отаси Танга Алп эр — Афросиёбдир. У Таҳмуросдан (қадимги Эрон подшоҳларидан, Пешдодийлар сулоласидан иккинчи ҳукмдор — Б. А.) уч юз йил кейин Марвни бино қилгандир. Баъзилар бутун Мовароуннаҳрни турклар ўлкаларидан деб санаганлар. У Янканддан бошланади. Унинг (Янканднинг — Б. А.) бир оти Дирўйиндир. У сариқлигига кўра мис шаҳри демакдир. Бу Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи Қазнинг эри Сисёвуш ўлдирилгандир. Маъжусий-оташларастлар ҳар йили бир кун бу ерда келиб Сисёвуш ўлган жой атрофида йиглайдилар, моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг мазори тегисига тўкадилар. Уларнинг одатлари шундай. Бутун Мовароуннаҳрнинг, Янканддан шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб аташнинг асоси шуки, Самарқанд-Самизканд, Шош-Тошкент, Ўзканд, Тунканд номларининг ҳаммаси туркчадир. "Канд" туркча шаҳар демакдир. Улар бу шаҳарларни қургач, унга шундай ном қўйдилар. Ҳозиргача ҳам шундай аталмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгандан (бу Аҳамонийлар замонида содир бўлди — Б.А.) сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган. Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси Абисқун денгизи (Каспий денгизи — Б.А.) билан ўралган бўлиб Рум ўлкасидан ва Ўзжанддан Чингача чўзилади. Узунлиги беш минг фарсаҳ, эни уч минг фарсаҳ, ҳаммаси саккиз минг фарсаҳдир". (Учинчи жилд, 163—164-бетлар. Афросиёб, унинг қизи ва Сисёвуш воқеаси Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (X аср) нинг "Бухоро тарихи" асарида ҳам келтирилган. "Бу гаплар бўлганига,— дейди Наршахий,— ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди". Демак, Маҳмуд Қошғарий келтирган маълумотлар фақат X—XI асрларга тааллуқли бўлмай, балки унинг замонидан қарийб уч минг йил муқаддам содир бўлган воқеалардир.

"Дсвон луғат ат-турк" да Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ ўлкаларда қадимдан истиқомат қилган туркий тилли қабилаю уруғларнинг номлари бирма-бир келтирилган. Уларнинг турар жойлари доира шаклида чизилган махсус харитада кўрсатилган. Булар орасида Ўрта Осиёда ва бошқа қозоқ халқларининг этник таркибига кирган қипчоқ, ўғуз, бошқирд, ябаку, тотор, қирғиз, шунингдск, чигил, тухси, яғмо, жумул, уйғур, тангут сингари қабилалар бор.

"Дсвон"да "ўкуз" топоними хусусида келтирилган ушбу маълумот диққатни ўзига жалб қилади: "Ўкуз — Жайхун, Фирот (Ефрат) каби дарёларга берилган ном. Ўғузлар бу сўзни ўзларининг шаҳарлари жойлашган Банокат водийси маъносида қўллайдилар. Уларнинг кўчманчилари ҳам шу дарёнинг икки қирғоғига жойлашгандир. Турк мамлакатларидаги бир қанча бошқа дарёлар ҳам шу ном билан юритилади" (Биринчи жилд, 91-бст).

Гардизийнинг "Зайн ул-ахбор" асари ҳам Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон халқларининг этник тарихини ўрганишда алоҳида аҳамиятга молик. Мазкур асар халлузлар (қорлуқлар), қимоқлар, қирғизлар, тўқизғузлар, чигил ва тургашлар ҳақида, уларнинг яшаган ерлари ва унга бориладиган йўллар ҳақидаги муҳим манбаъларга бой.

Узоққа бормай ўз даврининг йирик тарихчилари Рашидуддин (1247—1318) ва Шарафуддин Али Яздий (1454 йилда вафот этган) ларнинг асарларини олиб кўрайлик. Рашидуддин ўзининг машҳур "Жомсь ут-таворих" ("Солномалар мажмуаси") кўп жилдлик асарида XI—XII ва XIII аср бошларида жанубий Сибир, Мўғулистон, Олтой ва Еттисув ўлкасида истиқомат қилган ва кейинчалик жаҳонгир Чингизхон қўшинининг асосини ташкил этган жуда кўп турк ва мўғул қабилалари — кейинчалик ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, тотор, бошқирд ва бошқа туркий тилли халқларнинг этник таркибига кирган қорлуқ, қипчоқ, баҳрин, нукуз, қиёт, қўнғирот, сулдус, уйғур, боёвут, чинос, манғит, барлос, дуглот, жалоир, маркит, қурловут, уйрот, булғочи, ксройит, найман каби туркий қабилалар ҳақида сўз боради.

"Зафарнома"да Ўрта Осиё ва у билан қўшни ўлкаларда XIV—XV асрнинг биринчи ярмида яшаган 44 нафар туркий қабила ва уруғларнинг номлари берилган. Шуниси эътиборлики, булар орасида Ўрта Осиёга XIII асрда Чингизхон ва XVI аср бошида Шайбонийхон бошчилигида кўчиб келиб ўтроқ бўлиб қолган қабилалар орасида

учрамайдиган 10 дан ортиқ қабилалар (қонғлилар, лочинлар, олчинлар, қатағонлар, беш юзлар ва бошқалар) бор. Шак-шубҳасиз булар мазкур сарҳадларда қадимдан истиқомат қилиб келган қабилалардир.

Камолиддин Биноий (1453—1512)нинг "Шайбонийнома", Рузбеҳоннинг 1509 йили ёзилган "Масҳмонномаи Бухоро", Маъсуд ибн Усмон Кўҳистоний (XVI аср ўрталари)нинг "Тарихи Абулхайрхоний", Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) нинг "Бобурнома" асари, шунингдек Ҳофиз Таниш Бухорий (XVI аср), Маҳмуд ибн Вали (XVII аср)ларнинг "Абдулланнома" ва "Баҳр ул-асрор" ("Сирлар денгизи"), Абулғозихон (1603—1664) нинг "Шажарайи турк" асарлари ҳудудимизда яшаган туркий халқлар этник тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Ана шу тарихий манбаларни чуқур, атрофлича ўрганиш ўзбек халқи ҳамда Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг келиб чиқиши, уларнинг этник ривожланиш тарихини яратишга яқиндан ёрдам беради.

## "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" — тарихий манба сифатида

Амир Темур ҳақида унинг замондошлари қимматли йирик асарлар яратганлар. Ғиёсиддин Алининг "Рўзномаи ғазовоти Ҳиндустон", Низомуддин Шомийнинг "Зафарнома", Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарларини санаб ўтиш kifоя. Аммо, "Тузуқоти Темурий" асари булар орасида алоҳида ўрин эгаллайди.

"Тузуқи Темурий" ёки "Тузуқоти Темурий" аслида бошқа бир катта ҳажмли асарга илова тарзида кўчирилган бўлиб, "Малфузоти Темурий" ёки "Воқсоти Темурий" деб аталган бу асар Темурбекнинг етти яшарлигидан бошлаб ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Китоб ҳақида икки хил фикр мавжуд: баъзилар бу икки қисмдан иборат бир асар дейишса, баъзилар икки мустақил асарнинг бир муқовада жамлангани, деб ёзишган. Шунинг учун "Тузуқоти Темурий"ни ҳар икки қисмга беришган бир ном деб тушунганлар. Шарқ битикларининг рўйхатларида бу ҳол чалкашликлар туғдирган, албатта.

!"Тузуқоти Темурий" — тарихий ва ҳуқуқий асар бўлиб, унда Туркистоннинг буюк фарзанди Амир Темурнинг давлат тузилиши ва мамлакатни бошқариш хусусидаги нуқтаи назарлари баён этилган.

Асар дастлаб эски ўзбек (чиғатой, ёки ўртаосиёча туркий) тилда таълиф этилган. Шарқшунослардан Н. Д. Миклухо—Маклай, Ч. Ръйо, Г. Это, Ч. А. Сторилар фикрига кўра, унинг бир қўлёзма нусхаси Ўаман ҳокими Жаъфар пошшо кутубхонасида сақланган. "Тузукот"ни форс тилига ўгирган Мир Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатий ёзган муқаддимада у Арабистоннинг муқаддас жойларига, яъни Маккайи мукаррама ва Мадинайи мунавварага ҳаж қилиб, қайтишда Ўаманга сафари чоғида Жаъфар пошшо кутубхонасида туркий тилда бўлган мазкур асарни топгани ва у Амир Тсмурнинг ҳаёт йўли ҳақида ўзи ёзган асар эканлигини таъкидлайди.

У Арабистондан қайтиб келгач асарни форс тилига таржима қилган. Лекин Арабистондан олиб келинган туркий аслиятдан ёки Ҳиндустонда бўлган бирорта нусхадан ўгирилганми, бу ҳақда лом-мим дейилмаган. У 1637 йилда ўз таржимасини бобурийлардан Шоҳ Жаҳон (1628—1657) га тортиқ қилди. Шоҳнинг ўзи олим ва фозил киши бўлиб, ўз аждоди тарихини яхши билган ва Мир Абу Толиб Ҳусайний таржимасини кўриб чиқиб, ундан жиддий нуқсонлар топган, жумладан баъзи маълумотлар ва Амир Тсмур ҳаёти саналарида галатликларни тузаттирган. Шунда у Муҳаммад Афзал Бухорий (вафоти 1651 ёки 1652 йил) ни — Дскан вилоятининг фавжори (қози калони) ва ўз яқинларидан бўлган истъодли адибни ҳузурига чорлаб, таржимани ишончли тарихий асарлар маълумотлари билан таққослаб чиқишни, уни ортиқча сўз, ноаниқлик ва галатликлардан тозалашни буюради. Хуллас, Абу Толиб Ҳусайний таржимаси Муҳаммад Афзал Бухорий томонидан тузатилади ва жиддий таҳрир этилади. Аммо, бундай тузатишлар асосан "Малфузоти Тсмурий" қисмига тааллуқли бўлган. Ҳар ҳолда Мир Абу Толиб Ҳусайний ва Муҳаммад Афзал Бухорий меҳнати туфайли "Тузукоти Тсмурий" форс тилида бизгача стиб келган.

Кейинча асар ҳукмдорларнинг тор доирасидагина эмас, бутун дунё аҳлига машҳур бўлиб кетди. Бизгача унинг кўплаб қўлёзма нусхалари стиб келгани бундан гувоҳлик беради. Унинг нусхаларини Русия, Ўрта Осиё, Ҳиндустон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция, Олмония, Дания ва бошқа мамлакат кутубхоналаридан ҳеч қийналмай топиш мумкин. "Тузукот"нинг форсий матни ва ғарб, шарқ тилларидаги таржималари кўп марта нашр этилган. Масалан, араб тили профессори, инглиз майори Уайт

"Тузукоти Темурий"нинг форсий матнини нашрга тайёрлаган, майор Деви эса уни инглизчага ўгирган ва кўрсаткич изоҳлар тузган. Бу иккала матн 1783 йилда Буюк Британия (Оксфорд)да нашр этилди. 1785 ва 1890 йилларда ушбу нашрнинг форсча матни ҳеч бир ўзгаришсиз Ҳиндустон (Калкутта ва Бомбай) да қайта нашр этилди, 1963 йилда Эронда чоп этилди.

Майор Уайт ва Дэви нашр этган форсча матндан таниқли шарқшунос Л. Ланглэнинг француз тилига таржимаси, 1787 йилда Парижда чоп бўлган "Тузукот"нинг яна урду тилидаги икки нашри мавжуд. Уларнинг бирини Субҳон Бахш (Деҳли, 1845), иккинчисини Аҳмад Мийон номи билан машҳур Муҳаммад Фазлул Ҳақ (Бомбай, 1908) амалга оширганлар.

Энди "Тузукоти Темурий"нинг ўзбекча ва русчага таржималари хусусида. Ўзбек тилига 1857 йилда Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий қисқартириб таржима қилган. Асарнинг Мир Абу Толиб Ҳусайний матнига мувофиқ ўзбекчага тўлиқ таржимаси марҳум Алихон Тўра Соғуний томонидан 1967 йилда Тошкентда амалга оширилган. Бироқ, ўша вақтдаги вазият, аниқроғи расмий ҳокимият маъмурларининг ўтмиш тарихимизни ўрганишга бўлган салбий муносабати натижасида Алихон Тўра таржимаси тўла босилиб чиқмади. Яна шуни ҳам қайд этмоқ лозимки, таржиманинг босилган қисми баъзи нуқсонлардан холи эмас эди. Унда, масалан бутун-бутун жумлалар ташлаб кетилган, асл матндан четга чиқиш ҳоллари, киши номлари, географик атамаларда ва истилоҳларда галатликлар мавжуд. Муҳим тарихий воқсалар, тарихий шахслар, жўғрофий ва этник номлар, турли атамалар ва уларнинг шарҳлари эркин талқин этилган. Ва ниҳоят, 1890 йил Бомбайда чоп этилган форсча матндан ўзбек тилига яна бир таржима (Алихон Тўра таржимасини ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилди. Уни ёш ўзбек шарқшуноси Ҳабибулла Кароматов ҳозирлаб, олдин "Шарқ юлдузи" журналида (Тошканд, 1989, 8-сон), сўнгра алоҳида китоб ҳолида (1991) Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр эттирди.

Бугунги кунда "Тузукот"нинг иккита рус тилидаги нашрига эгамиз: 1) 1894 йилдаги Н. П. Остроумов нашри маълум. Бу таржимада юқорида зикр этилган Л. Ланглэнинг французча нашридан фойдаланилган эди. Ношининг эътироф этишича, Тошканд гимназияларининг бир гуруҳ ўқувчилари; биринчи қисмини А. Г. Зайончковская



ва С. А. Пятницкая, иккинчи қисмини Д. Ройтман ва В. Степанов машғулотлардан бўш вақтларда таржима қилишган; 2) 1968 йилда Н. П. Остроумов нашридан факсимил нашр амалга оширилди ва унга И. М. Мўминовнинг қисқача кириш сўзи илова қилинди.

Китобнинг муаллифи тўғрисида турли фикрлар билдирилади. "Тузукоти Темурий"нинг муаллифи кимлиги масаласи бугунги кунда очиқлигича қолмоқда. Э. Г. Браун, Ч. Ръёо, В. В. Бартольд сингари бир гуруҳ таниқли олимлар асарнинг Амир Темур тузганлигигагина эмас, "Тузукоти Темурий" асарининг ҳақиқийлигига ҳам шубҳа билан қараганлар. Шарқ манбаларида, чунончи "Тузукот"нинг кўпгина нашрларида асар муаллифи Амир Темур эканлиги таъкидланади. Масалан, Шамсиддин Сомиёнинг машҳур қомусида шундай дейилган: "Амир Темур "Тузукот" деб юритиладиган қонунлар мажмуасини ёзди. Унда ўзининг ҳаёт йўлини баён қилди" ("Қомус ул-аълум", Истамбул, 1891, 1727-саҳифа). Бу борада муаррих Шарафуддин Али Яздий (вафоти 1454 й.) эътиборга лойиқ маълумот келтирган: "Онҳазрат ўзининг ҳаёти ва турмуши тарзига доир асосий воқсаларни ўз ичига олган туркий ва форсийда алоҳида бир манзума туздилар",— дейди у. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, таниқли шарқшунос М. Шармуа (1793—1869) ва йирик рус ҳарбий тарихчиси М. И. Иванин (1801—1874) "Тузукот"нинг ҳақиқий асар ва унинг муаллифи Амир Темур бўлгани ҳақида фикр билдирадилар. "Тузукоти Темурий"нинг ҳақиқий тарихий асар эканлигини ва Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг "Зафарнома"ларидаги маълумотларни қиёслаш орқали билиш мумкин. Хуллас, унинг Амир Темур томонидан ёзилганлиги шубҳасиздир.

Ҳар ҳолда, "Тузукот"да Амир Темур ва темурийлар даврини ўрганишга доир муҳим маълумотлар ва хабарлар мавжуддир. Унда Чигатой улуси (Олтой, Етгисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр, Шимолий Афғонистон) срларининг 1342—1405 йиллардаги тарихи, давлат ва қўшинлар тузилиши тартиблари, Амир Темур давлатининг қўшни мамлакатлар билан сиёсий муносабатлари тарихи ўз ифодасини топган. Бу маълумотларнинг қай даражада қимматга эга эканлигига мутахассисгина эмас, балки асарни диққат-эътибор билан ўқиган ҳар бир китобхон ишонч ҳосил қилиши мумкин.

"Тузукоти Темурий" икки мақоладан таркиб топган. Биринчи мақола Темурийнинг давлатни тузиш ва мустақамлаш, қўшинларни ташкил этиш юзасидан тузуқлари, режаларидан иборат бўлиб, қўшинларнинг жанговар тартиблари жадваллари билан яқунланади. Иккинчи мақоладаги 13 кенгаш ва унинг майда бўлимларида Амир Темурийнинг тахтга чиқиши ва юришлари тасвирланади.

Амир Темурий зукко сиёсатдон ва йирик давлат арбоби сифатида ўз давлати тузилишини, унинг қай тарзда бўлиши кераклигини баён этади; амалдор кишиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди. "Тузуқот" муаллифининг фикрига кўра, ҳар бир тождор ўз давлатининг таянчи бўлган ижтимоий табақаларга таяниши лозим. Улар ёрдамида у раият, қўшинлар ва давлатни бошқаради. Бундай табақаларга қуйидагилар кирган: 1) Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари бўлмиш саййидлар, уламо ва шайхлар; 2) тажриба орттирган билимдонлар; 3) дуоғўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар; 5) сипоҳ ва раият; 6) салтанат ишларини, сирларини айтиб, кенгаш қилишга лойиқ, оқил, ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб, дсвон муншийлари; 8) ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) муҳандислар, ровийлар; 10) машойих, сўфий, орифлар; 11) ҳунар ва санъат эгалари; 12) ҳар мамлакат ва дийёрдан келган саёҳатчи ва мусофирлар, савдогарлар. Улар турли мамлакатлардан хабар келтириб турганлар.

Амир Темурий давлатни идора қилишда вазирлар, амирлар ва вилоят волийларига алоҳида ўрин берган. Вазирлар, "Тузуқот" муаллифининг фикрича, қуйидаги тўрт сифатга эга бўлиши зарур: 1) асиллик, тоза наслик ва буюклик; 2) ақлу фаросат; 3) сипоҳу раият аҳволдан хабардорлик ва уларга хушмуомалада бўлиш; 4) сабру бардошлик ва ориятлилик.

"Тузуқот"да Амир Темурий давлатини етти вазир бошқаргани ҳақида гап боради: 1) Мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, ким-чиқимлар, мамлакат ободонлигини: аҳоли фаровонлигини билиб турган; 2) Сипоҳ вазири; сипоҳийларнинг маошлари ва танҳоларини бошқарган: парокандаликка юз тутиб қолмаслиги учун доимо сипоҳ аҳволдан подшоҳга хабар бериб турган; 3) Эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочиб кетганларга тегишли молларни бошқарувчи; закот ва

божларни йиғувчи; 4) саркори хосса; салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг киримчиқимлари, хазинадан сарф қилинадиган харажатлар, отхона харажатларидан огоҳ бўлган; 5,6,7) сарҳадлар ва тобе мамлакатларга оид ишларни бошқарувчи уч вазирдан иборат ҳайъат.

Салтанат ободончилиги ёхуд хароблиги шу вазирларга боғлиқ бўлганидан, "Тузукот"да таъкидлаганидек, Амир Темур ўз вазирларига нисбатан жуда меҳрибон бўлган, ҳам уларни ортиқча сийламаган. Зотан, Амир Темур: "Вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка юз тутади",— дейди. У вазирнинг вазифаларини тафтиш этаётганда ўз ворисларига туҳмат ва ҳиссиётларга берилмасликни уқдиради. Бу хусусда "Тузукот"да шундай дейилган: "Ғаразгўй, бузуқи ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, чунки олам аҳлининг барчаси дунёсталабдирлар". Шунинг билан бирга у ўз мансабини суистеъмомол этувчи, раиятга жабру зулм қилувчи вазирларни қаттиқ жазолаган.

Асарнинг амир ва ҳоким мансабига тайинлаш ҳақидаги маълумотлари ҳам муҳимдир. Маълумки, соҳибқирон ўз навкарларидан 313 нафарини амирлик мансабига тайинлаган. Қозоқлик даврининг дастлабки кунларидан бошлаб улар ундан бир қадам ҳам ажралмаганлар. Масалан, улардан 100 нафари ўнбоши, яна 100 нафари юзбоши ва 100 нафари мингбоши мансабига тайинланган. Қолган 13 нафари бекларбегги, амир ул-умаро мансабини олди.

Бу борада бекларнинг тажрибаси, ақл-фаросати, баҳодирлиги ва шижоати каби шахсий хислатлари ҳисобга олинган. "Тажрибамдан синаб билдимки,— дейди Амир Темур,— жангнинг сир-асрорини, ганим аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бушамасдан лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига рахна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқдир" Нуфузли амирлар асосан барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдуз, туғой, қипчоқ, орлот, тотор қабилаларидан ва тархонлар қаторидан сайланган.

1

Қозоқлик — тожу тахта даъвогар бирор шаҳзода ёки валиаҳднинг мақсадга эришини йўлида бирор тождорнинг хизматини ўташ даврида кечирган ҳаёт тарзи. Амир Темур ҳам ҳокимият тасласига келгунча Сеистон ҳокими (1363 й.) ва Мўғулистон хони Туглуқ Темур (1348—1363) хизматида бўлган.

"Тузукот"да бошқа давлат арбоблари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилади: суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вақфлар аҳволини садри аъзам текширган; шариатга амал қилинишини — қози; давлат ёзишмаларини — муншийлар; ҳисоб-китобни — дафтардор; солиқ йиғиш ишларини — тавочилар бошқарган, юриш ёки жанг пайтида ҳар бир фавжнинг ўрнини ҳам ўша тавочилар белгилаган.

Амир Темур саройидаги расм-русмлар тўғрисида тузук бой маълумот беради. Унга кўра сайидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва ашроф-лодшонинг ўнг томонида, амир-ул-умаро, бекларбегги, амирлар, нўёнлар, улус, туман ва қўшин садрлари, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ўз мартабаларига яраша чап қўл томонда ўтирганлар. Тахт қаршисидан дсвонбегги ва вазирлар жой олишган. Калонтар ва кадхудолар вазирлар орқасида саф тортиб туришган. Баҳодир дсган фахрий ном олган йигитлар, қилич чопиб танилган ўғлонлар тахт орқасидан ўнг қўл томонда, қоровулбегилар тахт орқасидан чап қўл томонда ўтиришган. Ҳировул амири шоҳ рўпарасидан ўрин олган. Ички, ясовул эшик олдида, тахт тўғрисида тик турган. Ўғиллар, қавм-қариндошлар ўз даража ва мартабаларига яраша худди ой қўрғонлагандек тахт атрофини ўраб турар эдилар.

"Тузукоти Темурий"да фсодал ер эгалиги турлари, шакллари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Масалан, мулки султоний, мулк, вақф ва жамоа ерлари турли солиқ ва жарималар бўлган. Ҳосилнинг бешдан биригача олинди-ган хирож асосий солиқ бўлган. Шуниси эътиборга моликки, Амир Темур ташландиқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантирган, бундай хайрли ишга қўл урганларга катта имтиёзлар берган. Бу ҳақда "Тузукот"да қуйидагиларни ўқиймиз: "Биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мунофиқ хирож йиғилсин". "Ўлик" ерларни ҳосилдор ерларга айлантириш шарт-шароитлари ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир. "Хароб бўлиб ётган ерлар эгаси бўлса, холиса (давлат ерларини бошқарувчи дсвон) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз срини обод қилиб олсин. Ўша амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар

ва дарёлар устига кўприклар қурсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар".

Амир Тсмур замонида олиқ-солиқлар муайян тартибга келтирилган эди. Энг муҳими, срдан олинадиган хирож миқдори ва чорвадан олинадиган мол сони аниқ белгиланган. Солиқ йиғувчи муҳассиллар фаолияти устидан назорат ўрнатилган эди. "Амр этдимки,— дейилади "Тузукот"да,— раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш ксрак. Нсгаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб кслади. Хазинанинг камайиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатни заифлаштиради".

Амир Тсмур армияси ташкилий-ҳарбий тузилиши, жанг олиб бориш усуллари жиҳатидан ўша пайтдаги энг қудратли армия эди. Ёскин ташкил этилиши қадимги турклардагидек, яъни Ўғузхон ва Чингизхон тузгандек эди. Қўшин ўнг минг кишилиқ туман тартибида тузилиб, ўнлик, юзлик, мингликларга тақсимланган, чсрик тарзида тузилган бўлиб, отличлар ва пиёдалардан иборат эди. Қуроллари — ўқ-ёй, найза, қилич, гурзи, табар, манжаниқ эди. Жанговар тартиб, дастлаб, масалан машҳур "жанги лой" (1365) пайтида қадим турклар ва Чингизхон даврида бўлгандагидек марказ, баронғор (ўнг қўл), жавонғор (сўл қўл), қанбул (қанот ҳимояси), аванғор-манглай, ҳировул (орт томон)дан тузилган. Бундай саф тузишда марказ қанотларга қараганда кучсиз бўлган. Унда қоровул, захира бўлмаган. Ёскин 35 йиллик узлуксиз юришлар ва урушлар жараёнида Амир Тсмур ўз армиясини такомиллаштириб борди ва ҳар қандай шароитда жанг қила оладиган қобилиятга эга қилди. Масалан, ўша даврнинг энг йирик жанги, Амир Тсмур билан Тўхтамиш ўртасида 1391 йили Қундузча мавзсидаги урушни олайлик. Бу уруш жараёни Шарафуддин Али Яздий томонидан батафсил баён этилган. Қўшиннинг жанговар тартиби бутунлай бошқача кўринишда эди. Энг аввало Амир Тсмур ўз армиясини етти қўл (корпус)га бўлади. Амир Сулаймоншоҳ, шаҳзодалар Муҳаммад Султон, Мироншоҳ ва Умаршайх, амир Бердибек кабилар

1

Қундузча — Волганинг ўнг соҳилида, ҳозирги Самара билан Чистополь ўртасида жойлашган мавзе.

уларга қўмондонлик қилишган ва марказ, ўнг ва сўл қўл, қанбулдан жой олганлар. Баъзи қўллар Амир Темур томонидан захирага (эҳтиётга) қолдирилган. Бундай тартиб қанотларнигина эмас, марказни ҳам қудратли қилган. Марказ ихтиёрида энди авангард, қанбул ва эҳтиёт қисмлар бўлиб, кўпинча у жанг тақдирини ҳал этган.

Қўшинни тўплаш ва уларни мурчилларга<sup>1</sup> тақсимлаш билан тавочилар шуғулланган. Юриш олдидан ҳар бир аскар камон ва 30 ўқ, табар ва тура<sup>2</sup>, қилич ва бир ойга старли озуқа, шунингдек икки от, ҳар ўн киши ўзи билан бирга бир хайма — чодир, икки соябон, бир бсл, ўроқ, арра, жуводўз, юз дона игна, арқон, чарм меш, қозон олган.

Амир Темур инсонни қадрлай оладиган ва фарқ қила оладиган улкан арбоб эди. Ўзига ўринбосар, нойиб тайинлашда унга ҳаётий тажрибагина эмас, табиий қобилияти ҳам жуда қўл келди. Унда шундай илоҳий қудрат бор эдики, шу куч туфайли у оғир кунларда, яъни қозоқилик йилларида иқтидорли кишиларни ўзига эргаштира олди ва улардан садоқатли, жасур жангчилар тайёрлай олди. Жоқу барлос, амир Мусо, амир Жалолуддин, амир Ҳиндука, Ики Темур, Сулаймоншоҳ, Худайдод, Бердибек, Шоҳмалик, шайх Нуриддин кабилар шундай кишилар сирасидан эди. Мисоллар келтирамай. Мўғулистон хони Илёсхўжага қарши кураш (XIV асрнинг 60-йиллари) чоғида бир гуруҳ амирлар уни тарк этмоқчи бўлганларида аҳволни тузатиш мақсадида у ўз қобилиятини ишга солади. "Тузукот"да ўқиймиз: "амир Жоку, Ики Темур, амир Сулаймоншоҳ ва амир Жалолиддинларни хилватроқ срга чорладим ва уларни ўзимга иттифоқ қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан суҳбат қуриб, "давлатимга шерик бўласизлар", — дедим. Бу билан уларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим. Шунга ўхшаш мен билан иттифоқи бузилган тоифадаги бошқа амирларни ҳам бирма-бир холи жойга чорлаб, ҳар қайсиси билан алоҳида гаплашдим. Булардан мол-дунёга ҳирс қўйган, очкўз ва тамагирларига мол-ашё ишда қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларни қўлим остидаги

<sup>1</sup> Мурчил — ҳар бир қўшин учун белгилаб берилган жой (жанг олдидан).

<sup>2</sup> Тура — қўшин сафи олдида тўсиладиган махсус четан.

мамлакат ва вилоятлардан бирига ҳокимлик қилишга номзод қилиб кўрсатдим. Уларнинг ҳаммасини умид ва кўрқинч орасида сақладим. Ҳар бирига биттадан ноиб ва қутлов тайинладим. Қолган лашкарларни ҳам луқма ва хирқа<sup>1</sup> билан умидвор қилдим; ширин сўз ва очиқ юз билан уларни ўзимга ром этдим. Қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд этдим. Натижада мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тескари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси энди атрофимда бирлашди. Ҳар сзда ва ҳар ишда бирлик — иттифоқликни қўлдан бермасликка, амримдан чиқмасликка ваъда бериб, мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик қилишга аҳд қилдилар". Соҳибқироннинг тадбиркорлигига эътибор бердингизми?! Оғир кунларда Амир Темур оддий сипоҳийларига нисбатан ҳам шу йўсинда иш тутган. У "Лекин лашкарларим бу ишда мен билан ҳамжиҳатлик қилишмади. Лашкарларимни атрофимга бирлаштироқчи бўлиб баъзиларига мурувват, мсҳрибонлик қилдим, бошқалари билан келишишга интилдим, яна бир гуруҳини эса молу дунё билан ўзимга эгмоқчи бўлдим. Яхши сўз, аҳду паймон ва ваъдалар билан қолганларининг кўнглини кўтаришни маслаҳат кўрдим".

"Тузукот"даги далилларга кўра, Амир Темурнинг яна бир муҳим ажойиб хислати бўлган: қўл остидагиларни гуноҳини кечира олган. У шундай эслайди: "Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён стказганлар илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим". Аммо у, уч мартабагача кечира олган. Жониқурбоний қавмидан машҳур Арғуншоҳнинг авлодидан Алибек Амир Темур хотини Ўлжой Туркон оға билан саргардонликда юрганларида бошларига кўп мусибатлар солган эди. У салтанат тахтини эгаллагач, Алибек икки бор муддаий қўлига тушса ҳам икки дафъа кечирилди, ҳам наслик от, зар қадалган камар, қимматбаҳо қурол, халъат билан тақдирланиб, хизматга қабул қилинди. Бироқ у қасамини унутди, ғанимат вақтни мўлжаллаб, олий даргоҳни тарк этди ва саҳро сари қочиб кетди. Учинчи бор қўлга тушганида эса уни ўлимга буюрди.

Амир Темур очкўз, зиқна, ёвуз ва нафс бандларини ёқтирмас эди, айниқса ўзининг кечаги валинсъматини

1

Хирқа — кийим-кечак; дарвешлар ва мутасаввуфлар киядиган кийим.

унутганларга нисбатан шафқатсиз эди. "Қайси бир си-  
поҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида  
ўз соҳибидан юз ўгириб, олдимга келган бўлса, ундай  
одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи,  
Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари  
менга хабарлар ва шикоят-аризалар ёзиб, ўз ҳукм-  
дорлари, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон  
берган туз ҳақини унутдилар. Вафодорлик ва ҳақиқатни  
бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳузуримга паноҳ истаб  
келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимча "булар ўз  
соҳибига вафодорлик қилмагач, менга қилрмиди?" деб  
ўйладим.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Келти-  
рилган парчалар Амир Темурнинг маънавий қисфасини  
кўз олдимизда гавдалантира олади, бир дақиқа бўлса ҳам  
бу буюк зотнинг ички дунёсига назар ташлаш имконини  
беради.

Асарнинг бир-икки ўрнида (Амир Темурнинг дастлабки  
ҳаёти ва фаолиятдан баҳс этувчи биринчи қисмида),  
"ўзбеклар", "ўзбеклар тоифаси" эслатилиб, уларнинг ма-  
ҳаллий аҳолига нисбатан жабру зулми ва уларга қарши  
Амир Темурнинг курашгани ҳақида гап боради. "Ўз-  
беклар", "ўзбек тоифаси" дейилганда ўзбек элини назарда  
тутмаслик лозим. Бу сарда гап Дашти қипчоқнинг турк-  
мўғул қабилалари хусусида бормоқда, яъни Хоразмнинг  
катта қисмида (1227) ва Чигатой улусида (1251 йилдан)  
ўз ҳукмронликларини ўрнатган уларнинг бошлиқлари  
ҳақида гап кетади. XIV—XV асрда битилган араб ва форс  
тилларидаги манбалар, айнан Ҳамдуллоҳ Қазвиний  
(1281—1349), Низомуддин Шомий, ал-Қалқашондий (ва-  
фоти 1418 йил), Шарафиддин Али Яздий асарлари, кам  
ўрганган Муиниддин Натанзий асари "Искандар  
мажҳули"да, Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482), Хон-  
дамир (1475—1535) ва бошқаларнинг асарларида умумий  
ном билан "ўзбек", уларнинг Дашти қипчоқнинг шарқий  
қисмидаги мамлакатини "мамлақати ўзбак", "Улуси  
ўзбак" деб аталган. Бу масала тарихи бундай. Маълумки,  
Чингизхон ҳаётигидаёқ ўзининг улкан империясини  
ўғилларига тақсимлаб берди. Ўшанда (1227 йили) тўнгич  
ўғли Жўчихонга Иртиш дарёсидан тортиб "мўғул отла-  
рининг туёғи етган жойлар"гача ерлар берилди. Унинг  
улуси таркибига Сигноқ, Барчинлиқсент, Янгикент, Аша-  
нас шаҳарларидан иборат Сирдарёнинг қуйи оқими ва  
Хоразмнинг шимоли-ғарбий қисми (пойтахти Урганч



ҳам), иккинчи ўгли Чигатой улусига Кошғар, Еттисув, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг Кот, Хивак шаҳарлари кирган. Кўриниб турибдики, ҳар иккала улус ҳудудлари жануби-ғарбда бир-бирларига туташ бўлган.

Жўчи улуси (Олтин ўрда) Ботухон замони (1227—1255) да анча кучайди. Олтин ўрда Жўчи улусининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидагина эмас, Гадай қоон (1227—1241) даврида Мўғулистоннинг сиёсий ҳаётида ҳам, Мунқа қоон (1251—1260) даврида ҳам катта роль ўйнади. Ботухон мўғулларнинг барча юришларида фаол қатнашиб, ўз қўшинларини асосий ёрдамга жўнатар ва тушган ўлжадан ўз улушини олиш умидида эди. Эвазига у ўлжагина эмас, бутун-бутун вилоятларни ўз улусига қўшиб олган. Ўтамиш ҳожининг "Чингизнома"сида айтилишича, Ботунинг бундай улуслари Мовароуннаҳрда ҳам, Эронда ҳам мавжуд эди. Бу ҳол Ботухонга Чигатой улусининг ички сиёсий ҳаётига аралашиб туришга имкон яратган. Ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Чигатойнинг набираси Қора Ҳалоку узоқ вақт тахтда муқим туролмади (биринчи марта 1241—1247, иккинчи марта 1252). У Гуюк қоон (1246—1249) томонидан маъзул этилди ва бунда Ботухоннинг қўли бор эди. Чигатой улуси тахтига Чигатойнинг ўгли ва Гуюк қооннинг яқин дўсти Есу Мунка (1247—1252) ўтқизилди. Есу Мунка узоқ ҳукмронлик қила олмади; ичкиликка берилди, давлат ишларига аралашмади. Гуюк қоон вафоти (1249) дан кейин Мўғулистон давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ботухоннинг мавқеи ошди. Бу дафъа Ботухон тахтга Гуюк қооннинг беvasи Ўғилғаймишни ўтқизди. Ботухоннинг бу ишига Ўқтой қоон авлоди қарши чиқди. Буларни Чигатой сулоласидан Есу Мунка қўллаб-қувватлади. Шунда Ботухон 1251 йилда Қорақўрумда қурултой чақиртириб, Тулуй қооннинг ўгли Мунка (1251—1260)ни тахтга ўтқизди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Мунка қоон тахтга чиқиши билан Ботухон ташаббуси билан унинг душманлари иши ярғучига оширилди. Унинг ҳукми билан малика Ўғилғаймиш Қадағоч хотун (Ўқтойнинг набираси Шеромуннинг онаси) ва бошқа шаҳзодалардан иборат етмиш стги нафар амир қатл этилди. Есу Мунканинг маъзул этилгани — тахтдан туширилгани эълон қилинган

1

Қорақўрум — Унон дарёси бўйида жойлашган ва 1220—1260 й.й. Мўғул хонларининг асосий қароргоҳи — пойтахт шаҳар.

2

Яргучи — суд ишларини бошқарган мансабдор.

ўрнига Чигатой улуси тахтига Қора Ҳалоку тайинланди. Аммо, у пойтахтга стиб боролмай йўлда, Олтойда вафот этди. Унинг қўшинлари юришда давом этиб, Есу Мунканинг қароргоҳига стиб бордилар. Есу Мунка қўлга олиниб, Ботухоннинг ихтиёрига жўнатилди. Чигатой улуси хонлигига Қора Ҳалокунинг беваси Ариқ Буқонинг қизи Эргана хотун ва вояга етмаган ўгли Муборақшоқ тайинланди. Лекин булар номигагина хон эдилар. Ҳокимиятни эса Ботухон ва Мунка қоон номидан машҳур Маҳмуд Ялавочнинг ўгли Масъудбек бошқарган.

Олтин Ҳрданинг Чигатой улусига таъсири Ботухон ва Берқохон (1257—1267)дан кейин ҳам давом этди, XIV аср бошларидан эса янада кучайди. Бу борада Мирзо Улуғбек (1394—1449)нинг "Тарихи арбаъ улус" асарида келтирилган қуйидаги маълумот эътиборга лойиқдир. Олтин ўрда хони Берка (1257—1267) хусусида унинг ёшлиги Бухорода кечгани, машҳур олим Сайфиддин Бохарзий (вафоти 1261 й.) қўлида таълим олгани ҳақида гапирилади. Бошқа бир ўринда Мангу Темур (1267—1280) замонида Олтин ўрда қўшинларининг Мовароуннаҳр ҳудудига икки бор бостириб киргани ҳақида гап боради. Бу маълумотлар жуда қимматлидир. Олтин ўрданинг бир қисмида, хусусан Урол ва Ғарбий Сибир ҳудудлари, ўрданинг шарқий қисмида кўчиб юрган халқлар XIV асрдан бошлаб "ўзбек" номи билан машҳур бўлганлар. Тузукотда ана шу "ўзбеклар" ҳақида гап боради. Амир Темур айна шу Олтин ўрда ўзбеклари, кўчманчи ўзбекларга қарши курашди.

Биз "Тузукот"нинг айрим жиҳатлари борасида сўз юритдик, бу ажойиб ёдгорликдан айрим мисоллар келтирдик. Уни жиддий тадқиқ этиш ишлари ҳали олдинда. Энг аввало, фикримизча, бу асарнинг танқидий матни яратилиши лозим. Зеро, "Тузукот"нинг бизгача стиб келган қўлёзма нусхалари сон-саноксиз бўлишидан ташқари бир-биридан фарқ қилади, сактали, баъзи ўринлари ўқиб бўлмас даражада. Юқорида қайд этилганидек, манбанинг чоп этилган нусхалари ҳам мавжуд. Аммо, улар ҳам талабчан китобхонни қаноатлантира олмайди.

Юз йил муқаддам Н. П. Остроумов "Тузукоти Темурий"нинг рус тилидаги нашрини чиқарди. Ҳшанда у "албатта, бу асарни форс тилидан таржима қилган афзал эди, аммо бу ишни кслажак авлодга ҳавола этамиз", деб ёзган эди.

Ушбу сатрлар муаллифи шогирдлари билан биргаликда "Тузукоти Темурий"нинг рус тилига асл нусхадан қилинган таржимасини нашрга тайёрлади. Шу нашрни кўриш умиди билан яшаб келмоқдаман<sup>1</sup>.

## ХАБАР — ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ (Алоқа тарихидан)

Хабар (информация) нафақат инсонлар, балки ҳайвонлар ва наботот оламида ҳам мавжуд бўлган ижтимоий заруратлигини яхши биламиз. Масалан, одамлар мана шу информациянинг шарофати билан туриш-турмуши, атрофида содир бўлиб турган воқсалар ва ҳодисалардан хабардор бўладилар. Қомус китобларида информация ҳақида мана бундай қайд бор: "Информация (лотинча — "тушунтириш", "баён қилиш") одамлар бир-бирларига оғзаки, ёзма ёки бошқа усулда (масалан, шартли сигналлар, техника воситалари ёки бошқалар ёрдамида) берадиган ахборот, шунингдек ахборот бериш ва олиш жараёни... Ижтимоий-сиёсий ҳаётда эса ички ва халқаро ҳаётдаги долзарб янгиликлар, жамият ҳаётидаги оммага тааллуқли далиллар, ҳодисалар, сиёсий-иқтисодий, илмий, маданий жараёнлар ва бошқалар ҳақида оммавий коммуникациялар воситасида тарқатиладиган хабарлар мажмуаси". Бу — информация ҳақидаги ўта янги, замонавий тушунча. Лекин маълум даражада қадим замонларда ҳам информация (хабар) шундай вазифани ўтаган, албатта.

Ибтидоий одамлар бир-бирлари билан дастлаб овоз (товуш) воситаси билан, қоя тош, девор ва бошқаларга ёзилган турли-туман белгилар воситасида алоқа боғлаганлар. Кейинчалик, олов кашф қилингандан сўнг у ҳам, ўзининг асосий вазифаси — иситиш ва таом пишириш вазифасидан ташқари, одамлар ўртасида алоқа ўрнатиш воситаларидан бирига айланди. Агар сафарингиз эски йўлдан тушгудай бўлса йўл четида, бир-биридан маълум масофада (бир тош, яъни 6—7 км) жойлашган тепаликларга кўзингиз тушгандир, балки? Ана ўша тепаликлар ўтмишда асосан икки вазифани ўтаган: 1) маълум масофа ўлчови, яъни икки тепалик оралиғи — бир тош; 2) махсус кузатув пункти, қоровулхона сифатида. Ўша тепаликларда мунтазам равишда турган махсус

1

"Темур тузуклари" 1996 йилда Г. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ўзбек, инглиз, француз тилларида чоп этилди (таҳр).

қоровуллар йўлни кузатиш билан машғул бўлишган. Башарти узоқдан душман қораси кўрингудай бўлса, ўт қалаб, ичкаридаги юртдошларини яқинлашиб келаётган хавф-хатардан огоҳ этишган. Олов хабар воситаси сифатида яқин-яқинларгача амалда бўлган.

Қадимда, айниқса, ўрта асрларда, алоқа воситаси сифатида кабутар (каптар)лардан ҳам кенг фойдаланганлар. Подшоҳ ва хонлар овчи итлар, ов қушлари (лочин, қарчиғай, бургут)дан ташқари, ўргатилган кабутарлар ҳам асрашган. Овчи итлар ва қушларга ходимлар (сағбонлар ва қушчилар) қараб туришган. Уларга катта нуфуз эгаси бўлган амир раҳбарлик қилган, бу амир қушбеги дсб аталган. Ўргатилган кабутарлар, одатда, қалъа буржларининг бирида жойлаштирилган. Шунинг учун ҳам бу бурж кабутархона буржи дсб аталган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо 1494 йили кабутар учириш пайтида кабутархона буржидан йиқилиб ҳалок бўлган эди. Бу ҳақда "Бобурнома"да бундай дейилган: "Ахси қўрғони баланд жар устида воқий бўлубтур, иморатлар ҳам жар сқасида эрди. Ушбу тарихда ҳижрий 899 йил душанба куни рамазон ойининг тўртида (1494 йил 8 июнда) Умаршайх мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учиб шунқор бўлди. Ўттиз тўқиз ёшар эрди".

Алоқа ишларида махсус хизматкорлар — чопарлар подшоҳ ва маҳаллий ҳокимларнинг фармойиш ва хат-хабарларини ташиганлар. Улар ҳукуматдан маош ва улүфа олиб турганлар. Чопарларнинг бир гуруҳи олий ҳукмдорларнинг кечиктириб бўлмайдиган (зарур) фармойишлари ва бошқа хабарларни керакли юртлар ва одамларга стказиб турганлар. Хабарчиларнинг бу гуруҳи шутурпари (қанотли туялар) дсб аталган. Хабарчи-чопарлар тепасида мубашшир (арабча; хушxabар тарқатувчи) дсб аталувчи саройда ҳурмат-эътиборга эга бўлган амир турган.

Ва ниҳоят, ўтмишда хонлар ва маҳаллий ҳукмдорлар савдо карвонларидан ҳам хабар (xabарчи) воситасида фойдаланганлар. Савдогарлардан информация манбаи сифатида олимлар ҳам кенг фойдаланишган.

Чопарлар ва савдо карвонларига ҳукумат катта имтиёз ва қулайликлар яратган. Масалан, йўл устида (бир кунлик масофа йўл устида) ёмхоналар (форсча: хабарчи, қўниб ўтадиган ва отлар сақланадиган жой) ва работлар (арабча: карвонсарой) қурдирилиб, уларнинг тепасига махсус назоратчилар (ёмчилар, работбонлар) қўйилган.

Уларнинг зиммасига чопарлар, савдогарлар, элчиларга қўноқ ва озиқ-овқат бериш, жўнаб кстишларида эса ҳориган ва ўсаллаб қолган от-уловни алмаштириб бериш, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган. Ёмхона, работлардан ташқари, йўл устидаги қишлоқларнинг аҳолиси ҳам элчи ва чопарларга қўноқ ва озиқ-овқат беришга мажбур этилганлар.

Ўтмишда мамлакатимизда амалда бўлган алоқа воситалари ҳақида археолог олимларимиз катта ашъвий далиллар тўплаганлар. Қадимий қўлёзма асарларда ҳам бу ҳақда қизиқарли маълумотларни учратамиз.

Келинг, ўша қадимий тарихий асарларда келтирилган бу ҳақдаги маълумотлардан баъзиларини олиб кўрайлик.

"Темур тузуклар"ида мана буларни ўқиймиз: "Амр қилдимки, ...мингта чаққон сипоҳийни чопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар ва сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини аниқлаб ҳузуримга келиб хабар қилсинлар, токи бирор воқеа, кор-қол юз бермасдан бурун чора ва иложини қилайлик. Чунончи, Тўхтамишхоннинг Урусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганларида, энди ҳузуримга паноҳ излаб келишини билдим. Шу боис Урус-хонга қарши урушга тайёрлана бошладим..." Яна бир мисол: "Ҳиндустонни забт этиш учун йўлга чиққанимда, бу мамлакатнинг ҳар бир вилоятида алоҳида ҳоким ёки волий салтанат тахтида ўлтиргани ҳақида менга хабар келтирдилар. Чунончи, Мултон ўлкасида Маллухоннинг иниси Соранг, Деҳлида Султон Маҳмудхон салтанат байроғини тикканди. Лохур ноҳиясида эса Маллухоннинг ўзи лашкар тўплаган эди. Кунуж вилоятида бўлса Муборакхон салтанатга даъвогарлик қилиб бош кўтарган эди. Қисқаси, Ҳиндустоннинг ҳар бир вилоятида бирон бир кимса салтанат тожу тахтига даъвогарлик қиларди. Бу хабар қулоғимга етгач, бу мамлакатни забт этишим осон туюлди". Яна бир мисол: "Чунончи Ҳиндустонни забт этиш пайтимда Қайсари Рум менинг баъзи мамлакатларимга чопгун<sup>1</sup> қилгани... ҳақида хабар келтирдилар. Ўз ўзим билан келишиб, агар Ҳиндустонда кўпроқ туриб қолгудай бўлсам, Эрон мамлакатига ҳам зарар этиши мумкин, дедим. Шунинг учун Ҳиндустон пойтахтидаги ишларимни тезда тартибга келтириб, орқага қайтдим".

1

Чопгун — талон-торож мақсадида уюштириладиган тасодифий ҳужум-босқин.

"Бобурнома"да карвон йўлларига қўйилган қоровуллар ва хабарчилар фаолиятига оид муҳим бир ишора бор. Бобур ҳикоя қилади: "Хитой карвони келатурғонда Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлик карвонни андоғ қор бостиким, [фақат] икки киши қутулди. [Умар Шайх мирзо] хабар топиб муҳассиллар (солиқ йиғувчилар) юбориб карвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сақлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуриб, молларини солим топшурди". Хўш, "Бобурнома"да келтирилган бу нарчадан нимани англаш мумкин? 1) Карвон самарқандлик ва хуросонлик савдогарларга тегшли бўлган; 2) карвон фожиага дучор бўлгани ҳақида хабар олиши ҳамоно Умар Шайх мирзо ўша фалокат юз берган ерга молия ходимларини юбориб, катта карвоннинг мол-мулкини назорат остига олган; 3) шу пайтнинг ўзидаёқ Самарқанд билан Ҳиротга чопар юбориб, ўша ерларнинг ҳокимларини фожиадан хабардор қилган.

Эски тарихий китобларда савдо карвонларидан алоқа воситаси сифатида фойдаланганликлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Масалан, Шарафиддин Али Яздий (1454 й. вафот этган)нинг "Зафарнома" ва ҳазрат соҳибқироннинг таржимаи ҳолида айтилишича, Амир Темур Қаршини рақиб амир Ҳусайннинг одамларига — амир Мусо билан амир Ҳиндушоҳга олдириб қўйиб, озгина одами билан Жайхуннинг сўл соҳилига лашкар қурди. У энди қай тарафга — Ҳиротгами ёки Моҳонгами боришини билмасди. Чунки у ер ҳокимларининг рабдойини билмас эди. Шунинг учун шу ердан бирон карвон ўтиб қолишини интизорлик билан кутди. Кунлардан бир кун иттифоқо Ҳирот тарафдан лашкаргоҳ ёнига карвон келиб тушди. Ва яна қувончлиси шу бўлдики, карвон Қаршига бораётган экан. Амир Темур карвонбошидан сўраб-суриштириб, Ҳирот ҳокими Малик Ҳусайннинг кайфиятини аниқлаб олди. Малик Ҳусайн Темурбскга холис одам экан. Ҳирот халқи эса Амир Темурнинг шу тарафга келаётганини эшитиб, Аллоҳга шукурлар қилиб ўлтирган экан. Шу дамда Амир Темурга Ҳирот эмас, Қарши керак эди. Шунинг учун ҳам Хуросондан хотиржам бўлиб, қўл остидаги одамлари билан карвонга қўшилиб дарёнинг ўнг қирғоғига ўтди ва карвонбошидан Қаршидаги вазиятни билиб келишга ваъдасини олиб, уни шу ерда кутди. Лекин карвонбоши амир Мусо билан амир Ҳиндушоҳга

Амир Темурнинг ночор аҳволини оқизмай-томизмай айтиб берибди. Афсуски, шунақаси ҳам бўлиб туради ҳаётда! Шундан кейин амир Мусо билан амир Ҳиндушоҳ 7000 аскар олиб, Темурбекга қарши юриш бошладилар...

XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган ватандошимиз, қомусий олим Маҳмуд ибн Вали ҳам бу ҳақда ғаройиб бир маълумот келтиради. "Баҳр ул-асрор"нинг Марказий Осиёнинг қадимий шаҳари Болосоғунга бағишланган бо-бида шуларни ўқиймиз: "Балхда, мазкур китобни ёзаётган вақтимда, Қошғардан келган бир сайёҳ бир куни мана буларни ҳикоя қилиб берди: "Бир пайт Қошғар ҳокими қалмоқларни жазолашни баҳона қилиб, Мўғулистонга бостириб кирди. Орадан икки ой ўтгач, биз шарқ тарафдан шимол сари ҳаракат қилиб, бир ерга бориб қолдик ва қум остида қолган олий биноларнинг ердан тўрт-беш зираъ (бир зираъ 64—71 см.га тенг) чиқиб турган томларига кўзимиз тушди. Улар тўрт фарсах (24—28 км) масофадан кўриниб турарди. Бир оз йўл юриб қалмоқларни учратдик. Улардан бу жойнинг номини сўраганимизда улар: "бизга маълум бўлгани шулки, ўтмишда бу ерда Болосоғун деган шаҳар бўлган экан", деб жавоб бердилар."

Алоқа воситалари ва хабарга оид бундай маълумотлар эски тарихий китобларда кўплаб учрайди.

## ЎЗБЕК ҚАВМЛАРИ

Ўзбек халқи жуда кўп турк ва турк-мўғул қавмлари асосида шаклланган. Бу қавмлар 92 уруғ-қабиладан иборат бўлган деб айтилади. Масалан, шайбоний ҳукмдорлардан бўлмиш Абдуллахон II (расман 1583—98) Ҳиндистон подшоси Бобурий Жалолиддин Акбар (1556—1605)га юборган бир мактубида: "Биз тўқсон икки ўзбек қавми устидан ҳукм юргизиб турибмиз", деб ёзган. XVII асрда ўтган машҳур демократ шоир Турди Фароғий ҳам ўзбеклар 92 уруғ бўлганини таъкидлайди. Масалан, унинг бир ғазалида мана буларни ўқиймиз:

Тор кўнгилик беклар ман-ман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир, тенглик қилинг.  
Бирни қиччоқ-у, хито-ю, бирни юз, пайман деманг,  
Қирқу юз, минг сон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг.

("Ўзбек шэърляти антологияси", III жилд, Тошкент, 1961, 105-бст).

Бахтга қарши Абдуллахоннинг ўша мактубида ҳам бу қавмларнинг номлари тўла келтирилмаган.

Кейинги йилларда 92 бовли ўзбек қавми номма-ном қайд этилган тўрт нафар қўлэзма асар борлиги аниқланди. Булардан иккитаси: "Мажмуъ ат-таворих" ва "Тухфат ут-таворих-и хоний" Санкт-Петербурглик шарқшунос олимлар — А.Т. Тоҳиржонов ва В. А. Ромодиннинг саъй-ҳаракати билан аниқланди; қолган иккиси: "Насабномайи ўзбек ва "Асомийи наводу ду фирқа-йи ўзбек" қўлэзмалари Тошкентда мавжуд.

Мана шу тўрт асар маълумотларига мухтасар тўхталган ҳолда қуйида улар келтирган 92 уруғ-қабилар рўйхатини санаб ўтамиз.

#### "МАЖМУЪ АТ-ТАВОРИХ" ("ТАРИХЛАР МАЖМУАСИ")

"Мажмуъ ат-таворих" фарғоналик муаррих Сайфиддин Ахсикатий қаламига мансуб бўлиб, XVI асрда ёзилган. Мазкур асарда асосан, Фарғона Косонида нашъу намо топган машҳур шайхларнинг таржимаи ҳоли ва ҳаётидан баҳс юритилади. Лекин унда халқ оғзаки ижоди ва тарихий-этношунослик маълумотлари ҳам оз эмас.

Асарда қуйидаги 92 ўзбек қавмининг рўйхати келтирилгани ҳолат муҳимдир: минг, юз, қирқ, жалоир, сарой, қўнғирот, олчин, арғин, найман, қипчоқ, қалмоқ, чақмоқ, қирғиз, қарлиқ, турк, туркман, боёвут, бурлайн, шамарчиқ (самарчиқ), қабаша, нужин, келачи, киламиш, бурат, убрат (уйрат), қиёт, хитой, қангли, урюз, жуналачи, кучи, ўтарчи, фулодчи, жийит, жуйит, чулчит, турмовут, уймовут, орлот, ксеринт, ўнгут, тангут, манғит, жаловут, мамасит, маркит, буркут, қиёт, қуралаш, ўғлон, қари, араб, илачи, жубурғон, қишлиқ, гирай, дўрмон, тобин, тама, рамадан, уйшун, бадай, ҳафиз, авирчи, журот, тотор, юрга, ботош, қавчин, тубойи, тилав, кордори, сайҳисн, қирғин, ширин, ўғлон, чимбой, чехилкас, уйғур, анмор, ёбу, тарғил, тургоқ, тайит, кўҳат, фоҳир, кужалиқ, шаврон (саврон), даражот, кимот, шижоат, авғон ("Материалы по истории киргизов и Киргизии", вып., I. Москва, 1973, с. 110—113)



**"ТУҲФАТ УТ-ТАВОРИХ-И ХОНИЙ"  
("ХОННИНГ ТАРИХДАН ТУҲФАСИ")**

Қўқонлик муаррих мулла Аваз Муҳаммад Аттор (XIX аср) қаламига мансуб бўлмиш ушбу асар ҳам ўзбек халқининг этник тарихи ва таркибини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Асар икки жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди ("Тарих-и жаҳоннумо"—"Жаҳонга кўзгу бўлувчи тарих" деб аталади)да дунёнинг "яратилиши"дан то Бухоро амири Музаффар (1860—1885) гача бўлган давр ичида кечган воқсаларни ўз ичига олади. У асосан турли манбаларга суяниб ёзилган. Иккинчи жилди "Туҳфат ут-тавориҳ-и хоний" мустақил қимматга эга бўлиб, унда Қўқон хонлиги тарихи баён этилади.

Биз учун муҳими унда 92 ўзбек қавмининг рўйхати келтирилган. Улар қуйидагича: минг, қирғиз, юз, қирқ, ўнг, ўнгкажот, жалоир, қўнғирот, олчин, арғин, сарой, найман, қипчоқ, чақмоқ, бурлот, симирчиқ (самарчиқ), булотжиб, қатағон, қилачи, кенагас, буйрак, уйрост, қиёт, хитой, қонғли, авар, жубалочи, тўйчи, буют, жийит, чилчут, буёт, ўймовут, арлой, кераит, ўнгут, танғут, манғит, чолжут, масит, маркит, буркут, қиёт, қуролос, ўкалан, қари, араб, илочи, жубурғон, қишлиқ, гирой, туркман, дўрмон, тобин, тама, рамадан, митан, уйшун, бурия, ҳафиз, уюрчи (авирчи), жуйрат, бидой, банош, тотор, божқир (бошқирд), сулдус, азок, қалмоқ, қорақалпоқ, сануводон, тубойи, тилов, гироди, саҳтиён, қарқин, ширин, ўғлон, қурлот, бағлон, чимбой, чилкас, уйгур, арнамор, ёбу, торғил, турғон, кўҳат, можор, қужалик, саврон, баҳрин ("Материалы по истории киргизов и Киргизии", вып., I. Москва, 1973, с. 210—213).

**"НАСАБНОМАЙИ ЎЗБАК"  
("ЎЗБЕКЛАРНИНГ НАСАБ КИТОБИ")**

Бор-йўғи икки варақ (4 бет)дан иборат бу асар бир қатор бошқа китоблар: нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан Маҳдуми Аъзам Косоний (1462—1542)нинг "Танбеҳ ас-салотин", "Рисолайи зикр", "Силсилат ас-сиддиқин", "Рисолайи батихия", "Миръот ус-сафо", "Меърож ул-ошиқин" ва бошқа асарлар билан бир муқовада жамланган. Мажмуъа Низомиддин ибн домла Шоҳ Саид маҳдум тарафидан 1896—97 йиллари тузилган.

Нақл-ривоятларга асосланган бу рисола ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақидаги сўз боши ва 92 ўзбек қавмининг рўйхатидан иборат. Асар Валиуддин Муҳаммад Табризий (1340 йили вафот этган)нинг "Мишкот ул-муСОБИХ" ("Токчадаги машъала") асари асосида ёзилган.

Қўлёзма сўз бошида айтилишича, ўзбекларнинг биринчи авлоди Иброҳим алайҳиссалом ва унинг завжайи муҳтарамалари Биби Сора бўлганлар. Уларнинг 92 авлоди халифа Абубакр Сиддиқ (632—634)нинг оталари билан биргаликда Туркистондан Арабистонга бориб қолиб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом (570—632)нинг ғайридинлар билан қилган урушларида иштирок этганлар ва ўша урушларда мардлик намуналарини кўрсатганлар. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом доимо "Турклар менинг асоим" деб айтар эканлар. "Ҳамма ўзбеклар,— деб айтилади сўз бошида,— ўша 92 қавмдан тарқалган".

"Насабномайи ўзбак"да ана шу 92 уруғ — қабила қуйидаги тартибда берилган: минг, юз, қирқ, ўзбак, ўнкажот, жалоир, сарой, қўнғирот, олчин, арғин, найман, қибчоқ, чақмоқ, азақ, қалмоқ, торлиқ, тудак, бурлоқ, самарчиқ, қипчоқ, келачи, кинакаш, буйрак, урот, қиёт, хитой, тунқли, ўзжуловчи, қўйчи, ўтажи (ўтарчи), булатчи, жуют (жиют), жот, чилчут, бувмовут, уймовут, орлот, кероит, ўнғут, танғут, манғит, чилчувут, масит, маркит, буркут, қиёт, қурлас, ўкалан, қари, араб, илачи, жубурган, тишлик, керай, туркман, дўрмон, тобин, тама, рамадон, мўйтан, уйшин, бадаи, ҳафиз, қирғиз, можор, кўчалик, совран (саврон), баҳрин, уйрис, жубрат, бидай, тотор, табаш, мичқир, сулдус, тубойи, тилов, кирдор, биктия, қорқин, ширин, ўғлон, қурлот, бағлон, чинбой, чеҳилкас, уйғур, агар, ёбу, торғил, тургак, кўҳат (ЎзФАШИ қўлёзмаси, инв. № 3386, в. 183а—183б)

Ўзбекнинг 92 қавми рўйхатини машҳур рус шарқшунос олими Н. В. Хаников (1819—1878) ҳам "Описание Бухарского ханства" деган асарида келтирган. У бу маълумотни "Насабномайи ўзбакия" деган асардан олганини айтади. Н. В. Хаников биз юқорида тилга олган "Насабномайи ўзбак"дан аниқроғи, унинг бошқа қўлёзма нусхасидан фойдаланган бўлиши мумкин. Ўхшашлиги кўп, лекин айрим тафовутлар ҳам бор. Бундан ташқари, Н. В. Хаников келтирган рўйхатда қавмлар сони 97 тага етади. Лекин бу рўйхатнинг афзал томони шундаки, унда кўп қавмларнинг шахобчалари (уруғлари) номи ҳам

бсрилган. Масалан, манғитларнинг тўқ манғит, оқ манғит ва қора манғит; қўнғиротларнинг қанжиғали, ойинли, қуштамғали, увак тамғали ва қир уруғларининг номлари ва уларнинг шохчалари бсрилган (Н. В. Хаников, Описание Бухарского ханства, СПб, 1843, 58—63).

Н. В. Хаников шу қавмлардан Бухоро хонлиги ўрамида 28 таси истиқомат қилганини ҳам ёзади. Булардан манғитлар Бухоро билан Қарши атрофида (баъзилари шаҳар ичида ўтроқ тарзда ҳаёт кечирганлар), хитойлар Бухоро билан Кармана оралиғида, найманлар Зиёвуддин ёнида, қипчоқлар Каттақўрғон билан Самарқанд ўртасида, саройлар Самарқанддан Қаршига олиб борадиган йўл устида, қўнғиротларнинг бир қисми Қарши шаҳрида, бошқа бир қисми Қарши билан Шаҳрисабз тоғлари орасида, орлотлар — Қарши билан Бухоро ўртасида, дўрмонлар — Ғиждувон ва унинг тсварагида (ўтроқ ҳолда), ёбу — Бухоро туманида (ўтроқ ҳолда), баҳринлар — Миёнколда истиқомат қилгандир. (Н. В. Хаников, "Описание Бухарского ханства", СПб, 1843, 63—65.)

#### АСОМИЙИ НАВАДУ ДУ ФИРҚАЙИ ЎЗБАК

Бу асар ҳам бир мажмуа орасида тўрт нафар бошқа асар: "Мажмуъ ал-ғароиб" (муаллифи Султон Муҳаммад ибн Дарвиш Муҳаммад ал-Балхий), "Солномаи хожа Абдулҳаким Термизий", "Тарихчайи Сомий" (Мовароуннахрнинг Чингизхон замонидан то Аштархоний Абулфайзхон давригача тарихи қисқа тарзда баён этилган) ҳамда Етти иқлим тарихига бағишланган муаллифи номаълум асар билан бирга келтирилган. "Асомийи наваду ду фирқайи ўзбак" "Солномаи хожа Абдулҳаким Термизий"дан кейин келади.

Мазкур асарда 92 ўзбек қавмининг рўйхати қуйидаги тартибда бсрилган: минг, юз, қирқ, ўнг, ўнкажог, жалоир, сарой, хитой, қипчоқ, найман, чақмоқ, ўрмоқ, тудак (туғдак), бўстон, самарчиқ, қалмоқ, қорлиқ, қатаған, орлот, арғин, барлос, бўйтан, кенагас, келачи, буйрак, уйрат, қиёт, қўнғирот, қонғли, ўз, жиловчи, жусуловчи, қоджи, ўтарчи, қурловчи, жуют, жизд, чилчут (чулчит), буязит, уймовут, ксроит, бағон, анғит, танғут, манғит, меркит, буркут, моду, қиёт, ўкалан, олчин, қари, ғариб, шибирғон, қишлиқ, туркман, дўрмон, табан, там, табин,

рамадан, митан, уйшун (уйшин), бўлса, ҳафт, қирғиз, тотор, бочқир (бошқирд), сулдус, қиловчи, дужар, жураат, бадайи, ўғлон, қурловут, чимбой, маҳдий, чилкас, уйғур, агарқур, нукуз, қора тушлуб, ёбу, тарғил, кўҳат, шаврон (саврон), ширин, тама, баҳрин, кирай, сатҳиён, мугал, қоён (ЎзФАШИ қўлёзмаси, инв. № 4230 в. 132б — 133а).

Ҳар тўрт асарда келтирилган рўйхат деярли бир-бирига ўхшаш, ораларида тафовут жуда кам. Лекин бизга фақат "Насабномайи ўзбак"нинг манбаи маълум, холос. Бошқа насабномалар ҳам шу манбага асосланганми ёки манбалари бошқами, бу ҳақда ҳозирча бирон фикр айтиш қийин. Бу масалани бўлажак тадқиқотлар ҳал қилиб бериши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш керакки, келтирилган бу рўйхатлар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ва таркибини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

## ҚАДИМИЙ ҚОНУНЛАРИМИЗ

Ўзбекистон жумҳуриятининг миллий мустақиллик ва истиқлол йўлига қадам қўйганига тўрт йил бўлаёзди. Биз келажакда ҳар тарафлама ривожланган бой-бадавлат ва ҳуқуқий давлат қуриш, том маъноси билан демократик жамият тузиш ниятидамыз. Бу — осон иш эмас, албатта. Бунга биринчи навбатда, республикамызда кишиларнинг — каттаю кичикнинг, қайси хизматда бўлишидан қатъи назар, ўз бурчи ва вазифасини тўғри англаши, сидқидилдан ва ҳалол меҳнат қилиши билангина эришиш мумкин. Чунки, тўқлик ва фаровонлик ҳам, эркин ҳуқуқий давлат ва демократик жамият ҳам "мана мен келдим!", деб тайёргина осмондан тушмайди. Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан, пешона теримиз билан яратишимиз зарур. Бир сўз билан айтганда, бу — республикамызда бугун истиқомат қилиб турган 22 миллиондан зиёд фуқаронинг бирдамлик билан, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишига боғлиқ.

Ҳар тарафлама ривожланган жамият ва ҳуқуқий давлатни ҳам тузиб олдик, дейлик. Лекин, уни, фуқаронинг тенглиги ва ҳақ-ҳуқуқини қонунсиз ҳимоя қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамият ва фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга қодир қонун керак бизга.

Шунчаки, номига эмас, том маъноси билан ҳақиқий қонун керак.

Қонуннинг нималиги, нималарга қодирлиги, айниқса жамият ва фуқаро қийинчиликка учраганда билинар экан. Сир эмас, мана тўрт йилдирки бозор иқтисодига ўтиш даврининг мураккабликлари ичига тушиб қолдик. Ҳаёти-мизда ўзига яраша камчиликларимиз бор. Бозору дўконларимизда баъзан афсусу надоматга сабаб ҳоллар рўй бермоқдаки, унинг қонуний, инсоний изоҳларини топа олмайсиз. Хўш, бунинг сабаби нимада? Шу соҳа мутахассисларининг эътироф этишича, "амалдаги айрим қонунларимиз талабга жавоб беролмай қолди". Тўғриси айтганда, бу қонунлар авваллари ҳам талабга жавоб бермаган. Чунки бу қонунлар ўзбекнинг қадимий тарихи, урф-одати, анъаналари ва бошқа қадриятларидан келиб чиққан қонунлар эмас, аксинча четдан киритилган, Русиядан олиб келинган қонунлар эди. Шу сабабдан улар ўзбекнинг қонига сингиб кетмади.

Барча мўмин-мусулмон каби ўзбекнинг ҳам оила ва никоҳ, ер-сув, мол-мулк, мерос масалалари, ижара, шунингдек давлат билан фуқаро ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларини тартибга солиб, бошқариб келган қонунлари бўлган. Ҳозиргидай бу қонунларни ҳимоя қилувчи махсус идора (қозихона ва мансабдорлар: ясовуллар, миршаблар, муҳтасиблар бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, илгари уч тоифа қозилар бўлган: 1) шариат қозиси (шариат кўрсатмалари асосида иш юритувчи қозилар, 2) аҳдос қозиси мавжуд урф-одатлар асосида иш олиб борувчи қози) ва 3) қози аскар (ҳарбий судья). Қозиларнинг қўлида йирик ҳуқуқшунос олимлар (фақиҳлар) томонидан ёзилган қўлланмалар (фатво ва мажмуалар) бўлган. Бизда ҳам қадим-қадимдан ҳуқуқшунослик илми (илм ал-фиқҳ) бўлган.

Ал-фиқҳ (арабча, чуқур англаш, билим) мусулмонларнинг хатти-ҳаракатини қонунлаштирувчи ислом таълимоти, ислом асосида тузилган ижтимоий ҳаётда юриштириш тарзи. Мусулмон қонунчилиги ал-фиқҳнинг куртаклари VIII—IX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлиб, X асрда мустақил илм сифатида шаклланди ва у 1) Аллоҳни улуғлаш ва диний бурчни адо этиш (ал-ибодат), 2) фуқаро орасидаги ўзаро муносабатлар, давлат билан фуқаро ўртасидаги, шунингдек, давлатлараро муносабатларни тартибга солиш қоидаларини ўрганиш (ал-муомалот) вазифаларига хизмат қилди. Фақиҳлар (қонуншу-

нослар) кўпроқ ал-фиқҳнинг иккинчи вазифасини такомиллаштиришда саъй-ҳаракат кўрсатганлар.

Ал-фиқҳ тўрт манбага: 1) Қуръони мажид, 2) Сунна (арабча: одат, анъана: хатти-ҳаракат тарзи; пайғамбаримизнинг барча мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланган каломи, хатти-ҳаракати, ишлари), 3) Ижмоъ (арабча: якдиллик, якдиллик билан қабул қилинган қарор, Қуръон ёки Ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган бирор ҳуқуқий масалани ҳал қилишга тўғри келганда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, якдиллик билан ҳукм чиқариши) ва ниҳоят 4) Қиёс (арабча; таққослаш, бирон ҳуқуқий масала, Қуръон ёки Суннада кўрилмаган тақдирда уни муқоиса қилиш йўли билан ечиш) асосланган.

Дастлаб, ал-фиқҳнинг шаклланиш даврида (VIII—IX асрларда), унинг икки мактаби (йўналиши) бўлган: 1) Бағдод ёки мустақил фикр юритувчилар мактаби (асҳоб ар-раъй) ва 2) Мадина мактаби, яъни Ҳадислар асосида иш юритувчилар (асҳоб ал-ҳадис). Мактаблар орасидаги фарқ шундаки, биринчи мактаб тарафдорлари (ироқлик фақиҳлар) ўз фаолиятида ижтиҳод (масалага ҳафсала билан ёндашиш, тиришиш, ғайрат қилиш, ақл билан хулоса чиқариш)дан кенг фойдаланганлар. Мадиналиклар эса Қуръон билан Суннага таяниб иш олиб борганлар. Ироқ мактабининг асосчиси машҳур фақиҳ Абу Ҳанифа ан-Нуъм ибн Собит (699—767), Мадина мактабининг асосчиси эса Малик ибн Онас (721—795) дир. IX—X асрларда сунна мактаби фақиҳларининг янги мактаблари — Шофъсийлар, яъни Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофъий (820 йилда вафот этган) асослаган ва Ҳанбалия, яъни Аҳмад ибн Ҳанбал асослаган (855 йилда вафот топган) мактаблари ташкил топди. Шофъийлар мактаби ал-ижтиҳодга, Ҳанбалия мактаби кўпроқ Қуръон билан Ҳадисга асосланган.

Абу Ҳанифа мактабининг қарашлари "Китоб заҳират ар-ривоя" ("Тўғри нақл этилган китоб"), "Китоб ул-асл фи-л-фуруъ" ("Фиқҳ бўйича асл китоб"), "Китоб уз-зиёдат" ("Китоб ул-асл"га қўшимча), "Китоб жомий ал-кабир" ("Фиқҳ бўйича катта маълумотнома"), "Китоб жомий ас-сағир" ("Фиқҳ бўйича қичик маълумотнома"), "Китоб сияр ал-кабир" ("Ҳарбий ҳуқуқ масалалари") асарларида ўз ифодасини топган.

Ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда фиқҳга оид ҳар хил фатволар ёзилди. Булар орасида энг машҳурлари Абулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурий (1037 йилда вафот этган)нинг "Мухтасар ал-Қудурий фи-л-фу-

руъ ал-Ҳанафия" ("Ҳанафия қонуншунослигининг асослари бўйича ал-Қудурийнинг мухтасар қўлланмаси"), Фахриддин ибн Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ал-Ўзгандий (вафоти 1196 йили)нинг "Фатавойи Қозихон", Бурҳонуддин Али ибн Абубакр ибн Абдулжалил ар-Риштоний (1197 йилда вафот топган)нинг "Ал-Ҳидоя" ("Қўлланма")си ҳисобланади.

Бу фатволар мазмун тарафдан, яъни ўртага қўйилган масалалар жиҳатидан кўп қирралидир. Улар одатда таҳорат, намоз, дафн этиш тартиби, закот, рўза, Макка ва Мадина зиёрати, савдо-сотиқ ишлари, мол-мулк масалалари, мерос, вақф, никоҳ ва талоқ масалалари, қонунбузарликка қарши кўриладиган жазо, мусулмонлар билан ғайридинлар ўртасидаги муносабат ва ниҳоят, мусулмон давлатлари билан бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатлар каби масалалар бўйича йўл-йўриқларни ўз ичига олган. Бир сўз билан айтганда, фатволар, давлат тузуми ва давлатнинг фаолияти, молия ишлари ва мол-мулк масалаларини ҳал қилишда, ҳар турли жиной ишларга жазо белгилашда қозиларга муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Шундай қилиб, фикҳ илми бир жиҳатдан, мусулмон қонуншунослигида назарий илм бўлиши билан бир қаторда, иккинчи тарафдан, мусулмон жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи амалий аҳамиятга эга бўлган кўрсатма ҳамдир.

IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фикҳ илмининг жамиятдаги мавқеи заифлашди. Бунга тараққий этган ислом мамлакатлари (Туркия, Миср, Ливан, Сурия, Ироқ)да Ғарбий Оврупо давлатлари қонунларига тақлидчилик кучайгани сабаб бўлди. Жумҳуриятимизда ҳам шундай бўлди. Тўғри, чор Русияси Туркистонда амалдаги суд тартиботига қўл тегизмади, уни даҳлсиз қолдирди. Қозилар фикҳ, фатво, ҳуқуқ-тартибот масалаларига тегишли мажмуа ва дастурлар асосида иш юритиб келдилар. Лекин "Улуғ Октябрь социалистик инқилоби" деб аталмиш давлат тўнтариши (1917 йил 25-октябр)дан сўнг эски судлар (қозилар) тугатилиб, Шўро суд тизими жорий этилди. Шу билан Туркистон заминидан минг йилдан ортиқ вақт амалда бўлиб келган суд-ҳуқуқшунослик тартибига барҳам берилди. Қисқаси, 75 йилдирки, оврупоча қонунлар билан яшаб келаётибмиз. Мен ҳуқуқшунос эмасман, шунчаки манбашунос тарихчидан, холос. Шу сабабдан Оврупо қонунлари ҳақида бир фикр

айтиш имкониятидан йироқман. Лекин ҳар қандай дастур ва қонунларимиз тарихимиз, урф-одатларимиз ва миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда тузилса, жамият учун ҳам, фуқаро учун ҳам яхши бўлур эди деган фикрдаман. Чунки, халқ ўз ота-боболари амал қилиб келган тартиб-қоида ва анъаналарга амал қилади. Биз туркистонликларнинг ҳам ўз тарихимиз, маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз бор. Асрлар давомида шаклланган қонунларимиз ва қонуншунос олимларимиз ҳам бор. Улар яратган қимматли асарлар мавжуд. Шундай асарларнинг жуда катта бир қисми бизнинг замонамизгача стиб келган. Мустақил республикамизнинг қонунларини такомиллаштириш, уни янгилашда ҳуқуқшунос олимларимиз бу асарларга мурожаат қилсалар фойдадан холи бўлмас эди. Мен улардан баъзиларини муҳтарам ҳуқуқшуносларимизнинг эътиборига тавсия этмоқчиман.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абубакр ал-Ҳанафий ал-Бухорий (1128 йилда вафот этган) "Ҳазонат ул-фатово" ("Фатволар хазинаси") ва "Мажмуъ ал-фатово" ("Фатволар мажмуаси") номли икки асар ёзиб қолдирган. Иккинчи асарда самарқандлик машҳур имом ва фақиҳлардан Абуллайс Самарқандий, Муҳаммад ибн ал-Валид Самарқандий, Абулҳасан ар-Мустаффарий ас-Самарқандий, Аттор ибн Ҳамза ас-Сугдий ва бошқаларнинг муҳим ва машҳур фатволарини жамлаган. "Ҳазонат ул-фатово" эса унинг иккинчи таҳриридир.

Ҳисомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Мааз ал-Бухорий (1141 йилда вафот топган). Салжуқийлардан Султон Санжар (1118—1157) даврида Мовароуннаҳрнинг қози калони бўлиб хизмат қилган эди. Султон Санжарнинг қорахитойлар билан Самарқанд ёнидаги Қатавон даштида бўлган урушда ўлдирилган. Шу сабабдан "Садр аш-шаҳид" ("Шаҳид бўлган садр") номи билан машҳур. Ундан мусулмон қонунчилигига оид икки асар: "Жомий ас-сағир" ("Кичик тўплам") ва "Китоб ал-воқеот" ("Чигал воқеалар шарҳи") қолган. "Жомий ас-сағир" машҳур фақиҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний (804 йилда вафот этган)нинг "Жомий ул-кабир" ("Катта тўплам") номли муҳим асарининг қайта ишланган ва маълум даражада изоҳланган нусхаси бўлиб, 1112 йили ёзиб тамомланган. Иккинчи асарда фикҳ масалаларининг чигал ва мунозарали ўринлари шарҳлаб берилган.

Носириддин Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий (вафоти 1161 йили). Мусул-



мон қонунчилиги масалаларини ўз ичига олган "Мул-тақоти Носирий" ("Носириддиннинг сайланма китоби") асари билан машҳур. Асар 1154 йили ёзиб тамомланган ва кўп бор Усрушана (Ўратспа) ва Самарқандда таҳрир этилган.

Нажмуддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Аҳмад ал-Хоразмий (XII асрнинг биринчи ярмида ўтган) ҳам мусулмон қонунчилиги масалаларини илмий тадқиқ этиш ишига катта ҳисса қўшган олимлар жумласидан. "Фатавойи сағир" ("Мухтасар фатволар") деган асар ёзиб қолдирган. Унда юқорида номи зикр этилган Ҳисомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Мааз ал-Бухорийнинг "Жомий ус-сағир"ида кўтарилган масалаларга қилган жавобларини келтирган ва айрим қўшимчалар киритган.

Мажидин Абулфатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ис-травшаний (вафоти 1240 йили) мусулмон қонунчилигига оид "Аҳком ас-сағир" ("Кичик қонунлар") ва "Мажмуъ ал-фатавойи" ("Фатволар мажмуаси") номли икки асари билан ҳисса қўшган. Айниқса, "Мажмуа"си катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади.

Фахриддин Ҳасан ибн Маҳмуд ал-Ўзгандий (1196 йилда вафот этган). Фарғоналик бу олим юқорида тилга олганимиз "Фатавойи қозихон"—"Қозихоннинг фатволари" деган асари билан машҳур. Мусулмон қонунчилиги билан боғлиқ барча масалаларни ўз ичига олган. Асарнинг 1500-йилда кўчирилган мукаммал нусхаси юқорида зикр қилинган институт кутубхонасида сақланади.

Ўшлик фақиҳ Сирожиддин Али ибн Усмон ал-Ўший (вафоти 1173 йил)дан фикҳга оид иккита қимматли асар қолган. Булардан бири "Ғурар ал-ахбор ва дурар ал-ашъ-ор" ("Танланган хабарлар ва ашъорлар дури") деб аталиб, мусулмон арбоблари ҳақида айтилган юзта фикр-мулоҳазани ўз ичига олган. "Жавоҳир ул-аҳком" ("Қонун-қоида марваридлари") асари эса фикҳ илмининг барча масалаларидан баҳс юритади.

Мирза Абдулваҳҳоб Бухорий (XVII асрда ўтган). Аштархонийлар замонида қози аскар лавозимида турган бу олимдан "Рисолайи истисно" ("Истисно муомаласи ҳақида рисола") номли муҳим асар ёдгор қолган. Охунд мулла Муҳаммад Ҳусайн деган шахснинг талаби билан ёзилган. Асар қозиларнинг ишида кўп учраб турадиган чигал масалаларни ечиш юзасидан ўзига хос қўлланма

бўлиб хизмат қилган. Муҳими шундаки, муаллиф бундай масалаларни счишда математика усулидан кенг фойдаланган.

Рўйхатни давом эттириш мумкин, лекин келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Туркистон заминидан математика, астрономия, табобат, фалсафа, адабиёт, тарих илмларининг жаҳонга донғи кетган намояндалари билан бир қаторда, забардаст ҳуқуқшунос олимлар ҳам кўплаб стишиб чиққан. Афсуски, биз уларни яхши билмаймиз, ўрганмаймиз. Шу муносабат билан мен бир амалий таклифни ўртага ташламоқчиман. Республиканинг келажаги, фуқаронинг аҳволи кўпроқ ҳар жиҳатдан стук қонуншуносларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Жамиятнинг ривожини, фуқаронинг хавфсизлигини эса мукаммал қонун яратувчи ва ўша қонунларнинг устуворлигини ҳимоя қилувчи ҳуқуқшуносларнинг билими, обрў ва мавқсидан ҳам озиқланади. Биз уларни ҳозирданоқ зўр эътибор билан тайёрлашимиз зарур. Бунинг учун ҳуқуқшунослик институтлари ва техникумларида араб тили ва мусулмон қонуншунослиги асослари фанлари ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

*Иккинчи қисм*  
**ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР**

---

**АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ИНСОН**

Полякларнинг XVII асрда ўтган Ян Гевелий исмли машҳур мунажжим олими бўлган. У "Продромус астрономии" ("Астрономия даракчиси") деган ажойиб бир китоб ёзиб қолдирган. Ўша китобда улуғ ватандошимиз Мирзо Улуғбек ҳақида диққатга сазовор маълумотлар келтирилади. Ва яна унинг сиймоси туширилган иккита қимматли сурат (гравюра) ҳам бор. Суратлардан бирида Мирзо Улуғбек мунажжимлар худоси Урания ва овруполик бешта машҳур мунажжим: юнон Битлимус (милод. авв. тахм. 170 йили вафот этган), немис Гасс (1532—1592), даниялик олим Тихо Браге (1546—1601), италиялик Жан Баптист Риччиоли (1598—1671) ва Гевелий (1611—1687) билан бирга тасвирланган. Суратда Улуғбек мунажжимлар худоси Ураниянинг ўнг қўлида, биринчи бўлиб ўлтирибди. Иккинчи суратда у ўша Урания ва жаҳон узра донг таратган ўн бир мунажжим Тимахарис (мил. авв. III аср), Хиппарх (мил. авв. II аср), Битлимус, Ал-Баттоний (852—929), Региомонтан (1436—1476), Вольтер (1430—1504), Гасс, Гевелий, Николай Коперник (1473—1543) ва Тихо Браголлар билан бирга. Бу суратда ҳам Улуғбек Ураниянинг ўнг тарафида, учинчи бўлиб турибди. Кўриниб турибдики, дунё олимлари Улуғбекни буюк мунажжим ва олим сифатида XVII асрдаёқ тан олган экан. Илми нужум (астрономия)нинг амалий ва назарий масалаларини ўз ичига олган "Зижи жадиди кўрагоний" ("Кўрагонийнинг илми нужум жадвали") номли шоҳ асари туфайли уни дунё таниган. Олимлар бу асарни турли тилларга таржима қилиб, чоп этдилар, дорилфунунлар ва расадхоналарда зўр иштиёқ ва қизиқиш билан ўргана бошладилар. Масалан, машҳур инглиз олими,

Оксфорд дорилфунунининг профессорси Жон Гривс (1602—1652) 1648 йили "Зижи жадиди кўрагоний"нинг бир қисмини ("Юлдузлар мажмуаси ва жаҳондаги йирик шаҳарларнинг эгаллаган ўрни") чоп эттирди. Орадан икки йил ўтиб, 1650 йили, Лондонда "Улуғбек зижи"нинг хронологияга бағишланган биринчи қисми нашр этилди. Орадан ўн беш йил ўтиб, 1665 йили яна бир шарқшунос олим, Оксфорд (Англия) университетининг профессорси Томас Хайд (1636—1703) "Зижи жадиди кўрагоний"нинг матни ва лотинча таржимасини, зарур изоҳлар билан қўшиб нашр эттирди. Томас Хайднинг ушбу нашри "Улуғбек зижи" устида келажакда олиб борилган барча илмий изланишларга асос бўлди. Гринвич (Англия) расадхонасининг профессорси Д. Флемстид (1646—1715) ҳам "Улуғбек зижи"га қўл урди ва уни нашрга тайёрлади, лекин ҳаёт кезларида уни нашр эттирилмади. Унинг китоби фақат вафотидан ўн йил ўтиб, 1725 йили ёруғлик юзини кўрди. Улуғбекнинг мазкур асари Францияда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Асар 1839 йили (матни ва франузча таржимаси билан) йирик шарқшунос олим Л. А. Седийо (1808—1876) тарафидан чоп этилди. "Зижи жадиди кўрагоний"га қизиқиш Америка Қўшма Штатларида ҳам каттадир. Асар 1917 йили Э. Б. Нобл тарафидан Вашингтонда нашр этилди. Шуни ҳам уқдириб ўтиш керакки, Томас Хайднинг юқорида тилга олинган нашри кўпчилик олимларга маъқул бўлди. Шунинг учун ҳам унинг нашри ўтган асрда яна икки марта амалга оширилди.

Лекин, шарқ мамлакатларида Мирзо Улуғбек ўз замонасидаёқ (XV асрдаёқ) шон-шуҳрат топди. Масалан, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида унга ушбу қимматли сатрлар бағишланган:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Ва лек ул илм сори тонти чун даст,  
Кўзи олинди бўлди осмон паст.  
Расадким боғламин зеби жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Улуғбекнинг замондоши, шоир Саккокий Мирзо Улуғбекни Арасту, Афлотун сингари йирик юнон олимлари,

Абу Маъшар ва ибн Синодск шарқнинг забардаст олимлари қаторига қўяди. У шундай дейди:

Салотин дуняда кўп келди-ю кетти, лекин

сзингдск бир,

Фалакнинг гар тили бўлса айтсунким қачон келгон?

Йирик тарихшунос олим Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482) Улуғбек расадхонаси, олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида кўп қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган, Улуғбекнинг буюклигига қойил қолган:

Ҳандаса илмида Улуғбек мирзодск (олим)ни,

Минглаб мадрасадин ҳам излаб топмассен

Мирзо Улуғбек ва унинг атрофига уюшиб Самарқанд расадхонасида кўп йил меҳнат қилган олимларнинг илмий кашфиётлари ўз даврида Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср ва бошқа Шарқ мамлакатлари олимлари тарафидан ҳам эътироф қилинди. Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Кошонийларнинг бу мамлакатларда Абдулла Биржандий, Ғиёсиддин Мансур Шерозий, Абдулқодир Мисрий, Шамсиддин Муҳаммад Суютий, Лутфулла Лоҳурий, Муҳаммад Замон Дехлавий каби ўнлаб шогирдлари ҳам ўз даврида жаҳон таниган олимлар бўлиб стишдилар.

Гапнинг қисқаси, буюк олим, илм-фан ва маданият хомийси сифатида жаҳонга танилган бу инсон йирик давлат арбоби, моҳир саркарда ҳазрат Амир Темур кўрагоннинг набираси, Шоҳрух ва Гавҳаршодбегимнинг тўнғич фарзанди эди. У ҳижрий 796 йил жумоди ул-аввал ойининг 19-куни (милодий 1394 йили 22-март куни) ҳазрат соҳибқирон Ироқи ажам ва Озарбайжонга қилган беш йиллик ҳарбий юриши (1392—1396) вақтида Эрон Озарбайжонининг пойтахти Султонияда таваллуд топди. Чақалоқ бир ойлик бўлмасдан Амир Темур уни суюкли хотини Сароймулк хоним (Бибихоним)нинг тарбиясига топширди. Ўша замонларнинг таомили шунақа эди. Бувалар ва катта оналар фарзандларининг болаларидан битта-иккитасини ўзлари тарбиялаб вояга стказардилар.

Улуғбек чақалоқлигидан бошлаб бобосининг жуда кўп ҳарбий юришларида бирга бўлди. Ўша 1394 йили Амир Темур Ширвон билан Арманистон устига қўшин тортган-

да ҳали бсшиқда ётган Мирзо Улуғбекни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. 1398 йили Ҳиндистон юришида, 1399—1404 йиллар орасида (етти йиллик юриш) Ироқ, Сурия ва Туркия устига қилинган юришларда ҳам аскар ичида бўлди у. Амир Темур болаларини уруш-талашларда суяги қотиб, кўзи пишишини истарди, дунёни кўриб чиниқсин, дсрди.

Мирзо Улуғбекнинг ёшлиғи қандай кечгани, хусусан, қандай ўқигани ҳақида старли маълумотга эга эмасмиз. Лекин, эски китобларда ўша пайтларда подшоҳзодалар ва хонзодаларнинг тарбияланиши ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Шунга кўра, подшоҳзодалар ва хонзодалар тўрт ёшга тўлиши биланоқ уларнинг саводини чиқариш учун ўқитганлар. Шу билан бирга уларга махсус муаллим — қиссахонни бириктириб қўярдилар. Қиссахон уларга қизиқарли ҳикоят ва ривоятлар айтиб, уларнинг хотираси ва зеҳнини псшлаган. Масалан, 1398 йили энди тўрт ёшга чиққан Улуғбекга Ҳамза ибн Али Тусий дсган зийрак ва ақлли бола қиссахон қилиб тайинланган. Ҳамза ибн Али Амир Темур қиссахонининг жияни бўлиб, саккиз йилдан бери тоғойисининг ёнида юриб ундан кўп фойдали ҳикоят ва ривоятларни ўрганган эди. Ҳамза ибн Али Тусий ксйинчалик катта олим бўлиб етишди. У қандай қилиб Улуғбекга қиссахон бўлиб қолгани ҳақида бундай ҳикоя қилади: "Мен ҳижрий 800 (милодий 1398 йили) улуғ амир ҳазрат соҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг қиссахони бўлган тоғойим билан Қорабоғда эрдим. Ўшанда Улуғбек кўрагоннинг хизматига тайинландим. Бир неча йил шаҳзода бирлан гўдаклик ва болаликнинг нашъу намосини бирга тотдик. Унга турли ҳикоятлар айтиб бсрдим ва у билан дўст бўлиб ксддим".

Шаҳзода ва хонзодалар хат-саводини чиқариб олишгандан кейин, саккиз ёшидан мадрасага ўқишга берилган. Шу билан бирга, саройда махсус муаллимлар уларга ҳарб ишлари, ҳар хил табақада бўлган кишилар, шунингдек, элчилар билан қандай муомала қилиш, давлатни бошқариш ишларини ўргатганлар. Ўн икки ёшга кирганларида уларга оталиқлар тайинланиб, улус берилган. Шунга қараганда, Мирзо Улуғбек ҳам шундай тарбия мактабини ўтаган.

Улуғбек ёшлигиданоқ илм касб этишга зўр иштиёқини намойиш қилди. Бунга Амир Темур саройидаги илмий муҳит ҳам катта таъсир кўрсатди. Тарихчи ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича ўша вақтларда Самарқандда

**илм-фаннинг** деярли ҳамма соҳаларини мукамал эгаллаган олимлар тўпланган. Фикҳ, ҳадис, тафсир, қуръон, фалсафа, мусиқа, тарих, илми нужум (астрономия) фанларининг йирик намояндалари мавлоно Абдулмалик, Нуъмониддин Хоразмий, Саъдуддин Тафтазоний, Мир Саид Шариф Журжоний, Шайх Шамсуддин Муҳаммад Муҳожирий, ҳожа Муҳаммад Зоҳид Бухорий, Абдулқодир Мароғий, мавлоно Аҳмад ва Низомиддин Шомий шулар жумласидандир. Ва яна Амир Темурнинг катта кутубхонаси бўлиб, унда илм-фаннинг кўп соҳаларига оид жуда кўп китоблар тўпланган эди. Хуллас, Мирзо Улуғбекдек истеъдодли бола учун Амир Темур саройида ҳамма шароит мавжуд эди.

Амир Темур Хитойга юриш (ҳижрий 807 йил жумади ул-аввал ойининг 24-жумъа куни, милодий 1404 йил 28-ноябрь куни) олдидан Улуғбекка Сайрам, Янги, Ашпара ва Жетсни улус қилиб берди. Сайрам, Янги ва Ашпара ўша кезларда Темур давлати таркибида эди-ку, лскин Жетсни, яъни Мўғулистондек улкан мамлакатни бўйсундириш керак эди. Уни мана шу урушда қатнашиб Улуғбекнинг ўзи тасхир қабзасига киритиши зарур эди. Амир Темурнинг одати шунақа бўлган ўзи. У бировга, ҳатто ўз болаларига ҳам, бскорга нон бермасди.

Лекин, Хитойга юриш амалга ошмай қолди. Мана-мана бошланаман деб турган бир пайтда ҳазрат соҳибқирон йўлда қазо қилдилар. Бутун дунёни титроққа солган бу воқса ўша ҳижрий 807 йил шаъбон ойининг 17-куни (милодий 1405 йил 18-февраль куни) содир бўлди. Шундан кейин қўшин орасида бузилиш бошланди, шаҳзодалар орасида тожу тахт учун кураш бошланди. Амир Темурнинг не машаққатлар билан барпо этган империяси парчаланиб кетди. Ана шу курашларда ҳазрат соҳибқироннинг набираси Ҳалил Султоннинг омади келди. Амир Темурнинг яна бир тўда амирлари (Худойдод Ҳусайний, Ёдгоршоҳ орлот, Шамсиддин Аббос, Бурундуқбарлос ва б.қ.) унга тарафдор бўлдилар ва уни тахтга ўтқиздилар. Аммо унинг ҳокимиятини фақат Мовароуннаҳрдаги вилоятлар танидилар, холос. Ҳисори шодмон билан Хутталон, Қобил, Қандаҳор ва Хуросон Муҳаммад Жаҳонгир, амирзода Пирмуҳаммад ва Шоҳрух мирзонинг тасарруфи остида қолди. Улар Ҳалил Султонни Темурийлар давлатининг олий ҳукмдори сифатида тан олмадилар.

Мирзо Улуғбек 1405—1409 йиллари Хуросонда отаси билан бирга бўлди, унинг тез-тез бўлиб турадиган юришларида қатнашди. Шоҳрух мирзо ўшанда ўглига Калот, Нисо, Обивард, Язир, Сабзавор ва Нишопур вилоятларини, яъни шарқий Хуросонни суюрғол қилиб берди. Бу ерларни Улуғбек оталиғи, яъни тарбиячиси амир Шоҳмаликнинг ёрдами билан идора қилди.

Ҳижрий 817-йилнинг шаъбон (1409 йилнинг декабрь) ойида, Ҳалил Султон бартараф этилгандан кейин Шоҳрух амирзода Улуғбекни Мовароуннаҳр билан Туркистонга ҳоким этиб тайинлади. Унга 1415 йилдан бошлаб Кошғар ҳам бўйсунди.

Мирзо Улуғбек бу мамлакатларни қирқ йил идора қилди. Лекин у кўпчилик подшоҳларга ўхшаб уруш ва улусни кенгайтиришга ҳирс қўймади. У шу катта давр ичида бор-йўғи икки марта уруш олиб борди. Булардан бири Мўғулистон устига қилинган урушдир. Юз кундан ортиқ (828 раби ул-аввал ойининг 27-куни) 1425 йил 17 февраль ойидан — 828 йил шаъбон ойининг 10-куни (1425 йил 27 июнь) давом этган бу уруш Улуғбекнинг катта ғалабаси билан якунланди. Мовароуннаҳр ва Туркистон қўшинлари мазкур юришда Мўғулистон хони Шермуҳаммадхоннинг катта ўрдаси Юлдузгача бордилар ва беҳисоб ўлжаю асирлар олиб қайтдилар. Ўлжалар орасида Мўғулистон хонининг қароргоҳидан олинган икки бўлак кош тоши (нефрит) ҳам бор эди. Бу қимматбаҳо тошларнинг тақдири жуда қизиқ. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрия" ("Икки саодатли юлдузнинг тулуъ бўлиш жойи ва икки азим денгизнинг тутатиш ўрни") деган китобида бундай дейилган: "Мирзо Улуғбек ўшал кош тошни ароба бирлан доруссалтанат Самарқандга стказиш учун икки минг чапдаст йигитини ўшал мавзёда қолдирди. Ўшал тошни қадимги подшоҳлар Чин тарафдин ушбу жойга келтирган эркаклар ва ҳазрат соҳибқирон ул тошни Мовароуннаҳрга кўчурмоқчи бўлуб, амир Жаҳоншоҳни, бир неча минг одам бирлан ул ерда қолдирғон, аммо алар тошни кўчириб келтиришдан ожизлик қилғон эрканлар". Бир замонлар Дува Сценхон Хитой тарафлардан олиб келиб, мўғул ҳукмдорлари қароргоҳига қўйган бу тош аслида уч қисмдан иборат бўлиб, Амир Темур унинг фақат бир қисминигина Самарқандга олиб келишга муяссар бўлган эди. Тошнинг қолган икки бўлагини Мирзо Улуғбек шу юришда махсус араваларга юклатиб



Самарқандга келтиртирди. Улуғбекнинг амри билан моҳир сангтарош усталар уларни тарошлаб бир бўлагини ҳазрат соҳибқироннинг қабри устига ўрнатдилар.

Мирзо Улуғбек олиб борган иккинчи уруш Оқ ўрда хони Бароқхон билан бўлди. Бу уруш ҳижрий 830 йил жумоди ул-аввал (1427 йил март) ойида Сигноқ ёнида бўлиб ўтди ва унда Мирзо Улуғбек мағлубиятга учради. Шундан кейин Улуғбек уруш сиёсатидан тамом воз кечди. Бор кучи ва истеъдодини эл-юртнинг ободончилиги, илм-фан ва маданият равнақига сарфлади. Унинг рааснинг рифоҳияти ва эл-юртнинг эмну омонлиги йўлида олиб борган ишларининг энг каттаси шу бўлдики, у мамлакатда олиқ-солиқ ишини тартибга солди, чунки солиқ йигувчиларнинг зулми ҳаддидан ошган эди. Бу ҳақда замондош тарихчи олим мана буларни ҳикоя қилади: "Отаси Шоҳрух мирзо ҳукмронлиги даврида [Улуғбек мирзо] қирқ йил Самарқанд билан Мовароуннаҳрни идора қилди. Давлатни бошқариш ва ҳақ йўл тутишда мақтовга лойиқ йўсин тутди. Айтишларича, унинг даврида тўрт харвор (тўрт эшак юки — Б. А.) ҳосил бериши мумкин бўлган бир жариб (бир таноб — Б. А.) срдан 4 донг (вазни 0,8 гр. бўлган кумуш пул — Б. А.) хирож олинган. Ва яна Мирзо Улуғбек пул ислоҳоти ҳам ўтказди, чунки танга-чақаларнинг вазни снгиллашиб, пулнинг қадри кетиб қолган эди. Мирзо Улуғбекнинг амри билан янги пул чиқарилди. Бу пул "динори адлия" ва "фулуси адлия" деб аталди.

Уруш-талоларга барҳам берилиши, мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг қарор топиши зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, айниқса, унинг пойтахти Самарқандни янада обод қилишга катта ҳисса қўшди. У биринчидан, бобоси ҳазрат соҳибқирон даврида бошланган, аммо ҳар хил сабабларга кўра тугалланмай қолган бинолар (Шоҳи зинда, Гўри Амир, Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз ва б.қ.) қурилишларни охирига етказди. Масалан, Улуғбек Гўри Амир мақбарасига кун чиқар тарафдан эшик очтирди ва эшикдан мақбарага боргунча гумбазли айвон (галсеря) қурдирди (1424 йил). Эшикнинг тепаси, ён деворлари ранго-ранг кошинлар билан қопланди. Қабрлар атрофидаги мрамар панжараларни ҳам Мирзо Улуғбек қурдирди. Панжаралар бинонинг ички манзарасига ўзига хос ҳусн бағишлади.

Шоҳи зиндадаги бир қатор муҳташам бинолар (масалан, хожа Аҳмад, "Номаълум" киши, Қозизода Румий мақбаралари) Улуғбек замонида қурилди. Мирзо Улуғбекнинг саъй ҳаракати билан Шоҳи зиндада зўр архитектура-режалаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Анвойи ранглар билан ишланган пештоқли асосий дарвоза (1434—1435) ана шу катта ишлар жумласидандир.

Мирзо Улуғбек, айниқса, Самарқанднинг шаҳар марказини обод қилишга алоҳида эътибор берди. Масалан, шаҳарнинг қоқ марказида — Регистон майдонида қатор кўркем бинолар: мадраса, хонақоҳ, карвонсарой, ҳаммом ва бошқа бинолар қурдирди. "Бобурнома"да бу бинолар ҳақида мана бундай дейилган: "Улуғбек мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гунбази бисёр гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар... Яна бу мадрасанинг жануб тарафида бир масжид солибдур, масжиди муқаттаъ дерлар, бу жиҳаттин муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа ёғочлардан тарош қилиб, ислимий ва хитойи нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи бирла мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ҳолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи билан амал қилибтурлар". Бундан чиқди, масжиди муқаттаъ расадхона қуриб битирилганга қадар, ўзининг асосий вазифасидан ташқари, сайёра ва умуман осмон ёриткичларини кузатиш вазифасини ҳам ўтаган экан. Улуғбек Мовароуннаҳрда бир эмас, уч мадраса қурдирди. Булардан бири Самарқандда (1417—1420 йиллари бино этилган); иккинчиси Бухорода (1417 й.) ва учинчиси Гиждувонда (1433 й.) қурилди. Улуғбекнинг саъй-ҳаракати билан қурилган бинолардан энг каттаси Расадхонадир. Деворлари кошинлар билан қопланган уч ошёналик (қаватлик) бу олий бино (1424—28 й. қурилган) шарқ мсморчилигининг ажойиб намуналаридандир.

Эски тарих китобларда бу маърифатпарвар подшоҳнинг пойтахт Самарқанд теварагида қурдирган бошқа бинолари ҳақида ҳам маълумот учратамиз. Чунончи, Кўҳак тепалигининг кунботар тарафида қурилган Боғи майдон номи билан шуҳрат топган чорбоғ гўзал ва ҳашаматли бўлган. Бу боғ ўртасида бино этилган ҳашаматли қасрлар ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур мана буларни ёзади: "Улуғбек мирзо яна Пуштайи Кўҳакнинг доманасида ғарб сори боғе солибдур. Боғи майдонга мавсум. Боғнинг

ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилстун дерлар; ду ошёна, устунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўтарибтурларким, юқориға чиқар йўллар бу тўрт бурждандир. Ўзга тамом ерларида тоштин стунлардур. Баъзан морпеч хиёра қилибтурлар. Юқоридаги ошёнанинг тўрт тарафи айвондур, стунлари тошдир. Ўртача чордара ўйдур. Иморат кўрсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар". Бобур шу Боғи майдонга яқин ерда Улуғбек қурдирган яна бир боғ ҳақида ҳам муҳим маълумот қолдирган: "Бу имораттин (Боғи майдондан — Б. А.) Пуштайи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур. Анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўйибтур, тули (узунлиги) тахминан ўн тўрт-ўн беш қари (узунлик ўлчови, бир қари 70 см.га баробар) бўлғай, арзи (эни) етти-саккиз қари, умқи (баландлиги) бир қари, Мундоғ улуғ тошни хили йироқ йўлдин келтурибтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтирилгандин сўнг бу дарз бўлибдур". Демак, Улуғбек 1425 йили Мўғулистондан олдириб келтиртирган икки бўлак қош тошнинг бир бўлагини тахт қилиб, тарошланиб, шу боғдаги қасрга қўйилган экан. Бобур давом этиб яна ёзади: "Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдан киши юбориб келтирибдур".

Улуғбек даврида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ҳам ниҳоятда ривожланган. Буни шаҳарнинг турли-туман расталари, уларга қўйилган анвойи нсъматлар билан кўзни куйдириб турган бозорларидан ҳам билса бўлади. Яна Бобур мирзога мурожаат қилайлик: "Самарқанд шаҳари,— деб ёзган эди у "Бобурнома"да,— ажиб ораста шаҳардур, бу шаҳарда бир хусусият борким, ўзга кам шаҳарда андоқ бўлғай. Ҳар хирфагарнинг (косибнинг — Б. А.) бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиклари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Конибилдин келадур. Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким атроф ва жавонибға элтарлар". Самарқанд ва, умуман, Мовароуннаҳр ва Туркистон шаҳарларига жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидан савдогарлар келардилар. Мовароуннаҳр ва Туркистон шаҳарларидан чиққан савдо карвонлари Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Арабистон ва ҳатто Оврупо мамлакатларига ҳам қатнаб турардилар.

Улуғбек кўпроқ катта олим ва илм-фан ҳомийси бўлгани учун ҳам бизга қадрлидир. У том маъноси билан йирик олим эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича ва ўзининг бизгача етиб келган илмий меросига кўра, Улуғбек қомусий олим эди. У ҳандаса (геометрия), риёзиёт (математика), илми нужум (астрономия), тарих, адабиёт, мантиқ ва мусиқа илмларини яхши биларди. Қуръон, ҳадис ва фикҳ (мусулмон қонунчилиги) илмларидан ҳам хабардор эди. Мирзо Улуғбекнинг илмий салоҳияти, унинг аҳли қалам ва уламо хусусидаги ғамхўрлиги ҳақида инкор қилиб бўлмайдиган далил-исботлар жуда кўп. Келинг, гапни чўзиб ўтирмасдан шулардан биттасини келтирайлик. Бу — одил подшоҳ, олимнинг устози ва сафдоши Ғиёсиддин Жамшид Кошонийнинг отасига ёзган мактубидир. Ўша мактубда Улуғбекнинг илмий салоҳияти ҳақида мана бу эътирофларни ўқиймиз: "...Ислом подшоши, Тангри таоло унинг давлатини абадий қилсун, ўзи олим кишидур. Мен бу гапларни ҳурмат юзасидан айтаётғоним йўқ. Бор гапим шулким, бирламчидан ул киши муқаддас "Қуръон"нинг катта қисмини ёддан биладурлар, ани шарҳлаб бераладурлар. Ҳар куни халқ олдида андин икки сурани ўқийдурлар, лекин биронта хато қилмай тўғри ўқийдурлар. Сарф ила наҳвни (этимология ва синтаксис илми — Б. А.) яхши биладурлар, арабчани кўп чиройли ёзадурлар. Шу билан бирга фикҳни, мантиқни, илми адабни, мусиқанинг назарий асосларини яхши биладурлар. Риёзиёт илмининг барча соҳасида кенг маълумотга эгадурлар.

Бу бобда шу даражага стишганларким, от устида ўлтиргонлари ҳолда 818 йил ражаб ойининг ўнинчиси бирлан ўн бешинчиси ўртаси, шанба куни, йил фасларининг қайси айёмига тўғри келишини суриштириб қолдилар. (Ҳечким айтиб беролмагач), онинг ўзи, отдин тушмаган ҳолда, қуёшнинг узунлигини даража ва дақиқасигача ҳисоблаш йўли бирлан они счиб бердилар. Ҳақиқатан ҳам ҳисоб-китоб қилғонда рақамларни ёдда тутиб қолиш лозим. (Ўша пайтда) бир одам ёддан ҳисоб-китоб қилишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин хотираси яхши эмас эркан. У они даража ва дақиқаларгача ҳисоблаб беролмади. Ёддан ҳисоб-китоб қилиб бериш замондошлардин Улуғбекдин (бошқа) ҳеч кимнинг илгидин келмайдур.

Ушбунни ҳам қайд этмоқчиманки, Улуғбек Мирзо ушбу илмда (риёзиёт илмида — Б. А.) тенги йўқдур. Осмон

ҳаводислари хусусида асосли далиллар келтирадурлар. Тўғри хулосалар чиқаришга қодирдурлар. Зоти олийлари Носириддин Тусийнинг "Тазкира"си ҳамда Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд Шерозийнинг "Ат-туҳфа аш-Шоҳий" асарлари бўйича шу даражада зўр дарс ўқийдурларким, ортиқча изоҳлашга мухтожлиги йўқтурур...

Аълоҳазрат, давлатпаноҳ кун аро (мадрасада) дарс ва машғулотларда иштирок этадурлар, иштирок этганларида ҳам риёзиётдин дарс беришни яхши кўрадурлар. Ўша машғулотларга банда ҳам қатнашатурғон бўлуб қолдим".

Ғиёсиддин Жамшид Кошоний Улуғбек бемонанд илм-фан ҳомийси, меҳрибон йўлбошчи бўлганлиги ва атрофига жамланган олимларга ҳам ота бўлганлигини айтиб ўтади ўша мактубда. "...Ҳозирги вақтда Самарқандда энг машҳур олимлар йиғилғон,— деб ёзади у,—тамом илмлардин дарс берувчи мударрислар ҳам кўпдур. Аларнинг аксарияти риёзиёт илми бирлан банддурлар... Бундай олимлар сони 60—70 га стадур... Одамлар маоши ҳамда касбу ҳунари ўзгалардин ортиқ бўлсун, деб заҳмат чекадулар. Лекин... бундай кишилар озчиликни ташкил этадур. Аллоҳга шукрим, банда ўз юртида кўп вақт истиқомат қилғондин сўнг шундай кўркам шаҳарда олим, донишманд, билимга ҳавасмандларнинг пушти паноҳи бўлмиш аълоҳазрат, олампаноҳ теварагига уюшган олимлар орасига тушиб қолдим...

Аълоҳазрат одамларнинг тақдири билан қизиқмай қўйган тақдирда эзгулик — ёвузлик, ёвузлик эрса эзгуликдай туюлар эрди. Аммо онинг тобъларидин бирон шахс йўқким, ани олийҳазрат яхши билмасун..."

Мирзо Улуғбекдан бизгача унинг икки асари етиб келган. Булардан бири юқорида зикр этилган "Зижи жадиди кўрагоний" Самарқанд расадхонасининг самарали маҳсули сифатида фалакиёт илмининг (астрономиянинг) назарий ва илмий-амалий масалаларидан баҳс юритади. Асар муқаддима ва икки қисмдан иборат бўлиб, 1437 йили ёзиб тамомланган. Муқаддима тўрт қисмдан иборат. Унинг етти бобдан иборат биринчи қисмида фалакиёт илмининг асосий устунларидан саналган сана ва йил ҳисоби, яъни юнонлар, араблар, эронийлар ҳамда уйғурлар қабул қилган йил ҳисоблаш усуллари, ўша халқларнинг миллий байрамлари каби масалалар баён қилинган. "Вақтлар ва унга тааллуқли нимарсалар" деб аталган иккинчи қисмида (22 бобдан иборат) осмон буржларининг муаддал ан-анҳор (осмон экватори)дан

огиши, ҳатто устиво (экватор)нинг чиқиш ўрни, юлдузларнинг чиқиш ва ботиш жойлари, нисф ал-анҳор (меридиан) соатининг расад ўрни бўлмиш Самарқанд кенглигига нисбати, Шуша, Кайравон, Урмия, Булғор, Бағдод, Басра, Истахр, Ҳамадон, Балх, Бадахшон, Гурганч, Бешбалиқ, Қорақўрум, Хўжанд, Ахсикат, Ўзганд, Шош ва бошқа шаҳарларнинг (ҳаммаси бўлиб 683 шаҳар) координатлари, етти иқлим ва уларнинг маърифати ҳақида маълумот келтирилади. Ўн уч бобни ўз ичига олган учинчи қисмда ("Юлдузларнинг равшанлиги ва ўрни" деб аталади) юлдуз ва сайёраларнинг қуёш атрофидаги ҳаракати зўр аниқлик билан кўрсатиб берилган. "Юлдузларнинг доимий ҳаракати" деб аталмиш тўртинчи қисм астрология масалаларига, яъни юлдузларнинг ҳолати ва ҳаракатига қараб тақдирни белгилаш масалаларига бағишланган.

"Улуғбек зиж"нинг иккинчи қисми астрономия ва тригономстриянинг амалий масалаларига доир бўлиб, 1018 собита юлдузнинг ҳолати кўрсатиб берилган. Асарда кўтарилган масалалар шу қадар аниқ ва стукки, Улуғбек ва сафдошларининг ҳисоб-китоби бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Улуғбек замонида Самарқандда "Зиж жадиди кўрагоний"дан ташқари, илми нужум ва риёзиёт илмларига бағишланган бир талай бошқа қимматли асарлар ҳам яратилдики, бу асарлар жаҳон астрономия фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ғиссиддин Жамшиднинг "Зиж хоқоний дар шакли элхоний" ("Элхоний зижини такомиллаштириш асосида (тузилган) "Ҳоқоний зиж", "Рисолайи Муҳития" ("Муҳит ҳақида рисола"), "Мифтах ул-ҳисаб" ("Ҳисоблар калиди"), "Рисола ал-ватар ал-жайб" ("Хорда ва синус ҳақида рисола") китоблари, Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румийнинг "Рисолайи фи-л-ҳисоб" ("Ҳисоб ҳақида рисола"), "Шарҳ ашкол ат-таъсис" ("Шакллар асоси" рисоласига шарҳ"), "Рисола ал-жайб" ("Синус ҳақида рисола"), Алоуддин ибн Муҳаммад Али Қушчининг "Рисола фи-л-ҳайъа" ("Ҳайъат илми ҳақида рисола") "Рисола фи халл ашкол ал-қамар" ("Ой шаклларини счиш ҳақида рисола") асарлари шулар жумласидандир.

Жуда кўп тарихчи олимлар, масалан Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500—1551), Хондамир (1475—1535), Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) "Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эрди ва "Тўрт улус тарихи"ни ёзиб қолдирган" деб

айтадилар. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Улуғбек шундай асар ёзиб қолдирган. Асарда асосан Чингизхон замонидан то ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг тарих майдонига чиққанига қадар тўрт улусда, яъни Мўғулистон билан Шимолий Хитойни ўз ичига олган Улуғ улус, Жўчи улуси, Чигатой улуси ва Эрон, Озарбайжон ҳамда Ироқни ўз таркибига бириктирган Элхонийлар улусида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган.

Афсуски, "Тарихи арбаъ улус"нинг тўлиқ нусхаси бизгача стиб келмаган. Уша тўла нусхадан қисқартириб олинган тўртта нусхаси Англия, Ҳиндистон ва АҚШ кутубхоналарида сақланмоқда. Ушбу қисқартирилган нусхаларнинг сўнгги варағида (в. 182а) шундай қайд бор: "Улуғ соҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг Хитой томон юриши воқеалари алоҳида китоб қилиб ёзилади. Ушбу нусха "Улуси арбаъи Чингизий"дир ва шу рисолада келтирилган Туркхон ибн Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом авлодидан бўлган подшоҳлар ҳамда Туркистон замин хонларининг номлари саййид ас-султон, мирзойи шаҳид Улуғбекнинг қабрлари равшан бўлсин, тўрт улус хонлари ҳақида ёзган мажмуъасидан олиб баён этилди".

Улуғбекнинг адабиёт ва мусиқа илмларидан ҳам кенг маълумоти борлиги ҳақида айрим қайдлар бор. Масалан, ўттиз сттита қимматли манбага асосланиб ёзилган бир тарихий асарда (у "Муҳит ат-таворих" дсб аталади) Мирзо Улуғбек мусиқа илмида ҳам кенг маълумотга эга бўлганлиги айтилади ва у ихтиро қилган бешта мусиқа асарларининг номи келтирилади. Мана улар: булужий, шодиёна, ахлоқий, усули равон, улусий. "Самария" китобининг мусаннифи Абу Тоҳирхўжа Мирзо Улуғбекнинг таъб назми ҳам бўлганлиги, яъни шърлар ҳам айтган дсб ёзади. Унинг шърларидан бир мисрасини келтиради:

Эй онки мулки ҳусн ба зери нигини туст,  
Шўҳи макун ки чашми бадон дар камини туст.

Яъни:

Эй ҳусн мулки сенинг муҳринг остида бўлган,  
Шўҳлик қилма, чунки ёмонларнинг кўзи  
сenga тузоқ қўйгон.

Ҳа, Улуғбек ёмонларнинг кўзидан бошқаларни огоҳлантириб юрди, лекин тангназар ва ҳасадгўйлар ўзига минг ерда тузоқ қўйиб, хавф-хатар чор-атрофдан ўраб кслаётганини сезмади. Улуғ бобоси ҳазрат соҳибқироннинг мана бундай уқдиришлари бор эди. "...кенгаш икки турли бўлур, бири тил учида айтилғони, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилғонини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим". Ва яна: "(Подшоҳ) мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир воқеа менинг ўзим бирла рўй берган эди. Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча суҳбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари экан". Аммо Мирзо Улуғбек улуғ бобонинг айрим уқдиришларига бепарво бўлди. Пинжига кириб олган ғаразгўй гапташувчилар оқибатда ота-болани — Улуғбек билан Абдуллатифни уриштириб қўйдилар.

Ҳижрий 853 йил шаъбон ойининг бошида (1449 йил 19-сентябрда) Самарқанднинг шарқий-жанубий тарафида жойлашган Димишқ қасабаси ёнида ўғли билан бўлган урушда Мирзо Улуғбек енгилиб қолди. Шундан кейин у Самарқандга борди, лекин бир умр унинг тузини ичган Мироншоҳ қавчин шаҳар дарвозаларини подшоҳнинг юзига ёпди ва уни шаҳарга киритмади. Шундан кейин у Сирдарё бўйига, Шоҳрухия қалъасига борди. Бироқ қалъа қутволи Иброҳим ибн Фулод ҳам Мироншоҳ қавчинга ўхшаш иш тутди. Шундан кейин Улуғбек мулозимлари ва хизматкорлари билан бир-икки кун Сирдарё соҳилида кеча-кундуз ўлтириб чиқди. Сигноқга, Абулхайрхон ҳузурига ёрдам сўраб бормоқчи бўлди. Ўйлаб кўриб бу фикридан қайтди. Охири, "ахир, ота-болалик ҳурмати ярашиб олурмиз" деган мулоҳазага борди ва тожу тахтни ўғлига топшириб илм ва мадрасада мударрислик қилишга қарор қилиб орқасига қайтди. Лекин, бемехр фарзанд тож-тахтни куч билан тортиб олгани стмай, отанинг жонига қасд қилди, уни ўлдирди. Улуғбек 54 ёшида, илми камолатга етган бир пайтда ўлдирилди. Афсус, у қанчадан қанча китоблар ёзарди, шоғирдлар чиқарарди. Балким, улуғ бобосининг тарихини ҳам ўзи ёзиб берармиди?



## АМИР ТЕМУРНИ ЯХШИ ЎРГАНАЙЛИК

Амир Темурнинг тарихдаги ўрни мислсиз эканлигини ҳаммамиз биламиз. У XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрда кучайиб кетган фсодал тарқоқлигига барҳам берди, мамлакатни мўғуллар истилосидан озод этиб, эл-юртни бир туғ остига бирлаштирди ва марказлашган фсодал давлатга асос солди. Бу — Амир Темурнинг Туркистонзамин халқлари олдида қилган биринчи катта хизмати бўлди. Чунки, бирлик — эмну-омонлик ва эл-юрт фаровонлигига гаровдир. XIV асрнинг 80—90 йиллари Амир Темур Мўғулистон, Оқ ўрда ва Олтин ўрда фсодал ҳукмдорларига қарши кураш олиб борди. Бу билан у мамлакатнинг шарқий-шимолий ва шимолий-ғарбий тарафдан хавфсизлигини таъминлади. Меҳнаткаш халқ Мўғулистон ва Дашти қипчоқ кўчманчиларининг талон-тарож хуружларидан халос бўлди. Бу — Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ва унинг халқига кўрсатган иккинчи катта хизмати бўлди. Амир Темур 1395 йили Тўхтамишни ва 1402 йили Туркия ҳукмдори Боязид Йилдиримни тор-мор келтириб, Болқон ярим ороли халқларини Туркия фсодаллари асоратидан халос этди. Русияни эса мўғуллар истибдодидан қутилишини ҳеч бўлмаганда уч асрга қисқартирди. Бу — Амир Темурнинг жаҳон халқлари, хусусан булғорлар, серблар, македонияликлар ва русларга қилган беқиёс илтифоти бўлди.

Тўғри, 1380—1390 йиллари Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Гуржистон ва Ҳиндистон устига босқинчилик урушлари уюштирди. Лекин, фсодал жамият, ҳар қандай синфий жамиятга хос, унинг табиатидан келиб чиқадиган ҳодиса эди бу. Бундай ҳолни биз нафақат Шарқ халқлари тарихида, балки Оврупо, Амриқо ва Африка халқлари тарихида ҳам кўп учратамиз. Пётр I ҳам, Наполеон ҳам бундан мустасно эмас эдилар.

Биз туркистонликлар — Амир Темурнинг ватандошлари маълум сабабларга кўра Темур ва темурийлар даври тарихини яхши ўрганолмадик. Ўша давр билан боғлиқ кўп нарсаларни билмаймиз. Шу сабабдан Амир Темурни босқинчи деганларида бош ирғаб тасдиқладик, қонхўр деб айтганларида "Тўғри айтасиз, тақсир!" дедик, золим деб даъво қилганларида қўл қовуштириб "сиз ҳақсиз!" деб айтдик. Ачинарли жойи шундаки, бошқа мамлакатларда, ҳатто Инглистон, Фарангистон, Олмония, Амриқо каби насронийлар мамлакатаида Темур ва темурийлар ҳақида

кўп китоблар битилди. Сўзимизнинг далили сифатида шуни айтиш мумкинки, фақат кейинги тўрт-беш йил ичида Амриқода Ж. Будс ва Беатрица Манз, Олмонияда Г. Рёмср, Фарангистонда Жан Поль Ру билан Люсьен Карэнларнинг катта-катта китоблари чоп этилди. Бизда-чи? Профессор А. Ю. Якубовскийнинг 1946 йили "Вопросы истории" журналида чоп этилган "Тимур (опыт краткой характеристики)" ва академик Иброҳим Мўминовнинг 1968 йили Тошкентда "Фан" нашриётида босилган "Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган роли" деган мўъжаз бир китобчасидан бошқа биронта қўлга илинадиган асар ҳозиргача ёзилмаган.

Темур ва темурийлар даври Туркистон халқлари тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу — зироатчилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланган, илм-фан ва маданият гуркираб равнақ топган давр. Туркистонликлар тузган давлат бутун дунёга шуҳрат таратган вақт макони. Бизлар, Парвардигори оламга шукрлар бўлсинким, ана шундай буюк давлат тузиш сари қадам ташлаб турибмиз. Бу борада Президентимиз Исом Каримов собитқадамлик билан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Лекин, ўтмишда мавжуд бўлган мустақил ва қудратли давлатларимиз тарихини ўргансак, уларни яхши билсак бу йўлда олдимизга қўйган режаларимиз муваффақият билан амалга ошар эди.

## ИСКАНДАРНИНГ ЎЧИНИ СПИТАМЕНДАН ОЛАСИЗМИ?

*Илм — ўзни билмакдир.*

Миллатнинг қадр-қиммати унинг ўтмиши, тарихи билан ўлчанади. Ўрта Осиё, балки жаҳондаги бошқа халқлар, хусусан форслар, ҳиндлар, хитойлар сингари узоқ-узун тарихи бор ўзбекнинг ҳам. Архсолог ва антрополог олимларимизнинг кўп йиллик изланишлари натижасида Хоразм, Сурхондарё, Фарғона, қадимий Шош вилоятлари ўрамида ҳамда Инжу ўкиз (Сирдарё)нинг қуйи оқими теварагидаги туманлардан топилган ашёвий далиллар (қадимги одамларнинг суяк қолдиқлари, манзилгоҳлари, уларнинг меҳнат ва уруш қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, зсб-зийнат моллари, шаҳар ва қишлоқлар, маҳобатли иморатлар, сув ҳамда мудофаа иншо-

отларининг қолдиқлари)нинг гувоҳлик беришича, аждодларимиз бундан қарийб миллион йил муқаддам Ўрта Осиёнинг икки азим дарёси — Ўқуз (Амударё) ва Инжу Ўқиз (Сирдарё) оралиғи ва уларнинг тсварак-атрофида яшаган, беш-олти минг йил бурун чорвачилик ва сунъий суғоришга асосланган, деҳқончилик билан баралла шуғулланган эканлар. Туркистон (унга Шарқий Туркистон, Тибет, Мўғулистоннинг ғарбий-жанубий қисми. Олтой ўлкаси ҳам киради) деб аталмиш бу улкан мамлакатда бундан уч ярим-тўрт минг йил муқаддам бир талай катта-кичик шаҳарлар пайдо бўлди. Самарқанд, Бухоро, Марв, Хива ва Тошкент шаҳарларининг пайдо бўлганига икки ярим-уч минг йил бўлди. Қадим-қадим замонлардан Парфия, Бақтрия, Сўғдиёна, Қанхқа, Паркона, Кушон, Тохаристон, Ҳафтоллар (Эфталитлар), Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар каби жаҳонга довруғи кетган давлатларимиз бўлган.

Афсуски, кўпчилик буларни билмайди. Туркистонзамин аталмиш улуғ юртимиздан жаҳонга машҳур кўп олимлар, шоирлар, санъаткорлар стишиб чиққан. Ҳадис илмининг йирик намояндалари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дорамий; фалакиёт (астрономия) илмининг йирик намояндалари Аҳмад ал-Фарғоний билан Мирзо Улуғбек, риёзиёт (математика) фанининг асосчиларидан Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий; тибб (медицина) фанининг жаҳондаги йирик намояндаларидан Абу Али Ибн Сино, қомусий олимлар Абу Наср Форобий билан Абу Райҳон Беруний, забардаст тилшунос олим Маҳмуд Замахшарий, тарих илмининг йирик намояндаларидан Абу Наср Утбий, Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Саъмоний, Шиҳобиддин Муҳаммад Нисовий, Фахриддин Банокатий; адабиётшунослар Низоми Арузи Самарқандий, Нуриддин Муҳаммад Авфий Бухорий, Давлатшоҳ Самарқандий; забардаст шоирлар хожа Аҳмад Яссавий, Атоий, Амъоқ Бухорий, Қатрон ибн Мансур Термизий, Рашидиддин Вотвот, Адиб Собир Термизий, Ҳаким Сўзаний Самарқандий, Асириддин Ахсикатий, Сайфиддин Исфарангий, Рукниддин Кубовий, Сайфиддин Фарғоний, Фахриддин Банокатий, Носир Бухорий, Камол Хўжандий, Хожа Исматулла Бухорий, Хоразмий, Дурбек, Саккокий,

Алишер Навоий, Ҳувайдо, Машраб, Фируз, Амирий, Муқимий, Фурқатлар шулар жумласидандир.

Хўш, бу улуғ зотларни, улар ёзиб қолдирган асарларни ҳамма ўқиганми? Йўқ афсуски, ҳамма ўқимаган.

Туркистон замин халқлари орасидан эл-юртнинг бахтсаодати дёб унинг озодлиги ва миллий мустақиллиги дёб жон фидо қилган Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Муқанна, Маҳмуд Торобий ва Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди ва Дукчи Эшон сингари кўплаб миллий қаҳрамонлар, Исмоил Сомоний, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абдуллахон сингари йирик саркарда ва давлат арбоблари стишиб чиққан.

Хўш, биз уларни яхши биламизми? Йўқ, билмаймиз. Қизиллар уларни бизга қора қилиб уқдиришган; золим, қонхўр босқинчи дёб ўргатишган. Қипчоқлар хони Калининни аждаҳо қиёфасида тасвирлаб, қипчоқлар билан курашган рус баҳодирлари Илья Муромец, Алёша Попович ва Добриня Никитични оқил, одил, забардаст, ботир, аялқомат, суқсур йигит қиёфасида тасвирлаганлар. Масалан, шундай бир суратни ("Баҳодирлар" дёб аталади ўша сурат) машҳур рус рассоми В. М. Васнецов (1848—1926) чизган.

Ота-боболаримиздан қолган илмий меросимиз ҳам катта ва бестакрор. Жумҳуриятимизнинг ўнлаб кутубхоналарида илм-фаннинг барча муҳим соҳаларига тегишли минглаб қўлёзма китоблар бор. Музей ва архивларда тарих ва давлат қурилишига тегишли расмий ҳужжатлар сақланади. Булар бизнинг қарийб минг йиллик тарихимиз. Лекин уларнинг юздан бир фоизини ҳам ўрганиб чиққанимизча йўқ. Уларнинг сақланишичи? Бир сўз билан айтганда, сақланиши ёмон. Фожиа шундаки китоб ва ҳужжатлар сақланаётган бинолар қўлёзма асарлар ва ҳужжатларни сақлашга мутлақо мослаштирилмаган. Шу аҳволда бу бебаҳо бойлик авлодларга қоладими-йўқми, буни худо билади. Арманлар, озарлар ва тожиклар қўлёзма асарларни сақлаш учун барча талабларга жавоб берадиган замонавий биноларни аллақачон қуриб олишган. Ўзбекистон улардан минг чандон ортиқ иқтисодий қудратга эга бўлгани ҳолда, буни ҳанузгача қуролмади.

Энди айтинг-чи, тарихни, мерос ва миллий қадриятларимизни яхши билмай туриб, миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириб бўлармикин? Бўлмади, албатта.

Бунинг учун нималар қилишимиз керак? Биринчи навбатда, фарзандларимизни яхши ўқитишимиз, уларга аждодлар тарихини ўргатишимиз, улар қолдирган мерос билан ошно қилишимиз керак. Уларни Ватанга, улуг аждодларимизга ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашимиз зарур. Бир умр меҳнатдан боши чиқмай, қулга айланиб қолган, ифтихор қилса ва мағрурланса арзигулик тарихи, маданиятидан ажралган халқимизга ўзлигини англашида ёрдам беришимиз лозим. Бунга шарт-шароит борми? Бу мушкул, лекин муҳим ишнинг урдасидан чиқадиган одамларчи? Улар борми? Шарт-шароит ҳам бор, малакали кадрлар ҳам старли. Масалан, пойтахтнинг бир ўзида учта шарқшунослик, тарих, тил ва адабиёт, фалсафа ва **хуқуқ** институтларимиз бор. Ҳукумат уларга яхши-яхши жойларни бериб, маблағ ва моддий-техника воситалари билан таъминлаб қўйибди. Мутахассис кадрлар масаласига келсак, бу борада ҳам деярли камчилигимиз йўқ. Илмий текшириш ва педагогика билим юртларида, дорилфунунлар ва дорилмуаллимларда, мактаб ва техникумларда чуқур билимга эга бўлган тажрибали тарихчи олимлар ва муаллимларимиз бор. Биз ҳозир ҳам кўп нарсага қодирмиз. Мактабни қайта қуришга ҳам, тарих ва маданий меросни унумли ўрганишга ҳам. Лекин бундай қилолмаётибмиз. Мактаб аҳволи ҳамон ёмонлигича қолиб келяпти, тарих ва маданий меросни ўрганишга оқсаб юрибмиз.

Кези келганда ҳисоботлар хусусида ҳам бир-икки оғиз гапириб ўтсам, дейман. Одатда ҳисоботларда мазкур йилда қайси илмий мавзулар устида иш олиб борилди, қанча босма табоқ иш нашр этилди, қанча одам диссертация ёқлади, кимлар қасрда ва қандай конференцияларда қатнашди каби масалалар ўрин олади. Лекин ўша мавзуларнинг қайси қисми ёки боби ёзилиб муҳокамадан ўтган, улардан фойдаланиб бўладими, ўша чоп этилган фалонча босма табоқ ишнинг қанчаси илмий ва илмфанга ҳиссадор, қанчаси шунчаки илмий-оммабоп мақола — буни ҳеч ким суриштирмайди. Ёқланаётган диссертацияларнинг институтда олиб борилаётган илмий йўналишларга даҳлдор-даҳлдор эмаслиги билан қизиқилмайди. Ҳисоботларда янги илмий йўналишлар ҳақида ҳам гап боради. Лекин бу илмий муаммони институтнинг бир ўзи сча оладими, илмий кучи борми — бу билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ.

Яна бир гап. Одатда ҳисоботларга бағишланган илмий кенгашларда, айниқса юқоридан бирор раҳбар кслиб ўлтиргудай бўлса, сўзга чиқадиган штатли нотиклар — тўтиқушлар бўлади. Улар асосан раҳбарларни кўкларга кўтариб мақтайдилар, бошқаларга танбсқ бсрмоқчи бўладилар. Лекин, ҳсч ким "Тўхтанг, биродар! Бу, йлмий муассаса, бу срда ишлайдиган олимларнинг қадр-қиммати илмий иш билан, босилган китоб билан ўлчанади. Қани айтинг-чи, ўзингиз бу йил қандай илмий асар чоп эттирдингиз, нечта шогирд тайёрладингиз?", деб суриш-тирмайди.

Ёшлар — кслажагимиз. Уларда миллат туйғуси, гурур ва ифтихор туйғуларини биз олимлар, ёзувчилар шакл-лантирамыз. Бунда мактабда ўқитилаётган ижтимоий фанлар, айниқса, тарих фанининг роли бснихоя катта. Лекин, афсуски, ўқитишнинг умумий аҳволи ёмон. Бунинг асосий сабабларидан бири талабга жавоб бсрадиган дарслик ва қўлланмаларнинг йўқлиги.

1992 йили бир гуруҳ тарихчи олимларнинг ҳаракати билан Ўзбекистон тарихига оид яна иккита китоб нашр этилди. Булардан бири "Ўзбекистон тарихи ва маданияти" (тарих фанлари номзоди, доцент Шоди Каримов раҳбарлиги ва таҳрири остида) ва иккинчиси "Ўзбекистон халқлари тарихи" (ЎзФА ҳақиқий аъзоси Аҳмадали Леқаров таҳрири остида) деб аталади (бахтга қарши, камина бсихтиёр равишда биринчи китобга тақризчи, иккинчисига эса автордош бўлиб кириб қолганман).

Шоди Каримов раҳбарлиги остида ёзилган китобда Ўзбекистон халқларининг қадим-қадим замонлардан то шу кунларгача бўлган тарихи жуда қисқа тарзда, ўн етти лавҳага бўлиб баён этилган. Шубҳасиз, ҳажм жиҳатдан кичик бир китобда ва яна ўн етти лавҳада, кўп минг йиллик тарихни тўла-тўкис ёритиш қийин. Шу боис бу китобни мен Ўзбекистон тарихидан қисқача конспект, деб атаган бўлардим. Китобда кўп масалалар кўнгилдагидай ёритилмаган, балки шунчаки қайд қилиб ўтилган, холос. Масалан, Амир Тсмур ва унинг даврига ҳаммаси бўлиб уч варақ ажратилган. Иқтисодий масалалар (савдо-сотик) ва маданий алоқалар деярли ёритилмаган. Бундан ташқари, айрим ноаниқликлар ҳам бор. Масалан, китобда ёзилганидек Чингизхон даврида Хитойда Пекин деган шаҳар бўлмаган. Ўша пайтларда мамлакат пойтахти Джунду, 1153 йилдан кейин Дасин бўлган. 1267 йилда Қубилайхон (1260—1294) унинг шимолий-

шарқий тарафида Хонбалиқ деган шаҳар бунёд этдирган. Шундай қилиб, Чингизхон келган пайтда (1215й.) Хитойнинг пойтахти Пскин эмас, Дасин деб аталган. Яна бир жойда, яъни 1365 йили Самарқандда сарбадорлар ҳаракати ҳақида ҳикоя қилинган ерда, ҳаракат раҳбарларидан фақат Мавлонозода билан Абубакр Калавийларнинг номи тилга олинган, холос. Ваҳоланки, уларнинг орасида Хурдак Бухорий ҳам бор эди. Китобда атоқли жой номларини нотўғри ёзиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, Аҳамонийлар ўрнига Аҳмонийлар, Саллавкийлар — Селсвийлар. Нархаший — Норшохий, Мароканда — Мароқанд ёзилган. Имло хатолар ҳам анча бор.

Иккинчи китоб, яъни тарих фанлари доктори, профессор М. А. Бобоҳўжасв раҳбарлигида босмадан чиққан "Ўзбекистон халқлари тарихи" ("ФАН" нашриёти) китоби шу номдаги кўп жилдлик китобнинг биринчи қисми бўлиб, китоб тарих фанининг, хусусан археология илмининг кейинги йилларда қўлга киритган ютуқларини маълум даражада ҳисобга олган ҳолда ёзилган. Унда жиддий илмий ёки ғоявий хато йўқ. Лекин у барибир айрим жузъий камчиликлардан холи эмас. Хусусан, бир-икки жойда тарихий воқеа бузиб кўрсатилган. Масалан, Искандар Зулқарнайнинг Спитамен билан бўлган кураши ҳикоя қилинган жойда мана бундай гап бор: "Спитамен эса қамални (Мароканда қамалини — Б. А.) бўшатиб, Бухоро тарафга чекинади, сўнгра чўлга чиқиб олади. Аррианнинг ёзишича, Спитамен Политемит (Зарафшон) сувлари суғораётган барча ҳудудларни кезиб чиқади ва ортига қайтгач, минглаб хонадонларни ёқиб юборади, дала ва боғларни топтайди, 120 минг аҳолини қириб ташлайди" (таржиманинг ғализлигини қаранг-а, у аслида рус тилида ёзилган). Ҳақиқатда эса Политемитдан сув ичган барча ҳудудларни кезиб чиққан ва орқасига қайтишда минглаб хонадонларни ёқиб, 120 минг аҳолини қирган, экинзору, боғу роғларни пайҳон қилган Спитамен эмас, балки Искандар Зулқарнайнинг ўзгинасидир (қ. Арриан. "Александрнинг юришлари", IV жилд, 5—6-бетлар).

Кўп ўринларда шахс ва жой номларини бузиб ёзиш ҳолларини учратамиз. Масалан, Н. В. Пигулевская ўрнига — Н. В. Пигулевский, Балазурий — Балозурий, ал Моданий — ал-Маъданий, ибн Мискавайх — ибн Мисковайх, Фоиқ — Фаиқ, Чағрибск — Чорибск, Жэбэ нуён — Жуба нуён, Омул — Амул, Охарун — Ахарун, Марварруд —

Марвирд, Болосоғун — Балосоғун, Кот — Қист, девони барид — девони бирд бўлиб кетган.

Хулласи калом, дорилфунун ва дорилмуаллиминларни, мактаб ва ўрта ўқув юртларини, қўйинги, миллион-миллион ёш авлодни тарихдан зарур дарслик ва қўлланмаларсиз қолдириб келяпмиз.

Тўғриси айтганда, лоқайдликнинг оқибати бўлди, бу. Бундан 3—4 йил муқаддам Республика Халқ маорифи ва Олий таълим вазирликларида Ўзбекистон халқлари тарихи бўйича дарслик яратиш масаласига бағишланган бир-икки йиғилиш бўлгани эсимда. Бир гуруҳ олимлар (камина, Ҳамид Зиёев ва бошқалар) ўшанда мазкур дарсликни яратиш ишини юқори даражали мутахассисларга: олимлар, ўқитувчилар ва методистлардан иборат жамоага топшириш зарурлигини айтган эдик. Нима бўлганда ҳам "чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйгани яхши" эди. Лекин вазирликлардаги масъул ўртоқлар (республика ўқув-методик кенгаши ходимлари) гапимизга қулоқ осгилари келмади. "Альтернатив тартибда ёзишаверишсин, яхшисини танлаб оламиз", дейишди. Шу зайлда бу муҳим иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилди. Оқибати эса ҳаммага маълум. Талаб даражасида бўлмаган дарсликлар ҳар йили чиқиб турибди.

"Ўзбекистон халқлари тарихи"га ўхшаб, Амир Темур, Улуғбек ва Бобур шахси билан қизиқувчилар ҳам, худога шукур, анча кўпайиб қолди. Яқин-яқинларда кўпчилик уларнинг номи қулоққа чалиниши билан ўзини четга оларди. Нима ҳам дердик, азалдан ҳаётнинг ўзи шунақа. Кўпчилик нима расм бўлса, ўшанинг кўйига киради. Мана шу кунларда ўтмиш ва машҳур шахслар тарихи, қўпол қилиб айтганда жуда бозоргир бўлиб қолди. Айниқса, Амир Темур ва унинг авлоди тарихи расм бўлиб кетяпти. Шу боис билган ҳам, билмаган ҳам ўзини шу мавзуга уряпти.

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўша замонлардан қолган ишончли манбаларсиз ўрганиб бўлмайди. Шундай манбалар истаганча топилади. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг "Зафарнома" асари, Ҳофизи Абрунинг "Зубдат ут-таворих", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн" китоби, Муъиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворих". Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" ва Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарлари шулар жумласига киради. Ва яна Амир Темур ва Темурийларнинг Оврупо



ва Осиф мамлакатлари ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмалари ("Мактуботи Темурия" ва б.) бор. Қолаверса, Амир Темури, Мироншоҳ ва бошқа темурийзодаларни кўрган, билган овруполик элчилар (Клавихо) ва католик миссионерлар (Франческо, Исаак ва бошқалар)нинг эсдаликлари мавжуд. Ниҳоят, архиепископ Иоаннинг 1404 йили ёзган "Дунёни таниш хусусида қўлланма" ва йигирма тўрт бобдан иборат "Темури ҳақидаги эсдаликлар"и бор. Хуллас, ўқиб ўрганаман деган одамга китоб ва ҳужжатлар кўп. Лекин, сўнгги йиллар ичида асл манбалар туриб, нақл-ривоятлар асосида ёзилган китоблардан иккитаси босилиб чиқди. Булардан бири Поён Равшанов 1990 йили "Чўлпон" нашриётида чоп этдирган Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темуринома"си, иккинчиси, яқинда "Нур" ижодий уюшмаси чиқарган "Зафар йўли" китобидир. "Темуринома" ҳақида биз ўз ўрнида фикр билдирганмиз. "Зафар йўли"га келсак, бу аслида Амир Темурнинг таржимайи ҳолига оид (асли форсча) асар бўлиб, 1835 йили Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821—1842)нинг топшириғи билан Хўжанд қозиси Набижон хатиб томонидан эски ўзбекчага таржима қилинган бир асар. Асарнинг эски ўзбекчадаги матни Русия Фанлар академияси шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими кутубхонасида сақланаётган нусхаси (тартиб рақами Д. 193) асосида 1891 йили "Амир Темури". "Обстоятельство его жизни, походы, остановки, сражения и мира" номи билан Н. П. Остроумов тарафидан Тошкентда чоп этилган. Асар шу нашр асосида Н. Ликошин тарафидан рус тилига таржима қилинди ва 1894 йили Тошкентда чоп этилди. Асарнинг В. А. Панов қилган таржимаси (Москва, 1934) ҳам бор. "Зафар йўли" китоби (нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов) мана шу Набижон хатибнинг таржимасига асосланган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу асар ношир айтгандай жуда ҳам оригинал асар эмас. У аслида "Темури тузуклари", "Зафарнома" сингари китобларга асосланиб ёзилган. Китобда келтирилган маълумот ва фактлар ҳақиқатга зид эмас. Китоб Амир Темурнинг 39 ёшигача давр ичида бўлган воқеалар ҳақида умумий тарзда ҳикоя қилади.

"Зафар йўли"да бирмунча хатолар мавжуд. Асарда Амир Темури кураш олиб борган қандайдир ўзбеклар ҳақида сўз боради. Айнан шундай гапни биз "Темури тузуклари"да ҳам учратган эдик. "Темури тузуклари"да ҳам, "Зафар йўли"да ҳам тилга олинган ўзбеклар этник

Ўзбеклар эмас, балки XIII—XIV асрларда Дашти қипчоқнинг шарқий қисми (ҳозирги Қозоғистон) да кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларидир. Туркистон, Эрон, Арабистон тарихчиларининг асарларида бу қавмлар "Ўзбеклар", улар кўчиб юрган мамлакат эса "Ўзбеклар мамлакати" деб аталган. XIII аср ўрталарида, аниқроғи 1251 йилдан кейин, Мовароуннаҳр, яъни Чигатой улуси Олтин ўрда хонларининг таъсирига тушиб қолди. Ана ўша йиллардан бошлаб, то Амир Темури замонигача Мовароуннаҳр ўша Олтин ўрдалиқ ўзбекларнинг сиёсий таъсири остида бўлган. Бухоро ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида Олтин ўрда аскарлари турган. Доруғаларнинг кўпчилиги ўша ўзбеклардан бўлган. Биз бу масалани 1965 йили Москвада чоп этилган "Государство кочевых узбеков" деган монографиямизда батафсил баён этган эдик. Бу масалага А. Ю. Якубовский, А. А. Семёнов каби улкан олимларнинг асарларида ҳам кенг ўрин берилган. "Зафар йўли" китобининг ношири ҳам Амир Темури таржимаи ҳолида тилга олинган ўзбеклар туб Мовароуннаҳр ўзбеклари эмас, балки "дашт ўзбеклари" эканлигини китобга илова қилган "сўз боши" сида ҳам, китобнинг изоҳ қисмида ҳам тушунтиришга ҳаракат қилган. Лекин дуруст тушунтиролмаган. Биринчидан, уларни "дала ўзбеклари" деб атаб янги чалкашликлар туғдирган (мутахассис бўлмагандан кейин қийин). Аслида улар илм-фанда "кўчманчи ўзбеклар" деб аталади. "Кўчманчи ўзбек"ни эса ҳамма яхши билади. Ва яна агарда у бу масала йирик тарихшунос олимлар А. Ю. Якубовский, А. А. Семёнов, П. П. Иванов ва бошқалар тарафидан аллақачонлар ижобий ҳал қилинганини айтса, ҳеч бўлмаса, бизнинг юқорида тилга олинган китобимизни эслатганда, мутахассис бўлмаган ўқувчилар орасида англашмовчилик ва эътирозларга сабабчи бўлмаган бўлур эди.

Китобда шахс ва жой номларини ёзишда ҳам жиддий камчиликлар учрайди. Масалан, Беркал ўрнига Баргул, Ижил нуён ўрнига Ажал нуён, Кеспакхон — Кўппакхон, Инка Темури — Инги Темури, Жоку барлос — Чағуи барлос, Арсиф — Арсаф, Жэтэ — Жата ва ҳ.к. ёзилган.

Изоҳларда Амир Темури билан Боязид Йилдирим ўртасида бўлган муҳораба вақти 1402 йилнинг кузида деб нотўғри кўрсатилган. Аслида бу воқеа 1402-йилнинг 20-июль куни содир бўлган.

Айрим жуғрофий номлар ва воқсалар ҳам нотўғри изоҳланган. Масалан, Балх дарёси деганда "Балх шаҳридан ўтган шу номли дарёча" эмас, балки Амударё англашилган. Дашти қипчоқ эса ношир айтгандай "Иртиш дарёсидан то Дунай дарёсигача ерлар" эмас, балки Балхаш кўлидан то Волга дарёсигача бўлган ерлар ва Жанубий Рус ерлари, то Днепргача англашилган.

Манбаларни нашр этишда бундай хато ва чалкашликларга йўл қўймасликка иложи борича ҳаракат қилиш лозим эди.

Қисқаси, кўҳна тарихга, улуғ аждодлар хотирасига бўлган меҳр-муҳаббатимиз, миллий ғурур ва ифтихорни уйғотишга бўлган эҳтиёжларимиз бу жабҳада масъуллик билан иш тутиб, янада жонкуярроқ бўлмоғимизни талаб этади.

## ИСЛОМ — АДОЛАТЛИ ВА ПОК ТАЪЛИМОТ

Шу кунларда туб ўзгаришларни бошимиздан кечириб кетимиз. Қизил империянинг қарийб 75 йилдан бери бир ҳовуч болшевик раҳбарларнинг мақсаду манфаатини кўзлаб олиб борган, туб моҳияти билан эса меҳнаткаш халққа қарши қаратилган сиёсати пировард-охири бир пайтлар бутун жаҳонга дағдаға қилиб келган қудратли Совет Иттифоқини сиёсий ва иқтисодий бўҳрон гирдобига улоқтирди. "Тинчлик, демократия ва социализм таянчи" деб аталган ва жаҳондаги буюк давлатлардан бири деб эътироф этилган СССР бугунга келиб парча-парча бўлиб кетди. Шундан кейин, нимагадир билмадим, савдо дўконларининг пештахталари бирдан бўшаб қолди, бозорда эса нарх-наво кун сайин ортиб бормоқда...

Биз Русиянинг мустамлакасига айланиб қолганимиздан бери, 130 йил мобайнида жуда кўп қадриятларимиз, моддий бойликларимиз ва маънавий қадриятларимиздан ажралдик. "Улуғ Октябрь инқилоби" деб аталмиш даврга қадар мустамлакачилар бизнинг фақат хомашё бойликларимизни ташиб кетишга кўпроқ ружуъ қилишган бўлсалар, ўзбекни "икки тарафлама эксплуатациядан, яъни рус буржуазияси ва маҳаллий феодаллар зулмидан озод қилган" Совет ҳокимияти моддий бойликларимизга қўшиб, маънавий қадриятларимизга ҳам қўл чўзди. Туркистонни маънавий қашшоқлаштириш ва маҳаллий халқни руслаштириш сиёсатини тутди. Авваламбор, алиф-

бомизни ўзгартириб, авлодларимизни ота-боболар яратиб кетган минг-минг йиллик маданий меросимиздан маҳрум этди. Бу ҳам стагандай, халққа зиё тарқатувчи стук олимларимизни, шоирларимизни, адибларимизни зиндон-банд қилиб отиб ташладилар, минг-минглаб оталар Сибир этилиб, суякларини ботқоқ ва ўрмонда чиритдилар. Яна бир даҳшатли воқеа шу бўлдики, "дин-афюнدير" деган шиорни кўтариб чиқиб, бизларни дину эътиқодимиздан Мосуво қилишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. Шу 75 йил мобайнида биз Масков ва Русиянинг бошқа шаҳарларида яратилган, рус мактабларига мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар асосида ўқиб савод чиқардик, рус адабиётини, рус ва Оврупаликнинг тарихини кўпроқ ўргандик, рус маданиятини кўпроқ тарғиб қилдик, ўзимизникини эса срга урдик. Жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби машҳури жаҳон бўлган буюк олим ва шоирларимизни, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ас-Самарқандий каби буюк муҳаддисларни вояга стказган Ислои маданияти эса реакцион маданият деб қораланди.

Лекин Худога шукурким, ўша марксизм-ленинизм таълимоти, илмий атеизм деб аталмиш фаннинг Ислои дини ва Ислои таълимотини ўртадан кўтариб ташлаш учун қилган жамики уринишлари охир-оқибат беҳуда кетди. Одамларни, насронийларни ҳам, мўъмин-мусулмонларни ҳам дину эътиқодидан қайтаришга қурблари келмади уларнинг. Чунки ҳар қандай гоё ва таълимотнинг тўғри ёки тўғри эмаслигини ҳаётнинг ўзи текширувдан ўтказиб, ҳал қиларкан. Хуллас, ўзини энг тўғри ва ҳаётий таълимот деб ҳисоблаб келган ва оламни тамоман ўзгартириб юбориш учун бор воситаларни ишга солиб, ягона дунёвий таълимот бўлиб олишга интилган марксизм-ленинизм таълимоти, тўғриси унинг социализм ва коммунизм ҳақидаги таълимоти 100 йил ҳам умр кўрмади, ваҳоланки, диний таълимот, хусусан Ислои дини ўн беш асрдан бери буюк ва ҳаётий таълимот сифатида инсон қалбидан жой олди, халқ унинг орқасидан эргашди ва эргашмоқда.

Нега шундай бўлди? Бунинг сабаблари нимада? Авваламбор, Ислом дини ҳам, бошқа динлар ҳам, инсон ўртасида маърифат тарқатади, одамлар орасида хуш ахлоқу одоб, адлу инсоф, меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилади, одамларни ростгўй, диснатли, инсофли бўлишга чақиради.

Бироқ ана шу 75 йиллик ўтмишнинг оғир оқибати ўлароқ биз муқаддас Ислом асрлар давомида мўъмин-мусулмонлар ўртасида жорий этган хуш ахлоқу-одоб, адлу инсоф, меҳр-оқибат ўртадан кўтарилди. Орамизда одоб-ахлоқи заиф одамлар пайдо бўлди, ўзини катта тутиб, юриш-туришда кибру ҳавога рағбат берганлар учрайдиган бўлиб қолди, фарзандини кўпроқ иззат-икром қилиб, уларнинг ахлоқ-одобига кам эътибор бериш бир қадар кучайди. Пайгамбаримиз, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларида қайд этилган "Сизлар одамларни молу дунёларингиз билан мамнун қилолмайсизлар, балки очик юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишларингиз мумкин", ёки "Мўъминларнинг афзали хулқ-атвори яхшиларидир" деган қимматли қайдларини унутасанга ўхшайсиз, чамаси.

Шу муносабат билан Ислом таълимотининг яна бир қайдини эслатиб ўтмоқчиман. Исломнинг муқаддас китобларида мўъмин-мусулмонларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеъи баробар эканлиги алоҳида қайд қилинган. Масалан, ҳадис китобларда "Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас. Ортиқлик фақат дину диснатда ва солиҳ ишларида", деб ёзилган. Бахтга қарши, айрим мўъмин-мусулмонлар орасида мол-мулкка ҳирс қўйиш кайфияти мавжуд. Бу имоннинг заифлигидан, албатта. "Банданинг молу дунёга ҳирси,— дейилади ҳадис китобда — икки оч бўрининг қўй галасига қилган тажовузидан зарарлироқдир".

Ислом ўқиш, билим олиш, илм-маърифат тарқатиш ҳар бир мўъмин-мусулмоннинг вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлайди, чунки "Илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўъминга фарздор", деб уқдирилади ҳадис китобларнинг бирида. Шу китобда илм ҳақида қилинган яна бир таъкид диққатга моликдир: "Илми ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик — дейилади китобда — гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир".

Ислом таълимотида, унинг муқаддас китобларида, шунга ўхшаш умуминсоний қадриятлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кўп. Буларнинг ҳаммасини келтириш, ай-

ниқса, уларни шарҳлаб бериш каминанинг имкони даражасидан ташқаридир. Шунинг учун ҳам Ислом — адолатли ва пок таълимот эканлигини таъкидлагим келади.

## ТАРИХНИ СОХТАЛАШТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда тарихшунослар анча иш қилдилар: кўп асрлик тарихни ўз ичига олган жилд-жилд китоблар битилди, тарихнинг айрим соҳалари (ижтимоий-сиёсий, аграр, маданият, мамлакатлараро муносабатлар) бўйича махсус монографиялар ёзилди. Лекин, барибир, ҳали қиладиган ишларимиз кўп, яхши ўрганилмаган, счимини топмаган масалалар тахланиб ётибди. Ер-сув муносабатлари, ҳунармандчилик, халқ ҳаракатлари, этник тарих ва этник жараён мана шундай муаммолар жумласига киради.

Мен ушбу кичик мақолада икки муҳим масалага қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчиси. Кейинги йилларда баъзи тарихий шахсларга, Ўрта Осиё халқлари тарихининг айрим даврларига, хусусан, Темур ва темурийлар даври тарихига баҳо беришда бир ёқламаликка йўл қўйилмоқда. Нимагадир ҳокимият тепасида турган ёки сарой хизматида бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-адабий фаолияти хусусида гапирганда фақат уларнинг салбий, негатив тарафларини кўрамиз, ижобий томонларини бўлса ҳаспўшлаб ўтамиз. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг фаолиятига бугунги кун мафкурасидан келиб чиқиб баҳо бераётибмиз. Бунақа кайфиятни М. Ғ. Ваҳобовнинг "Правда Востока" газетасининг 1986 йил 4 декабрда эълон қилган "Тарих ҳақиқатига зид", 1988 йил 21 июнда шу газетада чоп қилган "Ҳақиқат хусусида — фақат ҳақиқат" номли мақолаларида, тарих фанлари доктори, профессор Г. Ҳидоятонинг яна ўша газетанинг 1988 йил 11 ноябрда босилган "Улуғ муаллим" дсб аталган мақоласида яққол кўрамиз.

Тўғри, Темур ҳам, Бобур ҳам феодал ҳукмдор сифатида зулмга қўл уришган, бошқа юртларга босқинчилик юришлари қилишган. Масалан, Темур 1380—1402 йиллари Эрон, Ироқ, Кавказ орти мамлакатлари, Кичик Осиё ва Шимолий Ҳиндистонга босқинчилик юриши уюштирди, кўпгина шаҳар ва қишлоқларни хароб қилди, кўпларнинг

ёстигини қуритди. Бобур ҳам шунга ўхшаш иш қилди — 1526 йили Шимолий Ҳиндистонни босиб олди. Султон Ҳусайн-чи? У ҳам қон тўккан, айрим пайтларда меҳнаткаш халқнинг ҳақ-ҳуқуқини топтаган. Биз бу шахсларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги бу негатив тарафларни қоралаймиз, албатта.

Шу билан бирга, уларнинг тарих олдидаги хизматларини ҳам эътироф этиш лозим, акс ҳолда ноҳақлик, адолатсизлик юз бериши мумкин. Сирасини олганда, ҳақиқатни, бор ҳақиқатни айтмаслик ҳам тарихни сохталаштиришга киради.

Темур фаолияти билан боғлиқ бўлган бир-икки мисолга мурожаат қилайлик. Маълумки, XIV аср ўрталарида Чигатой улуси — аниқроғи, Мовароуннаҳр, Хоразмнинг шарқий қисми ва Афғонистоннинг шимолий вилоятларини ўз ичига олган унинг ғарбий қисми феодал тарқоқлик исканжасига қолган эди. Ўша вақтда Чигатой улусида ўнга яқин мустақил беклик мавжуд эди. Масалан, Шаҳрисабз вилоятида Ҳожи барлос, Хўжандда Боязид жалоир, Сарипул ва Тоткандда Хизр ясовурий, Балхда амир Ҳусайн, Шибирғонда Муҳаммад Аперди найман, Кўҳистонда амир Сотилмиш, Арҳанг саройда Ўлжой Аперди, Хутталонда Кайхусрав ўзларини ҳокими мутлақ деб-эълон қилиб, бир-бири билан ёқалашар, халқни талон-тарож қилиб, азоблар эдилар. Темур 1370—1378 йиллари бу ўлка ва вилоятларни бир давлатга бирлаштириб, феодал тарқоқликка барҳам берди. Бу меҳнаткаш халққа беҳадик ётиб-туришга, тинч меҳнат қилишига имкон берди: деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан ва маданиятнинг ривож топишига замин яратди. Ҳа, Мовароуннаҳр ва Хуросон Темур ва темурийлар даврида 120 йил тинч ҳаёт кечирди. Темур фаолиятининг кўп ижобий томонлари бўлганлигини машҳур тарихшунос олим, собиқ СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси профессор А. Ю. Якубовский ҳам айтган. У Темурнинг бир тарафдан феодал исёнлар ва феодал тарқоқликка барҳам бергани, иккинчидан, улкан қурилишлар қилганини алоҳида қайд қилган эди (Темур, Опыт краткой характеристики, "Вопросы истории" журналы, 1946, №8—9, 73-бет).

Ёки Темурнинг 1391 ва 1395 йиллари Олтин Ўрда хони Тўхтамишга (1376—1395) ёки 1402 йили Туркия султони Боязид Ўлдирымга (1389—1402) қарши уюштирган ҳарбий юришларини олиб кўрайлик. Тўхтамишга

берилган қақшатғич зарба Россиянинг Олтин ўрда зулмидан қутулишини тезлаштирди. Келинг, яхшиси, унинг аҳамияти ҳақида муътабар олимларнинг фикрини келтириб қўя қолайлик. А. Ю. Якубовский Тўхтамишнинг 1382 йили кузда Москвага қилган ҳужуми ва унинг оғир оқибатлари ҳақида бундай дейди. "Тўхтамишнинг хуружи Москва ва Москва вилоятини оғир жароҳатлади. Костромадан талон-тарож этилган Москвага қайтиб келган Дмитрий Донской учун 1382 йилнинг кузи унинг ҳаётидаги энг оғир кунлар бўлди, чунки у ўша кезларда Тўхтамишга қарши бирон чора-тадбир кўришдан тамоман ожиз эди" (Б. Д. Грсков, А. Ю. Якубовский. Олтин ўрданинг смирилиши, Москва-Ленинград, 1950, 329-бет). Академик Б. Д. Грсковнинг бу борадаги фикрлари ҳам диққатга сазовор. "Олтин ўрда"— деб ёзган эди у,— Темур берган зарбадан кейин ўзини ўнглаб ололмади. Туманбоши Идику (Едигей) Москвага Олтин ўрда олдидаги мажбуриятларини эслатиб элчи юборганда князь Василий Дмитриевич унга парво ҳам қилмади (Ўша китоб, 245-бет). А. Я. Якубовский Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабасига юксак баҳо берди. У, масалан, бундай деб ёзди: "Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси... нафақат Ўрта Осиё ва Шарқи-жанубий Европа учун, балки Русь учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлди" (Ўша китоб, 373-бет). Айнан шундай фикрни машҳур рус тарихчиси М. С. Соловьёв (1820—1879) ҳам ўз вақтида билдирган эди (История России с древнейших времён, т. 34, кн. 11, Москва, 1960, 370-бет).

Темурнинг Боязид Йилдиримга берган қақшатғич зарбаси ҳам қўшни мамлакатлар, хусусан, Болқон ярим оролидаги мамлакатларнинг тарихий тақдирида муҳим роль ўйнади. 1389 йили Боязид Сербиянинг Косовос поле деган манзилида бир қатор Шарқий Европа давлатларининг бирлашган армиясини тор-мор келтириб, Сербия билан Булғорияни босиб олди; Венгрияга таҳдид сола бошлади; 1396 йили эса Византия империясининг пойтахти Константинополь хавф остида қолди. Шунда Византия императори Мануэл Палолог, Генуя ҳукмдори ва Франция қироли Карл VI нинг Кичик Осиё ва Султониядаги ноиблари Темурга ёрдам сўраб ялиниб-ёлвора бошладилар. Ўша йиллари Темур билан Франция қироли Карл VI (1380—1422) ва Англия подшоси Генрих IV (1399—1413) ўртасидаги ёзишмалар ҳам Темурни қуд-



ратли Усмон империясига қарши отланишга чақирганлигидан гувоҳлик беради. Шуни ҳам айтиш керакки, Боязиднинг кучайиб кетаётганидан Темурнинг ўзи ҳам бир қадар чўчиб турган эди. Қисқаси, Темур Боязидни енгил билан Болқон мамлакатлари халқларининг усмонли турклар истибдодига тушиб қолиш хавфини бир қадар бартараф қилди.

Бу фактларни инкор этсак инсофдан бўлмас.

Қолаверса, Темур катта тарихий асарларда, қомусларда йирик давлат арбоби, моҳир саркарда сифатида эътироф этилади, унинг саркардалик маҳорати эса Россия ва Европа мамлакатларининг ҳарбий академияларида махсус ўрганилган. Бу ўринда биз баъзи тарихчиларга, шунингдек, ҳурматли ўқувчиларимизга Россия армияси Бош штабининг ходими генерал-лейтенант М. И. Иваниннинг (1801—1874) 1875 йили чоп этилган "О военном искусстве в завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Темурилане" деган қимматли китобини ўқиб чиқишларини тавсия этардик.

Бобурга келсак, у истиснодди шоир ва "Бобурнома"да ажайиб қомусий асар яратган йирик олим сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. Ҳиндистонликлар Бобурни ва унинг авлодларини ҳозирга қадар ўз фарзанди ҳисобида кўрадилар, хотирасини қадрлайдилар. "Бир вақт ҳиндистонлик бир ёзувчи ва олим билан суҳбатлашиб ўтирганимизда,— деб ҳикоя қилади буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов,— Бобур ҳақида гап кетди. Мен ундан: "Бобурни босқинчи деб ҳисоблайсизларми ёки маданиятни ривож топтирган намоёнда сифатидами?"— деб сўраганимда, у "биз уни Ҳиндистон фарзанди сифатида юксак даражада қадрлаймиз... фаолияти ва ижодиёти билан маданиятимиз ривожига бемисл ёрдам берди",— деб айтди". Шарқ тарихини ҳам, ғарб тарихини ҳам кўрганимизда олим ва шоир бўлиб танилган соҳиби тожлар кам учрайди. Бобур ва Улуғбек адабиёт ва илм-фан жабҳаларида қалам тибратиб, ном қозонган тождорлар жуда ҳам кам.

Султон Ҳусайн ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. У шоир ва маданиятли киши бўлиши билан бир қаторда, кўплаб шоирлар, олимлар, мусаввирлар, хаттотлар ва бошқа ҳунармандларга ҳомийлик қилди. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдек даҳолар ҳам унинг замонида стишиб чиқдилар.

Мовароуннаҳр ва Эрон устидан 136 йил ҳукмронлик қилган Темур ва темурийлар, 332 йил Ҳиндистонни идора этган Бобур ва бобурийлар даври маданияти жаҳон тарихида қолди. Буни ҳам тарихий китоблардан ўқиб билиш қийин эмас. Қолаверса Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Балх ва Ҳиротда қурилган ажойиб бинолардан баъзилари бугун ҳам кўзни қувонтиради. Ҳиндистоннинг Деҳли, Агра, Фатхпур, Ажмир, Лоҳур, Оллоҳобод шаҳарларида бобурийлар даврида бунёд этилган қасрлар, қалъалар, мақбара ва масжидлар, работларни ҳамда ажойиб боғу-роғларни олиб кўрайлик. Уша даврда ёзилган ва жаҳон кутубхоналарида сақланаётган ноёб қўлёзма китоблар Темур ва унинг авлоди кўп хайрли ишлар қилганлигидан далolat бериб турибди. Хўш, буни инкор қилиб бўладими?

Икки оғиз сўз профессор Г. Ҳидоятонинг "Улуғ муаллим" аталмиш мақоласи хусусида. Мақоланинг умумий йўналиши умуман тўғри, лекин унинг қандайдир "тамерланомания", "бабуромания" ва бошқа "маниялар" борлиги ҳақидаги даъволари мутлақо асоссиздир. Мақола муаллифининг Темурнинг (демак, авлодининг ҳам) келиб чиқиши ҳақидаги гаплари эса тамоман уйдирма. Барлослар Чингизхон давридаёқ (XIII аср) турклашиб кетганлар. Темур эса Чингизхон истилосидан қарийб 130 йил кейин Забайкальсда эмас, Қашқадарёда туғилган. Барлослар XIII аср бошларида ўзбекларнинг этник таркибига кирди. Буни араб, форс ва туркий тилларда ёзилган қўлёзма асарларни ўқий оладиган, ўрта асрлар тарихидан (шарқ тарихидан) хабардор кишилар яхши билишади. Тарихий ҳодисалар ва фактларга бу тарзда энгил-елпи муносабатда бўлиш ярамайди. Тарих фақат улуғ муаллимгина эмас, балки улуғ ҳакам ҳам эканлигини унутмайлик.

Ўтмиш тарихга, тарихий шахсларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига бир томонлама ёндашувчиларга машҳур рус ёзувчиси И. А. Гончаровнинг мана бу фикрларини эслатиб ўтмоқчимиз: "Бизда ўтмишдан бирон шахсни қармоққа илинтириб оладилар-да, худди бўздан. эски суратни қирчишлаб олгандай, уни ўзи яшаган замондан ажратиб оладилар ва ўз асрининг шиорларини, тусини, руҳини, тарбияси, урф-одатлари ва ўзга шарт-шароитини ўзида мужассамлаштирганини унутиб қўйиб, ўз замонасининг қонунлари билан сўзлаб жазога тортадилар. Ахир, авлодлар давр ўтиши билан қўлга киритилган билимлар, тажрибалар ва кашфиётлар орқасида аجدодларидан ўтиб

кстадилар-ку!" (Собрание соч. т. 7, Москва, 1952, 299-бст).

Хўш, бундай олимларнинг бу гаплардан хабари йўқ деб ўйлайсизми? Асло. Яхши билишади, лекин амал қилгилари келмайди, нега қўллари фақат икки хил: қора ва қизил бўёқ бўлади. Бирини суртган срга асло иккинчисини суртмайдилар. Ахир, сурат турли-туман бўёқлар воситасида яратилади-ку! Лекин бунақа "бўёқчилар"ни кўр-кўрона маъқулловчилар кўп бўлгандан кейин нима ҳам қилишсин. "Фикр қанча бирёқлама бўлса,— деб ёзган эди В. Г. Белинский,— кўпчилик учун шунча қулай, чунки кўпчилик яхши-ҳамиша яхши бўлишини, ёмон-ёмон бўлишини хуш кўради. Бундай одамлар бирон бир нарса айнан бир вақтда яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўзида мужассам этишини тан олмайдилар" (Асарлар, т. VIII. Москва, 1948, 65-бст). Энди ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, Темурни, унинг авлодларини фотиҳ бўлганлиги учун ёмон отликқа чиқариб, Ўрта Осиё халқларининг катта бир давр тарихини ўрганмайликми? Йўқ, ўрганиш зарур, чунки бу авваламбор халқ тарихи. Шу пайтгача кимдандир, нимадандир ҳадиксираб, ўтмиш тарихни яхши ўрганмай кслаётибмиз. Энди бунақа кайфиятга барҳам бериш фурсати келди. Хўш, тарихни қандай ўрганиш керак? Бу бошқа гап. Уни бир тарафлама эмас, чуқур ва атрофлича ўрганиш лозим.

Мен айтмоқчи бўлган яна бир гап — бу ўрта ва олий мактабларда Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишнинг умумий аҳволи ҳақида. Ўзбекистон кўп минг йиллик тарихга эга бўлсада, ёшларимиз ўз юртининг тарихини яхши билишмайди. Негаки, Ўзбекистон халқлари тарихи ўрта мактабда ҳам, олий мактабда ҳам яхши ўқитилмайди. Биринчидан, Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишга жуда кам соат ажратилган. Иккинчидан, раҳбар ташкилотларнинг қатор кўрсатмаларига қарамай, ҳанузгача яхши дарсликлар ва қўлланмалар ёзилгани йўқ. Мавжуд дарсликлар бўлса бугунги талабга жавоб беролмайди. Уларда турғунлик йилларининг неготив иллатлари тўлиб-тошиб ётибди. Ҳозир тарихчи олимлар ва тарих ўқитувчилари олдида турган бирдан-бир вазифа ўрта мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртлири учун пухта дарсликлар ва яхши қўлланмалар яратишдан иборат. Шунинг унутмаслик керакки, мактабга мўлжалланган китоб имкони борица хатодан холи бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бу иш юқори малакали олимлар ва

ўқитувчиларга топширилиши зарур, чунки билимнинг пойдевори асосан мактабда қўйилади. Такрор айтишга тўғри келади: бу ишга Ўзбекистон халқлари тарихини пухта билган олимлар ва тажрибали ўқитувчилар жалб этилиши зарур.

## ТОНГ ҚОРОНҒУСИДА

*Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи ҳақида  
тарихчи олимнинг айрим қайдлари*

Сирасини айтганда мен адабиётчи эмасман, адабиёт мухлисиман. Шундай бўлгач, Чўлпондек улкан бир ёзувчи романининг бадиий жиҳатларини таҳлил қилиш, бадиий маҳоратини баҳолаш имконимдан ташқарилигини айтмасам ҳам бўлади. Шунга қарамай, роман хусусида бир-икки оғиз гап айтишга жазм қилдим.

Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи эълон қилинганига ("Шарқ юлдузи", 1988 йил, 2-3 сонлар) анча вақт бўлди. Лекин, нимагадир, асар ҳақида ҳануз жиддий бир гап айтилгани йўқ. Тўғри, Иззат Султон ва Салоҳиддин Мамажонов "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида (1988 йил, 3 июнь) Чўлпон ва Фитрат ҳақидаги мақолаларида, эҳтиёткорлик билан бўлса-да, адиб хусусида икки оғиз чучук гап айтдилар. "Кеча ва кундуз" романи эса шунчаки қайд этиб ўтилди, холос. Эҳтимол, газетага мўлжалланган мақолада, яна у маданиятимизнинг икки улкан намоянасига бағишланган бўлгач, адибнинг ижодиятини тўла таҳлил этиш имкони бўлмагандир. Балки, муҳтарам олимларимиз "Кеча ва кундуз" романи ҳақида махсус мақола ёзмоқчи бўлишгандир. Агар шундай бўлса, уларнинг бу холис ниятларига тилакдошмиз.

XX аср Ўзбек адабиётини бошлаб берганлардан бири бўлмиш Чўлпон ҳануз адабиётда ўзининг тегишли ўрнини эгаллай олмастир. Тўғри, унинг асарларидан айрим намуналар матбуотда эълон қилиниб турибди, ёзувчи ҳақида яхши гаплар ҳам айтиляпти. Лекин, аҳён-аҳёнда нохуш, кишини беҳузур қиладиганлари ҳам қулоққа чалиниб турибди. Қачонлардир кимдир унинг таржимаи ҳоли қайд этилган варақанинг четиغا қора сиёҳ тўкиб қўйган экан, биз ҳануз ўша қора доғдан кўз узолмай унга, худди циркда масхарабозга маҳлиё бўлиб қолган томошабиндек тикилиб ўтирибмиз...

"Кеча ва кундуз"— тарихий роман. Туркистоннинг инқилобдан аввалги, кўп жиҳатдан ўлканинг биринчи жаҳон уруши йилларидаги аянчли аҳволи унга бош мавзу бўлган. Романни яхши тушуниш учун ўлканинг тарихий шароитига бир назар ташлаб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, ўша вақтларда Туркистон чор Россиянинг мустамлакасига айланиб қолган эди. Рус заводчилари ва фабрикачилари уни ўзининг муҳим хомашё манбаига, саноат молларини баланд нархларда пуллаш бозорига айлантириб олган эдилар. Туркистоннинг мустамлакалик статуси 1886 йили қабул қилинган махсус қонун — "Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида низом" билан белгиланди. Шундан кейин подшо ҳукумати қуйидаги ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга оширди:

Россияда вужудга келган аграр қийинчиликларни ҳал қилиш ва деҳқонларнинг ғалаёнларини бостириш учун ўша "тиниб-тинчимаган" мужикларнинг бир қисмини Россиядан Туркистонга кўчира бошлади. Улар, асосан, Ет-тисув, Сирдарё ва Фарғона вилоятларига жойлаштирилди. Маҳаллий деҳқонлар қадимдан фойдаланиб келган ерлар экспроприация қилинди. Бу ерларнинг эгалари эса тоғ ва чўлларга сиқиб чиқарилди. Уларнинг ерларини ўша мужиклар эгаллаб олишди.

Россиянинг марказий шаҳарларидаги тўқимачилик фирмалари Туркистон шаҳарларида ўз ваколатхоналарини, агентликларини, идора ва омборхоналарини оча бошладилар. Бу агентлик ва идоралар Россия тўқимачилик фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган газлама ва молларни сотиш ва ўз корхоналари учун хомашё (пахта, жун, тери, пилла ва ҳоказо) тайёрлар эдилар.

Кавказ санъатининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида шитоб билан темир йўл (масалан, Оренбург — Тошкент темир йўли, 1906 йил) ва саноат корхоналари қурила бошланди. Фақат 1900—1910 йиллар ичида 223 корхона (пахта тозалаш, пиллачилик, кўнчилик, ёғ-мой ва ҳоказо) қуриб ишга туширилди. 1914 йилга бориб уларнинг умумий сони 425 тага етди. Саноат корхоналарининг катта бир қисми рус ва чет эллик капиталистлар қўлида эди.

Чор ҳукумати айниқса Россия тўқимачилик саноати тараққиётининг муҳим манбаи бўлган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди: қадимдан экилиб келинаётган жайдари ғўза ўрнига пахтанинг Америкадан

олиб келинган янги навлари жорий қилинди; пахта майдони тез суръатлар билан кенгайтирилди. Масалан, пахта экиладиган ерлар 1900—1915 йиллар орасида Фарғона вилоятида 188 минг 400 десятинадан (бир десятина 1,09 гектарга тенг) 250 минг десятинага, Самарқанд вилоятида 17 минг десятинадан 29 минг 300 десятинага, Сирдарё вилоятида 15,5 мингдан 69 минг десятинага, Бухоро ва Хивада 125 минг 200 десятинадан 146 минг десятинага, ҳаммаси бўлиб Туркистон ўлкаси бўйича 346 минг 100 десятинадан 496 минг 100 десяти-нага кўпайди. Пахта аста-секин бошқа экинларни суриб чиқара бошлади. Буни агар "Кеча ва кундуз" романига асос бўлган Фарғона вилояти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, мана бу манзарани кўрамиз: пахта 1885 йили вилоятда жами экин майдонининг фақат 14 фоизини ташкил қилса, 1915 йилга келиб бу 44 фоизга стди. Маккажўхори майдони шу вақт ичида 22 фоиздан 11 фоизга, беда 15 фоиздан 8 га, шоли 16 дан 7 фоизга тушиб қолди.

Солиқ ва жарималар илгаригича қолди. Ўтроқ аҳоли хирож, танабона тўларди, кўчманчилардан закотдан ташқари, ўтов пули ундирилар эди. Деҳқонлар борган сари хусусий ерларидан ажралиб (уни бойлар турли йўллар билан тортиб олардилар), бойларнинг чорикорла-рига айланиб, борган сари қашшоқлашиб бордилар.

Шу тариқа, чор амалдорлари ва уларнинг содиқ малайига айланиб қолган Ёдгорхўжа ва Умаралига ўхшаш бойлар, Акбарали мингбоши сингари мансабдорлар меҳнаткаш халқни бсармон эзар, хўрлар, таҳқирлар эдилар. Бу ҳам стмагандек, подшо Николай II нинг 1916 йил 25 июнда эълон қилган махсус фармонида биноан минг-минг туркистонлик йигит (1917 йил февраль ойига-ча 123 минг киши) ҳарбий иншоотлар ва давлат аҳамиятига молик оғир юмушларни бажариш учун Рос-сия, Украина, Бслорусия ва Кавказга олиб кетилди.

"Кеча ва кундуз" романида Туркистоннинг инқилобдан аввалги мана шу оғир аҳволи талқин этилади. Ёзувчи, хусусан, мазкур романда бир неча ижтимоий-сиёсий масалани: синфлар ва синфий кураш, хотин-қизларнинг аҳволи, мактаб ва маориф каби масалаларни ўртага қўяди ва умуман тўғри ҳал қилади.

Кишилик жамияти бой-бадавлат кишилар ва ер-сувсиз, фақат билак кучи билан кун кечирувчи одамлар гуруҳига ажралгандан бери синфлар ва синфий кураш бор. Бой-

бадавлат кишилар қандай бўлмасин мол-мулкени янада орттириш учун курашса, камбағал-қашшоқлар турмушини яхшилаш учун аҳён-аҳёнда хўжайинларга қарши калтак кўтариб чиқдилар. Лекин уларнинг курашларидан иш чиқмади, орзу-умидлари ушалмади: тарқоқлик ва парокандалик, раҳбар сиёсий кучнинг йўқлиги бунга имкон бермади.

"Кеча ва кундуз"да ҳам шу икки қарама-қарши куч орасидаги тортишувни кўрамыз. "Фарзанддан ва элдан маҳрум, лекин ер-сув, пул ва бошқа бойликка кўмилган" Акбарали мингбоши, нисмиқ, айёр, устаси фаранг Мирёқуб, фикру хаёли бирни мингга, мингни туманга айлан-тириш пайида бўлган Ёдгорхўжа ва Умарали бойлар, мансабдорларнинг қиличини қайраб берган домла-имом, бечора Туркистон халқининг пушти-паноҳи ҳисобланган оқ подшо ва унинг амр-фармонларини бехато амалга ошириб турган ҳоким тўралар, ҳукмрон синф намоёндалари — эксплуататор синф вакиллари; Раззоқ сўфи, Ўлмасжон, Зеби, Энахон, Холмат ва бойларга қарши исён кўтарган тошлоқлик, қумариқлик ва тоғлик камбағаллар мазлум синф вакиллари дидлар.

Акбарали мингбоши аслида оми, бесфаросат, бетадбир, ичкилик ва фаҳшга муккасидан кетган одам, лекин вазифасини яхши билади — ҳукуматга итдай содиқ одам. Шунинг орқасида беҳисоб бойлик орттирган. Акбарали мингбоши манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. У ҳатто мансабдорлар билан чиқишиб вақф ерларни ҳам ўз тасарруфига олиб фойдаланади, оз ерлик деҳқонларнинг ерига сув бермай қўйиб, тўс-тўполон ва аризабозлик кучайганда гумаштаси Мирёқубнинг ёрдами билан айбни бошқаларга тўнкаб, хамирдан қил суғургандек қутулиб қолади. Акбарали мингбошининг кимлигини, ички дунёсини унинг қишлоқ қарз ширкатининг инспектори Ҳасанов билан суҳбатидан ҳам билса бўлади.

— Урушдан гапиринг, абзи! У нима бўляпти?

— Урушни сиз биласиз, мингбоши. Сиздан эшитайлик,— дейди Ҳасанов.

— Мен урушни қайдан билай? Газет ўқимасам...

— Мусулмоннинг қўлига яроғ бермайди бу ҳукумат. Биз мусулмонлар турк болалари, ўзимиз яроғ олмасак душманамиз ўзи ўз қўли билан бермайди.

— Ким душман?— деди мингбоши. Бу саволда энди пўписа аломати бор эди. Мсҳмон сира шошмасдан бема-лол жавоб берди:

— Сизнинг душманингизни айтаётганим йўқ, додхо афанди. Турк-ислом халқининг душманларини айтаман...

— Гермонни айтасанми?

— Шундай тақсир! Гермонни айтаман...

— Ундай бўлса... бутун қишлоқни йиғиб, қўлига бешотар бериб, гермон билан урушгали жўнатмоқчи бўлганимга нима дейсан?...

— Нима дердим. Ислом миллати сизнинг бу хизматингизни ҳеч унутмас...

— Миллатингиз билан ишим йўқ. Туркингизни ҳам билмайман мен. Мана бу мирзо айтадики, қишлоқда жонидан тўйган кўп. Шуларнинг ҳаммасини гермон урушига жўнатсам, оқ подшонинг қўли баланд келади..."

Кўриб турибсизки, Акбарали мингбошини халқи, миллатининг аҳволи ва тақдири мутлақо қизиқтирмайди. Ишқилиб, оқ подшонинг қўли баланд келиб турса, ўзи иссиқ ўрнида тинч ётса, бас. Акбарали мингбоши миллатфуруш, диснатсизларнинг типик вакилидир.

Раззоқ сўфи образида аслида қашшоқ, лскин бидъат, разолат ва жаҳолат ботқоғига ботиб қолган бечораларнинг оғир турмуши, аянчли қисмати баён этилган. Дарҳақиқат, Раззоқ сўфи ва унга ўхшаганларнинг қисмати ниҳоятда оғир эди. Бундайлар "эсини танигандан бери меҳнат пешиди чопади", "бисотида бир шапалоққина сри бор... шу билангина катта бир оилани наридан-бери тибратиб келади;" ҳатто ёш болалари ҳам меҳнат қилишга мажбур, оналар "бечора болаларининг юзини кун ёруғида кўролмайдилар", бечора камбағалларнинг "ўз ҳовлисида ташқаридаги доимий ва бирдан-бир вазифаси улуг ва қутлуғлар гапирса — "ҳовва-ҳовва" десмак, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса — "йўқ" деган маънода бош чайқаш бўларди. Раззоқ сўфи бирон касб-ҳунарнинг этагидан тутмай бир умр қандайдир бир хаст эшоннинг хизматини қилди, тоат-ибодат билан умр кечирди. Лскин нима орттирди? Нимага эга бўлди? Бошига кулфат тушиб, оиласи оғир фожиага мубтало бўлиб қолганда хаст эшон содиқ муридига ёрдам қўлини чўзиш у ёқда турсин, уни кўкрагидан итарди. Сўфи пирининг оёқларига йиқилиб маслаҳат сўраганда эшон хохолаб кулди ва истехзо билан деди: "Маслаҳат? Одам ўлдирган боланинг отасига қандай маслаҳат бўлади, сўфи? Боласининг ёнига нима учун отасини жўнатмайди, аҳмоқлар!" Фақат шундан кейингина, боши тошга теккач, Раззоқ сўфида пирига нисбатан қандайдир бошқача ҳис-туйғу пайдо бўлди. Ҳа, тўғриси



айтганда, бир умр итоаткорлик руҳида тарбияланган одамнинг пирига, хўжайинга бирдан қўл кўтариши қийин. Уларга "чап юзингга тарсаки туширгудай бўлсалар, ўнг юзингни ҳам тутиб бер", деб ўргатганлар. Бу одат аввалдан бир анъанага айланиб қолган. Лекин, барибир, бора-бора Раззоқ сўфи эшоннинг кимлигини, унинг ҳақиқий қисфасини англаб етди, унга қўл кўтарди. Яккаю-ягона фарзанди Зсбихон ҳеч қандай айбсиз етти йилга кесиб юборилгандан, умр йўлдоши муштипар она Қурвонбиби қизининг дардида ақлдан озиб, кўчага чиқиб кетгандан кейин сўфининг кўзи мошдай очилди, жонжаҳд билан эшоннинг олдига борди... Ёзувчи Раззоқ сўфи образини бир жиҳатдан пухта яратган, унинг онгида юз берган эволюцияни бера олган.

Романда яна бир эса қоладиган образ, бу — Акбарали мингбошининг яқин мушовири ва гумаштаси Мирсқуб образи. Мирсқуб — XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда пайдо бўла бошлаган маҳаллий буржуазиянинг типик вакили. Унинг ўз қишлоғида иккита баққоллик, битта қассоблик дўкони, гузарда икки чойхонаси бор. Шаҳар теварагида катта йўл ёқасига тушган янги пахта заводи ва уч тарози билан пахта оладиган улкан бир пахта саройи ҳам бор. Уларга ҳам Мирсқуб шерик. Ер-суви ҳам оз эмас. "Эпақа" лақаби билан машҳур бу уддабурро одам ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймайди. У бойлик орқасида валинсьматининг кўзига чўп солади, мерос, деб мингбошининг Пошшоҳон исмли танноз хотини билан ўйнаш тутинади. Бечора Зсбининг пок муҳаббатига чанг солиб, уни мингбошининг тузоғига илинтириб берган ҳам шу корчалон.

"Кеча ва кундуз" романида ўртага қўйилган масалалардан яна қуйидагилар эътиборга молик. Булардан бири — аёлларнинг ўтмишдаги аянчли аҳволи масаласи. Бу масала адиб ўзига хос усталик билан чизган Зсби ва унинг муштипар онаси Қурвонбиби, йўқсил оиланиннг қизлари — Энаҳон ва Салтанат, мингбошининг хотинлари — Пошшоҳон ва Султонхон образларида намоён бўлади. Умуман олганда, уларнинг қисмати бир хил: ихтиёри ўзида эмас, ота-онаси истаса сотиши, хоҳласа маҳв этиши мумкин.

Аёл қисмати, айниқса, чевар, ажойиб истасьдод эгаси — санъаткор қиз Зсби образида тўлароқ намоён бўлади. Зсби камбағал, бсбизоат, лскин қалби пок йигит

Ўлмасжонни жон-дили билан севади. Ўлмасжонда ҳам Зсбига нисбатан шундай туйғу мавжуд. Лекин, йўқчилиги қурсин, улар ўз мақсадларига эришолмайдилар. Ўртадаги севги ширин хасллардан ўзга нарса бўлмай қолади, "иккала ёш кўнгил қоронғи муҳитнинг оғир кишанларига боғланган ҳолда, ноумид муҳаббат билан бир-бирининг ҳасратида энтикканича қолаверишди". Зсбини жоҳил ота ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган бир бадавлат зотга — Акбарали мингбошига пуллайди. Мингбошининг хотинлари Пошшоҳон ва Султонхоннинг қисмати ҳам Зсбиникига ўхшаш. Улар ҳам девсифат бу кекса одамга ўз ихтиёри билан теккан эмаслар. Улар ҳам ўша замонларда ҳукм сурган урф-одат қурбони бўлишган. Гўзал рус қизи Мария Острованинг қисмати ҳам Пошшоҳон ва Султонхоннинг қисматига ўхшаб кетади: "...яқиндагина яхши ва насиб бир оиланинг эрка қизи" бўлган бу аёл қандайдир бир хиёнат қилиб қўйиб, уйдан чиқиб кетган ва фоҳишахона аталмиш жирканч бир даргоҳга келиб қолган. Унинг тақдири Зсбининг, Катюша Маслованинг тақдирига ўхшаб кетади.

Романда кўтарилган ижтимоий-сиёсий масалалардан яна бири қолоқ Россияда чоризмнинг ички ва ташқи сиёсатидан, айниқса, урушдан норозилик кучайиб кетганлиги ва бу кайфиятнинг Туркистонга ҳам кириб келаётганлиги, большевиклар партиясининг таъсири кучайиб бораётганлиги, подшо ҳукуматининг инқирози яқинлиги масаласидир. Буни ёзувчи Мирёқуб билан ҳоким тўранинг суҳбати орқали баён этган:

"...— Чора нима, тўрам?

— Чорани ўйлашга ҳам қўрқаман, Мирёқуб... Сен чора нима деб ўйлайсан. Чорасини топишдан биз амалдорлар ожизмиз. Дуруст, ичимиздаги душманга, қора халққа қарши чиқиш бўлса — тадбири осон. Қозоқ ўрусимиз, миршабимиз, жандармимиз, аскаримиз бор... фюшт!..., Хориждан келаётган ёвга биз ожизмиз, нима қилишимизни билмаймиз... Бу — ёмон, бу — жуда ёмон ҳол, Мирёқуб...

— Чорани айтмадингиз, тўра. "Чорасиз дард йўқ", дейди бизнинг ҳақимлар...

— Сафсата ҳаммаси, сафсата... Чорани бизнинг ички душманларимиз, яъни инқилобийон деган тоифа кўрсатади...

— Қани, нима дейди у тойифа?

— Подшони ҳам — ҳайда, амалдорларни ҳам — ҳайда. Миршабларни — йўқот, жандармларни — ўлдир, урушни — тўхтат, бойлардан — ср-сувни, фабрикачилардан — фабрикаларни, заводчилардан — заводларни тортиб олиб халққа бер,— дейди. Уларнинг халқ дегани — қора халқ ялангошлар.."

Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи ҳақидаги гапларни шу сзда тўхтатсак ҳам бўлади. Аминмизки, катта ва ҳал қилувчи фикрни адабиётшунос олимларимиз, мунаққидларимиз айтишади. Хулоса шуки, "Кеча ва кундуз", шубҳасиз, ўзбек романчилиги ривожига салмоқли ҳисса қўшган тарихий асардир.

Таъбир жоиз бўлса, яна бир гап. Биз романнинг фақат бир қисмини, унинг "Кеча"сини ўқидик. "Кундуз"и ҳали қўлимизга текканича йўқ. Унда, фикримизча, Мирсқуб билан Мария, Зсби билан Ўлмасжон образлари тўла очиб берилган бўлса керак.

Ҳурматли мунаққид Озод Шарафиддиновнинг "Кеча ва кундуз"нинг иккинчи қисми ҳам ёзилган бўлиши керак, деган фикрига биз ҳам қўшилаемиз. Унинг қўлёмаси бирон шахснинг қўлида ёки бирон сртўлада, ёки кутубхонада ётган бўлса ажаб эмас.

## ИЛМ-ФАН ХАЛҚ ВА МАМЛАКАТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

1994 йил 7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий йиғилишида Ўзбекистон президенти Ислон Каримов сўзга чиқиб, ўзбек фанининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида куйиб-ёниб гапирди, долзарб ва ўта муҳим фикрларни ўртага ташлади. Камина шу академиянинг оддий бир мухбир аъзоси сифатида муҳтарам президентимизнинг бу фикрларига тўла қўшиламан ва уларни илм-фан тараққиёти учун дастуриламал фикрлар деб ҳисоблайман.

Ислон Каримов маърузасининг қуйидаги бир жиҳати менда катта таассурот қолдирди.

1. Фан тараққиётини режалаштиришда "узоқ муддатни қўятурайлик, ҳатто 5-10 йилга мўлжалланган оддий бир стратегия ҳам йўқлиги, режалаштириш ва маблағ тақсимлашдаги" хато-камчиликлар. Бу жуда тўғри, ҳаққоний айтилган эътироз. Мен бунини ўзим хизмат қилиб турган Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик

институтида бир илмий йўналишнинг счими, яъни қўлэзма асарларни илмий тавсифлаш ва каталоглаштириш деб аталган йўналиш мисолида кўрсатиб ўтмоқчиман. Мазкур йўналишни мисол қилиб олишнинг сабаби бор — қўлэзма китобларни илмий тавсифлаш ва каталоглаштириш бизнинг соҳамизда энг муҳим иш — каталог қўлэзма фонди учун, ҳар бир асар учун махсус очқич ҳисобланади. Институтда бу илмий масала билан 1943 йилдан бери, яъни мазкур институт ташкил этилгандан бери шуғулланадилар. Лекин бу иш ҳали-ҳануз поёнига етгани йўқ. Қарийб 18,5 минг номдаги қўлэзма асардан 1987 йилгача энди 7574 қўлэзма асар илмий тавсифланиб, қисман чоп этилди, холос. 44 йил ичида энди шунча асар каталоглаштирилибди. Ҳали қарийб 11 минг қўлэзма асар нималигини, уларнинг ичида не гап борлигини ҳали билмаймиз. Бу ҳам стагандай, бу иш бундан тахминан 15 йил муқаддам тўхтатиб қўйилди, чоп этилган каталоглар асосида систематик, яъни фан соҳалари бўйича каталоглар тузишга киришилди. "Янги иморатни қурмасдан туриб, эскисини бузманг",— деган яхши гапи бор президентимизнинг. Қисқаси, қўлэзма асарларни бир четдан, тартиб билан илмий тавсифлаш йўлда-чўлда қолди, фан соҳалари бўйича каталоглар нашр этилганини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ.

Долзарб ва муҳим тадқиқотларни режалаштириш ва уларни маблағ билан таъминлаш масаласида ҳам жиддийкамчиликлар бор. Битта мисол келтираман. Биз бир гуруҳ мутахассис олимлар 1993 йили иккита муҳим мавзу устида илмий иш олиб бориш ва китоб ёзиб бериш ҳақида аҳдлашдик ва маблағ сўраб фан-техника Давлат қўмитасига мурожаат қилдик. Мавзулардан бири "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи", иккинчиси "Марказий Осиё халқлари". Биз яратмоқчи бўлган бу китобларнинг илмий ва амалий аҳамияти не чоғли эканлиги маълум. Мазкур илмий ишларнинг нималиги уларнинг номидан яққол кўриниб турибди. Лекин, афсуски, илтимосимиз сзда қолди.

2. Президент ижтимоий фанлар ҳақида, хусусан Шарқ тарихи, фалсафасини, миллий меросни ўрганиш борасида ўта қимматли гапларни айтдилар: "Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар

соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас". Жуда тўғри гап. Биз ҳали тарих, фалсафа, қонуншунослик ва бошқа илмларни ривожлантириш борасида жуда орқадамиз. Масалан, Тарих институти кўпдан ваъда қилиб келаётган олти жилдлик "Ўзбекистон тарихи"нинг энди бир жилди (учинчи жилди) қўлимизга тегди. Қолганларини ҳали ўқувчи кўргани йўқ. Мактаблар учун педагогика ва ўқув-тарбия ишларининг талабларига жавоб берадиган дарслик ва қўлланмалар ҳам яратилмаган. Шарқ фалсафаси ва Шарқ қонуншунослиги (фиқҳ) бўйича эса биронта китоб ёзилганича йўқ, ҳали. Ваҳоланки, бунинг учун манбалар ҳам старли, мутахассислар ҳам бор. Фақат яхши ташкилотчи йўқ, холос. Бундай аҳволда миллий мафкура ва миллий давлатчилик деган муҳим тамойилларни қандай қилиб шакллантирамиз?

3. Кейинги йилларда Академиянинг институтларида ҳар хил гап-сўз, эътироз ва норозилик кайфиятлари мавжуд. Президент жуда тўғри айтди мана шу катта йигилишда: "режалар аниқ қўйилмаган, бунинг устига, ташкилотчилик ва талабчанлик паст бўлган жойда ҳар хил эътироз ва тушунмовчиликлар пайдо бўлиши муқаррар". Бу гапларга адолатни ҳам қўшиб қўйди. "Адолат бузилган жойда,— деди у,— норозилик кучайиши табиий". Мисолни яна ўзим ишлаб турган Шарқшунослик институтидан оламан. Бу ерда илмий тадқиқот ишларини режалаштиришнинг ўзи чатоқ. Буни замон ва мамлакат талабларидан келиб чиқиб, институт раҳбарияти белгиламайди, аксинча, кўп ҳолларда, илмий ходимларнинг ўзлари белгилашади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, режани у удалай оладими-йўқми, бу билан ҳам ишлари бўлмайди. Битта мисол: Катта илмий ходимлардан бири Амир Тсмур давлатининг ташқи сиёсатини бизга ишлаб бермоқчи бўлиб шартнома тузди. Бунга катта пул олади. Лекин у мавзунинг манбаларини билмайди, иккинчидан эса материал — асл манбалар Англия, Франция, Туркия ва Венеция кутубхоналарида сақланади. Улар асосан лотин, француз ва италян тилларида. Булар — Амир Тсмур ва ўша мамлакат подшоҳларининг мактублари. Буларни тадқиқотчи ўқий олмайди. Яна бир мулоҳаза. Мен ишлаб турган институтда маош меҳнат ва унинг натижасига қараб эмас, илмий ходимнинг эгаллаб турган лавозимиغا қараб тўланади. Илмий ходим ишласа ҳам шуни олади, ишламаса ҳам. Кимдир йилда йўқ деганда

битта китоб нашр қилади, унинг 4—5 мақоласи чоп этилади, йўқ деганда битта фан номзоди тайёрлайди. У ҳам, ҳеч иш қилмай кун ўтказган доктор ҳам шуни олаёсради. Фандаги бу ўта салбий кўринишга чек қўйилмас экан, илм-фан ривожланмайди.

4. Устоз-шогирд, олимнинг илмий мактаби ҳақида айтилган гап ҳам ҳақиқат. Касб-ҳунарини бошқага бериш, шогирд қолдириш халқларнинг, шулар қатори ўзбекнинг ҳам, қадимий удуми. Ўзини билган мутахассис касб-ҳунари йўқ бўлиб кетмаслиги учун ўзидан шогирд қолдиради. "Олимнинг нуфузи,— президент жуда тўғри айтганларидай,— ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўрин-босар этиштириш билан баҳоланади". Афсуски, ҳамма ҳам шундай эмас. Фақат ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, ҳаёти бесапара ўтаётган анча-мунча олимларни биламан. Ислон Каримовнинг кекса олимлар билан ёшлар ўртасида узилиш борлиги ҳақидаги гапи ҳам тўғри. Чекланганликданми, ўзига ишонмасликданми, ёки бунинг бошқа сабаблари бордир, буни билмадим. Академияга шу йили бўлиб ўтган сайловларда ўзини фанда кўрсатган анча-мунча олим ўтмай қолди. Тўғри, мухбир аъзоликка даъвогарлар орасида ҳаваскорлар ҳам йўқ эмасди, ammo шу ўринга муносиб бўлган ҳақиқий олимлар, жаҳон таниганлари ҳам кўп эди. Тарихчилардан Х. Зиёев (у фанда кўп заҳмат чеккан таниқли олим эди), Э. В. Ртвеладзе ва Тельман Хожасвлар шундай жаҳон таниган олимлардан эдилар. Яна бир физик олим Фатҳулла Абдулласвнинг сайланмай қолганига ҳам кўп ачиндим. У йигит ўта истисодли бўлиб, хорижий мамлакатларда оптикadan монографиялари чиққан экан. Мирзо Абдулқодир Ғуломов-чи? Жаҳон тан олган йирик олим. Уни ҳам академия аъзолигига сайлашмади. Иқтисод, фалсафа, ҳуқуқшунос ва бошқа фанлар намояндаларининг ҳам омади келмади. Афсус! Айнан шу пайтда фанимиз учун керакли бўлган жуда кўп истисодли ёшлар этишган экан. Бу — қирқ йилда бир марта бўладиган ҳодиса. Академиямиз қариб бораётганини кўра-билатуриб, бу омилни эътиборга олмаслик кечирилмас бир ҳол бўлса керак.

5. Муҳтарам президентимизнинг республикадаги мавжуд илмий потенциални авайлаб-асраш ва унинг куч ва имкониятидан тўғри фойдаланиш тўғрисидаги уқтиришлари ҳам жуда тўғри. "Гапнинг рости,— деди у куйиниб,— кейинги уч-тўрт йил ичида бу масалалар ечими

у ёқда турсин, умуман, у давлат назоратидан четда қолди". Ҳа, бу тўғри. Аччиқ ҳақиқат. Тўғри, биронта йирик олимимиз ўзи ва оиласининг ҳузур ва ҳаловатини деб Америка ёки бошқа бирон хорижий мамлакатга кетиб қолгани йўқ. Чунки бунақа одат ўзбекда йўқ. У, ҳатто оч-яланғоч қолганда ҳам киндик қони тўкилган ерни ташлаб кетмайди. Ўскин, ёшлар орасида илм даргоҳидан кетиб қолиш, илмга кам ҳафсала бўлиш ҳоллари кучайди. Улар кўпроқ даромади бор ерларга кетиб қолишяпти, ўзларини коммерцияга уришяпти. Бунинг сабаби битта — маош кам. Бунақа маош билан бола-чақа боқиш, рўзгор тсбратиш жуда қийин...

## ҲАММАМИЗ УЧУН ДАСТУРУЛАМАЛ

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг 1995 йил 23-февраль куни Биринчи чақириқ республика Олий Мажлисининг Биринчи сессиясида қилган маърузаси менда чуқур таассурот қолдирди. Президент мазкур маърузасида миллий мустақиллик ҳамда истиқлолнинг катта йўлига чиқиб олган республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий тараққиётининг кўп йилларга мўлжалланган режалари ва асосий томонларини аниқ белгилаб берди. Маърузада давлат қурилиши, мавжуд иқтисодий муносабатлар, маънавият ва қадриятларимизни тиклаш, умуман маданий-маърифий соҳадаги вазифалар, республикамизнинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳақида айтган гаплари ўта муҳим ва долзарб гаплардир. Шу боис Ислон Каримовнинг маърузаси нафақат катта-кичик раҳбарлар, балки республика халқи, шунингдек биз зиёлилар: олимлар, адиблар, шоирлар, муаллимлар, тарбиячилар ва бошқалар учун ҳам муҳим дастуруламалдир.

Янги демократик жамиятни, буюк ўзбек давлатини барпо қилиш биргина иқтисодий омиллар билан амалга ошмайди. Ҳар томонлама ривожланган иқтисодиёт билан бир қаторда, ривожланган илм-фан ва юксак маданият ҳам керак бўлади. Чунки, жамиятнинг танасини иқтисодиёт ташкил қиладиган бўлса, унинг жони ва руҳини илм ва маданият, маърифат ташкил қилади. Буларсиз, жамиятнинг ўзи бўлмайди.

Мен мазкур маърузада илм-фан, маънавият ва қадриятларимизни тиклаш ва уни янги жамият қуришга

тадбиқ этиш ҳақида ўртага қўйилган масалалардан иккита-учтасига тўхтаб ўтмоқчиман.

1) Ислом Каримов мазкур маърузасида ҳам улуғ аждодларимиз яратиб кетган минг йиллик илмий ва маданий меросимизни ва қадриятларимизни чуқур таҳлил қилиш ва уни янги жамият барпо этишга хизмат қилдириш вазифасини ўртага қўйди. Бу жуда тўғри талаб. Сирасини айтганда бу энди айтилаётган гап эмас. Президент илгари ҳам кўп бор диққат-эътиборимизни шунга жалб қилган. Маълумки, биз ўзбеклар ҳам жаҳондаги бошқа халқлар сингари, илмлик, маданиятлик, маърифатлик халқимиз. Бизнинг ҳам ўтмишда жаҳон таниган ва тан олган буюк давлатларимиз бўлган. Лекин биз уларни яхши билмаймиз, тўғриси бунга йўл беришмаган. Биринчи навбатда биз олимлар: шарқшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар, шунингдек адиблар ва муаллимлар кўҳна тарихимиз ва бой маданиятимизни яхши ўрганишимиз, кутубхоналарда тахланиб ётган бой илмий ва адабий меросимизни халқимизга тезроқ стказиб беришимиз, кенг халқ оммасини, айниқса ёшларимизни ўқитишимиз керак.

Шу ўринда маърузада кўтарилган яна бир масала эътиборни ўзига тортади. "Носб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш,— дейди Ислом Каримов,— ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш бурчимиздир". Бу жуда тўғри гап. Ҳозирда республикадаги ўнга яқин кутубхона ва музейларда қарийб 200 мингга яқин кўҳна ва қимматли китоблар мавжуд. Лекин, уларнинг сақланишини талаб даражасида деб бўлмайди, чунки бинолар қўлёзма асарлар ва носб китобларни сақлашга мосланмаган. Бунинг устига, уларни таъмирлаш ва сақлаш шароити ҳам қониқарсиз. Мен кўпдан бери қўлёзма ва носб китоблар учун замонавий махсус бино қуриш (у асло бетондан бўлмаслиги керак) ва ўша китобларни бир ерга тўплаб сақлаш ва изчил ўрганиш зарурлигини гапириб келаман. Шарқшунослик институтлари (улар бизда бир эмас, балки учта) фаолиятини жонлантириш ва фаоллаштиришнинг вақти етди. Уларнинг фаолиятини ҳозирги замон талабларига бўйсундириш пайти келди. Бунда мен бой илмий меросимизни кўтариш, тезроқ халқимизга стказиб бериш, уларни мустақиллик ва истиқлол вазифаларига хизмат қилдиришни назарда тутаятман. Мана, халқаро иқтисодиёт



ва дипломатия, хорижий халқлар тиллари университетлари бу хусусда яхши ишлар қилишяпти. Лекин уларнинг фаолияти кўпроқ ғарбга қаратилган. Ахир, Шарқда ҳам тараққий этган давлатлар ва халқлар бор-ку. Биз улар билан ҳам иқтисодий, илмий-маданий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашимиз, ривожлантиришимиз керак. Юксак малакали кадрларсиз буни қандай қилиб амалга оширилади?

Кўплаб ноёб санъат асарлари, зўр илмий ва санъат қимматига эга бўлган қўлсзма асарлар Туркистон Чор Русияси томонидан босиб олингандан кейин, рус генераллари ва амалдорлари тарафидан Русияга олиб кетилди. Ҳозир улар Масков, Санкт-Петербург каби шаҳарларнинг кутубхоналари ва музейларида сақланади, уларга кўрк бўлиб турибди. Булар, шак-шубҳасиз, биз ўзбекларнинг миллий бойлигимиз. Президент ҳақ, биз уларни қайтариб олишимиз зарур. Қанча тез бўлса, шунча яхши.

2) Президент мазкур маърузасида яна бир муҳим, ҳаётий масалани ўртага ташлади. Бу эртанги кунимиз бўлмиш ёш авлод-болаларимиз ва набираларимизнинг тақдири. Биз уларни яхши ўқитишимиз ва тарбиялашимиз лозим. Уларни эл-юртга, жонажон ватанига муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашимиз, уларда инсонпарварлик сингари ноёб фазилатларни шакллантиришимиз зарур. "Фарзандларимизни,— дейди Ислом Каримов,— озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавий соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак". Президент мактабда, айниқса, Ватан тарихи ва маданияти, жуғрофия ва иқтисод фанларини ўқитишга алоҳида эътибор бериш зарурлигини айтди. "Боғчадан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида,— деб ўқтиради Президент,— мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим. Бу эса, ўз навбатида, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини миллий-маънавий нуқтаи назаридан янгитдан қараб чиқишни тақозо этади". Шу билан бирга Ислом Абдуғанисвич ҳозирда жуда кўп дарсликларнинг эскича, сифат ва савияси паст эканлигини танқид қилди, "уларнинг чалакам-чатти таҳрирлар билан чоп этилаётгани, мазмун даражаси эскича, савияси саёз" эканлигидан койинди. Президентнинг гаплари ҳақ, эътирози ўринли. Ҳаммамиз яхши биламизки, ўқув тарбия ишининг тақдири, муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлиши, кўп жиҳатдан дарслик ва қўлланмаларга, уларнинг сифат ва

савиясига боғлиқ. Афсуски, мактаблар учун деб чиқарилган ва чиқарилаётган дарслик ва қўлланмаларнинг сифати ва савияси жуда тубан. Шуниси ачинарлики, дарсликка арзимаган китобларни қўлланма деб атаб чиқаришмоқда.

Дарслик ва қўлланмаларнинг талаб даражасида бўлмаётганининг битта сабаби бор. Уларни кўпинча ҳақиқий тарихчи олим, методист ва стук тарих ўқитувчилари эмас, балки бошқа соҳаларнинг мутахассислари ва ҳаваскорлар (бахтга қарши, буларнинг уруғи борган сари кўпайиб кетмоқда) ёзишяпти. Республика халқ таълими ва олий таълим вазирликларида ўтирган мутасадди жаноблар эса бу муҳим ижтимоий-сиёсий масалага панжа орасидан қараб келишмоқда.

Сифатли, юксак савияда бўлган дарслик ва қўлланмалар яратишнинг битта йўли бор: 1) бу ишни уч мутахассисга: катта тарихчи олим, методист ва малакали муаллимнинг қўлига топшириш; 2) дарсликлар ва қўлланмалар яратиш ишини бир ерга-республика педагогика илмий-текшириш институтига марказлаштириш лозим. Бу ишга шу институт жавобгар бўлсин, чунки у ерда катта олим ва юқори малакали илмий ходимлар меҳнат қилишмоқда.

3) Халқимизни, айниқса ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат ва бой қадриятларимиз руҳида тарбиялашда, уларда миллий ғурур, миллий ифтихорни уйғотиш ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда кино ва телевидениянинг таъсири жуда аҳамиятлидир. Лекин, очиқ айтиш керак, кино ҳам, телевидение ҳам бу ўта муҳим ва долзарб ишда қониқарли фаолият кўрсатаётгани йўқ. Кўҳна тарихимиз, бой маданиятимиз, ибратли урф-одатларимиз ва анъаналаримизни тарғиб қиладиган кинолар, видеофильмлар, мультфильмлар кам, йўқдай даражада. Бунинг ўрнига бундан жуда кўп йиллар аввал Мосфильм, Ленфильм, Одесса ва бошқа киностудияларда яратилган, ҳозир Русиянинг ўзида ҳам эсдан чиқиб кетган эски кинофильмлар, "Ну, погоди" Американинг сичқон ва мушук саргузаштига ўхшаган мультфильмлар такрор-такрор кўрсатилмоқда. Нима, биз ўзимиз яхши фильмлар яратишга қодир эмасмизми? Ёки мавзу учун материалимиз йўқми? Ҳаммаси бор, фақат қунт стишмайди чамаси. Кўпчилигимизда миллий руҳ, миллий ғурур, миллий ифтихор стишмайди. Орамизда аҳиллик йўқ, гуруҳбозлик мавжуд. Кейин бу муассасаларда масъулиятни ҳис этиш ҳам камга ўхшайди. Иккита мисол келтираман. Мана, улуғ олим, илм-фан ва маданият ҳомийси, йирик давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600

йиллик юбилейига атаб икки сериялик бадиий фильм яратиш режалаштирилган эди. Республика ҳукумати бунга маблағ ҳам берган эди. Фильм учун яхшигина сценарий ҳам ёзилганди. Юбилей ўтиб кетганига олти ой бўлди, лекин кинодан ҳамон дарак йўқ. Иккинчи мисол: Бундан олти-етти йил муқаддам ҳазрат соҳибқирон Амир Темури ҳақида ҳам кўп сериялик бир фильм яратиш устида иш бошланган, фильмни истеъдодли режиссёрларимиздан Али Ҳамрасев суратга олишга киришгандай бўлувди. Лекин фильм устидаги ишлар кейинги пайтларгача суяк борди. Соҳибқирон Амир Темурининг 660 йиллик юбилейига эса саноқли ойлари қолди. Бироқ, бўлажак фильм ҳақида ижобий фикр айтиш қийин.

Муддаюга келсак, киностудиялар ва телестудиялар фаолиятларини тобора яхшилашлари, замон билан ҳамнафас, ҳамоҳанг тарзда ҳозиржавоб бўлишга ҳаракат қилишлари лозим.

## ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ ТАН ОЛСИНЛАР

*(Ўзбекистон мустақиллиги ҳақидаги декларация ва жумҳурият президенти фармонлари бажарилиши шарт. 1991 йил январь)*

1990 йилда жаҳон миқёсида ҳам жумҳуриятимизда ҳам тарихда қоладиган анчагина воқеалар содир бўлди.

Дунёвий воқеалардан иккитасини алоҳида таъкидламоқчиман. Бири — ноябрь ойида Парижда бўлиб ўтган Умумоврупа кенгаши бўлиб, унда қабул қилинган ҳужжат кўп йиллардан бери давом этиб келаётган "совуқ уруш" сиёсатига тамоман барҳам берди. Иккинчиси — СССР, АҚШ, Англия, Франция давлатлари тутган тўғри сиёсат натижаси ўлароқ иккинчи жаҳон уруши туфайли иккига ажратиб ташланган исми халқининг ҳуқуқий талаб, орзу-умидлари ушалди — ниҳоят ГДР ва ГФР бир давлат бўлиб бирлашдилар.

Жумҳуриятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақида қабул қилинган Декларация йилнинг энг муҳим ҳужжатиدير. Эркинлик, ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқи — ҳамма халқнинг ўлмас орзуси, курашлари маъноси. Шунинг учун ҳам буюк тарихий ҳужжат аҳамиятини бўлажак улуғ ишлар салмоғи билан ўлчаймиз.

Декларацияда белгиланишича, Ўзбекистон бундан буён сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий тарафдан ҳам тўла мустақилликка эришади, ер-сувга, мол-мулкига ўзи эгаллик қилади. Агар мақсадлар амалга ошадиган бўлса, нур устига аъло нур! Лекин бу ҳам одатдагидек қоғозда қолиб кетмасмикан, деб қўрқаман. Чунки бунақа декларациялардан анча-мунчасини кўрганмиз. Масалан, Октябрь инқилобидан кейин Иттифоқдаги барча халқлар тенг, озод, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган икки декларация қабул қилинган эди. Ҳужжатларнинг остида Лениннинг имзоси бор. Лекин кейинчалик амалда нима бўлгани ҳаммага маълум.

Аслини олганда Ўзбекистон ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан ҳам, фан-техника ва маданий тараққиёти жиҳатларидан ҳам ривожланган мамлакат. У шак-шубҳасиз ўзини-ўзи идора қилиш имкониятига эга. Лотин Америкасида Суринам деган кичик бир юрт бор. Майдони — 163 минг 300 квадрат метр, аҳолиси — 480 минг атрофида. У 1975 йилгача Голландиянинг мустамлакаси эди; ҳозир эса мустақил, ўзига тинч давлат. Овруподаги Люксембург деган давлатнинг аҳолиси бундан ҳам оз — 348 минг киши. Лекин у ҳам мустақил, тараққий этган давлат. Қўшнимиз Мўғулистончи? Бир ярим миллион аҳолиси билан у ҳам мустақил мамлакат.

Эътибор беринг: Суринам, Люксембург, Мўғулистон — булар бари Бирлашган Миллатлар ташкилотининг аъзоси. Наҳотки, 20 миллиондан ортиқ халқи бўлган, замини бойликлар билан тўла, жуғрофий ва иқлим шароити қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турларини, жаҳонда бор барча мева-чевани, қолаверса, бугдойни ҳам, шолини ҳам, гўшт ва ёғни ҳам стиштиришга мослашган Ўзбекистон, ўзини-ўзи идора қилолмаса?

Жумҳуриятимизда ўтган йили содир бўлган яна бир муҳим воқеани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — ўзбекнинг буюк фарзанди, улкан шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бутун жаҳон тан олган шоҳ асари — "Бобурнома"нинг 460 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналардир.

Халқимизнинг руҳини кўтарувчи воқсалардан бири — деҳқонга ер-сув бериш, қишлоқ халқининг турмуш тарзини яхшилаш, уларни ичимлик сув ва газ билан таъминлаш ҳақида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг фармонлари эълон қилиниши. Булар том маъноси билан оламшумул тарихий воқсалардир.

Шуни ҳам айтиб ўтай: деҳқонга ер берилди, лекин иморатини нима билан қуради у? Бечора деҳқон яна ўша

сғоч, шифер, цемент ва бошқа қурилиш ашёларини ахтариб қориндор ва димоғдор тураларнинг остонасига бош уриб юрибди. Фикримча, фақат фармон ёки қарор чиқариш билан кифояланиб қолмай, фармонларнинг жойларда қандай бажарилишини ҳам қаттиқ назорат қилиш заруратга ўхшаб қолди.

Нохуш, бахтсиз дақиқаларга келсак, бу Фарғона фожиаларининг давоми бўлган Бўка, Паркент, Ўш ва Ўзгандда юз берган хунрезликлардир. Қолаверса, шундай тинч замонда Совет Армияси хизматига олиб кетилган баъзи йигитларимизнинг темир тобутларда қайтаётгани ҳам 1990 йил китобида мотам сатрлари бўлиб қолади.

Фожиалар ҳақида гапирганда, буни фақат миллий масала билан боғлаш ўта хатодир. Уни қандайдир экстремистлар (вожаб, 30—40-йиллари "Халқ душмани", 60—70 йилларда "дисидентлар" деган тамғаларни ўйлаб топган эдилар!) нинг иши, дсб ҳам айтиб бўлмайди. Бу айнан ҳаётий қийинчиликлар, томир отиб кетган адолатсизлик ва ноҳақлик каби ижтимоий иллатларнинг оқибатидир. Лекин ажабланарлиси шундаки, хунрезликларнинг ҳақиқий ташаббускорлари ва айбдорлари ҳар гал очилмай қолмоқда.

1990 йил остонамизга бозор иқтисоди сиёсатини олиб келиб қўйди. Башорат қилмаса ҳам эртанги кунимиз қандай бўлиши бир қадар равшан. "Ўқиқизнинг шохига урса, туёғига зил кетади" деган гап бор. Жумҳуриятимиз ҳали бозор иқтисодига ўтганича йўқ. Лекин бу ҳақда "Марказ"да гап кўтарилган куннинг эртасигаёқ бутун мамлакатда вазият ўзгарди: магазин ва дўконлар бўм-бўш бўлиб қолди, бозорда нарх-наво икки баробар кўтарилди. Ҳолбуки, меҳнаткашнинг маоши ўзгаришсиз турибди.

Катта-катта йигилишларда эса фақат сафсатабозлик давом этаяпти, янги-янги қонун ва қарорлар қабул қилинаяпти, лекин улар бажарилмаяпти.

Яқинда жумҳурият Компартиясининг "Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун" дсб номланган ҳаракат дастури матбуотда эълон қилинди. Ана шу ҳужжатда Ўзбекистоннинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиши, халқ учун фаровон ва адолатли турмуш тарзи яратиш ҳақида жуда яхши гаплар айтилган. "Яхши ният — ярим мол". Омон бўлсак, кўрамиз.

### АМИРНИНГ ҚИЛИЧИ ҚАЕРДА?

— *Машҳур кишилар ҳаётидан ёзган "Улуғбек" эссеингиз она тарихимизни ўрганишга чанқоқ кишилар учун ажойиб туҳфа бўлган эди. Темур ҳақидаги китобингиз қачон чиқади?*

— Ҳозир академик Галина Пугаченкова ва профессор Розия Муқминова билан ҳамкорликда "Мовароуннаҳрнинг Темур давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти" деган рисола устида иш олиб бoryапмиз. Бундан ташқари "Амир Темур" деган эссе ёзиш ниятим ҳам бор. Ишнинг қийин ва машаққатли томони шундаки, Темур улуғ ва мураккаб шахс. У фақат Ўрта Осиё ва Шарқ тарихида эмас, балки Ғарб мамлакатлари тарихида ҳам муҳим ўрин тутган улуғ инсон. Негаки, у Олтин ўрдага 1391 ва 1395 йилларда қилган икки бор юриши туфайли Русиянинг Олтин ўрдалиқ мўғуллар зулмидан озод бўлишини 300 йилга тезлаштирди. 1402 йили Анқара ёнида турк султони Боязидни енгиб, Болқон мамлакатларини усмонли турклар асоратидан қутқарди. Уни фақат босқинчи, золим деб таърифлаш жаҳонгирнинг буюклигини кўра олмасликдан келиб чиққан уйдирма, бирсқламаликдир.

Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни эса босқинс. У, биринчидан, бу юртда мўғул феодаллари босқинчилигини тугатди. Иккинчидан, майда-майда давлатчаларга бўлиниб, бир-бирини қиришларга барҳам берди. Бундай урушлар деҳқону ҳунармандни вайрон этиб, савдогарларнинг бошқа мамлакатлар билан алоқаларига зарба берар, ўз қобиғига ўралиб қолиш эса маданий тараққиётига ғов солар эди. Темур ўзаро феодал курашларга барҳам бериб, яхлит буюк давлатга асос солдики, бу давлат Италия, Испания, Англия, Хитой, Ҳиндистон,

Яқин Шарқ, Осиё мамлакатлари билан савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожланишига йўл очди.

Унинг Ҳиндистон ва Озарбайжон, Эрон, Араб мамлакатларига бўлган юришларига келсак, бу ўша даврнинг фсодал давлатчилик сиёсати билан боғлиқ. Беклар ва амирлар мана шундай юришларни талаб қилар эдилар. Амалдорлар юрт босиб, бойишга ўрганиб қолишганди. Агар уларнинг қорни шу йўсинда тўйғазиб турилмаса, давлатга хизмат қилмай қўярдилар. Миллатидан қатъи назар, ўша даврда ўтган барча фсодал ҳукмдорлар шундай йўл тутишга мажбур бўлганлар. Ёзаётган асаримда буларнинг ҳаммасини кенгроқ қамраб олиш ниятидаман.

— *Ўтган йили Темур мавзуи қайта юз очди. Тарихчи олим сифатида бу ҳол Сизни қувонтирадими?*

— Темур кўп қиррали буюк шахс эканини айтдик. Шунинг учун ҳам унинг ҳамма қирраларини тўқис ёзишимиз керак. Шу маънода ўтган йилларда бошланган ҳаракатни олдиндаги катта тадқиқотларнинг дебочаси дейиш мумкин. Яна бир истагим: Темур, бинобарин, ўтмиш тарих ҳақидаги оддий мақоладан тортиб, катта тадқиқотларгача ҳаммаси тарихни биладиган ҳақиқий мутахассислар томонидан ёзилса. С. П. Бородин сингари тарихни сохталаштирувчиларнинг китобларидан андоза олинмаса, кўчирмакашлик қилинмаса, дейман.

— *Тарихимизнинг ҳали холис ёритилмаган шундай "оқ доғлари" кўп. Янги йилда улардан қайси бирлари ҳақида сўз очилишини истардингиз?*

— Шу чоққача Ўрта Осиёнинг чор Русияси томонидан босиб олиниши илмий жиҳатдан асосланиб берилгани йўқ. Бу жараён ўзининг илмий-тарихий асосланган баҳосини олиши керак. Ўтган йили шу мавзуда битта конференция ўтди, яна бир анжуман уюштириш керак. Тарихимиздаги холис ўрганилмаган мавзулардан яна бири бу Октябрь шарофати билан Ўрта Осиёда ташкил топган давлат тақдиридир. Маълумки Туркистон мухторияти номи билан юритилган бу давлат қурол ёрдамида йўқ қилинган. Шу ҳақда ҳаққоний илмий асарлар яратишнинг аллақачон вақти стди. Жадиализм ва "босмачилик" тарихига доир ҳужжатлар ҳам эълон қилиниши керак.

— *Ўша ур-тўполон йилларида халқнинг қонуний мулки бўлган кўплаб ноёб бойликлар талангани хусусида маълумотлар бор.*

— Бу алоҳида ўрганишни тақозо этадиган масала. Шундай бойликлардан бирини айтай. Бу, Бухоро амирининг асл, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган қиличидир. Эшитишимизга қараганда, уни Бухорони ишғол этган Фрунзе олиб кетган ва кейинчалик Иваново меҳнаткашларига совға қилган (қаранг-а, отасидан қолган экан унга бу қилич!). Ҳозир ўша қилич бу шаҳардаги музсйда турибди. Ўзбек халқига тегшли бўлган бу буюмни ўзининг шахсий буюми деб совға қилишга Фрунзенинг ҳаққи йўқ эди. Истилочиликни расман бўйнига олган одамгина шундай қилиши мумкин. Хуллас, бугина эмас. Бухоро ва Хивадан олиб кетилган кўплаб нодир асарлар ҳам ўзининг қонуний ворисларига қайтарилиши шарт.

Сухбатдош М. АБДУЛЛАЕВ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати",  
1991 йил 4 январ

## БИЗКИМ — МУЛКИ ТУРОН...

— Президентимиз имзо чеккан Қарорда Амир Темурнинг тўртта тарихий хизмати алоҳида таъкидлаб ўтилган. Уни ўқиб туриб, қалбимизда беихтиёр айрича фахр, ғурур туйғуларини ҳис этамиз, тўғрироғи, бошимиз осмонга етади. Соҳибқирон эндигина халқимизга, она-Ватанга тўла-тўқис қайтаётган қутлуғ кунларда буюк бобокалонимизга берилган ғоятда тўғри, ғоятда адолатли ана шу таърифлар ҳақида тўхталиб ўтсак, нима дейсиз?

— Маъқул. Лекин мулоқотимизнинг аввалида Қарор тўғрисидаги дил сўзларимни айтиб ўтишни истайман.

— Бажонидил.

— Бу жуда катта тарихий воқса бўлди. Биз шу кунларгача тарихда ўтган улуг намояндаларимизни, шунингдек, Амир Темур ҳазратларини ҳам "улуг" оғамизга ёқай деб фақат қоралаб келдик. Оғалар бўлса ўз тарихини эъозлаб келдилар, маданий ёдгорликларини биз қадар вайрон қилмадилар. Агар Санкт-Петербург ёки Русиянинг бошқа бирон шаҳарига борсангиз кўрасиз, подшоҳларнинг (Пётр I, Павел I, Николай I, Екатерина II ва ҳ.к.) ҳайкаллари бугун ҳам мағрурона турибди.



Олтин ўрданинг битта амирини (Туманбоши Мамайни) бутун рус князларини йиғиб енган Дмитрий Донскойга қўйилган ҳайкаллар эса беҳисоб. Биз-чи, жаллод Будённий билан Фрунзega ҳайкал ўрнатдик, Тўмарис, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Темур Малик, Жалолоддин ва Темурдек миллий қаҳрамонларимизни тилга олмадик. Шу боис республика Президентининг Қарори бу хусусдаги биринчи Қарор бўлиши билан тарихийдир. Мен бир тарихчи олим сифатида бундан чексиз мамнунман.

— *Соҳибқиронининг давлат асосчиси сифатидаги буюклиги ҳақида тўхталиб ўтсангиз.*

— Ҳақиқатан ҳам Амир Темур бутун жаҳонга шуҳрат таратган буюк давлатга — буюк Туркистон давлатига асос солди. Лекин бу осон бўлмади. Бунинг учун тиним билмай кураш олиб боришга, тер тўкиб меҳнат қилишга, керак бўлганда қурбонлар беришга тўғри келди. Келинг, фактларга мурожаат қилайлик. Амир Темур сиёсат майдонига қадам қўйган пайтларда Туронзаминда феодал тарқоқлик авжига чиққан эди. Бошқа сўз билан айтганда, мамлакат ўнга яқин феодал бекликларга бўлиниб кетган эди. Бундан ташқари, қарийб 150 йилдан бери Туронзамин мўғул феодалларининг оёғи остида эди. Амир Темур кўп йиллар давом этган оғир кураш ва катта қурбонлар эвазига мамлакатни мўғул феодаллари ҳукмронлигидан озод қилди; 1370—1380 йиллар орасида олиб борилган курашлар натижасида феодал тарқоқликка барҳам бериб, Туронзаминни ўз туғи остига бирлаштириб марказлашган феодал давлатга асос солди.

Буюк давлат яратиш учун биринчи навбатда мамлакатда тинчлик ва осойишталик қарор топган бўлиши шарт. Халқ тинч меҳнат қилиш имкониятига эга бўлиши керак. У, айниқса, ташқаридан бўладиган тазйиқ ва хуружлардан бсхавотир бўлиши зарур. Чунки, Мўғулистон ва Дашти қипчоқ кўчманчилари Мовароуннаҳрнинг ўтроқ туманларига тез-тез босқин қилиб, аҳолини талон-тарож қилар эдилар. Амир Темур XIV асрнинг 80-90 йиллари Мўғулистон ҳукмдорлари Қамариддин билан Анқо тўрага ҳамда Оқ ўрда ва Олтин ўрда ҳукмдори Тўхтамишга қақшатқич зарба бериб, Мовароуннаҳр халқига тинчлик ва осойишталик бағишлади. Тинчлик ва осойишталик билган одамга Аллоҳнинг бандасига берган катта нсъматидир. Чунки, бусиз ҳаловат ҳам йўқ, тараққиёт ҳам. Амир Темур. Шарқда катта ҳарбий-сиёсий куч ва нуфузга эга бўлган Қамариддин, Анқо тўра,

Тўхтамиш ва бошқа ҳукмдорларга қарши қатор ҳарбий юришлар қилганда эл-юртининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашни назарда тутди.

Давлатнинг буюклиги дабдабали маҳкамалар, сон-саноксиз амалдорлар, мўру малағ каби қўшин ва миршаблар билан белгиланмайди. Давлатнинг буюклиги элу юртнинг бойлиги, халқининг тўқ ва фаровонлиги ва юксак маданияти билан белгиланади. Амир Темур давлат аппаратини шакллантирганда биринчи галда уни ихчам ва ишчан қилиб тузди. Ҳалол ва ташаббускор одамларни ёнига олди. Бир учи Шарқда Чин ҳудудида, Ғарбда Ироқ билан Шомда, Шимолда эса Сибир ва Жанубда Синд дарёсигача чўзилган улкан бир мамлакатни ҳаммаси бўлиб етгита девон (вазирлик) ёрдамида бошқарди. Шу улкан мамлакатни (ҳозир Амир Темур давлати ўрнида тўққиз-ўнта мустақил давлат мавжуд) идора қилишда Амир Темур Улус тизимидан фойдаланди. Масалан, икки азим дарё — Амударё билан Сирдарё оралиғида ўринлашган вилоятлардан ташқари мамлакатларни тўрт ўғлига тақсимлаб берди.

Амир Темур давлатни бошқаришда бир гуруҳ амалдорларгагина таяниб қолмади. У аҳолининг барча табақаларига: саййидларга, олимларга, савдогар аҳлига, деҳқон билан косибга таянди, уларнинг мақсад ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Давлатни бошқаришда кенгаш (яъни яқин одамлари билан маслаҳатлашиб иш кўриш) ва машварат (халқнинг турли тоифадаги вакиллари билан кенгашиб туриш)ларга амал қилди. Қўл остидаги мансабдорларга меҳру шафқатли бўлди, уларнинг бошини силади. Шу билан бирга, улардан иш талаб қилди, қаттиқ қўл бўлди.

Яна бир гап. Амир Темур қўшни Шарқ мамлакатлари билан, шунингдек, Италия, Испания, Франция ва узоқ Англия билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ўрната билди. Унинг изчил ички ва ташқи сиёсати туфайли Туронзамин буюк давлатга айланди. Уни бутун дунё таниди ва тан олди.

Бу буюк ва мўътабар инсоннинг биз учун азизлиги ҳам шунда. Биз ундан жуда кўп нарсаларни, хусусан, мамлакат ва халқни қандай идора қилиш, давлатни қандай бошқаришни ўрганишимиз лозим.

— Энди Амир Темурнинг улуг саркардалиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Авваламбор шуни айтиш керакки, Амир Темур замонасининг энг илгор армиясини тузди. У асосан пиёда ва отлиқ қисмлардан иборат бўлиб, қилич, найза, ўқ-ёй, гурзи, табар (ойболта), чўқмор, чстан, нардбон билан қуролланган эди. Темурбекнинг қўшинида тош, гўла ва нефть отувчи махсус мосламалар (манжаниқ, тош аррода, нефт андоз) ҳам бўлган. Бу мосламалардан қамал жанглари пайтида қалъа деворлари, истеҳкомлар ва шаҳар ичидаги олий биноларни бузишда фойдаланилган. Бу — ўзига хос артиллерия эди.

Қўшиннинг катта қисми лашкардан иборат бўлиб, юриш олдидан ҳар бир вилоятдан тўпланган. Қурол-яроғ кўтаришга қурби етган ҳар бир эр йигит ҳарб ишларига чорланганда тайинланган ерга айтилган пайтда етиб келган. У ўзи билан икки от, бир ойга етгулик озиқ-овқат ва см-хашак олиб келиши шарт бўлган. Ундан ташқари, ўзи билан уруш пайтида керак бўладиган бошқа яна кўп парсалар (то ип-игнагача) олиши зарур эди. "Темур тузуклари"да мана буларни ўқиймиз: "...юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бир чодир олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқ, бир қилич, арра, бигиз, бир қоп, жуводдўз, болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм халта олсин". Қурол-яроғ билан аскар асосан давлат ҳисобидан таъминланган. Қурол-яроғни Кўксарой ва бошқа ерлардаги махсус корхона (қурхона)лари ишлаб бериб турган. Қўшин ўнлик, юзлик, минглик ва туман (ўн минг) деб аталмиш қисмларга бўлинган. Уларнинг тепасида ўнбоши, мингбоши ва туманбошилар турган.

Амир Темур катта ҳарбий санъаткор эди. У қўшинни овларда, човгон ўйини, пойгалар ва бошқа машқларда чиниқтирган.

Армияда экинчи аталмиш ҳарбий қисмлар ҳам бўлиб, улар узоқ муҳлатга мўлжалланган юришлар вақтида олдин жўнаб кетиб, йўлда экип экканлар. Амир Темур бу билан қўшиннинг таъминотини бир қадар яхшилаган.

Амир Темур ҳарбий тактикага кўп янгиликлар: жанг олдидан сафни етти қўшин қилиб тузиш, душманни ҳар хил йўл билан чалғитиш, унга кутилмаган ерда зарба бериш каби янгиликлар киритди. Амир Темурнинг ҳарбий тактикасидан ўз вақтида Наполсон Бонапарт ва рус подшосининг генераллари кенг фойдаланишган. Унинг душманни чалғитиш ва кутилмаган ерда зарба бериш тактикасидан иккинчи жаҳон уруши йилларида совет

армияси ҳам кенг фойдаланди. Темурнинг ҳарбий санъати Оврупо ва Русиянинг ҳарбий академияларида кенг ўргатилган. Масалан, рус армияси Бош штабининг бошлиғи генерал-лейтенант М. И. Иванин рус ҳарбий академияларида Амир Темурнинг ҳарбий санъатидан дарс берган. Унинг шу масалага бағишланган ва 1846, 1875 йиллари чоп этилган "О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Тимуре" деган катта китоби ҳам бор.

Хулласи калом, буюк бобомиз Амир Темур ҳазратлари улуғ саркарда ҳам бўлган. Бўлганда ҳам бутун жаҳон тан олган саркарда бўлган.

— *Амир Темурнинг бетакрор илм-фан ва маданият ташкилотчиси ва ҳомийси сифатидаги хизматлари тўғрисида ҳар қанча гапирса арзийди-а?!*

— Илм-фан ва маънавият ташкилотчиси ва ҳомийси бўлиш учун олий ҳукмдорнинг ўзи ўша илм-фандан озми-кўпми хабардор бўлмоғи зарур. Ҳазрат соҳибқирон кенг маълумотли ҳукмдорлардан эди. У Қуръон, Ҳадис, фикҳ, жуғрофия ва тарих илмларидан бохабар одам бўлган. Унинг мажлислари ҳамма вақт уламо ва фузало билан оройиш топган. Амир Темур даврида юқорида тилга олинган ва олинмаган илмларнинг барчаси ривож топди. Бу подшоҳнинг рағбати билан бўлди, албатта. Ҳазрати соҳибқироннинг "душмани" тарихчи ибн Арабшоҳдай одам ҳам буни эътироф этган. Мана унинг сўзлари: "Хулласи калом, Темур ҳар бир (фойдали) жонни атрофига йиғиб, нимаики бўлса, сарасини Самарқандга келтирди. Натижада Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намосндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди". Амир Темур наслидан Улуғбек, Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро, Жаҳонгир, Гулбадан Бсгим, Зсбунисо сингари ажойиб олим ва шоирларнинг чиқиши ҳам бежиз эмас.

— *Бобокалонимизнинг миллий маданият ва меъморчилик санъатини ривожлантиришдаги улкан ҳиссасини баҳолаб бўлармикан?*

— Амир Темурнинг бу борадаги ҳиссаси бебаҳодир. Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг мана бу байти бсихтиёр ёдга келади:

Бу гулшан ичида йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била қолса от.

Бу мисраъ тўлиғича ҳазрат Амир Тсмурнинг ҳаёти ва ижтимоий сиёсий фаолиятига тегишли. Соҳибқироннинг Туронзамин халқлари маданияти равнақига қўшган ҳиссаси жуда катта. Бу ҳақда бир эмас, бир неча китоб битса бўлади.

Қисқа қилиб айтганда, Амир Тсмур бу борада бир эмас, минг подшоҳ бирикиб қилолмаган ишни қилди. У Кеш (Шаҳрисабз), Самарқанд, Бухоро, Ясси (Туркистон) ва бошқа жуда кўп шаҳарларни обод қилди, Чингизхон истилоси даврида вайрон бўлиб ётган Банокат (Шоҳрухия), Бойлақон (Озарбайжон) каби шаҳарларни қайта тиклади. Бағдод билан Дарбандни таъмирлатди. Масалан, Бағдодни икки марта тиклатди. Дарбандни даярли қайтадан қурди. Наҳрлар қаздириб, қақраб ётган ерларга оби-ҳаёт бағишлади, нафақат Мовароуннаҳрда, бошқа юртларда ҳам осмонўпар масжиду мадрасалар, қасрлар ва қалъалар қурдирди, ажойиб боғу роғлар яратди. Лекин ўз номини абадийлаштираман, деб уларнинг биронтасини ҳам ўз оти билан атамади. Масалан, Сирдарё бўйида қайтадан тиклатдирган азим шаҳарни ўғли Шоҳрух номи билан Шоҳрухия деб атади. Самарқандда бино қилдирган улкан Жомеъ масжидига суюкли хотини Бибихонимнинг номини берди, Озарбайжонда қаздиртирган катта наҳрни эса Барлос ариғи деб атади. Бунақа подшоҳни қасрдан топса бўлади?

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Тсмур бирон шаҳар ёки мамлакатда бўлганда биронта олий бино қурдириб, ўзидан ёдгорлик қолдирди. Умуман олганда, ҳазрат бобомиз Мовароуннаҳрда меъморчилик санъатини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Машҳур рус тарихчиси А. Ю. Якубовский уни яна бир машҳур подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий билан қиёслаб, Маҳмуд Ғазнавий бутун дунёни талаб катта бойлик йиғди, лекин ўзидан бирон кўзга ташланурли ёдгорлик қолдирмади, Тсмур эса топганини эл-юрт ободончилигига сарфлади, деб ёзган эди.

*Сухбатдош — Шухрат ЖАББОРОВ*  
*"Ўзбекистон овози", 1993 йил 9 июл*

## МАНГУ УСТИВОР ҲАҚИҚАТ

— Ҳурматли Бўрибой ака! Сизнинг илмий жасоратингиз алоҳида бир мавзуъ. Шу туфайли чиройли сифатлашлар-у, қатор-қатор унвонларингизни санаб ўтирмадим. Қолаверса, муборак исми-шарифингиз бугунги кунда мактаб ўқувчисидан энг юқори раҳбарларгача таниш. Агар муддаога ўтадиган бўлсак, илдизи теран ва бақувват дарахтнинг кўрки, салобати ҳам шунга мос бўлади, дейишади. Шу маънода олиб қаралса, туркий қавмнинг тарихи ва бугунги борлиғи нуфуз жиҳатдан бетимсол, ўзига хос. Бу эл даҳолари, буюклари сопи ва ўрни жиҳатидан дунё мезонидида ҳам салмоқли мавқега эга. Соҳибқирон Амир Темур туфайли эса биз унча-бунча халққа насиб этмаган бахтга сазовор бўлганмиз. Бироқ воқеалар уммонидида қалқиб турган дунёда тоғлар бошини баъзан туман қоплаганидек, жаҳонгир бобомиз турли муносабатлар гирдобидида умргузаронлик қилиб, бизнинг кунларимизгача етиб келди. Амир Темурга муносабатлар тарихи ва унинг сабабларини баён этиш билан суҳбатни бошласак.

— Жаҳондаги бошқа халқлар, масалан, араблар, форслар, ҳиндлар ва хитойлар сингари туркий халқларнинг ҳам катта тарихи, маданияти, дунё силсиласида ўзига яраша тутган ўрни бор. Туркий халқлар жуда катта чегарада — шимолда Олтой, Сибирдан то жанубда Мармар ва Ўрта ер денгизлари, Ҳиндикуш тоғларигача, шарқда Хитой ва Мўғулистон ҳудудларидан ғарбда то Қофқозорти ерларигача бўлган катта музофотда қадим-қадим замонлардан бери истиқомат қилиб келадилар. Ана шу жойларда улар катта-катта шаҳарлар бунёд этдилар, ўзларидан жаҳонга кўз-кўз қилса арзигудек маданий ва маънавий ёдгорликлар қолдирдилар. Мўғулистон, Сибирь, Қирғизистон ва Фарғона ҳудудларидан топилган ёдгорликлар турклар тарихи ҳам асрлар қатърига чуқур томир отганидан гувоҳлик беради. Муҳими шундаки, улар қадимдан мустақил давлат бўлиб яшаганлар. Масалан, туркларнинг Турк ҳоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Жўчи улуси, Чиғатой улуси, Темуррийлар, Шайбонийлар каби жаҳонга довруғи кетган давлатлари бўлган. Абу Наср Форобий, хожа Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Хисрав Дехлавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ва Шайбонийхон син-

гари жуда кўп даҳолар туркий халқлар орасидан стишиб чиққан.

Лекин туркий халқларнинг тақдири бир қадар бошқача бўлди. Улар хитойлар, ҳиндлар, англизлар, французлар, олмонлар ва русларга ўхшаб миллий бирлигини сақлаб қололмадилар. Тўғри, Кичик Осиёдаги турклар XIV асрга келиб мустақил давлат бўлиб олдилар, миллий мустақиллигини сақлаб қолдилар. Сибирь, Олтой ва Шарқий Туркистондаги турклар эса Русия билан Хитойнинг тасарруфига тушиб қолдилар. Ўрта Осиё билан Қозоғистонда истиқомат қилиб турган турклар эса ўзаро фсодал курашлар оқибатида XVI аср бошида аввал икки давлатга — Бухоро ва Хива хонликларига ажралиб кетдилар; XVIII аср бошида (1709 й.) Фарғона ўлкаси Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб чиқди. Бу давлат ўзини Қўқон хонлиги деб эълон қилди. "Бўлингани — бўри ер!" деб бежиз айтишмаган эканлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳар учала хонликни Русия империяси босиб олди. Кейинча, бундан ҳам баттар бўлди— асримизнинг 20-йиллари ўрталарида большевой ҳукмдорлар Ўрта Осиё билан Қозоғистонни беш бўлак қилиб ташладилар. Бу бўлакларга Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикаси деб от қўйдилар.

Мустамлакачиликнинг ўзига яраша қонун-қоидаси, сиёсати бўлади. Давлат деб аталмиш эзиш машинасининг бир ўзи милтиқ ва замбаракнинг кучи билан халқни дину эътиқодидан, тариху маданиятидан маҳрум қилиши қийин. Биринчи навбатда стук зиёлисини миллатчи, халқ душманига чиқариб, маҳв этиб ташлаш керак. Мустамлакачилар Туркистонда шунақа сиёсат юргиздилар. Оқибати бугун ҳаммага маълум. Биз туркийзабон халқлар тарихимиз, тилимиз, миллий маданиятимиз ва қадриятларимиздан тамоман ажраб қолишимизга бир баҳя қолди. Яқин-яқинларда ҳам Амир Тсмурни, Аҳмад Яссавийни, Навоийни, Бобурни ҳар на деб бадном қилиб келдик. Сабаби маълум: охир-оқибат тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиздан воз кечиб, чор босқинчиларининг тарихи, тили, маданияти ва анъаналарини қабул қилишимиз керак эди.

Яратганга шукрлар бўлсинки, СССР деган давлат чилпарчин бўлди. Унинг таркибига кирган республикалар, шулар қатори Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ҳам миллий мустақиллик ва истиқлол йўлига ўтиб

олдилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг шу йил 3-4 январь кунлари Тошкентда йиғилишиб, Марказий Осиё иттифоқини барпо этиш тўғрисида қарор қилганликлари муҳим тарихий воқеа бўлди. Тарих орқага қайтарилмайди, лекин эски сиёсат такрорланиб қолиши мумкин. Сабаби — улуғ давлатчилик кайфияти ҳали йўқолиб кетгани йўқ. Шундай сиёсат юргизмоқчи бўлганлар эса ҳали бор. Уларнинг шарпаси аҳён-аҳёнда эшитилиб турибди...

— *Суҳбатимизга қайтиб, чет элларда Амир Темур шахсига муносабатни эслаб ўтсак...*

— Амир Темур — буюк тарихий шахс. Йирик давлат арбоби, моҳир саркарда. Шу боис ҳам унинг тарихда, хусусан Туркистон халқлари тарихида тутган ўрни ва роли бениҳоя катта. Бу бугун кўпчилик олимлар, хусусан, ғарб тарихчилари эътироф этган ҳақиқат. Ғарбдан сўз кетганда фактларга мурожаат қилайлик. Маълумки, Амир Темур шу пайтгача ўз юртида қадр-эътибор топмади — замонасозлик туфайли уни тупроқ билан тенг қилиб келдик. Ғарбда эса Амир Темурга муносабат тамом бошқача бўлди. Буни, энг аввало, ҳазрат соҳибқироннинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган ва ўша узоқ юртларда нашр этилган китоблардан ҳам билса бўлади. Бундай китоблар Оврупо мамлакатларида XVI асрдан бери мунтазам чиқиб турибди. Форест (1543), Перондино (1553) ва Мексика (1564)нинг "Буюк Темур" деган китоблари, Сильвестр Де Саси, Шармуа, Элайс-Фермор, Мигнапелли, Феридунбей ва яна ўнлаб бошқа шарқшунос ва тарихчи олимларнинг ҳазрат соҳибқиронга атадган асарлари шулар жумласидан. Фақат кейинги беш йил ичида Амир Темур ҳақида Франция, АҚШ ва Олмонияда бешта катта китоб чоп этилди. Мен бу ерда француз олимлари Лусьен Карэн, Жан Поль Ру, америкалик шарқшунослар Беатрица Форбес Манз, Жон Вудс ва машҳур немис олими Генри Рёмерларнинг китобларини назарда тутаётиман. Яна бир муҳим факт — Оврупо мамлакатларида XVI асрдаёқ Амир Темур ҳақида саҳна асари яратилди. Улуғ инглиз драматурги, Шекспирнинг катта замондоши Кристофер Морлонинг "Буюк Темур" асари ўша пайтдаёқ Қирол театрида саҳналаштирилган эди. Франция ҳайкалтарошлари эса Амир Темурнинг олтиндан қуйилган ҳайкалчасини яратдилар. Бизда-чи...



Мана шуларни ҳаёдан кечириб туриб, баъзи пайтларда "Амир Темурни овруполиклар тан олишганига қойил қоламан. Марҳум СССРда бунинг бутунлай тескариси бўлганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Қонхўр Сталиннинг ўзи "СССР тарихи" дарслигидан "Темур давлати" деган бўлимни олдириб ташлагани ҳам бор гап. Бир гурунгда шундай латифанамо воқеа эсланди: БМТнинг йиғилишларидан бирига борган А. Косигиндан (у СССР Министрлар Советининг Раиси эди ўша пайтда) қандайдир воқеа муносабати билан (балки Самарқанднинг 2500 йиллиги арафасида) "Сизларда Темурга муносабат қандай?", деб сўраб қолишибди. Мамлакатимиз ҳукуматининг бошлиғи Амир Темурнинг номини ҳам эшитмаган экан, довдираб қолиб "яхши" деб юборибди. Кейин Москвага, КПСС МКга телефон қилиб "қандайдир Темур ҳақида" сўрашганини стказди. Бу маҳкама СССР Фанлар академиясига Темур ҳақида маълумотлар тўплашни топширади. Ўз навбатида бу топшириқ Тошкентга берилади. Буни илтифот деб тушунган бизнинг раҳбарларимиз "Биз томонга ҳам илиқ шамоллар эсиб қолибди", деганча қувониб ишга киришиб кетадилар. Қўлёзмалар жамланади, манбалар ўрганила бошланади. Ҳатто академик Иброҳим Мўминов "Амир Темур ва унинг Ўрта Осиё халқлари тарихидаги ўрни" деган рисоласини эълон қилади. Оқибати эса маълум. "Нодоннинг ақли тушдан кейин киради", дегандек, гап нимадалигини сезиб қолган "марказ" ҳамма нарсани тақиқлайди, олимларимизнинг бошига кўплаб шўришлар тушади. Мана шу далилнинг ўзиёқ кўп нарсани англаб олишга ёрдам беради. Мустамлакачилар бизнинг улуг бобокалонимизни таниб, гуруримиз уйғониб қолишидан ўлгудек қўрққанлар. Бизни мудом бошиқимизни эгиб, қулларча меҳнат қилишга мажбурлаш чораларини излаганлар.

— *Хўш, энди муносабат ўзгардимиз, бу борада қилинаётган қандай хайрли ишларни таъкидлаб ўтишни истардингиз?*

— Яна уч йилдан кейин, 1996 йилда Амир Темур таваллуд топгани (1336 йил 9 апрель)га 660 йил тўлади. (Соҳибқироннинг таваллуд саналари баъзи мақолаларда 8 апрель, ҳатто 7 апрель деб кўрсатилмоқда. Бу борада олимларимиз эртароқ бир тўхташга келсалар, яхши бўларди. — *Ред.*) Бу муборак санани бутун дунё кенг нишонлайди. Кўп қатори бизлар ҳам. Бунга имоним комил. Мазкур катта байрамга тайёргарлик бошланганига

анча бўлди. Бунга, шубҳасиз, ҳазрат соҳибқироннинг ҳамюртлари — қашқадарёликлар жиддий тайёргарлик кўришаётибдилар. Ҳазрат соҳибқирон асли шаҳрисабзлик. Шу кўҳна шаҳарга қарашли Хожа илғор қишлоғида (бу қишлоқ ҳозир Яккабоғ тумани ҳудудида) таваллуд топганлар. Ишончли манбаларда, ҳазрат соҳибқиронга узоқ-яқин замондош бўлган Низомиддин Шомий, ибн Арабшоҳ ва Фасиҳ Аҳмад Хавофийларнинг китобларида, шунингдек Кастилия элчиси Руи Гонсалес Клавихонинг сафарнома-сида шундай деб кўрсатилган.

Албатта, муносабат ҳақида бирор гап айтишдан олдин Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилинганига жуда оз вақт ўтганини назарда тутиш керак. Икки йил кўҳна тарих учун бир сониядек фурсат. Аммо узоқни кўзлаб хайрли ишлар қилиняпти. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси Раиси сифатида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорга имзо чекканлари кишида умид уйғотади.

Маълумки, эътиқод юракдан бўлса, уни ҳар қандай таъқибу тазйиқ йўқота олмайди. Ўша тоталитар тузум шароитида ҳам ҳазрат соҳибқироннинг чинакам мухлислари меҳрларини дариг тутганлари, чўчиб, қараб ўтирганлари йўқ. Фикрларимизнинг исботи — қисқа давр ичида Амир Темур ҳақида кўплаб китоблар нашр этилди, асарлар ёзилди. Бу 1—2 йилнинг маҳсули эмас, узоқ тайёргарлик самараси. Олим ва таржимон Убайдулло Уватов бир неча йил олдин услуби жуда мураккаб, ҳали бирон тилга таржима қилинмаган ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ул-маҳдур фи ахбори Темур" деган китобини ўзбекчалаштириб, изоҳлар билан нашр эттирди. "Туркистон" газетаси қошида ташкил этилган "Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб" илмий экспедиция фаолият бошлаганда Москва қиличини қайраб турарди. Бу фидойи жамоа Шаҳрисабз (1991) ва Туркистон (1992) йўналишларида сафарда бўлиб, жуда улуғ ишларни амалга оширди. Поён Равшановнинг саъй-ҳаракати билан 1990 йилда мулла Салоҳиддин қори Тошкандийнинг нақл-ривоятлар асосида ёзган ва 1894 йили тошбосма усулида чоп этилган "Темурнома" асари халқимиз мулкига айланди. Ўтган йили ҳазрат соҳибқироннинг таваллуд кунлари илк марта оммавий равишда нишонланди. "Амир Темур" маърифий жамияти тузилди. Қашқадарё вилоят театри Тўра Мирзо пьессаси асосида спектакль тайёрлади. Яқинда Амир Темурнинг ўзи тартиб берган таржимаи ҳоли "Зафар йўли"

номи билан китоб қилиб чиқарилди. Матбуотда, радиотелсвиденисда кўплаб мақолалар, чиқишлар эълон қилинди. Албатта, булар катта ишнинг бошланиши, холос. Олдинда улуг ржалар бор. Биз гайрат камарини белга маҳкам боғлаб, тайёр бўлиб туришимиз керак, токи мустақил мамлакатимизда бобокалонимиз старлица иззат-эътибор топсин.

— *Жаҳон киноюлдузлари иштирокида кўп серияли фильм ишланади, деб эшитган эдик.*

— Амир Темур ҳақида кўп серияли фильм яратиш ҳаракати 1988—89 йиллари бошланган. Бу мушкул, лекин хайрли юмушга таниқли кинорежиссёр Али Ҳамросев бел боғлади ва италиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишга тушди. Лекин, ҳар қандай фильмнинг муваффақияти, авваламбор, сценарийнинг савиясига боғлиқ. "Амир Темур" фильмининг сценарийси (уни Али Ҳамросевнинг ўзи олмониялик кинорежиссёр Фридрих Горнштейн ва италиялик Анжелло де Жента билан ҳамкорликда ёзган) бошда муваффақиятсиз чиқди. У олимлар ва мутахассисларнинг муҳокамасидан ўтмади. Ўшанда мен республика ҳукуматининг қарори билан бўлажак фильмга бош илмий маслаҳатчи этиб тайинландим. Биз Али Ҳамросев ва фильм муҳаррири Д. Д. Булгаков билан сценарийни бир неча бор кўриб чиқдик ва унга жиддий тузатишлар киритдик. Фильмни суратга олса бўладигандек эди. Лекин Али Ҳамросев билан яна учрашолмай қолдик. У кўпроқ Италияда...

*Суҳбатдош Ҳакимжон САТТОРИЙ  
"Халқ сўзи", 1993 йил 10 январ*

## МИЛЛИЙ ТАРБИЯ САРЧАШМАЛАРИ

*Абдулла Шер: Ассалому алайкум, Бурибой ака! Матбуот майдонида учрашмаганимизга ҳам анча бўлди..*

Бурибой Аҳмедов: Ва алайкум ассалом, Абдуллажон! Ҳақиқатан ҳам анча бўлди. Ўн беш йиллар чамаси. У пайтда сиз ишлаган "Гулистон" журналининг доимий муаллифи эдим.

А. Ш. Бугун мен ўша "Гулистон" анъаналарини ўзига хос давом эттираётган "Мактабгача тарбия" деган журнал номидан келдим. Эшитгандирсиз, эҳтимол, янги журнал.

Б. А. Эшитдим эмас, кўрдим ҳам. Бир неча китобчасини қараб чиқдим. Хурсанд бўлдим. Айниқса, журналнинг 1-2-қўшма китобчасидаги Амир Темур суратини яхши топибсизлар.

*А. Ш. Раҳмат, домла. Бугун Сиз билан миллий тарбия; умуман, қадимги замонлардаги бола тарбияси, хусусан, ўзбек миллатининг энг уюшган, юксакка кўтарилган даврларидан бирида, Темур ва теурийлар замонидagi бола тарбияси ҳақида суҳбатлашсак, нима дейсиз?*

Б. А. Жуда яхши, Абдуллажон. Гап шундаки, қадимги ўзбек хонадонидagi бола тарбияси неча ўн йиллар мобайнида бизда ҳукм суриб келган бир ёқлама, илдизсиз, зарпечакка ўхшаш большевикча тарбиядан бутунлай фарқ қилади. Аввало, умуман Шарқда, хусусан, бизнинг минтақада бола тарбияси анъанавий илдизга эга. Одатда дехқон ва ҳунармандлар оқсоқол ва имомларга, улар эса беклар ва амирларга, беклар ва амирлар эса подшоҳ хонадонига тақлидан бола тарбияси билан шуғулланганлар. Бу — табиий жараён, албатта. Зеро, халқ ўз болаларининг каттароқ одам бўлишини доимо хоҳлаган.

*А. Ш. Бизда эса большевик мустамлакачилари ҳукмронлик қилган пайтларда, эсингиздами, домла, ёшларимиз радио, телевидение, матбуот чиқишларида ўзларининг сут соғувчи, сувчи, тракторчи бўлишларини айтиб, бошқаларни ҳам шунга чақириварди. Мен ҳайрон қолардим: наҳотки улар орасида олим, сиёсатчи, дипломат, корхона раҳбари бўлишни истовчилар топилмас!*

Б. А. Булар ҳаммаси муайян мақсадга йўналтирилган сиёсат эди-да, ўзи. Раҳбарнинг боласи раҳбар, колхозчининг боласи колхозчи бўлиши керак, деган ёзилмаган қоида бор эди. Боланинг истеъдоди билан ҳисоблашиш — иккинчи даражали деб қараларди. Қадимда эса энг юксак тарбия саройда деб тушунилган. Мисол тариқасида Амир Темур саройидagi тарбияни келтириш мумкин: саройдagi болалар — шаҳзодалар тўрт ёшдан бошлаб ўқитилган. Дастлаб, хат-савод ўргатилган, кейин 4-8 ёшида уларга махсус қиссахонлар бириктириб қўйилган. Қиссахонлар Абу Муслим, Ҳазрат Али қиссалари, пайғамбарларимиз жангномалари, Искандар Зулқарнайн сингари халқ қиссалари ва дostonларини ҳикоя қилганлар. Шуниси муҳимки, тарбияланувчи 4 яшар, қиссахон эса 10-12 яшар бўлган. Улар бўш пайтларида бирга ўйнаб юришган.

Қиссахонлик фақат болани қаҳрамонлик, садоқат, поклик руҳида тарбиялашгагина эмас, балки гўдак хотирасини мустаҳкамлаш ва қувваи ҳофизасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун ҳам хизмат қилган. Масалан 1398 йили Мирзо Улуғбек 4 яшарлигида Ҳамза деган 12 яшар бола унга қиссахон қилиб тайинланади. У Амир Темури қиссахонининг жияни бўлган. Унинг отаси сарбадорлардан экан. Отаси вафот этиб, у тоғаси қарамоғида қолади. Кейинчалик Ҳамза катта олим бўлиб стишади — Шайх Озарий номи билан шуҳрат қозониб, кўпдан-кўп илмий асарлар яратади. Улуғбек орадан салкам ярим аср ўтгач, у билан Исфаройин шаҳарида (Эрон) тасодифан учрашиб қолади. Дарвеш либосидаги Шайх Озарий Улуғбек қошига боради. Танирмикин деб, султонга салом беради. Улуғбек танийди: "Сен бобом қиссахонининг жияни Ҳамза эмас-муссн?", дейди. Ўлтиришиб, ўтган болалик йилларини эслашади. Ўша кеч Ҳамза — Шайх Озарий Улуғбек ҳузурида қолади. Улуғбек унга сарой хизматига киришни таклиф қилганда у: "Мен кўпдан бўён подшоҳлар хизматини қилмай қўйганмен", деб рад жавоби беради.

*А. Ш. Темурийлар, умуман, Шарқ ҳукмдорлари саройида набираларни тарбиялаш бир анъана бўлган, шекилли?*

Б. А. Анъана бўлганда ҳам ҳар томонлама пухта ўйланган, фойдали анъана. Темури Шоҳрух Мирзо, Мироншоҳ мирзоларнинг ўғилларини, Ҳусайн Бойқаро Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин мирзони олиб тарбиялагани кўпчиликка маълум. Бунда ҳукмдорлар томонидан икки мақсад кўзда тутилган: биринчиси-болага шоҳона тарбия бериш, иккинчиси — айрим вилоятлар ҳукмдорлари бўлмиш ўғиллар ўз фарзандлари ота саройида экан, подшоҳ отага нисбатан ўзбошимчалик қилмайдилар, яъни исён кўтармайдилар ва буни ўйламайдилар ҳам.

Қиссахондан кейин, бола 8 ёшга кирганда, уни мадрасага беришган. Бу мадрасалар лицейга ўхшаш бўлган. Уларда диний илмлар билан дунёвий илмлар бирга ўқитилган. Қуръон, Тафсир, фикҳ, қироат ўргатилган. Ҳамма шаҳзодалар Қуръонни яхши билганлар, яхши қироат қилганлар. Дунёвий илмлардан риёзиёт, фалакиёт, мантиқ, адабиёт, тарих сингари фанлар ўтилган. Шунингдек, мусиқа ва мусиқашунослик, шърий нутқ ва аруз илми билан жиддий шуғулланишган. Чунончи, Улуғбекнинг шър ёзгани кўпчиликка маълум. Айни пайтда у беш-олти куй ҳам басталаган. Уларнинг баъ-

зилари ўзига хос ҳарбий маршлар бўлиб, ноғора ва карнай воситасида ижро этилган.

*А. Ш. Қадимги адабиётларда — тарихий асарларда ҳам, бадиий асарларда ҳам ов — шикор жуда кўп тилга олинади, тасвирланади. Болаликдан шикорга чиқмаган, ёки унга қизиқмаган шаҳзодани учратмаймиз. Шу ҳақда икки оғиз тўхталсангиз.*

Б. А. Ов қилиш хусусан аслзода болаларга махсус ўргатилган. Негаки, ов қўшиннинг жанг қилиш йўлларини ўргатувчи машқдек гап бўлган, шаҳзодаларни чиниқтирган. Ов одатда урушдан олдин ва кейин уюштирилган. Чунки қўшиннинг озиқ-овқати узоғи билан бир ойма стган. Демак, ов озуқа тўплаш учун ҳам қўл келган.

*А. Ш. Бундан чиқадики, шикор шаҳзодаларнинг лашкарбошилик маҳоратини оширишда қўшимча таълим бўлган. Энди айтинг-чи, домла, ана шу лашкарбошилик маҳоратини эгаллаш, яъни ҳарб илмини ўргатиш қандай ташкил этилган?*

Б. А. Ҳарб илмини ўргатиш учун ҳам махсус устозлар ёлланган. Шаҳзодалар аввало от миниб санъатини ўрганишган. Кейин найза отиш санъатини эгаллашган. Дарахт шохига ҳалқа осиб қўйиб, ўшандан найзани отиб ўтказишган. От устида чавгон, яъни отда чим хоккей ўйнаганлар. Қиличбозлик санъатига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, пойга қўйиш, кўпқари чопиш сингари ўйинлар ҳам ҳарб илми доирасига кирган. Буларнинг ҳаммасини шаҳзодалар етти-саккиз ёшдан то 12 ёшгача ўрганиши керак бўлган. Айни пайтда 12 ёшида ҳар бир шаҳзода "Сулук ул-мулук" — "подшолар учун қўлланма"си билан ҳам таништирилган. Ҳукумат вазифаларини қай йўсинда бажариш, амирларни қандай тайинлаш, арз эшитиш, ҳукм чиқариш сингари масалаларни ўша китобдан ўрганганлар. Амалий сарой одоби ҳам пухта ўргатилган. Ўзга давлат ҳукмдорлари ва элчилар келганда, шаҳзодалар саломга кирганлар. Меҳмонга болани таништирганлар. Элчи кирганда эса икки аъён уни олиб кирган. Шунда подшоҳнинг ёнида ўлтирган исвараси элчидан мактубни олиб, подшоҳга олиб бориб топширган. Хуллас, саройда болаларнинг бўш вақти бўлган эмас.

*А. Ш. Хўш, ўн икки ёшдан кейин-чи?*

Б. А. Шаҳзодалар ўн иккига тўлганда уларга вилоят берилган. Обрўли амир ёҳуд беклардан бири унга мураббий, яъни оталиқ ёки отабек этиб тайинланган. У шаҳзода ўн олти ёшга етгунча бола номидан вилоятни

бошқарган. Оталиқлар кўп ҳолларда шаҳзодаларни ҳокимиятдан четлатишга, ҳоким бўлиб олишга ҳаракат қилганлар. Чунончи, Шоҳрух мирзо ўғли Улуғбекни 15 ёшида Мовароуннаҳр ва Туркистонга ҳоким қилиб юборади. Шоҳмалик деган оталиқ-шоир Муҳаммад Солиҳнинг бобоси — уни анча сиқиштириб қўйган. Шунда Улуғбек Шоҳмалик оталиқ устидан отасига арз қилишга мажбур бўлган.

Табақалар орасидаги тарбияни занжирга ўхшатиш мумкин. Бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ бўлган амирлар, беклар, маликлар ўз фарзандлари тарбиясини сарой тарбиясига тақлидан ташкил этганлар. Ҳунарманд ва деҳқонлар эса амиру беклар, қозилар оиласидаги бола тарбиясини намуна сифатида қабул қилганлар. Лекин, шубҳасизки, ҳар бир табақанинг ўзига хос хусусиятлари бўлган.

Қишлоқлардаги мачит қошида, албатта, мактаб бўлган. Ҳар қишлоқдаги мачитлар сони баъзан тўрттагача этган. Қишлоқ болаларини ота-оналари келажакда мачитга имом ёки саводи йўқ одамларга ариза ёзиб берувчи мирза бўлар, деган мақсадда ўқитганлар. Қишлоқ мактабларида болалар хат-савод чиқарганлар, мантиқ, ҳисоб дарслари ўтилган, Ҳофиз, Бедил, Навоий ўқитилган.

Оддий халқ орасида ота касб масаласи биринчи ўринда турган. Кулолчилик, бешикчилик, мисгарлик сингари касблар болаларга боболари-ю, бобокалонларидан мерос бўлиб ўтиб келган. Қишлоқдаги ҳар гузарнинг ўз темирчиси, кулоли, бўзчиси, маҳсидўзи, этикдўзи, хуллас, касиблари бўлган. Бозорларда расталар — саҳҳофлик дўкони, хаттотлар дўкони, истаган асарингизни кўчириб берадиган дўконлар, саҳҳофлик ва китоб расталари бўлган. Қишлоқларда Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларнинг бинокорларига бўёқлар тайёрлаб ҳам берганлар. Демак, қишлоқда саноат билан шуғулланишган. Сиебда қоғоз жувози бўлган. Чархпадак, аравасозлик сингари ҳунарлар обрўли касблардан ҳисобланган. Болалар оталарига ёрдам берганлар, ота касб — мол боқиш, савдо-сотиқ, деҳқончилик, ёввойи ҳайвонларни ўргатиш билан шуғулланганлар. Ҳозир биз болаларимизни қийнаб қўямиз, деб қўрқамиз. Ваҳоланки, болаларимиз ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлишлари учун аввало меҳнатда пишишлари лозим.

Қизлар асосан бўлажак хонадон бекаси, эрнинг ёрдамчиси сифатида тарбияланганлар. Уларга эркакларга бахт бағишловчи зот деб қаралган. Қўллари нозик,

кийимлари гўзал, болалари соғлом бўлиши керак, деб ҳисобланган. Маликалар бирор мусиқа асбобни чалишни билиши, шър илми ва нафис санъатнинг баъзи турларини эгаллашлари шарт эди. Зсбунисобгим, Гулбаданбегим, Нодирабегим бунга мисол. Баъзи аслзода аёллар, хусусан, шоҳойимлар сарой ишларига аралашганлар. Бибихоним ҳатто қабул пайтида Амир Темурнинг ёнида ўтирган. Хуллас, қизлар тарбияси ҳам ўғил болаларнинг тарбиясига ўхшаб табақаларнинг бир-бирига тақлиди асосида ташкил этилган.

*А. Ш. Бўрибой ака, ажойиб суҳбатингиз учун журнал-хонларимиз номидан Сизга катта раҳмат. Худо сизга мустаҳкам соғлиқ ва қувват берсин.*

Б. А. Сизга ҳам раҳмат, Абдуллажон. Журналингиз яна ҳам бообрў бўлаверсин.

*Суҳбатдош — Абдулла ШЕР  
"Мақтабгача тарбия",  
1993 йил 9—10-сонлар*

## НОМИ АБАДИЙ ЎЧМАС ШАҲС

— Бўрибой ака, яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида" деган қарори чиқди. 1996 йилда ҳазрат соҳибқироннинг 660 йиллик тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланади. Хуш, юбилей олдидан биз — илм, ижод аҳлининг асосий вазифаси нимадан иборат бўлади?

— Президентимиз И. А. Каримов имзо чеккан қарор оламшумул аҳамиятга эгадир. Хусусан, ҳукумат қарорида соҳибқирон Амир Темурни "Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси", деб алоҳида кўрсатиб ўтилгани менда фахр туйғусини уйғотди. Ҳақиқатан ҳам шундай-да, ўзи. Бундай сиймолар тарих саҳнасида жуда кам. Модомики, шундай экан, буюк бобокалонимизнинг қутлуғ тўйига муносиб тайёргарлик кўриш ва ўша улуғ кунларга муносиб тўғфалар билан бориш лозим, албатта. Юбилей комиссияси аъзоси ва бир тарихчи олим сифатида тайёргарлик ишларида олдимизда улкан, шарафли вазифалар



турганини ҳозирдан ҳис қиляпман. Асосий масала — Амир Темурнинг Ватани, халқи ва тарих олдидаги қилган хизматларини хоҳ адабиётда, хоҳ санъатда, хоҳ илмда бўлмасин, тўлақонли яратиб беришдир. Бу анча қийин масала, албатта. Негаки, матбуотда чиққан материалларда фикрлар, талқинлар, муносабатлар турлича. Улардан ҳақиқийсини топиш ва эълон қилиш учун араб ва форс тилида битилган қўлёзмаларни бир сидра варақлаб чиқиш лозим.

— *Фикрингизга қўшиламан. Бу борада Сизга ўхшаган Шарқ қўлёзмалари билимдонни бўлган олиму адибларда имконият катта. Бунинг устига денг, марксизм-ленинизм мафкураси ҳукмронлик қилган шурулар замонда йўл қўйилган барча хатоларни биргина тадбир билан тузатишининг ўзи бўлмайди. Ёзувчи биринчи навбатда Темурийлар даврини ҳам чуқур тадқиқ этиши даркор. Бир суҳбатимизда: "Синфий жамият шароитида ҳарқандай шахс мавжуд ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларига хизмат қилади" деган фикрни айтган эдингиз.*

— Бахтиёр, бу ҳақиқатни яхши эсимга солдингиз. Не ажабки, биз кўпинча ана шу аччиқ ҳақиқатни унутамиз, тўғриси, бундай факт билан ҳисоблашгимиз келмайди. Тарихга бирёқлама ёндашиш, уни сохталаштириш ҳоллари мана шулар оқибатида юз бермайдими?!

— *Афсуски, шундай бўлди. Масаланинг худди шу жиҳатига эътибор бермасдан йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси бўлмиш Амир Темурнинг шаънига кўп бўлмағур гапларни айтиб келдик...*

✓ — Мен Амир Темурнинг баъзи ишларини, хусусан босқинчилик юришларини тўла оқлолмайман. Айниқса, Ҳиндистон устига қилган ҳарбий юриши (1398—1399 йил апрели) гарчи исломни ҳимоя қилиш байроғи остида ўтказилган бўлса-да, уни бирон ваз жабаб билан оқлаб бўлмайди. Лекин бир нарсани унутмайлик: аслини олганда, Амир Темур ҳам ҳукмрон феодал синфнинг намояндаси, ўша синф сайлаб, тахтга ўтқизиб қўйган олий ҳукмдор эди! Шунинг учун ҳам у ўз синфига хизмат қилиши, унинг мақсад ва манфаатларини қўлидан келганича ҳимоя этиши лозим эди. Акс ҳолда, ўша синф бундай ҳукмронни тарих саҳифасидан улоқтириб ташларди. Бундай ҳодисалар тарихда жуда кўп бўлган. Мисол учун машҳур Рим императори Гай Юлий Цезарни (мил. ав. 100—44 йиллар) олиб кўрайлик. Рим аслзодалари ва

бир гуруҳ эскилик тарафдорларига охир-оқибат унинг фаолияти ёқмай қолди. Натижада унга қарши фитна уюштириб, уни ўлдирдилар. Яна бир мисол. Сосонийлар подшоси Хормуз IV (579—590) бечора деҳқонларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қўл уриб, бадавлат кишиларнинг мол мулкани мусодара қилди... Охири, бадавлат аслзодалар руҳонийлар билан қўшилиб, унга қарши фитна уюштирадилар ва подшоҳни тахтдан тушириб, кўзларини ўйиб олдилар. Амир Темур ҳам, Юлий Цезарь ҳам, Хормуз IV ҳам маълум бир ҳукмрон синфнинг стук бир намояндаси эдилар. Демакки, ўша синфга хизмат қилиш ва манфаатларини ҳимоя этиши керак эди. Шунинг учун Амир Темур маълум даражада зулмга эрк берди, бошқа мамлакатлар ва халқлар устига босқинчилик юришларини уюштирди. Чунки феодал синфнинг асл мақсади шу: фақат бойлик! Бойлик ортиришнинг муҳим манбаларидан бири эса уруш — босқинчилик ва талончилик уруши.

— *Ҳали Сиз Ҳиндистонга қилинган ҳарбий юришни оқлаб бўлмайдидедингиз. Аммо ҳазрат соҳибқироннинг айрим урушлари оқибатида феодал тарқоқлик ва ўзаро ур-ўйқитларга барҳам берилгани кўпчиликка сир бўлмаса керак.*

— Ҳа, Амир Темурнинг Яқин Шарқ ва Оврупо давлатлари олдидаги ана шу хизматини асло унутмаслик керак. Ироқу Шом, Эрону Озарбайжон ҳудудларида Чингизхоннинг набираси Ҳалокухон асос солган давлат инқирозга юз тутганидан (1335й.) кейин Хуросонда Сарбадорлар давлати (1337—1381, маркази Сабзавор шаҳри), Ироқ, Курдистон ва Жанубий Озарбайжонда Жалоирийлар давлати (1336—1432), Жанубий Эронда Музаффарийлар давлати (1314—1393), Ироқи ажам ва Озарбайжоннинг бир қисмида Чўпонийлар давлати (1336—1356), Диёрбакр, Шарқий Анатолия ва Жанубий Озарбайжоннинг бир қисмида Оқ қўюнли давлати (1378—1508), Ироқи араб билан Ғарбий Озарбайжонда Қора қўюнли давлати (1380—1468) ҳаммаси бир-бирини сб ётганди. Буюк Амир Темур уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик урушлар натижасида бу бошбошдоқлик ва феодал тарқоқликка ниҳоят барҳам бериб, уларни бир давлатга бирлаштирди!

— *Бундан ташқари, бир тарафдан Боязид I Йилдирим кўплаб давлатларга хавф солиб турганди. Шундай эмасми?*

— Ҳа, Боязид I Йилдирим (1389—1402) ўз даврида нафақат Кичик Осиё ва Болқон ярим оролида, балки Марказий Оврупода ҳам катта ҳарбий-сиёсий кучга айланиб қолган эди. 1389 йили Сербиянинг Косовос поле деган срида ва 1396 йили Боязид Йилдирим Дунай бўйидаги Никопол шаҳри ёнида Франция, Венгрия, Германия ва Валахиянинг қарийб 70 минг кишилик тиш-тирноғигача қуролланган Бирлашган ҳарбий кучини тор-мор келтириб, бутун Болқон ярим оролида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Боязид Йилдирим қозонган бу галабалар бутун Оврупони таҳликага солди. Шунда Византия императори Мануэл Палсолог, Венеция дожи ва Франция қироли Карл VI нинг Кичик Осиё ва Султониядаги элчилари Амир Темур қошига ёрдам сўраб, ялиниб-ёлвориб келдилар. Англия, Франция ва Италия кутубхоналарида Амир Темур, унинг ўғли Мироншоҳ ва Оврупо давлатлари бошлиқлари ўртасида ўша йиллари олиб борилган ана шу ёзишмаларнинг асл нусхалари сақланмоқда. Булар ўшанда бутун дунё Амир Темурдан нажот кутганидан далолат беради. Албатта, Туркиянинг бу қадар кучайиб кетиши Амир Темурни ҳам маълум даражада чўчитиб турган эди. Устига устак, Боязид Йилдирим Темур давлатининг ашаддий душманлари бўлган Жалоирийлар, Қорақўюнлилар ва Сурия билан Миср устидан ҳукм юритиб турган Мамлуклар (1250—1517) билан иттифоқ тузиб олган эди.

— *Амир Темурнинг нияти уруш очиш эмас, сулҳ тузиш, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини боғлаш эди назаримда.*

— Тўғри. Афсуски, Боязид Йилдирим катта хатога йўл қўйди ва узатилган қўлни силтаб ташлади. Бунинг оқибати яхшиликка олиб келмади, албатта. Шу тариқа, Боязид Йилдирим 1402 йил 20 июлида Анкурия (Анқара) атрофида бўлган урушда тор-мор келтирилди.

— *Амир Темур билан Тўхтамишхон масаласи ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз.*

— Бу ўзаро муносабатлар ҳам айрича давом этди. Замона зайлини қарангки, ўғил тутинган Тўхтамишхон ҳам шон-шуҳрат йўлида ўзлигини йўқотиб, Амир Темурдан кўрган яхшиликларини унутди ва ҳатто у билан ёвлашди. 1387—1388 йиллари соҳибқироннинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, бу заминга бостириб кирди ва шаҳару қишлоқларини хонавайрон қилди. Бунинг натижасида Темур давлатининг Жўчи улуси билан

муносабатлари жиддий кескинлашди. Тўхтамиш ўша йиллари Русия, Кавказ ва Озарбайжонга ҳам таҳдид сола бошлади. 1382 йили у Масковни олиб, талон-тарож қилди, сўнг тамоман ёқиб юборди. Шунда Амир Темур бошқалар қилолмаган ишни қилди. 1391 йили Тўхтамишхонга қарши қўшин тортди ва ўша йилнинг 18 июнида Самара билан Чистопол оралиғидаги Қундузча деган ерда Тўхтамишни тор-мор келтирди. Аммо у бу гал ҳам қочиб қутулди. Орадан сал ўтиб, 1395 йили Терак дарёсида бўлган урушда Амир Темур Тўхтамиш (Олтин ўрда) нинг жуда катта армиясини чилпарчин қилиб ташлади. Бу зарбадан кейин Олтин Ўрда ўзини ўнглаб ололмади. "Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган бу ғалабаси,— дсб ёзган эди. А. Ю. Якубовский,— нафақат Ўрта Осиё ва Шарқи-жанубий Оврупо учун, балки Русия учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга молик бўлди".

— Бундан чиқди, Амир Темур тарих саҳнасида ўзига хос ўрин тутган экан-да. Сиз "Амур Темур" тарихий романингизда ҳазрат соҳибқироннинг 1381—1404 йиллар орасида Тўхтамиш, Султон Боязид, Қора қўюнлилар билан олиб борган даҳшатли, лекин хайрли урушларини яхши ёритгансиз. Бу қийин вазифани удалаш оғир кечгандир?

— Тарихда ўтган буюк шахслар — Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Амир Темурга ўхшаш ҳарбий-сиёсий арбоблар ҳақида бирон сўз айтиш, катта-ми-кичикми илмий ё бадиий асар ёзиш ўта мушкул иш. Негаки, уларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли ўша замонга мослашган ва ўта зиддиятлидир... Шунинг учун бу асарни ёзишга узоқ тайёргарлик кўрдим. Ниҳоят, 1994 йил баҳорида уни ёзиб тугалладим. Мен соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёт ва фаолиятига баҳо берганда унинг қилган ишларини ақл тарозисига солиб тортдим, ўша давр шароитидан келиб чиқиб баҳоладим ва, албатта, Амир Темурни ўзидан аввал яшаган ҳукмдорларга нисбатан қилган улуғ ишларига қараб ҳукм чиқаришга интилдим. Ўзим ўқиган, билган беҳисоб манбалар шуларга замин ва асос бўлди.

— Бўрибой ака, бундай зарур, керакли китобнинг тезроқ чоп этилишини ҳамма интизорлик билан кутмоқда... Биз юқорида Амир Темурнинг ташқи ҳарбий юришлари ва унинг аҳамияти ҳақида гаплашдик. Энди Сиз ҳазрат соҳибқирон ҳамда темурийлар авлодининг

*Мовароуннаҳр, Туркистон халқлари олдида қилган тарихий хизматлари хусусида ҳам сўзлаб берсангиз?*

— Бажонидил. Амир Темурнинг биринчи хизмати шундаки, у узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган феодал тарқоқликка барҳам бериб, марказий феодал давлатга асос солди ва халқни мўғул истилочилари зулмидан халос қилди. Иккинчи хизмати шуки, у мамлакат ободончилиги, илм-фан ва маданиятнинг тараққиётига беқиёс ҳисса қўшди. Амир Темур хусусан Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ясси каби шаҳарларни бутунлай қайта қуриш ва обод қилиш ишига зўр эътибор берди. Ҳазрат соҳибқирон нафақат Мовароуннаҳру Туркистонда, балки қўшни мамлакатларда ҳам қалъалар (Афғонистон), шаҳарлар, қасрлар ва наҳрлар (Эрон, Озарбайжон, Афғонистон) қурдирди, айрим шаҳарларни (Бағдод, Дарбанд) таъмирлатиб берди. Ҳазрат соҳибқирон бошқа подшоҳларга ўхшаб фақат хазинани тўлатиш эмас, балки мамлакатнинг келажагига пойдевор қўядиган илм-фан ва маданиятни ҳам тараққий эттиришда шахсан жонбозлик кўрсатди. Унинг даврида Самарқанди Фирдавсмонандда мавлоно Абдулмалик, Мир-Саййид Шариф Журжоний, хожа Муҳаммад Зоҳид Бухорий, мавлоно Аҳмад, Абдулқодир Мароғий, Низомиддин Шомий, Ҳофизи Абрў каби кўпдан-кўп олимлар жам бўлдилар. Темур уларнинг бошини силади. Мовароуннаҳрда Қуръон ва ҳадис илмидан ташқари, тарих, фалсафа, мусиқа, риёзиёт, фалакиёт, фиқҳ (мусулмон қонунчилиги) илмлари жуда ривож топди. Бу даврда халқ амалий санъати: бадийий ўймакорлик, заргарлик, саҳҳофлик, зардўзийлик ҳам ривожланди, уй-рўзгор буюмларини яшаш эса санъат даражасига кўтарилди. Самарқандда ўзига хос тасвирий санъат мактаби бунёдга келди.

Ва, ниҳоят, Амир Темурнинг Ватани, халқи ва тарих олдида қилган яна бир катта хизмати борки, уни айтмай бўлмайди. Ҳазрат соҳибқирон Ватани ва халқини бутун дунё олдида юксакликка кўтарди, улуғлади! Испания, Италия, Англия, Франция, Хитой сингари йирик давлатлар Амир Темур сиймосида Туркистон заминини танидилар ва тан олдилар. Биз буни ўша мамлакат подшоҳлари билан ҳазрат соҳибқирон ўртасидаги ёзишмалардан ва ўша замонлардан қолган тарих китобларидан яхши биламиз. Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати ва жаҳонда тутган мавқеини бу мактубларсиз тасаввур

қилиб бўлмайди. Уларни махсус ўрганмоқ фурсати етди, деб ўйлайман...

— Мана энди, Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи арафасида яна ҳазрат соҳибқироннинг шахсига қизиқиш кучайди. Ҳозирдан нашриётларимизга кўплаб қўлёзмалар кела бошлади. Тўй баҳона, деганларидай... Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз?

— Биласизми, сўнгги пайтларда ҳазрат соҳибқирон ҳақида катта-кичик "илмий", бадий ёки саҳна асарлари ёзадиганлар шунақаям кўпайиб кетдики, биз тарихчилар ўзимиз уларга столмай қолаяпмиз. Ахир, фақат биргина ният билангина тарихий мавзуда янги асар дунёга келмайди-да. Бу жиддий, оғир ишда "уста кўрмаган шогирд..." қабилида иш тутмасак, шошқалоқлик қилмасак, яхши бўларди. Негаки, Амир Темур — абадиятга даҳлдор шахс!

*Суҳбатдош — Бахтиёр ОМОН  
"Кўзгу", 1995 йил 12 январ*

## СИБИРГА КЕТМАГАН ЎЗБЕК

— Бўрибой ака, олим меҳнатини шамга қиёслашади: ёниб ўзгалар даврасини равшан қилади. Бугун Сизни катта-кичик яхши танийди. Тақдирингиздан мамнунмисиз?

— Тўғриси, олимнинг меҳнатини нана билан қудуқ қазишга ўхшатса бўлади. Олимни ҳам илм ва зиё таратгани учун шамга қиёс қилиш мумкин. Чунки, ундан худди шам атрофида айланган парвонага ўхшаб, кўплар баҳра олади. Меннинг ҳам бошқаларга озми-кўпми ёруғим тушгандир. Шогирдларим бир талай. Улар ҳозир Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда меҳнат қилишяпти, Қувончлисис шулки, Қозогистон ва Қирғизистондаги шогирдларим бирлашиб, ўз жумҳуриятларида шарқшунослик марказлари тузиб олишди. Демак, мактаб яратибман. Шундай бўлгач, тақдиримдан мамнунман. Ҳар ҳолда, ҳаётда самарасиз, сояси ўзидан бошқага тушмайдиган дарахт бўлиб ўтмабман. Ўшандайлардан худо асрасин!

— Ҳозиргидан ҳам яхшироқ натижаларга эришишингиз мумкин эдику? Бунинг сабаблари нима?

— Мен илм-фан майдонига анча кечикиб, 36 ёшимда кирганман. Бунинг сабаби бор, албатта. Тўрт йил урушда бўлдим, фронтдан қайтганимдан кейин ўрта мактабга

кириб ўқишни қолган сридан бошлашга, тирикчилик деб уч-тўрт йил ишлашга тўғри келди, чунки оиламизда каттаси мен эдим. 1953 йили Ўрта Осиё давлат дорил-фунунининг (ҳозир ТошДУ) шарқ факультетини имтиёзли диплом билан тугалладим. Лекин мени Тошкентда аспирантурага ҳам, ишга ҳам олишмади. Негга дейсизми? Талабалик йиллари, хусусан 1950—1952 йиллари факультет партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлар эдим. Буни биладиган одамлар бор. Ўша машҳум 50-йилларнинг бошида стук ўзбек зиёлиларини турли жазога тортиб қувғин остига олиш, қамаш, сургун қилиш кучайиб кетди. Мен бунга чидолмадим, очиқдан-очиқ қарши чиқдим. Мафкура идораларидан бирининг раҳбари дорил-фунунимизни текшираётган махсус комиссияга бош экан, мени идорасига чақиртириб қолди. Иш хонасида ўзидан бошқа яна уч-тўрт одам бор экан. Шулардан бирини менга ВКП (б) Марказий Қўмитасидан келган масъул ходим деб таништиришди. Қисқаси, суҳбат вақтида, "Бу — ўзбек зиёлиларини йўқ қилиб ташлашга қаратилган ҳаракат", деб очиқ айтдим. Шу-шу бўлди, кўчада қолдим. Охири, қишлоғимга қайтиб кетишга мажбур бўлдим. 1956 йилнинг ёзигача ўша ерда муаллимлик қилдим. 1956 йилнинг кузида бўлса керак, Ўзбекистон зиёлиларининг Биринчи қурултойи бўлиб қолди. Ўша йиллари республика партия Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. А. Муҳиддинов ўз маърузасида 50-йил бошларида қувғин ва қатағон этилган зиёлиларимизни оқлаб чиқдилар. Шундан кейин менга ҳам аспирантурага йўл очилди. 1969—1974 йиллари, айна докторлик диссертацияси устида ишлаб турган пайтимда мени яна эътибордан четлатиб қўйишди. Кўп қийналдим. Айниқса, руҳан... Халқимизда "Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман" деган гап бор. Илож қанча, бошга тушганни кўз тортар экан! Чидадим, сабр қилдим.

Мана шунақа гаплар бўлмаганда илм-фанда бундан кўпроқ хизмат қилган, ҳеч бўлмаганда иккита китобни ортиқ ёзган бўлардим. Шогирдларим ҳам учта-тўрттага ортган бўларди.

— *Шу ўринда илмий фаолиятингиз ва таржимаи ҳолингизнинг асосий нуқталарини эслаб ўтсангиз!*

— Таржимаи ҳолим ва илмий фаолиятимнинг баъзи тарафларини боя айтдим. Буларга яна нималарни қўшиш мумкин? Колхозчи-деҳқон хонадонига мансубман. Ҳаётда кўп қийинчиликлар тортганман: уч марта очарчилик,

тўрт йил уруш, фронтда орттириб келган дард-касаллик азоби, кейинги руҳий ҳужумлар... Лекин, илм-фан майдонига соқол-мўйлабим анча ўсиб қолганда кирган бўлсам ҳам, озми-кўпми хизмат қилишга улгурдим, ҳаёт машаққатларидан холи бўлиб кун кечирган тенгдошларимдан орқада қолмадим, чоғи. Бунинг бир омили бор. Ҳаёт мени кўп яхши одамларга рўбарў қилди. Жаҳон шарқшунослик фанининг танилган марказларидан ҳисобланмиш Санкт-Петербург дорилфунунида ўқиш ва ўша мен учун муқаддас бўлган илм даргоҳида ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияларини ёклаш шарафига мушарраф бўлдим. Тақдир мени академиклар В. В. Струве, И. А. Орбели, А. Н. Кононов, профессорлар И. П. Петрушевский, А. К. Арсендс, А. Н. Болдирев, В. И. Беляев каби жаҳон тан олган забардаст алломалар билан мулоқотда бўлиш, улардан сабоқ олишга муяссар этди. 1961 йили Тошкентга қайтиб келдим ва шундан бери Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида хизмат қилиб келаётибман.

— *Эшитишимча, Сибирга кетиб қолишингизга ҳам озгина қолган экан...*

— Шунга ўхшаш гап бўлган эди. Ҳали тангназар, бахил одамлар дастидан 1969—1974 йиллари бир қадар безътибор бўлиб қолганимни айтган эдим. 1970—1972 йиллари бўлса керак, куз пайтида, Қозоғистондан икки ўртоқ Тошкентга келиб қолишди. Шулардан бири билан 1948—1953 йиллари дорилфунунда бирга ўқиган эдик. У ўша пайтда Қозоғистон Вазирлар Кенгашида фан бўлимига раҳбарлик қиларди. Иккинчиси республика партия Марказий Қўмитасида шундай бир бўлимга бошлиқ экан. Улар республика партия Марказий Қўмитаси ва ҳукуматининг топшириғи билан мутахассислар ахтариб келишган экан. Олмаота дорилфунуни қошида Шарқ факультети очиб, Қозоғистон Республикаси учун шарқшунос кадрлар тайёрлаш ниятида эканлар. Суҳбат чоғида дўстим "Олмаотага кўчиб бормаисизми?", деб қолди. Мен Тошкентда турсам нафим кўпроқ тегишини айтдим. У ўзини тушунмаганга солди. Кейин қўлёзмалар ва ҳужжатлар, умуман илм учун зарур бўлган материал шу срдалигини айтганимда фикримга қўшилишди. Ушанда биз қардош Қозоғистон учун кадр тайёрлаш билан боғлиқ баъзи масалаларни келишиб олдик. Хулласи калом, мен сўзимнинг уддасидан чиқдим. Қозоғистонга бир неча малакали шарқшунос олим тайёрлаб бердим.



Ўша йиллари Сибирь ҳақида ҳам гап бўлди. 1975 йили ёзда ўғилчам Акбархонни олиб, Сибирдаги бир шаҳарга, ҳарбий хизматдан сўнг ўша ерда оила қуриб қолган кенжа укам Холмуҳаммадни кўриб келгани бордим. Мўъжазгина бу шаҳар академия шаҳарчаси билан туташ экан. Бир кунги ўша академия шаҳарчасини томоша қилгани бордик. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг идора ва институтлари ҳам шу ерда экан. Академик Окладниковни суриштириб ўша идорага кирдик. Алексей Павлович Ўзбекистоннинг қадимий тарихини ўрганиш ишига улкан ҳисса қўшган олим эди. Уни зиёрат қилиш керак эди-да. Одатда у ёз ойларида экспедицияда бўларди. Буни қарангки, бир-икки кун бўлибди, зарур иш билан Новосибирскка келган экан. Бир соатча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўлтирдик. Бир пайт гап Сибирдаги туркийзабон халқларига кўчганда мен унга шу кунларда ҳам бу ерда туркий атамалар, хусусан, топоним (жой номлари) ва гидроним (дарё номлари)лар учрашини айтдим. Дарҳақиқат, ўша Бердск шаҳри Берда (Берди) деган дарё (Обь дарёсининг ирмоғи) соҳилида жойлашгани учун шундай аталаркан. Бу жойни бир замонлар Бердибск деган амир қурдирган. Ўша Бердскнинг ёнида Искитим деган шаҳарча ҳам бор экан. Шаҳарнинг асл номини билиш қийин эмас — "эски тим" ("тим" тепаси ёпиқ бозор) дегани-да. Алексей Павловичнинг ўзи ҳам бу хусусда кўп нарсаларни айтиб берди ва пировардида "Сибирга кўчиб келмайсизми, инингиз ҳам шу ерлик бўлиб қолибди. Сибирда туркийзабон халқлар маданиятининг қолдиқлари кўп. Шуларни ўзингиз тадқиқ қилиб, битта-яримта китоб ёзиб берардингиз", деб қолди. Иккиландим. "Ишдаги сиқувлар исканжасида юргандан кўра шу ерга келиб ишласаммикин?", деган хаёлга бордим. Ва яна Новосибирскнинг академия шаҳарчаси гўзал, унда яшаш учун қулайликлар чакки эмас экан. Лекин ўйлаб кўриб фикримдан қайтдим. Ўзбеклигимга бордим. (Ўзбек худди қозиқлаб қўйган отга ўхшайди. Киндик қони тўкилган масканни муқаддас тутуди). Алексей Павловичга "раҳмат, ўйлаб кўраман", деб қўя қолдим...

— Умуман, ўтмиш ҳақида тўғри гапни айтиш лозим. Нима дедингиз!

— Тўғри гапни айтиш зарур. Биласизми, ота-она фарзандини дастёрликка яраб қолганидан бошлаб унга рост сўзлашни, ёлғон гапирмасликни ўргатади. Бир гуруҳ одам бир умрга шу йўриғни тутиб ўтади. Бошига қилич

келганда ҳам ростини сўзлайди. Бу, фикримча, имоннинг мустаҳкамлигига, имон рукнларига (Аллоҳ-таолога, Муҳаммад алайҳиссаломга, ҳар бир мусулмон учун муқаддас ҳисобланган "Қуръон" ва "Ҳадис" китобларига, тақдир ҳамда охиратга ишонишга) садоқатга боғлиқ. Имони борда — инсоф, инсофлида адолат бўлади. Бу — масаланинг асосий тарафи. Сиз бу ерда қадриятлар ва кўҳна тарихни назарда тутаетган бўлсангиз — бу масаланинг бошқа томони. Маълумки, биз яқин-яқинларгача ўтмишимиз, кўп асрлик тарихимиз, бой маданиятимиз ҳақида бор гапни айтмай келдик. Тўғриси, айтолмадик. Чунки марксизм-ленинизм деб аталмиш ҳукмрон мафкура тилимизни муҳрлаб, оғзимизга қулф солиб, қўлоғимизни кишанлаб қўйганди. Шу мафкура чизигидан билибми-билмайми чиққанлар қувғин остига олиниб, беасв қатағон қилинди. Қисқаси, шўролар замонида ҳамма қўрқиб-писиб қолганди.

— *Тарихдан маълумки, кимлардир қурган бинони бошқалар бузган. Айтингчи, бузғунчи кучлар қандай шароитларда дунёга келади?*

— Ҳа, шўролар ҳукумати даврида, айниқса, унинг дастлабки йилларида асрлар давомида халқ орасида илмзиё тарқатиб келган масжиду мадрасалар бузиб ташланди, битта-яримта соғ қолгани бўлса омборхона ва ётоқхоналарга айлантирилди. Фалон подшоҳ ёки хон қурдирган, деб мухташам қасрлар ва бошқа олий бинолар бузиб ташланди. Афсусланадиган жойи шулки, бу разил ишни ўзга юртлардан келиб қолган одамлар эмас, улар ёнидаги мунофиқлар қилишди. "Қизил амаки"га ёқайин, деб қилишди. Чунки "Ҳой, мусулмон, тўхта!" деб қўлимиздан тутадиган одам топилмади ўшанда. Топилмасди ҳам. Мадраса ёки масжидни бузаетганларида, ё бўлмаса салла ўраган биронта одамнинг қўлини орқасига қилиб, авахтага ҳайдаб кетаётганларида бошқалар ўзини кўрмаганга солиб, тескари бўлиб турдилар. Буни нима деб аташ мумкин? Қўрқувми ёки лоқайдликми? Лоқайдлик бўлса керак. Лоқайдлик, гапнинг сирасини айтадиган бўлсак, ёвузликдан ҳам ёмон. Бир донишманд (Бруно Ясснский бўлса керак) айтган экан: "Кечаги дўстан чўчимайман, нари борса сотади; душманимдан қўрқмайман, нари борса ўлдиради, лскин лоқайдлардан қўрқаман, чунки лоқайдлик оқибатида дунёда кўп ноҳақликлар содир бўлади". Шўро тартиблари одамларни лоқайд қилиб қўйганди.

— *Минг йил умр кўрган Рим империяси ва 74 ёшини нишонлай олмаган Совет империясининг қисмати ўхшашлиги қонуниймиди?*

— Аввал Қадимги Рим империяси масаласига ойдинлик киритайлик. У ҳам йирик мустамлакачи давлат бўлган ва асосан милоддан аввалги III асрда шаклланди. Аввал Аппснин ярим оролини тўлиғича эгаллади, сўнг Оврупонинг Шарқий-жанубий қисмини, Кичик Осиё, Африка, Сурия ва Фаластинни бўйсундирди. Харитага бир қаранг-а, Қадимги Рим империяси қандай улкан давлат, кўп мамлакатлар ва халқларни ўзига бўйсундирган давлат! Лекин тарихда бунақа давлатлар кўп ўтган. Мисол қидириб узоққа бормаёлик. Собиқ Русияни олиб кўрайлик. У ҳам қадимги Рим давлатига ўхшаган мустамлакачи давлат бўлган. Уларнинг тараққиёт жараёни ва тақдири ҳам деярли бир хил. Русия ҳам дастлаб Масков атрофида шаклланди, яъни унинг йирик давлат бўлиб шаклланиши тарқоқ Рус князликларининг Масков тсварагига бирлашувидан бошланди. Бу Иван Калита (1325—1340) даврида эди. Иван III (1462—1505), Василий III (1505—1533) даврида Новгород, Тверь, Псков, Смоленск ва Рязань ерлари ягона Рус давлатига бирлаштирилди. Иван IV Грозний (1533—1584) вақтида эса Русия бошқа мамлакат ва халқларни асоратга сола бошлади. XVI асрнинг ўртасида Русия Қозон (1552) ва Астрахан хонликларини, аср охирига келиб Шайбонийларнинг Сибирь хонлигини босиб олди; XVII асрда Волгабўйи, Урал ҳамда Шарқий Сибирь эгалланди. Пётр I (1672—1725) ва унинг ворислари Азов атрофидаги ерларни, Болтиқбўйи ерларининг бир қисмини, Қрим, Жанубий Буг ва Днестр дарёлари оралиғидаги юртларни босиб олдилар. Ва, ниҳоят, XIX асрда Русия Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёни ўзига бўйсундириб, улкан бир мамлакат, мустамлакачи империяга айланди.

Русия ҳам худди Римга ўхшаб аввал мустабид подшоҳлик тузуми, сўнг бир кишининг ҳисланмаган ҳокимияти ўрнатилган диктатура даврини — шўролар ҳукумати даврини бошдан кечирди. Қаранг-а, ҳар иккала империянинг ҳам қулаш сабаблари ўхшаш. Бу — биринчидан, асоратга тушиб қолган халқлар билан мустамлакачилар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг тобора ортиб бориши; иккинчидан, солиқ, жарима ҳамда эксплуатация зулми, империя тайин этган ҳокимларнинг ўзбошимчалиги, учинчидан, халқларни асоратда тутиш

қуроли бўлган армия ва бошқа жазо муассасаларининг кўпайтирилиши, уларга берилган ортиқча ҳуқуқ ва имтиёзлар; тўртинчидан: зулм бебошликларга қарши халқ норозилиги ва қўзғолонларнинг кучайиб кетиши ва, ниҳоят, бешинчидан, давлат ва ҳокимият тепасида турган турли даражадаги ҳукмронларнинг бундан буён мамлакат ва давлатни бошқаришга қодир бўлмай қолиши. Шўролар империяси 70 йил дунёни таҳлика остида тутди. Унинг қулаши масаласига келсак, фикримча у; 1) асоратга тушиб қолган халқларга қаттиқроқ зулм ўтказди, уни тарихи, маданияти ва ҳатто она тилидан жудо қилишгача борди; 2) бутун дунёга ҳоким бўлиш сиёсатини тутиб, шу йўлда бор-йўғини совурди, лекин бунга қурби етмади.

— *Тарихчининг сиёсатга муносабати ҳақида нима дея оласиз?*

— Тарихнинг ўзи аслида сиёсат билан боғлиқ фан. Ҳозир ҳам, ўтмишда ҳам шундай бўлди. У ҳукмрон синф ва ҳокимият тепасида турган тузумнинг мақсад ва манфаатларига хизмат қилиб келган. Фан шундай бўлгандан кейин тарихчи ҳам маълум даражада сиёсатдан бохабар бўлиши ва уни билиши шарт. Бусиз даврлар ўзгаришини, жамиятда содир бўлиб турадиган ҳодисаларнинг моҳиятини англолмайди. Бу — масаланинг бир томони. Унинг иккинчи тарафи ҳам бор. Гап ўша ҳодиса ва воқеаларни тўғри англаш, уларга тўғри ёндашиш ва объектив баҳолашда. Тарихчи бирон ҳодиса ёки воқеа хусусида ҳукм чиқаришдан аввал уни ўзи англаб етиши лозим. Тушунмай, билмай туриб ҳукм чиқариш айб ҳисобланади.

— *Илмда олимнинг идеали бўладими? Хусусан, сиз кимни "юлдуз" деб танлагандингиз?*

— Бошқа касб-ҳунарда бўлганидек, илм-фанда ҳам идеал бўлади. Бироқ ҳунар орттиришга қасд қилган ҳар бир одам кимнидир ўзига устоз деб танлайди, унинг кетидан эргашади. Бу тўғри, албатта. Лекин эргашувчиларнинг шундайлари ҳам бўладики, у ўзига бир эмас, балки бир неча муршидни пир тутади. Масалан, Амир Темурни олиб кўрайлик. У бир эмас, уч пирнинг: кўпроқ Амир Кулол номи билан шуҳрат топган саййид Шамсиддин Фахурий (1371 й. вафот этган), хуросонлик Зайниддин Абубакр Таябодий (вафоти 1389й.) ҳамда андхудлик саййид Баракаларнинг (1404й. вафот этган) этагидан тутган. Фикримча, ҳазрат соҳибқироннинг йўриғи тўғри, чунки дунёда ўрнак олса, эргашса арзийдиган одамлар

кўп. Ҳар бирининг унинг фақат бир ўзига хос бўлган яхши хулқ ва хориқ одати бўлади. Одам қанча кўп кишидан ўрганса, пири-муршиди қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Мен ҳам ҳаётимда улуғ одамларга эргашиш, улардан бирон яхши нарсани касб этишга ҳаракат қиламан. Хусусан, илм-фанда Ўрта Осиёнинг толмас, буюк тадқиқотчиси академик В. В. Бартольд, жаҳонга машҳур шарқшунос олимлар — профессорлар Илья Павлович Петрушевский билан Альфред Карлович Арендсларга эргашаман. Чунки улар буюк олим бўлишлари билан бирга, ҳаётда ўта одми, кўнгли очиқ ва инсоний хислатлари кўп кишилар эдилар. Ҳашаматли уйларда туриб, тўкин-сочин ҳаёт кечирган баъзи касбдошлари уларни "дарвеш" дейишарди, "авлиё" деб устидан кулишарди. Айтганларича, кулганларича бор эди-да ўзи. Академик Бартольд бир умр ертўлада ҳаёт кечирди (1925 йили Нева тошганда, сув унинг деразасидан кириб квартирасини босган экан), И. П. Петрушевский билан А. К. Арендс каталакдай икки хоналик уйда умр ўтказишди. И. П. Петрушевский квартирасига бўлса ёруғлик тушмасди, чунки деразаси йўқ эди. Ҳаракат қилиб яхшироқ жой олсалар бўларди, лекин бу уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Идорама-идора юришга вақтлари бўлмаган. Чамаси, балки катта-кичик тўраларга арз-ҳол тўкишни исташмасди. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай илм йўлида заҳмат чекдилар. Ўйлаб кўрсам, тўғри қилишган экан. Мана, оқибати хайрли бўлди. Ўзидан даста-даста китоб, энг муҳими "чин олим" деган яхши ном қолдирдилар. Бу дунёдан квартирани ҳам, мол-дунёни ҳам орқалаб олиб кетиб бўлмас экан.

— Сиз ўзингизга ва бошқаларга нисбатан ўта талабчансиз. Менимча, одамларга берган баҳоингиз кўпишча тўғри чиқади. Одамдек мураккаб тилсимотни бунча аниқ биллишни қандай ўргангансиз?

— Талабчанлик — яхши одат. Киши қўл остидагилардан кўра ўзига кўпроқ талабчан бўлса — ундан ҳам яхши. Лекин, бахтга қарши, бошқага ўта талабчан бўламиз-у, ўзимизни эсдан чиқарамиз. Шу пайт ўзини фан ходими деб ҳисоблаб юрган бир одам эсимга тушди. У бир умр юмшоқ курсида савлат тўкиб ўлтирди, мансаб деганда ҳеч нарсага қарамай, ўзини томдан ташлади. Ўлтирган ери илм маскани эканлигини, бу ерда ҳар бир кишининг қадр-қиймати илм билан ўлчанишини унутди. Фақат

бошқалардан иш талаб қилиб ўтди. Кунмас-куни "хўш, ўзингизчи?" деб сўраб қолишларини хотирга ҳам келтирмади. Мана, яқинда қартайиб, пенсияга чиқай деб турганда, одамлар унга сояси ўзидан бошқа ҳеч кимга тушмайдиган мевасиз дарахт деб таъна қилишди. Билган одамга бундан ортиқ жазо бўлмаса керак. Одамни, унинг кимлигини бир кўришда англаш, яхши-ёмонни хатосиз ажратиш масаласига келсак, бунақа хислат ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрган, борлиққа ҳам, йўқликка ҳам сабр-тоқат қилиб кун кечирган одамларнинг кўпчилигида бўлади. Лекин мен баъзи-баъзида адашиб ҳам тураман. Баъзиларга яхшилик қилиб, ёмонлик кўрган пайтларим ҳам бўлган. "Ҳайвоннинг оласи тошида, одамнинг оласи ичида" деб бежиз айтишмаган экан донишмандлар.

— *Сиз муттасил (ҳатто тобингиз бўлмаганда ҳам) ишлашга одатлангансиз. Бунга қандай эришгансиз?*

— Бунинг, янглишмасам, битта сабаби бор — мен меҳнат нималигини болалик пайтларимдан билганман. Отам деҳқон киши эди. Саккиз ёшимдан у менга ҳўкиз стаклатиб, ер ҳайдатган, колхоз тузилгандан кейин мактабдан бўш вақтларим далага чиқиб онамга қарашганман, кейинчалик оёқ остимга яшик қўйиб босмахонада ҳарф терганман... Хулласи калом, туғилганимдан буён меҳнат билан ўтаётиман, меҳнат билан суягим қотган. Қисқаси, уни суюб қолганман. Шунинг учун ҳам ҳатто соғлигим бир қадар ёмонлашиб қолганда ҳам вақт топиб ишлайман. Ҳатто тезроқ ишлайман. Чунки мўлжаллаб қўйган ишларим чала қолишидан қўрқаман. Тинмай ишлашимнинг яна бир сабаби, унинг орқасидан юртда, халқим орасида озми-кўпми обрў-эътибор орттирдим. Буюк даҳоларимиз хожа Баҳоуддин Нақшбанд жанобларининг "Дил ба ёру, даст ба кор", деган ва "Ҳаракат — сендан, баракот — худодан" деган уқтиришларига амал қилишга ҳаракат қиламан.

— *Мабодо, Сизга яхши одамларга раҳмат айтиши имкони туғилса кимларнинг номини тилга олардингиз?*

— Имкони бўлганда биринчи навбатда волидаи муҳтарамам, онажоним Роҳилапошша саййид Камол қизининг пойига тиз чўкиб, ул ажойиб инсонга яна бир марта чексиз миннатдорчилигимни изҳор этган бўлардим. Чунки қўлимдан стаклаб, биринчи марта мактабга олиб бориб қўйган, бир умр борини сарфлаб мени ўқитган, шу улуғ инсон бўлди. Ва яна мактабда қўлимга қалам тутқазиб, хат-савдимни чиқарган азиз муаллимларим, илм-фан хазинасига олиб кириб қўйган устозларимга яна бир бор

қуллуқ изҳорини адо этган бўлардим. Ҳаётимда кўнгли қора, ғаразгўй одамларни ҳам учратдим. Энди улардан хафа эмасман. Чунки улар менга сергаклик ва ҳушёрликни ўргатишди.

— *Муъжиза рўй бериб, айнан ўзингизга ўхшаш бошқа Бўрибой Аҳмедов билан юзма-юз келиб қолсангиз, нималарни насиҳат қилардингиз, қандай маслаҳатлар берардингиз?*

— Сиз айтгандай муъжиза рўй бериб, айнан ўзимга ўхшаш, лскин ёш бир ҳамкасб учратиб қолсам унга: "Умр дўппи айлангунча ўтиб кетадиган нарса. Шунинг учун вақтингни беҳуда ўтказма, фурсат борида ҳунар касб эт, уни эъзозла" ва яна "огир меҳнатдан қочма, чунки заҳмат чекмай муродга столмайсан" ва яна "устозингга бир умрга содиқ бўл, уни улуғ ва муқаррам тут!" деб айтган бўлардим. Таъбир жоиз бўлса, бошимдан кечган бир аччиқ ҳақиқатни мисол тариқасида келтирмақчиман. Номзодлик диссертациясини ёқлаб олганимдан кейин қарийб ўн йил шуҳрат орқасиданми ёки бошқами, билмадим, ўзимни у ёққа, бу ёққа урдим. Масалан, "АҚШ ва Африка" "Оврупо хавфсизлигига ким таҳдид қилаётир?", "Лотин Америкаси" деган китоблар ёздим. Нимага десангиз ўша вақтларда ўтмиш тарихимиз таъқиб остига олинган, ҳозирги замон масалалари билан машғул бўлган олимларнинг эса ошиғи олчи тушган пайтлар эди. Бир куни Альфред Карлович мени уйларига чақириб қолдилар. Бордим. Устоз гап орасида "биз Илья Павлович иккимиз сени манбашунос қилиб тарбиялаган, асрлар қаърига тушишингда шамчироқ бўлиб хизмат қилувчи қўлёзма китоблар оламига олиб кириб қўйган эдик. Сен бўлсанг..." деб қолдилар. Шундан кейин йўлимни яна топиб олдим, қўлёзма асарларни ўрганиш, кўҳна тарихимизни "тирилтириш"га озми-кўпми хизмат қилдим. Лскин ўша ўн йил қулоғини ушлаганча кетди...

*Суҳбатдош — Ҳакимжон САТТОРИЙ  
"Ўзбекистон овози", 1994 йил 7 июл*

## ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК

— *Домла, гап тарих ҳақида кетса, мудом бир савол юзага қалқиб чиқаверади: нега ерларимизни доим кимлардир босиб олган? Доро, Исқандар Зулқарнайн қўшинлари, араблар, Чингизхон, чор Русияси... Ота-бо-*

боларимиз шу даражада потавон бўлишганми? Кимки Ватанимизга юриш қилса, мақсадига, деярли, етаверган. Ҳеч ким уларнинг ҳужумларини қайтаролмаган... Бу мағлубиятларнинг сабаблари нималарда деб ўйлайсиз?

— Бу саволлар мени ҳам кўп ўйлантиради. Аммо душманларнинг ҳужумларини ҳеч ким қайтаролмаган деган афсусингизга қўшилолмаيمان. Қайтарган. Кўп ва хўп қайтарганлар бўлган, тарихимизда. Широқ, Тўмарис, Спитаменни эсланг. Муқанна, Амир Тсмур, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа ўнлаб улуғларимизни эсланг. Кўплар босқинчиларга қарши курашда қурбон бўлишган. Шунинг учун уларнинг номларини халқимиз асрлар ўтса-да унутмай келаяпти. Халқим деб курашган унутилмайди. Бунга мозийда мисоллар жуда кўп.

Энди, ўлкамиз босқинчилар кўзини бунчалар ўйнатиб келганига тўхталсак, бош сабаблардан бири — унинг бойлиги. Иқлими — мўътадил, сри — ссрҳосил, суви — шифобахш, қазилма бойликлари — бисёр. Бундай замин дунёда кам. Масалан, босқинчилар ҳеч қачон Шимол музликларига ҳужум қилишмаган. Қадимги Ўрта Осиё срлари эса ана шу фазилатлари билан ёвларнинг сўлагини оқизган.

Аммо кўп ҳолларда босқинчилар қўлининг устун келишига халқимиздаги тарқоқлик, ноаҳиллик сабаб бўлган. Дейлик, душман Қўқон хонлигига кўз олайтирса, Бухоро амири тинчгина кузатувчи бўлиб турган. Бухоро срлари ёвга см бўлаётганида Хива ташвишга тушмаган. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси бир ота-онанинг фарзандлари, бир заминнинг фуқаролари эдилар. Ери, суви, урф-одатлари, ҳатто дини бир бўлган уларнинг!...

Минг афсуски, бу тарқоқлик ва ноаҳиллик ҳозир ҳам бор, фақат ўзини бошқачароқ кўринишларда намоён қилиб туради. Энди унинг номи — маҳаллийчилик. "Бу фарғоналик", "бу сурхондарёлик" ёки "бу тошкентлик" деб бир-бирини оёғига қоқувчилар йўқ дейсизми, ҳозир? Кўп. Шундай пайтларда: "Ў, биродарлар, биз — бир халқмиз. Ота-онамиз ҳам, туғилган тупроғимиз ҳам, сув ичар дарёмиз ҳам, тилимиз ҳам, динимиз ҳам, миллатимиз ҳам — битта!" — деб ҳайқиргинг келади.

Бугун бошимизга таҳдид солиб турган муаммо ва фожиаларнинг бир учи маҳаллийчилигимизга бориб тақалади. Бир элнинг болалари ҳамжиҳат, аҳил яшашни ўрганмоғи лозим. Шунда у куч-қудратли бўлади, шунда унинг тупроғига босқинчилар оёқ босолмайди...



Ҳозир бирлашадиган давр.

— Шу кеча-кундузда Ўзбекистоннинг саккиз жилдлик тарихи янгидан ёзилаётганлигидан хабаримиз бор. Эшитишимизча, Сиз ҳам унинг бўлажак муаллифларидансиз. Шу иш жаъаени ҳақида гапириб берсангиз.

— Саккиз жилддан иборат "Ўзбекистон ССР тарихи"ни (аслида, "Ўзбекистон халқлари тарихи" деб номланса, тўғрироқ бўларди) яратиш борасидаги ишларнинг бошланганига беш йилдан ошди. Бу муҳим ишга республикамизнинг стакчи мутахассис-олимлари жалб этилган. Агар ишлар жонланиб кетса, мазкур асар келгуси беш йилликда ёзиб тугалланса керак, деб ўйлайман. Мен унинг учинчи жилдини ёзишда иштирок этаяпман.

— Ўлкамиз тарихи инқилобдан буён печанчи марта қайта ёзилмоқда? Йиллар ўтгач, бўлажак саккиз жилдликдан жой олган гаплар яна ёлғон бўлиб чиқмаслигига кафолат бериш мумкинми?

— Ўлкамиз тарихи, ҳақиқатан ҳам, бир неча бор қайтадан ёзилди. Шулардан энг муҳимлари қаторига атоқли тарихшунос олим, ажойиб мураббий Бўлат Солиевнинг (1882—1937) "Туркистон тарихи" ва шу кунларгача уч-тўрт бор ўзбек ҳамда рус тилларида нашр этилган "Ўзбекистон ССР тарихи"ни киритиш мумкин. Уни яратишда кўплаб рус ва ўзбек олимлари иштирок этишди.

Тарихни ёзишдаги рост-ёлғон масаласига келсак, бу ўринда Сиз, назаримда, сал ошириб юбордингиз. Тўғри, ўтган нашрларда айрим ноаниқликлар, бўрттириб кўрсатишлар, воқса ва шахсларни идеаллаштиришлар (шуни айтиш керакки, бор гапни очиқ айтмай, фактлардан давр учун "қулай" бўлганларини юлиб олиб, талқин этиш ҳам идеаллаштиришга киради) учрайди. "Замон кўтармайди" қабилида иш тутулиб, баъзи воқса, ҳатто катта-кичик даврлар тарихини хаспўшлаб ўтиш ҳоллари ҳам бор. Янгидан яратилаётган тарих китобларида бундай ҳолларга барҳам берилиши лозим. Ўтмиш қандай бўлса, шу ҳолда, бўямай, объектив тарзда ёритиш керак. Умуман, тарихимизнинг барча даврларини илмий, адолат нуқтаи назари билан қайтадан кўриб чиқиш керак.

Бўлажак саккиз жилдлик тарихимизни ёзаётган ўртоқлар, айниқса, бу ишнинг бошида турган ҳурматли академикларимиз, шундай йўл тутадилар деб умид қиламан.

— Сизнингча, тарихимизнинг қайси даврлари замонга мослашиб келинган? Унинг қайси соҳаларига "теша тегмаган" ёки чала ўрганилган?

— Бундай соҳалар, даврлар, афсуски, оз эмас. Қайси бирини айтай? Демак, Ўрта Осиёнинг ўзига хос ишлаб чиқариш усулларини олайлик. У олимларимиз учун ҳалигача очилмаган қўриқ десам хато қилмаган бўламан. Ҳолбуки, республика экономикасини қайта қуришга киришмаган мутахассисларимиз тарихимизнинг ана шу сарҳадларини ҳам ўрганишса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Пахта якка ҳоқимлиги ҳам ана шу тарихни билмаслигимиздан, иқтисодиётда нусха кўчиришдан, зўр беришдан келиб чиқди. Ўзбекистонда каттакон завод ёки фабрикани марказнинг ёрдамида қуриб, "Мана, Ўзбекистон саноати ривожланган ўлкага айланди!"— деб, бонг урдик. Аслида эса бундай гигант корхоналарда ишловчилар асосан, четдан келтириларди. Туб аҳоли эса ишчиларнинг ярмини ҳам ташкил этмасди. Ҳозир ҳам шундай кўпгина саноат корхоналаримизда.

Ўзига хос қадимий ишлаб чиқариш усуллари бўлган Ўрта Осиёда экономикани янгидан қуришда талай шартлар ҳисобга олиниши керак эди. Негаки, қадимий ишлаб чиқариш усуллари халқнинг ҳаёти, яшаш тарзи ҳамда психологиясида ўз муҳрини қолдирган.

Ёки бугунги ёшларимиз ота-боболарининг инқилобгача озодлик учун олиб борган курашлари ҳақида нималар билишади? Ҳеч нарса. Улар Сарбадорлар ҳаракатидан кўра, Спартак қўзғолонидан яхшироқ хабардорлар, деб кўп айтиляпти ва бу тўғри гап.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихи ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Хуллас, тарихчиларимизнинг халқимиздан ҳали қарзлари кўп. Биз ўлкамизнинг қадимги давр ва ўрта асрлар тарихи билан изчил шуғулланаётганимиз йўқ.

— Шу ўринда кишиларимизда, айниқса, ёшларда, Амир Темур даврига бўлган қизиқиш катталигини, аммо у ҳақда бирорта ҳам мукамал илмий асар йўқлигини, борларини ҳам топиш амри маҳоллигини эслаш жоиз.

— Амир Темур ҳақида мукамал асарни фақат биз ёзмадик, холос. Хорижда у ҳақда талай китоблар яратилган. Булар орасида инглиз муаррихи, марҳума Ҳилда Ҳукхэмнинг бундан тахминан йигирма йил бурун инглиз тилида чоп этилган "Фотиҳ Темур" номли катта китоби алоҳида ўрин тутди. Русия армияси Бош штабининг

раҳбари генерал Иваниннинг 1875 йили Санкт-Петербургда иккинчи бор нашр этилган "Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ва Темур давридаги ҳарбий санъати" китоби ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Китоб рус ҳарбий академияси тингловчилари учун қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Энг ачинарлиси шуки, сўнгги пайтларгача Темур ҳақида ёзиш ҳам, гапириш ҳам таъқиқланди ёки унга фақат бир томонлама — босқинчи деган қора нуқтадан қараб келинди. Натижада, бу бир томонламалик кўпдан-кўп саволлар, баҳс-мунозаралар, миш-мишлар туғилишига сабаб бўлмоқда. Уларга чек қўймоқ учун Темур фаолиятини ҳамда даврини объектив позициядан туриб чуқур илмий ўрганмоқ ва баҳо бермоқ керак.

— Бундан бир неча йил бурун "Гулистон" журналида "Темур тузуклари" эълон қилина бошлаган эди. Кутилмаганда узилиб қолди. Энди билиямизки, турғунлик даврининг манқурт раҳбарлари бундай одилона ишларга тўсқинлик қилишган экан. Ҳозир, қайта қуриш даврида, "Темур тузуклари"даги "таъқиқланган" деган тамға олиб ташланганми?

— Ҳа, қарийб 20 йил муқаддам, аниқроғи 1967 йилда "Гулистон" журнали жасур муҳаррир Иброҳим Раҳим раҳбарлигида ана шундай савоб ишга қўл урганди. "Тузуклар"ни шарқ тиллари, қўлсэмалари ва тарихининг билимдони Алихон тўра Соғуний форсчадан ўзбек тилига ўгирган эдилар. Афсуски, юқорининг кўрсатмаси билан асарни чоп этиш тўхтатиб қўйилди. Ўша кезларда унга қўйилган таъқиқловчи тамға эса билишимча, ҳалигача олинмаган. Бу, менинча, катта адолатсизлик. Биз Темурнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, темурийлар ҳақида яратилган бошқа асарларни ўрганиш ва босиб чиқариш хусусида ҳам ҳалигача кимдандир ҳадиксираб юрибмиз. Гўё ўз ихтиёримиз ўзимизда эмас-у, кимлардандир иноят кутаяпмиз... Наҳотки, бобокалонимиз Темурнинг кимлигини билишимиз учун ҳам марказдан рухсат кутсак?

"Тузуклар"нинг илмий қимматига келсак, Темур ва темурийлар давлатининг маъмурий тузилиши, ўша вақтларда саройда, халқ ҳаётида ҳукм сурган тартиб-қоидаларни ўрганишда, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган энг йирик феодал давлатнинг моҳиятини англашда муҳим манба ролини ўташи аниқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, уни чуқур таҳлил этиб, зарур илмий изоҳлар билан қайтадан, тўлалигича нашр этилса, ҳақиқат тикланарди.

Тарихни ўрганишга бўлган эскича муносабат ўзгармас экан, минглаб нодир қўлёзмалар тсмир сандиқларда қолиб ктавсради. Тарих эшикларини халққа очмоғимиз ксрак. Токи, у ўз ўтмишида нималар яхши-ю, нималар ёмон бўлганлигини билиб олсин, ксракли хулосалар чиқарсин.

"Тарих билан тарбиялаш" дсган иборани мсн шундай тушунаман. Аммо, афсус билан таъкидлаш керакки, тарихимиз эшикларидаги занг босган қулфларга калит солингани билан улар ҳали очилганича йўқ.

— *Домла, мен Сиздан Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Муқанна, Торобий каби буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти махсус ўрганиляптими, деб сўрамоқчи эдим. Бу гапларингизни эшитиб, иккиланиб қолдим.*

— Спитамен, Жалолиддин ва Темур Малик ҳақида ёзилган якка-ярим илмий мақола ёки бадий асарни ҳисобга олмаганда, улуг аждодларимиз фаолияти астойдил ўрганилмаган ва ўрганилаётгани ҳам йўқ. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бирининг ҳаёти ўнлаб илмий ва бадий асарларга мавзую бўлади.

Бу жиҳатдан аждодларимиз олдида қарзимиз ҳам, гуноҳимиз ҳам (бу бефарқлигимизни бошқача аташ мумкин эмас) кўп.

— *Ўтмишда қайси хонлик ёки амирлик бўлмасин, барчасида сарой солномачилари бўлган. Улар ўз даврининг энг муҳим воқеаларини қайд этиб борганлар. Солномачиларнинг ҳаммаси ҳам ўз битикларида ҳаётни туғри тасвирлаганлар, дсган фикрдан йироқ турганим ҳолда улар қолдирган ҳужжатларнинг бугунги тарихий аҳамияти беҳад юқори эканлигини айтмоқчиман. Нега шу пайтгача халқимиз тарихи билан боғлиқ бирорта ҳам солнома эълон қилинмаган? Ёки уларнинг ҳаммаси йўқолиб кетганми?*

— Ўтмишда хон ва подшоҳларнинг саройида бир эмас, бир неча солномачи бўлган. Улардан бири муншийи хос (подшоҳ ёки хоннинг шахсий котиби, мирзоси), иккинчиси — воқсанавис (салтанатда содир бўлган муҳим воқеаларни қайд этиб борувчи), яна бири лашкарнавис (қўшин ва лашкарларнинг ҳисоб-китобини, фаолиятини битиб борувчи) дсб аталган. Улар хон, подшоҳ ёки уларнинг кейинги ворислари ҳукмронлик қилган йилларда мамлакатда юз берган воқсаларни йилма-йил, ойма-ой, баъзи ҳолларда кунма-кун ёзиб борганлар. Шунинг учун ҳам солномачилар яратган асарлар ҳукмдорларнинг номи

билан, дейлик, "Зафарномаи Темурий", "Шайбонийнома", "Убайдуллонома" ва ҳ.к. деб аталган.

— Фикрингиз тўғри, солиномаларнинг кўпчилиги ўрта асрларда ёзилган ва салтанат эгаларининг номини улуғлаган, ҳукмрон синфнинг мақсад-манфаатларини ҳимоя қилган. Лекин, барибир ўтмишимизни солиномаларсиз ўрганолмаймиз. Чунки ўтмишимиз тўғрисидаги фактик материаллар фақат ўша асарларнинг саҳифаларидагина сақланиб қолган. Шу жиҳатдан улар ниҳоятда бебаҳодир. Менингча, уларнинг барчасини қўпит билан изчил ўрганиш, зарурларини ўзбек ва рус тилларида, керакли илмий изоҳлар билан чоп этишни йўлга қўйиш вақти келди.

— Бу ёгини айтсак, кутубхоналарнинг жавонларида, ўлкашунослик музейлари ва давлат архивларида чанг босиб ётган минг-минглаб жилд қимматли қўлёзмалар ва юридик ҳужжатларнинг, ҳаттоки қисқача каталоги ҳам йўқ. Демакки, тарих ва маданиятимизга оид қандай муҳим ҳужжатлар, асарлар, қасрда, қандай сақланаётганлигига, уларнинг сони ҳамда сифатига оид аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Ваҳоланки, каталоглар шу қўлёзма фондларининг калити ҳисобланади. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман: Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институтининг фондида 80 мингга яқин қўлёзма ва тошбосма китоблар, 3,5 мингдан зиёд юридик ҳужжатлар сақланади. Шулардан қўлёзма асарларни тавсифлашга уруш йилларида, аниқроғи, 1944 йилда киришилган эди. Орадан қирқ беш йил ўтди, лекин бу иш ҳалигача тугатилгани йўқ. Аксинча, қўлёзмаларни илмий тавсифлаш тамомланмай туриб, мутахассисларимиз янги каталог тузишга ўтдилар. Тошбосма китобларни тавсифлаш эса бутунлай тўхтатиб қўйилди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, 1970-80 йиллар ичида тарихий қўлёзмалар деярли нашр этилмади. Ўзбек ва рус тилларида нашр учун тайёрлаб қўйилган айрим асарлар ҳам тоқчаларда сарғайиб ётибди.

— Бундай пайтларда Ўзбекистон тарихини ўрганишга ўзбек олимларидан кўра рус олимлари кўпроқ ҳисса қўшганлигини миннатдорчилик билан эслаймиз. Асримиздан аввал ва унинг бошларида Ўрта Осиё тарихини ўрганишга бўлган бу қизиқишнинг сабаби нимада? Нега бу қизиқиш йиллар ўтиши билан сусайиб бормоқда...

— Ҳақиқатан, инқилобдан олдин ҳам, кейин ҳам рус олимлари Ўрта Осиё халқлари тарихини, маданиятини

зўр қизиқиш ва иштиқ билан ўргандилар. Халқимиз ҳақида ажойиб асарлар ёзиб қолдирдилар. Фикримча, бу қизиқишга ўлкамизнинг бой тарихи ва кўҳна маданияти сабаб бўлган. Ҳозир ҳам қизиқиш бор, лекин тан олиш керак, илгаригидек эмас. Қадимги дунё ва Ўрта асрлар тарихини яхши биладиган маҳаллий кадрлар ҳам пайдо бўлди. Бироқ уларга старли эътибор берилмади. Яхши-яхши илмий тадқиқотлар, арабча ва форсча тарихий китоблардан қилинган таржималар ёруғлик юзини кўрмади. Натижада, кўплаб стук мутахассисларнинг кўнгли ишдан совуб, ўзларини "замонавий" соҳаларга уриб кетдилар. Илмий изланишларини қўйишиб, олий ўқув юр-тларида "КПСС тарихи", "Илмий коммунизм", "СССР тарихи" каби фанлардан тинчгина дарс беришга ўтиб олдилар. Бу ҳол ҳозир ҳам давом этмоқда. Уларни бир жойга тўплаш, кўҳна тарихимизни ўрганишга сафарбар этиш керак.

— *Ўтмишимизга оид ноёб китобларгаки бундай аянч-ли муносабатни билгач, бу берадиган саволим ортиқчадек туюлади. Шундай бўлсада, билгимиз келади, домла. Тарихимиз ҳақидаги кўплаб қадимий қўлёзмалар, китоблар хорижий мамлакатларда ҳам борлигидан хабардор-миз. Уларни топиб, ўрганиш борасида муаррихларимиз бирор иш қилишяптими? Ўзбек халқининг севимли фарзанди, марҳум Ҳамид Сулаймон Навоий асарларининг айримларини чет эллардан топиб, ўз халқига совға қилган эди...*

— Халқимиз Ҳамид Сулаймоннинг бу улуғ ишини ҳеч қачон унутмайди. Қани энди барча олимларимиз Ҳамид Сулаймондек фидойи, элпарвар, дадил бўлсалар! Олимларимиз кўп, лекин улар орасида Ҳамид Сулаймон йўқ ҳисоби.

Ўрта Осиё ва Хуросонда (бунда Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Балх, Ҳирот ва ҳ.к. назарда тутилади) яратилган, фаннинг кўплаб соҳаларига оид минглаб қўлёзма асарлар жаҳоннинг турли бурчакларидаги (Англия, Франция ва АҚШдан то Хитойгача) кутубхоналарда сақланмоқда. Инқилобга қадар қатор рус шарқшунослари бу мамлакатларга тез-тез сафар қилишиб, у ерларда узоқ муддат қолишган ва ўша фондларни ўрганишган. Бизнинг замонамизда, тарих саҳнасига "тсмир парда" тутилган йиллардан бошлаб бу иш кўлами анча торайди. Сўнгги йилларда хорижга борган олимларимиз кўп бўлди. Лекин

улардан ҳеч ким хориждаги ноёб қўлёмаларимизнинг тақдири билан астойдил қизиқиб кўрмади.

Чет элга фақат қўлёмма излаб борган олимларимизнинг биринчи ва ҳозирча охириги — Ҳамид Сулаймон. У Ҳиндистон, Англия ва Францияга бир неча бор сафар қилиб, нафақат Навоий, балки Ҳофиз Хоразмий девонлари, Ўрта Осиё тарихига оид талай қўлёмма асарларнинг микрофильм ва фотонусхаларини олиб келди. Яна такрорлайман: унга ана шу ишининг ўзи учун ҳам ҳайкал қўйсақ арзийди.

— Домла, Сиз узоқ йиллардан буён халқимиз тарихи билан шуғулланасиз. Халқимизнинг нафақат бугун, ўтмишда қандай яшаганлигини яхши биласиз. Лйтингчи, "ўзбек халқи" қандай халқ ўзи? Унинг яхши томонлари нимада? Қандай ожизликлари бор?

— У — Ўрта Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири. Халқ ҳам давр ўтиши билан шаклланиб боради ва турли замонларда унинг турли фазилат ва нуқсонлари кўзга ташланади. Дунёдаги жамики халқларига хос фазилат ва нуқсонлар ўзбекларга ҳам хос: меҳнаткашлик, болажонлик, оилага, туғилган гўшага меҳр, шафқатлилиқ, бағри кенглик, жангарилик... Лскин барча миллат ва элатлар фонида ўзбеклар икки жиҳати билан ажралиб туради, менингча. Бу — уларнинг беҳад хокисорлиги ва сертавозсэлиги. Халқимизнинг бахти ҳам, кулфати ҳам шунда...

Қолганини ўзингиз тушуниб оларсиз, деган умиддаман.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши жуда мураккаб ва узоқ жараён. Улар милоддан аввал икки азим дарё — Сирдарё ва Амударё оралиғида ва унинг теварагида истиқомат қилган саклар, массагстлар, хунлар, кейинчалик, турклар, суғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, шошликлар ва паркана (фарғона)ликларнинг авлодидирлар. Милоддан аввалги ва милоднинг бир мингинчи йиллари ва VI—VII асрларда бу икки дарё оралиғига турклар кириб келди, Ғарбий турк хоқонлиги ҳукмронлиги остида бўлди. XI аср бошида бу ерда қорахонийлар ҳукмронлиги ўрнатилиши билан ўзбек халқининг ҳал қилувчи ядроси шаклланди.

"Ўзбек" номи эса XIII асрнинг 80 — XIV аср бошларида Дашти қипчоқда пайдо бўлган ва у "ўзига бек", яъни ўзича мустақил, "ўзига-ўзи хўжайин" маъноларини англатган. Дашти қипчоқда истиқомат қилиб турган турк-муғул қабилалари ана шу ном билан аталган. Биз уларни ҳозир "кўчманчи ўзбеклар" деб номлаймиз. Ўрта

Осиёга бу ном XVI аср бошида Шайбонийхон билан бирга кириб келди. Лекин бундан ўзбек халқи XIV ёки XVI асрда келиб чиққан, деган фикрга бориш мутлақо хато бўлади. Бу ўринда гап фақат ном устида боряпти, холос. Илмий текширишлардан олинган хулосалар шуни кўрсатадики, халқнинг келиб чиқиш тарихи номидан аввал юради. Масалан, инглиз ва немисларнинг халқ сифатида маълум бўлиши милоддан аввалги бир мингинчи йилларга тўғри келади. Лекин улар ўша вақтда бошқача ном билан аталганлар. Инглиз деган атамани улар милоднинг VI асрида олишди. Герман деган ном эса XII—XIII асрларда оммалашган. Ўзбеклар ҳам шундай; халқ сифатида ядроси, асосан X аср бошида шаклланган; этник таркиб топиш жараёни кейин ҳам давом этган.

— *Эндиги саволларим яқин ўтмишимиз билан боғлиқ. Чор Русияси ва Туркистон муносабатлари ҳақида икки хил фикр бор: 1950—60 йилларгача бўлган тарихий китобларда чоризм бу ўлкани шафқатсиз равишда босиб олганлиги айтилади. Сўнгги пайтларда Туркистон, шунчаки "қўшиб олинган"лиги ёки халқимиз катта империяга "ўз ихтиёри" билан қўшилганлиги ҳақидаги гаплар қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Баъзи ёзма манбаларда бу фикр очиқ эътироф ҳам этиляпти. Сиз тарихчи-мутахассис сифатида бу ҳақда нима дея оласиз?*

— Мен ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши тарафдориман. Инқилобгача яшаган рус тарихчилари (А. А. Кауфман, А. Г. Сербрянников, М. А. Терсентьев ва бошқалар) ҳамда 1940 йилга қадар шу мавзуга тўхталган Совет тарихчилари ҳам (масалан С. С. Дмитриев, А. Ф. Калужин, А. Л. Попов) бу тарихий актни "присоединение" (қўшилиш, қўшиб олиш) эмас, балки очиқ-ошкора "завоевание" (босиб олиниш) деб, Туркистонни эса "колония" (мустамлака) деб аташган. "Ўзбекистон халқлари тарихи"нинг дастлабки нашрида ҳам унга худди шундай баҳо берилган.

Фикримча, "қўшиб олиниш" ибораси иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлди. Бу Сталин олиб борган нотўғри миллий сиёсатнинг таъсири эканлигини пайқаш қийин эмас.

Шунга қарамай, олимларимиз мустамлакачилик даври тарихи ҳақида гап кетганда, рус халқи билан рус чоризмини, чамаси фарқламайдилар. "Босиб олиниш", "мустамлака" сўзларини очиқ-ошкора айтсак, "1916 йил қўзғолонини рус аскарлари шафқатсиз бостирдилар", де-



сак, рус халқига тегиб кетмасмикан, деган мулоҳазага боришиб, воқсани "юмшатиброқ" кўрсатишга уринадилар. Ҳолбуки, рус халқи билан чоризм ва унинг ҳарбий машинаси бошқа-бошқа. Сирасини айтганда, чоризм рус халқини ҳам кўп эзган. В. И. Ленин уни "халқлар қамоқхонаси" (ТАТ, 26-жилд, 199-бет) деб бежиз атамаган, албатта.

— *Инқилобгача Туркистон халқининг бор-йўғи икки фоизигина саводли бўлган, деган гап илмий текширишлардан кейинги хулосами ёки тахминми? Бу рақам бутунлай сохта, уйлаб чиқарилган, деган фикрлар ҳам пайдо бўлаяпти?*

— Қарши савол берсам майлими?

— *Марҳамат, домла!*

— Саводли деганда, сиз чапдан ўнгга қараб ўқиш ва ёзишни билган кишини назарда тутаяпсизми, ёки ўнгдан-чапга қараб мутолаа қиладиган одамними?

— *Бу, энди давр ва замонга қараб белгиланади-да.*

— Худди шундай. Инқилобгача бу ўлкада омманинг фақат икки фоизигина хат-саводли эди, деб юрувчилар айнан ўша вақтда одамлар чапдан ўнгга қараб ўқиладиган алифбони билмаганлигини назарда тутсалар керак. Урта осиеликлар инқилобгача (VIII—IX асрлардан бошлаб) араб имлосида хат-савод чиқарганлар. Ўлкамизда ўз масжиди бўлмаган бирор қишлоқ, мадрасаси йўқ бирор шаҳар бўлмаган. Минг шукрки, уларнинг ҳар иккисини ҳам кўришга муяссар бўлганман. Масжид бор жойда бошланғич мактаб бўлган. Мадраса эса ўзига хос олий ўқув юрти (университет) ҳисобланган. Афсуски, ана шундай тарихий илм ўчоқларининг аксариятини 20-30 йилларда "маданий инқилобчилар" бузиб юборишди.

Кутубхоналаримизда сақланаётган араб имлосида битилган минг-минглаб жилд китоблар, халқимиз орасидан Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Беруний ва Ибн Сино, Улуғбек ва Али Қушчи, Навоий ва Бобур, Муқимий ва Фурқат каби юзлаб улуғ аллома ҳамда шоирлар стишиб чиққанлиги ҳам "икки фоизчилар"нинг даъволари ҳақиқатан нечоғлик йироқ эканлигини айтиб турибди. Бу даъво халқимизни камситиш учун қилинган уйдирма, холос.

— *Тарихчи олимларни тайёрлаш ҳам бугунги куннинг катта муаммоларидан бири. Айниқса, қадимги давр ва ўрта асрлар тарихини севиб урганувчи олимларимиз тобора камайиб кетмоқда. Кузатишларга қараганда,*

уларнинг ёши аниқ фанлар бўйича илмий даража олаётган мутахассисларникидан анча катта. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Ташвишингиз жуда ўринли. Қасрдаки ёшларнинг боши силанса, уларнинг ижодий равақ топишлари учун шароит яратилса, ўша ерда ўсиш бўлади. Қадимги давр ва ўрта асрлар тарихига умрини бағишламоқчи бўлган ёшларимиз кўп, аммо уларнинг эркин ижод қилишлари учун доим ҳам шароит яратилмайди. Дейлик, математикадан илмий иш қилишнинг "югур-югури" тарихдан кашфиёт яратишга нисбатан бир неча бор осон. Айниқса, қадимги давр ва ўрта асрлар бўйича олимларни тайёрлашда бу ҳол янада яққол сезилади. Бу, авваламбор, тил билиш — суғд, юнон, араб, форс, хитой, туркий, инглиз, немис ва француз тиллари билан, араб имлосида битилган китоблар ва ҳужжатларни ўқий олиш билан боғлиқ. Ўзингизга маълумки, стишиб чиқадиган ёшларимиз ҳамма нарсани билсалар-да, ота-боболарининг севимли алифбосини ўқишни билмайдилар. Шунинг учун ҳам эски ўзбек алифбосини мактабларимизга мажбурий программа қилиб киритиш бугунги кунда ҳеч бир кечиктириб бўлмас ишдир. Ахир, уни ўрганиш учун ўн йил эмас, олти-етти ойлик машғулот старли. Шундай қилинса, қадимги тарихимизни ўрганиш учун яхши бир қадам қўйилган бўларди.

— Ёшларимизга айтадиган яна қандай гапларингиз бор?

— Юрагимда йиғилиб ётган дардларим, гапларим кўп. Лекин сўзимни мухтасар қилиб, улардан бир ишни илтимос қилмоқчиман: бизнинг замонамизда хатолар кўп бўлди. Ҳозир қайта қуриш таъсири ўлароқ, уларни тузатмоққа киришдик. Ўтган йилларда йўл қўйилган энг катта хатолардан бири, менингча, халқимизнинг ўз тарихидан ажралиб қолгани бўлди. Сиз, қайси касб эгаси бўлишингиздан қатъи назар, агар ўзингизни ўзбек элининг фарзанди деб билсангиз, бу кўҳна ва ибратли тарихни халқингизга қайтариш учун курашинг. Чунки тарих келажак демасдир. Ўз келажакингиздан ажралиб қолманг, ёш дўстларим!

Суҳбатдош — Қулман ОЧИЛ  
"Ёш ленинчи", 1988 йил 1 апрел

## НУРЛИ САҲИФАЛАР

— Домла, Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрнини ҳар ким ҳар хил баҳолайди. Сиз буюк соҳибқироннинг тарихимизда тутган ўрни ҳақида нималар дея оласиз?

† Биз Амир Темур шахсига ҳозир бирмунча холис баҳо бeryпмиз. Уни катта давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси дeб эътироф эътапмиз. Бунинг тагида олам-олам мазмун бор.

Амир Темур тарих майдониға кириб келастган вақтда Чигатой улусининг бир қисми — Мовароуннаҳрда жуда катта парокандалик мавжуд эди. Қозонхон ўлдирилгандан (1346 й.) кейин фeодал тарқоқлик яна ҳам авж олди. Оқибатда мамлакат ўнга яқин майда бекликларға бўлиниб кетди. Шаҳрисабз беклиги дастлаб Қаршиға қарар эди. Ҳожи барлос уни тортиб олиб, ўзини мустақил дeб эълон қилди. Самарқанд атрофида макон қурган Ҳизр ясовурий исмлиқ бир бек ўзини мустақилман, дeб жар солдирди. Хўжандда Боязид жалоир мустақиллик тугини кўтарди, Хутталонда Кайхисрав деган яна бир бек ҳеч кимға бўйсунмаслигини эълон қилди. Ҳиротда Амир Ҳусайн деган бек ҳам мустақилман дeб майдонға чиқди ва ҳ.к. Мамлакатда ягона бир ҳукмдор йўқ эди. Бунинг оқибатида тинимсиз урушлар, талашлар мамлакатни борган сари ҳолдан тойдирарди. XIV асрнинг ўрталаридаги аҳвол мана шундай эди. Ҳунармандчилик, дeҳқончилик, савдогарчилик батамом издан чиқди. Айниқса, халққа жуда ҳам жабр бўлиб кетди. Бу ҳам стмағандек, 1360 йилнинг баҳорида Мўғулистон (Еттисув, Ила водийси, Шарқий Туркистон Мўғулистонға қарар эди, тарихда Жетe дeб ҳам юритилган) хонларидан Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрға катта қўшин билан бостириб кирди. Мўғулларға қарши турадиган куч йўқ эди. Бекларнинг бир қисми қочиб кетди, бир қисми мўғулларға таслим бўлиб, уларнинг хизматиға кирди. Шунда Темурнинг якка ўзигина уларға қарши жангға кирди.

Темур 1358 йилдан то 1370 йилгача мўғулларға қарши курашди. Парокандаликка барҳам берди, мамлакатни ўз байроғи остиға йиғди. Босқинчиларни юртдан қувиб чиқарди ва 1370 йили марказлашган катта фeодал давлатиға асос солди. Мамлакатда ҳунармандчилик, савдосотиқ, илм-фан, маданият ривож топди. Темурнинг тарих олдидаги буюк хизматларидан бири мана шу.

Амир Тсмурни моҳир саркарда десдик. Мен тарихни синчиклаб ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келдим: Темур олти ой бирон бир жойдатинчгина дам олиб ётмаган. От устида ҳаёт кечирган. Бунинг маълум сабаблари бор эди. Атрофда катта-катта подшоҳликлар мавжуд эди. Амир Тсмур мўғул хонларига қарши етти марта юриш қилди. Оқ ўрда хони Урусхон Сигноқ томондан Мовароуннаҳр сари кириб келарди. Ундан кейин хон бўлган Тўхтамиш ҳам Шимолий сарҳадларга хавф соларди. 1391 йилда Амир Тсмур ва Тўхтамишхон қўшинлари илк марта жанг қилдилар. Қаттиқ урушда Тўхтамиш тор-мор этилди, ўзи қочишга мажбур бўлди. Ҳозирги Волгоград ва Самара шаҳарларининг ўртасида — қадимда Қундузча деган шаҳарча ўрнида бўлиб ўтган эди бу жанг. 1395 йил Терак дарёси бўйида эса Тўхтамиш ва унинг иттифоқчилари қўшини бутунлай тор-мор этилди.

Хуллас, Тсмур қудратли снгилмас армияга асос солди. Темур даврида қўшинларнинг чап қанот, ўнг қанот ва марказига катта эътибор берилар эди. Тсмур қўшиннинг таркибини бошқатдан яратди. Ўнг ва сўл қанотларини, шунингдек марказни етти қатордан қилиб тузди. Захирага алоҳида эътибор берди. Бу мисли кўрилмаган янгилик эди.

— *Амир Темур соҳибқироннинг турк Боязид Йилдирим билан жанги жаҳонгир ҳарбий қудратининг яна бир намоиши бўлди, десак тўғри бўладими?*

— Тсмурнинг саркардалик маҳорати турк султони Боязид Йилдирим билан бўлган жангда яна бир карра намоён бўлди. Аслида бу уруш бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Амир Тсмур Боязидга жуда кўп марта мактублар юборган. Дўстлик, тинчликни, ҳамкорликни ҳамда бирга бўлиш, иттифоқ тузишни кўп бор таклиф этган. Тсмурнинг битта талаби бўлган: ўша пайтда катта қорақўюнли қавм бўлар эди. Улар асосан йўлтўсарлик, талончилик билан шуғулланган. Худди шунингдек, Султон Аҳмад жалоир Бағдодни эгаллаб, Арабистон ва Ўрта ер денгизи ҳавзасига ўтадиган йўлларга ҳукмронлик қилар, шу боис ҳатто ҳажга бориш ҳам тўхтаб қолган эди. Савдо-сотиқ ҳақида гапирмасак ҳам тушунарли бўлса керак. Темур уларнинг барчасини тутиб топширишни талаб қилган. Боязид эса бу таклифларга қарши чиқдигина эмас, уларга бошпана берди.

Боязид Йилдирим ҳам кучли, ўша даврда бутун Оврупога таҳдид солиб турган подшоҳлардан эди. Оврупо мамлакатларининг бирлашган қўшинларига қарши майдонга тушган Боязид қўшинлари икки маротаба уларнинг устидан ғалаба қозонган эди. Аслида Темур Боязид билан жанг қилишни истамаган. Буни Туркияда, Истамбул шаҳридаги Фотиҳ Сулаймон кутубхонасида сақланаётган Темур билан Боязиднинг ёзишмалари ҳам тасдиқлайди. Темур кўп мактубларида дўстликка, бирдамликка қанча даъват қилса ҳам бўлмади, ҳатто Боязид бир хатида "Бу гапларни жанг билан ҳал қиламиз", деб очиқ-ошкора ёзган.

Шу ўринда архиепископ Иоаннинг 24 бобдан иборат "Улуғ Темур саройидаги ҳаёт" деб номланган китоби ҳақида гапириб ўтишни истардим. Иоанн Темурни кўрган, Табризда Мироншоҳнинг ҳузурида кўп вақт бўлган. Иоаннинг Франция қироли Карл VI га ёзган бир тавсиясида айтилишича, Оврупонинг тинчлиги шу икки улуғ подшоҳни, яъни Темур ва Боязидни уриштириб қўйишга кўп жиҳатдан боғлиқ, дейилган. Темур буни жуда яхши тушунган. Шунинг учун ҳам Боязид билан жанг қилишга кўп вақт киришмаган. Лекин 1402 йилнинг 20 июлида Анқара ёнида қаттиқ жанг бўлди. Бу урушда, маълумингизким, Темур ғалаба қозонди!

Темурнинг буюк саркардалиги шундаки, у ўша замондаги мунтазам армияга асос солди. Жангга ярамай қолган жангчиларни ўз ҳолига ташлаб қўймади, уларга нафақалар тайин этди. Жанг олдидан жангчиларга совғасаломлар улашди. Сипоҳга етти ойлик маошини жангдан олдин тарқатди, токи унинг оиласи қийналиб қолмасин, жангчининг кўнгли хотиржам бўлсин. Темур армияни ўнлик, юзлик, минглик, туман тарзида тузди. Ҳар бирининг бошига ўзини кўрсатган амирларни бошлиқ қилиб қўйди. Темур армияни яхши қуроллантирди. Ўзининг катта қурол устахонаси бор эди унинг. Усталар жангчилар учун қурол-аслаҳалар ясашди. Ҳамиша уч ойга стадиган ем-хашак, озиқ-овқат шай бўлиб турди. Шу тариқа унинг армияси енгилмас номини олди.

— *Тарихий қўлёзмаларнинг барчасида Амир Темурнинг маданиятга, илм-фанга чинакам ҳомий бўлганлиги ёзилади... Бир томондан саркарда, бир томондан ҳомий...*

— Чиндан ҳам шундай. Амир Темур шаҳар қурилишига, илм-фанга катта эътибор берган. Унинг саройига атоқли олимлар тўпланган. Улар орасида тарихшунослар,

ровийлар, фақиҳлар, файласуфлар, мунажжимлар, риёзиётчилар, санъаткорлар, қурувчилар, қўйингчи номи чиққан барча аҳли ҳунар иш олиб борган.

Олимлар яратган ажойиб китоблар Темур даврини тўлақонли акс эттириш билан бирга соҳибқироннинг илм аҳлини қанчалар ҳурматлаганидан ҳам далолат беради. Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоқ, Мирсаид Шариф Журжоний, Аҳмад ал-Хоразмий, Нуъмониддин Хоразмий, Саъдиддин Тафтазоний сингари ҳуқуқшунос, қуръоншунос, тарихчи, файласуф олимларнинг номини бугун барчамиз ҳурмат билан тилга оламиз. Темур қасрга борса, номи чиққан олиму уламони, қурувчию усталарни Самарқандга келтирган. Бу ҳақда Ибн Арабшоқ "Амир Темур тарихи" китобида батафсил ёзган.

Соҳибқиронни қурилишга, ободончиликка катта эътибор билан қараган дедик. Чиндан ҳам Самарқандда қад ростлаган Бибиҳоним мадрасаси, Гури Амир, Шоҳизинда, Шаҳрисабздаги Гумбази Сайидон мақбараси, Оқ сарой ўзининг маҳобати билан ҳали ҳам бутун олам аҳлини ҳайратга солиб турибди. Агар ўқиган бўлсангиз, Оҳангарон билан Чирчиқ дарёларининг қўшиладиган жойида Эски Тошкент (Бинкент, Банокент деб ҳам аталади) шаҳри бор эди. Уни Чингизхон 1219 йили вайрон қилиб ташлаган. XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур ушбу шаҳарни қайта тиклади ва кенжа ўглининг шарафига Шоҳрухия деб ном берди. Ҳозирги Оққўрғоннинг Султон Сегизбосв номли давлат хўжалиги ҳудудидаги улкан тепалик остида бу шаҳар мангу уйқуда ётибди. Амир Темур Афғонистонда ҳам кўпдан кўп қалъалар қурдирди. Эрон Озарбойжонидаги Бойлақон деган катта шаҳарни (1256 йилда Чингизхоннинг исвараси Ҳалоку бузиб ташлаган эди) қайта тиклади.

Қофқоздаги Қорабоғда узунлиги етти фарсаҳ келадиган ариқ кавлатиб, номини Барлос ариги деб қўйган. Зангиота туманидаги Зангиота мақбарасини, Туркистон шаҳридаги хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини соҳибқирон қурдирганини ватандошларимиз фахр билан тилга оладилар. Қизиги шундаки, Амир Темур қурдирган бинолар, работлар, боғларнинг биронтасига ўз номини қўймаган. Соҳибқиронга ўхшаб унинг авлодлари бўлган темурийлар ҳам шаҳар қурилишига, ободончиликка, юрт тинчлигига жуда катта эътибор бердилар.

Шундай бир ривоят бор: Шоҳрух Амир Темурнинг хазинасига кирганда у ердан ҳеч қандай маблағ топол-

майди. Тасодифан ҳассаси бир нарсага тегиб кетган экан, эгилиб олиб қараса, битта танга экан. Уни олиб кўзига суртиб: "Биз бугун отамиздин қолган ушбу ақча билан ғоний бўлдик. Отамизнинг меросидан баҳраманд бўлдик", деган экан.

Шу ривоят Амир Темур юрт учун борини сарфлагани, хусусан маданиятга қанчалар эътибор берганини тасдиқлаб турибди.

— Домла, *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"* қабул қилган қарорини халқимиз зўр қизиқиш билан кутиб олди. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати, албатта. Назаримда амалга ошириладиган ишлар кўлами ниҳоятда кенга ўхшайди...

— Жуда тўғри айтдингиз. Ишлар кўлами катта. Дастлаб, Амир Темур даврида ёзилган ва бизгача етиб келган муҳим китобларни ўзбек тилида чоп этиш керак. Тўғри, авваллари Темур ва темурийлар даври ҳақида мақолалар ёзилган, рисоалар яратилган. Лскин уларни етарли дсб бўлмайди. Темур авлодлари ҳақида янги асарлар яратиш биз тарихчи, ёзувчилар олдида турган энг масъулиятли вазифадир. Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш — жамият тарихини ҳам ўрганишдир. Яна саҳна асарлари, кино, видео, телсфильмлар яратиш, романлар, қиссалар ёзиш, Амир Темур давридан қолган ёдгорликларни таъмирлаш лозим.

✓ Миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини аслида тарих шакллантиради. Тарихимизни биз қанча мукамал билсак, миллий ғуруримиз шунчалар баланд бўлади. Амир Темур эса тарихимизда буюк саҳифаларни ташкил этган тенги йўқ улуғ сиймодир.

Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда таъкидланганидек, буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабзда, Самарқандда Амир Темурнинг улуғвор ҳайкаллари қад ростлаши нур устига аъло нур бўлади.

Ўйлайманки, биз тарихимизни чинакам ўрганишни бошладик. Демак, тарихчи олимларнинг вазифаси ушбу тарихимизнинг бор ҳақиқатини рўёбга чиқаришдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд тўйи бу борадаги дадил қадам бўлади. ✓

Суҳбатдош — Темур УБАЙДУЛЛО  
"Тошкент оқшоми", 1995 йил 30 январ

Ш. Отабоев: "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1987 йил 4-сентябрь сониди ЎзФА академиги Эркин Юсуповнинг "Маданий мерос — бебаҳо бойлигимиз" деган мақоласи эълон қилинди. Шарқ тилларида ёзилган қўлёзма асарларни яхши биладиган мутахассислардан бири сифатида шу мақолада кўтарилган масалаларга муносабатингизни билмоқчи эдим.

Б. Аҳмедов: Мақола жуда долзарб мавзуга бағишлангани билан эътиборга молик. Унда халқимиз асрлар давомида яратган илмий ва маданий мероснинг муҳим қисмини ташкил этган нодир қўлёзма асарларни тўплаш, сақлаш, атрофлича ўрганиш ва нашр этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар кўтарилган. Ўртага қўйилган масалалар нафақат илмий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам эга, чунки бу асарлар халқ мулкидир. Илгариги хатоларни тузатиш ва тарихни қайтадан ёзиш масаласи кўндаланг бўлиб турган бир пайтда қўлёзма асарлар ҳамда қадимий ҳужжатларнинг қимматини тушунмаслик кечириб бўлмайдиган хато, дсб ҳисоблайман. Лекин, афсус билан айтиш керакки, бу нодир асарлар ҳозир ҳам айрим тутуриқсиз кимсаларнинг хуружига учраб турибди.

Ш. О. Яқин ўтмишда маданий меросимизга мэнсимай қарашлар, уни йўқотишга интилишлар бўлган. Қанча асарлар йўқ бўлиб кетди...

Б. А. Ҳа, 1920—1930 йиллари содир бўлган ёвузлик туфайли жуда кўп нодир қўлёзма асарлар тамоман йўқ бўлиб кетди. Мен бир неча марта археографик экспедицияларда қатнашганман. Аҳоли қўлида тасодифан сақланиб қолган эски китоблар ва ҳужжатларни тўплаш масаласида Фарғона водийсида, Самарқандда ва Хоразмда бўлганман. Ўшанда кексалардан бу ёвузликлар ҳақида даҳшатли ҳикояларни эшитганман.

Ш. О. Бундай ёвузлик кейинчалик ҳам давом этди, шекилли.

Б. А. Бахтга қарши, эски китобларга қарши ҳужум кейин ҳам тўхтамади. 50-йилларнинг бошида "пантуркизм", "панисломизм", "космополитизм" каби "измлар" тамғаси пайдо бўлди. Буларни аслида бир ҳовуч демагог мансабпарастлар байроқ қилиб кўтариб чиқдилар. Афсуски, олимлар орасида ҳам, адабиётчилар сафида ҳам "измлар"нинг кетидан эргашувчилар, уларни қўллаб-қувватловчилар топилди. Ўшанда қўлёзма асарларни сақлаш



ва ўрганишнинг нафақат Совет Иттифоқида, балки бутун дунёдаги энг йирик марказларидан бири ҳисобланмиш Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институтини коммунистларнинг энг катта газетаси "Правда"да "Ҳаётдан ажраб қолган институт" дея танқид қилишди, институтдаги мадраса кўрган, нодир китобларни ўқиб-ўрганувчи илмий ходимларни эса "мудраб ўтирган муллабаччалар", деб атадилар.

Ш. О. 1956 йили кузда бўлиб ўтган республика зиёлиларининг съездида бу масалалар муҳокама қилинган эди. Анжумандан кейин ана шу камчиликлар қай даражада баргараф этилди?

Б. А. Ҳа, съездда юқоридаги нуқсонлар фош қилинди, қораланди. Лекин, барибир, ўша ҳаракат бир талай олимларимиз, шоир ва ёзувчиларимизнинг дилини тирнаб кетди. Энг даҳшатлиси — марксизм-ленинизм тарихга, адабиётга, тарихий ва маданий жараёнга вульгар социологик нуқтаи назари билан қарашни маълум даражада сингдириб кетдики, биз ҳанузгача бундай ғовлардан тамомила халос бўлолмаётибмиз. Қўлёзма асарларни ўрганиш ва уни ўз эгасига — халққа стказиб беришда ҳамон оқсаб юрибмиз.

1972 йили баъзи мансабпарастлар "фан ва адабиётда ўтмиш идеаллаштириляпти" деб айюҳаннос солдилар. Ўшанда узоқ йиллар мутахассисларнинг тинимсиз заҳмати, кўз нурлари ҳисобига араб ва форс тилларидан ўзбек, рус тилларига таржима қилинган асарларни чоп қилиш иши ҳам тўхтатиб қўйилди. Масалан, Ўрта Осиё тарихининг нодир асари бўлмиш "Абдулланомани"нинг учинчи жилдини нашрга тайёрлаб қўйилган сридан олиб, қўлимга қайтариб беришди. Шу тариқа бу муҳим асарнинг қолган қисми — 3 ва 4-жилдлари босилмай, қўлёзмалигича қолиб кетди. Қисқаси, 1972 йил бошидаги "ҳаракат" қадимги давр ва ўрта асрлар тарихини, маданий меросни ўрганишда тўғаноқ бўлди.

Ш. О. Ўрта аср тарихи ва маданиятига оид қўлёзма асарларни тўплаш ва ўрганиш ишининг қониқарсиз эканлигини кўра-била туриб, бундай ҳолга тоқат қилиб келяпмиз, бу борада астойдил жон куйдирмаяпмиз...

Б. А. Бу ишнинг умумий аҳволи қониқарсизгина эмас, балки ёмон деб айтса бўлади. Биз ҳозир юртма-юрт кезиб, қўлёзма асарларни тўпламай қўйдик, хорижий мамлакатларнинг (Англия, Франция, Голландия, ГДР, ГФР, Швеция, АҚШ, Миср, Туркия, Эрон, Афғонистон,

Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Мўғулистон ва ҳоказо) кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларни (уларнинг маълум қисми бир вақтлар Ўрта Осиёдан олиб кетилган) В. В. Бартольд ва Ҳамид Сулаймон сингари ўша мамлакатларга бориб, қўлёзма асарларни ойлаб-йиллаб ўрганолмаётибмиз. Биринчидан, ҳозир фидойи олимлар кам, иккинчидан, қўлидан иш келадиган саноқли мутахассислар эътибордан четда. Биз ҳатто ўзимизнинг фондларимиз ва кутубхоналаримизда, архив ва музейларнинг фондларида сақланиб ётган шарқ тилларида ёзилган минг-минг юридик ҳужжатлар (фармонлар, ёрлиқлар, иноятномалар, васиқалар)ни деярли ўрганмаётибмиз. Ижтимоий-иқтисодий масалаларни, сиёсий ва маданий ҳаётни чуқур ўрганишда ўта зарур бўлган бу китоблар ва ҳужжатларни ўқий оладиган, таржима қилишга қодир бўлган мутахассислар эса, ҳақиқатан ҳам академик Э. Юсупов тўғри таъкидлаганидек, борган сари камайиб кетяпти. Борларини асраш, уларга адолат юзасидан муносабатда бўлиш, уларга ғамхўрликни кучайтириш, моддий ва иш шароитларини яхшилаш лозим. Малакали мутахассислар стиштириш ишига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Бу иш олий таълимга мутасадди бўлган раҳбар ўртоқлардан, Фанлар академияси, Шарқшунослик институти, Қўлёзмалар ҳамда Тил ва адабиёт институтлари раҳбарларидан жиддий эътибор талаб қилади. Эски ёзувни ўрта мактабларда ўргатиш ҳақида айтилаётган таклифларни тезроқ амалга тадбиқ қилиш, Тошкентдаги айрим мактабларда асоссиз равишда ўқитиш тўхтатиб қўйилган араб тили дарсларини қайтадан тиклаш зарур.

Қўлёзма асарларни тўплаш ва ўрганиш билан бир қаторда, уни кенг оммалаштириш зарурлиги ҳақида биз мутахассислар кўпдан гапириб келяпмиз. Тарих, адабиёт ёки фаннинг медицина ва фалсафа сингари бошқа соҳаларига тегишли бирон қўлёзмани тўла таржима қилиш, зарур изоҳлар билан нашрга тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Бунга кам деганда 4-5 йил кетади. Башарти, шу йўл билан бориладиган бўлса, ишнинг миришқори ҳисобланган мутахассис олим умри давомида нари борса уч-тўрт асарни чоп қилдира олиши мумкин. Унда меросимизни халққа қайси асрда етказиб бера оламиз?

Демак, бошқача йўлни қидириш лозим. Менимча, биринчидан, қўлёзмалар тошбосма китоблар ва юридик ҳужжатларни қисқа бўлса-да, тезроқ тўла каталоглаштириш ва чоп қилиш; иккинчидан, шу асарнинг муҳим

қисмларини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, хрестоматия ёки тематик тўпламлар (масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби, ер-сув масаласи, халқ ҳаракатлари, Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг хорижий мамлакатлар халқлари билан муносабатлари ва ҳоказо) тарзида нашр этиш; учинчидан, муҳим асарлар ҳақида махсус тадқиқотлар яратиш ва ниҳоят, тўртинчидан, катта илмий қимматга молик қўлёзма асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида умумий маълумот берувчи илмий-оммабоп китобчаларни кўпроқ чоп этиш керак.

Ш. О. Тарихга бирёқлама ёндашиш оқибатида жуда кўп маданий, ижтимоий-сиёсий воқеалар, тарихий шахслар, умуман ҳақиқат ҳақидаги тасаввуримиз ксметик, омонат бўлиб қолди. "Тарих — ҳақиқатнинг онаси", деган эди академик Лихачев.

Б. А. Фикрингизга тўла қўшиламан. Назаримда, биз тарихнинг буюк, қудратли тарбиявий кучини, таъсирини эътибордан соқит қилиб қўйдик. Тарихий шахсларга ва айрим тарихий воқеаларга баҳо берганда бир томонламалик, бордию ўша шахс ҳукмронлар саройида хизмат қилса ёки шу синфга мансуб бўлса, уни текширмай-нетмай реакцияга чиқариш, ёмонотлиқ қилишдек бўлмағур принцип кўпдан тарихда ҳам, адабиётда ҳам ҳукмронлик қилиб келди. Ваҳоланки, тарихий шахс ёки тарихий воқеани қандай бўлса, шундайлигича, бўямасдан, холис-объектив кўрсатиш керак. Унга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Сўз сўз юритаётган шахс хожа Аҳрорми, Темурми, Бобурми ёки Иван Грознийми — қандай бўлса, шундай тасвирлаш лозим. Тарихнинг объективлиги ҳам шунда. Албатта, мен бу ўринда адабиётдаги бадиий тўқимани инкор қилаётганим йўқ. Лекин тўқима ҳам тарихий факт асосига қурилиши зарур.

Ш. О. Ҳозир Орол денгизининг аянчли аҳволи, тақдир ҳаммамизни ташвишга соляпти. Узоқ ўтмишда ҳам шундай аҳвол бўлганми? Тарихий манбаларда бу ҳақда қандай маълумотлар учрайди?

Б. А. Қўлёзма асарларда Орол денгизи ва уни сув билан таъминлаб турган Амударё билан Сирдарё ҳақида маълумотлар кўп. Бу ҳақда қадимги юнон олими Страбон (милоддан аввалги 63 — милоднинг 20 йиллари), римлик олим Варрон (милоддан аввалги 116—27й.), милоддан аввалги 128—124 ва 119 йиллари Ўрта Осиёда бўлган хитойлик сайёҳ Жан Цян, улуг ватандошимиз Абу Райҳон Беруний (973—1048) асарларида жуда кўп қим-

матли маълумотлар учрайди. IX—X асрларда ўтган араб олимлари ибн Хурдодбех, ал-Яъқубий, Ибн ал-Фақиҳ, ибн Руста, Истахрий, ибн Хавқал ва бошқа олимлар Амударё, Каспий, Орол денгизи, дарёнинг қуйи оқимида чиқарилган каналлар ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган. Хива хони, йирик тарихшунос олим Абулғозихон илгари замонларда Амударё ҳам, Сирдарё ҳам Каспий денгизига бориб қуйилганлиги, ҳижрий 986 (милодий 1578) йили эса дарё ўзанини ўзгартириб, Хос минора деган манзил орқали Қора айғир тўқайини кесиб ўтиб, Орол кўлига қараб оқа бошлаганини ёзади. Абулғозихон билан замондош бўлган Маҳмуд Вали ҳам айнан шу гапни айтади. Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи рус ва чет эл олимлари тарафидан ҳам кўп ўрганилган. Бу ҳақда В. В. Бартольд, Л. Берг, К. Богданович, И. Мушкетов, Лс Стренж, Ленц ва бошқаларнинг муҳим асарлари бор. Бу олимлар дарё ўзанининг вақти-вақти билан ўзгариб туриши, Аму суви сатҳининг пасайиб ёки кўтарилиб туришига олиб келган сабабларни ҳам аниқлашга ҳаракат қилганлар. Дарёдан ҳаддан ташқари кўп каналлар чиқарилиши, сувнинг бехуда исроф қилиниши дарё сатҳининг пасайиб кетишига олиб келган сабаблардан бири сифатида кўрсатилади. Бу фикр бизга тарих сабоғи сифатида муҳимдир. Агар биз қуруқ гаплардан тезроқ амалий ишга ўтиб, Оролни асраб қолмасак, авлодлар буни асло кечирмайди.

Ш. О. Сизнингча, тарих фаида қайта қуриш масаласи қандай ҳал этилмоғи лозим? Бу борада қилинаётган ишлар Сизни қониқтирадими? Қандай ўзгаришлар бўлишини истардингиз?

Б. А. Қайта қуриш ҳам, жадаллаштириш ҳам инсон омили билан боғлиқ. Ҳамма нарсани одам, унинг билими, қобилияти, малакаси ҳал қилади. Шундай экан, ҳар бир соҳада, жумладан тарих ва шарқшуносликда ҳам шу соҳанинг одами асосий ишларга бош-қош бўлиши керак. Лекин, афсуски, бу вазифанинг моҳиятини ҳамма ҳам тушуниб етмаётганга ўхшайди. Умуман, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш принципига ҳали старли равишда амал қилаётганимиз йўқ. Мен тарих соҳасида ҳам қайта қуриш шу муҳим принцип асосида жорий қилинишини истардим. Агар ҳар соҳанинг тепасига ўз жонкуяр мутахассисини қўйсак, чинакам қайта қуришга, демакки, тараққиётга йўл очган бўлур эдик. Шундай бўлганда раҳбар бугун нима қилишини, эртага нима

билан машғул бўлишини ҳар қанақа "маслаҳатчи"ларсиз ўзи билган, ўзи ҳал қилолган бўлар, ўзи бош бўлган соҳанинг эртанги кунини, келажagini аниқ кўра олар эди. Биз тарих фанини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш учун, яна жуда кўп ишлар қилишимиз керак. Буни удалаш, яна такрорлайман, биринчи навбатда инсон омилига: кадрлар масаласининг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ.

*Сухбатдош — Шодмонбек ОТАБОЕВ  
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати",  
1987 30 октябр*

## ТЕМУРНИНГ УЛКАН ХИЗМАТЛАРИ

— *Домла, кўнгина тарихчи олимлар Амир Темурни мураккаб шахс дейишади. Ана шу мураккабликни сизнингча нималар билан изоҳлаш мумкин?*

— Ҳар қандай синфий жамиятнинг ўзига хос қонуниятлари бўлади. Бундан феодализм жамияти ҳам мустасно эмас. Ушбу жамиятда фақат қудратли, зўр ҳукмрон, зўр давлатларгина яшаш имконига эга бўлган. Агар биз Темур даврини оладиган бўлсак, у вақтларда сарой аҳлига, уларнинг минглаб хизматкорларига — катта қўшини амир, бекларга давлат хазинасидан маблағ бериб турилган. Исломи дини давлатнинг асосий устунларидан бири ҳисоблангани учун, руҳонийларга суюрғол тариқасида ср-сув, пул ва бошқа ҳадялар берилган. Уларнинг баъзиларига эса катта-катта вилоятлар ҳам инъом қилинган. Шу тариқа давлат бошқарилган. Хазина эса кўпроқ олиқ-солиқ ва ўлжа ҳисобига бойитилган. Ўлжа эса ўзга юртларни эгаллаб олиш орқали қўлга киритилган. Шунинг учун ҳам сарой аҳли, амиру беклар катта ўлжаларни қўлга тушира оладиган кучли, тадбиркор, снгилимас ҳукмронларнигина қўллаб-қувватлаган. Амир Темур ана шундай қудратли ҳукмронлардан бири эди. У ўз даври ва синфининг вакили сифатида ўзга юртларга қўшин тортиб боришга, беғуноҳ қон тўкишга мажбур бўлган. Албатта, бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди. Лекин шуларга қарамасдан, Амир Темурнинг тарих, инсоният олдида жуда катта, улўғ хизматлари бор. Унинг катта хизматларидан бири, Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлигини тамоман тугатиши бўлди. Бундан

ташқари, у Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, Еттисув, Чу воҳаси (ҳозирги Олмаота вилояти ва атрофлари) ҳамда Хоразмнинг Шарқий қисмидан иборат жуда катта майдонни эгаллаган Чигатой улусини бирлаштирди. Бу улус Тсмургача тарқоқ ҳолда бўлиб, унда ўзаро феодал урушлар авжига чиққан, бундан халқ чексиз жабр тортаётган эди. Тсмур ҳокимиятни эгаллагач, уруш-талашларга, ноҳақ қон тукишларга барҳам берилди, эл-улус эркин нафас ола бошлади. Вайроналар ўрнида боғ-роғлар, шаҳарлар, бир-биридан пурвиқор, гўзал иморатлар бунёд қилинди.

1380 йилдан кейин у Эрон, Ироқ, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга қўшин тортди, Эрон ва Озарбайжонни ўз давлатига қўшиб олди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу юришлардан асосий мақсад ўлжа олиш эди. Лекин мазкур юришларнинг ҳам яхши, ўзига хос прогрессив тарафлари бўлди. Биринчидан, 1391—1395 йиллари Олтин ўрдага қилинган уруш туфайли унинг хони Тўхтамиш снгилди. Бу билан Тсмур Русиянинг мўғуллар зулмидан озод бўлишини қарийб 300 йилга тезлаштирди.

Тсмур қўшини 1402 йил Туркиянинг Анқара шаҳри ёнида бўлган жангда турк султони Боязид Йилдирим қўшинини тор-мор қилди. Натижада Болқон ярим ороли халқлари Усмоний турклар асоратидан қутилдилар.

Тсмур даврида, айниқса, Ўрта Осиёнинг чет эл мамлакатлари билан савдо алоқалари ривожланди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчилик беқийс ривожланди. Бошқача қилиб айтганда, ўзига хос маданий инқилоб юз берди.

Самарқанд, Бухоро, Кеш ва бошқа шаҳарларда жуда катта, улкан меъморчилик обидалари қад ростлади. Мадраса, хонақоҳ, гузар ва тимлар (ёпиқ бозорлар), сардобалар қурилди. Буларнинг жуда кўпчилиги бизгача стиб келган. Ҳозиргача улар ўз салобати, чиройини йўқотгани йўқ.

— *Темурнинг илми, маълумоти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.*

— Маълумки, ўша пайтларда шоҳ, амир, бекларнинг болалари 4 ёшидан бошлаб турли фанлар бўйича стук муаллимлардан сабоқ олганлар. От чопишни, қиличбозликни, найза отишни мукамал ўрганганлар. Бу сабоқлардан Амир Тсмур ҳам бенасиб қолмаган. Чунки у амирнинг ўғли эди-да. Бундан ташқари, у жуда кўп

ривоятларни ёд билган, тарихни чуқур ўрганган, фалсафани билган, фикрдан хабардор бўлган, шахматни жуда яхши ўйнаган.

Айниқса, Темур ҳарб илмини пухта эгаллаган эди. Моҳир саркарда сифатида тарихда тан олинган. Унинг ҳарбий стратегия ва тактикаси Овруподаги кўп мамлакатларнинг ҳарбий мактаб ва академияларида махсус ўқитилган.

— Темур ҳақида бор ҳақиқатни гапириш, ёзиш қайта қуриш бошлангунга қадар қарийб таъқиқланиб келинди. Унинг ҳаёти тўғрисида ўз замондошлари томонидан ёзилган қадимий китоблар халққа маълум қилилмади, чоп этилмади...

— Замондошлари томонидан Темур ҳақида ёзилган китобларни халқимизга қанча тез стказсак, шунча яхши. Темур тўғрисидаги илмий мақолаларнинг ҳам тез-тез вақтли матбуотда чиқиб тургани маъқул иш. Лекин очигини айтсам, мазкур мақолаларнинг баъзиларидан кўнглим унча тўлмаяпти.

Яқинда бир мақола ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, Темур Боязидни асир олгандан кейин, уни қафасга солиб кўп мамлакат кўчаларидан айлантириб, сазойи қилганмиш. Булар С. Бородиннинг кўпроқ уйдирмалардан иборат бўлган "Самарқанд осмонида юлдузлар" романидан ёки бир турк ёзувчисининг "Оқсоқ Темур" асаридан олинган кўринади. Негаки, Темур замондошлари ёзган китобларда, жумладан, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" китобларида бу гаплар йўқ. Боязид асир олинганидан кейин орадан кўп ўтмай Темур уни озод қилган. Боязид Йилдирим Туркиянинг Оқсарой шаҳарида 1403 йили ўз ажали билан ўлган. Темур унинг таъзиясида қатнашган.

— Темур тўғрисида ўзингизнинг бирови бир каттароқ илмий асар ёзиш ниятингиз йўқми?

— Ҳозир академик Г. А. Пугаченкова ва профессор Р. Г. Мукминова билан ҳамкорликда Темур ва унинг даврига бағишланган илмий монография яратиш устида иш олиб боряпмиз. Агар ўқиган бўлсангиз, 1989 йили "Улуғбек" номли тарихий эссем босилиб чиққан эди. Энди шу китобга ўхшаш "Амир Темур" номли асар ёзиш ниятидаман.

Сухбатдош — Туроб НИЁЗ  
"Ленин ушқуни",  
1991 йил 16 январ

## ТЕМУРШУНОСЛИКНИ ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШДА РИВОЖЛАНТИРИШ КЕРАК?

(Давра суқбати)

Б. Аҳмедов — Темуршуносликнинг келажакдаги йўналишлари масаласига ўтишдан аввал илмий жамоатчилик ва ўқувчилар фикрини бир муҳим нарсага қаратмоқчиман. Гап шундаки, ҳозир аввал ҳам айтганимдек, темуршунослар кўпайиб кетди. Қисқаси, бугун Темур ҳақида билган ҳам ёзипти, билмаган ҳам. Гапни чўзиб ўтирмай, бир-икки мисол келтириш билан кифояланаман. Кейинги йилларда асл манбалар (Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг "Зафарнома"лари, Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн"и, Мирхондиннинг "Равзат ус-сафо"си, Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор"и ва бошқалар турганда, снгил-слпи ва нақл ривоятлар асосида ёзилган китобларни чоп қилиш одат тусига кириб қолди. Авваллари газета ва журналлар бирон тарихий материални босишдан аввал тарихчи мутахассисга мурожаат қилиб, унинг фикрини олардилар. Ҳозир айрим ўзи билагонлар мутахассисга мурожаат этишни ўзларига эп кўрмай қўйишди.

Муддаога келсак. Фикримча, темуршунослик қўйидаги йўналишларда олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди:

1. XV—XVI аср бошида ёзилган ва Темур ҳамда темурийлар тарихи ва маданиятига бағишланган қўлёзма асарларнинг муҳимларини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, чоп этиш зарур. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданият ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларга оид маълумотларни (парчаларни) ҳам тўплаб мажмуа шаклида нашр этмоқ лозим. Шунингдек, Англия, Франция, Испания, Венесия, Туркия кутубхоналарида сақланган ёзишмаларни алоҳида тўплаб китоб ҳолида чиқариш зарур. Буларсиз XIV—XV аср тарихини пухта ўрганолмаймиз. Биринчи навбатда Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг "Зафарнома"ларини тезроқ нашр этиш керак!

2. Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданияти ҳақида кўпроқ илмий ва илмий-оммабоп китоблар ёзиб беришимиз керак. Бу ишда фақат асл манбага таяниш, тарихий ҳақиқат доирасида туриб қалам тебратиш талаб этилади. Сохталик ва бирёқламаликка берилиб кетмаслик



керак. Воқеликни бирёқлама баён этиш ҳам тарихни сохталаштиришга киради.

3. Темур ва унинг улуғ авлодлари ҳақида объектив, зўр бадиий қимматга молик романлар, қиссалар, шърий ва саҳна асарларни яратмоқ зарур.

4. Кино ва телевиденисининг таъсирчан қудрати, зўр тарбия воситаси эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Олимлар, адиблар, муаллимлар ва, умуман, биз зиёлилар тарғибот ва ташвиқотнинг бу муҳим ва қулай воситасидан унумли фойдаланишимиз зарур. Масалан, нафақат Темур ва темурийлар даври тарихини, балки ўзбек халқининг кўпйиллик ибратли тарихини, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Бсруний, Маҳмуд Замахшарий, Улуғбек ва Али Қушчи сингари улуғ аجدодларимиз тарихини, чет эл босқинчиларига қарши ўз халқини курашга кўтарган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолоддин, Темур Малик, Маҳмуд Торобий каби миллий қаҳрамонлар жасоратини телевидение ва кино орқали қисқа, лекин тушунарли қилиб тушунтирсак қандай яхши! Шунда халқимиз тезроқ ўз тарихини озми-кўпми билиб олади, ўзлигини англайди. Лекин, афсуски, биз бундай ишни қилаётганимиз йўқ.

Кинони олиб кўрайлик. Иккинчи жаҳон урушидан кейин "Тоҳир ва Зуҳра", "Алишер Навоий", "Бсруний", "Ўтган кунлар", "Маҳаллада дув-дув гап"дан бошқа дурроғроқ фильм яратилмади. Тўғри, босмачилик ҳақида уч-тўрт фильм яратилди (бунақа фильмлар яратишда устаси "фаранг" бўлиб кетдик, ҳатто), лекин шу давр ичида биронта тарихий фильм яратилмади, кўҳна тарихга биронта кинорежиссёр мурожаат қилмади.

У. Уватов:— Бунинг учун санъаткорларимиз тарихни яхши билишлари, ўтмиш тарихимизни ёрқин саҳифалар билан безатган Амир Темур-сиймоси ва унинг фаолиятини ўрганишга алоҳида аҳамият беришлари керак: Бу ўта зарур ва хайрли иш. Энг аввало Темур ва темурийлар даврида яратилган ёзма манбалар — ёдгорликларни тўлиқ ўзбек тилига таржимаси атрофлича тадқиқ қилиш асосида амалга оширилиши лозим. Соҳибқироннинг илм-фан, маданият, айниқса, тарихнавислик илми ривожига катта аҳамият берганлиги сабабли ўша даврда ҳам, ундан кейин ҳам кўпдан-кўп тарихий асарлар яратилган. У асарлар асосан форс ва араб тилларида ёзилган. Бахтимизга, бу бебаҳо манбаларнинг даярли

ҳаммаси бизгача стиб келган. Хилма-хил йўналиш ва нуқтаи-назардан туриб ёзилган бу қўлёзмаларни бир-бирига муқояса қилиш, илмий таҳлилдан ўтказиш — соҳибқирон тузган давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида тўғри ва мукамал фикр юритиш, хулоса чиқариш имконини беради. Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлар: Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Абру, Хондамир, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Фасиҳ Ҳавофий, Муиниддин Натанзий ва бошқа бир қатор муаллифларнинг асарлари шулар жумласидандир. Муаллифларнинг аксарияти ўша даврда яшаганликлари учун ҳам бўлиб ўтган воқсаларнинг бевосита шоҳидлари сифатида воқсаларни жонли ва ишончли тарзда баён қилганлар. Мана шу асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ва улар асосида чуқур, фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш темуршунослигимизнинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир.

Яна бир гап. XV асрда яшаган таниқли араб тарихнавислари, жумладан, Ибн Халдун, Ибн Дуқмоқ, Ас-Суютий, Ал-Қалқашандий, Ас-Саховий Бадриддин Ал-Айнӣ, Ибн Ийос, Ибн Тағриберди, Ибн Хожар Ал-Асқалонӣ, Ал-Мақризий ва бошқалар ўз тарихий асарларида Амир Темурга, айниқса унинг шахси, Ироқ, Шомга қилган ҳарбий юришлари, дипломатик алоқалари ҳақида кўпдан-кўп қимматли маълумотларни келтирганлар. Афсуски, бу маълумотлар ҳанузгача деярли ўрганилмаган. Амир Темурга бағишланган илмий тадқиқотларда ҳам, оммабоп нашрларда ҳам ушбу маълумотлар ўз аксини топиши зарур.

Б. Аҳмедов:— "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори шарофати билан Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш янада жонланади. Шу муносабат билан яна бир муҳим гапни айтиб қўймоқчиман. Темур — мураккаб шахс, муҳими улуғ подшоҳлардан бўлган. Модомики шундай экан, унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг яхши томонлари ҳам, салбий тарафлари ҳам бўлган. Аммо бор ҳақиқатни гапириш керак. Хуллас, булар бўлиб ўтган воқса. Уни Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан ўчириб ташлаб бўлмайди. Уни айтмаслик ҳам тарихни сохталаштиришга киради. Темурнинг Ҳиндистонга юриши ёки унинг Боязид билан бўлган уруши ҳақида гапирилганда, айрим киши-

лар "Буни айтсак ҳиндлар ва турклар хафа бўлиб қолишмасмикин?",— деб ўйланиб қоладилар. Йўқ, хафа бўлишга ўрин йўқ, чунки булар бўлиб ўтган воқсалар. Буларни авлодлар билиши шарт. Бусиз бугунги дўстона, яхши қўшничилик муносабатларининг қадрига етмаймиз. Умуман, ўтмишга бугунги куннинг қонун-қоидаларидан келиб чиқиб баҳо бериш ёки бошқа-бошқа даврлар мафкурасини бир-бирига сунъий равишда кўчириб ўтиш кечириб бўлмас хатодир. Ҳаммамиз шу реал ҳақиқатга амал қилишимиз лозим.

О. Ёқубов:— Масала шундаки, агар тарих бобомиз ҳақида, у кишининг бошидан кечган воқсалар, муайян фикрлар асосида тасаввур уйғотса, санъат ва адабиёт бундай тасаввурни у зотнинг ички дунёсини очиш, у кишининг руҳий оламини кўрсатиш (ҳатто дарду ҳасратини дейишдан ҳам кўрқмайлик) билан, бошқача қилиб айтганда, тарих бир китобхонга азиз бир инсонни тасвирлаш орқали бунёд этади. Маълумки, буюк француз лашкарбошиси ва императори Наполсон ҳақида юзлаб, балки минглаб монументал асарлар яратилган. Лекин уларнинг кўпи бизнинг қалбимизни жиз эттириб, бу улуғ инсонга нисбатан дилимизда меҳр ва ҳурмат уйғотмайди. У юксак қорли чўққилардай совуқ кўринади. Лекин бундан бир-икки йил муқаддам французлар Наполсонга батамом тескари нуқтаи назардан ёндошиб, яъни унинг инсоний хислатларини очиш йўлидан бориб, машҳур саркарданинг жонли, тирик образини яратдиларки, филм кўпларни лол қолдирди.

Бу филмда Наполсон улуғ саркарда сифатида намоён бўладиган саҳналар йўқ ҳисоб. Бутун асар Наполсон билан унинг севгилиси, ўз даврининг машҳур гўзали Жозефина хоним муносабатларига бағишланган. Наполсон Жозефина кулса кулади, йиғласа қўшилиб йиғлайди. Мабодо жанг майдонларига Жозефина сенга хиёнат қилди, деган бирорта гап етиб борса, голиб қўшинини ташлаб Париж томон от суради. Бу гаплар ёлғон эканига ишонгач, Жозефина олдида тиз чўкиб, унинг оёқларини ўпади. Қарабсизки, биз ўзимиз сезмаган ҳолда, нафақат унинг ҳақиқий мажнун табиат бир одам эканлигига, балки бестакрор улуғ бир шахс ва лашкарбоши эканига ҳам ишонамиз.

Хўш, бундай ҳолатлар раҳматлик бобомиз бошидан ҳам кечмаганми? Ахир, бобомиз ҳам гўзаллик шайдоси бўлганлар, кўп марта уйланганлар, ҳатто энг кейинги ва

энг севимли маъшуқаларидан бири унга хиёнат қилганини эшитганда уни қатл қилишни буюрганлар.

Кекса саркарданинг руҳий ҳолатини, чеккан изтиробларини очиш имконини берадиган бу кўнгилсиз воқеа ёзувчига ниҳоятда драматик бир асар яратиш имконини бермасмикин?

Кўриниб турибди, бобомиз образини яратишда санъаткорлар тарихчи олимлардан фарқли ўлароқ, батамом бошқа, санъат қонунларига асосланган мураккаб йўлдан бормоғи шарт. Бу эса ҳақиқий истисноларнинггина қўлидан келади. Ҳозирча бу мавзуда яратилган асарларни бу масъулиятли ишдаги илк изланишлар деб қарамоқ керак. Илк изланишлар эса биз истаган асарларнинг яратилишига олиб келади, деган умиддамиз.

Б. Аҳмедов: — Мана кўрдингизми, биз тарихчи олимлар ва адиблар Амир Темурдек буюк сиймо ҳақида ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак экан. Халқимиз биздан бу улуғ инсон ҳақида юқори савияда ёзилган китоблар кутяпти. Шундай экан, биз ҳаммамиз халқимиздан қарздор эканлигимизни унутмаслигимиз, буни ҳамиша зўр масъулият билан ҳис этишимиз, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ меҳнат қилишимиз зарур бўлади. Халқимиздан қарзимизни фақат аҳиллик ва бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсагина узишимиз мумкин.

Шу ўринда мен яна кўпчиликка маълум, лекин бир муҳим гапни айтсам дейман. Тарих билан адабиёт бир-бирига яқин, улар доимо бир-биридан озиқланадилар, нафланадилар. Шундай бўлса-да, ижтимоий ҳаётда тарихнинг роли каттадир. Буни тарихий мавзуларда қалам тебратган адиблар ҳам яхши биладилар. Бўладиган гапни айтадиган бўлсак, тарихий мавзуда ёзиладиган асарлар — у романми, дostonми, саҳна асарими ёки киносценарийми, бундан қатъи назар, нақл-ривоятларга эмас, балки тарихий фактларга асосланмоғи, бор ҳақиқатни ўзида акс эттирмоғи лозим.

Тўғри, адабиётнинг ҳам ўз қонуниятлари мавжуд. Масалан, унда бадиий тўқима деган нарса ҳам бор. Лекин ўша бадиий тўқиманинг заминиди ҳавойи гаплар эмас, тарихий ҳақиқат ётмоғи лозим. Узоққа бормай, Ойбекнинг "Навоий" романини олиб кўрайлик. Уни ўқиган сари ўқигинг келади. Ҳақиқий умрбоқий роман. Чунки у, биринчи навбатда, ўша замонларда ёзилган "Равзат ус-сафо", "Хулосат ул-ахбор", "Ҳабиб ус-сияр" каби тарихий

асарларни чуқур ўрганиш ва асарлардаги факт ва материаллар асосида яратилган. Тўғри, ҳозирги адибларимиз ва шоирларимизнинг аксар қисми араб ва форс тилларида ёзилган асарларни ўқиб ўрганиш имкониятига эга эмаслар. Бундай ҳолда тарихчи олимлар, хусусан қадимий ва ўрта асрлар тарихи бўйича тарихий мавзуда қалам тсбратувчи олимларнинг асарлари адиблар, шоирлар ва драматурглар учун маълум даражада манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мана шулардан келиб чиқиб, биз олимлар ва адиблар ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз зарур демоқчиман. Шундагина бой илмий меросимиз, чунончи Амир Тсмурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳаққоний тарзда халқимизга тсзроқ ва тўлиқ ҳолда етиб бориши мумкин.

*Сухбатдошлар — М. АБДУЛЛАЕВ ва М. АҲМАД  
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати",  
1995 йил 17 феврал*

## ТЕРАН ТОМИРЛАР

— Бўрибой ака, Сиз улуғ аждодларимиз ҳаётини синчиклаб ўрганган олимларимиздансиз. Лйтингчи, бир замоннинг ўзида дунё тан олган алломалар етишиб чиққанлиги тасодифми, ёки бунда ҳам бирор қонуният борми?

— Илмда, айниқса тарих саҳифаларидан жой олувчи илмда тасодиф истисно этилади. Модомики, тарихимизнинг муайян босқичида номи жаҳонни тутган улуғ зотлар кетма-кет етишиб чиққан экан, демак, улар яшаб ўтган замон муҳити, шарт-шароит ана шундай заковатли шахсларнинг етишиб чиқишига имкон яратган. Мана, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийни олинг. Бу ватандошимиз ўзининг "Ал-жабр ва-л-муқобала" деган ўлмас асари билан дунё фани тарихида қолган. Буюк мутафаккирнинг ана шу кашфиёти математиканинг алгебра соҳасига ва алгорифмга асос солган ал-Хоразмийни Европада алгоритм маъносида биладилар. Ёки Шарқ Арастуси ёки Ал-муаллим ас-соний, яъни иккинчи муаллим деган унвонга сазовор бўлган ҳамюртимиз Абу Наср Форобийни олинг. Жаҳон маданиятига бсқийс ҳисса қўшган бу мутафаккир етмишдан ортиқ тилни билганлигига ҳозир ҳам ҳайратимизнинг чеки йўқ.

Абу Райҳон Берунийнинг номини ер куррасида ким билмайди, дейсиз? Орадан неча асрлар ўтгач, машҳур намояндалар Беруний ҳақида "Бу олим қизиққан соҳаларни санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқиш осонроқ", деганлиги бежиз эмас. Берунидан бор-йўғи етти йил кейин, атиги бир неча километр нарида тугилган Абу Али ибн Синонинг дунё табобат илмига қўшган ҳиссасини қайси ўлчов бирлигида ифода-лаб бўлар экан, билмадим! Ахир, унинг европалашган номи — Авиценна бугунги медицина сўзининг ўзаги эканлигини жаҳон билади.

— *Айни пайтда буюк замондошларимиз нафақат мутафаккир ёки ижодкор, шу билан бирга доно сиёсатчи, оқил юртбоши бўлганликлари ҳам тадқиқотчилар томонидан алоҳида таъкидланади...*

— Дунёга машҳур соҳибқирон бобомиз Амир Тсмурни олинг. Унинг буюклигига заррача шубҳа қилган одам шу кунларда "Ўзбекистон овози"да чоп этилаётган "Тсмур тузуклари" бобларига назар ташласин. Тсмурийлар салтанати номи билан жаҳон тарих саҳифасида мустаҳкам ўрин олган бу зот ўз даврида йирик фсодал давлат асосчиси бўлган. Айнан шу соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбек яратган кашфиётлари бўйича ўзидан олдин ўтган барча ўтмишдошларини қувиб ўтди. Бугунги кунгача сақланиб қолган унинг расадхонасини жаҳон сайёҳлари ҳамон ҳайрат билан томоша қилишмоқда. Ҳам шоирлик, ҳам вазирлик ишларини қўшиб олиб борган Алишер Навоий ҳақида ортиқча таърифга ҳожат бўлмаса керак. Тсмурийлар авлодидан яна бир зако — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дунё адабиёти, илм-фандаги раҳбарлик санъати борасидаги дастхати бетакрордир.

Демак, буюк давлат қуриш учун чоғланган улуғ халқимиз ана шундай даҳоларига таяниб эзгу ниятларига албатта стажаклар.

*Сухбатдош — Шухрат ЖАББОРОВ  
"Ўзбекистон овози", 1993 йил 23 феврал*

## ЎТМИШ ЎЗАГИМИЗДИР

— *Тарихимиз — руҳимиз. Ҳар бир жамиятда маънавий дунё қайси даражада бўлса, жамият ҳам худди шу даражада бўлади. Қайта қуриш жараёнида биз ўз хато-ларимизни кўраймиз. Бунинг учун нафақат кечаги кун*

*хатоларини тузатмоғимиз, балки ўтган куннинг яхши томонларини ҳам ўрганмоғимиз лозим. Шу ўринда бир савол туғилади. Ўтмишда болалар, хусусан ўзбек болалари қай тарзда ўқитилган?*

— Болаларнинг ўқиши масаласига келсак, болалар бошланғич маълумотни диний характердаги мактабда олганлар. Бундай мактаблар Ўрта Осиёда IX—X асрларда пайдо бўлган. Булар масжидлар қошида, шунингдек шахсий ҳовлиларда ташкил этилган. Бу мактабларга 5-6 ва ундан юқори ёшдаги болалар қабул қилинган. Мактабда мадраса (олий мактаб)ни тамомлаган киши муаллимлик қилган. Қиз болалар алоҳида, хусусий ҳовлиларда ўқитилган. Муаллима Тошкент ва Фарғонада Отинбиби, Бухорода Бибахалифа ёки Бибиотин, Хоразмда Элтибиби дсб аталган. Болалар аввал араб имлосидаги ҳарфларнинг номи ва ёзилишини пухта ўрганишган, сўнг "Қуръон" оятларини ҳижжалаб ўқишга тушишган, кейин уни ёд олишган. Бу мактабларда Навоий асарларидан парчалар ўқилган, шунингдек, арифметика ўргатилган.

Баъзи мактабларда бола ўқиётган китобига қараб, "тахтахонлар" (тахтага ёзиб ўрганувчилар), "ҳафтиякхонлар" ("Қуръон"дан олинган айрим кичик суралар мажмуасини ўрганувчилар), "Қуръонхонлар" ("Қуръон" ўқувчилар), "Абжадхонлар" (абжад усулини, яъни араб алифбоси сирасидаги ҳарфларнинг сон қийматини ўрганувчилар) дсган гуруҳларга бўлинган.

— *Шарқ маданияти, шу жумладан Самарқанд атрофидаги қазилмалардан, Болалик тепадан, қадимий Хиванинг ён бағирларидан болаларнинг ҳайкаллари, болалар ҳақидаги ҳикояларга ишланган деворий суратлар, уйин майдончалари топилди ва топилмоқда. Болалар адабиётига келганда, ҳазрат Навоийнинг Фарҳод ё Қайс, Дилоромларнинг болаликларини ва бошқа алломаларнинг қаҳрамонларини етук образ сифатида кўрсатишимиз мумкин. Уларда болаларга тарбия бериш катталарга берилган тарбия билан уйғунлашиб кетган. Ёки ўтган асрларда болалар адабиёти алоҳида бўлганми?*

— Ҳа, бўлган. Авваламбор шуни айтиш керакки, ўзбекларнинг ҳам, бошқа халқларнинг ҳам болалар адабиёти оғзаки адабиёт (фольклор) заминиде яратилган. Унинг илдизлари мақоллар, топишмоқлар, эртаклар, "Қаюмарс афсонаси", "Жамшид тўғрисидаги афсона", Тўмарис, Широқ, Стриангея ва Зара ҳамда Искандар Зулқарнайн ҳақидаги қиссалар, "Шоҳнома", "Гўрўғли" ва

"Алломиш" сингари қаҳрамонлик дostonларига бoриб тақалади.

Болалар ёзувчилари масаласига келсак, ўтмишда фақат болалар учун ёзадиган махсус шоир ва ёзувчи бўлмаган. Ўтмишда ёзувчи ва шоирлар айна бир вақтда ҳамма учун — болалар учун ҳам, катталар учун ҳам ёзишган. Мисол тариқасида Фаридиддин Аттор (1148—1219)ни олиб кўрайлик. У диний мавзуда бирталай асарлар ("Мухторнома", "Ҳусравнома", "Асрорнома", "Мушибатнома", "Илоҳийнома" "Меърожнома", "Тазкират ул-авлиё" ва бошқа) ёзган. Лекин, унинг инсон табиатига хос такаббурлик ва худбинликни қораловчи, вафодорлик, олижаноблик, саҳийлик, дўстлик сингари олий фазилатларни улуғловчи "Мантиқ ул-тайр" ("Қушлар сўзи") асари ҳаммага — катталарга ҳам, болаларга ҳам мўлжалланган. Ё бўлмаса Муслиҳиддин Саъдий (1210—1292)ни олайлик. Ғазал мулкининг султонларидан ҳисобланган бу мутафаккир шоирнинг "Ғулистон" (1258 й. ёзилган) ва "Бўстон" (1257 й. битилган) асарларида оддий меҳнаткаш халқ ҳаёти талқин этилади. Шоир одамларни халқпарварликка, софдилликка, мард ва ростгўй бўлишга чақиради. Бу асар XVII асрадаёқ бир қатор Европа тилларига — немис, француз тилларига таржима қилингани ҳам бежиз эмас, албатта. "Ғулистон" ҳам, "Бўстон" ҳам эски мактабда ўқитилган. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" ("Қушлар тили") ҳам айна бир вақтда болаларга мўлжалланган. Гулханийнинг "Зарбулмасал"идаги мақол ва масаллар ўқувчини мулоҳазалик бўлишга, ҳушёрликка чорлайди. Ватанпарварлик ва элсварлик асарнинг бош ғоясидир. Махмур ва Муқимий сатираси, Фурқат ва Аваз Ўтарнинг болаларни илм-маърифатга чақирувчи "Илм хосияти", "Гимназия", "Тил", "Мактаб" шърларининг аҳамияти ҳам катта. Агар Фурқат:

Кўнгулларнинг сурури илмдандир,  
Кўрар кўзларининг нури илмдандир,

дeб ёшларни илм олишга, етукликка чорласа, Аваз Ўтар уларни тил ўрганишга, бир эмас бир неча тилни забт этишга чақиради.

Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Лекин, келтирилган мисоллардан ўтмишда Ўрта Осиёда болалар адабиёти ҳам мавжудлиги маълум бўлиб турибди.



— Машҳур алломалар (Улуғбек, Бобур ва бошқалар)нинг таълим олиши қандай кечган?

— Афсуски, китобларда бу ҳақда старли маълумот йўқ. Лекин ўтган асрларда ҳам кишилар болаларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Чунки, хоннинг боласи — хон, амирнинг боласи — амир, вазирнинг боласи — вазир, савдогарники — савдогар бўлиб этишиши ва ота ўрнини босиши шарт бўлган. Шунинг учун ҳам улар болаларини 4-5 ёшидан бошлаб ўқитганлар. Бу ҳақда шаҳзодалар ва хонзодалар учун битилган "Сулук ул-мулук" ("Подшоҳларга қўлланма") деб аталган китобларда қимматли маълумотлар бор. Ана шу маълумотларга қараганда, подшоҳлар, хонлар ва йирик мансабдорларнинг саройида ва уйида ҳукм сурган тартиб-қоидага кўра, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар тарбияси болалигиданоқ "уларни муҳофаза қилиш, туриш-турмушини кузатиб бориш юқори остоналик ва давлат нишонлик амирларнинг қўлига топширилган". Улардан бири қиссахон, яна бири оталиқ деб аталган. Оталиқлар мўътабар бир тарихий китобда ёзилишича, "тўла улуғворлик билан шаҳзодаларнинг хизматида ғайрат кўрсатиб, ҳамиша хайрихоҳлик ва хизматкорлик камарини белларига боғлаб... уларни тарбиялаш аҳдини қўлдан бермаганлар". Хулласи калом, шаҳзодалар, хонзодалар ва бекзодалар умуман 4-5 ёшидан бошлаб ўқиш ва ёзишни ўрганганлар, махсус бери китилган қиссахонлар ўзлари эшитган ва билган фойдали нарсалардан, жаҳон ажойиботлари ва ғаройиботларидан сўзлаб, уларнинг зсҳни ва хотирасини пешлаганлар. Қиссахонлар биринчи муаллим ҳисобланган. Шаҳзодалар, хонзода ва бекзодалар савод чиқарганларидан кейин уларга "Ўзалликлар ва латифаларни нақл этувчи" қалам ўрнига "сувдай нақшлик ханжар ва олов сочувчи қилични ишлатиш, найзабозлик ва камондан ўқ отиш санъати"ни ўргатганлар, чунки "чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамшир ишга туширилмаса, билиш мумкинки мамлакат қалам хизмати билан муҳофазат этилмайди". Бундан ташқари, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар от чопиш, човғон ўйнашни ҳам ўрганганлар. Шундан кейин, яна "Сулук ул-мулук"да айтилишича, бўлажак ҳукмдор давлатни идора қилиш санъати: турли мансабларга муносиб кишиларни тайинлаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа мамлакатлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидаларга ҳам ўргатилган. Ўша замонларнинг таомили шунақа бўлган.

Шубҳасиз, Улуғбек билан Бобур ҳам мана шу мактабни ўтаган. Масалан, Улуғбек бобоси Темур саройида жуда кичкиналигидан бошлаб тарбияланди. Унга 1398 йили, тўрт ёшга тулгандан кейин, Темур қиссахонининг жияни Ҳамза ибн Али бириктириб қўйилди. У Улуғбекдан 8 ёш катта, хат-саводи чиққан, кўп нарсалардан хабардор эди. Улуғбек кейинча Шайх Озарий (1382—1462) номи билан шуҳрат таратган бу олим билан бир неча йил бирга бўлиб, ундан кўп илму-ҳунар ўрганди. Шайх Озарийни Улуғбекнинг биринчи муаллими деса бўлади. Фалакиёт илмини эса Улуғбек Темур саройидаги мунажжимлардан, ўзидан аввал ўтган олимларнинг китобларидан, кейинчалик, астрономия, математика, фикҳ, илоҳиёт соҳасидаги илмини чуқурлаштиришда Қозизода Румий, Ғиссиддин Жамшид Кошоний, Абулфатҳ Дайлар, мавлоно Муҳаммад сингари олимлардан ўрганди.

Бобур хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. У ҳам илк маълумотни отаси Умаршайх мирзо саройида олди. У кўпроқ илоҳиёт, шъър илми (аруз, қофия), мусиқа ва ҳарбий ишлар илми ва тарих илмига қизиқди. Бобур ҳаммаси бўлиб 48 йил умр кўрди. Шундан 30 йилдан зиёдроғини от устида, урушларда ўтказди. Фақат 1526 йилдан кейин нисбатан тинч ҳаёт кечириш ва астойдил ижод билан машғул бўлиш имкониятига эга бўлди. Бобур ўзидан катта илмий мерос қолдирди. Масалан, шъър илмига оид "Муфассал", тарих, география ва илмнинг бирмунча соҳаларини қамраб олган "Бобурнома" асарларини, шунингдек катта шърий девон ёзиб қолдирди.

— *Бўрибой ака, ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида ҳам ўқувчиларимизга қисқароқ бўлса-да, сўзлаб берсангиз.*

— Биз тарихчи олимлар, хусусан тарих фани тегасида турган мутасадди ўртоқлар бу масалада халқимиздан қарздор бўлиб турибмиз. Ҳозирча бу тўғрида қуйидагиларни айтиш мумкин. "Ўзбек" номи этник атама сифатида XIII асрнинг 80-чи — XIV аср бошларида Дашти қипчоқда пайдо бўлди. XVI аср бошида эса "Ўзбек" аталмиш даштиқипчоқликларнинг бир қисми Шайбоний-хон бошчилигида Сирдарё билан Амударё орасидаги ерларга кўчиб ўтдилар, ҳаттоки, Амударёнинг сўл соҳилидаги ерларни — ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмини ҳам ишғол қилдилар. Лекин, бундан ўзбек халқи XIV ёки XVI асрда пайдо бўлган, деган хулоса чиқариш хато бўлур эди. Халқнинг келиб чиқиш тарихи унинг номидан анча олдин юради. Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи ҳам, узоқ тарихга эгаллиги, юксак

маданияти туфайли кўпдан бери бутун жаҳоннинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келади. Аммо, бахтга қарши, кўпчилик ёшларимиз ўз юртининг тарихини яхши билишмайди. Чунки, яхши дарсликлар ва қўлланмалар йўқ; мактабда ҳам, олий мактабда ҳам — Ўрта Осиё тарихини, шунингдек Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишга жуда-жуда кам соат ажратилган. Янглишмасам, бу 7-8-9-синфларда 30 соатдан ошмайди; олий ўқув юртларида ҳам аҳвол шундай. Буни кўриб ачинаман, албатта...

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг аجدодлари ҳам, қадимдан шу ҳудудда истиқомат қилган саклар ва массагетлар, кейинча эса суғдийлар, хоразмликлар, бақтрияликлар, паркона (Фарғона)ликлар бўлган. Фикримча, ўзбекларнинг халқ сифатида таркиб топиши X аср охири — XI аср бошларига тўғри келади.

— *Сизнингча, ҳозирги ўқитиш системасига қўшимча равишда яна нималарни киритиш керак? Нималар етишмайди? Яна нималар халақит бераётми?*

— Фикримча, ўқув дастурларида номутаносиблик борга ўхшайди. Масалан, юқори синфларда она тили ва адабиёт фанларини ўқитишга бошқа фанларга нисбатан кам соат ажратилган, математика дастури эса ўта оғир. Кўпчилик уни ўзлаштиролмаётми. Юқорида айтиб ўтдик — болаларимиз ўз юрти ва халқининг тарихини яхши билишмайди. Дарсликларнинг сифати яхши эмас, уларнинг кўпчилиги бошқа шаҳарларда ёзилиб, сўнг ўзбек тилига таржима қилинган. Ўқув қўлланмалари бўлса йўқдай. Бундан ташқари, синфдан ташқари ишлар (тўғараклар, олимпиадалар, экскурсиялар) ҳам талаб даражасида эмас. Мактаб-маориф ишига мутасадди бўлган ташкилотлар ва раҳбар ўртоқлар буни тезроқ ва яхшироқ ўйлаб кўришлари зарур. Ундан ташқари, она тили ўқитиш дастурига эски ўзбек имлосини ўргатишни ҳам киритиш зарур, чунки ота-боболарнинг илмий ва маданий мероси шу имлода битилган. Мактаб келажакда шу улкан меросни ўқийдиган, ўрганадиган ва халқ оммасига етказиб берадиган йигит-қизларни тарбиялаб стиштириши лозим.

Суҳбатдош — *Муҳаммад ИСМОИЛ*  
*"Ленин учқуни",*  
*1989 йил 17 январ*

## ЎТМИШИ ЙЎҚНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

(Талабаларнинг саволларига жавоблар)

Ҳа, бу гапнинг тагида улкан ҳақиқат, зўр ҳикмат мужассам. Аслида ҳар бир халқнинг — унинг кўп ёки оз сонли бўлишидан қатъи назар — ўз тарихи бор. Баъзиларининг тарихи узун, бошқа бирлариники эса нисбатан қисқароқ. Лекин, қандай бўлмасин, халқ аталиши учун унинг тўла ҳақ-ҳуқуқи бор. Биз ўзбеклар ҳам кўплар қатори узун ва бой тарихга эгамиз. Аҳмад ал-Фарғоний ва Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий ва Маҳмуд Қошғарий, Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний, Улуғбек ва Али Қушчи, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Амир Тсмур ва Бобур, Абдуллахон ва Абулғозихон сингари фахрланса арзигулик аждодларимиз ўтишган. Биз Улар яратган ва жаҳон илм-фан хазинасидан муносиб ўрин олган бой илмий ва маданий мероснинг меросхўрларимиз.

Лекин, бу бой хазинани, кўп минг йиллик тарихимизни яхши биламизми? Йўқ, билмаймиз. Бунга кўп жиҳатдан биз катталар сабабчимиз. Биз болаларимизга Русия, Оврупо халқлари тарихи ва адабиётини кўпроқ ўргатдик, ота-боболаримиз тарихини эса улардан яширдик. Даҳшатлиси шу бўлдики, ота-боболар минг йилдан бери қўллаб келган эски араб имлосини ўзгартириш йўли билан ёш авлодни бой ва ранг-баранг илмий ва маданий меросдан сунъий тарзда ажратиб ташладик. Бунинг оқибати нималарга олиб келгани бугун ҳаммага аён.

Мен ёшлар ҳузурида тез-тез бўлиб тураман. Шунда ёшларимиз бундан кўп афсусланаётганликларини пайқайман, ота-боболар тарихига, Туркистонзамин тарихига нақадар чанқоқ эканликларига ишонч ҳосил қиламан ва саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Лекин, баъзида, айрим сабабларга кўра, уларнинг барча саволларига жавоб қайтаришга улгура олмайман. Мана шундай воқеа Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт олий билимгоҳи талабалари ва жумҳурият ёш ёзувчиларининг сминарида юз берди. Вақт етишмай, ёш дўстларнинг бир неча саволларига жавоб қайтаришга улгурмадим. Шундан бери қандайдир, нохуш кайфиятда юргандим. Хайриятки, "Ёш ленинчи" (ҳозир "Туркистон"— таҳр.) рўзномаси таҳрир ҳайъати қарзимни шу рўзнома орқали узишимга лутфан розилик берди.

Ёшларимиз берган саволларда қайд этилмаганлиги сабабли кўпчилик савол берувчиларнинг исм-шарифини айтиш имкониятига эга эмасман.

*Савол: Тарихни билиш кўп жиҳатдан дарслик ва ўқув қўлланмаларига боғлиқ. Бизда эса ҳанузгача яхши дарслик ва қўлланмалар яратилмаган. Бунинг сабаби нимада?*

*Жавоб:— Тўғри, мактаб учун ҳам, олий ўқув юрталари учун ҳам тарихдан, аниқроғи Ўзбекистон халқлари тарихидан (мен уни Ўзбекистон ССР тарихи деб аталишига тарафдор эмасман, чунки Ўзбекистон ССР деган тушунча 1924 йили пайдо бўлган) яхши дарслик ва қўлланмалар йўқ даражада. Бунинг сабаби, фикримча, жумҳурият Халқ таълими ва Олий таълим вазирлигида ўтирган мутасадди ўртоқларнинг ишга совуққонлик билан қарашида. Аслида бу иш ўзибўларманчиликка ташлаб қўйилган. Бунинг устига, дарслик ёзувчилар анча кўпайган, лекин уларнинг билими, малакаси нимага қодир эканлиги билан мутлақо қизиқишмайди. Халқимизда "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган мақол бор. Шунга амал қилиб иш кўрилмас экан, яхши дарслик ва қўлланмалар яқин орада яратилмайди.*

*Савол: Жумҳурият Фанлар академиясида Ўзбекистон халқлари тарихининг саккиз жилдлик нашри устида кўндан бери иш олиб борилаётганлигини эшитганмиз. Ва яна унинг тўрт жилди қадим-қадим замонлардан то Октябрь инқилобигача бўлган катта даврга, қолган тўрт жилди совет даврига ажратилган, деб ҳам эшитдик. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай!*

*Жавоб: Аслида бу савол Академия раҳбарларига ёки тарих илмгоҳининг директориغا берилса ўринли бўларди. Бу хусусда менинг шахсий фикрим шундай: бу катта иш 1985 йили бошланган ва 1990 йили уни тамомлаш режалаштирилган эди. Лекин бунга улгурмадик. Менимча бунинг айрим объектив ва субъектив сабаблари борга ўхшайди. Ҳар ҳолда кейинги вақтда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар олимларни бир қадар ўйлантириб қўйди. Қисқаси, кўп жилдлик "Ўзбекистон халқлари тарихи"ни ёзиб тамомлаш иши 1995 йилга чўзилди. Катта бир тарихий давр билан етмиш йиллик нисбатан кичик бир даврга баб-баробар ўрин берилганлиги масаласига келсак, бу ўша пайтларда ҳукм сурган қарашларнинг, ҳар жабҳада ҳокими мутлақ бўлган маъмурий-бюрократик услубнинг ёмон оқибати*

натижасидир. Афсуски, бу услубдан ҳозир ҳам тўла қутилиб кетганимиз йўқ. Бир сўз билан айтганда, мен бу кузатиш, қадим замон ва ўрта асрлар тарихига ҳеч бўлмаганда олти жилд ажратилишига тарафдорман.

Савол: *Араблар Мовароуннаҳрга босқинчилик йўли билан келган, деб талқин қилинади ва ҳозир ҳам баъзан шундай дейишмоқда. Бунга ишонмайман, чунки ислом дини адолатпарвар, инсонпарвар диндир. Умуман, Сизнинг ислом динига бўлган муносабатингиз!*

Жавоб: — Ҳақиқатан ҳам шундай дейилади. Араблар ўрта Осиёга гул кўтариб эмас, балки қилич осиб, найза кўтариб келганлар. Сиз айтган гап ҳозирги тарихчилар тарафидан ўйлаб топилган гап эмас, балки ўша даврдан қолган тарихий манбалардан, Табарий, Яъқубий, Балазурий, Муқаддасий каби араб тарихчилари ва жўгрофия олимларининг асарларидан маълум. Мен бу хусусда иккита далил келтириш билан кифояланаман.

Биринчиси: 712 йили араб қўшинлари бир неча кун давом этган оғир жанглардан сўнг Қутайба ибн Муслим (715 йили ўлдирилган) бошчилигида Самарқандни истило этганларидан кейин истилочилар билан Сўғд подшоси Ғурак (710—737) ўртасида тузилган шартномада мана бундай моддалар бор:

1) Самарқанд, Кеш ва Насаф халқи арабларга бир пайтнинг ўзида бирваракасига 2 миллион дирҳам ва ҳар йили 200 минг дирҳамдан ўлпон тўлайди.

2) Сўғдликлар йилига 3000 қул етказиб бериш мажбуриятини оладилар.

3) Исломни ихтиёрий равишда қабул қилмаганлар 200 дирҳам миқдорида ёки қимматли матолар билан жузья тўлайдилар.

4) Сўғдийлар Аллоҳнинг бандаси ал-Валид ибн Абду-малик (халифа, 705—715)га, амир Хажжож ибн Юсуф (халифанинг Ажам мамлакатларидаги ноиб, 661—714)га ва амир Қутайба ибн Муслимга итоаткор ва тобеъдурлар (ибн ал-Аъсам. "Китоб ал-футуҳ").

Одатда фақат ғолиб билан мағлуб ўртасида шундай мазмундаги шартнома тузилиши ҳаммага маълум. Демак, қонли уруш бўлган.

Иккинчи далил: йирик қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) "Осор ул-боқия" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") деган асарида (1000-йили ёзиб тамомланган) араблар ўша 712-йили Хоразмни ҳам истило қилганларида ўлкадаги бой кутубхоналарнинг кули-

ни кўкка совурганликларини ва олимларини ўлдирганликларини айтади. У, хусусан, бундай деб ёзади: "Қутайба Хоразм ёзувини яхши биладиган, халқ тарихи ва ривоятларни ўрганган ва бошқаларга ўргатадиган кишиларни қатл этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди". Бундай фактларни ўша даврдан қолган тарихий ва жўғрофий китоблардан истаганча топса бўлади.

Ислом динига келсак, у Арабистоннинг ўзида ҳам VII асрнинг бошларида, кўп ҳолларда қурол кучи билан тарқатилди. Пайғамбар алайҳиссалом Мадинада ўзи ва мусулмон жамоасининг мавқеъини мустаҳкамлаб олгандан кейин, қаршилик кўрсатган бошқа араб қабилалари, хусусан Мадина атрофидаги қабилаларга нисбатан ҳарбий куч ишлатгани тарихдан яхши маълум. Босиб олинган мамлакатларда, Эрон ва Туркистонда ҳам, ислом динини қабул қилдиришда ҳамма воситалар (миссионерлик, солиқ солиш, қурол ишлатиш)дан фойдаланилгани ҳам тарихдан маълум. "Қуръон"и каримда "жиҳод", "муқаддас урушлар" ҳақидаги гаплар ҳам сўзимизга далилдир. Исломнинг инсонпарварлигига келсак, менинг бунга ҳеч қандай шак-шубҳам йўқ. Исломда, хусусан барча мўмин-мусулмонларнинг муқаддас китоблари бўлмиш "Қуръон" ва Ҳадисларда ибрат бўладиган, зўр тарбиявий аҳамиятга молик фикрлар, одамларни адлу инсоф ва покликка чорловчи гаплар жуда кўп. Умуман, тарихда ислом динининг аҳамияти бениоҳят катта. Ислом маданиятининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни фанда аллақачонлар эътироф этилган. Шу боисдан менинг муқаддас динимиз Ислом хусусидаги фикрим ижобий.

Савол: *"Темур тузуклари" аслида қайси тилда ёзилган?*

Жавоб: Авваламбор шуни айтиш керакки, "Темур тузуклари" йирик саркарда ва давлат арбоби Амир Темур (1336—1405)нинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ва у ташкил этган давлатнинг маъмурий тузилиши ва янги армия ҳақида қимматли маълумот берувчи муҳим асар. Асар соҳибқирон ҳаётлик кезларида туркий тилда ёзилган. Лекин, бахтга қарши, унинг туркийча нусхаси бизнинг замонамизгача стиб келмаган. Ҳар ҳолда асарнинг асл нусхаси XVII асргача мавжуд бўлган ва Бобурийлардан Шоҳ Жаҳон (1628—1657)нинг топшириғи билан Мир Абу Толиб Ҳусайний Турбатий деган киши форс тилига таржима қилган ва ҳижрий 1047 (мелодий-1637-38) йили подшоҳга тақдим қилган. Асар француз

(1787 й.), инглиз (1830 й.), урду (1845), рус, (1894, 1934) ва эски ўзбек (1835, 1857 й. тўлиқ бўлмаган ҳолда) тилларига таржима қилинган. "Тузуки Темурий"нинг ҳозирги ўзбек тилига таржимаси яқин орада китоб шаклида босмадан чиқиб қолади.

Савол: *Бугун Темур ҳақида элини севган ҳам, шуҳратни севган ҳам сўзлаяпти. "Темур тузуклари" эндиликда ўзбек тилида чоп этилмоқда. Ҳолбуки, бундан уч йил илгари тезгузарлик баъзи кишилар "Темур тузуклари"ни рус тилида ўқиб юрган эдилар. Бу асар рус имлосида академик И. Мўминов томонидан чоп этилган эди. Ваҳоланки, Темур ҳақида ижобий гапларни бундан 20-25 йил илгари И. Мўминов айтган эди. И. Мўминов ана шу гаплари учун кўп қийналган, дейдилар. Рисоласи учун ҳам.*

*Сиздан илтимос, мумкин бўлса, 60-йилларда Темур ва уни ёқлаганларга бўлган муносабатлар ҳақида матбуот айтмаган гапларни айтсангиз.*

Жавоб:— Ҳақиқатан ҳам Темур ва унинг замони билан қизиқувчилар ва қизиқаётганлар кўп. Темур ҳақида кўп жиҳатдан афсоналар ва тарихчиларга яхши маълум бўлган рус ва ўзбек тилларидаги китоблардан истифода этиб снгил-слпи, хато ва нотўғри фикрлар билан тўла мақолалар ёзувчилар кўпайиб боряпти. Бунинг охири яхшиликка олиб келмайди, албатта. Ҳар ҳолда ҳар ким — у олимми, ё журналистми, бундан қатъи назар — ўз касб-кори билан машғул бўлгани маъқул.

"Темур тузуклари" XVII асрдан бери илмий жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келаётир. Марҳум Иброҳим Мўминовнинг нашрига (Тошкент, 1968) келсак, у тўла равишда Н. П. Остроумов (1846—1930) нашрининг (Қозон, 1894 й.) айнан ўзгинаси (фоторепродукцияси)дир. Шуни ҳам айтиш керакки, 1967 йили "Гулистон" ойномасининг бир қатор сонларида "Темур тузуклари"нинг ўзбекча таржимаси (таржимон Алихон Тўра Соғуний) ҳам эълон қилинганди. Рисолага келсак, домла Иброҳим Мўминовнинг бу асари "Амир Темур ва унинг Ўрта Осиё тарихидаги роли ва ўрни" (Тошкент, 1968 й.) деб аталади. Асарнинг жиддий илмий камчилиги йўқ. Унда воқсалар асосан тўғри ёритилган. Домланинг Амир Темур хусусидаги хайрли ишлари бу билангина чекланмайди. 60-йилларда Иброҳим Мўминовнинг ташаббуси билан Шарқшунослик илмгоҳида Амир Темур даври



тарихи ва манбаларини ўрганувчи бир илмий бўлим ҳам ташкил этилган эди. Бўлим қисқа умр кўрди, лекин самарали иш қилиб кетди. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарининг форсча матнини босмадан чиқарди (Тошкент, 1972 й.).

Ўша йиллари Иброҳим Мўминов ҳам, бошқалар ҳам анча жабр чекишди. Бу ҳам стмагандай 1972 йили жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасининг Феодал ўтмишни сохталаштиришга қарши махсус қарори чиқди. Шундан кейин ўтиннинг қуруғи ҳам, ҳўли ҳам ёнди. Унинг таъсири кўп йилларга кетди.

Амир Темур ва унинг тарихини ўрганиш масаласига келсак, унинг тарихи узун. Уни ўрганиш Овруподан бошланган, яъни XVI асрдан, Форестнинг "Темурнинг ҳаёти" (1543 й.), Мексиканинг "Буюк Темурнинг ҳаёти" (Венция, 1564 й.), Шармуанинг "Темурнинг Тўхтамишга қарши юриши, 1391 й." (СПб, 1853), Перондининг "Темурнинг ҳаёти" (Флоренция, 1553 й.), Сильвестра де Сасининг "Темурнинг Карл VI билан ёзишмалари" (Париж, 1822 й.), Хингтоннинг "Генрих IV давридаги ёзишмалар" асарлари шулар жумласидандир. Ва яна инглиз олимаси Хильда Ҳукхэмнинг "Фотиҳ Темур" (1962 й.) деган катта китобини ҳам эслатиб ўтиш зарур. Рус олимлари ҳам Темур ва унинг даври ҳақида кўпгина асарлар яратдилар. Бу ўринда А. Ю. Якубовскийнинг 1941 йили чоп этилган "Темур (қисқача сиёсий характеристика)" деган қимматли китобини (Москва, 1946), Л. В. Стросванинг "Темурнинг кўтарилиши" (Ленинград, 1952) ва И. И. Умняковнинг 1956 йилда Самарқандда чоп этилган "Марказий Осиёнинг XV аср бошларидаги халқаро алоқалари" асарини, Б. Д. Грсков ва А. Ю. Якубовскийнинг давлат мукофоти билан тақдирланган "Олтин ўрда ва унинг қулаши" (Москва—Ленинград, 1950) китобларини тилга олиш кифоя. Таниқли шарқшунос олим Маҳкам Абдураимовнинг (1916—1975) 1948 йили ёзиб тамомланган "Темур ва Тўхтамиш" деган асарини ҳам эслатиб ўтмоқчиман. Лекин бу ксракли асар ўз вақтида нимагадир босилмасдан қолди.

Кўриб турибсизки, Амир Темур ҳақида XVI асрдан бери кўп китоблар ёзилди, яхши фикрлар айтиб келинмоқда. Ўтган 1989 йили ва шу йили АҚШда инглиз тилида Темур ҳақида яна иккита монография чоп этилди. Фақат биз ўзбек тарихчиларигина бу борада яхши ишламаётибмиз. Бизни 1937—1952, 1972 йиллари илм-фан-

дан йироқ бўлган ва юмшоқ курсида ўтирган сиёсатдонлар анча қўрқитиб қўйишди. Шу вазиятдан фойдаланиб, бир-биридан ўч олган олимлар ҳам бўлди. Темур ва унинг даврини ўрганишга бел боғлаган И. Мўминов ҳам ана шу муҳитнинг қурбони бўлди.

*Савол: 1941 йили жумҳурият ҳукумат комиссияси Самарқандда Темурнинг қабрини очган, суякларини олиб, текширишган. Суяклар яна жойига қўйилганми-йўқми?*

*Жавоб: 1941 йили 16-20 июнь кунлари (умумий иш 24-июнда якунланди) Жумҳурият ҳукумати ва партия Марказий Қўмитасининг ўша йилнинг 23-29 апрелида қабул қилган 437-рақамли қарори билан Ўзбекистон ҳукуматининг махсус комиссияси (ҳужжатларда "махсус археологик экспедиция" деб ёзилган) Самарқандда, Гури Амирда дафн этилган Амир Темур ва унинг тўрт авлоди: ўғиллари Мироншоҳ билан Шоҳрух ва набиралари Муҳаммад Султон билан Мирзо Улуғбекларнинг қабрини очдилар. Комиссияга ўша вақтда Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, профессор Қори Ниёзов бошчилик қилди. Комиссия таркибида археолог, профессор В. А. Шишкин, антрополог-профессор Л. В. Ошанин, шарқшунос-профессор А. А. Семёнов, Ленинград давлат Эрмитажининг таъмирчиси, химик-профессор В. Н. Кононов, антрополог-ҳайкалтарош М. М. Герасимов, ёзувчи Садриддин Айний, меъмор Б. Н. Засипкин, Навоий юбилейини ўтказиш Қўмитасининг илмий котиби Ҳоди Зарифов ўртоқлар бор эдилар. Қазув-қидирув ишларида меъмор О. В. Крицкий, антрополог В. Я. Зезенкова, қурувчи-техник Г. И. Соловьёв, лаборант-археологлар Л. И. Альбаум билан В. И. Спришевский, суратчи И. П. Завалин, кинорежиссёрлар Н. А. Ким билан Малик Қаюмовлар ҳам иштирок этдилар.*

*Ўшанда комиссия Амир Темурнинг нуфузли хотини Бибихонимнинг ҳам қабрини очдилар.*

*Қўйингки, ўша кунлари барча қабрлар очилиб, мурдаларнинг суяклари олиб чиқилиб текширилди, текширилганда ҳам СамДУ лабораторияларида текширилди, баъзи бирларининг суяклари Тошкентга олиб келиб текширилди, баъзиларининг бош чаноқлари Москвага ҳам олиб борилди... Бутун қазув-қидирув жараёни кинолентага туширилди...*

*Темур ва темурийлар хилхонасида 1941-йилда ўтказилган қазув-қидирув ишларининг тарихи жуда катта. Гап кўп, кўмир оз деганларидек, бу кслажакда катта*

илмий ишларга мавзу бўлиши мумкин. Бу ишнинг умумий тафсилоти ёш архсолог олим Амридин Берди-муродовнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномасининг шу йил 16-ноябрдаги сонидан босилган ахборотида баён этилган. Сиз уни ўша рўзномадан яна бир бор ўқиб оларсиз. Мен масаланинг бошқа тарафи хусусида ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни ўртага қўймоқчиман.

Биринчи. Ҳужжатларга қараганда, бу иш буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини ўтказиш ва Самарқанд тарихини чуқур ўрганиш учун қилинган эмиш. Ўз-ўзидан савол туғилади — Амир Темур авлоди суякларининг юбилей ва шаҳар тарихини ўрганишга қанақа алоқаси бўлиши мумкин? Хун сардорлари, Миср фиръавнлари ва Хитой императорларининг хилхоналари ўғридан чўчиб ер остига жуда мустаҳкам қилиб қурилгани, шундай бўлса ҳам уларнинг баъзилари ўғрининг эгри қўлидан қутулиб қололмаганлиги тарихдан маълум. Фиръавнлар ва қадимий Миср подшоҳларининг қабрида бойлик бўлган, лекин мусулмонлар орасида мурдани бойлик билан қўшиб кўмиш одати йўқ-ку! Ҳар ҳолда, Темур хилхонаси ҳам бекорга очилмагандир. Авлодлар бир кунмас-бир кун бунинг асл сабабини билиб олишар.

Иккинчи. Ўша 1941 йилнинг 24-июнь куни ҳукумат комиссиясининг жумҳурият Вазирлар Кенгашининг вакили Н. А. Овсянников, Самарқанд НКВДси вакили А. К. Клицкий ва бошқалар иштирокида тузилган далолатномада Темур ва авлодининг суяклари, қабрдан топилган бошқа нарсалар атрофлича текшириш учун олиб қолинганлиги, қабр тошлари вақтинча жой-жойига қўйилганлиги, сўнгра хилхонанинг дераза ва эшиклари махсус ишланган темир панжаралар билан тўсиб, қулф Халқ маорифи комиссарлигининг муҳри билан муҳрланиб, муҳрнинг ўзи сақлаш учун ҳукумат комиссиясининг котиби Ҳоди Зарифовга топширилгани қайд этилган. Бошқа маълумотларга қараганда, суяклар Тошкентга олиб келиб текширилган, сўнг қайта жой-жойига қўйилган. Яна бир гап: антрополог-ҳайкалтарош М. М. Герасимов марҳумларнинг бош чаноқларини ўрганиш асосида Амир Темур, Шоҳрух, Мироншоҳ ва Улуғбекнинг скульптура суратини яратган. Бу бир-икки ой ичида қилинадиган иш эмас, албатта. Бунинг учун кўп вақт, махсус лаборатория керак. Албатта М. М. Герасимов бу катта ва

мушкул ишни Самарқанд ёки Тошкентда бажармагандир? Қолаверса, унинг ўзи москвалик, лабораторияси ҳам ўша шаҳарда эди. Шунинг учун ҳам Амир Тсмур, Мироншоҳ, Шоҳрух, Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбекнинг устихонлари тўла-тўкис ўз ўрнига қайтариб қўйилганми-йўқми — ҳозирча буни айтиш қийин. Мен фақат бир нарсага ҳайронман. 1947 йили Москванинг 800 йиллиги, 1953 йили Ленинграднинг 250 йиллиги байрам қилинди. Лекин ҳеч ким на Иван Грозний ёки Петр I нинг қабрини очгани йўқ. Рус подшоҳлари ҳамон Кремлнинг ичида, Петр I Петропавловск қалъасида ётибдилар. Уларнинг қабридан гулчамбарлар ҳали ҳам аримайди.

Учинчи. Қирғин-барот урушлар, зилзила ва сув тошқинлари ва ниҳоят, шу 70 йил ичида кўрган-кечирганларимиз: ҳар турли "маданий инқилоб"лар, қувғинлар, таъқиқлар ва қатағонлар халқимизни кўп моддий ва маънавий қадриятларидан жудо қилди. Шунга қарамай, ота-боболаримиз яратиб қолдирган улкан маънавий бойликнинг бир қисми сақланиб қолган. Уларни кўз қорачиғидай асрашимиз, ўрганишимиз ва келажак авлодга беками-кўст узатишимиз лозим. Бу жумҳуриятда истиқомат қилиб турган барча кишининг, биринчи галда раҳбарларимиз, олимлар ва зиёлиларнинг муқаддас бурчи бўлиши керак. Музейларда ва кутубхоналарда сақланаётган китоблар, ҳужжатлар ва бошқа ёдгорликларни асраш, имкони бўлганда кўпайтириш ёшларимизнинг ҳам вазифаси бўлиши керак. Чунки булар кечаги тарихимиздир. Буларсиз тарихимизни билолмаймиз. Лекин, минг афсуски, уларни сақлаш ва ўрганиш мутлақо ёмон аҳволда. Ўша кутубхона ва музейларни том маъноси билан музей ва кутубхона деб бўлмайди. Китоблар, ҳужжатлар ва экспонатлар ҳар ер-ҳар ерда сочилиб ётибди, баъзиларини эса ўғирлаб кетишган. Ўша Гўри Амирдан олинган нарсалар ҳам ҳозир ҳар ерда. Масалан, Амир Тсмурнинг тобути Самарқандда, қопқоғи Тошкентда ётибди. Қабрлардан топилган нарсалар бўлса Тошкентда, Адабиёт музейида. Уларни сақлаш эса мутлақо талабга жавоб бермайди. Дарвоқе, қабрларни очиш жараёни фотосуратга ва кинолентага олинган экан. Фотосуратлар ўша музейнинг хоналаридан бирида очилиб-сочилиб ётибди, изоҳи бўлмаган суратда акс эттирилган, суякларни ўзига хос ғурур ва сурур билан кўтариб, тиржайиб турган одамларнинг кимлигини, нарсаларнинг кимга тегишлилигини билиб бўлмайди. Суратлар тарихи ҳам қайд этил-

маган. Шу хусусда яна бир гапни айтиш эсимдан чиқаёзибди. Гўри Амирда 1941 йилнинг 16-20-июнида олиб борилган қазув-қидирув жараёни акс эттирилган 20-25 минутлик киноплёнка ҳам шу адабиёт музейида сақланыпти. Музейларда жой бўлмагани сабабли кўп ноёб экспонатлар зах сртўлаларда ётибди.

Қани энди музейларимиз ҳам, кутубхоналаримиз ҳам шинам, замонавий техника усуллари билан жиҳозланган биноларда жойлаштирилса. Биз ҳамон фақат шу орзу-умид билан яшаётибмиз. Аҳвол шу тариқа давом этавс-радиган бўлса, ижтимоий-иқтисодий жабҳада бўлганидек, маданий ҳаётда ҳам қайта қуриш бўлишидан бўлмаслиги аниқроққа ўхшайди. Бунақа кўҳна ва бой тарихимиздан ажралиб қолишимиз мумкин.

*"Ёш ленинчи",  
1990 йил 11 декабр*

## ҲАММА НАРСАГА ЭГАМИЗ, АММО...

(Талабалар билан суҳбат)

— *Амир Темурнинг ҳарбий тактикаси хорижий мамлакатларнинг ҳарбий академияларида дарс сифатида ўқитиладими?*

— Амир Темур фақатгина тажрибали ва тадбиркор давлат арбоби бўлибгина қолмай, балки йирик саркарда, урушнинг тактика ва стратегиясини яхши билган одам бўлган. Амир Темур бирон марта ҳам кураги ерга тегмаган саркарда саналади. Шунинг учун ҳарбий санъати инқилобга қадар Русия ва Франция ҳарбий академияларида махсус ўқитилган. Унинг ҳарбий санъати ҳақида махсус китоблар битилган. Шундай китоблардан биттаси менинг кутубхонамда ҳам бор. Китобни Русия армияси Бош штабининг масъул ходими, генерал-лейтенант М. И. Иванов ёзган. Китоб "О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднесазиатских народов при Чингизхане и Тимуре" деб аталади. У 1875 йили Санкт-Петербургда чоп қилинган.

— *Кейинги йилларда "Бобурнома", "Шайбонийнома" ва "Темурнома" каби ўрта асрларда ёзилган китоблар чоп этилди. Айтишларича, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" деган асари ҳам бор экан. Шу асар ҳам чоп этиладими?*

— Ўтмиш тарихимизга оид ва чоп қилиниши зарур бўлган қўлёзма асарлар кўп. Биз ҳали уларнинг мингдан бирини ҳам ўрганиб улгурганимиз йўқ. Амир Тсмур ва унинг Ўрта Осиё билан Ҳиндистонни 488 йил (1370—1858) идора қилган авлоди тарихига бағишланган китоблар эса сон-саноксиз. Соҳибқирон Амир Тсмурнинг ўзига бағишланган китобларнинг ўзи ҳам анчагина. Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир сингари забардаст муаррихлар ёзиб қолдирган катта-катта китоблар бор. Уларнинг мазмунини жуда кам мутахассис билади. Афсуски, бу китоблар ҳанузгача таржима қилинмади, ваҳоланки, Амир Тсмур ва унинг ажойиб фарзандларининг кимлигини, уларнинг ҳақиқий қисфасини, қилган катта-кичик ишларини, улар ҳукмронлик қилган даврда мамлакат ва халқнинг умумий аҳволи қандай кечганини яхши билмаймиз. Шу пайтгача фақат Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ўрни ва икки азим дарёнинг қуйилиш жойи") деган китобининг бир қисми ўзбек тилида, Ғиёсиддин Алининг "Амир Тсмурнинг Ҳиндистонга қилган уруши кундалиги" китоби рус тилида чоп этилди, холос. Мана, энди Поён Равшановнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йили тошкентлик Салоҳиддин қори номи билан боғлиқ "Тсмурнома" деган асар нашрдан чиқди. Лекин Амир Тсмур тарихи бўйича энг ишонарли ва қимматли манба ҳисобланмиш Низомиддин Шомий билан Шарафиддин Али Яздийларнинг "Зафарнома" номли шоҳ асарларини ҳали кўпчилик ўқимаган. Шу ерда бир гапни айтмоқчиман. Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"си 60-йиллардаёқ форс ва араб тилларининг билимдони, яхши манбашунос олим марҳум Юнусжон домла Ҳакимжонов тарафидан форсчадан ўзбек тилига таржима қилинган эди. Лекин у ҳам ўша доғули йилларда ёруғ дунё юзини кўролмади. Билишимча, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик олийгоҳида бу асарни нашр қилиш устида иш олиб бориляпти (Ишқилиб тайёр ошга шерик кўпаймаса бўлгани). Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сини эса бирон мутахассис ўзбекчага таржима қилаётгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз<sup>1</sup>. Бу

1

Ҳозир уни истёждодли олим Омонулла Бўриев ўзбек тилига таржима қилляпти. Асарнинг 1370—1380 йиллар воқсаларини ўз ичига олган қисмини 1974 йили "Камалак" нашриёти чоп этди (*тахр.*).

ажойиб асар бир вақтлар марҳума Е. А. Полякова тарафидан рус тилига таржима қилинган эди, лскин афсуски, таржима қўлсэмаси йўқолганга ўхшайди.

— *Олий билимгоҳларнинг тарих бўлимларида араб ёки форс тили ўқитилишига қандай қарайсиз?*

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, VIII асрдан то XX асрнинг биринчи чорагигача бўлган, яъни қарийб 1200 йиллик тарихимизнинг манбалари асосан, араб ва форс тилларида ёзилган. Шу асарлар ичидаги факт ва маълумотларсиз қандай қилиб тарихимизни ўрганишимиз мумкин? Бундан ташқари, ўзбек тили таркибидаги сўзларнинг маълум фоизини араб, форс ва байналминал сўзлар ташкил этади, чунки асрлар давомида биз ўзбеклар араблар, форслар ва бошқа жуда кўп халқлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлиб келганмиз. Қисқаси, ҳар иккала тилни — араб тилини ҳам, форс тилини ҳам тарих ва филология факультетларида (ва ҳатто математика факультетида ҳам) ўқитишни қатъиян жорий қилишимиз лозим, дсб ҳисоблайман.

Шу ўринда мен ёш йигит-қизларимизга яна бир гапни айтиб қўймоқчиман. Сизлар форс ва араб тилларидан ташқари, битта хорижий тилни — англизми, французми, немисми ёки испан тилиними яхшилаб билиб олишингиз зарур. Бундан ташқари, техник маълумотингизни ҳам оширишингиз зарур. Бирон техникавий касб-ҳунарни эгаллаб олишингиз лозим. Бусиз келажакда қийналиб қоласиз. Жумҳуриятимизнинг гапда эмас, амалда тўла мустақилликка эришиши кўп жиҳатдан сизларнинг кенг илмли, юксак маданиятли бўлиб стишингизга ҳам боғлиқ.

— *Манзилгоҳ, ҳужалик ва кўчаларимизнинг номлари кўпинча русча. Бу тарихга хилоф эмасми?*

— Саволингизда жон бор. Биз кўпинча инқилобчилар, шўро давлати ва Коммунистик фирқа раҳбарларининг номини — у одам ўша ерда бўлганми-йўқми, ўша ерни обод қилишга хизмати сингганми-йўқми — бундан қатъи назар, шаҳар, қишлоқ, туман, жамоа ҳужаликлари ва мактабларни уларнинг номи билан атаб келганмиз. Хизмати сингганлар эса кўпинча четда қолиб кетишган. Масалан, В. В. Бартольд, В. Л. Вяткин, А. А. Семёнов, В. П. Наливкинга ўхшаган жуда кўп рус фан арбоблари Туркистонда яшаганлар; улар тарихимизни ўрганишган,

1

Бу масала кейинги йилларда тузатилмоқда. (таҳр.) ✓

урф-одатларимиз, маданиятимизни ҳурмат қилишган, ул-када илм-фанни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Лекин Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Намангандаги бирон кўча Бартольд, Ссмёнов, Наливкин номи билан аталмаган. Эски жой номлари масаласида шуни айтиш керакки, шаҳар, кўча илгаридан қандай аталган бўлса, уни ўзгартирмаслик даркор. Башарти ўзгартариб юборилган бўлса, дарҳол ўз номини қайтариш керак.

Шу хусусда яна бир муҳим гап. Олий билимгоҳ ва дорилфунунларнинг тарих ва филология факультетлари талабалари, тарих ўқитувчилари жойларнинг асл номларини суриштириб (буни билувчи қариялар борган сари камайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда), рўйхатини тузиб қўйишлари, ўша жойларнинг тарихини сўраб-суриштириб ёзиб олишлари ҳозир жуда зарур. Чунки қадимий шаҳар, қишлоқ ва гузарларимизнинг ҳақиқий номи йўқолиб кетяпти. Масалан, Андижонда Асака, Қорасув, Кампирработ деган қадимий жойлар бўларди. Бу жойлар кўпдан бери Ленинск, Ильичевск, Советобод деб аталади. Яна 30-40 йилдан кейин бу жойларнинг эски номини ҳеч ким айтиб беролмаслиги турган гап. Шунинг учун, биринчидан, жойларнинг эски номларини тиклаш керак, иккинчидан, жой номлари рўйхати тузилиши, уларнинг тарихи қисқа тарзда бўлса ҳам ёзиб олиниши зарур. Бу ҳар бир илми толиб ва зиёлининг бурчидир.

— *Инқилобдан аввалги адабиётимизни йўққа чиқариб келдик. Шу тўғри бўлдими?*

— Йўқ, албатта. Бу иш "ўйламай, билмасдан қилинди", деб айтолмайман, аксинча, билиб туриб атайин қилинди. Ёш авлодни ота-бобосининг тарихидан, маданий меросидан ажратиб ташлаш мақсадида шундай қилинди. Ваҳоланки, инқилобдан аввал яратилган асарлар тарихимиз ва маданиятимизнинг ўқ илдизи эди. Хуллас, кўриб турибмиз, буни оқибати ёмон бўлди. Маънавий қашшоқ бўлиб қолдик. Ўтмишимиздан ажралиб, ўзлигимизни йўқотиб қўйишимизга бир баҳа қолди...

*Термиз Давлат педагогика институти  
талабалари билан суҳбат.*

*"Ёш ленинчи", 1991 йил 20 апрел*



*Тўртинчи қисм*  
**АМИР ТЕМУРГА МАКТУБЛАР**

---

Ассалому алайкум, соҳибқирон ҳазратлари!

Кўп йиллардан буён Сизга тинимсиз хатлар ёзаман. Ота юртингиз Шаҳрисабзга, пойтахтингиз Самарқандга, Қорабоғ, Табриз, Бағдод ва бирталай шаҳарларга жўна-таман, дёб конвертга соламану яна ўйлаб кўриб қайтариб папкага солиб қўяман. Чунки стиб боролмайди, дёб қўрқаман. Йиллар ўтиб папкани очиб қарасам улар анча-мунча йиғилиб қолибди. Уларни қайта-қайта ўқиб чиқарканман ўз вақтида юбормаганимга бир қадар пушаймон бўлдим. Дилдаги анча гаплар айтилган экан, уларда. СССР дёб аталмиш қизил империянинг чилпар-чин бўлиши ва Ўзбекистон миллий мустақиллик, истиқлол йўлига ўтиши арафасида унга ҳамнафас бўлиб ёзилган экан бу мактублар. Баъзи мактубларнинг ўта эҳтирослилиги шундан бўлса ажаб эмас. Мана энди нафасимизни бир қадар ростлаб олдик. Ўзбекистон қис-қагина тўрт-беш йил ичида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида мисли кўрилмаган муваффақиятларни қўлга киритди. У саноати ва маданияти ривожланган бир мамлакатга айланиб бормоқда. Раҳбар ҳам, халқ ҳам Туркистоннинг Сизнинг даврингиздаги, ҳазрати соҳиб-қирон, улуғлигини тиклаш йўлида астойдил меҳнат қил-моқда. Шундай кунлар яқин. Мен бунга аминман.

Миллий истиқлол арафасида ва мустақилликнинг да-стлабки йилларида дилдан кечган баъзи илмий, ижти-моий-сиёсий муаммолар хусусида арз қилинган эди ушбу мактубларда. Папкада қолиб кетганидан не фойда? Кўп гаплар, ҳатто шубҳалар, эътирозлар дилдан кечган эди унда. Аслини олганда бу ҳам тарих — ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихи. Шунини ўйлаб, аълоҳазрат, Сизга ёзган ўша мактубларни жамлаб, чоп этишга жазм этдим.

## БИРИНЧИ МАКТУБ

Ҳазрати олийлари!

Дилни ўртайдиган бир гапни Сизга арз қилишга журъат этдим. Ҳар гал бирон хорижий мамлакатдан китоб олганимда, айниқса, ўша китоб Сизнинг хавф-хатарга тўла ҳаёстингиз, эл-юртнинг эмну омонлиги ва фаровонлиги йўлида қилинган ижтимоий-сиёсий фаолиятингизга бағишланган бўлса, бсҳад суюнаман, ҳам фахрланаман. Ва, ростини айтсам, изтироб ҳам чекаман. "Нсга шундай китоб ўз юртимизда битилмайди ва чоп этилмайди" деб афсусланаман. Яқинда Амриқо, Ҳиндистон ва Фарангистондан Сизга бағишланган тўртта китоб олдим. Ҳажм жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам анча мукамал китоблар экан, улар. Масалан, Амриқодан олинган китоблардан бири шарқшунос олима Бсатрица Манзнинг қаламига мансуб. Мен бу истсёдодли аёлни яхши биламан. Бундан 10—15 йил муқаддам Ўзбекистонга, бизнинг Шарқшунослик илмгоҳига малака ошириш учун келган ва Тошкентда узоқ муддат турган эди, бу олима. Мен ўшанда унинг илмий машғулотларига маслаҳатчи ва раҳбар бўлгандим. Бсатрица Манзнинг менга юборган китобида Чигатой улусининг XIV асрдаги пароканда аҳволи, Сизнинг улусдаги феодал тарқоқликка барҳам бсриш, марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ва Сиз асос солган давлат ва лашкарнинг тузилиши билан боғлиқ масалалар баён этилган экан. Ҳиндистонлик олим Саййид Жамолиддиннинг китоби, шунингдек, Париждан келган Жан-Поль Ру ва Люсьен Карэнлар ёзган икки китобнинг мазмуни ҳам тахминан шундай. Бу китоблар Мовароуннаҳрнинг XIV—XV аср бошларидаги сиёсий тарихини ўз ичига олган. Хуллас, фақат бизнинг асримизда Овруро ва Амриқода Сизга бағишлаб ўттизга яқин катта-катта китоблар ёзилибди. Овруролик драматурглар Сизнинг ҳақингизда ажойиб саҳна асарлари яратдилар; фарангистонлик ҳайкалтарошлар Сизнинг олтиндан ҳайкалчангизни қуйиб, кўпгина музейларда намоиш қилдилар.

Хўш, шундай ишни Сиз билан бизнинг юртимизда ҳам қилса бўлармиди? Бўларди, албатта. Бу ишни қойиллатиб қиладиган малакали, истсёдодли олимларимиз бор эди. Қўлимизда бунинг учун манбалар ҳам старли эди. Ахир, хориждаги касбдошларимиз ўз китобларини бизнинг кутубхоналаримизда сақланаётган ёки фалакнинг

гардиши билан ўша юртларга бориб қолган ноёб қўлёзма китобларни ўқиб-ўрганиб ёзишди-ку. Лекин, минг афсусу надоматлар бўлсинким, бундай китоблар ёзишимизга бизга шу пайтгача рухсат беришмади" "Нега? Ким бунга монслик қилди", дейсизми? Бунинг сабаби битта: биз ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар ва қозоқлар 1864 йилдан бери Сиз ўша, бир пайтлар Олтин ўрда истибдодидан халос бўлишига ёрдам берган Русиянинг мустамлакасига айланиб қолгандик. Ана шу мустамлакачилар бунга йўл беришмади. Нафақат Сизнинг ҳаёстингиз ва фаолиятингизни, ҳазрат соҳибқирон, балки, умуман кўп минг йиллик тарихимизни ўрганишимизга монслик қилдилар улар. Бизнинг тарафимиздан бу борада бирон хатти-ҳаракатни пайқаб қолгудай бўлишса, дарҳол чоратадбирларини кўрдилар: бизларни миллатчига чиқардилар, пешонамизга панисломчи, пантуркчи деган тамғаларни босдилар. Ҳа, дарвоқе, бу ёғини айтсам, ҳозир Сизни ҳам пантуркчига чиқариб қўйдилар. "Далилинг борми" дейсизми? Бор. Масалан, Масковда "Дружба народов" ("Халқлар дўстлиги") деган бир жариди чиқарди. Ўша "Дружба народов"нинг 1990 йили чиққан тўққизинчи сониди биз билан қўшни жумҳуриятда истиқомат қилиб турган ҳурматли бир академикнинг (Сизга тушунарли бўлсин, дейдиган бўлсак — алломанинг каттаси) катта мақоласи эълон қилинди. Ҳурматли академигимиз Сизни "Темур — пантуркчи" дсб очик ёзибди. Ё раббий! Қуруқ туҳматдан ўзинг сақла! Сиз яшаган замонда "панисломизм", "пантуркизм" деган гап йўқ эди-ку! Ўша замонда турку тожик, форсу араб — барча мўмин-мусулмон Сиз барпо этган давлат соясида бир отанинг боласидек яшашган-ку! "Пантуркизм"га келсак, бу ғоявий оқим Сиз ҳаётдан кўз юмгандан қарийб 500 йил кейин пайдо бўлганини ҳамма билади. Ҳатто академик бўлмаган одам ҳам. Агар бу ҳақиқатни кимдир билмаса, ҳеч бўлмаса барчага маълум қўлланмаларга мурожаат қилса бўларди. Масалан, ҳатто ўша "пантуркизм"ни кашф этган шўро даврида нашр қилинган қомусларда ҳам "пантуркизм" тушунчаси мана бундай изоҳланган: "Пантуркизм — турк тилида сўзлашувчи барча халқларни Туркия қўл остида бирлаштириш ғоясини илгари сурган ғоявий оқим. Пантуркизм XIX аср охири XX аср бошида Туркия буржуа-помешчик доиралари ўртасида ва Русиянинг айрим туркий халқлари яшайдиган районларида пайдо бўлган" ("Историческая энциклопедия", т. 8, 403-бет).

Аҳвол мана шунақа, ҳазрати олийлари! Бир бечорани маломатга қўйиш, унга истаганча туҳмат қилиш ва ҳатто озгина бўлса ҳам шубҳа туғдирган одамни йўқ қилиб юбориш ҳеч гап бўлмай қолган эди, яқин-яқинларда. "Далил-исботинг борми?", дейсизми? Бор, албатта. Уни истаганча келтириш мумкин. 30—40 йилларда ўтказилган қатағон... Яқин кунларда юз берган хунук воқсалар... Яна битта мисол келтираман. Иброҳим Мўминов деган мўмин-мусулмон бир уламо — Тангри таоло унинг руҳини шод қилсин — 1968 йили "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли ва ўрни" деган кичик бир рисола ёзиб чоп эттирганди. Ҳазрати олийлари, унинг бу жасорати иккала қўлига кишан урилган одам ўша алпозда экин экиб элни тўйдиргандек бениҳоя савоб бир иш эди. Мен домла билан яқиндан таниш эдим. Муҳтарам домла мазкур китобча билангина чекланиб қолмоқчи эмас эдилар. Келажакда ўрта аср тарихини биладиган одамларни бир ерга тўплаб, Сизнинг тарихингиз билан атрофлича шуғулланиш ишини ташкил этмоқчи эдилар. Сиз ва ворисларингиз даврида битилган асарларни ўзбек ва рус тилларига таржима қилдириб, нашр эттириш ниятида эдилар. Лекин ул зоти киромнинг бу хайрли нияти ушалмай қолди. Чунки ул табаррук зотнинг йўлини тўсиб, ўзини уркалтак қилишди...

Қисқаси, биз ўзбек тарихчилари ҳам кўп нарсага қодир эдик, лекин қўлимизни боғлаб, тепамизда калтак кўтариб туриб олдилар. "Ким", дейсизми. Ким бўларди, халққа фаровон турмуш, бахтли ҳаёт ваъда қилиб, уни 75 йилдан бери лақиллатиб келган, миллион-миллион кишиларнинг суягини Сибирь ва Узоқ Шарқ ўрмонлари, ботқоқликлари ичида чиритган большевиклар партияси ва шўро раҳбарлари-да! Тангри таолога минг бор шукрки, уларнинг кимлиги, асл қиёфаси бугун ҳаммага ошкор бўлди. Лекин ўзимизда ҳам айб катта. Шу ўтган 130 йил ичида бизлар тамоман ўзгариб қолдик. Ҳозир сиз билган яқдил, ҳамжиҳат, жангари ўзбек бўлмай қолганмиз. Ўлгунча ссртакаллуф, лоқайд, мутега айланганмиз. Тиним билмай меҳнат қилиш, бола боқишдан бошқани билмаймиз. Оч бўлсак ҳам, устимиз юпун бўлса ҳам, ўтган кунимизга шукр қилиб кун кечирувчи оломонга айланиб қолганмиз. Масковлик бошлиқ ва унинг тепамизга ўтқизиб қўйган ноиблари "Тур ўрнингдан!", деса турдик, "Ўтир!", деса ўтирдик. Охир-оқибат, ҳазрати соҳибқирон, мана шунақа бўлиб қолдик. Тарихимизни,

қадриятларимизни, урф-одатларимизни унутдик, она тилимиздан ажралиб қолишимизга бир баҳя қолди. Мана, қаранг-а, ҳозиргача жума кунини эмас, балки якшанбани (воскресенье, яъни Иусус Христос қайта тирилган кун) дам олиш куни деб, шунга одатланиб қоляпмиз. Ваҳоланки, мусулмонларнинг дам олиш куни — жумъа куни бўлган.

Хайриятки, ҳазрати соҳибқирон, яқинда бир замонлар Сизнинг қўл остингизда бўлган Туркистонзаминдаги жумҳуриятлар ўз миллий мустақиллигини қўлга киритдилар. Лекин бу, том маъноси билан, тўлиқ мустақиллик дегани эмас ҳали. Ҳали маълум даражада иқтисодий қарамлигимиз бор. Бизни фақат хом ашё (пахта, олтин, қоракўл тери, пилла, боғдорчилик мевалари ва полиз экинлари) стиштириб берадиган халққа айлантириб қўйишган. Буларни арзон баҳога ташиб кетишиб машина ва ускуналарини бизга олтин баҳосида сотишган. Мана шуларнинг оқибатида мустақилликка эришганимиз билан иқтисодий қийинчиликлар исканжасида қолдик...

Аммо жумҳуриятимизнинг Президенти (Биз у кишини оддийгина юртбоши деб атаймиз) ташаббуси билан катта-катта ишлар бошланди: одамларга ср берилди, узоқ-яқин қишлоқларга ичимлик сув ва газ олиб борилди, камдаромад одамлар, оилалар, кўп болаликлар ва ногиронлар давлат ҳимоясига олинди... Уюшган жиноятчиларга, отдан тушса ҳам, узангидан тушмай юрган тўраларга қарши аёвсиз ўт очилди. Иншооллоҳ, тўқчилик ва фаровон кунларга ҳам стиб қолармиз. Бу ёғи кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ.

Яна бир даҳшатли аҳвол шу бўлдики, соҳибқирон ҳазратлари, биз туркистонликларни 1924 йили бўлиб ташлаган эдилар. Шу пайтгача бўлак-бўлаклигимизча — Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон бўлиб яшаяпмиз. Бу аҳвол аслида тили бир, дину эътиқоди бир, урф-одати бир халқларнинг кслажаги учун қандай бўларкин? Бу ёғини худо билади. Ҳарҳолда "бўлингани бўри ср" деган гап бор...

Нима ҳам қилдик. Инсон боласи доимо орзу-умид билан яшайди. Туркистон замини халқлари Сизнинг даврингизда бўлгани каби яна бир оила бўлиб яшайдиган замонлар келиб қолар. Мана, яқинда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон бир иқтисодий иттифоққа уюшдилар, чегараларни очиб ташладилар. Бу — бозоримизни битта бўлишига катта йўл очиб берди. Билганга

бу катта иш! Мен ўзбек, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ халқларининг ақл-заковатиға ишонаман. Бу йўлда бизларни илоҳим Сизнинг муқаддас руҳингиз қўлласин, ҳазрати соҳибқирон.

*Муаррих Бўрибой АҲМЕДОВ  
Ҳижрий 1412 йил, ражаб ойи.*

## ИККИНЧИ МАКТУБ

Ассалому алайкум, ҳазрати соҳибқирон!

Кейинги йилларда ўзбекнинг кўкрагига озгина бўлса-да эрк ва истиқлол шамоли таскандай бўлди. "Биз ҳам халқмиз, миллатмиз, кўҳна ва бой тарихга эгамиз", "Амир Тсмурдек улуғ инсон бизларга бобокалон бўладилар", деб айтиш ҳуқуқиға эга бўлдик. Худоға минг қатра шукр шу кунларға тасказгани учун! Энди олимларимиз снг шимариб ўта қадимий ва кўҳна тарихимизни варақлашға тутиндилар. Ниҳоят, Сизнинг тарихингизни ҳам ўрганишға киришдик. Лскин, тўғри бўлаштибми, ё аксими, билмадиму, бу ишни билган ҳам қияпти, билмаган ҳам. Аксига олиб, Низомиддин Шомий, Ҳофиз Абрў, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамирга ўхшаган Сиз билан замондош, ҳамаср тарихчилар қолиб кетиб, баъзи "тадқиқотчилар" Сизнинг ҳақингизда турли даврларда тўқилган афсоналар ва нақл-ривоятларни рўкач қилиб, бизни тарихдан ўқитмоқчи бўлиб юрибдилар. Ва ҳатто манбаи аниқ бўлмаган "Тсмурнома" деган китобни ҳам чоп қилдиришиб, ҳаммага кўз-кўз қилиб юришибди. Даҳшатлиси шундаки, улар Сиз қилмаган ва ҳатто бир умр тушингизға ҳам кирмаган баъзи ишларни Сизға тўнкаштишибдилар. Ҳамма бало тарихни, ўша тарих битилган тилни билмасликдан, деб ўйлайман. "Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомға йўргалайди", деб бекорға айтишмаган-да! Хулласи калом, Тсмуршунослар ўрниға "Тсмирчилар" кўпайиб боряпти. Том маъноси билан Тсмирчилар!

Мисол тариқасида ана шунақа чўпчаклардан бир-иккитасини сизға айтиб бермоқчиман, чунки Сизнинг сўраб-суриштирмай бир қарорға келмайдиган одатингиз бор.

Биринчи мисол: Республика газеталаридан бирида 1990 йилнинг охирироғида таниқли журналистнинг мақоласи тўлон қилинди. Мақола, умуман олганда, ёмон эмас.

Лекин мақолада келтирилган бир далил кишини ажаблантиради. Чунки у тамоман ҳақиқатга зиддир. Муаллиф уни собиқ КПСС (Сиз бу қудратли сиёсий ташкилот ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Собиқ СССР ва унда истиқомат қилган барча халқларни шулар қатори ўзбек халқини ҳам бсармон эзиб келган бу ташкилотнинг кирдикори энди фош бўлди)нинг бош рўзномаси бўлган "Правда"дан ўқиб, сақлаб қўйган экан. "Ўн бешинчи аср бошларида,— деб ёзилган эди ўша "Правда" рўзномасида,— Анқара қалъаси деворлари ёнида Темур қўшини турк султони Боязид Йилдирим қўшинини тор-мор келтиради. Ривоят қилишларича, Боязидни асир олиб, Темур ҳузурига келтирилганларида султонни кўриб, Амир Темур кулиб юборади. Боязид Йилдирим газабга келиб: "Мени ўлдир, аммо ҳолимга кулма!", дейди. "Сендан кулаётганим йўқ,— дейди Амир Темур,— буни қараки, бу дунё қанчалик кенг, жозибали. Шундай ажойиб дунёни тасарруф қилиш келиб-келиб мендай чўлоққа-ю, сендек кўрга қолса-я!"— дебди. Султон Боязиднинг бир кўзи кўр эди. Шундай дея олиш учун фақат Амир Темур бўлиш керак! Яна ривоят қиладиларки, Амир Темур асир султонни подшоҳларга хос иззат билан олтин қафасли аравада ўз салтанатига қарашли мамлакатларни "томоша" қилдирган. "Қаранг-а?! Бу қандай бсодоблик! Боязиддай улуг подшоҳнигина эмас, балки оддий инсоннинг ҳам қадр-қимматини оёқ ости қиладиган бир ҳол-ку бу! Наҳотки Сиз шундай қилган бўлсангиз, ҳазрати олийлари? Журналист келтирган ривоятни Низомиддин Шомийнинг ҳам, Шарафиддин Али Яздийнинг ҳам китобидан қидириб тополмадим. Сизнинг Анқара ёнида ҳижрий 804 йил зулҳижжа ойининг 19-куни (милодий 1402 йил 20 июль куни) қозонган ўша ғалабангиз ва Йилдирим Боязиднинг асир олинишининг тафсилоти ўта қимматли солномамизда, яъни Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида бундай баён қилинган: "Зафар асарлик лашкардан чекиниб бораётганларни таъқиб этиб борувчилар орасида бўлган Султон Маҳмудхон<sup>1</sup> Йилдирим Боязидга этиб олди ва уни тутиб олиб, ўша заҳотиёқ жаҳонгир подшоҳ ҳазрати соҳибқирон ҳузурига жўнатди. Давлат дўстлари амалда бўлган қоидага биноан қайсари Румнинг қўллари бoғлаб, хуфтон пайтида олампаоҳнинг ҳузурига

1

Султон Маҳмудхон — Чингизий, фақат номигагина хон (1388—1402) ҳисобланган.

олиб кирдилар. Унинг подшоҳона хуш ахлоқ томирлари жўш уриб ва тарафини олиб, унинг қўлларини счиш, сўнг иззат-икром билан даргоҳга олиб кириш ҳақида фармони олий бердилар. Ҳурмат-эҳтиром билан учрашганларидан кейин [ҳазрати соҳибқирон] унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб ёнидан жой тайин қилдилар. [Сўнг] гина-кудурат ўрнига яхшилиқни сўзловчи, нодир маъноларни баён этувчи ва гавҳар сочувчи оғизларини [сўзга] очиб дедиларки, "қандай бўлмасин жаҳон аҳволи тамоман Парвардигори оламнинг иродаси ва қудратига боғлиқдир, ҳеч кимнинг буни таъқиқ этишга ихтиёр ва қудрати етмайду. Лекин инсоф билан тўғриси айтмоқ керакки, сен ўзингдан бошқани кўрмайтурсан бўлиб қолгансан... Кўп вақтлардин бери босар-тусарингни билмай қолдинг; мени "интиқом учун кина-қудрат сақлаб юрибди", деб ўйладинг. Шу дидра истиқомат қилиб турган кофирларга ғазо қилиш маслаҳатида эдим; муулмонлик ва хуш андишалик борасида нимаики лозим бўлса [шунга амал қилиб] сен билан мурасаю мадорада бўлдим, яъни мурасасозлик қилиб келдим. Ва, ўйладимки, маслаҳатларимга қулоқ солсан, тобелик ва бўйсунуш тариқини тутасан. [Шундай қилганинда] сени қўллаб-қувватлардим, нимага эҳтиёжинг бўлса, мол-мулк хусусидами, лашкар хусусидами, [ҳаммасини] берардим, токи тамкинлик ва баланд мартабангни [кофирларга қарши] ғазога сарф қилғил ва жиҳод тиғи бирлан динсиз ширкларни ислом дидридан суриб чиқариш имконига эга бўлғил... Сендан илтимосим шулки, қалъаларингни бизга таслим эт, қўл остингдаги баҳодирларни юборгинки, Қора Юсуф туркманни мамлакатдан қувиб чиқарсинлар. [Хуллас] аҳду паймон билан ўртада сулҳ тузиш учун ҳузуримга ишончли одамингни юбор. [Лекин] шу кичик юришда танглик, саркашлик ва ўжарлик қилдинг. Оқибатда гап-сўзга қолдинг. Барчага маълумки, бордию аҳволинг бунинг акси бўлганда, ҳазрати парвардигор менга бахш этган бу қудрат ва фатҳлар сеники бўлур эрди..."

Йилдирим Боязид хижолат ва уят мақомида қолиб ва хато-камчиликларини эътироф этиб, деди: "Дарҳақиқат хато қилдим, ҳазрати соҳибқироннинг сўзларига қулоқ солмадим. Шунинг учун [ҳам] жазоимни тортиб туриб-

1

Озарбайжон ва Ироқнинг бир қисмини 1380—1468 йиллари идора қилган Қора қўюлдулар сулоласидан чиққан ҳукмдор (1389—1420); долимлиги ва йўлтўсарлиги билан шуҳрат тошган.



меш. Агар подшоҳона иноят қилиб, гуноҳимни кечсалар, ўзим ва фарзандларим, то, тирик эканмиз, оёғимизни фармонбардорлик ва хизматкорлик тариқидин бошқа йўлга қўймагаймиз". Олийҳиммат соҳибқирон унинг елкасига подшоҳларга муносиб чопон ташладилар, турлитуман сийлов ва навозишлар билан сийладилар. Қайсар [ҳазрати соҳибқироннинг] хуш ахлоқини мушоҳада қилиб, дуо ва ҳамду санолардан сўнг, арз қилди: "Фарзандларим Мусо бирлан Мустафо жанг пайтида ёнимда эрдилар, йўқолиб қолишди. Агар уларнинг ҳоли аҳволини тафтиш қилиб, тирик бўлса олиб келишлари ҳақида фармони олий берсалар, бу [аввал кўргузган] илтифотларига қўшимча бўлур эрди". Фармони олий берилди ва тавочилар шу заҳотиёқ уларни қидириб кетдилар. Бир кеча-кундуздан кейин Мусони топиб, соҳибқироннинг ҳузурига олиб келдилар. [Ҳазрати соҳибқирон] унга подшоҳона марҳаматлар кўрсатиб, уни хос чопон билан сийладилар ва отасининг қошига жўнатиб юбордилар".

Хуш, кейин нима бўлган эди? Сиз ўшанда (1402 йил 20 июль воқасидан кейин) Боязидни қўйиб юбордингиз ва 1403 йилнинг 8 мартигача, яъни вафотигача у Оқ шаҳарда<sup>1</sup> истиқомат қилди. Йилдирим Боязид вафот этган пайтда Сиз йўлда эдингиз. Бу ҳақда хабар олиниши билан марҳумнинг ўғли Мусо Чалабийни хос чопон, мурасса ханжару камар, олтин садоқ ва 100 бош наслдор от билан сийлаб, унга Румнинг қадимий пойтахти Бурса шаҳрини инъом қилдингиз. Боязид вафот этгандан кейин ўша Оқ шаҳарда шайх Маҳмуд Ҳайрон мазорига омонатгина дафн этиб қўйилган эди. Сиз марҳум султоннинг жасадини у ердан Бурсага олиб бордириб, тириклигида ўзи бино эттирган мақбарага дафн эттирдигиз.

Аслида воқса мана шунақа бўлган. Олтин қафаслик арава ҳам бўлмаган, Сизга тобе бўлган мамлакатлар бўйлаб сайру саёҳат ҳам бўлмаган. Олтин қафасли арава ҳақидаги афсона Кристофер Марло ва Ҳусайн Жовиднинг хомхаёли билан кашф этилган бўлиши керак.

Иккинчи мисол. Сиз, ҳазрати соҳибқирон, 1381—1402 йиллар орасида Эронга, Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон, Ироқ, Шом ва Ҳиндистонга қўшин билан бос-тириб киргансиз. Натижада ўша мамлакатларга, айниқса халқига зиён-заҳматлар етган, кўп одам ўлган. Биз

1

Ўрнини аниқлаб бўлмади. Тарихий асарларда келтирилган воқсалар тафсилотига қараганда, Бурсо тарафда бўлса керак.

ижтимоий-сиёсий фаолиятингизнинг бу томонини кўп ҳам оқламаймиз, албатта. Иккинчи тарафдан, бунинг учун фақат Сизни, бир ўзингизни қораламаймиз ҳам. Чунки давр ўзи шунақа эди. Фақат зўравонлик асосига қурилган синфий жамият, унинг мафкураси ва сиёсати бош айбдор эди бунга. Сиз ҳукмрон феодал синф намояндаси сифатида ўша синфнинг сиёсатини амалга оширишга мажбур эдингиз. Акс ҳолда ўша ҳукмрон синф Сизни салтанат курсисидан улоқтириб ташларди. Шу боис Сизнинг тақдирингиз ҳам Искандар Зулқарнайн ва Қутайба ибн Муслим, Чингизхон ва Ботухон, Иван Грозный ва Пётр I тақдирига ўхшашдир. Лекин Сизнинг ўзга юртлардаги фаолиятингизни фақат қора бўёқда кўрсатилишига қўшилмайман. Фикримни исботлаш учун бир-икки далил-исбот келтираман. Сизни фақат босқинчи, бузгунчи ва талончига чиқариб қўйиш ҳоллари нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа жумҳуриятларда ҳам бўлган. Озарбайжонда яратилган "Насимий" фильмини кўз олдингизга келтиринг-а! Даҳшат, уйдирма ва тўхматдан иборат бу фильм. Аммо сўнгги йилларда озарбайжонлик олимларнинг ўзлари ишончли қўл ёзма асарлар ва маноқибларни синчиклаб ўрганиб, тамоман бошқа фикрга келдилар. Масалан, йирик шарқшунос олим А. Г. Рагимов "Озарбайжонда Темурийлар билан хуруфийларнинг<sup>1</sup> ўзаро муносабатлари хусусида баъзи фикр-мулоҳазалар" деган катта илмий мақоласида ("Озарбайжон илмлар Академиясининг хабарлари", 1989, 2, 69-74—бетлар) бундай хулосага келган: "Темур Озарбайжонга бостириб кириб, жиддий қаршиликга учрамагандан кейин ҳеч қандай оммавий қирғин ўтказмаган, шаҳарларни вайрон қилмаган. Аксинча, вайрон бўлган шаҳарларни тиклаш ишларини амалга оширган. Масалан, Ширвон вилоятини шимол тарафдан (Олтин ўрда тарафдан) бўладиган хуруждан сақлаш учун Дарбанд қалъасининг девор ва истехкомларини қайтадан тиклатди. Темур Ширвон мамлакатини Тўхтамишхон тарафидан фатҳ этилишига йўл қўймади". Сиз, ҳазрати соҳибқирон Озарбайжонда яна бошқа қурилишлар ҳам қилгансиз, сув чиқариб анча-мунча ерларни обод қилгансиз. "Зафарнома"да Сизнинг саъй-ҳаракатингиз билан мўғуллар хуружи вақтида тамоман вайрон этилган Бойлақон шаҳри қайтадан бунёд этилгани, Аракс дарёсидан

1

Шиа мазҳаби ичида 1386-87 йилда пайдо бўлган диний оқим. Асосчиси Фазлуллоҳ Астрободий.

наҳр чиқарилиб, теварак-атрофдаги чўллар обод этилгани ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз. Келинг, ана шу маълумотларнинг ўзини келтириб қўя қолайлик. "Зафарнома"да мана буларни ўқиймиз: "Ҳазрати соҳибқирон [Гуржистон юришидан қайтастиб] Бойлақон ёнида тўхтаганларида... Бойлақонни таъмирлаш унинг муборак хотиридан кечди. Бу шаҳар кўп замонлардан бери шу қадар хароб эдики, на иморатидан асар ва на дунёда бор ҳашоратдан бошқа нарса қолмаган эди, унда. Аҳолига жой бўлмаганидан, илону чаёндан бошқа махлуқ қолмаган эди; илон билан чаён шу қадар кўплигидан у ерда туриш мушкул эди... [Ҳазрати соҳибқирон] ўша ерда келиб тушганларидан кейин "равшан равон муҳандислар ва ишнинг кўзини билган меъморлар [бўлажак] шаҳарнинг тархини, деворлари, ҳандақи, тўртта бозори, кўпдан-кўп уй-жойлар, ҳаммоми, қасри, боғу бўстонлари ва бошқа [бино]лари билан қўшиб, тузсинлар",— деган қатъий фармойиш бердилар. Ва унинг асосини тузиб, [қурилиш ишини] таноб-таноблаб шаҳзодалар ва амирларга тақсимлаб бердилар. Лашкар тамом жаҳд билан ишга киришди. Иморатларнинг барчасини пишиқ гиштдан бир ой муддат ичида қуриб битирдилар. Деворларининг узунлиги катта газ билан ўлчанганда 2400 газга, эни 11 газ, баландлиги қарийб 15 газга баробар бўлган. Ҳандақининг сатҳи 30 газ, чуқурлиги қарийб 20 газ. [Шаҳар деворининг] ҳар бир бурчагида ҳисор ва буржлар қурдилар, [уларнинг] оралиғида ҳам тошдан буржлар бино қилдилар. [Қалъанинг] икки тарафига икки дарвоза ҳам қурилди. Инсоф юзасидан айтиш керакки, қудратли султонлар бир йил ичида қуриб битириши қийин бўлган [бу қурилиш] бир ой ичида, яна ҳаво совуқ бўлиб, тинимсиз ёғин-сочин бўлиб турган бир пайтда қуриб битказилди..."

Ва яна Сизнинг саъй-ҳаракатингиз билан, соҳибқирон ҳазратлари, ўша пайтда Озарбайжонда Аракс дарёсидан катта бир наҳр қазиб чиқарилган эди. Бу ҳақда ҳам "Зафарнома"да ишончли маълумот бор. "Аракс дарёси теварагидаги чўлга,— деб ёзади Шарафуддин Али Яздий,— бир замонлар катта наҳр чиқарилган эди. Вақт ўтиши билан у қуриб, йўқ бўлиб кетиб эди. Ов пайтида қудратли соҳибқироннинг назари ўша [қуриб кетган] наҳрга тушди ва подшоҳона марҳамати қўзиб, уни таъмир этишни буюрди. Ва Аракс дарёсининг нариги соҳилига ўтгач, уни таъмирлаш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Олий ҳазратларининг кўрсатмаси билан тавочилар ишни амирлар билан лашкарга тақсимлаб бердилар. Бир ой деганда узунлиги 10 фарсаҳдан зиёд бўлган бир наҳрни қуриб битирдиларки, унда кемаларнинг ҳам сузиб юриши мумкин эди... Наҳрга "Жуйи барлос" деб от берилди".

"Зафарнома"да яна бир муҳим маълумот учратдик, олампаноҳ! "Ҳазрати соҳибқирон қачонки бирон юртга бориб тушганларида ўзидан ёдгор бўлсин, деб ўша ерда биронта иморат қурдирганлар", дейилган. Дарҳақиқат, шундай бўлган. Демак, Сиз фақат бузган эмассиз, қурган ва кўп ерларни обод қилган соҳиби бўстонсиз.

Иншооллоҳ, соҳиби бўстонлик кўпчиликка насиб этгай. Омин!

*Фақир у ҳақир Бўрибой АҲМЕДОВ.  
Ҳижрий 1412 йил шаъбон ойи.*

## УЧИНЧИ МАКТУБ

Ассалому алайкум, соҳибқирон ҳазратлари!

Кейинги йилларда, айниқса, 1990 йилдан бери (узр, ҳазратим, бизлар кўпдан насронийларнинг мана шу йил ҳисобини юритиб келаётибмиз) Сизга, Сизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятингизга бағишланган мақолалар сони кўпайди. Шоирларимиз Сизга атаб шеърлар ёзишяпти, рассом ва ҳайкалтарошларимиз ҳам қўл қовуштириб ўлтиришгани йўқ. Улар Сизнинг муборак сиймонгизни тасвирга туширмақдалар. 1993 йилнинг август ойида эл-юрт севган Президентимиз Ислоҳ Абдуғанисвич Каримовнинг саъй-ҳаракати билан Тошкентнинг энг обод жойига Сизнинг ҳайкалингиз ўрнатилди. Ажойиб мўй-қалам соҳиби профессор Малик Набиев Сизнинг сурагингизни чизиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Бу яхши, қувончли воқсалардир. Ваҳоланки, бундан ўн-ўн беш йил муқаддам бундай қилолмас эдик. Ҳадсб бўйнимизга турли-туман ёрликларни осишавериб, бизни қўрқоқ қилиб қўйишганди, қаддимиз дол бўлиб қолганди.

Бир-икки мисол келтириб ўтай. Ҳали ҳамон эсимда, 1962 йили "Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан" деган бир рисола ёзган эдим. Қўлёмани Ўзбекистон жумҳурият Фанлар академиясининг "Фан" нашриёти чоп қилиш учун қабул қилиб олди-ю, лекин иш босмахонага борганда тўхтаб қолди. Мени нашриёт идорасига чақиртиришиб,

"асарингизни шу алфозда нашр қилолмаймиз, сабаби марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, коммунист-тик партия съездлари ва конференцияларининг қарорлари, партия раҳбарларининг мақола ва маърузаларидан бирон парча келтирмабсиз", дейишди. "Хўш, энди нима қилай?"— деб сўрадим нашриёт бошлиғидан. Китобингизнинг бирор жойига марксизм-ленинизм классиклари ёки компартия раҳбарларининг китоб ёки мақолаларидан бирорта парча топиб қўшинг"— деб маслаҳат берди у. Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини яхши билардим, чунки уларни дорилфунунда, аспирантурада ўқиб юрган кезларимиз ўқидик. Шундай бўлса ҳам доҳийларимизнинг китобларини яна бир карра варақлаб чиқдим. Лекин китобимга мос тушадиган бирор гап топмадим. Чунки улар ўзбекни яхши билишарканлар-ку, лекин унинг тарихи ва халқ сифатида келиб чиқиш масаласини билишмас экан-да. Кейин газета ва журналларнинг икки-уч йиллик сонларини синчиклаб титиб чиқдим. Ниҳоят, китобимга мос тушадиган парчани "Қизил Ўзбекистон" (ҳозир бу газета "Ўзбекистон овози" деб аталади) газетасининг 1961 йил 21 ноябрь кунги сонидан топдим. Собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бош котиби Н. С. Хрущев ўша йил ноябрь ойида пахта стиштирувчи жумҳурият раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида бундай деган экан: "Ҳақиқатдан ҳам биз рус кишиларига чор Русиясининг собиқ чекка ўлкаларидаги халқлар равнақ топганлигини кўриш ёқимли ва қувончлидир... Эндиликда сизларнинг республикангиз таниб бўлмайдиган бўлиб қолди. Бу республикаларнинг қудратли саноати, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги, илғор социалистик маданияти бор. Сизлардаги кадрларнинг ўсганлигини айтмай-сизми. Сизларнинг халқларингиз орасидан ажойиб олимлар, инженерлар, агрономлар, ёзувчилар, рассомлар, артистлар этишиб чиқди". Парчани кўчирдим, нашриёт идорасига қараб чопдим. Бошлиқ ўз ўрнида экан, кўчирмани унинг столи устига қўйдим. У парчани диққат билан ўқиб чиқди-ю, суюниб кетди. "Мана энди бўлди, домла. Узукка кўз қўйгандай бўлади, олиб келганингиз", деди кўчирмани қўлимга тутқазиб. Н. С. Хрущевнинг сўзларини китоб хотимасига киритдим. Китобим шундан кейин чоп этилди.

Иккинчи мисол. Серташвиш ва сермашаққат асримизнинг 60-йилларида, яъни бундан қарийб 30—35 йил муқаддам Африка қитъасининг кўпчилик халқи мустамлакачилар зулмидан қутулиб, ўзларини мустақил давлат деб эълон қилдилар. Мен ўшанда асрлар давомида муштамлакачи давлатлар томонидан асоратга солинган бу халқларнинг истиқлолга чиқишидан қувониб "АҚШ ва Африка" деган китоб ёзиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг Бирлашган нашриётида (Тошкент 1966 йил) чоп эттирган эдим. Китоб нашрдан чиқиб, ҳали ўқувчининг қўлига етмасдан, мени Марказий Қўмитага чақиртиришди. Тарғибот ва ташвиқот бўлимининг масъул ходими китобнинг 29-саҳифасини очиб, кўрсаткич бармоғини унинг бир жойига қадаб, "мана бу жумлани ўқинг ва марҳамат қилиб менга уни тушунтириб беринг!", деди ва зарда билан китобни менинг олдимга суриб қўйди. Раҳбар ўртоқ кўрсатган жойни ҳали ўқиб улгурмасимданоқ у "Сиз бу ерда Ўзбекистонни назарда тутаётган бўлсангиз керак?"— деди истехзо билан. Электр токи оёғимдан уриб, миямдан чиққандай бўлди, лекин ўзимни босдим. "Йўқ асло,— дедим мен унга вазминлик билан,— бу гапни мен айтган эмасман. Буни Кремлдаги қабул маросимида Миср Бирлашган Араб жумҳуриятининг президенти Жамол Абдулносир жаноблари айтган. Бу гапни эндигина мустақиллигини қўлга киритган мамлакати ҳақида айтган", дедим. У шуида бўзариб кетди ва юзимга тик боқиб, яна нималардир демоқчи бўлди. Сумкамдан "Правда" газетасини олиб стол устига ёздим ва қалам билан чизиб қўйилган срига раҳбар ўртоқнинг эътиборини жалб қилдим. Мана ўша сўзлар: "Халқларимиз мустақилликни фақат ташқи кўриниш — миллий байроқ, давлат герби, мадҳияси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлиш билан қаноатланиб қолмай, балки бу мустақиллик маълум мазмунга эга бўлишини ҳам истайдилар. "Раҳбар ўртоқ ўша сатрларни кўздан кечириб, аллақандай бўлиб кетди, лекин у ҳам бўш келмади: Ҳарҳолда бунақа гапни келтирмасангиз ҳам бўларди." деди, сўнг қўли билан "кставринг" деб ишора қилди.

Яратганга шукрки, ҳазрати соҳибқирон, ҳозир замон ўзгарди. Энди ҳар бир одам дилидагини айта олади. Бу кўп яхши бўлди. Лекин аҳён-аҳёнда ўйламай-нетмай гапирадиганлар ҳам учраб турибди. Биз олимлар бирорга тарихий воқеа ҳақида фикр билдиришдан аввал унинг

тўғри ёки нотўғрилигини манбалардан текшираемиз. Ўтган замонлардан қолган китобларни синчиклаб ўрганаемиз. Бир эмас, бир неча асарни ёнма-ён қўйиб, бир-бирига солиштираемиз. Фақат шундан кейин обдан ўйлаб, ақл тарозусида тортганимиздан кейингина ўша воқеа ҳақида фикр билдираемиз. Шунда ҳам фикрлар турлича бўлиши мумкин. Бу тадқиқотчининг фикрлаш қобилиятига боғлиқ.

Муддаога ўтадиган бўлсак, ҳазрати соҳибқирон, яна ўша аввалги мактубларимда айтилганга ўхшаш гаплар. Сизнинг тарихингиз, ижтимоий-сиёсий фаолиятингизнинг баъзи бир нозик томонларини ёритишдаги айрим ҳақиқатдан узоқ фикрлар хусусида Сизга арз-ҳол қилмоқчиман, ҳазрати олийлари. Мендан кўп одамлар "Амир Темур Масковни олганми?"— деб сўрашади. Қўлимдаги далилларга асосланиб "Йўқ, у фақат унга бир оз яқинлашган, унинг теварак-атрофидан қайтган",— деб жавоб қиламан. Лекин, афсуски, "Масковни Амир Темур олиб, ғорат қилиб кетган", деб айтувчилар ҳам чиқиб қолди. Масалан, "Фан ва турмуш" жаридасининг 1990 йил 8-сонида чоп этилган бир мақолада (муаллифнинг исм-шарифини айтмаганим маъқул, чунки у менга ўзини яқин олиб юрадиган одам) "мен бу гапларни машҳур муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида ўқиганман", деб ёзган. Дарҳақиқат, мазкур асарда (575-бет) шунга ўхшаш гап бор. "Ҳазрат соҳибқирон,— дейилади ўша асарда,— амирзода Мироншоҳ, Шаҳоншоҳ баҳодир, [шунингдек] туман ва ҳазора бошлиқларига буюрдики, лашкарни олиб, Жўчи улусининг баронғорини боссинлар. Бекёруқ ўғлон ва [бошқа] амирларни тутиб ўлдирсинлар, юртларини ғорат қилсунлар... Шундан кейин ҳазрат соҳибқирон ўрис шаҳарларидан Масковга қараб юрди, тамом вилоятни, шаҳар ва унинг теварак-атрофини ғорат қилиб, жамий амирларни азобга солди". Низомиддин Шомийнинг шу номли асарида ҳам (158-бет) шунга ўхшаш гап бор: "Амир соҳибқирон,— деб ёзади у,— ўруш Машков деб аталган тарафга юриш қилди ва ўша вилоятни тамоман ғорат этди ва лашкарлар беҳисоб ўлжани қўлга киритдилар. Яна бир катта тарихчи олим ибн Арабшоҳ ўшанда фақат "Темур [аскари]нинг илғор қисмлари Азоққача [Азовгача] стди. У Сарой [Берка],

1

*Туман ва ҳазора* — Қўшин турлари, масалан туман — таркибида 10 минг киши бўлган қўшин; ҳазора — бир минг кишилиқ қўшин.

Саройчук, Ҳожитархон ва ўша ҳудудларни вайрон қилди",— дсб ёзади (Ибн Арабшоҳ "Ажойиб ул-мақдур", 1-китоб, таржимон ва ношир Убайдулла Уватов, Тошкент, 1992, 157-бет). Ҳар икки асарда, Низомиддин Шомийда ҳам, Шарафуддин Али Яздийда ҳам, "вилоят" сўзига кўпроқ урғу берилган. "Ўруш Машков (Ўрис Масков) тарафига" деганда, Масков шаҳари эмас, балки умуман руслар юрти, Русия англашилади. Бундан ташқари, шарқ тарихчиларининг кўпчилиги хорижий жуғрофий манзилларни яхши тасаввур этолмаганлар. Буни биз Сизнинг, ҳазрати олийлари, мусулмон бўлмаган мамлакатлар: Русия ва Ҳиндистонга қилган юришингиз тафсилотида ҳам яққол кўрамиз. Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундалиги" ҳам бунга яққол мисолдир. Бундан ташқари, Амир Тсмурнинг Масковни олганлигига фақат форс тилида битилган ўша икки асардагина ишора бор. Бундай шароитда иккинчи тарафнинг фикрини ҳам билиш жоиз. Масалан, рус манбалари: солномалар, Ключевский, Карамзин, Соловьёв каби улкан тарихчиларнинг ҳам фикрини билиш зарур эди.

Рус солномаларининг афзал томони шундаки, уларда бўлиб ўтган воқсалар, фақат Русиядаги воқсаларгина эмас, балки қўшни мамлакатларда бўлиб ўтган воқсалар ҳам, қисқа лексин аниқ баён этилган. Рус солномаларида, масалан, "Ўрта ва олд Осиёда бўлиб ўтган воқсаларнинг аниқ ва тўғри тасвиринигина эмас,— дсб ёзган эди. А. Ю. Якубовский,— бу мамлакатлардаги кўпгина вилоятлар тўғрисида ҳам аниқ жуғрофий маълумотларни учратамиз" (Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский, Олтин ўрда ва унинг қулаши. Москва-Ленинград, 1950, 396-бет). Олим фикрида давом этиб, яна бундай дейди: "Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг хабар беришларича, Тсмур Машков (Масков) шаҳари вилоятига бостириб кирган ва бу ерда ҳамма ёқни хонавайрон қилиб, жуда кўп бойликларни ўлжа қилиб олиб кетган. Рус солномаларида Масков ва унинг районлари тилга олинмаган. Шу сабабдан биз бу маълумотларга ишонолмаймиз. Шарқ манбаларида Русь срининг жуғрофий ҳолати хато кўрсатилиб, Рязань ерини Масков князлигининг чегара булуслари билан чалкаштириб юборилган. Шунинг учун рус манбаларидаги аниқроқ маълумотларга мурожаат қилайлик. "Никон солномаси"да айтилишича, Тсмур жуда катта қўшин билан Рязань срига бостириб кирган ва Елец шаҳрини босиб олиб, Елец князини қўлга



туширган, одамларини асир қилиб олган, бошқаларини эса ўлгудек калтаклатган. Бу воқсадан хабардор бўлган князь Василий Дмитриевич кўпдан-кўп полклар тўплаб, Коломна шаҳрига қараб йўлга чиққан ва Ока дарёсидаги кечувни эгаллаган. Темур... Рязань ерини талагандан кейин жанубга қараб йўл олган..." (Б. Д. Грсков, А. Ю. Якубовский, Олтин ўрда ва унинг қулаши. 369—370-бетлар).

Юқорида номи тилга олинган М. С. Соловьёвнинг рус солномалари ва бир талай муҳим архив материаллари асосида ёзилган 15 жилдлик "Русия тарихи" асарида ҳам бу хусусда шунақа фикр айтилган: 1395 йили Тўхтамиш Терак дарёси бўйида мағлубиятга учради ва қочиб Булғор ўрмонлари ичига яширинишга мажбур бўлди. Темур эса Рус ерларига кириб келиб, Елецни эгаллади, князини асир туширди, теварак-атрофдаги ерларни талон-торож қилди. Босқин тасодифақ юз бермаган эди. Шунинг учун князь Василий Дмитриевич урушга тайёргарлик кўриб олиш имконига эга бўлди. Катта қўшин тўплаб, ўз князлиги (Москов князлиги — Б.А.) чегарасига, Ока дарёсининг қирғоғига келиб тушди. Лекин душман келмади. Темур Рязань ерларида 15 кун туриб ва Дон дарёсининг ҳар иккала қирғоғидаги қишлоқларни талаб, рус ерларини ташлаб чиқди" (М. С. Соловьёв, История с древнейших времен. т.II., 2-китоб, Москва, 1960, 369-бет).

Кўриниб турибдики, Сиз ҳазрати олийлари, Масковга кирмагансиз. Агар шундай бўлганда, ҳаттоки кичик-кичик воқсаларни ҳам эътиборсиз қолдирмаган рус солномалари бу ҳақда ёзмай қўймаган бўлур эдилар. Ахир, Масков кичкина жой эмас-ку! У, аксинча, улуг русь князининг қароргоҳи бўлган.

Ҳазрати соҳибқирон, агар толиқмаган бўлсангиз, муборак эътиборингизни яна бир масалага тортсам. Бу — Сизнинг қасрда таваллуд топганингиз ҳақидаги масала. Бу хусусда кейинги кунларда баҳс-тортишувлар бошланди. Тортишувлар, асосан, уч тараф — Кеш (Шаҳрисабз) ликлар, Сизни Шаҳрисабзда туғилган десалар, якка-боғликлар "соҳибқирон Хожа илғор қишлоғида таваллуд топганлар, бу қишлоқ эса ҳозирда Яккабоғ туманига қарайди", дейишади. Муборакликлар бўлса, Сизни Қозонхон (1343—1346)нинг олий қароргоҳи бўлмиш Занжирсаройда (у Муборакдан 10—12 чақирим нарироқда бўлган, деб тахмин қилинади) туғилган, деб айтишаётибдилар. Поён Равшанов билан Жума Қурбонлар яқинда

нишонликларнинг даъвосини қўллаб, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафтаномагининг 1992 йил 14,28 февраль ҳамда 20-март сонларида катта мақола билан чиқиш қилдилар. Мақола асосан турли даврларда ёзилган нақл-ривоятлардан иборат "Темурнома"лар ("Мужмали Фасихий" каби бир-икки тарихий асарлар ва муҳим тадқиқотлардан ҳам фойдаланган ҳолда), ҳозирда ҳаёт бўлган кекса фахрийларнинг оғзаки маълумотларига асосланган.

Хуш, томонларнинг қайси бири ҳақ? XV асрда ўтган катта муаррих Шарафиддин Али Яздий ҳазрат соҳибқирон "сичқон йилига мувофиқ бўлган ҳижрий 736 йил 25 шаъбонда сешанба куни кечқурун дилкаш Кешнинг ташқарисида, унга яқин бир мавзёда таваллуд топганлар" деб ёзган ("Зафарнома" 192-бет). Низомиддин Шомий ҳам шундай деб ёзган. Ибн Арабшоҳ, "Унинг туғилган жойи Хожа илғор деб аталадиган қишлоқдир. Хожа илғор Кешга қарашли жойлардандир", деб айтган. "Мужмал-и Фасихий" муаллифи ҳам, Сизнинг ҳазрати соҳибқирон, Кешда туғилганлигини айтган: "Амири соҳибқирон Амир Темур кўрагон ибн амир Тарағой ибн Беркал ибн Илангиз ибн Ижил Туминахон ибн Бойсунғурхон ибн Қайдухон ибн Алонқува хотин ҳижрий 836 йил шаъбон ойининг 25-куни Кешда туғилди" (Фасих Аҳмад Хавофий, "Мужмал-и Фасихий" 59-бет). Кўриб турибсизки, Шарафиддин Али Яздий билан Низомиддин Шомий ҳазрати соҳибқирон Кешга яқин бир мавзёда туғилган, дейдилар. Ибн Арабшоҳ эса ўша мавзёнинг аниқ номи Хожа илғор эканлигини айтади. Яздий билан Шомий бу мавзёнинг аниқ номини айтишмаганлигига эътироз билдирмаса ҳам бўлади. Чунки ўрта асрларда одатда катта-катта жойлар, масалан, вилоят ва улкан шаҳарлар номи айтилиб, кўп ҳолларда, уларга қарашли қишлоқларнинг номи тилга олинмаган. Масалан, Кеш, Насаф, Бухоро, Чоч, Андижон ва ҳ.к. Бу биринчидан, иккинчидан эса, ҳар иккала олим ҳам "Ҳазрат соҳибқирон дилкаш Кешга қарашли ва унга яқин мавзёда туғилган", деб очиқ ёзмоқдалар. Фасих Аҳмад Хавофий эса Амир Темур кўрагон Кешда туғилган, дейди. Шунга қараганда, шахрисабзликларнинг даъвоси асослидир. Яккабоғ туманига келсак, бу маъмурий бирлик шўролар даврида пайдо бўлган ва янги маъмурий бўлинишга кўра Хожа илғор қишлоғи Яккабоққа ўтиб қолган. Бу жиҳатдан қараганда, Амир Темур бизга ҳамюрт дейишга яккабоғликларнинг ҳам маълум даражада

ҳақлари бор. Энди, ҳазрати соҳибқирон Муборакда, Қозонхоннинг Занжирсаройида туғилган, деган гапга келсак, бу бизнинг фикри ожизимизча асоссиз даъводир. У Салоҳиддин қорининг "Темурнома"сида (54—56-бетлар) келтирилган афсонавий ривоятларга асосланган. Сиз нима дейсиз бунга, ҳазрати соҳибқирон? Нима бўлганда ҳам Сиз, соҳибқирони аъзам, биринчи навбатда, бутун Қашқадарё воҳасининг шу жумладан муборакликларнинг ҳам ўғлонисиз. Қолаверса, Сиз бутун Ўзбекистон, балки улкан Туронзаминнинг асл фарзандисиз.

Парвардигор яна юртимизга Сиз каби фарзандлар ато қилсин. Омин!

*Мухлиси содиқ Бурибой АҲМЕДОВ.  
Ҳижрий 1412 йил рамазон ойи.*

## ТҮРТИНЧИ МАКТУБ

Ассалому алайкум, соҳибқирони муаззам!

Яна ўша ўтмишда кечган баъзи бир воқсалар устида фикр юритиш, уларга баҳо беришда юз бераётган чалкашликлар хусусида Сизга арз-ҳол қилмоқчиман. Ўзингизга маълумки, ўтмишга баҳо беришда эҳтиросу ҳавойи гаплардан қочиш ва асл манбаларга — уларда келтирилган маълумотларга суянилса, хато балосидан қутулиш мумкин. Лекин манбаларда келтирилган маълумотлар турлича бўлади, бахтга қарши, қалбакилари ҳам учраб туради. Шу боис уларни синчиклаб текшириш, ҳақиқийсини иккинчи даражали далиллардан, уйдирмалардан ажрата билиш даркор.

Сиз ва буюк фарзандларингиз ҳақида жуда кўп асарлар битилган. Уларнинг орасида ҳақиқийлари ҳам, нақл-ривоят ва уйдирмаларга асосланганлари ҳам учраб туради. Ҳақиқийлари орасида Ғиёсиддин Алининг "Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон" (1399—1403 йиллар орасида ёзилган), Сизнинг иштирокингиз билан битилган "Малфузоти Темурий", Низомиддин Шомий (янглишмасам, у 1393-1404 йиллари Сизнинг хизматингизда бўлган)нинг "Зафарнома"си, Шарафиддин Али Яздийнинг 1425 йили ёзиб тамомланган шу номдаги ("Фатҳномаи соҳибқироний", "Зафарномаи Темурий" номлари билан ҳам аталади) қимматли асари, Мир Ҳовандшоҳ (1498 йилда вафот этган)нинг "Равзат ус-сафо"си, Ҳофизу Абру (1430

йили вафот этган)нинг "Мажмуъ ат-таворих" номли катта асарининг "Зубдат ут-таворихи Бойсунқурий" деб аталувчи туртинчи китоби, Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482)нинг "Матлаъ ус-саъдайн"и, Муъиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворих" асари, Ғиёсиддин Хондамир (1475—1535)нинг кўп жилдлик "Ҳабиб ус-сияр" китоби, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) қаламига мансуб "Бобурнома" ("Воқиюти Бобур") асарларини кўрсатиш кифоя. Бу асарлар 1370—1506 йиллар орасида Туркистонзамин ва Хуросонда бўлиб ўтган воқеалар, яъни Темурийлар хонадонининг 136 йиллик тарихи (Сизнинг, ҳазрати олийлар, фарзандларингиз Шоҳрух билан Улуғбек, Султон Абу Саид мирзо ва Султон Ҳусайн Бойқаро тарихи)ни ўз ичига олади.

Лекин аслида муътабар хонадонингизнинг тарихи 1858 йилгача, яъни яна 332 йил давом этганлигини кўпчилик билмаса керак. Мен бу ўринда, соҳибқирон ҳазратлари, Сизнинг бешинчи авлодингиз атоқли шоир ва олим, истеъдодли давлат арбоби, моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур узоқ Ҳиндистонда асос солган йирик феодал давлатни уч асрдан кўпроқ давр мобайнида идора қилган фарзандларингизни назарда тутаятибман. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлоди ўша замонда феодал тарқоқлик исканжасида қолган улуғ Ҳинд халқининг бошини қовуштириб, мамлакатнинг иқтисодиёти ва маданиятини равнақ топтиришда беқийс хизмат кўрсатдилар. Улар Ҳиндистоннинг шаҳару қишлоқларини обод қилдилар, илм-фани ва маданияти равнақига ҳисса қўшдилар. Бу даврда фарзандларингизнинг саъй-ҳаракати ва ҳомийлиги остида Ҳиндистон ва ҳинд халқининг XVI—XVII асрнинг ўрталаригача бўлган тарихини ёритувчи кўплаб асарлар яратилди. Хожа Низомиддин Аҳмад ал-Ҳаравийнинг "Табақоти Акбаршоҳий" (1593 йили ёзиб тамомланган) асари, Абулфазл Алломий (1551—1602)нинг уч жилдлик "Акбарнома"си, Абдулқодир Бодоуний (1615 йили вафот топган)нинг "Мунтахаб ут-таворих", Сунжонрой муншийнинг "Хулосат ут-таворих" китоби, Нуриддин Жаҳонгир подшоҳ (1605—1627)нинг ўзи ёзган "Тарихи Жаҳонгирий" китоби, Абдулҳамид Лоҳурий (1654 йил вафот этган)нинг Ҳиндистоннинг Шоҳжаҳон (1628—1657) давридаги тарихидан ҳикоя қилувчи "Подшоҳнома"си, Абу Толиб Ҳамадоний (1651 йил вафот этган)нинг қаламига мансуб "Зафарномаи Шоҳжаҳоний" китоби, подшоҳ Аврангзеб Оламгирнинг салтанати (1638—1707) тарихини ўз

ичига олган ва Муҳаммад Козим мунший (1684 йил вафот этган) томонидан ёзилган "Оламгирнома" асари, Абдулҳақ Бухорий (1551—1642)нинг "Тарихи Ҳаққий", Муҳаммад Солиҳ Лохурий (1675 йили вафот этган)нинг "Амали Солиҳ"и шундай асарлар жумласидандир.

Бундай асарлар билан бирга, ҳазрати соҳибқирон, нақл-ривоятлар асосида битилган китоблар ҳам оз эмас. Буларнинг муаллифлари афтидан, Сизнинг шахсингизни илоҳийлаштиришга ҳаракат қилганликлари шундоқ кўриниб турибди. Мен бу борада Поён Равшанов ва Жума Қурбонларнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафтаномасининг 1992 йил 14 ва 28 февраль ҳамда 20-март сонларида эълон қилинган катта мақоласида айтган: "Тарихни нақллар ва оғзаки гаплар билан тиклаб бўлармикин?" ва "албатта, биз форсий "Темурнома"ни (кўп сонли "Темурнома"лардан бири — Б. А.) тарихий асар демоқчи эмасмиз", деган гапларига тўла қўшиламан. "Темурнома"ларнинг тарихий асар эмаслиги тўғри, лекин бундай асарларда ҳам эътиборга молик айрим маълумотлар мавжуд. Шу боис уларни "тарихий асар эмас" деб бир четга суриб қўйиш инсофдан бўлмас. Лекин, фақат нақл-ривоятлардан иборат асарга таяниб тарих хусусида ҳукм чиқариш хатарлидир. Шу боис сизни, ҳазрати олийлари, Занжир саройда туғилган деган, даъво билан чиқувчилар афтидан, Салоҳиддин қорининг "Темурнома"сида келтирилган қудуқ воқеасига (Поён Равшанов нашри, Тошкент, 1990, 45-бет) асосланганга ўхшайдилар. Шу қудуқ воқеаси ва кекса отахонларнинг айтганларига қараб "Занжирсарой мана бу сарда эди", деб айтиш ҳам тўғри бўлмаса керак. Чўлда нима кўп, қудуқ кўп, қадимги одам макони — эски манзилгоҳлар кўп. Занжирсарой Поён Равшанов ва Жума Қурбонлар тахмин қилган жойдами ёки бошқа сардами — буни фақат қўлёзма манбалар ва археологик қазилмалар айтиб бериши мумкин. Тўғри, Сиз, ҳазрати олийлари, Занжирсаройда бир неча бор бўлгансиз, бу ҳақиқат. Лекин зикр этилган мақолада Сизнинг ўша Занжирсаройда туғилганингиз барибир исботсиз қолган.

Ўша мақолада баҳс-эътироз қўзғатувчи яна икки-уч масала бор. Биринчиси, Сизнинг, жаноби олийлари, қайси қавмга, турк (барлос) қавмигами, ё мўғул қавмига тегишли эканлигингиз масаласи ҳақида. Мақола муаллифлари Сизни "Чингизхон қавмидан" қилиб кўрсатишга зўр бериб уринишларга эътироз билдирадилар. Ҳақ гапни

айтганда, уларнинг эътирозлари тўғри. Биз ҳам шундай фикрдамиз. Лекин бахтга қарши, уларнинг эътирози далил-исботсиз қолган. Турк-мўғул халқлари орасида мавжуд бўлган анъанага кўра, ўша вақтларда кўчманчи фсодал жамияти "оқ суяк" ва "қора суяк"ларга бўлинган. Чингизхоннинг ота-боболари ва авлоди "оқ суяк" ҳисобланган. Чунки улар Алонқува авлоди. Шунинг учун ҳам "оқ суяк" бўлмаган, лекин эл-юрт ўртасида катта обрў-эътибор қозонган, тожу тахт ҳаваси билан юрган қавм бошлиқлари ҳам ўз наслу насабини Чингизхоннинг аждодларига олиб бориб тақашга ҳаракат қилганлар. Сизнинг ҳам, Чингизхоннинг ҳам ота-боболарингиз аслида "қора суяклар"дан бўлишган. Масалан, Сизнинг аждодингиз аслида, туркнинг барлос қавмига мансубдир. Шу далил эътиборга моликки, атоқли тарихчилар (Жувайний, Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий ва бошқалар) барлослар ҳам, Чингизхоннинг қавми қиёт нирунлар ҳам ўша турк-мўғул қавмларининг афсонавий онаси Алонқувадан тарқалган, деб айтадилар. Масалан, "Муъизз ул-ансоб"дан маълум бўлишича, Чингизхон ҳам, Амир Тсмур ҳам Чингизнинг тўртинчи жадди Туминахоннинг авлоди бўлган. Чингизхон ўша Туминахоннинг олтинчи ўғли Қобилхоннинг, Амир Тсмур эса ўша Туминахоннинг кенжа ўғли Қочули баҳодирга авлод бўлган. (Рашидиддин. "Жомиъ ут-таворих", 1-жилд, 2-китоб, 9—59-бстлар). Бундан чиқди, Чингизхон билан Амир Тсмур оға-инининг авлоди экан-да? Лекин бу шажара қанчалик тўғри, ҳозирча бу ҳақда қатъий бир фикр айтиб бўлмайди. Фақат шуниси аниқки, Чингизхон ҳам, Амир Тсмур ҳам йирик ва бадавлат қабила бошлиқларининг боласи. Чингизхон аввал "оқ суяк" бўлиб қолган. Амир Тсмур эса шу шарафга ундан 176 йил кейин мушарраф бўлган. Демак, Чингизхоннинг ҳам "оқ суяк"лиги далил-исбот талаб қилади. Биз масалага кейинча қайтамыз.

Иккинчи масала Шайбонийларни ҳам муаррихлар негадир зўр бериб Чингизхон қавмидан қилиб уринишлари масаласи шунчаки уриниш эмас, тўғри фикр. Шайбонийлар ҳақиқатан ҳам, Чингизхон хонадонига мансуб сулола — Чингизхоннинг тўнғич фарзанди Жўчихоннинг бешинчи ўғли Шайбоннинг наслидандирлар. Чингизхон тарhini ҳаммамиздан кўра пухта билган тарихшунос олим Рашидиддин (1247—1318) Жўчихоннинг ўн тўрт ўғли бўлиб, Шайбон унинг Ўрда, Боту, Берка ва Беркачордан кейинги бешинчи ўғли эканлигини айтган

(Рашидиддин. "Жомий ут-таворих", 11 ёки II-жилд, Москва, Ленинград, 1960, 66-бст). Уша Шайбоннинг XIII—XV асрларда ўзбек улусида ҳукмронлик қилган авлоди: Тулунбека, Илпон, Алпхўжа, Баҳодир, Қоонбек, Арабшоҳ, Абулхайрхон ва XVI аср бошида Мовароуннаҳрни идора қилган Шайбонийхон, Қўчқунчихон, Абдуллахон биринчи, Искандархон ва Абдуллахон иккинчилар ўша Шайбон насландир. Бундан Шайбонийлар асли мўғул экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Сирасини айтганда, Чингизхон ва унинг ўғиллари Мовароуннаҳр ва Дашти қипчоққа келган вақтда қўшин биргина мўғуллардан иборат бўлмаган. Уларнинг орасида туркий-забон халқлар ҳам кўп эди. Мўғулларнинг ўзлари эса тез орада Мовароуннаҳр ва Дашти қипчоқнинг туркий халқи билан қўшилиб, унинг таркибига сингиб кетди. Масалан, XIV асрнинг ўрталарига келиб Мўғулистонда қолиб кетган мўғуллар Мовароуннаҳрда ўрнашиб қолган қабиладошларини қораунас (дурагай) деб, қораунаслар эса уларни жете (босқинчи, талончи, ёвуз) аташлари бежиз эмас, албатта. Бу биринчидан. Иккинчидан, Чингизхоннинг ўзини ҳам тўлақонли мўғул деб бўлмайди, чунки унинг отаси Ёсугой (Ёсуго) баҳодирни туркларнинг буркут қавмидан бўлмиш малика Суюнчик Кўчин туққан. Мўътабар бир тарихий манбада (биз унинг номини ҳозирча айтмай турамиз) яна мана бундай ибора бор: "Чингизхоннинг наслу насаби қиёт ва нурунга бориб уланади. Бу икки қавм (тоифа) ўзбекларнинг улуғ уруғларидан (умоқот)дир". Шунинг учун ҳам фалончи мўғул бўлган, пистончи турк эди, деб ажратмачилик қилишга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаса керак. Биз XIII асрда Чингизхон билан Мовароуннаҳр ва Дашти қипчоққа кўчиб келган халқни ва ўша юртларда, айниқса, XIII—XV асрларда Дашти қипчоқда кўчиб юрган қавмларни турк-мўғул қавмлари, деб айтганимизда биринчи навбатда, шу маълумотларга суянамиз. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, дунё "мен соф, ўзгалар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетмаган тоза ирқман" дегувчи биронта миллат бўлмаса керак. Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихи, хусусан айрим ижтимоий ҳодисалар, урушлар, савдо ва маданий алоқалар ҳаммамизни аралаш-қуралаш қилиб юборди. Ана шу жараёнда қайси қавм кўп сонли бўлса, ўша юртда унинг номи ғолиб кетган ва халқ номи сифатида қарор топган.

Учинчи масала — "кўрагон" атамаси масаласи. "Соҳиб-қирон туғилган жой" мақоласининг муаллифлари бу атаманинг этимологиясини "кўркли", "кўркам" сўзларидан топадилар. Мазкур мақолада мана буларни ўқиймиз: "Форсча "Тсмурнома"нинг 119-саҳифасида бир жумла борки, бу Тсмурийларни мўғулларга олиб бориб тақашининг асоссизлигини кўрсатиш учун кифоя: "Кўрагонлар асли турклар эдилар. Урфга кўра кўрагон дейишади. Ҳерман Вамбери кўрагон уруғ номи эканлигини, аниқроқ айтганда, барлос уруғининг тармоғи эканлигини айтган эди. "Барлос уруғининг кўрагон тармоғидан Тсмурбскнинг майдонга чиқиши буюк ҳодиса бўлди. "Маълум бўлаштирки, форсча "Тсмурнома" муаллифи Ҳерман Вамберида анча олдин бу фикрни таъкидлаган. Шу сзда Ҳерман Вамбери асарининг ўзбекча нашрига сўзбоши ёзган адиб Тоҳир Қаҳҳорнинг ушбу изоҳларини эслаб ўтиш жоиз. "Вамберининг бир изоҳида "кўрагон" сўзи (биз ҳозиргача ўрганганимиз "куёв" эмас — Т.Қ.) "гўзал" маъносини билдириши, кўрагон — кўркли, кўркам экани айтилади". Муаллиф яна "Тсмурнинг уруғи барлос бўлган, аммо оила тармоғи кўрагондир", дейди. Демак, Тсмур барлос қабиласининг кўрагон — кўркам уруғи оиласидан бўлган. Ҳозирда Шаҳрисабз ва бошқа ерларда яшовчи барлос қавмига мансуб кишиларнинг кўркамлиги ҳам олимнинг бу фикрини тасдиқлайди". ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 28-февраль сони). Биринчидан, форсий "Тсмурнома"да айtilган "кўрагон"лар асли турклар эдилар. Урфга кўра кўрагон дейишади", деган жумладан "кўрагон" уруғ номи деган маъно чиқмайди. Вамберининг бу гапини "кўрагон" фахрий лақабига муяссар бўлган Тсмур ва авлод-аждоди асли турк эдилар, лекин уларни кўрагон деб аташ урф-одат бўлиб қолган", деб таржима қилинса, тўғрироқ бўларди. Маълумки, ўзингиз ҳам, олий ҳазрат, ўғилларингиз Жаҳонгир, Мироншоҳ, набирангиз Улуғбек Чингизхон авлодига уйлانганлигингиз сабабли шундай фахрий лақабга — кўрагон, яъни хон кўёви лақабига муяссар бўлган эдингизлар: "Тсмур Мовароуннаҳрни эгаллаб ўз рақибларидан устун чиққач" — деб ҳикоя қилади Ибн Арабшоҳ, — хонларнинг қизларига (Қозонхоннинг қизи Сарой Мулкхоним ва кейинча Хизрхоннинг қизи Тўкал хонимга — Б.А.) уйлانган эди. Натижада унинг лақаблари устига кўрагон сўзини қўшдилар. Бу сўз мўғул тилида "Хатан" (хон кўёви) демакдир" (Ибн Арабшоҳ, "Ажойиб ул-мақдур".



Убайдулла Уватов нашри, Тошкент, 1992, 1-китоб, 71-бет) Юқорида айтилганидек, нафақат ўзингиз, ҳазрати олийлари, балки айрим фарзандларингиз Чингизхон авлодига уйланиб, кўрагон деган фахрий лақабга муяссар бўлишди. Масалан, тўнғич ўғлингиз Мирзо Жаҳонгир 1374 йили Олтин ўрда хони Ўзбекхон (1312—1342)нинг набираси Суёнбска (кўпроқ Хонзода номи билан машҳур)га уйланиб кўрагон бўлди. Унинг вафоти (1376й.)дан кейин Суёнбскани Мирзо Мироншоҳ ўз никоҳига олгач у ҳам кўрагонликка мушарраф бўлган. Мирзо Улуғбекни Ўгадай қоон (1227—1241)нинг авлоди қўғирчоқ хон Султон Маҳмудхон (1388—1402)нинг қизи Оқ султон хоникага уйлантириб қўйилган ва шу сабабдан у ҳам кўрагонлик мартабасига мушарраф бўлган.

Хулласи калом "кўрагон" атамасининг ҳеч қандай туркий сўз ёки уруғ номи билан алоқаси йўқ. Буни исботловчи мисоллар кўп. Шулардан бир-иккитасини келтирамиз. Чингизхоннинг қизларига уйланган мўғулларнинг инкирос қавми стакчисининг ўғли Буту, уйрот қабиласи стакчисининг ўғли Тарулчи, ўнғутлар сардори Олақушлар ҳам кўрагон (гёрген) аталган (Рашиддин, Жомий ут-таворих, 1-жилд, 2-китоб, 70-бет). Дўғлот амирларидан Муҳаммад Ҳусайн (1508 йили ўлган) Мўғулистон хони (Чиғатойхон авлоди) Юнусхон (1469—1487)нинг учинчи қизи Хуб Нигор хонимга уйлангани учун унга ҳам кўрагон фахрий лақаби берилган. Уларнинг фарзандлари машҳур тарихчи олим Муҳаммад Ҳайдар (1500—1551) ҳам шу боис кўрагон, деб аталган. Бундай мисолларни истаганча келтирса бўлади.

Энди "кўрагон" атамасининг луғавий маъносини текшириб кўрайлик. Луғатларда (Герхард Доёрфер. "Янги форс адабиётида турк-мўғул элементлари", нсис тилида, Висбаден, 1963; Л. Будагов. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. СПб. 1869, ва б.) "кўрагон" атамаси аслида мўғулча сўз (гёргён) бўлиб, "хон куёви" деган маънони англатади". "Чингизхон авлодига уйланган Темур ва авлоди номига қўшиб айтиладиган фахрий лақаб. Шу никоҳдан туғилган ва ўзи ҳам хон авлодига уйланган султон, шаҳзода" деб изоҳланган. Мақола муаллифлари ҳам, Ҳ. Вамберининг "История Бухары или Трансоксиани" номли китоби (СПб. 1873)нинг ўзбек тилига қилинган таржимасига сўз боши ёзган ёзувчи Тоҳир Қаҳҳор ҳам Вамберининг "На юге, именно в Кеше и Нахшбсе, дом Барлас водрузил знамя самостоятельности

на развалинах монгольского владычества. Из этого последнего рода, и именно из фамильной ветви коёкен, произошёл Темурбек..." (т.1,182-бет) жумласидаги "фамильная" ва "ветвь" сўзларининг маъносини тўғри англашмаган чамаси. "Фамилия" (лотинча)нинг исм-шарифдан бошқа "оила", "хонадон", деган маънолари ҳам бор. (қ. Русско-узбекский словарь. Москва, 1954, 919-бет; Словарь иностранных слов, Москва, 1955. 71-бет); "ветвь" сўзининг эса "тармоқ", "бўлак", "шўъба"дан ташқари, "авлод", "аждод", "пушт" ва "шажара" деган маънолари ҳам бор. (русча-ўзбекча лугат, 71-бет). Вамбсрининг бу гапида хонадон (фамилия), авлод (ветвь) сўзлари назарда тутилганлиги шундоққина кўриниб турибди. Демак, олимпининг бу гапи "Жанубда, хусусан Кеш билан Нахшабда, барлос хонадони мўғул ҳукмронлиги вайроналари тспасига мустақиллик байроғини тикди ва айнан ўша хонадоннинг кўрагон дсб аталган авлодидан Темурбек келиб чиққан", дсб таржима қилинса тўғрироқ бўларди. "Кўрагон" сўзига Х. Вамбери берган изоҳ: "Прекрасный" (гўзал, кўркем)га келсак, бу гапда мутлақо мантиқ йўқ ва биз бунга юқоридаги лугатлардан далиллар келтирдик.

Хуллас, "кўрагон" атамаси аслида мўғулча сўз бўлиб, унинг ижтимоий маъноси—"хон куёви" дсмакдир. Бу атаманинг туб маъноси (хон куёви) мўғул фсодал жамияти, хусусан Чингизхон империяси тарихини пухта билган В. Я. Владимирцев (1884—1931), В. В. Бартольд (1869—1930), Темур ва темурийлар тарихининг билимдони А. Ю. Якубовский (1886—1953) ва бошқалар жуда яхши билишган. Шунинг учун ҳам Поён Равшанов ва бошқа кўҳна тарихнинг икир-чикирлари билан қизиқувчилар шу ва бошқа олимпларнинг асарларига бир кўз ташлаб ўтсалар, ёмон бўлмасди.

Манбаларни таржима қилганда ва улардан истифода қилганда таржимон (табдилчи ҳам) ё тадқиқотчи турли атамалар, атоқли отлар, жой ва этник номларни, ижтимоий истилоҳотларни тўғри ўқиш, ёзиш, таржима қилиш ишига зўр масъулият билан қараши лозим. Лекин, ҳазрати соҳибқирон, сўнгги пайтларда Сизнинг ҳақингизда рўзнома, ҳафтанома ва ойномаларда мақола эълон қилаётган ўртоқлар — аслида темирчилар (ўроқ ясовчилар, отга тақа қоқувчилар) бу борада хато ва камчиликларга йўл қўймоқдалар. Масалан, Баён сулдузни — Баён Салдурий, Жоку барлосни — Чағуй барлос, кўрагон

ўрнига гўрагон ("Фан ва турмуш"нинг 1990 йил 8,9,10 сонлари) Фасиҳ Аҳмад Хавофий ўрнига — Фасиҳ Хавойи, Тарағой. ўрнига — Тўрағой ва Тўрғай, Хожа Ҳасан Нисорий — Хожа Ҳасан Нишопурий, Донишмандча ўғлон — Дошмандчи, Дувахон — Давахон, Кспекхон — Кспекхон, Қазаган-Қозоғон, Ижил нуён — Инжил нуён ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1992,14,28-феврал сонлари) деб хато ёзилган. Афсуски, айнан шундай ҳолни Поён Равшанов тарафидан чоп этилган "Тсмурнома"да ҳам учратамиз. Масалан, Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий — Фосиҳ Аҳмад Ҳавофий, Тарағой — Тўрағай, Илангиз — Илангири, Дутум Мэнэн, Бутун ибн Маннон, Аланқува — Алан Това, Ижил — Инжил, Қочули — Қожувли, Жоку-Чоку бўлиб кетган.

Мулла Салоҳиддин қори "Тсмурнома"сининг нашрида хатоларнинг бир қисми табдил этувчи, яъни арабий имлодан ҳозирги ўзбек, аниқроғи рус имлосига ўгирувчининг эътиборсизлиги билан содир бўлган. Рўзнома, ҳафтанома, ойномаларда босилган ва чоп этилаётган мақолалар ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Ўша "Тсмурнома" ҳам, рўзнома, ҳафтанома, ойномалар ҳам шахсий кутубхонангизга бориб тургандир. Бўш пайтларингизда уларни ўзингиз ўқиб оларсиз, деб ўйлайман. Шу боис гапни шу ерда мухтасар айлаб, Сизнинг муборак руҳингиз ҳаққи, ёзгувчи дўстлардан баъзи нарсаларни илтимос қилсам дейман.

1. Ўтмишимиз тарихи билан қизиққанлари дуруст, савоб иш. Лскин бундан буён бирон тарихий воқса устида фикр юритмоқчи бўлсалар, биринчи навбатда асл манбага таянсалар, фикр-мулоҳазаларини бир эмас, балки бир неча ишончли манба асосига қурсалар;

2. Билмаганларини билганлардан сўраб-суриштириб иш тутсалар. Чунки билмаганни сўраб ўрганган айб эмас. Шунини доимо эсда тутиш керакки, китоб ёки мақола қўлёзмаси нашриётга топширилгунча асар муаллифнинг инон-ихтиёрида бўлади, унинг мулки ҳисобланади, лскин қўлёзма китоб ёки мақола бўлиб босмадан чиққандан кейин у халқ мулкига айланади. Буни эсдан чиқармаслик зарур;

3. Салафларнинг ишларида бирон камчилик сезганда, уларни маломат қилиш одобдан бўлмас. Ахир, сўқмоқ йўлдан биринчи бўлиб ўтганга ҳамма вақт қийин бўлган. У қоқилади, йиқилади, бирон аъзосига заҳм етади. Унинг изидан борувчига эса минг карра осон. Чунки у қоқил-

майди, йиқилмайди, бирон сри шилинмайди, қонамайди. Шу боис В. В. Бартольддай буюк тарихчи олимга тош отиш одобдан эмас. Биз тарихчилар ота Туркистонимизнинг кўҳна тарихини В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, И. П. Пеструшевский, С. П. Толстой, Бўлот Солиев, А. Фитрат, Заки Валидий, Яҳё Ғуломов ва бошқаларнинг китобларидан ўқиб ўрганганмиз. Айрим камчиликларига қарамай, уларнинг китоблари ҳамиша столимиз устида, кўз ўнгимизда. Бирон масалани ечишда зарурат туғилганда уларга мурожат қилиб тураммиз... Ҳадиси шарифда мана бундай уқтириш бор: "Кимки Тангри наздида ўзини камтар тутса, унинг мартабаси ва обрўсини [тангри таолоҳ] зиёда қилади".

Сизнинг руҳи покингиз аълоҳазрат, биз осий бандаларнинг ҳам гуноҳларини мағфират қилсин. Омин!

*Содиқ мухлисингиз Б. АҲМЕДОВ.  
Ҳижрий 1412 й. шаввол ойи*

## БЕШИНЧИ МАКТУБ

Ассалому алайкум, ҳазрати соҳибқирон!

Менинг бу мактубим, сезиб турибман, Сизга бир қадар ранжу алам стказиши турган гап. Чунки унда Парвардигори олам азиз ва мукаррам қилиб яратган инсоннинг қадру қиммати топталган хунук бир воқсага тўхталмай жим туролмайман. Тарихда жуда кам учрайдиган, ахлоқсизликнинг бесмисл кўриниши бўлган ғайриинсоний бу жиноий ишга ҳозиргача бирон муносабат билдирилмагани ҳақида Сизга арз-ҳол, обидийда қилмоқчиман. Олий остонада ўлтирганлар бу жиноий ишга ҳеч бўлмаса шу кунларда муносабат билдирурлар дсб ўйлагандик. Лекин, ҳамон сукут сақланмоқда. Балки улар бундан хабарсиз бўлсалар керак, деган фикрга ҳам бордим. Балким, уларнинг эсига тушириш лозимдир, деган мақсадда газета саҳифаларида бир қадар овоза қилиб кўрдик. Афсуски ҳамон ўша-ўша сукунат?! Шу сабабдан Сизни яна безовта қилаётибман. Бунинг учун бандани афв этгайсиз!

Ҳаммаси бундан тўрт йил муқаддам бир катта йиғиндан бошланди. Ўшанда мўътабар адибларимиздан бири менга қалтис бир савол билан мурожаат этиб қолди:

— Маълумки, 1941 йилнинг июнь ойида Амир Темурнинг Самарқанддаги қабрини очишган эди. Суяклари ҳозир Масковда эмиш. Сиз йирик тарихчи олимсиз, бундан хабарингиз борми?

Ушанда нафақат Сизнинг қабрингиз, соҳибқирон ҳазратлари, балки ўғилларингиз Мироншоҳ, Шоҳрух ҳамда иқтидорли набираларингиз Муҳаммад Султон билан Мирзо Улуғбекларнинг ҳам қабри онтар-тўнтар қилинганидан, суяклари шаҳарма-шаҳар ташиб юрилганидан бохабар эдим. Бу ёвуз ишни не мақсадда кўзлаб қилганларини ҳам пайқардим. Лекин бошда нима дейишни, муҳтарам адибимизга қандай жавоб қайтаришни билмадим. Кейин, ўзимни қўлга олиб: "ҳа, хабарим бор, лекин Амир Темурнинг суякларини Масковга олиб кетилганлиги масаласини синчиклаб текшириб кўриш керак", деб қўя қолдим. Чунки, биринчидан, оғзимга босиб қўйилган муҳр ҳали тамом олиб ташланмаган, иккинчидан эса, бу гапнинг оммалашиб, ортиқча шов-шувларга сабаб бўлиб кетишидан чўчирдим. Сизнинг оддий шахс эмаслигингизни, халқимизнинг юракдан суйган, эътиқод қилган асл ўғлони эканлигингизни яхши билардим. Бундай улуғ зотнинг хоки хор қилинганини эшитган халқ олимларни ҳам, ҳокимларни ҳам уркалтак қилмасмикан, деб қўрқдим. Эртасиданоқ бу гапнинг орқасидан тушдим. Аввал Гўри Амирнинг қазилиши билан боғлиқ ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқиш ва ўшандан кейин бор гапни Фанлар академиясининг раҳбарларига стказиш, уларга очилган қабрлардан олинган суяклар ҳақиқатан ҳам ўрнига қайта кўмилган-кўмилмаганлигини махсус комиссия тузиб текширтириш, Амир Темур ва Темурийларнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолиятига оид материалларни тўплаб, махсус музей ташкил этиш, ҳеч бўлмаса, Ўзбекистон халқлари тарихи музейидан бир неча хона ажратиб, уларни ўша хоналарга жойлаштиришни таклиф этмоқчи эдим. Алалхусус, Ўрта Осиё халқлари тарихининг олтин даври ҳисобланган Темур ва Темурийлар даври тарихи, маданиятини ўрганиш масаласини тубдан яхшилашнинг ўзим тузган режаларини айтиб, раҳбар ўртоқларнинг эътиборини шунга тортмоқчи бўлдим. Шу мақсадда шоғирдим Азамат Зиёсвни ёнимга олиб, Ўзбекистон давлат марказий тарих архивига, Алишер Навоий номидаги республика адабиёт музейига, кутубхоналарга бориб, 1941 йили Гўри Амир мақбарасидаги қабрларнинг очилиши масаласига алоқадор ҳужжат ва материаллар билан танишдим.

Республика давлат марказий тарих архивида омадимиз келиб, Амир Темур мақбарасининг очилиши билан боғлиқ бўлган бир-иккита ҳужжат топдик. Булар 1941 йилнинг

24 июнида тузилган профессор Т. Н. Қори Ниёзий бошчилигидаги махсус ҳукумат экспедициясининг акти (фонд 2296, қайд I, иш №315), ўша экспедиция аъзоси архитектор Б. Н. Засипкин тузган Гўри Амир мақбарасини таъмирлаш ҳақидаги илмий ҳужжат (фонд 2406, қайд I, иш №611) ва яна ўша Б. Н. Засипкиннинг Самарқанднинг Алишер Навоий давридаги қиёфаси ҳақидаги кичик бир мақоласи (фонд 240, қайд I, иш №210)дан иборат муҳим ҳужжатлар эди.

Алишер Навоий номидаги республика Адабиёт музейида ҳам 1941 йили Темурийлар хилхонасининг очилиши жараёни тасвирга туширилган 30 га яқин фотосурат, қабрлардан топилган баъзи бир ашёлар (қорайиб кетган бир-икки дона аёллар тақинчоғи, кафан парчалари; Сизнинг, ҳазрати соҳибқирон, сақланиб қолган ўнг қошингиз, Мирзо Улуғбекнинг камари) бор экан. Улар билан танишдик. Бахтга қарши, ашёлар ёмон шароитда, нодир ашёларни сақлашга мослашмаган оддийгина китоб жавонларида сақланар экан. Бу ҳам стмагандай, яқинда бу ашёларнинг ҳаммаси Самарқандга олиб кетилибди. Лйтишларича, улар ҳозир Археология институтида сақланаётган эмиш.

Биз кутубхоналардаги материаллар, хусусан, 1941—42 йилда чиққан газета-журналлар, партия архиви билан ҳам танишиб чиқдик. Шу иш асносида кутилмаганда "Ленин йўли" (1990й, 6 ноябрь) ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" (1990 йил, 16 ноябрь) газеталарида ёш археолог Амридин Бердимуродовнинг "Амир Темур мақбараси" ва "Темурийлар хилхонаси" деган мақолалари босилиб қолса бўладими! Боласи тушмагур шошиб, отни аввал қамчилаб қолган экан. Хўб тўполон бўлса керак деб чўчидим. Аммо, тўполон у ёқда турсин, ҳеч кимдан садо чиқмади. Биронта одамда ташвиш аломати ҳам сезилмади. Худди ҳеч нарса бўлмагандай... Шундан кейин, "бўлар иш бўлди!"— деб биз ҳам турли учрашувлар ва газеталарда чоп этилган мақолаларимизда (масалан, "Ёш ленинчи", 1990 йил, 11 декабрь) Гўри Амирнинг очилиши сирларини шунчаки ошкор қилган бўлдик. Лекин, бунга ҳам ҳеч ким эътибор бермади. Яна ўша жимжитлик. Тўполон ҳам бўлгани йўқ (қул бўлиб қолган халқдан нимани ҳам кутиш мумкин), бирон раҳбар ўртоқ бизни чақириб, сўраб-суриштиргани ҳам йўқ. Тарих таҳқирланиб, улуғ бир инсон хоки топталган бўлса-ю ҳеч ким индамаса алам қилар экан, кишига! Азбаройи

куйинганимдан буни Сизга ёзиб ўлтирибман, аъло ҳазрат. Илож қанча?

Ҳўш, юз берган бу жиноятнинг қисқача тафсилотини баён этсам. Аввал ўша Гўри Амирни очиш ишида қатнашган махсус ҳукумат экспедициясининг таркиби билан танишинг. Унга ўша кезларда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган профессор Қори Ниёзий бошчилик қилган. Комиссия асосан олимлардан тузилган эди. Мана улар: археология фанлари доктори, профессор М. Е. Массон, антрополог профессор Л. В. Ошанин, шарқшунос профессор А. А. Семёнов, химия фанлари доктори, Давлат эрмитажининг (Санкт-Петербург) таъмирчиси В. Н. Кононов, СССР Фанлар Академияси ашъвий маданиятлар тарихи институтининг катта илмий ходими антрополог-ҳайкалтарош М. М. Герасимов, ўзбек ва тожик халқларининг атоқли адиби Садриддин Айний, археолог олим, профессор В. А. Шишкин, архитектор Б. Н. Засипкин, Навоий юбилейи (таваллудининг 500 йиллиги)ни нишонлаш республика қўмитасининг илмий котиби Ҳоди Зарифов, лаборантлар: Л. И. Альбаум, В. И. Спришевский ва Ҳожиддин Ғуломов, архитектор О. В. Крунцкий, антрополог В. Я. Зазенкова, техник-қурувчи Г. И. Соловьёв, фотосуратчи И. Л. Забелин, Малик Қаюмов ва Н. А. Ким бошлиқ кинотасвирчилар гуруҳи. Экспедиция беш кун ичида Мироншоҳ (16 июнь куни), Шоҳрух (17 июнь куни), Мирзо Улуғбек (18 июнь куни), Муҳаммад Султон (19 июнда) қабрларини ва ниҳоят, соҳибқирон ҳазратлари, 20 июнь куни Сизнинг қабрингизни очдилар. Ўшанда гўрковлар аёлларнинг хокини ҳам тинч қўймадилар. Улар Бибиҳоним хонақосига бориб, унинг қабрини ҳам остин-устун қилдилар.

Қабрлардан олинган суяклар Тошкентга келтирилиб махсус лабораторияларда қандайдир кимёвий текширувдан ўтказилди. Марҳумларнинг бош чаноғи эса Масковга олиб кетилди, чамаси. Бу хусусда маълум далил-исботлар ҳам мавжуд. Профессор Л. В. Ошаниннинг гувоҳлик беришига қараганда, ўшанда Мироншоҳнинг бош чаноғи М. М. Герасимов томонидан Масковга олиб кетилган. Маълумки, антрополог-ҳайкалтарош М. М. Герасимов бош чаноқларни синчиклаб ўрганиш асосида Сизнинг аъло ҳазрат, амирзода Мироншоҳ, амирзода Шоҳрух ҳамда Мирзо Улуғбекларнинг скульптура-суратларини яратган эди. Ўз-ўзидан маълумки, бир эмас, балки тўрт кишининг бош

чаноғига қараб уларнинг скульптурасини яратиш бир-икки ой ичида битадиган иш эмас. Бунинг учун жуда кўп вақт талаб қилинади. Ва яна махсус лаборатория керак. Герасимовнинг махсус лабораторияси эса Масковда эди. Имоним комилки, М. М. Герасимов ўшанда нафақат Мироншоҳ, балки бошқаларнинг ҳам бош чаноқларини Масковга олиб кетган.

Шу ерда, ҳазрати соҳибқирон, яна бир муҳим гапни айтмоқчиман. Қабрлар қазилиб, суяклар ташқарига чиқариб олингандан кейин уларни Ленинградга олиб бориб томоша учун Эрмитажга қўймоқчи бўлишди. Лекин уруш ва Ленинграднинг душман қўлига ўтиб қолиш хавфи гўрковларни бу йўлдан қайтарди. Уларнинг ёвуз нияти амалга ошмай қолди.

1941 йилнинг 24 июнь куни зикр этилган экспедиция аъзоларининг республика Халқ Комиссарлари советининг вакили Н. А. Овсянников, НКВДнинг Самарқанд вилояти бўлими вакили А. К. Клицкий ва бошқалар иштирокида тузган далолатномасида Сизнинг, соҳибқирон жаноблари ва қабрлари онтар-тўнтар қилинган фарзандларингизнинг суяклари махсус текширувлардан ўтказилган, яна жой-жойларига дафн этилди, дейилган. Ундай бўлса нима сабабдан Сизнинг тобутингиз ташқарида қолди, у суяклар билан бирга ўрнига қўйилмади. Тобут ҳозир Самарқанд музейида турибди, қопқоғи эса бошқа ерда!

Нима бўлганда ҳам қабрлардаги ҳамма нарса ўрнидами, ё йўқми, бир текшириб кўрилса яхши бўларди. Буни агар биз қилмасак, албатта авлодлар қилишади. Ишқилиб, маломатга қолмасак бўлгани.

Нафақат мени, балки соф виждонли одамларни ҳам 1941 йили Самарқандда, Темурийлар хилхонасида ўтказилган махсус экспедициянинг икки жиҳати қизиқтиради. Биринчиси: нима сабабдан хилхонага қўл текизилди? Кўҳна қабрларни очиб, онтар-тўнтар қилишдан муддао нима? Ахир, қабрни бузиш шариатда (бошқа мазҳабларда ҳам) гуноҳи азим ҳисобланади-ку! Ҳукумат қарорида — Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1941 йил 23 ва 29-апрелда қабул қилинган 437-рақамли қарорида (қарор "Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида" деб аталган) айтилишича, бу иш Навоий даврини ва Самарқанд тарихини чуқурроқ ўрганиш учун қилинган эмиш. Бу ерда ўз-ўзидан қонуний савол туғилади: Амир



Тсмур ва унинг хилхонасини бузиш, уни тинтув қилиш, хилхона ичидаги қабрларни очиш ва бундан қарийб 500 йил муқаддам ҳаётдан кўз юмган марҳумларнинг суягини олиб чиқиб текширишнинг Навоий юбилейини ўтказиш ва ўша даврдаги Самарқанд тарихини чуқурроқ ўрганишга нима алоқаси бор? Нақадар беўхшов важҳ! Бунақасини тарих билмайди. Маълумки, 1947 йили Москва шаҳарига асос солинганига 800, 1953 йили Санкт-Петербургнинг бунёд этилганига 250 йил тўлиши катта байрақ билан нишонланди. Лекин ҳеч ким Москва Кремлида Вознесенский черковида дафн этилган рус подшоҳлари, Санкт-Петербург, Петропавловск қалъасида дафн этилган Пётр биринчи ва Романовлар сулоласининг бошқа вакиллари қабрига қўл теккизгани йўқ-ку! Аксинча, уларнинг қабри эъзозланиб асралади, уларнинг устидан гулчамбарлар аримайди.

Самарқанддаги Темурийлар мақбарасининг қазилиши ва қабрлардаги суякларни текшир-текширдан кузатилган мақсад аслида тарихни ўрганиш учун қилинган иш эмас. Менинг фикри ожизимча, ҳазрати соҳибқирон, Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги ҳукумати Сизнинг ва болаларингизнинг қабридан олтин ва жавоҳирлар топиб, Масковга олиб бориш ва Сталинга топшириб, ундан сийлов олиш ниятида қилган бу ёвуз ишни. Тўғри, республика раҳбарларининг Гўри Амирда олтин ва жавоҳирлар бор, деб тахмин қилишларига маълум даражада асос бўлган. Ўтмишда подшоҳларнинг хилхонасига катта бойликни яшириб қўйиш ҳоллари тарихдан маълум. Масалан, Миср фиръавнлари, хун подшоҳлари ва Хитой императорларининг хилхоналаридан катта бойлик чиққани, аниқроғи ўша катта бойлик ўғирлаб кетилгани тарихдан маълум. Лекин ўша фиръавнлар ҳам, Хун подшоҳлари ҳам, Хитой императорлари ҳам ўзга динга мансуб одамлар эдиларку! Аксинча, Сиз ҳам, соҳибқирони аъзам, фарзандларингиз ҳам, мўмин-мусулмон фарзандисизлар. Ислом ақидаларига кўра, инсон онадан қандай туғилган бўлса, уни шу тарзда гўрга қўядилар. Фақат ювиб-тараб, кафанга ўраб кўмадилар. Гўри Амирдан олтин у жавоҳир қидирганлар наҳотки ҳамма билган шу расм-одатни билишмаган бўлишса?

Аҳвол мана шунақа, ҳазрати соҳибқирон. Вассалом!

*Фақир у ҳақир Бўрибой АҲМЕДОВ. Ҳижрий 1412й.  
зулқадда ойи.*

## ОЛТИНЧИ МАКТУБ

Ҳазрати олийлари! "Дардни яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деган гап бор. Ва яна "гапни гапир уққанга, дилни дилга суққанга", деган мақол ҳам мавжуд. Шу боис дилдагини айтиш, айтганда ҳам уқадиган, дардингга малҳам бўладиган одамга айтиш жоиз экан. Ҳадиси шарифда жуда тўғри айтилганидек, "Кимники Тангри дўст тутса, одамларни унга ҳожатманд қилиб қўяди". Камина Сизни шундай ҳожатбарор одамлардан деб билади. Жисмингиз аллақачон йўқ бўлиб кетган бўлса-да, муқаддас руҳингиз ҳамиша тирик. Шу боис, ҳазрати соҳибқирон, кўпдан бери юракни ўртаб келаётган гаплардан яна иккитасини Сизга арз қилиб, кўнгилни бўшатай, деган фикрга келдим.

Айбга буюрмасангиз, ҳазрати олийлари, ўз замонангизнинг ташвишу андуҳлари, ҳасрату надоматлари стмагандай, Сизга бугунги куннинг муаммолари хусусида арз қилиб ўлтирибмиз. Илож қанча? Арзлар мана булар:

Биринчи арз: Соҳибқирон аъзам, шу пайтгача чиққан тарих китобларимизга бир назар ташлаб кўринг-а! Уларда ўтмиш жаҳолат ва разолатдан иборат, подшоҳлари бўлса золим, жаллод, қонхўр, босқинчи қилиб тасвирланган. "Улуғ октябрь инқилоби" деб аталмиш инқилоб (аслида у ҳеч қанақа инқилоб бўлмай, қонуний салтанатни қурол воситаси билан ағдариб ташлаш, бошқача қилиб айтганда, ўзига хос давлат тўнтариши эди)дан кейин бошланган Шўро даври эса одил ва озод жамият, инсон турмушининг гуллаб-яшнаган даври деб, яшил бўёқларда тасвирланади. Аслида эса бу гаплар ҳақиқатга зид гаплар бўлиб чиқди. Тўғри, ўтмишда ўтган ҳукмдорларнинг табиатида шундай хислатлар ҳам бўлган. Лекин бу баъзиларда кўпроқ, бошқаларда эса камроқ эди. Улар маълум даражада босқинчилик ҳам қилишган, қон ҳам тўкишган. Мозийда ўтган подшоҳларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига диққат билан назар ташлар эканмиз, бунақа ҳодисалар кўп учрайди. Сизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятингиз ҳам, ҳазрати олийлари, худо шоҳид, бундан холи бўлмаган. Лекин ўша пайтларда замон зўр ҳукмдорни ёқтирган. Тўғриси, ҳукмронлик — бу сиёсат, ҳукмрон синф ёки маълум табақага хизмат қилиш, унинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиш демакдир. Ва яна шуниси ҳам борки, бордию у зўрлик, қаттиққўллик билан иш тутмаса, шижоат кўрсатмаса, бошқа бир

зўравон унинг юртига бостириб кириб, элини босиб олиши, бунинг оқибатида катта қурбонлар берилиши, мамлакат оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин бўлган. Тарихга бир назар ташланг-а, биз кўп бор шундай кунларга қолганмиз. Шуни билатуриб, бизлар Сиз ва Сизга ўхшаган ўтмишда ўтган подшоҳларга маломат тошини отиб келдик. Сизларни золим, қонхўр, босқинчи деб атаб, Шўро даврида ўтган доҳийларимиз — Ленинни ҳам, Сталинни ҳам, улардан кейин ҳукм сурганларни ҳам фаришта деб кўрсатдик, сояларига етти букилиб салом бердик. Аслида эса улар ҳам биз ўйлагандай фаришта эмас эканлар. Ўша фаришталар XX асрда 40 миллиондан зиёд бегуноҳ одамларни, айниқса, деҳқонлар билан зиёлиларни қатағон қилишган. Шундан 20 миллионини турли жазога тортишган, 5 миллионини эса ҳе-йўқ, бе-йўқ шартта отиб ташлашган. Қолганларини эса Русия, Сибирь ўрмонлари ва ботқоқликлари ичида суякларини чиритиб юбордилар. Ўша инқилобдан кейин, сал ўтмай зиёли одамлар ёппасига қатағон қилинди. Сиз бўлсангиз, ҳазрати соҳибқирон, ўша фаришталардан фарқли ўлароқ, зиёлиларни ўлдирмагансиз аксинча, ҳатто босиб олинган мамлакатларда ҳам уларни ҳимоянгиз остига олгансиз. Бу ҳақда Сизнинг "Тузуқлар"ингизда ва Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида жуда кўплаб далил-исботлар бор. "Қайси мамлакатни забт этган бўлсам,— дейилади "Тузуқлар"да — ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим: саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим, ҳурматладим ва уларга суюрғол<sup>1</sup>, вазифалар бериб, маошларини белгилладим, ўша миллат, мамлакатларнинг улуғларини оға-инимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим" ("Темур тузуқлари", Тошкент, 1991 й, 94-бет). "Зафарнома"да ҳижрий 803 (милодий 1401) йили Димишқ олинганда ҳунармандлар, аҳли санъат ва табиблар асирлар орасидан ажратиб олиниб, қирғиндан омон сақлаб қолинганлиги ҳикоя қилинади ("Зафарнома", Тошкент, 1968й., в.384). Фаришталар — Ленин билан Сталин эса зиёлилар у ёқда турсин, ҳатто руҳонийларни ҳам аяб ўтирмадилар.

Сталиннинг ворислари даврида қўшинларимиз ҳатто хорижий мамлакатларга бостириб кирдилар. Масалан,

1

Суюрғол — тожу тахт олдида кўрсатган катта хизматлари учун бериладиган махсус инъом ер-сув, вилоят ва бошқалар.

Н. С. Хрущёв ҳукм сурган даврда, 1956 йилнинг октябрь ойида қизил қўшинимиз Венгрияга бостириб кирди ва коммунистик тузумга қарши кўтарилган халқ ҳаракатини аёвсизларча бостирди. Сахий отамиз Л. И. Брежневнинг амру фармони билан яна ўша қизил қўшин 1968 йилнинг август ойида Чехословакияга бостириб кириб қилган ишларини ҳамма билади. Бундан 14 йил муқаддам, 1979 йили совет армиясининг тиш-тирноғигача қуролланган қисмлари яна ўша Л. И. Брежневнинг буйруғи билан қўшни Афғонистон тупроғига бостириб кирди. Оқибатда минглаб одамларнинг қони тўкилди, қарийб 5—6 миллион афғон ватангадо бўлди. Шўро кишиларининг миллиард-миллиард жамғармаси кўкка совурилди, ўн уч ярим мингдан зиёд йигитларимиз (бу тахминий маълумот, албатта)нинг темир тобутга солинган ўликлари келди. Энг даҳшатлиси шуки, биз афғон халқи олдида ҳам, жаҳон афкор оммаси олдида ҳам бадном бўлиб қолдик. Охир-оқибат ҳақ қарор топди. Биз ўша Афғонистонда куч билан ўрнатган коммунистик режим чилпарчин бўлди. Афғон халқи ўтган асрда (1832—1842 ва 1878—1880 йиллари) Англия билан бўлганидай бизнинг устимиздан ҳам зафар қозонди. Ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қила билди, ҳокимиятни ўз қўлига олди. Лекин у энди кечирармикин? Буни худо билади.

**Иккинчи арз.** Тангри таолога беҳад шукрлар бўлсинки, соҳибқирон ҳазратлари, 130 йилдан бери орзиқиб кутган ёруғ кун ҳам етиб келди. Қизил импери-янинг қуллигидан қутулгандай бўлдик. Жаҳоннинг аксарий мамлакатлари Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олдилар. Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва бошқа кўпгина халқаро ташкилотларга аъзо бўлдик. Бу — халқимиз ва республикамиз ҳукумати қўлга киритган бениҳоят катта муваффақият! Лекин, ҳали тўла ҳақиқий мустақилликка эришганимизча йўқ. Бунинг учун яна кўп вақт сиз шимариб курашишимизга тўғри келади. Ҳазрати соҳибқирон, Сиз билан яна бир муҳим муаммо хусусида фикрлашиб олмоқчи эдим. Эшитгандирсиз, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам анча вақт бўлди. Бироқ ҳанузгача, жой, манзилгоҳларни қандай аташ масаласи тўлиғича ва узил кесил ҳал қилинганича йўқ. Районни биров "ноҳия"деса, бошқа бирлари "туман"; институтни бир жойда олийгоҳ ("илмгоҳ" десалар ҳам майли эди), иккинчи жойда "дорулмуаллимин"; журнални биров "жарида" деса, бошқалар "ойнома", факультетни

бўлса "куллиёт" (бу сўз аслида бир шоирнинг турли формадаги шърий парчалари жамланган тўплам, масалан, "Куллиёти Жомий", "Куллиёти Навоий") дсб аташасштишибди. Иккинчидан, почта, телеграф, транспорт идораларининг кўпчилиги ва ҳатто айрим давлат муассасаларида ҳамон иш рус тилида юритилаётир. Ҳали тил қонуни шундай тўла ҳаётга татбиқ этилмаган бир пайтда, "имломизни ўзгартирамиз, хусусан, лотин алифбосига ўтамиз", дсб жонини жабборга бсриб юрувчи олимлар кўпайиб кетди. Ўтган 1993 йили шундай қонун ҳам чиқарилди. Лекин, сирасини олганда, бунақа шошма-шошарлик билан иш тутиш тўғри бўлармикин? Ҳар қандай ислохотнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий тарафлари бор. Республика президенти Ислон Каримов жуда тўғри айтганларидай, бу — стти ўйлаб эмас, балки минг бор ўйлаб қилиниши лозим, бўлган иш. Лотин алифбосига тарафдор бўлиб юрган олимлар шу фикрни айтишдан аввал, дўппини олиб қўйиб бир ўйлаб кўришлари зарур эди. Сиз ҳам ўйлаб кўринг, соҳибқирони аъзам, ҳозир амалда бўлган имлони — рус имлосини ўзгартирадиган бўлсак, унда ёши 50 дан ошиб қолган одамлар саводсиз бўлиб қолиши турган гап, чунки янги имлони ўзлаштириб олиш улар учун умуман қийин. Иккинчидан, шу йўлга ўтадиган бўлсак, кўп йиллар мобайнида рус имлосида яратилган илмий ва маданий меросдан ҳам авлодларимизни маҳрум қилиб қўямиз-ку! Шунини унутмаслик керакки, аввал лотин имлосига, кейин рус имлосига ўтишимиз оқибатида аждодларнинг 1200 йил мобайнида араб имлосида яратган илм-фан ва маданий меросидан ажралиб турибмиз. Ҳозирда Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Муҳаммад Утбий, Жамол Қарший каби юзлаб забардаст олимларнинг асарларини аслида ўқий оладиган одамлар жуда камдан-кам. Шу 1200 йил ичида яратилган илмий меросимизнинг аксарий қисми араб, форс тилларида ёзилган ва илм-фаннинг барча соҳаларини қамраб олган. Адабиёт ва тилшуносликка оид мерослардан ҳам бир умрга маҳрум бўлиб турибмиз. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ҳазрати олийлари, бизлар VIII асрдан то 1928 йилгача, яъни 1213 йил мобайнида араб имлосида ёзиб-ўқиб келганмиз. Лотин имлоси ҳаммаси бўлиб 12 йил амалда бўлди. 1940 йилдан бери рус имлосида (кириллицада) ўқиб-ёзиб келамиз.

Шуни айтиш жоизки, лотин имлосига, ундан эса рус имлосига ўтиш сиёсати аслида узоқни кўзлаб қилинган, большевизм истибдодига тушиб қолган халқларни руслаштиришга қаратилган бир сиёсат эди, ўзи.

Асл муддаога кўчадиган бўлсак, жаноби олийлари, шу давр ичида, яъни ўтган 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида биз ҳаммамиз, ёшу қари, рус имлосига ўрганиб қолдик. Юқорида қайд этилгандай, шу имлода асрларга татигувчи илмий ва адабий асарлар яратилди. У ҳам 1200 йил ичида араб имлосида яратилган мерос каби бўлажак авлод учун хизмат қилиши лозим. Айрим ўртоқлар кейинги пайтда "Турк модели" тсварагида кучайиб кетган шовшувлардан фойдаланиб, аслида биз республикамизни тўла иқтисодий, сиёсий, маданий мустақиллик ва юксалишга олиб чиқадиган кўп моделларга — Америка, Англия, Германия, Япония, Швеция моделларига ҳам шароитимиздан келиб чиқиб ёндошишимиз лозим. Ўзимизнинг ота-боболар яратган моделларимиз бор. Ахир, бир қўйни бир тангага берадиган вақтлар ҳам бўлган-ку, тарихда. Бизларни яна 1928 йилга қайтаришмоқчи. Бошқа сўз билан айтганда, бизни, яна "СБ" (саводи бўлмаган), "ЧС" (чала савод) мактабларининг курсисига ўтказишмоқчи, чамаси. Яқинда бообрў бир тилшунос олимимиз "лотин имлосига ўтганимиз маъқул, чунки араб имлоси компьютерга тушмайди", дсб ишонтирмоқчи бўлди мени. Менимча бу гапнинг тагида ҳеч қандай асос йўқ. Нима, Эрон ва араб мамлакатларида компьютер йўқми? Хитой, Қурия ва японияликларнинг имлоси қандай мураккаб! Лскин, улар аллақачон компьютерга ўтиб олишган-ку! Араб имлосини ҳам бемалол компьютерга тушириш мумкин экан. Мен буни ўз кўзим билан кўрдим. Бу — вазифа берувчининг илми ва малакасига боғлиқ экан. Аслида, менинг фикри ожизимча, аълоҳазрат, рус имлосини ҳозирча сақлаган ҳолда, лотинчани ҳам, араб имлосини ҳам ўқитаверганимиз тўғри бўлса керак. Керагини халқнинг ўзи танлаб олсин. Шунда 20—30 йил ичида лотинчами, ёки араб имлосими ҳаётга тўла татбиқ этилиши мумкин. Бу ҳақда Сиз қандай фикрдасиз, ҳазрати соҳибқирон?

Қимматли вақтингизни олганим учун афв этинг.

*Бўрибой АҲМЕДОВ.  
Ҳижрий 1412 й. зулҳижжа ойи.*

Ҳазрати олийлари!

Дуойи салом ва яхши умид-истаклар изҳоридан сўнг, яна бир муҳим гапни муборак фикр-мулоҳазангизга етказишга жазм этдим. Густоҳлик қилганим учун банданинг жарималари юзига авф чизигини тортарсиз, деган умиддаман.

Ўзингизга аён, ҳазрати соҳибқирон, Сиз билан бизнинг жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллик, миллий истиқлолнинг ғадир-будир ва сермашаққат йўлига чиқиб олганига ҳам 2 йил бўлди. Такрор бўлса ҳам айтишга тўғри келади: биз бунга қарийб бир юз ўттиз йиллик мустамлакачиликнинг азоб-уқубатлари ва зулмидан кейин эришдик. Ўзингиз биласиз, мустақиллик ва миллий истиқлол бизга осонга тушмади — жуда катта қурбонлар эвазига эришдик бунга. Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов сингари минг-минглаб миллатсевар ота-боболар кураши орқасидан эришдик бу кунги мустақиллик ва истиқлолга. Биз ўзбеклар ҳам, аъло ҳазрат, бундан буёғи ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилмоқчимиз. Бор-йўғимизга, бойликларимизга ўзимиз хўжайин бўлмоқчимиз. Кўп йиллар камситилиб, ҳатто таҳқирланиб келган кўҳна ва бой тарихимизни, бир замонлар жумлаи жаҳоннинг таҳсину эътиборини қозонган илм фан ва маданиятимизни, ҳамманинг орзу ҳавасини келтирган қадрият ва анъаналаримизни қайтадан тикламоқчимиз. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Бунинг ўзбекдан бошқа кимга оғирлиги тушиши мумкин? Ҳар бир халқ, у каттами, кичикми, бундан қатъи назар, ўзини-ўзи эпласа, аравасини ўзи тортса ёмонми? Ёки ўша халқ нима қилишини, қандай тарзда кун кечиришини бошқалардан сўраб, уларнинг рози-ризалиги билан қилиши керакми?

Сирасини олганда, мустақилликнинг хосияти катта экан, ҳазрати соҳибқирон. Мана биз ўзбеклар шу қисқа фурсат ичида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётимизда катта-катта ютуқларни қўлга киритдик. Одамларимиз ер-сувлик бўлишди, шаҳарларимиз, ҳатто қишлоқларимизда кўплаб саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилмоқда. Илгари автомобил ишлаб чиқариш ўзбекнинг тушига ҳам кирмаган. Ҳозир бўлса республикада Олмония ва Жанубий Қуриянинг ёрдами билан бир эмас, балки иккита улкан автомобил заводи қурилмоқда. Худо

хоҳласа, жаноби олийлари, яқин йилларда нафақат Ўзбекистон бўйлаб, балки Сиз бир умр қуриқлаган қадимий Ипак йўлларида ўзбек автомобиллари қатнай бошлайди. Нефть, олтин ва бошқа сир ости бойликларимизнинг янги-янги захиралари очилди. Республика ҳукумати уларни ишга тушириш борасида катта ишларни амалга ошироқда. Бир-икки йил қийинчиликни ўзимизга олсак, яқин орада дон ва ёнилғи маҳсулотлари билан ҳам ўзимизни-ўзимиз тўла таъминлайдиган бўламиз, иншооллоҳ.

Лекин, тўла иқтисодий мустақиллик сари одимларимиз осонлик билан кечаётгани йўқ. Ҳар турли қийинчиликларга дуч келаётимиз. Айрим саноат корхоналари эҳтиёт қисмлар ва хом ашё танқислиги орқасида тўла қувват билан ишлаётгани йўқ. Буларни биз оғир шартларни бажариш эвазига бошқа мамлакатлардан олиб келишга мажбурмиз, ҳозирча. Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан ҳам бир қатор қийинчиликларга учраб турибмиз. Ҳамма нарса, ҳатто давлат корхонасида ишлаб чиқарилган ва давлат дўконларида қатъий бир нархда сотилиши лозим бўлган товарлар ҳам олиб сотувчининг қўлига ўтиб кетди. Кейинги пайтларда чайқовчи бозор ва савдо-сотиққа тўла хўжайин бўлиб олди. Юз сўмлик молни ҳеч тап тортмасдан минг сўмга сотадиган бўлиб олди у. Сабаб, маҳаллий ҳокимият чайқовчининг мушугини "пишш" дсмай қўйди. Зиммасига бозорда нарх навони назорат қилиб туриш юклатилган бозор оқсоқоллари билан чиптачилар бўлса чайқовчига гумашта бўлиб олишди. Тўғри, республика ҳукумати бозор ва савдо-сотиқ ишларини тартибга солиш, хусусан олиб сотувчи текинхўрга қарши кураш ишида муҳим тадбирларни амалга ошириб турибди. Бироқ меҳнаткаш халқни, айниқса, аҳолининг маош олиб тирикчилик ўтказувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган бу тадбир мавсумий бўлиб қолмаслиги керак-да. Чунки чайқовчи яшовчан халқ. Назорат кучайганда ўзини панага олиб, назорат сусайиши билан яна бозор растасидаги эски ўрнини эгаллаб, қаллобликни давом эттиравсради. Уларга нисбатан, ўзгаларнинг ҳақиға хиёнат қилиб, эгри йўллар билан мўмай даромад орттирувчи текинхўр сифатида муносабатда бўлиш зарур. Уларга меҳнаткаш халқнинг ашаддий душмани сифатида қараш ва улар билан мунтазам равишда кескин кураш олиб бориш ларкор. Чайқовчи хусусида ҳазрат Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" китобида бундай деб ёзган эдилар: "Шаҳар



олиб-сотари хиснатчи, ўзига фойда ва мўмин-мусулмонларга қаҳат истовчи. Халққа зисн унинг фойдаси, арзон олиб, қиммат сотмоқ — унинг орзуси. Олишда қатонни<sup>1</sup> бўз дейди, сотишда бўзни қатон дейди. Шолни қимматбаҳо кийим ўрнида ўтказадиган бўлса кечиктириш йўқ, бўйрани зарбафт<sup>2</sup> ўрнида сотиб оладиган бўлса тўхтатиб туриш йўқ.

Дуконида инсофдан бошқа барча мол мавжуддир, унда ўз айбига иқрор бўлишдан бошқа ноинсофликнинг барча тури топилур<sup>3</sup>.

Ҳа, ҳазрат соҳибқирон, илгари замонларда чайқовчилик, бир мўмин-мусулмоннинг ҳақиға хиснат қилиш кечириб бўлмайдиган жиноят ҳисобланган. Шу ўринда тарихдан икки воқеа хотиримга келадур. Улардан бири, бундан ўн аср муқаддам Ғазнавий султонлардан Султон Масъуд (1031—1041) замонида, илк баҳор пайтида содир бўлган. Воқсанинг қисқача тафсилоти бундай: Кунлардан бир куни ҳиндистонлик бир карвонбоши султоннинг ҳузурига кириб арз қилибди: "қутлуғ ва сербаракот шаҳарингизга келганимизга бугун уч кун бўлди. Лекин бозорда ҳам, гузарда ҳам нон сотилмайди. Оч қолдик... "Султон дарҳол мушрифни<sup>3</sup> чақиртириб суриштирди:

— Мана бу ҳиндистонлик мусофир "уч кундан бери шаҳарда нон сотилмайдур", деб арз-дод қилиб келибдур, шу тўғриму? Не сабабдин доруссалтанада<sup>4</sup> нон ёпилмайдур?

— Омборхоналарда дон қолмоғон эрмуш,— деб жавоб қилди мушриф икки букилиб таъзим қилиб.

Султон бошда ҳайрон бўлди. Ахир, янги ҳосилга ҳали олис. Тўрт ой вақт бор. Омборхонада бўлса дон қолмайдур. Энди нима қилдик? Сўнг меҳтари нонвойхонани<sup>5</sup> чақиртирди:

— Балким сиз менга айтиб берарсиз, муҳтарам зот, шаҳарда не важҳдин нон йўқ?

Меҳтарнинг ранги-қути ўчди, аъзойи баданини титроқ босди, сўнг ўзини босиб қўрқа-писа жавоб қилди:

1

Қатон — каноидан тикилган кийимлик.

2

Зарбафт — зардан тўқилган мато

3

Мушриф — давлат назоратчиси.

4

Доруссалтана — салтанат эшиги; пойтахт.

5

Меҳтари нонвойхона — сарой нонвойхонасининг бошлиғи.

— Шаҳардин хабарим йўқ, олийҳазрат, локин саройда нон узилгани йўқ. Муттасил ёпиб турибмиз.

Султон дарғазаб бўлди ва мушрифга бу кор-ҳолни тўхтовсиз суриштириб арзга стказишни буюрди. Мушриф сўраб-суриштириб, ўша куниёқ ҳақиқатнинг тагига стди ва чошгоҳда даргоҳга келиб, бор гапни султон ҳазратларининг арзига стказди.

— Чорсудаги омборхонадан бор ғаллани тунов куни меҳтари нонвойхона саройига, деб олиб кетган эркан, бошқаларида ҳали дон-дун бор, олампаҳо.

Ўша куниёқ султон омборхона меҳтарлари ва до-ругани чақиртириб ўзи сўроқ қилди. Раас ва мусофирларга азият стказгани учун меҳтари нонвойхона билан омборхона меҳтарлари олий жазога ҳукм этилдилар. Чорсуда тўпланган тумонат одам олдида уларни қутурган филларнинг оёғи остига ташладилар. Филлар бир зумда уларни мажақлаб ташлади.

Жазо пировардида мушрифнинг баланд овози майдон узра янгради:

— Улуғ султонимизнинг амр-фармойишлари шулки, бундан бўён кимки халқни нонсиз қолдирса қисмати худди мана шундай бўлур!

Иккинчи воқеа, ҳазрати соҳибқирон, Сизнинг қутлуғ замонангизда содир бўлган. Сизнинг аъло-ҳазрат, ўқтин-ўқтин улусларнинг девонларини тафтиш қилдириб турадиган одатингиз бор эди. Бу ишнинг тепасида Жалол ул-ислом рутбалик махсус одамингиз турарди. Етти йиллик ҳарбий юриш (1399—1404)дан пойтахт Самарқандга қайтиб келганингизнинг эртасига Жалол ул-ислом Сизга бор аҳволни арз қилди. Ўшанда ўз мансабини суиистеъмол қилган вазирлар хожа Маҳмуд Довуд билан Муҳаммад Желда, бозорда молига ортиқча баҳо қўйиб сотган бир қассоб билан маҳсидўз косиб олий жазога ҳукм этилиб, Чорсуда осиб ўлдирилган эдилар, ўшанда.

Афсуски, бизда олиб-сотарга қаттиқроқ қонун йўқ. Муҳтарам президентимиз Ислоом Каримов, ҳазрати, соҳибқирон халқпарвар одам. Халқ учун кўп куюнади. Лскин, афсуски, бозор ва савдо-сотиқ устидан мутасаддий бўлиб ўлтирганлар бунақа эмас. Мажлисдан кейин бир муҳлат ғимиллаб туришади, кейин яна парвойи палак. Бозор оқсоқолларидан-ку умид йўқ, лскин солиқ назоратчилари, давлат назорати идораларининг ходимлари,

1

*Доруга — шаҳар ҳокими.*

қонунни ҳимоя қилиб туриши лозим бўлган бошқа катта-катта маҳкама ва идораларнинг раҳбарлари-чи?! Худо ҳаққи уларни билмадим.

Хулласи калом, қиладиган ишларимиз бошимиздан ошиб-тошиб ётибди. Ўзимиз билан ўзимиз оворамиз. Қолаверса, биз ўзгаларнинг ишларига аралашаётганимиз йўқ, ҳеч кимга халақит бераётганимиз ҳам йўқ. Сирасини олганда, ўзбекнинг бунақа одати йўқ, аслида. Аммо шунга қарамай, бизни ўз ҳолимизга қўйишмай гиди-биди қилиб турадиганлар ҳам топилади. Айниқса, Русиянинг вақтли матбуоти миллий мустақиллигимиз эълон қилинганлигининг илк кунлариданоқ республикамизга, унинг раҳбарларига қарши маломат тошини отиб келдилар. Бу ҳам стмагандай, айрим сиёсий гуруҳлар "илгари СССР таркибига кирган ҳамдўстлик мамлакатларида Русиянинг алоҳида манфаатлари бор", "ўша жумҳуриятларда истиқомат қилиб турган русларнинг ҳаётига қандайдир хавф-хатар мавжуд" дёб ҳамма ёққа жар солдилар. "Биз уларни ёлғиз қолдирмаймиз, қаттиқ чоралар кўрамиз" дёб дўқ-пўписа қилдилар. Қани, айтингчи, бошқа республикаларда истиқомат қилиб турган рус кишиларига ким таҳдид қилаётибди экан? Лекин муҳтарам жаноблар бу ҳақда бирон далил-исбот келтиролмайдилар.

Афсуски, бунақа одамлар орасида рус халқи ишонч билдириб, давлатнинг олий идорасига сайлаб қўйган айрим депутатлар ҳам бор. Мен бу ерда, биринчи галда, Русия Давлат думасининг аъзоси Владимир Вольфович Жириновскийни назарда тутаётиман. У ким дейсизми? Владимир Жириновский рус либерал-демократик партиясининг раиси. Ҳозирча ўша Давлат думасининг аъзоси, эртага ким бўлиб қолади, буни худо билади. У ҳеч тап тортмай очиқдан-очиқ улуғ давлатчилик ва мустамлакачилик сиёсатини тарғиб этапти. Владимир Жириновский эски Русия империясини тиклаш, хоризм барпо этган мустамлака тузумини қайтадан тиклашни партиясининг асосий дастурига айлантирган. У бугун ўз миллий мустақиллигига эришган республикаларнинг биронтасини ҳам тан олмаслигини очиқдан-очиқ айтмоқда. Энг даҳшатлиси шундаки, унинг фикрича, Русия идораларида фақат кўк кўзлик, малла соч руслардан бошқа биронта миллат бўлмаслиги, собиқ СССР таркибига кирган республикалар эса Русиянинг губерналарига айлантирилиши лозим эмиш. Фашизм руҳи билан суғорилган бу машъум назарияни Владимир Жириновский Адольф Гитлернинг 1925 йили

чоп этилган "Майн Камф" ("Менинг курашим") деган "асари"га тақлид қилиб ёзган "Бросок на юг" ("Жануб сари ҳамла") деган китобида очиқ ошкора баён этган. "Жириновскийнинг бу ҳамласи жанубдаги мамлакатларга қаратиларкан, биз эрсак, Шарқдамиз", деб гафлат уйқусига ботманг, азиз ўрта осийлик ва қозогистонлик биродарлар! Владимир Жириновский Русия ҳудудидан туриб гапиряпти. Русияга эса, маълумингизким, Сибирь ва Узоқ Шарқ ўлкалари ҳам қарайди. Жириновский келгусида Қозогистон ва Ўрта Осиёга ҳам қўшин киритиш ниятида... У жанубга ҳамласини худди 1850—1860 йиллари Чор армияси қилгандай икки фронт бўйлаб: 1) Марказдан Жанубга ва ундан Оренбург ва Астрахань орқали ва 2) Сибирь орқали уюштириш ниятида. Қаранг, қанчалик разилона сиёсат!

Русия сайловчиларининг катта қисми 1993 йил 12 декабрда бўлиб ўтган сайловларда ҳозирги мавжуд иқтисодий қийинчиликларни демократлардан кўриб, фашистлар ва коммунистларга овоз беришиб хато қилишди. Аслида одамлар қизиқ бўлади, ўзи. Поезд ёки самолёт бир-икки соатга кечиккудай бўлса, буни ҳукуматдан кўришади. Озиқ-овқат дўконида бир кун минерал сув бўлмай қолса, бунга ҳам ҳукуматни айбдор қилишади. Бошқа сабабларини эса сўраб-суриштириб ўлтиришмайди. Ахир, бунинг тепасида мутасадди одамлар бордир, балким ўшаларнинг айби билан шундай бўлгандир, деб ўйлаб ҳам ўлтиришмайди. Русиялик сайловчилар ҳам иқтисодий қийинчиликларнинг сабабчиси Б. Н. Ельцин билан демократлар, деган хулосага келдилар чоғи, Жириновскийнинг қуруқ ваъдаю ширин сўзларига учиб, унинг партиясига овоз бердилар. Мапа, фожиа қасрда! Бунинг оқибати тошбақа билан чаён қиссасига ўхшаб қолмасмикан, деб қўрқаман. Мана ўша қисса: кунлардан бир куни нишида заҳари тўлиб тошган ва табиатида ёмонликдан бошқа нарса бўлмаган чаён сафарга отланибди ва бир азим дарёнинг бўйига келиб қолибди. Лекин дарёдан ўтишнинг иложини тополмабди. Шу пайт ўша атрофда ётган тошбақага кўзи тушибди. "Жон тошбақажон, мени устингга миндириб дарёдан ўтқазиб қўй, бир умрга хизматкоринг бўлай! — деб ялиниб-ёлворибди унга. Тошбақа раҳми келиб, чаённи устига миндириб, дарёга тушибди. Лекин сувнинг қоқ ўртасига борганда чаён хиёнат қилибди — тошбақанинг бўйнига ниш уриб уни заҳарлабди. "Бунима қилганинг, номард? Яхшиликка-ёмонликми?", дебди

тошбақа жон талвасасида. "Касбим шунақа",— дсб жавоб қилибди чаён пинагини бузмай. Шу сзда тошбақа жон берибди ва иккалалари чўкиб — тошбақа ҳам, чаён ҳам сувга ғарқ бўлиб ҳалок бўлибдилар. Ҳа, бунақасидан худо асрасин.

Кейинги пайтларда, ҳазрати олийлари, баъзилар қандайдир Евроазия иттифоқини тузиш шиорини кўтариб чиқмоқдалар. Бу ўша СССРни қайта тиклашга қаратилган уринишлардан яна биттаси. Лекин бунақа одамлар, иншоолло, бизнинг эл-юрт ичида чиқмаса керак. Биз ўзбеклар битта шиор билан — улуғ ва озод Ўзбекистон мамлакатини барпо этиш шиори билан чиққанмиз. Орқага қайтадиган ниятимиз йўқ.

Гаплар шунақа, соҳибқирон ҳазратлари. Бундай пайтларда "ит ҳуради, карвон йўлида давом этавсади", дсб хотиржам ўлтирса бўлармикин? Масалан, Сиз, ҳазрати олийлари, салтанатни бошқаришда ҳамиша ҳушёрлик ва эҳтиёткорликка қаттиқ риоя қилиш зарурлигини кўп уқдирар эдингиз. Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбари, юртбошимиз Ислон Каримов ҳам шундай қиладилар ва шунга даъват этадилар. Тўғри қилади! Нима бўлганда ҳам эҳтиёт бўлган яхши. Балодан ҳазар! Мирзо Улуғбек ҳазратларининг бир шэърида мана шундай огоҳлантириш бор:

Эй, он-ки мулки ҳусн бе зери нигини туст,  
Шўҳи макун-ки чашми бадон дар камини туст.

### Таржимаси:

Э, ҳусн мулки сенинг муҳринг остида бўлган,  
Шўхлик қилма, ёмонларнинг кўзи сенга тузоқ  
қўйиб ўлтирибдур.

Бу сзда "Шўҳи макун" ибораси аслида "шўхлик қилма" деган маънода эмас, балки "эҳтиёт бўл" деган маънода келган.

*Сизга камоли эҳтиром ва ҳурмат  
билан Бўрибой АҲМЕДОВ.  
Ҳижрий 1414 йил, шаъбон ойи.*

## САККИЗИНЧИ МАКТУБ

Дуойи салом ва яхши умид-истаклар изҳоридан сўнг Сизнинг, ҳазрати олийлари, эл-юрт фаровонлиги учун қилган ибратли ишларингиздан баъзиларини ёдга олган ҳолда, ўзимизнинг ҳам бу йўлда амалга ошираётган ишларимиздан айримларини Сизга маълум қилмоқчиман.

Ўзингиз яхши биласизки, ҳазрати олийлари, СССР деган қудратли ва кўп замонлар жумлайи жаҳонни қўрқув ва таҳлика остида тутиб келган давлат мавжудлигида ҳам Ўзбекистон мустақил, суверен давлат деб аталарди. У ҳур республикалар иттифоқига кирган тенг ҳуқуқли давлат ҳисобланарди. Унинг зарур давлат рамзлари: байроғи, тамғаси (герби) ва мадҳияси бўлган. Конституцияси ҳам бор эди. Лекин, буларнинг ҳаммаси қоғозда эди. Ҳа, қоғозда! Амалда эса у ҳеч қанақа ҳуқуққа эга эмасди. Том маъноси билан мустамлаканинг айнан ўзгинаси эди. Масалан, Ўзбекистондаги биронта давлат идораси Масковнинг ижозатисиз мустақил қадам қўёлмас, босолмас эди. Ва ҳатто биронтамиз ўша Масковнинг рухсатисиз хорижий мамлакатларга боролмас эдик. Хорижда эса Ўзбекистон деган миллатни ҳеч ким танимасди! Хорижий мамлакатларда "Совет юнион" деган мамлакат ва "совет", деган миллатни билишарди, холос. Алам қиладиган сри шундаки, слкамиз яғир бўлиб стиштирган пахтамининг бирон килосини, пилламининг бирон қадоғини, қоракўл теримизнинг бирон донасини ўзимиз сотолмас эдик. Уни масковлик оғалар сотардилар. Беҳисоб олтин, кумуш ва мармарларимизни эса беармон ташиб кетдилар...

Яратганга шукрлар бўлсинким, биз энди шу қарамликдан маълум даражада қутулдик. Ихтиёримиз энди ўз қўлимизда. Лекин маълум сабабларга кўра экономикамиз Русия экономикасига қарам бўлиб қолган. Шу боис биз ҳали кўп вақт улар билан иқтисодий алоқа қилишимизга, муросайи мадорага боришимизга тўғри келади. Бу — айнан шу оғир кунларда ҳар иккала мамлакатнинг манфаатига мос тушади. Биз, сирасини олганда, ўзаро манфаатларга хизмат қиладиган муносабатларга тарафдормиз. Лекин Русиянинг расмий доиралари бажариб бўлмайдиган оғир шартларни ўртага қўйиб бизни иқтисодий сиқув исканжасига олмоқчи бўлишяптилар. Масалан, икки ўртадаги келишувга риоя қилмасдан бизни "рубль"дан сиқиб қўйдилар. Кейин бартер йўли билан,

яъни молга-мол алмашиш йўли билан муомала қилишга мажбур этишди. Бунақа тартиб инсон тараққиётининг илк босқичида, яъни товар-пул муомалалари жорий бўлмасдан аввал мавжуд эди. Илож қанча? Биз бунга ҳам рози бўлдик. Биз яна кутдик. Лекин, гап бошқа-ю, иш ўзгача экан, буни фаҳмлаб қолдик. Хайриятки, Прездентимиз Ислон Каримов бу масалаларни яхши тушунадиган иқтисодчи олим одам. Халқимизни иқтисодий мустақиллик сари стаклади. Биз Инглистон, Фарангистон, Олмония, Хўлландия, Швейцария, Туркия, Жанубий Қурия каби мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиб олдик. Улар бизга саноатнинг барча зарур соҳаларини ривожлантиришда кўнгилдан ёрдам беришяпти. Мана, масалан, Олмония билан Жанубий Қурия ёрдамида бир эмас, иккита автомобиль заводини қурыпмиз, илғор Оврупо мамлакатлари нефт ва олтин конларимизни ишга туширишда кўмаклашмоқдалар. Худого шукур!

Савдо-сотиқда ҳам гап кўп. Сиз, ҳазрати соҳибқирон, 1402—1403 йиллари Фарангистон подшоси Карл VI (1380—1422) ва Инглистон подшоси Хенрих IV (1399—1413) ларга йўллаган мактубларингизда халқлар ва мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришнинг аҳамияти жуда катта эканлигини такрор-такрор айтган эдингиз. Масалан, ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланаётган хатларингиздан бирида Сиз Фарангистон подшосига бундай деб ёзган эдингиз: "...Биз ҳамма вақт сизнинг яхши кайфиятда эканлигингизни эшитиб туриш иштиёқидамиз ва яна фуқароларингизнинг шу бугундан эътиборан бизнинг мамлакатимизга келиб-кешиб туришларини, бизнинг фуқароларимиз эса сизнинг мамлакатингизга бориб туришларини истар эдик. Бу — сиз бирлан бизнинг номимизни машҳури жаҳон қилур ва бундин ҳар икки мамлакатнинг савдо аҳли нафъ кўрур эрди. Хулласи калом, бизнинг мамлакатимизда сизнинг савдогарларингизнинг туриши учун барча шароит яратилган, уларнинг хавфсизлиги таъминланган... "Чунки,— деб ёзган эдингиз яна бир бошқа мактубингизда,— мамлакат ва халқлар савдогарлар билан ободдир!" Сиз аъло ҳазрат, сўзингизга эгалик қиладиган одам эдингиз. Бўладиган гапни айтардингиз, айтдингизми уни, албатта, амалга оширардингиз. Сиз билан Оврупо подшоҳлари ўртасида элчилик қилган

архиспископ Иоанн ҳам буни тасдиқлайди. У ўзининг "Тсмурбск ва унинг саройидаги тартиб" деган қимматли китобида, хусусан унинг "Тсмурбек ўзига қарашли шаҳарлар ва мамлакатларда ўрнатган тартиб ҳақида" дсб аталган 19-бобида, бундай дсб ёзган: "У омилкорлик билан савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаган. Масалан, унга қарашли срларда чет эллик бирон савдогарни талаб кстишган бўлсалар, ҳокимидан йўқолган молини икки баробар қилиб ундириб олинган. Бундан ташқари, ундан давлат ҳисобига беш баробар жарима ҳам ундирилган. Мазкур фармойишнинг бажарилиши устидан назорат қилиб туриш махсус мансабдорнинг зиммасига юклатилган".

Ўзбекистонимизда, ҳазрати олийлари, аҳли савдога (чайқовчига эмас) ҳозир шунақа қулай шароит яратилмоқда. Биз шу мақсадда яқинда қўшни Қирғизистон билан Қозоғистон ўртасидаги божхоналаримизни олиб ташладик. Бугун ўзбеклар, қирғизлар ва қозоқлар бир-бирларининг юртига бсмалол бориб, савдо-сотик қиляптилар. Буни эшитиб, Президентимиз тутаётган сиёсатдан албатта хурсанд бўласиз, ҳазрати соҳибқирон!

Бизнинг чегараларимиз ва тўкин-сочин бозорларимиз дўст учун сўзда эмас, амалда ҳамиша очиқ.

*Самимий салом билан: Бўрибой АҲМЕДОВ.  
Ҳижрий 1414 йил рамазон ойи.*

## ТЎҚҚИЗИНЧИ МАКТУБ

Ассалому алайкум, аълоҳазрат!

Машҳур муҳаддис, улуғ ватандошимиз имом Исмоил Бухорий (810—870) ўзларининг "Ал-адаб ал-муфрад" ("Адаб дурдоналари") деган машҳур китобларида ота-она сруғ дундан кўз юмгандан кейин фарзандларининг уларга қиладиган яхшилиги ҳақида мана бу ҳадисни келтирган эканлар: "Абу Усайд, рази оллоҳу анҳу, [бундай] ҳикоя қиладилар. "Ё Расулуллоҳ, ота-онам ҳаёт вақтларида қилган яхшиликларимдан ташқари, улар вафот этганларидан кейин яна нима қилсам шу яхшилигим давом этади?" — дсб сўради. Расулуллоҳ: тўртта нарсани қилиб юрсанг уларга қиладиган яхшилигинг давом этавсради: уларнинг бирламчиси — ота-онанг ҳақида дуо қиласан ва гуноҳларини кечирмакни оллоҳ таолодан



сўрайсан. Иккиламчиси — уларнинг насиҳат ва шаърий васиятларини амалга оширасан. Учламчиси, уларнинг дўстларини ҳурматлайсан. Тўртламчи — қавм-қариндошлар билан улар туфайли қарор топган қариндошлик алоқаларини узмайсан", дедилар. ("Ал-адаб ал-муфрад", "Ўзбекистон" нашриёти, Тошкент. 1990 йил, 26-бет). Лекин, афсуски, биз туркистонликлар Пайғамбаримизнинг бу улуг кўрсатмаларини, кўп бўлди, бир қадар унутдик. Ўз ихтиёримиз билан эмас, ҳалиги большсвойларнинг тазйиқи остида. Сиздек бобокалонлар руҳини шод этмай қўйдик, фойдали ўғитларингизга, панд-насиҳат ва васиятларингизга амал қилмадик. Ксчагина бир ота-онанинг фарзандлари бўлган кишилар бир-биримизнинг сқамиздан оладиган бўлиб қолдик. Авваллари, кўп асрлар давомида, бир бутун бўлган мамлакат дастлаб учга бўлиниб кетди. Бир салтанат ўрнига Бухоро, Хива ва Қўқонда учта тахт ўрнатдик. Бухоро амири Қўқонни чопди, Хива хони Бухорони ғорат қилди. Бунинг оқибати, соҳибқирон ҳазратлари, яхши бўлмади, охир-оқибат фожиа билан тугади. Уччала хон ҳам аввал чор Русияси, кейин қизил империянинг тузоғига илиндилар. Ноаҳиллик ва ажратмачиликнинг натижаси бўлди, бу!

Хайрият, Қуръони карим ва муқаддас Ҳадис ҳидоятига амал қилиб, ота-боболар руҳини шод этиб яшайдиган замонлар ҳам келди. Бу — зўр интизорликдан кейин келган мустақиллик ва истиқлолнинг самараси бўлди, албатта. Мана энди шу мустақиллик шарофати билан йўқотаёзган умуминсоний қадриятларимизни тиклаб олишимизга имкон туғилди. Бундан буёғига йўқотган қадриятларимизни тиклаб олишга, бой миллий, илмий ва маданий меросимизни изчил ўрганишга айнақса биз зиёлилар астойдил ҳаракат қилишимиз, сидқидилдан меҳнат қилишимизга тўғри келади. Шу боис, ҳазрати соҳибқирон, кейинги бир-икки йил ичида қилинган ва қилйнаётган айрим ишлар ҳақида Сизга қисқача сўзлаб берсам, деган эдим. Авф этинг, яна қимматли вақтингизни оладиган бўлдим.

**Биринчи ахборот.** Республика олимлари Сизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятингиздан ҳикоя қилувчи тарихий китобларни араб, форс тилларида ўзбек тилига таржима қилиш ва уларни кўпмиллионли китобхон оммасига стказиб бериш устида кенг кўламда иш бошладилар. Ёзувчиларимиз ва шоирларимиз Сизнинг ҳақингизда ро-

манлар, дostonлар, қиссалар битдилар ва битмоқдалар. Бир-иккита саҳна асари ҳам ёзилди, шунингдек кинофильм ва телефильмлар ҳам яратилмоқда.

Бу йиллар ичида чоп этилган китоблардан бири Сизнинг муборак номингиз билан боғлиқ "Темур тузуклари" (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1991 йил) бўлди. Янглишмасам, китобхон асарни мамнуният билан кутиб олди. Шундан кейин "Тузуклар" қозоқ, озарбайжон ва усмонли турк тилига (араб имлосида) ағдарилиб чоп этилди. Усмонли туркчасини муҳтарам Шаҳобиддин Яссавий жаноблари чоп этирибдилар. Мингдан-минг раҳмат, ноширларнинг ҳаммасига! Ва яна шарқшунос олим Убайдулло Уватов Сиз бошини силаб тарбиялаган Ибн Арабшоҳ (1389—1450) нинг 1437 йили ёзиб тамомлаган "Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Темур" (Амир Темур тарихи тақдир ажойиботлари) деган катта китобни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб чоп эттирди. (Тошкент 1992 йил). Олимнинг Сиз бўйсундирган мамлакатлар, хусусан, Хоразм, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Кичик Осиё ва Араб мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳатлари, кўрган-эшитганлари натижасида тўпланган бой фактик материал асосида ёзилган бу ўзига хос тарихий бадиий асар Ўрта Осиё халқларининг XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи чорагидаги тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши турган гап. Тўғри, не сабабдандир, Ибн Арабшоҳ мазкур китобида, фаолиятингизнинг баъзи қирраларини ўзича талқин қилган. Лекин унинг талқин ва танқидлари аслини олганда, кўп жиҳатдан асоссиз эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Шу сабабли Ибн Арабшоҳнинг мазкур китобини танқидий нуқтаи назар билан ўрганиш, уни Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг "Зафарнома"си, Ҳофизи Абрў (1430 йил вафот этган)нинг "Зубдат ут-таворих" ("Тарихлар қаймоғи"), Абдурраззоқ Самарқандий (1413—1482) нинг "Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг қўшилиш ва икки дарёнинг қўйилиш жойи") китоби, Мирхонд (1433—1498)нинг "Равзат ус-сафо" ("Поклик боғи") китоби, Хондамир (1475—1535)нинг "Хулосот ул-ахбор" ("Тарихлар хулосаси") ва "Ҳабиб ус-сияр" ("Дўстнинг таржимаи ҳоли") асарлари билан муқояса қилиб ўрганиш тавсия этилади.

Яна бир неча тарихий, илмий ва адабий асар нашрга тайёрланди. Шулардан бири ўзингиз билган ва таниган Низомиддин Шомий (XIV-асрнинг иккинчи ярми — 1404 йилдан кейин вафот этган)нинг 1960 йиллари форс ва араб тилларининг билимдони Юнусхон домла Ҳакимжонов тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган "Зафарнома"си (уни ёш шарқшунос олим Ҳабибулло Кароматов нашрга тайёрлаган) ҳам бор. Камина қулингиз, бир-икки шогирдини ёнига олиб, суюкли набирангиз Мирзо Улуғбек (1393—1449)нинг "Тарихи арбаъ-улус" ("Тўрт улус тарихи") асарини ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга топширди<sup>1</sup>. Олим Ашраф Аҳмедов зикр этилган набирангизнинг яна бир йирик асари "Зижи жадиди кўрагоний" ("Улуғбек (кўрагоннинг астрономик жадвали") асарини нашрга топшириб қўйди<sup>2</sup>. Ёш шарқшунос олимларимиздан Омонулло Бўрисев Шарафиддин Али Яздий (1454 й. вафот этган)нинг "Зафарнома"си таржимаси устида ўлтирибди.

Таниқли адиб ва шоир Муҳаммад Али Сизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятингиз аввалида бўлиб ўтган катта ижтимоий-сиёсий воқса, Сарбадорлар қўзғолони (1365й.) ҳақида дурустгина бир роман ёзиб китобхон оммасига тақдим этган.

Ҳаёстингиз ва ижтимоий-сиёсий фаолиятингизга бағишланган кинофильмлар ҳам яратилмоқда, ҳазрати соҳибқирон.

Хуллас, Сизнинг ҳаёстингизга бағишланган яхши ишлар энди бошланди.

Иккинчи ахборот. 1991 йили "Ёш ленинчи" (ҳозир бу газета "Туркистон" деб аталади) газетаси таҳририяти ва "Турон" уюшмаси Сизнинг, ҳазрати соҳибқирон, муборак қадамингиз стган жойларни зиёрат қилиш учун уч босқичдан иборат илмий экспедиция уюштириш режасини тузди. Экспедиция ўз олдига Сизнинг азиз номингиз билан боғлиқ бўлган қадамжоларни зиёрат қилиш, халқ ўртасида Сизнинг ҳақингизда айтиб юрилган нақл-ривоятларни тўплаш, ўша жойнинг халқи билан учрашув суҳбатлар ўтказиш ва, ниҳоят, ўша қадамжоларни тасвирга туширишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

1

"Тўрт улус тарихи" 1994 йили "Чулпон" нашриётида чоп этилди.

2

Асарнинг русча таржимаси 1994 йили "ФАН" нашриётида чоп этилди.

Биринчи илмий экспедиция 1991 йилнинг 1—20-августидан ўтди. Экспедиция жамоаси тўрт олим, шунча журналист, "Турон" жамиятидан уч киши ва икки муҳандис (киночи) — ҳаммаси бўлиб ўн уч кишидан иборат эди. Экспедиция Сизнинг асл ватанингиз Шаҳриабзда, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Чироқчи ва Қамаш туманларига қарашли бирталай қишлоқларда, Ҳисор тизма тоғлари орасида, Қалъайи шерон дарасида жойлашган бетакрор Тошқўрғон қишлоғида бўлдилар, ана шу дарадаги машҳур Амир Темур ғорини бориб кўрдилар. Қашқадарёдаги қадимий қосиблар шаҳари Касбини, Самарқанд вилоятига қарашли қадимий Ургутга бориб, Сизнинг муборак қадамингиз етган муқаддас жойларни тавоф этдилар. Экспедиция жамоасига қўшилган олимлар халқ орасида Сизнинг ҳақингизда дoston бўлиб юрган нақл-ривоятларни (масалан, Дархон момо ривоятини) ёзиб олдилар. Булар жамланиб келажакда бир китоб ҳолига келтирилса, яхши бўларди, деб турибмиз. Илмий экспедициянинг шу 20 кун ичида кечган фаолиятини журналист инимиз Ҳакимжон Сатторий (ҳа дарвоқе бу йигит асли Тошқўрғонлик, Сиз билан ҳамюрт экан) "Ёш ленинчи"нинг 1991 йил 7,10,11,13,14,17-декабр сонларида чоп этилган ҳужжатли қиссасида батафсил баён қилган экан, ўқиб бағоят хурсанд бўлдим. Экспедициянинг иккинчи навбати ҳам яхши ўтди. Бу сафар йигитларимиз Туркистон, Арслонбобо, Ўтрор, Сайрам ва Туркистоннинг бошқа ерларини бориб зиёрат қилдилар. Бу сафар ҳам яхши материал тўпланди.

Лскин, ачинарлиси шуки, экспедиция борган ўша юртларда ҳам масжиду мадрасалар, қасрлару мазорлар хор қилинган экан. Ҳакимжоннинг ўша қиссасида келтирилган маълумотларни ўқиб изтиробга тушасан, киши. Гапимиз қуруқ бўлмасин учун бир-икки мисол келтиришни лозим топамиз. "Ҳожа илғор қабристони,— деб ҳикоя қилади Ҳакимжон,— ташқи томондан жуда кўрмисиз, яъни диққатни тортмайди, унинг ичида эса минглаб қабрлар, эгаларини худо раҳмат қилсин, қуршовида олис тарихга даҳлдор мармар қабр тошлар, эски ёзувлар, сопол идиш парчалари сочилиб ётибди. Яқин атрофда тўрт қишлоқ, беш тепалик, етти чашма бор экан. У тепаликлар ҳозир кўзга ташланмайди, улар текислаб юборилган (тўғриси пахта ёки бошқа экин майдонларига айлантириб юборилган бўлиши керак.— Б. А.). Ўша ердан қурол-аслаҳалик одамларнинг жасадлари чиққан экан.

Шу ердаги катта жомъ масжид ҳам бузиб ташланган, ўрни теп-текис бўлиб турибди. Шу ерда ҳозир ҳам жума намози ўқилади. Қабристон четидаги катта ариқда эса темир тобутлар қалашиб ётибди.

...“Хожа илғор ёнидаги бу жомъ масжидининг бузиб ташланиши масаласи тушунарли. Илғари коммунист раҳбар ўртоқлар ҳамма ерда шунақа иш қилишган. Худони танимагандан кейин масжидини бошига урсинми, улар! Лекин, қабристоннинг (яна кўҳна тарихий қабристонни) шу аҳволда ташлаб қўйилиши чидаб бўлмайдиган ҳол. Катта ариқлар ичида қалашиб ётган темир тобутларга келсак, ўша темир тобутларга Афғонистондаги урушда шаҳид бўлган йигитларимизнинг жасади солиб келинган. Катта халқаро жиноятнинг ашъвий далили булар! Лекин, уларни шу алфозда қолдирилиши ҳеч қандай ахлоқ доирасига сизмайди.

Яккабоғдаги Ёдгор валлакат мадрасаси ҳам шу тарзда хароб бўлиб ётибди. Уни Шўро ҳукумати вақтида ҳаммом, ароқ дўкони ва ҳарбий комиссариатга жой қилиб беришган экан. Қандай разиллик!

Сизнинг даврингизда, аъло ҳазрат, Қамашин туманидаги зўр дид ва ҳафсала билан бино қилинган катта Жомъ масжидининг аҳволи ҳам айнан шундай. Нақшинкор масжид деворларига ўз вақтида ўн минг бўлак лаъл ўрнатилган дейишади. Лекин, лаълларнинг ҳаммаси чўқиб олинган. Масжид ёнида жойлашган Лангар ота мақбараси ҳам вайрон қилинибди.

Қалъайи шерон водийсида жойлашган машҳур Амир Темур ёри ҳам замондошларимиз тарафидан ифлос қилинган. “XX аср одамнинг ифлос панжаси,— деб давом этади Ҳакимжон,— хилват ёри қаърига ҳам ётган. Ичкарида чайнаб ташланган суяклар, майдаланган шиша синиқлари ҳар қадамда учрайди. Ҳатто кенг тўрда ҳам шунақа манзара. Бу замондошларимизнинг ички дунёси, маданиятидан далолат...”

Ишлар мана шунақа, аъло ҳазрат. Нима ҳам дердик. Замон ўзи шунақа бўлган. Худосиз болшевиклар (улар ўзларини илмий атеистлар деб аташган, ҳозир эса бир юмалаб, исломшуносга айланиб олишди) одамларни динсиз, динсиз, инсофсиз қилиб қўйишган. Мана энди яхши замонлар ҳам ётиб келди. Бу гапларни ўқиб, яна хафа бўлиб юрманг, ҳазрати соҳибқирон. Сиз обод қилган ўша қадамжолар вақти келиб яна ўша эски аслига

қайтишига имоним комил. Чунки халқимиз яхши халқ.  
Раҳбарларимиз софдил. Мен бунга ишонаман.

Илмий экспедициянинг учинчи босқичи келгуси йил-  
ларга режалаштирилган ва у хорижий мамлакатлар  
бўйлаб ўтади, дейишяпти. Бу ва бошқа тадбирлар хусу-  
сида ўрни келганда ўзингизга алоҳида ҳикоя қилиб  
бераман. Ҳозирча, хайр.

Самимий саломлар ва холис ният билан Сизнинг

*Бўрибой АҲМЕДОВ.*

*Ҳижрий 1413 йил жумоди ул-аввал ойи.*

## ЖАҲОН МЕҲРОБИДА ПАЙДО АЛИШЕР

Не келмак аён бўлди, не кетмагим,  
Не мабдаъ яқин бўлди, не рижъатим.  
Не касбим улум этти ҳал мушкулум,  
Не тутти илик тақвию тоатим.

Мир Алишер Навоий.

"Амр қилдимким, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга  
кишилардан бўлишлари лозим: биринчиси — асиллик, тоза  
насиллик; иккинчиси — ақл-фаросатлилик; учинчиси —  
сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан  
хушмуомала бўлишлик: тўртинчиси — сабр-чидамлилик ва  
тинчликсеварлик" ("Темур тузуклари"дан).

\* \* \*

Б. Аҳмедов.— Амир Низомиддин Алишер Навоий  
темурийлар салтанатида мартабага эришган муборак зот-  
лардан эди. Хуросон подшоси Султон Ҳусайн Бойқаро  
унга ўз саройидаги олий унвонлардан бирини — муҳрдор  
вазифасини инъом этади. Подшоҳликнинг қизил муҳри  
(ол-тамға) Алишер Навоийда туради. Демак, у Бош вазир  
ҳисобланарди. Вазир қандай сифатли шахс бўлиши лозим  
эканини Султон Ҳусайн жуда яхши биларди. Чунки ўша  
пайтларда шаҳзодалар ёшлик пайтларидан эътиборан дав-  
латни бошқаришга махсус ўргатиларди. Шубҳасизки, те-  
мурийларга, биринчи галда, соҳибқирон Амир Темур  
"тузуклари" алоҳида уқдирилар эди. "Темур тузуклари"да  
ҳақиқий вазир тўрт сифат соҳиби бўлмоғи лозим экани

кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, вазир ва умуман, давлат тепасига келадиган ҳар қандай раҳбар тўқ киши бўлиши, иқтисодий жиҳатдан бирор нарсага муҳтож бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда давлат ишлари бир четда қолиб, вазир ўз нафсини тўйдириш билан овора бўлиб кетади, давлат киссасига қўл уради. Ҳеч шубҳа йўқки, Султон Ҳусайн болалик дўсти бўлмиш Алишер Навоий тимсолида салтанатнинг рисоладаги вазирини кўради ва асло янглишмайди:

"Амир Фирузшоҳ масжиди. Ҳозирда олижаноб, султон ҳазратларининг яқин дўстининг саъйи-ҳаракатлари билан янгиланди.

Хожа Чихилгаз мазори устига қурилган гумбаз. Олийҳиммат амир Алишернинг эътибори билан обод бўлди ва олимлардан бири у жойда муаллимлик мансабида турибди.

Мирзо Аловуддавланинг Чорсудаги масжиди. Олижаноб султон ҳазратларининг яқин дўсти бино қилдирган.

Сарипулдаги Инжил масжиди. Тенги йўқ амир Алишернинг ҳиммати билан қурилган ва шак-шубҳасиз бағоят улкан, гўзал ва бстимсол бино.

Чашмайи Моҳиёнда қурилган иморат. Бахтиёр амир Алишернинг иморатларидан.

Тўққиз работ. Ул ҳазрат амир Алишернинг иморатлари жумласидан...

Тангрининг яқин дўсти хожа Абдулла Ансорий файз асарлик мазорига қурилган хонақоҳ. Шарофатли ва чиройли манзид. Об-ҳавоси жаннат насими билан кўнгил очувчи, суви жаннат булогининг сувидай тозадир. Ушбу муборак жойда хосу авом учун ҳамма вақт турли-туман таомлар муҳаё..." (Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор" асаридан).

\* \* \*

Б. Аҳмедов.— Хондамир ва бошқа тарихчилар Алишер Навоий томонидан Ҳиротда ҳаммомлар, шифохоналар, мадрасалар, масжидлар қурилганини рақам этганлар. Ўша иншоотлар ва таъмирлаш ишлари бевосита Навоийнинг хусусий жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган. Ҳаттоки, ул ҳазрат салтанатда муҳим вазифани адо этгани учун ҳам давлатдан маълум миқдорда маош олмаган. Аммо, иқтисодий жиҳатдан тўла-тўқис таъминлангани, ўзига тўқ шахс бўлгани туфайли ҳам иқтисодий,

ҳам ижтимоий жиҳатдан мустақил, эркин шахс бўлган. Яъни, хусусий маблағини халқ манфаати йўлида сарфлаш имконига эга бўлиш билан бирга, айти замонда, ақл-заковати билан халққа хизмат қилган. Истеъфога чиқиш Навоий учун фожиа эмасди. Амалга тирмашиб олиб, давлат ва халқ маблағидан ўз нафси йўлида фойдаланиш учун минг бир мақом сарой фитналари ўйлаб чиқарадиган манфаатпарастларга ул зот бсмалол зарба бсра оларди. Чунки Навоийнинг халқ олдида ҳам, подшоҳ олдида ҳам юзи ёруғ эди, бировдан тили қисик жойи йўқ эди!

\* \* \*

"Ўғул ва қиз ва аҳли асли йўқ, оламни тавру фард ва жариди ўткарди. Авойил муҳрдор эрди. Авосит бек бўлиб, неча маҳал Астрободда ҳукумат қилди. Авоҳир сипоҳийликни тарк қилди. Мирзодин (Султон Ҳусайндан) ҳеч нима олмас, балки йилда мирзога қуллий маблағлар пешкаш қилур эрди...

Султон Ҳусайн Мирзо... аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ (ўн икки) имомни хутбада ўқутғай. Алишербек ва баъзилар ман қилибтурлар. Сўнгралар ҳуд жами иш кучи суннат ва жамоат мазҳаби билан мувофиқ эди" ("Бобурнома"дан).

\* \* \*

Б. Аҳмедов.—Султон Ҳусайн Бойқаронинг бахти шунда эдиким, у то умрининг охирига қадар давлат ишларида Алишер Навоийга суянди, ҳазратнинг маслаҳатларини срда қолдирмади. Аслида, Султон Ҳусайннинг буюклиги ҳам мана шунда — Навоийдан узоқлашмаганида. Тсмурийлар салтанатига Ҳусайн Бойқаро подшоҳлик қилган йиллар тарихи синчиклаб ўрганилган пайтда қай бир зот — Алишер Навоийми ёки Султон Ҳусайн Бойқароми, ҳақиқий подшоҳ эканини билиб бўлмайдиган ҳолатлар анчагина учрайди.

"Амир Низомиддин Алишер бир неча вақт муҳрдорлик вазифасида тургандан кейин бу мансабдан истеъфога чиқди ва амир Низомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлийни муҳрдор этиб тайинлашни подшоҳдан илтимос қилди. Ҳоқони Мансур бу илтимосни қабул қилиб, ҳижрий 876 йилнинг шаъбон (1472 йилнинг январ) ойида амир Навоийни юқори мансабга — девони олий амирлиги ман-



сабига тайинламоқчи бўлди. Амир Низомиддин Алишер бошда бу мансабни қабул қилмади ва: "Мен ҳозир нилуфар остонанинг ичкилари жирғасида ўлтирибмен. Мансаб эгаси эмасмен, лекин осмоний ҳашаматли тахтга бошқа улуғ амирлардан кўра яқинроқмен. Борди-ю, амирлик мансабига эга бўлсам, муқаррарки, мавжуд турага биноан баъзи барлос ва орлот амирлар мендан юқори ўтиратургон бўлади. Бас-шундай эркан, амирлик мартабасига кафиллик қилиш менинг мартабамни пасайтиради", деди. Ҳоқони Мансур бу узрни қабул қилмади ва: "Олий даражали амирлардан амир Музаффар барлосдан бошқа ҳеч ким амир Алишердин аввал муҳр босмасин" деган ҳумоюн ҳукм эълон қилинди" (Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асаридан).

Б. Аҳмедов. — Шаҳзода-фарзандлар подшоҳ отанинг юзига оёқ қўйишлари, яъни қуролли қўзғолон кўтаришлари мумкин эди, аммо ихтилофларга ҳазрат Навоий аралашган заҳоти барча кина-қудратлар унутиларди, яраш тўғрисида битим тузиларди. Халқ ўз подшосига — Султон Ҳусайнга қарши бош кўтариши мумкин эди, аммо Ҳазрат Навоий халқ ҳузурига борса — бас, дарҳол сулҳ тузиларди; айбдорлар жазоланарди, адолат чинакам тантана қиларди. Чунки шаҳзодалар ҳам, халқ ҳам билишардиким, ҳазрат Навоий ҳеч қачон адолатга хиёнат қилмасди; мудом ҳақсизликка учраган кишилар тарафини оларди. Навоий учун адолат, ҳақиқат ҳамма нарсадан, ҳатто ўзининг подшоҳ дўстидан ҳам улуғроқ эди! Бу ўринда биз Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро дўстлигини шубҳа остида қолдирмоқчи эмасмиз. Сўзсиз, улар чин дўст эдилар. Бироқ, ҳар иккиси учун ҳам адолат, ҳақиқат яқинроқ дўст эди. Истаймизми-йўқми, шахслар дўстлигидан икки тараф ҳам манфаатдор бўлади. Демак, Алишер Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаронинг ижтимоий саъй-ҳаракатларида ҳар қандай шахсий манфаатлардан юксак кўтарила олган улуғ зотлардир". Биз — ўзбеклар тарихимизда бундай улуғ зотларимиз ўтгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

\* \* \*

"892 йилнинг қиш фасли (1487 йил)... [подшоҳ] султон ҳазратларининг яқин дўсти Низомиддин Алишерни дорулфатҳ Астрободнинг ҳокимлиги билан сарафроз этишга майл қилди. Равшан дилидаги сирни тўғри тадбирли

амир олдида ўртага қўйганда, тангрига шукрим, аввал тариқат сулукига муҳаббати ортиқлигидан муаттар хотирига ҳоқонийнинг муҳим ишларига кафил бўла олиши ва бу амирни қабул қилиши хусусида оғиз очмади. Лекин ўтиниб сўрагандан ва муболағадан сўнг рози бўлди. Олампаноҳ даргоҳнинг мулозимларидан амир Низомиддин Бобо Али ва амир Бадриддин бирга олиб кетди. Амир Алишер Астрободга яқинлашиши билан амир Мўғул шаҳарни (Журжонни) бўшатиб чиқди ва азимат байроғини Марвга қараб кўтарди. Адолат хислати Амирнинг ҳашаматли келиши билан Астробод гулзорлари эрам гулистонининг рашкини келтирадиган бўлди. Саййидлар, уламо, шарофатли кишилар фахрландилар, раият ва дехқонлар ушбу адолат ва инсоф нури билан зулму истибдоддан нажот топиб, эмну омонлик тўшагида роҳат топдилар. Мозандарон, Рустамдор ва Гилон вилоятларининг ҳокимлари ул жанобнинг ҳукумат тепасига келганини эшитиб, бўйинларини итоат ҳалқасига солдилар ва Астрободга элчилар юбордилар. Муносиб тухфалар ва табриклар юбориб, ихлос жавоҳирларини арз табоқларида олиб келдилар. Балки, Астробод ўша улкан ҳашаматли Амирнинг иззатли маскани бўлган вилоятларда олий даражали подшоҳ ва адолатпаноҳ ҳоқон Султон Яъқуб мирзо бир неча бор ул жаноб ҳузурига фахрли чопонли ҳамда мўл-кўл тансиқ моллар билан сўзамол, ишончли кишиларни юборган ва илтифотли фармонлар ҳамда марҳаматли ёрлиқлар йўллаб, камоли муҳаббат ва дўстлик туйғуларини изҳор қилдилар" (Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асаридан).

\* \* \*

Б. Аҳмедов.— Совет диктатураси даврида ёзилган кўпчилик ноилмий "тадқиқот"ларда атайлаб "Навоий Астрободга сургун қилинди" деб қайта-қайта такрорланарди. Бундай ғайриилмий талқин билан гўё Навоийнинг "синфий позицияси" Шўро ҳукумати уйдирмаларига мослаштириб қўйиларди. Аслида, биринчидан, Навоийнинг отабобосидан қолган ер-сувнинг катта қисми Астрободда жойлашган бўлиб, меросхўр ўша томонга кўчиб ўтиши табиий эди. Буюк ижодкорлар дунёнинг ишлари ўткинчи эканини жуда эрта англаб стадилар, умрбоқий асарлар яратиш билан машғул бўлишни афзал кўрадилар (ахир, Лев Толстой ҳам ўз умрининг асосий қисмини овлоқ

Ясная Полянада ўтказгани бежиз эмас). Қолаверса, Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатнинг шимолий чегараларига хавф солиб турган Дашти қипчоқликлардан ва мулки Ажам томондан жалоирийлар таҳдид солиб тургани туфайли Навоийни Астрободга ҳоким этиб тайинлайди. Чунки Навоийнинг нафақат салтанат ичкарасида, балки ташқи дунёда ҳам обрў-эътибори ниҳоятда баланд эди. Шу сабабдан Хуросонга чегарадош мамлакатларнинг подшоҳлари Астрободга элчилар жўнатишади, дўстона алоқа ўрнатадилар. Агар Султон Ҳусайн Бойқаро салтанат осойишталигини кўзлаб 1478 йили Навоийни Астрободга ҳоким этиб тайинлаган бўлса, кейинчалик — ҳазрат кексайиб қолган кезларда-Султон Ҳусайн ва унинг фарзандлари Навоийнинг ҳатто ҳаж сафарига боришига ҳам розилик бермайдилар: юртда парокандалик бошланиб кетишидан хавфсирайдилар. Охири, Навоий улус осойишталиги йўлида улуг сафардан воз кечади.

\* \* \*

"Кунлардан бир куни хожа Қавомиддин Низомулмулк ва хожа Афзалиддин Муҳаммад баъзи кишиларни васвасага солиб, подшоҳга хожа Маждиддин ҳақида баъзи гапларни айтишга даъват қиладилар. Натижада ул жаноб аскарӣ мансаблардан четлаштирилиб, тўққиз йил мобайнида амир Муҳаммад тўшакчи билан бирга парвоначи бўлди. Султонликнинг қолган ишларига яқинлаштирилмади. Ўша вақтлари ҳоқон ҳазратлари бир неча бор ўша баланд мартабали хожанинг бошини силамоқчи бўлди. Бироқ, амир Алишер бунга розилик бермагани учун соҳиб девонлик ишларининг ихтиёр тизгини хожа Низомулмулк ва хожа Афзалнинг иқтидорли қўлида қолаверади. Султон ҳазратларининг яқин дўсти ҳоқоний мавкаб мулозаматидан узоқлашиб, Астробод тарафга юз тутгандан кейин, банданавоз ҳоқоннинг равшан хоши хожа Маждиддин Муҳаммадни яна баланд мартаба ҳамда юқори мансаблар билан сарафроз этишга қарор қилди... Хожа Маждиддиннинг баланд мартабали юлдузи камолот даражасига кўтарилиб, жами садрлар, вазирлар, аксар нўёнлар ҳамда амирлар ул олий гуҳар хожа мулозаматида бел боғлаб турдилар. Салтанатнинг эътимодли кишиси ўтакетган тундфёъл, дағал сўзли одам эди. Арзимас нарсага қизишиб, тамом мизожини ғазаб истило қилиб, оғзидан фаҳш

ҳамда дашном сўзлар чиқарди. Амирлар ва аркон давлатчи ҳамиша ёмон сўзлар билан ҳақорат қиларди. Амирларнинг кўпчилиги адоват камарини жон белларига боғладилар, муқаррар ҳамда узр пистирмасида пайт пойлаб турдилар. Ул жаноб (Маждиддин Муҳаммад) уч йил тамоми ихтиёр, эътибор ва мустақиллик билан кун кечиргандан кейин жазога тортилиб ҳамда таъқиб остига олиниб, Хуросондан қочиб кетди ва муборак Макка йўлида дардга чалиниб оламдан ўтди (Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асаридан).

\* \* \*

Б. Аҳматов.— Совет диктатураси даврида яратилган илмий ва бадиий асарларда Навоий билан Маждиддин ўртасидаги ихтилоф ҳам айрича талқин қилинарди. Аниқроғи, Маждиддин ёвузлик тимсоли сифатида акс эттириларди. Бундай талқин ҳақиқатдан йироқ албатта. Тўғри, Навоий билан Маждиддин ўртасида зимдан ихтилоф бўлган. Лекин улар ҳеч қачон очиқ-ойдин бир-бирига қарши курашмаганлар. Чунки уларнинг мавқеи бунга йўл қўймасди. Яъни, Навоий гуруҳбозлик қилиб, ўз рақибидан ўч олишни мақсад қилиб олса, салтанат путурдан кетишини яхши биларди. Навоий доим Маждиддинни зўр молия ходими, иқтисодий ишларни пухта биладиган киши деб ҳисобласа-да уни давлат бошқарувига аралаштирмаслик тарафдори эди. Чунки иккалалари давлат бошқарувини икки хил тасаввур этардилар: бири — тадбиркорлик, ақл-фаросат билан мамлакатни, давлатни бошқариш лозим деб билса, иккинчиси — мамлакатни, давлатни бошқариш учун ақл-фаросату тадбиркорлик зарур эмас, куч-қудрати бўлган ҳар қандай бефаросат киши ҳам вазир бўлиши мумкин деб биларди. Ваҳоланки, мамлакатни ақл-заковат эгаларигина бошқара оладилар. Кези келганда қаттиқўллик ҳам асқотади. Лекин, куч-қудрат доимо самарали восита бўлавермайди. Ҳокимиятдан унумли ва ўринли фойдаланиш борасидаги мухолифатлар (Навоий билан Маждиддин) ўртасидаги курашида охиरोқибат Навоийнинг инсонпарварлик йўли ғолиб келди. Чунки, Ҳусайн Бойқаро подшоҳ сифатидаги хатосини — фуқарони эзиш учун эмас, балки уни ҳимоя қилиш учун давлат қудратли бўлиши лозим эканини ўзининг аччиқ тажрибасидан англаб стади.

Хадичабсгимнинг Давлатбахт исмли бир парипайкар, ой юзли чўриси бор эди. Фалак оyi унинг орази, қоши ва пшонасидан рашк қилиб, ўзини гоҳ юзга, гоҳ қошга, гоҳида пшонага солиб кўрарди. Осмон офтоби унинг жамоли тобидан дсвона бўлиб, бошию юзини очганча гардун томида юмаларди. Нур занжирлари билан боғлаб қўйилмаганда ўз нури каби ўзини унинг оёғи остига ташлаган бўларди.

Султон Ҳусайн мирзо, Хадичабсгим ва амир Алишер ўртасида бўлган махфий гапларда бошқа маҳрам йўқ эди. Мир кўнглининг бахтиёр қуши ҳар замон унинг ишқи ҳавосида парвоз этарди. Хадичабсгим бу розни очиш мақсадида баъзи гапларни ўргатиб, уни Мирнинг уйига жўнатди. Ложувард фалакнинг ёш келини мағриб саропардасида беркингач ва қоп-қоронғи туннинг гулдор мушкин спинғичини устига тортгач, у амир Алишер уйига кириб келди. Бемаҳал келгани учун Мир ҳайратда қолди. Алқисса, ўргатилгандек, бир ҳикоят бошлаб, узундан-узун гапиргандан кейин: "Вой, ўлмасам! Нима қилдим, ярим кеча бўлиб қолибди-ку!", деди париваш. Мир: "Ҳечқиси йўқ, шу ерда тунаб қолурсен", дедилар. Гулрухсорнинг муддаоси ҳам шу эди, дарҳол рози бўлди. "Ёнимдаги хонада ўзингга жой ҳозирла", деди Мир. Орадан ҳиял ўтгач, ул сарви раъно хиром айлаб Мирнинг хонасига кириб келди. Мир уни кўриб, нима мақсадда келганини англади. Аммо, индамай ётавсради. Ул шакаргуфтор шахло кўзларини ёширган куйи:

— Баданимдаги ҳар бир тук занжир каби мени сиз томон судраб келди. Бу сизнинг иноятингиздир!— деди оҳиста.

— Такаллуф ва найранглар иш бермайди. Нима мақсадда келганинг ошкор бўлди. Узундан-узун гапларинг сири ҳам маълум,— деди Мир ва санамнинг марварид қўлларини олиб, олдига босди.— Бу мускаб билан мақсудингиз дуррини теша олишимга имонингиз комил бўлса керак ва бу калид бирла муродингиз дуржи қулфини очиб, мақсуд гавҳарини топа оламен. Шуни билгинки, бизда (ҳам) эркаклик хислати бор. Эрлик қўлимиздан келади, аммо бу ишни қилмаганмиз, қилмагаймиз ҳам" (Зайниддин Восифий. "Бадос ул вақос"дан).

Б. Аҳмедов — Алишернинг оиласи, аниқроғи, нима учун уйланмагани хусусида жуда кўп миш-мишлар юради. Кап-катта ёзгувчилар: "Навоий қандайдир Гулини севарди!", деб ростакамига эътироф этишга уриндилар. Шу тўғрида Восифий ўз китобида ривоятнома бир воқсани келтириб ўтади. Биз буни юқорида айтдик. Ўша воқса ҳақиқатга яқинроқ. Лекин, ўша воқсани руқшунослик ва табобат нуқтаи назаридан асослаш лозим. Яъни, Навоий ҳам буюк ва фавқуллодда қодиса бўлиш билан бир вақтда оддий инсон эканини унутмаслик керак. У доим идеал орзу билан яшаган: жумладан, асарларида идеал, одил подшоҳ тимсолини яратди ва ҳаётда Ҳусайн Бойқарони идеал подшоҳ даражасига стказа олди. Мана шу ҳаёлий орзусини рўёбга чиқариш учун бутун умрини сарфлади. Афсуски, шахсий ҳаётида идеал бахтга, кўнглидаги дунёвий ёрга этиша олмади. Навоийдек покдомон инсон идеалдан бошқасига рози бўлмасди ва рози бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ахир, унинг мўъжизага ишониб яшаши табиий эди. Зеро, ҳазрат Навоийнинг ўзи мўъжиза эди. Навоийнинг ёр тўғрисидаги орзусини ёшликка хос "максимализм" дейиш мумкин. Ана шундай бсғубор туйғу бир умр Навоий вужудини тарк этмайди. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиладиган бўлса, Восифий нақл қилган ривоят ҳам чок-чокидан сиртилиб кетади: Навоий аслзода, насли тоза зот эди ва зинҳор-базинҳор Хадичабсгим унинг қўйнига солиб қўйган чўрига (ҳатто у тенги йўқ париваш бўлган тақдирда ҳам!) яқинлаша олмасди, бунга гурури йўл қўймасди. Чўри билан яқинлашишни ҳатто тасаввур ҳам эта олмасди. Тўғри, шарият бўйича чўрига уйланиш ман қилинмайди. Бироқ, фақат уйланиш ман қилинмайди, холос. Навоийни эса, уйланишнинг ўзи қаноатлантирмасди, ул мукаррам зот учун ёр ҳамма нарса эди. Идеал эди...

Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, подшоҳнинг жабр-зулмини (тўхтатиш) чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса, салтанат тез муддатда шароқандаликка учрайди" ("Темур тузуклари"дан).

Б. Аҳмедов.— Навоий одил вазир эди. Айни пайтда у бирлаштирувчи, уюштирувчи кучга эга зот бўлган. Фақат маърифатли, ақл-заковатли шахсларгина халқни бирлаштира оладилар. Осиё тарихида соҳибқирон Амир Темурдан кейин ўтган Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Акбаршоҳ, Абдуллахон, Умархонлар шундай бирлаштирувчи кучга эга подшоҳлар бўдилар. Тарихда шахснинг ўрни беқийс. Дунё мамлакатларида рўй берган инқирозлар аксар ҳолларда подшоҳ ёки вазирнинг калтабинлиги, уқувсизлиги натижасида содир бўлади... Хулласи калом, жаҳон меҳробиди Алишер Навоийдек улуғ зотнинг пайдо бўлиши фақат ўзбек ёки туркий халқларнинг эмас, балки бутун дунё халқларининг буюк бахтидир! Иншооллоҳ, келажакда халқимиз яна ўшандай буюк бахтга муяссар бўлмай! Илойим, саодатли кунларга стайлик!

*Устоз ҳикояларини Набижон БОҶИЙ  
ўзлаштириб ёзиб олди.*

*Бешинчи қисм*  
**ЯНГИ ТАДҚИҚОТ**

---

**ТЕМУР ВА ҚАМАРИДДИН**

**Муқаддима**

Марказий Осиё халқлари тарихида ўчмас из қолдирган икки шахс — Темур ва Қамариддин аслида Чигатой улусидан чиққан атоқли ўғлонлардир. Темур улуснинг ҳарбий қисмидан, ўтроқ аҳоли орасидан чиққан. У ўзаро фсодал курашларда иши юришмаган, лекин бир қадар ўзига тўқ барлос бекларидан юзбоши Тарағой баҳодирнинг ўғлони эди. Қамариддин улуснинг шарқий қисмидан, турклашган мўғул аймақларидан дуғлот (дуқлот) лардан. Улар беш оға-ини (амир Тулак, Пўлодчи, Шамсиддин, Қамариддин, Шайх Давлат) бўлиб, баъзилари (масалан Тулак билан Пўлодчи) ҳатто улусбегилик мансабига кўтарилишган. Темур ҳам, Қамариддин ҳам эс-ҳушлик ва салоҳиятли ҳарбий кишилар бўлишган. Темур ўткир зехли, чуқур мулоҳазали, қатъиятли, ҳақгўй ва раият-парвар бўлса, Қамариддин ақлли, шижоатли, ўлимдан қўрқмайдиган йигит эди. Ҳарбий ишларини Темурдан кам билмасди у. Лекин Темурга ўхшаб одамларнинг бошини қовуштиролмади; чунки унда қўрқмас, шижоатли, ботир йигитларни ўзига итоат эттириш қобилияти йўқ эди. Улар майда-майда қисмларга бўлиниб, ўзаро низо, ур-йиқитлар исканжасида қолган Чигатой улусини бирлаштириш ва унинг устидан ягона ҳукмрон бўлиш ниятида жонини тикиб курашдилар. Зўр шиддат ва шафқатсизлик билан олиб борилган бу курашда Темурбекка бахт кулиб боқди, Қамариддиннинг эса омади келмади.

\* \* \*

Шуни айтиб ўтиш керакки Амир Темур билан Қамариддин кураши ҳозирга қадар тарихда махсус ўрганилмаган. Тўғри, қозоғистонлик машҳур шарқшунос олим

<sup>1</sup> Улусбеги — Улус бошлиғи; амир ул-умаро, яъни ҳукуматда хондан кейинги иккинчи шахс.



марҳум В. П. Юдин (1928—1983) кўп йиллар мобайнида мана шу ўта долзарб мавзу атрофида илмий иш олиб борганлигини биламан. Лекин, бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра, бу илмий изланиш (унинг аниқ мавзуи бизга маълум эмас), охирига стмай қолди, туғриси нашр этилмай қолди. Шу мавзу бўйича унинг зўр илмий қимматга эга бўлган "О родоплеменном составе могулов, Могулистана и Могулии и их этнических связях с казахским и другими соседними народами" ("Известия АН Казахской ССР. Серия общественных наук", 1965, № 3) деган катта мақоласи эълон қилинди, холос.

Мўғулистон ва унинг тарихига оид умумий ишлардан академик В. В. Бартольднинг "Очерки истории Семирчья" (Сочинения, т. II, часть I, Москва, 1963, с. 23—106) деган муҳим асарини кўрсатиш мумкин. Зикр этилган мавзу бўйича бу асарнинг асосан "Монголы до рождения Чагатайского государства" ва "Моголистан" деб аталган VI—VII боблари алоҳида аҳамият касб этади.

Мўғулистон ва Чигатой улуси тарихига доир илмий мақолалар орасида яна иккитасини — Л. В. Стросва ва М. Қутлуқовларнинг мақолаларини тилга олиб ўтмоқчимиз. Л. В. Стросванинг "Борьба кочевой и оседлой знати в Чагатайском государстве в первой половине XIV века" (Сб. "Памяти академика И. Ю. Крачковского", Ленинград, 1958, с. 206—220) деб аталган мақоласида Чигатой улусининг XIV асрнинг ўрталарига бориб иккига ажралиб кетиши, шарқий қисмида Мўғулистон давлатининг ташкил топишининг сабаблари баён этилган. М. Қутлуқовнинг "Монгольское господство в Восточном Туркестане" деб номланган катта мақоласи (Сб. "Татаро-монголы в Азии и Европе", Москва, 1977, с. 85—106). Чигатой улуси таркибига кирган Шарқий Туркистоннинг XIII—XIV асрлардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида ҳикоя қилинади. Мўғулистон тарихига бағишланган яна бир муҳим илмий мақола хусусида икки оғиз сўз. Бу — йирик шарқшунос олим О. Ф. Акимускиннинг "К вопросу о внешнеполитических связей Монгольского государства с узбеками и казахами в 30<sup>x</sup> гг. XVI — 60<sup>x</sup> годах XVII в." деб аталган илмий тадқиқоти бўлиб, у Санкт-Петербургда чоп этилиб келинаётган машҳур "Палестинский сборник"нинг 1970 йили чиққан 21/84/ сониди эълон қилинган. Мақолада асосан Султон Саъидхон (1514—1533) асос солган Мўғулистон давлати (тарихда Ёрканд хонлиги деб ҳам аталади) нинг ташқи сиёсати, яъни ўзбек ва қозоқ хонликлари билан бўлган сиёсий муносабатлари ҳақида фикр юритилади.

Баъзи тарихий фактлар, воқсалар бўлиб ўтган вақтини аниқлашда, шунингдек Мўғулистонда XIII—XIV асрларда истиқомат қилган қавмлар ва халқларнинг ижтимоий-сиёсий турмушини ўрганишда М. Е. Массон, Е. А. Давидович, П. Н. Кожемяко, Г. Ховорс ва Э. В. Бретшнейдерларнинг асарлари ҳам муҳимдир.

Чиғатой улусининг тарихини ўрганишда қўлэзма манбаларнинг роли бениҳоят катта. Улус тарихига бағишланган алоҳида махсус бир асар эса ҳозирча йўқ. Бу ҳақдаги керакли маълумотларни турли ном, тиллардаги XIII—XVI аср бошларида битилган асарлар ичидан қунт ва сабр-тоқат билан битта-битталаб териб олишга тўғри келади. Шундай асарлардан муҳимлари, бизнинг фикримизча қуйидагилар:

"Си ю цзи" ("Ғарб мамлакатларига саёҳат") — хитойлик роҳиб Чан-чуннинг Чингизхоннинг талаби билан 1221 йили Ғарбий ва Жанубий Туркистонга қилган саёҳати ҳақидаги эсдаликлари. Чан-чунь ўшанда Чу ва Талос воҳаларида, сўнг Сайрам, Самарқанд, Кеш шаҳарларида бўлган. Сўнг Амударёдан ўтиб Чингизхоннинг ўрдусига борган. Ўша пайтда жаҳонгир хон Балхдан тўрт фарсах жанубда жойлашган бир ажойиб нузҳатгоҳда турган эди. Бу нузҳатгоҳ, шак-шубҳасиз, Балхоб дарёсининг бўйидаги Дарагез бўлиши мумкин. Сўнг, ўша йили Чингизхон билан Мўғулистонга қайтган.

Чан-чунь сафари вақтида Еттисув, Ғарбий ва Жанубий Туркистонда кўрган ва эшитганларини ёзиб қолдирган. Сайёҳ роҳибнинг ушбу эсдаликлари, шак-шубҳасиз Еттисув ва Туркистон халқларининг мўғуллар истилоси пайтидаги аҳволи, турмуш тарзи ва урф-одатларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

"Си ю цзи" хитой тилидан рус тилига архимандрит Палладий<sup>3</sup> томонидан таржима қилинган ва зарур илмий изоҳлар билан "Труды членов Российской духовной мис-

<sup>1</sup> Ғарбий ва Жанубий Туркистон — Ўрта Осиё ва ҳозирги Шимолий Афғонистон.

<sup>2</sup> Еттисув — Балхаш кўлига келиб тушадиган етти дарё: Ила, Қоратол, Оқсув, Лепса, Баскон, Баён ва Саркант дарёлари ҳавзасида жойлашган катта ўлка; шимол тарафда Балхаш кўли, шарқий-шимолда Сассиққўл ва Олақўл, шарқий-жанубда Жунгор олатоғи, жанубда Шимолий Тяньшань (Тангритоғ) тоғ тизмалари ва Ғарбда Чу-Ила дарёлари орасидаги ерларни ўз ичига олган тарихий вилоят.

<sup>3</sup> Архимандрит Палладий — ҳақиқий исм — фамилияси: Петр Иванович Палладий (1817—1878); машҳур рус шарқшунос олими, рус диний миссияси таркибида Пекинда 40 йил хизмат қилган.

сни в Пекине" деган тўпламининг IV жилдида Санкт-Петербургда 1866 йили чоп этилган.

"Тарихи жаҳонкушой" ("Жаҳонгир (Чингизхон) тарихи") — Мўғулистон, Ўрта Осиё, Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳс юритувчи бу қимматли асар 1260 йилда ёзиб тамомланган. Муаллифи Алоиддин Отамалик ибн Баҳоиддин Муҳаммад ал-Жувайний (1226—1283) — эронлик йирик тарихчи ва давлат арбоби. У 1259—1271, 1281—1283 йиллари Элхонийларнинг Ироқ, Озарбайжон ва Ҳузистондаги ҳокими бўлиб хизмат қилган. Тангназарлар ва фисқу-фасодчиларнинг иғвоси билан қамалган ва шаҳзода Арғуннинг амри билан мол-мулки мусодара қилинган.

"Тарихи жаҳонкушой" уч қисмдан иборат: 1) Чингизхон истилосидан то Гуюкхон (1246—1249) давригача мўғуллар ҳамда Жўчихон, Чиғатойхон авлодларининг тарихи; 2) Хоразмшоҳлар ва Хуросон мўғул ҳукмдорларининг 1258 йилгача, яъни Ҳалокухон истилосигача бўлган тарихи; 3) Эроннинг 1556—1558 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, исмоилийларнинг<sup>1</sup> диний-ҳарбий уюшмаси ва исмоилийлар давлати (1090—1258) тарихи.

Асарнинг Чиғатойхон ва унинг авлоди тарихига бағишланган қисми биз тадқиқ қилаётган мавзў учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу бобнинг матни, французча таржимаси билан қўшиб, машҳур француз шарқшуноси М. Дефремери тарафидан 1852 йилда Парижда "Осиё" журналининг XX жилдида (370—406-бетлар) чоп этилган.

"Жомиъ ут-таворих" ("Солномалар мажмуъаси") — умумий тарих типида ёзилган (1301—1311 йил) ўта қимматли ва ўрта аср тарихчилигида янги анъанани бошлаб берган асар. Бу анъананинг моҳияти шундан иборатки, ундан аввал, шунингдек кейинги даврларда ҳам, мусулмон тарихчиларининг кўпчилиги умумий тарих деганда фақат мусулмон мамлакатларининг умумий тарихини тушунганлар. "Жомиъ ут-таворих"да эса мусулмон мамлакатларининг тарихи билан баробар, мусулмон бўлмаган мамлакатлар, жумладан Ҳиндистон ва Хитой тарихи ҳам баён этилган.

1

*Исмоилийлар* — VIII асрда шиалар орасида ва X—XI асрларда Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган диний тариқат.

Асар қадим замонлардан то 1307 йилгача бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

Муаллиф эронлик улкан олим ва йирик давлат арбоби Рашидиддин Фазлуллоҳ ибн Имодуддавла Абулхайр ал-Ҳамадоний (1247—1318)дир. Рашидиддин элхон Ғозонхон (1295—1304) ва Ўлжойтухон (1304—1317)лар даврида бош вазир лавозимини эгаллаган. Пировардида у элхонийлар саройида ҳукм сурган фитна-фасод қурбони бўлди. Эндигина тахтга ўлтирган Абу Саъидхон (1317—1335) аввал уни эгаллаб турган лавозимидан четлаштирди, орадан бир йил ўтиб эса уни ўлимга маҳкум этди.

"Жомий ут-таворих" уч қисмдан иборат: 1) мўғуллар ва улар асос солган давлатлар ҳамда мўғуллар асоратига тушиб қолган мамлакатлар: Шимолий Хитой, Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари халқларининг мўғуллар истилосигача бўлган мухтасар тарихи; 2) Шарқ мамлакатлари тарихи; 3) Ер курраси ҳамда Етти иқлим мамлакатларининг географияси. Лекин, афсуски, асарнинг учинчи қисми сақланмаган.

Рашидиддин ва унинг "Жомий ут-таворих" асари кўпдан бери илмий жамоатчиликнинг эътиборини қозониб келмоқда. Унинг айрим қисмлари Катрмер, Блошэ ҳамда Карл Ян тарафидан француз ва немис тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Асар тўла равишда рус тилига ҳам таржима этилиб, 1946—1960 йиллари Ленинград (Санкт-Петербург)да чоп этилди. "Жомий ут-таворих"нинг Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий (XVIIа.) ва Солур бобо ибн Қул Али (XVIIа.) тарафларидан қилинган иккита ўзбекча таржималари ҳам мавжуд.

Асарнинг турк-мўғул халқлари тарихини ўз ичига олган биринчи қисми ҳамда Чигатой улуси, хусусан мазкур улуснинг Ботухон (1227—1255) тарафидан Олтин ўрда давлати тасарруфига киритилиши ҳақидаги қисмлари ва маълумотлар биз ёритиб беришга ҳаракат қилаётган мавзуъ учун бениҳоя қимматлидир.

"Мулҳаҳот ас-Суроҳ" ("Жавҳарийнинг" "ас-Суроҳ" асарига қўшимча") — пайғамбарлар, подшоҳлар ва уларнинг маърифатлари, Бани Умавия амирларининг насаби, Аббосия халифалари, имомлар ва уларнинг маърифатлари, жоҳилия даврида ўтган араб шоирларининг машҳурлари, Сомоний амирлари ва султонларининг машҳурлари, Мовароуннаҳрда ҳукм сурган турк ҳоқонларининг машҳурлари, Ғур ва Гарчистон подшоҳлари, Салжуқийлар,

баъзи машҳур амирлар ва вазирлар, хоразмшоҳлар, мўғул хонлари, шунингдек, Қошғар, Хўтан, Фарғона, Шош (Тошкент), Барчинлиғкент ва Жанд шаҳарлари ҳақида қисқа, лскин ўта қимматли маълумотлар беради. Асар 1301 йили ёзилган.

"Мулҳаҳот ас-Суроҳ" муаллифи Абулфазл Муҳаммад ибн Умар ибн Холид бўлиб, кўпроқ Жамол Қарший номи билан машҳур; унинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам. Отаси Болосоғунда ҳофизлик қилган, онаси марвлик машҳур шайхлардан бирининг қизи бўлган. Жамол Қарший 1230 йили Олмалиқда таваллуд топган, яхши ўқиган ва маҳаллий ҳокимлар (Сугноқ такин) хизматида бўлган; кўп сайру саёҳат қилган. Масалан, Қошғар, Иламиш (Андижондан Талосга борадиган йўл устида жойлашган манзилгоҳ), Шош, Хўжанд, Барчинлиғкент ва Жанд шаҳарларида бўлган.

"Мулҳаҳот ас-Суроҳ"нинг Қорахонийлар, XIII асрда Олмалиқда ҳукмронлик қилган турк хонлари, Маҳмуд Ялавоч (1254й. Хонбалиқда вафот топган), Масъудбек (1289 й. вафот этган) ҳақидаги, шунингдек Чигатой улусининг баъзи хонлари ҳақидаги маълумотлари ўта муҳимдир.

Асардан айрим парчалар В. В. Бартольднинг "Туркестан в эпоху монгольского нашествия" асарининг биринчи нашри (Санкт-Петербург, 1898)га киритилган.

"Тажзият ул-амсор ва таззият ал-осор" ("Мамлакатларнинг бўлиниши ва асарларнинг тақсимланиши") — Мўғулистон ва Эроннинг ҳалокуийлар ҳукмронлиги йилларидаги (1256—1335) тарихини баён этади. Асар муаллифи Вассоф (васф этувчи) тахаллуси билан машҳур эронлик тарихчи олим Шиҳобиддин Абдуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Шерозий бўлиб, юқорида тилга олинган вазир Рашидиддиннинг ёрдами билан элхонийларнинг сарой хизматида қабул қилиниб молия девонида хизмат қилган. Олимнинг ҳаёти ва фаолиятига оид бошқа маълумотлар йўқ.

Вассофнинг кўпинча "Тарихи Вассоф" номи билан машҳур мазкур асари беш қисмдан иборат: 1) Улуғ қоонлар: Хубилайхон (1260—1294) билан Тсмур қоон (1294—1307) даврида мўғул империяси ва Эроннинг 1256—1284 йиллар орасидаги тарихи; 2) Форснинг салжуклар истилосидан (1040—1050й.) кейинги тарихи (1291 й.гача); 3) Ҳалокуийлар подшоҳлигининг давоми (Ғозонхон вафотигача, яъни 1304 й.гача); 4) Ўлжойтухон даври

(1304—1317) тарихи; 5) Элхон Абу Саъид даврида Эроннинг ижтимоий-сиёсий аҳволи. Асарнинг I—IV қисмлари 1312й. ёзиб тамомланган ва вазир Рашидиддиннинг востачилиги билан Элхон Ўлжайтухонга тақдим этилган; сўнгги бешинчи қисм эса 1328й. ёзиб тамомланган.

"Тарихи Вассоф" оғир услубда ёзилган бўлишига қарамай Эроннинг XIII—XIV аср бошларидаги тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади. Асар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотларга бойдир. Вассоф асарида Чигатой улусининг Олғуйхон (1252—1261), Муборакшоҳ (1266), Бароқхон (1266—1271) ва Дувахон (1291—1306) давридаги тарихидан муҳим тафсилотлар (Ҳайду ва Олғу ўртасидаги кураш), Муборакшоҳнинг ўлдирилиши тафсилоти, Ҳайду ва Дувахон иттифоқи, Ҳайдунинг ўлдирилиш тафсилоти ва б.) мавжуд.

Вассоф ҳазратнинг ушбу асари 1853 йили Бомбай (Ҳиндистон)да тошбосма усулида чоп этилган. Асарнинг бир қисми (унинг биринчи жилди) Олмониялик машҳур олим Ҳаммер-Пургшталл тарафидан нсмис тилига таржима қилиниб, 1856й. Вена (Австрия)да нашрдан чиққан. Абулфазл Муҳаммад Дафтари (1579й. вафот этган) тарафидан қилинган туркча таржимаси Истамбул кутубхоналаридан бирида сақланмоқда. Бу нусханинг афзал тарафи шундаки, унга Амир Темур вафотигача (1405й.) бўлган воқсалар ҳам қўшилган.

"Тухфат ун-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор" ("Турли шаҳар ва сафарлардаги ажойиботлар гувоҳи бўлганлар тухфаси") — марокашлик машҳур сайёҳ ибн Баттутанинг саёҳатномаси.

Ибн Баттута (тўла исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лавотий ат-Тунжий (1304—1377) жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларини кезиб чиққан. Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Олтин ўрда, Жанубий ва Жанубий-шарқий Осиё, Марказий Осиё, Испания ва Африка мамлакатларини у бориб кўрган, ўша мамлакатлар ва уларнинг халқлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Ибн Баттута ҳаммаси бўлиб 75 минг ли (ли — 576 метр) йўл босган.

Ибн Баттута саёҳатномасида Хива, Бухоро ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари, шунингдек Чигатой хонлари ўртасида кучайиб кетган ўзаро курашлар ҳақида келтирилган факт ва маълумотлар эътиборга молик. Шулар орасида Кепакхоннинг ўз ажали билан эмас, балки иниси

Тормоширин (1326—1334) тарафидан ўлдирилганлиги ҳақидаги факт янги маълумотдир. Умуман, Олтин ўрда ва Ўрта Осиё тарихи билан шугулланувчилар учун Ибн Баттутанинг асари муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шунга қарамай, Ибн Баттута ва унинг юқорида зикр этилган асари илм аҳлига фақат XIX аср бошларидагина маълум бўлди. Уни Оврупо учун немис сайёҳи У. Зецен (1767—1811) билан унинг швейцариялик ҳамкасбаси Й. Л. Буркхардт (1784—1817) дастлаб кашф этдилар. Улар Оврупо илм жамоатчилигини улуг сайёҳ асарининг қўлёзмаси (ал-Байлуний таҳрир қилган қисқача нусхаси) билан таништирдилар. Ундан айрим парчалар 1818 йили немис шарқшуноси И. Г. Л. Казсгартен томонидан чоп этилди. Асарнинг ал-Байлуний таҳрир этган қисқача нусхаси 1829 йили Кембриж (Англия) университетининг профессори С. Ли (1783—1852) тарафидан ҳам нашр этилди. "Туҳфат уз-нуззор"нинг Ўрта Осиё географияси, тарихи ва этнографиясига оид қисми 1941 й. Тошкентда ротопринт усулида босилган. Асарнинг муҳим қисмлари яқинда ўзбек ва рус тилларида ўзбек шарқшуноси Н. Иброҳимов тарафидан чоп қилинди.

Чигатой улуси билан Ҳалокуийлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар тарихини ўрганишда Сайфий Ҳаравий (Сайф ибн Муҳаммад ал-Ҳаравий; 1282 — вафот қилган йили номаълум)нинг "Тарихномаи Ҳирот" асари ҳам зўр аҳамиятга эга. Асар Ҳирот ва Хуросоннинг 1220—1321 йиллар ичидаги тарихини қамраб олади. Биз учун шаҳзода Ясовур ва унинг исёни билан боғлиқ қисми муҳимдир. "Тарихномаи Ҳирот" 1944 йилда Калкутта (Ҳиндистон)да Муҳаммад Зубайр Сиддиқий тарафидан чоп этилган.

"Мажмуъ ат-таворих" ("Тарихлар мажмуаси"). Асар яна "Зубдат ут-таворих" Бойсунқурий ("Бойсунқур (мирзо)нинг сайланган тарихи") номи билан ҳам машҳур. Асар Темурий Бойсунқур мирзо (1433й. вафот этган)нинг топшириғига кўра 1423—1427й. орасида ёзиб тамомланган.

"Мажмуъ ат-таворих" Амир Темур ва Шоҳрух саройида катта эътибор қозонган йирик тарихшунос олим Ҳофизии Аbru (тўла исми: Шоҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Хавофий) қаламига мансуб. Бўлғуси олим Ҳиротга қарашли Хавоф қасабасида таваллуд топиб, 1430 йили Занжон (Ҳамадоннинг шимол

тарафида, Рай-Озарбайжон карвон йўли устида жойлашган шаҳар)да вафот этган.

"Мажмуъ ат-таворих" тўрт қисмдан иборат: 1) исломиятдан олдин ўтган пайгамбарлар ва Эроннинг қадимги подшоҳлари; 2) Муҳаммад пайгамбар ва араб халифалари; 3) Салжуқийлар ва Элхонийлар (Эрон мўғуллари) тарихи; 4) Темур ва Шоҳрух тарихи (то 1427 йилгача). Асарнинг сўнгги тўртинчи қисми оригинал бўлиб, "Тарихи Бойсунқурий" деб аталади. Унда Амир Темур тарихи (Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"си асосида, муҳим тўзатиш ва қўшимчалар билан) ва Шоҳрух билан Улуғбек даврида Хуросон ва қисман Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеалар (1427й.га қадар) баён этилади.

Асарнинг тўртинчи қисми, ўз вақтида Абдураззоқ Самарқандийга "Матлаъ ус-саъдайн"ни ёзишда асосий манба ролини ўтаган.

"Мажмуъ ат-таворих"да Темурийлар давлатининг Мўғулистон билан бўлган сиёсий муносабатларига оид қимматли маълумотлар учратамиз. Асарнинг қўлёзма нусхалари Тошкент ва Санкт-Петербургда, шунингдек Англия, Франция, Германия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида мавжуд. Тўла нашри йўқ. Айрим парчалар Санкт-Петербург (Г. Дрон), Лоҳур (Муҳаммад Шафиъ)да чоп этилган.

"Зафарнома" Амир Темур ва Халил Султон (1405—1509) тарихи. Унинг муқаддима қисмида Чингизхоннинг мўғул империяси таркибида ташкил топган Олтин ўрда, Чигатой улуси, Элхонийлар давлати, шунингдек Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонасидан то Амир Темур давлатининг ташкил топганига қадар бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда баён қилинган. Асарнинг бу қисми "Тарихи жаҳонгир", кўпинча "Муқаддимаи Зафарнома" деб ҳам аталади. У "Фатҳномаи соҳибқирон", "Зафарномаи Темурий" ва "Тарихи жаҳонкушойи Темурий" номлари билан ҳам машҳур.

"Зафарнома" Низомиддин Шомийнинг шу номли асари асосида ёзилган. Унинг афзал жиҳати шундаки, Низомиддин Шомий асарида баён этилган воқеаларнинг айримлари оригинал манбалар асосида янги факт ва далиллар билан бойитилган. Ва яна воқеалар баёни 1409 йилгача давом эттирилади. Унинг яна бир муҳим қиммати шундаки, у зўр бадий услубда ёзилган. Асар муаллифи йирик олим (у кўпгина илмлар, хусусан тасаввуф, илми нужум, адабиёт, муаммо, тарих ва фалсафа илмларидан



кенг маълумотга эга бўлган) Шарафиддин Али Яздийдир (1454 й. вафот этган).

"Зафарнома"нинг асосий қисми, муаллифнинг аввал бошда тузган режасидан кўра, уч қисм (мақола)дан иборат бўлиши мўлжалланган. Биринчи қисмида Амир Темур тарихи, иккинчи қисмида Шоҳрух мирзо тарихи ва ниҳоят, учинчи қисмида Форс вилоятининг ҳокими темурийзода Иброҳим Султон (1394—1435) даврида бўлиб ўтган воқсалар баён этилиши мўлжалланган. Лекин биз ҳозир асарнинг биринчи қисмигагина эгамиз. Асарнинг қолган икки қисми фикримизча ёзилмай қолган.

"Зафарнома"нинг бизнинг давримизгача етиб келган таҳрири 1425 й. ёзиб тамомланган.

Асар биз машғул бўлиб турган мавзуни ўрганишда асосий манбалардан бири ролини ўташи шубҳасиз. Унда Чигатой улусининг тарихи, хусусан XIV асрнинг 40—60 йилларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Темур давлати билан Мўғулистон ўртасидаги сиёсий муносабатлар, хусусан Амир Темурнинг 1375, 1377, 1383, 1389 ва 1390 йиллари Мўғулистон устига қилган ҳарбий юришлари ва Қамариддин, Анқо тўра ва бошқа мўғул феодаллари билан олиб борган кураши батафсил ёритиб берилган.

"Зафарнома" жаҳон илмий жамоатчилигини доимо ўзига жалб этиб келаётган асарлардан биридир. Мовароуннаҳр, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Ироқ, Жўчи улуси ва Мўғулистоннинг XIV—XV аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихи билан шуғулланувчи бирон тарихчи "Зафарнома"сиз иш юритолмайди.

Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп. Матни Ҳиндистонда (1885—1888 й. мавлоно Муҳаммад Иллоҳдод), Эронда (1957й. Муҳаммад Аббосий) ва Ўзбекистонда (1972й. А. Ўринбосв) чоп қилинган. "Зафарнома"нинг айрим боблари француз, инглиз ва рус тилларида ҳам нашр этилган. Асарнинг учта ўзбекча (эски ўзбекча) таржимаси мавжуд. Улардан бири Шайбоний Кўчкунчихон (1510—1530)нинг топшириғи билан Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али ал-Бухорий тарафидан бажарилган ва ҳозир Туркияда Нури Усмония кутубхонасида сақланмоқда. Иккинчи нусха номаълум бир шахснинг қаламига мансуб бўлиб, ҳозир Истамбулда Тўпқолу сарой кутубхонасида сақланмоқда. Лекин номаълум таржимон асарни маълум жиҳатдан қайтадан ишлаган. Ва, ниҳоят, учинчи таржима қисқартирилган таржима бўлиб, хивалик Худойберди ибн Қўшмуҳаммад суфи ал-Хивақий тарафидан машҳур шоир,

тарихчи ва давлат арбоби Шермухаммад Мунис топшириги билан бажарилган.

"Тарихи арбаъ улус" ("Тўрт улус тарихи"). Илгари Чингизхон империяси таркибига кирган мамлакатларнинг XIII—XIV асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олган муҳим тарихий асар. "Улуси арбаъ-йи Чингизий" ("Чингизийларнинг тўрт улуси (тарихи)") номи билан ҳам машҳур. 1425 йилдан кейин ёзилган.

Афсуски, асарнинг тўлиқ нусхаси сақланмаган, тўғриси ҳали топилмаган. Бизгача унинг қисқартирилган нусхалари етиб келган. Улардан иккитаси Англия (Оксфорд ва Лондонда); биттаси АҚШда (Хервард университети кутубхонасида) ва биттаси Ҳиндистонда (Банкипур халқ кутубхонасида) сақланмоқда.

"Тарихи арбаъ улус" Амир Темурнинг ардоқли набираси, буюк олим, илм-фан ва маданият ҳомийси, йирик давлат арбоби Мирзо Улуғбек (1394—1449)нинг қаламига мансуб. Унда Чингизхон ҳаётининг сўнгги йилларида ташкил топган тўрт давлат (улус): Улуғ юрт, яъни Мўғулистон билан Шимолий Хитой, Жўчи улуси, Чигатой улуси ва буюк жаҳонгирнинг набираси Ҳалодоқхон 1256 йили ташкил этган Элхонийлар давлати (Эрон, Ироқ, Озарбайжон)нинг XIII—XIV асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Асарни тахминан муқаддима ва еттита бобга бўлиш мумкин. Чигатой улуси тарихини ўрганишда асарнинг тўртинчи (в.101б.—114а.) ва еттинчи боблари алоҳида қимматга эгадир.

Тўртинчи боб Чингизхоннинг Улуғ юрт, яъни Мўғулистон ва Шимолий Хитойни идора қилган ворислари тарихини ўз ичига олади. Унда Ўгадай қоон (1227—1241) замонидан то Ариқ Буқо (1328) авлоди Ўрдой қоонгача бўлган даврда Улуғ юртда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бошқа сўз билан айтганда, Чингизхон вафотидан (1227й.). кейин то Амир Темур замонигача Мўғулистонда ҳукмронлик қилган 21 хондан 17 нафарининг тарихи қисқа тарзда баён этилади. Шуни алоҳида айтиш керакки, "Жомиъ ут-таворих" муаллифи (Рашидуддин) улардан фақат тўрттаси: Угадай қоон, Гуюкхон, Мангу қоон, Хўбилай қоонларнинг номини зикр этган, "Муқаддимаи Зафарнома" муаллифи (Шарафиддин Али Яздий) эса улардан фақат 14 тасининг номини тилга олган.

Еттинчи бобда эса Чигатой улусининг ташкил топган давридан (1227й.) то Амир Темурнинг улусда ҳокимият тепасига келгунга қадар (1370й.) кечган тарихи баён қилинади. Маълумки, Чигатой улусининг қарийб 150 йиллик тарихи ёзилмаган. Шу жиҳатдан "Тарихи арбаъ улус"да келтирилган 33 хон тарихи қисқа бўлса-да, аҳамият касб этади. Бу материал "Тарихи Рашидий", "Баҳр ул-асрор" (қ.) ва бошқа тарихий манбаъларда келтирилган маълумотларни қўшган ва архсологик тадқиқотлар ва нумизматика материалларини жалб этган ҳолда кслажакда Чигатой улусининг сиёсий тарихини яратиш имконини беради.

"Тарихи арбаъ улус" дан айрим парчалар рус тилига таржима этилиб ҳар турли илмий мажмуалар ва тадқиқотлар ичида (В. В. Бартольд, Туркестан, ч.1.Текст, с. 162—164; "Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, часть II, Москва-Ленинград, 1941, с.262—268); қисқартирилган инглизча таржимаси полковник Майлс тарафидан нашр этилган (Лондон,1838й.). Асарнинг тўла ўзбекча нашри бир гуруҳ шарқшунос олимлар (Б. Аҳмедов, Н. Норқулов, М. Ҳасанов) томонидан амалга оширилди (Тошкент, 1994й.).

Мўғулистон (Чигатой улуси)нинг XIV аср ўрталаридан XVI асрнинг 30-йилларигача бўлган давр ичидаги тарихини ўрганишда Мирзо Муҳаммад Ҳайдар дуглот (1500—1550)нинг "Тарихи Рашидий" асари муҳим аҳамият касб этади. Асар Ёрканд хони Абдурашидхон (1533—1570)га бағишланган ва 1543—1544й. Кашмирда, муаллиф ўша ўлкада ҳокимлик қилган пайтда ёзиб тамомланган.

Асар муаллифи Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн кўрагон йирик тарихчи олим ва давлат арбоби бўлиб, у 1500 йили Тошкентда таваллуд топган. Муҳаммад Ҳайдарнинг ҳаёти жуда фожиавий кечган. Отаси 1508 йили Муҳаммад Шайбонийхоннинг буйруғи билан қатл этилган. Муҳаммад Ҳусайн кўрагонга содиқ кишилар саккиз яшар болани аввал Бухорога, ундан Бадахшонга олиб бориб қариндоши Султон Увайс Мирзо (Мирзахон)нинг қўлига топширадилар. Кейин у Кобулга холаваччаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига борди ва 1512 йилгача у билан бирга бўлди. 1512 йилнинг кузида Муҳаммад Ҳайдар Андижонга яна бир қариндоши (холаваччаси) Султон Сайидхон ҳузурига келди, сўнг у билан бирга Қошғарга кетди ва 1533й.га қадар унинг хизматида бўлди. Лекин ўзи тарбиялаб ўстирган янги

хон Абдурашидхон билан охири мураси келишмай қолди ва яна Кобулга, бу гал Комрон мирзо ҳузурига қочиб борди, у ердан Аграга Ҳумоюн подшоҳ (1530—1555; иккинчи дафъа 1555—56) ҳузурига борди. 1541 йили Ҳумоюн подшоҳнинг ёрдами билан Кашмирни бўйсундирди ва уни 10 йил идора қилди. Муҳаммад Ҳайдар 1551 йили тоғли қабилалар билан тўқнашув чоғида ҳалок бўлди.

Муҳаммад Ҳайдар кенг маълумотли киши эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўзларига қараганда, у дурустгина хаттот, рассом ва шоир эди. Найза ва камон ясовчи уста ҳам бўлган у.

Муҳаммад Ҳайдардан иккита асар қолган, бири "Жаҳоннома" аталиб, эртак жанрида ёзилган. Мазкур асарнинг ягона қўлёзма нухаси ҳозирда Берлин (Германия) кутубхоналаридан бирида сақланмоқда. Олимнинг иккинчи муҳим асари юқорида тилга олганимиз "Тарихи Рашидий" дир.

"Тарихи Рашидий" икки қисм (дафтар)дан иборат. Биринчи дафтар (1544й. ёзиб тамомланган) Чигатой насли ҳақида бўлиб, Мўғулистонда ҳукмронлик қилган хонлар: Туғлуқ Темурхон (1348—1363)дан то Абдурашидхон (1533—1570)гача ўтган ҳукмдорлар тарихини ўз ичига олади. Иккинчи дафтар (1543й. ёзиб тамомланган) олимнинг ўзига хос эсдаликлари бўлиб, муаллиф туғилган даврдан (1550) то 1541 йилгача кечган воқеаларни ўз ичига олади. "Тарихи Рашидий" Кошғар, Ўрта Осий, Афғонистон ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихи бўйича кўп қимматли факт ва маълумотлар беради.

Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асари кўпдан бери жаҳон илмий жамоатчилигининг диққат-этиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Унинг жуда кўп тилларга: уйғур (ўзбек), рус ва Фарбий Оврупа тилларига таржима қилинганлиги бунга далил-исботдир. Масалан, асардан айрим парчалар В. В. Всльяминов-Зернов (1834), К. Г. Залеман (1888), Муҳаммад Шафсь (1934), К. А. Пишулина (1969), Е. Катрмер (1843), Эллот ва Доусон (1873), Т. В. Арнольд (1930) тарафидан рус, француз ва инглиз тилларида (таржимаси) чоп этилган<sup>1</sup>. Асарнинг

1

1996 йилда "Фан" нашриёти "Тарихи Рашидий"ни рус тилида нашр этди. Уни форс тилидан А. Ўринбосов, Р. Жалилова, Л. Епифанова таржима қилишган (тахр.).

Е. Денисон-Росс ва Н. Элайес амалга оширган тўла инглизча таржимаси (Лондон, 1898) ва учта уйғурча (ўзбекча) таржимаси ҳам бор. Уйғурча-ўзбекча таржималари орасида қашқарлик катта олим, "Тазкирайи азизон" асарининг муаллифи Муҳаммад Содиқ Кошғарий (1849й. вафот этган) амалга оширган таржима зўр қимматга молик. Таржимон Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг китобига махсус қўшимча ёзиб қўшган. Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг қўшимчасида 1546—1838 йилларда Шарқий Туркистонда бўлиб ўтган воқеалар ўз аксини топган.

Чигатой улуси тарихи манбалари ҳақида гапирганда яна бир муҳим асар — "Баҳр ул-асрор"ни тилга олмасак бўлмайди. Асарнинг тўлиқ номи "Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр" ("Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи") 1634—1640 йиллар орасида ёзилган.

"Баҳр ул-асрор" муаллифи Маҳмуд ибн Амир Вали (1596 й.да туғилган — вафот топган йили аниқланмаган) нинг ота-онаси асли Фарғонанинг Косонидан бўлиб, Шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон (1546—1567й.) Балхда ҳокимлиги даврида ўша ерга бориб қолишган. Отаси сарой хизматида бўлган. Маҳмуд ибн Вали ўша ерда — Балхда таваллуд топган ва яхши ўқиб, кенг маълумот олган. У фиқҳ, тафсир, тарих, астрономия, минералогия, география, илми адаб каби фанларни атрофлича билган. Яхшигина шоир ҳам бўлган. 1624—1631й. Ҳиндистон ва Сарандиб (Силон)га саёҳат қилиб, Ҳиндистонда етти йил турган.

Маҳмуд ибн Амир Вали илм-фаннинг жуда кўп соҳаларини, хусусан тарих, география, астрономия, минералогия, табиёт бўйича муҳим маълумотларни ўз ичига олган "Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр" номлик етти жилдлик қомусий асар ёзиб қолдирган. У бундан бошқа "Равойиҳи таййиба" ("Хушбўй ислар"), "Муҳаббатнома", "Нажме соқиб" ("Ёруғ-юлдуз") "Рисолайи баҳория" ("Баҳор ҳақида рисола"), Ахлоқи ҳусайний" ("Яхши хулқлар") каби бирталай илмий ва адабий асарлар ҳам ёзган. Маҳмуд ибн Вали 50 минг байтдан иборат шеърини асар (девон) ҳам битган. Лекин олимнинг "Баҳр ул-асрор"дан бошқа асарлари сақланмаган, тўғриси ҳали қидириб топилмаган.

Маҳмуд ибн Амир Валининг фақат "Баҳр ул-асрор" асарининг қўлёзмалари (уларнинг бир қисми Тошкентда, бошқа бир қисми Англияда сақланмоқда) бизнинг замонамизгача етиб келган. Унинг II—VII жилдлари тарих

бўлиб, Марказий Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларининг қадим замонлардан то 1640 йилгача кечган тарихини ёритади. Асарнинг биринчи жилди тарихий география, астрономия, минералогия ва наботот (ўсимликшунослик) ҳамда ҳайвонот олами ҳақидаги илмларни ўз ўчига олади.

Асарнинг оригинал ва биз учун қимматли қисми VI — жилднинг тўртинчи руки (қисми) бўлиб, унда Марказий Осиё халқларининг XIII—XVII асрнинг 40-йилигача кечган тарихи зикр этилган. Унинг махсус Чигатой улуси тарихига оид иккинчи бобида Чигатой улусида ҳукмронлик қилган хонлар тарихи баён этилган. Тўғри, "Баҳр ул-асрор"нинг бу қисми баъзи жиҳатлари билан юқорида зикр этилган Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус"ига ўхшаб кетади. Лекин "Баҳр ул-асрор"да воқсалар нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён этилган. Ундан ташқари, Чигатой улусининг Жўчи улуси уларнинг Элхонийлар давлати билан бўлган сиёсий муносабатлари, Марказий Осиёда истиқомат қилган турк-мўғул қавмларининг Чигатой улуси ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар бор.

"Баҳр ул-асрор" — кам ўрганилган асар. У ҳали-қануз тўлиқ тарзда чоп этилганича йўқ. Асардан айрим парчалар академик В. В. Бартольд ва ушбу сатрлар муаллифи тарафидан рус тилида нашр қилинди.

Шу ерда яна бир муҳим манба — "Муъизз ул-ансоб" ҳақида бир-икки оғиз фикр айтишга тўғри келади. Чингизийлар ёки Темурийларнинг наслу насаби хусусида савол туғилганда бу муҳим манба ҳамма вақт тадқиқотчига қўл келади. Сирасини айтганда, бусиз тарихчиларнинг иши юришмайди. Шу боис насабномалар (бахтга қарши улар манбаларнинг бошқа турларига қараганда жуда кам) муҳим тарихий манба ҳисобланади.

"Муъизз ул-ансоб" ("Иззат-ҳурматга сазовор (киши)лар насаби")ни номи юқорида зикр этилган йирик тарихчи олим Ҳофиз Абрў ёзган деган тахмин бор. Чингизхон ва авлодига тегишли қисми Рашидиддиннинг "Шуъаби панжгона" асаридан олинган. "Муъизз ул-ансоб" муаллифи, мўғулларга оид қисмини тушириб қолдирган. Рашидиддиннинг сўзбошисини ҳам бир қадар қисқартирган; араблар, ҳиндлар, хитойлар ва фарангларга тегишли жойларни ҳам тушириб қолдирган. Ўзидан эса Темур ва темурийлар шажарасини қўшган. 1426—1427 йилда ёзиб тамомланган.

"Муъизз ул-ансоб"нинг учта нухаси бизгача етиб келган. Биттаси Лондонда, Британия музейида; иккинчиси Париж миллий кутубхонасида; учинчиси эса Истамбулда Тўпқопи сарой музейида сақланмоқда.

Асарнинг Темур ва Темурийларга оид қисми 1990 йили Блумингтон (АҚШ)да америкалик шарқшунос олим Жон Вудс тарафидан (инглизча таржимаси) чоп этилган.

\* \* \*

Темур билан Қамариддин ўртасидаги муносабатлар — ушбу рисоланинг бош мавзуи. Лекин, бу муносабатларнинг заминини ҳам, икки ўртада кўп йиллар давом этган шафқатсиз урушларнинг сабабларини ҳам Чигатой улуси тарихини билмай туриб тушуниш қийин. Шунинг эътиборига олиб мазкур улус тарихининг айрим тарафларига, хусусан унинг ташкил топиши, икки қисмга ажралиб кетиши ва XIV—XV асрлардаги умумий аҳволига қисқа тарзда тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Ушбу рисола қўлёзмасини муҳокама қилишда қатнашиб, асар хусусида фикр билдирган ҳамкасбларга, хусусан А. Хўжаев, Д. Юсупова, О. Жалилов ва О. Бўриевларга муаллиф ўзининг чексиз миннатдорчилигини изҳор этади.

## Биринчи боб

### ЧИҒАТОЙ УЛУСИ

(XIII—XIV асрнинг 30-йиллари)

Жаҳонгир Чингизхон ўлими (1227й.) олдидан, яъни 1224 й. да ўзининг улкан империясини ўғилларига улус-улус қилиб қуйидагича тақсимлаб берди:

Тўнғич ўғил Жўчихонга (туғилган йили номаълум — 1227 й. апрель ойида, отасидан олти ой аввал вафот этган) Иртиш дарёси ҳавзаси ва Олтой тоғлари атрофидаги ерларни инъом этди ва "Дашти қипчоқни эгаллаб, улусингга қўшиб ол!", дэб амр қилди. Жўчихоннинг қароргоҳи дастлаб шу Иртиш дарёси бўйида эди. Кейинчалик у Дашти қипчоқнинг Шарқий қисмини, яъни Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидаги юртларни — Сигноқ, Барчинлиғкент, Жаникент ва Ашанс шаҳарлари билан, Хоразмнинг ғарбий — шимолий қисмини пойтахт Гурганж шаҳари билан қўшиб ўзига қаратиб олди. Шу пайтдан бошлаб Жўчихон қиш ойларини Сирдарёнинг қуйи оқимида, ёз ва куз фассларини эса аввалгидай Иртиш дарёси соҳилларида ўтказадиган бўлди.

Иккинчи ўғли Чиғатойхонга (таваллуд топган йили маълум эмас — вафоти 1241й.) Еттисув ўлкаси, Кошғар ва Мовароуннаҳрни то Жайхун соҳилларигача бўлган вилоятлар билан қўшиб улус қилиб берди. Кейинча ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмини то Ҳиндикуш доvonларигача бўлган вилоятлар билан бирга, Чиғатой улусига қўшиб олинди. Бу воқеа Чиғатой улусида Тормоширин ҳукмрон бўлган йиллари (1326—1335й.) юз берган. Чиғатойхоннинг қароргоҳи — ёзлиги ҳам, қишлиги ҳам Ила дарёси бўйида, Маравзук Ила ва Қуёш деган срдда бўлган.

Тож-тахт салтанат вориси бўлмиш Угадайхонга (туғилган вақти номаълум — вафоти—1241й.) Ғарбий



Мўғулистон ва Торбоғатой<sup>1</sup> бсрилди. Ўгадайхоннинг ўрдаси Чуғучакда ўринлашган эди.

Жаҳонгирнинг кенжа ўгли Тулуйхонга эса ота мулки — Шимолий Мўғулистон (Халха — Мўғулистон) тегди. Тулуйхоннинг ўрдуси Керулан дарёси бўйида эди.

Чигатой улуси ҳақида сўзлайдиган бўлсак, бошда унинг таркибида бўлган Уйғуристондан то Бухоро билан Самарқандгача бўлган вилоят ва мамлакатлар кирганлигини айтмоқ лозим. Лекин, шуни алоҳида қайд этиш керакки, Олғухон ҳукмронлигига қадар (1261—1266) Чигатой ва унинг ворислари олий ҳукмдор ҳисобланиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи олиқ-солиқнинг фақат маълум қисминигина олиш билан чекланган эди. Кепакхон ва Тормоширинга қадар барча хонлар ўз ўрдагоҳларидан — Олмалиқ ва Бсшбалиқдан нарига силжимадилар. Улусни эса ҳоқон номидан дастлаб, 1239 й.га қадар, Маҳмуд Ялавоч, у Хитойга хизматга юборилгандан кейин эса унинг ўгли Масъудбек идора қилганлар. Бу хусусда тарихшунос Рашидиддиннинг мана бу маълумоти диққатга сазовордир. "Айтишларича, Ўгадай қоон замонида (1227—1241), унинг амр-фармони билан (Маҳмуд) Ялавочнинг ихтиёрида бўлган Мовароуннаҳр вилоятларидан бирини Чигатойхон махсус ёрлиқ билан кимгадир инъом этибди. (Маҳмуд) Ялавоч буни қоонга етказди. Қоон эса (шу заҳотиёқ) Чигатойхонга ёрлиқ юбориб, нима сабабдан шу ишни қилганини тушунтириб беришни талаб қилди. Чигатойхон жавоб қилди: "Мен бу ишни билмай қилиб қўйибмен, шу боис нима деб жавоб қилишимни ҳам билмай қолдим..." Чигатойхоннинг жавоби қоонга маъқул тушди, уни авф этди ва ўша вилоятни унинг ўзига инжу тариқасида қайтариб берди. Шундан кейин Чигатойхон (Маҳмуд) Ялавочни ҳузурига чақиртирди, сўроққа тутди ва уни қаттиқ ҳақорат қилди. (Маҳмуд) Ялавоч (қоон ҳузуридан чиққач) Чигатойхоннинг вазири (Ҳабаш Омид)га деди: "Мен қооннинг ноиби эрурмен. Чигатой сен бирлан кенгашмасдан мени ўлдиролмайди. Бордию устингдан арз қилгундай бўлсам у сени ўлимга маҳкум

1

*Торбоғатой* — Тяньшань тизма тоғларидан бирининг номи; Ғарбий Мўғулистон: Қорахонийлар асос солган Эмил шаҳари (Чуғучақ ёнида) ўша Торбоғатойда жойлашган эди.

2

*Инжу* — бу сўзнинг икки маъноси бор: 1) келин тарафидан қувёвнига олиб бориладиган сеп; 2) шаҳзодаларга бериладиган улус. Бу ерда шу иккинчи маънода келган.

этади. Агар ишимни тўғрилсанг, нур устига аъло нур, акс ҳолда қоондан сени жазога тортишини сўраб илтимос қиламен. Агар шу гапларимни Чигатойга еткузгундай бўлсанг, у мени қанча итобга олмасин, барибир ҳеч нарса айтмаймен, сенинг эрса биронта гувоҳинг йўқ". Хулласи калом, вазир (Ҳабаш Оmid) унинг ишини тўғридашга мажбур бўлган. Кўп ўтмай қоон Чигатойхон билан муносабати бузилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, Маҳмуд Ялавочни Шимолий Хитойга ҳоким қилиб юборди. Уйғуристонга қарашли Бешбалиқ, Қорахўжа, Самарқанд ва Бухорогача бўлган вилоятлар, Жайхун соҳилигача бўлган оролларни ҳам қўшиб, унинг ўғли Масъудбекка берди. Юқорида Рашидиддиннинг китобидан келтирилган бу парчада ҳақиқатдан ҳам Чигатой улусининг инон-ихтиёри XIII — асрнинг 70-йилларига қадар қооннинг қўлида бўлиб, Чигатой ва ундан кейин хонлик маснадига кўтарилган ворислари, юқорида айтилгандай, номигагина ҳукмдор ҳисобланиб, улусдан келиб турадиган даромаднинг бир қисмигагина эгалик қилганлар, холос.

Чигатой улусининг тарихига ўтишдан аввал, яна бир нарсани эслатиб ўтишга тўғри келади. Қоонлар, Угадай қоон ҳам, ундан кейин хон кўтарилган Гуюк қоон (1246—1249) ҳам, Мунка қоон (1251—1260) ҳам қоонликка муносиб ҳақ-ҳуқуққа эга эмас эдилар. Уларнинг ҳукми улусларга, айниқса Жўчи улусига ўтмасди. Аксинча, Ботухон (1236—1255) ва Беркахон (1257—1266)нинг нуфузи ҳатто Улуғ юртда ҳам кучли эди. Қоонлар Ботухон ёки Беркахон билан келишмай ва унинг маслаҳатини олмай туриб, бирон иш қилолмас эдилар. Аксинча Ботухон, машҳур рус тарихчиси А. Ю. Якубовский (1886—1953) жуда тўғри айтгандай, мўғул улусларининг ички ишлариға аралашиб турди, мўмай даромадни кўзлаб, уларнинг ҳарбий юришларида иштирок этди. Нафақат бой ўлжа, балки босиб олинган мамлакатларнинг катта-катта вилоятларини ўзига улус қилиб олди". Олтин ўрда хонларининг, хусусан Ботухон ва Беркахоннинг, ихтиёрида шундай улуслар, "Табақоти носирий" (XIII а.) ва "Чингизнома" (XV а. боши) муаллифлари келтирган маълумотларга қараганда, нафақат Чигатой улуси таркибига кирган Мовароуннаҳрда, балки қўшни Эронда ҳам бор эди.

Энди Чигатой улуси ҳақида. Унинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, бир сўз билан айтганда, Кепакхонга қадар (1318—1326) барқарор эмасди. Чигатойхондан кейин хон

этиб кўтарилган набираси Қора Ҳалоку (1241—1247)нинг улусдаги таъсири ҳам айтарлик даражада эмас эди. Манбаларда келтирилган факт ва маълумотлар унинг ҳам номигагина хон бўлганлиги, салтанат жилови амир ул-умаро Қорачор нўённинг (Амир Темурнинг олтинчи жадди) иқтидорли қўлида эканлигидан гувоҳлик беради. "Некном Чигатойхондан кейин,— деб ёзади Мирзо Улуғбек,— Суғу Чечаннинг ўғли Қорачор нўён мамлакат ва салтанат забти насағини, раият, тамом халқ ишлари таъминоти кифоятини маъмурий қарор бўйича қўлга олди... Чигатойхон вафотидан бир неча вақт ўтгач, Қорачор нўён айём маслаҳатига биноан, Қора Ҳалокухонни хонликка танлаб, салтанат тахтига унинг жулусидан зийнат бахш этди". Кўриниб турибдики, улусда ҳокимият тўлиғича амир ул-умаронинг қўлида экан. Орадан фақат бир неча вақт ўтгач, замон тақозоси билан, Қорачор нўён Қора Ҳалокуни тахтга ўтказибди. У эса, яна ўша "Тарихи арбаъ улус" муаллифининг сўзларига қараганда, ҳимматли амирга бир умр қуллуқ қилиб кун кечирган.

Қора Ҳалоку 1247 йили Гуюк қоннинг (1246—1249) амр-фармони билан тахтдан туширилди ва ўрнига Чигатойхоннинг бешинчи ўғли Есу Мункахонни тахтга ўтқиздилар (1247—1252). Лекин у давлат ишларига рағбат қилмади, тамом вақтини айшу ишрат ва маишат билан кечирди. Ҳокимият эса амир ул-умаро Қорачор нўён, вазир Баҳоуддин Марғиноний ва хоннинг хотини Туқашининг қўлида бўлди.

Гуюк қон вафотидан сўнг (Эмилдан<sup>1</sup> Самарқандга бораётганда йўлда вафот этди) Мўгул империясида сиёсий вазият бир қадар огирлашди. Яна ўша Ботухоннинг аралашуви билан қонлик маснадига Гуюкхоннинг беваси Ўғул Ғаймиш ўтқизилди. Унга вазир этиб эса илгари Ўгадайхоннинг котиби бўлиб хизмат қилган насроний уйғур Чинқой тайинланди. "Салтанатни илгаридай Чинқой билан бамаслаҳат бошқарсинлар,— деб ёзган эди Ботухон Гуюкхоннинг болаларига,— унинг сўзидан чиқмангизлар. Мен кексалик, қувватсизлик ва оёқ оғриғи туфайли жойимдан қўзғалолмай қолдим. Шу сабабли сиз ёш жигаргўшаларим аҳил бўлинглар ва унинг сўзидан чиқманглар". Натижада бутун ҳокимият вазир Чинқой-

1

Эмил — Олакўлга қуйиладиган дарё номи; унинг қуйи оқимида жойлашган ва ўтга бой хуштабиат мавзё.

нинг қўлига ўтиб қолди. Ўғил Ғаймиш бўлса давлат ишларига кам эътибор бўлиб, тамом вақтини шаман роҳиблари билан ўтказар, аҳён-аҳёнда теварак-атрофдан келган савдогарлар билан учрашиб, уларнинг совға-саломларини қабул қилар эди, холос. Охир-оқибат мамлакатда беқарорлик юз берди. "Унинг ўғиллари Хожи билан Набу онасидан аразлашиб, кетиб қолдилар ва мустақиллик туғини кўтардилар. Шу тариқа мамлакатда уч ҳукмрон ўз майлича иш тутди, эл-юрт эса қарама-қаршиликлар ва тартибсизликлар исканжасида қолди",— деб ёзади Рашидиддин. Ўғул-Ғаймиш ва Чинқойга қарши Ўгадай қооннинг авлоди ҳам бош кўтарди. Уларни Чигатой улусининг ўша пайтдаги олий ҳукмдори Есу-Мунка қўллаб-қувватлади. Уларга Чигатойхоннинг бошқа болалари ҳам қўшилдилар.

Ботухон Улуғ юртда бошланган беқарорлик ва кўп ҳокимиятчиликка барҳам бериш мақсадида қурултой чақиртиришга қарор берди. Лекин, қаттиқ оёқ оғриғига мубтало бўлиб қолганини баҳона қилиб, Улуғ юртга ўзи боролмаслигини айтди; қурултой Жўчи улусида ўтишини айтиб, Улуғ юрт шаҳзодаларининг ўзларини Сарой Ботуга чақиртирди. Ўгадайхон, Гуюкхон ва Чигатойхоннинг авлоди Ботухоннинг бу таклифини рад этишди. "Чингизхоннинг асл юрти ва пойтахти Унон билан Келурон<sup>1</sup> эрур, шу сабабдан бизларнинг Дашти қипчоққа боришимизга ҳеч қандай эҳтиёж йўқдур",— деб жавоб қилдилар улар. Шаҳзодаларнинг шу жавоби билан Қорақўрумнинг<sup>2</sup> кўзга кўринган амирларидан Темур нўённи Ботухон ҳузурига жўнатдилар. Охир-оқибат, қурултойни Келуронда тўплашга қарор қилдилар ва уни Ботухон номидан бориб Беркахон ўтказадиган бўлди. Тулуйхоннинг беваси Соркуктани беги ва Ботухон қоонлик тахтига Тулуйхоннинг тўнғич ўғли Мангухонни ўтқизишни келишиб олдилар. Ўгадайхон, Гуюкхон ва Чигатойхоннинг авлоди бунга рози бўлишмади. Лекин, Соркуктани беги ва Беркахон, барибир, уни қурултойнинг тасдиқидан ўтказиб олишга муваффақ бўлдилар. 1251 йил 23 февраль куни Қорақўрумда бўлиб ўтган қурултой Мангухонни тахтга ўтқизишга қарор қилди. Қурултой ўтгандан кейин эса,

1

Унон ва Келурон — Мўғулистоннинг азим дарёларидан. Унинг шарқий-шимолий тарафида: Хонгай тоғларидан бошланади.

2

Қорақўрум — Ўрхун дарёси бўйида жойлашган шаҳар. Чингизхон, Ўгадайхон, Гуюкхон ва Мангу қоон даврида Улуғ юрт пойтахти.

Ботухоннинг кўрсатмаси билан, Беркахон ва Мункахоннинг иштирокида, гарданкаш шаҳзодалар устидан катта суд уюштирилди ва ўша суднинг қарори билан 77 нафар шаҳзода ва амир ясоққа етказилдилар. Уларнинг орасида юқорида тилга олинган Ўғул-Ғаймиш ва Шерамуннинг онаси Қадағач хотин ҳам бор эдилар. Шундан кейин Чигатой авлодининг нуфузи синди.

Ва шу ернинг ўзида Есу-Мунканинг Чигатой улуси тахтидан туширилгани эълон қилинди. Ўрнига яна ўша Қора Ҳалоку тайинланди. Лекин у улус марказигача етиб боролмади. Йўлда, Олтойда қазо қилди. Шунга қарамай, Қора Ҳалокунинг амирлари ва лашкари Чигатой улусининг маркази Маравчуқ Илага етиб бордилар ва Есу Мункани қўлга тушириб Ботухон ҳузурига жўнатиб юбордилар. Чигатой улуси тахтига эса марҳум Қора Ҳалокунинг ўғли Муборакшоҳ ўтқизилди. Лекин у ҳали жуда ёш эди. Шу сабабдан давлат ишларини онаси Арғуна хотин қўлига олди. Арғуна хотин, Мирзо Улуғбекнинг сўзларига қараганда, "ғоятда виқорли, хушхулқ хотин эди. Мусулмонларнинг барча ишларига майл кўргизарди. Мусулмонларнинг молу жони риояти ва муҳофазасида бирор дақиқа ҳам кечикмас эди". Кўриб турибсизки, Чигатойлар орасида исломга мойиллик айнан Муборакшоҳ ва унинг онаси Арғуна хотин замонида анча кучайди. Муборакшоҳ даврида насронийлик ва шаманлик ҳам кучли бўлган. Унинг Ила воҳасида эмас, балки Оҳангаронда, мусулмонлар юртида, тахтга ўтқазилиши (1266й.) бунга ёрқин далилдир.

Лекин, Муборакшоҳ тўла ҳокимиятга эга эмасди. Ҳокимият Ботухон ва Мунка қоон номидан ҳукм юргизиб турган Масъудбекнинг қўлида эди. Нафақат Чигатой улуси, балки бошқа улуслар ҳам, ўша йиллари Ботухон билан Мунка қоон қўлига қараб қолганди. Бу фактни тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар тўла тасдиқлайди. Масалан, 1253—1255 йиллари Мўғулистонда бўлган Фламандиялик сайёҳ роҳиб Вилгельм Рубрук (1215—1270) ўша пайтда тамом Мўғул империяси Ботухон билан Мунка қоон ўртасида тақсим қилиб олинганлигини айтади.

Қисқаси, ўша Қорақўрум қурултойидан (1251й.) кейин Чигатой улуси икки қисмга ажралиб кетди. Еттисув, Шарқий Туркистон, Ғулжа воҳаси, шунингдек Фарғонанинг шарқий-шимолий қисми Мунка қооннинг, Мовароуннаҳр, Ғарбий Фарғона ва Хоразмнинг Ғарбий-жанубий

қисми Ботухон ва Олтин Ҷрданинг таъсир доирасига тушиб қолди. Ботухон ва Мунка қоонга тобёь бўлган ерлар ўртасидаги чегара Талос ва Чу дарёлари оралиғидаги чўл бўйлаб ўтар эди ўшанда.

Чигатойхоннинг набираси (Бойдорнинг ўғли) Олғуйни (1261—1266) Чигатой улусининг ҳақиқий муассиси деб ҳисоблаш мумкин. У, ҳокимият тепасига келганининг дастлабки кунлариданоқ, улуснинг мустақиллиги учун Ариқ Буқо ва Беркахон билан кураш олиб борди. Олғуй амир ул-умаро Ижил нўённинг (Амир Темурнинг бешинчи жадди) кўмаги билан Ариқ Буқога қарши қўшин тортди ва унинг устидан ғалаба қозонди. Олғуйнинг Чигатой улусининг Олтин ўрданинг ҳарбий-сиёсий таъсиридан чиқариш йўлида олиб борган кураши ҳам унга муваффақият келтирди. У Бухорода турган 5 минг кишилик Олтин ўрда қўшинини юртдан ҳайдаб чиқарди. Тарихчи Вассоф улар хоннинг буйруғи билан шаҳар ташқарисига, даштликка олиб чиқиб битта ҳам қўймай қириб ташланганини айтади. "(Уларнинг) мол-мулки, хотин-халажи ва болалари мусодара қилинди",— деб ёзган эди. яна муаррих. Рашидиддин бундан ҳам қизиқ воқеани ҳикоя қилади. "Олғуй,— деб ёзган эди у,— бир марта Ўтрор ёнида Беркахоннинг қўшини билан савалашишди ва уни талон-торож қилди".

Олғуйнинг ўрнига расман хон қилиб кўтарилган Муборакшоҳ (бу сафар ҳаммаси бўлиб бир йил атрофида хонлик қилди, 1266й.) даврида ҳам улус Ижил нўённинг саъй-ҳаракати орқасида эмну омонликда бўлди. "Муборакшоҳ султонлиги даврида,— деб ёзган эди Мирзо Улуғбек,— Чигатой улуси амир Ижил нўён барлос сиёсати ва тутуми саодатидан ғоятда хуш бўлди. Мамлакат унинг ғайрату камолидан давлати обод, халойиқ унинг ҳимояси ва риояси соясида тўкину шодмон кун кечирди".

Ўша йили Чигатой улуси тахтига Чигатойхоннинг яна бир авлоди Бароқхон (Бароқхон ибн Есин-Дува ибн Мутугэн ибн Чигатойхон) ўтқизилди. "Тарихи арбаъ улус" муаллифининг сўзларига қараганда, "у шаҳзодалар, амирлар, хоннинг хотинлари ёрдамида салтанат тахтида қарор топган" ва бунда Ижил нўённинг хизмати катта бўлган, "Амир Ижил нўён ибн Қорачор нўён барлоснинг илтижоси билан,—деб ҳикоя қилади шу муаллиф,— Чигатой улусининг барча амирлари ва шаҳзодалари келиб [унинг олдида] тиз чўкдилар. Бутун лашкар ва раият итоат камарини жон белига боғладилар. Бароқхон тахт

тепасига қонун йўли билан эмас, балки куч билан, зуравонлик билан келгани ҳақида манбаларда бундан бошқа ҳам ишонарли маълумот учратдик. Масалан, Рашидиддиннинг "Жомий ут-таворих"ида мана бундай гап бор: "Бароқхон доимо Хубилай қоон (1260—1294) ҳузурида бўлиб, топширилган вазифани муносиб адо этарди. Хубилай қоон уни Чигатой улусига юборди ва уни "Муборакшоҳ билан биргаликда идора қилинглар",— деб тайинлади. Бирмунча вақт улар бир-бирларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Сўнг Муборакшоҳнинг битикчи амирларидан бири ва лашкарнинг бир қисми Бароқхон билан тил бириктириб Муборакшоҳни тахтдан туширдилар. Бароқхон улуснинг ягона хўжайини бўлиб олди". Муборакшоҳ Бароқхон тарафидан Хўжандда асир олинди. Ишончли маълумотларга кўра, Муборакшоҳ ўшанда Бароқхоннинг хизматига кирган.

Бароқхоннинг ҳукмронлиги (1266—тахм. 1271) Қайду қоон (Ўгадай қооннинг набираси), Хубилай қоон ва элхон Абақхон (1265—1282) ҳамда Олтин ўрда хони Мангу Темур (1267—1280) билан курашларда кечди. Унинг даврида Чигатой улусининг обрў-эътибори бирмунча кучайди.

Бароқхон Хубилай қооннинг бевосита ёрдами билан Чигатой улусида ҳокимият тепасига келган эди. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, у валинсьматнинг бу яхшилигини унутди. Шарқий Туркистон устига қўшин тортди ва қооннинг бу ердаги ноибни Мўғулойни қувиб юбориб, ўрнига ўз одамини қўйди. Хубилай қоон Бароққа қарши 6 минг отлиқ аскар юборди. Бироқ улар Бароқхоннинг бу ерда турган 30 минг аскарига бас келолмадилар.

Бароқхоннинг Қайду ва Абақхон билан кураши ҳам унга муваффақият келтирмади.

Қайду — Ўгадай қооннинг набираси, бешинчи ўғли Кошининг фарзанди. Хубилай қоон Хитойда эканлигидан фойдаланиб, унга тегишли баъзи вилоятларни (Рашидиддин Қайдунинг улуси Чигатой улусига туташ бўлган дейди) ўзига қаратиб олди. Сўнг Жўчи улусининг ҳукмдорлари билан яқинлашиб олиб, Хубилай қоонга гарданкашлик қилди. Хубилай қоон унга қарши курашда Бароқхоннинг кучидан фойдаланмоқчи бўлди. Бароқхон Хубилай қооннинг топшириғи билан унга қарши қўшин тортди. Урушда Бароқхоннинг қўли баланд келди. Кейин Қайду Олтин ўрдадан ёрдам олди. Мангу Темур ёрдамга 50 минг аскар билан шаҳзода Беркажорни юборди.

Устунлик энди Қайдуга ўтди. Шунга қарамай, бир-бирига қарши жанг майдонида қўшин сафладилар. Аммо уруш бўлмади. Ўгадай қооннинг авлоди Қипчоқ ўртага тушиб, уларни яраштириб қўйди. Ўшандан кейин Қайду билан Бароқхон энди қуда-анда бўлиб олдилар. Ўшанда икки ўртада имзоланган шартнома ва Талосда бўлган қурултой қарорига кўра, Мовароуннаҳрнинг учдан икки қисми Бароқхонга тегишди. Қолган қисмини Қайду билан Мангу Темур идора қиладиган бўлишди. Ўшанда келаси йили (1267) Бароқхон Эронга қўшин тортадиган ва Абақхонга тегишли ерлардан бир қисмини босиб оладиган бўлди. Икки ўртадаги келишувга биноан ўшандан кейин улар, Қайду билан Бароқхон, энди қуда-анда бўлиб олишгандан кейин Хубилай қоонга қарши иттифоқ туздилар. Улар элхонийларга қарши ҳам биргалашиб курашадиган бўлишди. Қайдунинг мақсади Бароқхонни Мовароуннаҳрдан узоқлаштириш ва бирон қудратлироқ подшоҳ билан уруштириб қўйиб, иложи бўлса уни жисмоний йўқ қилиб ташлаш эди. Айни шу пайт Бароқхоннинг ўзи Абақхондан гап очиб қолди. У 1267 йил қиш фаслини Мозандаронда ўтказиб ётган Абақхон ҳузурига Масъудбекни элчи қилиб юборганини Қайдуга айтди ва кўз қисиб қўйди. Қайду унинг асл мақсадини англади ва агар у элхонга қарши уруш қилиш ниятида бўлса, қўшин билан Ўгадай қооннинг набираси Қипчоқ ўғил ва Гуюкхоннинг набираси Чопатни унинг ихтиёрига жўнатажagini ҳам айтди...

Масъудбек айёрлик қилди. Абақхонга қоон номидан инжу ҳаққини сўраб келганини ётиғида айтди. Абақхон бунга ишонди ва вазири Шамсиддин Харрақонийга инжу хусусида ҳисоб-китоб ҳозирлашни буюрди, Масъудбекни эса ҳузурида олиб қолиб, кечаю кундуз унга анвойи мудозиматлар кўрсатди. Масъудбек бир ҳафтадан кейин махфий суратда Абақхон ҳузуридан жўнаб кетди. Орадан бир-икки кун ўтиб маълум бўлдики, шу орада Амударёнинг нариги соҳилига мўру малағ лашкар тўпланибди. Шундан маълум бўлдики, Масъудбек яхши ният билан эмас, балки Бароқхоннинг жосуси сифатида келган экан.

Хулласи калом, Бароқхон 10 минг отлиқ аскар билан ўғли Бектемир ўғлонни Нахшабда қолдириб, Хуросон устига юриш бошлади ва 1270 йилнинг ёз кунларидан бирида Маручоққа келиб қўнди. Қайдухоннинг амирлари қипчоқ ўғил билан Чопат ўғил қўшини билан келиб унга Амударё бўйида қўшилдилар. Лекин уларнинг нияти



бошқа экан. Қайдухон ўғлонлар жўнаб кетаётганларида уларга махсус тайинлаганди: "Бароқхон дарёдан (Жайхундан) ўтиши билан Тобшин ўғил нима бўлса ҳам у билан жангга тутинади. Шу пайт бирон баҳонайи сабаб топиб орқага қайтинглар, чунки тез орада Абақхон Бароқни дафъ қилиш учун шу қадар катта лашкар билан келадик, уни ҳатто тоғ ҳам тўсиб қололмайди". Ҳа, биз юқорида айтдик, Қайдухоннинг асл мақсади Бароқхонни йўқ қилиш эди. Бу гал Абақхоннинг қўли баланд эришмоқчи бўлди бунга.

Гапнинг қисқаси, шу ерда Бароқхонга Ҳирот ҳокими Малик Шамсиддин Қурт (1245—1278) ҳам келиб қўшилди. Тошбин ўғил эса Бароқхон билан тўқнашишдан бош тортиб, Мозандаронга кетиб қолди ва аҳволни Абақхонга етказди. Шунга қарамай, ташаббус барибир Бароқхоннинг қўлига ўтмади. Кўп ўтмай, қўшини билан Қипчоқ ўғил, Ҳирот теварагига етганда эса пайтини топиб, Чапат ўғил уни ташлаб кетдилар. Шундай бўлсада Бароқхон тушкунликка тушмади. Ясур ўғлонни қўшини билан Бодҳизга, Марғавулни Нишопур ва Тус йўлига қўйиб, ўзи, асосий кучлари билан, Толқонда ўринлашди. Унинг қўшинлари 1270 йилнинг 19-май куни Нишопурни, сўнг Ҳиротни босиб, халқини талон-торож қилди.

Ўша кунлари Абақхон ҳам катта куч билан Ироқи ажам тарафдан Хуросонга келаётгани ҳақида хабар олинди. Қисқаси Бодқизда, Қорасув ёқасидаги катта майдонда, икки ўртада шиддатли уруш бўлди. Натижаси Абақхоннинг ғалабаси ва Бароқхоннинг мағлубияти билан тамом бўлди. Бу воқеа Рашидиддиннинг сўзларига қараганда, ҳижрий 668 йил зулҳижжа ойининг биринчи куни (1270 й. 22 июль куни) содир бўлди. Бароқхон қолган-қутган одами билан Амударёдан кечиб ўтди ва йўлда фалаж касалига мубтало бўлиб ётиб қолди. Амирлари ва сипоҳи эса тўғри келган тарафга тарқалиб кета бошлади. Масалан, Чигатойхоннинг набираси (Бўрининг фарзанди) Аҳмад ўғил Бешбалиққа<sup>1</sup> қараб, Никпой ўғил (у ҳам Чигатойхоннинг набираси) эса Хўжанд тарафга қочди. Бароқхон мушкул аҳволда қолди ва Чоч (Тошкент)га яқинлашгач, иниси Ясор ўғулни ёрдам сўраб Қайдухоннинг олдига жўнатди. Қайдухоннинг эса ҳамма нарсадан хабари бўлсада, ўзини билмасликка солди. Бароқ анда-

1

*Бешбалиқ* — Шарқий Туркистоннинг қадимий шаҳарларидан; вайроналари Гучандан 47 км. гарбда, Жимисар шаҳарига яқин ерда.

нинг аҳволига кўп ачинди, таассуф изҳор қилди, сўнг элчига Бароқхонга албатта ёрдам юборишга ваъда берди. Лекин ўша заҳотиёқ барча яқинларини кенгашига тўплаб, ўртага маслаҳат солди: "Кўп йиллар бўлдики, Бароққонимизни зулук бўлиб сўриб келди. Ҳатто қурол кўтариб келиб улусга кўп азоб-уқубатлар етказди. Қипчоқ ўғил бор санъатини ишга солиб бизни яраштириб қўйди. Тўғри, ўртада қасам билан мустаҳкамланган шартнома бор — биз бир-биримизга ёмонликни раво кўрмаслик ҳақида аҳд-паймон қилдик. Ҳар ким ўз эл-улуси билан машғул бўладиган бўлди. Шунга қарамай, Бароқхон ёмонлик қилишда давом этди. Солиқ йиғиш учун борган одамларимизни дўппослатиб ҳайдаб юборди. Биз ҳаммасига чидадик. Ва ҳатто Хуросон устига юриш бошлаганда Қипчоқ билан Чапатни ёрдамга юбордик. Энди аҳволи мушкуллашиб қолганда яна ёрдам сўраб ўлтирибди. Бу унинг навбатдаги макр-ҳийласи. Лекин унинг кўкрагидан итарсак Бешбалиққа бориб хон билан бирикади ва яна эл-юрт унинг отлари туёғи остида қолади. Яхшиси, элчисини шу ерда тутиб қолиб, икки туман лашкар билан ўзимиз бориб унинг ишини бир ёқлик қилайлик". Қайдунинг маслаҳати яқинларига ҳам маъқул тушди. Эртаси куни Қайду икки туман лашкар олиб йўлга чиқди. Бароқхонга эса "ёрдам учун ўзим бораётибман", деб чопар юборди.

Қайду Бароқхоннинг ўрдасига қош қорайганда етиб борди ва унинг атрофида тўхтаб, қудасини бундан хабардор қилди. Бароқхон эса унга шундай жавоб йўллади: "Қайду анда йўл азобини чекиб, бскорга ўзини овора қилибдур. Аҳмад ўғил билан Никной исёни бартараф этилди. Эртага юртимизга қайтиб кетурмиз. Қайду анда ҳам шундай қилсун". "Ҳа, тулки. Лекин бу сафар бизни лақиллатиб бўпсан!" дея Қайду шу заҳотиёқ иккала туманни оёққа тургизди ва Бароқхоннинг ўрдасини чор атрофдан ўраб олди. Эрталаб ҳужумга ўтиб, уни шу ернинг ўзида бирёқлик қилишга азму қарор қилди. Чунки энг хавфли рақибдан қутулишга бунақа қулай фурсат бошқа келмаслиги мумкин.

Бароқхон бундан хабар топиб, ваҳима ва қўрқув исканжасида қолди, бир дарди чандон бўлди ва ўша кечасиёқ омонат жонни эгасига топширди. Қайдухон бўлса унинг хазинаси ва мол-мулкани араваларга ортиб ўз улусига қайтиб кетди. Бароқхоннинг яқинлари эса теварак-атрофга тарқалиб кетишди. Масалан, тўнғич ўғли

Бектемур ва ўғиллари Олсу, Чўпай ва Қапқон қооннинг ҳузурига кетиб қолишди. Муборакшоҳнинг ўғиллари ва Бароқхоннинг иниси Ясор Абақохон ҳузурига бориб, унинг хизматига ёлландилар. Абақохон уларни Ғазна теварагида кўчиб юрган Никударийлар ўрдасига жўнатиб юборди.

Шундай қилиб, Чигатой улуси яна Қайдухон билан Олтин ўрда хони Мангу Темур ўртасида тақсимлаб олинди.

Бароқхондан кейин Чигатой улусининг тақдири, аниқроғи унинг учдан икки қисмининг тақдири (Улуснинг бир қисмини Қайдухон билан Мангу Темур бўлиб олишган эди) Бароқхоннинг амакиваччаси Никкойнинг қўлига топширилди. У ҳаммаси бўлиб уч йил (1270—1272) хонлик қилди. Сўнг ўрнига Чигатойхоннинг сттинчи фарзанди Қадоқнинг ўғли Буқа Темурни тахтга ўтқиздилар. Унинг ҳукмронлиги қанча давом этганлиги бизга номаълум. Рашидиддин у бир неча йил соҳиби давлат бўлгани ва охири қўтир касалига мубтало бўлиб, шу касал туфайли ўлиб кетганини айтади. Лскин, уларнинг (Некпой ва Буқо Темур) хонлиги даврида Чигатой улусининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бирон жиддий воқеа юз бергани маълум эмас.

Буқа Темурдан кейин Қайдухон тахтга Бароқхоннинг ўғли Дува Чечанни ўтқизди. У ҳаммаси бўлиб 16 йил (1291—1306-07) хонлик маснадида ўлтирди. Мирзо Улуғбек уни "саодатманд ва баланд ҳимматли подишоҳ эди. Фармон чақиринида комрон подишоҳ бўлиб, одамлар ундан яхшиликдан ўзга нарсани кўрмади",— деб ёзади. Улуғбек яна Дува Чечан даврида бўлиб ўтган бир муҳим воқеани эслайди: "Дува Чечанхон давлати аёнида амирлик ва мулк мадорийлик мансаби амир Илангиз нўён (Амир Темурнинг тўртинчи жадди) ибн Ижил Нўён... қочувли баҳодир (Амир Темурнинг саккизинчи жадди) билан Қобулхон (Чингизхоннинг учинчи жадди) ўртасида тузилган ва Туминахоннинг Ол-томғаси билан тасдиқланган аҳднома қайтадан тузилиб, бир-бирлари билан (Дува Чечанхон билан Илангиз нўён) аҳду-паймон қилиб, қасам ичишди. Оталар расму русуми ва йўриғини янгилашди". Бир замонлар Қобулхон (Чингизхон жадди) билан Қочувли баҳодир (Амир Темурнинг саккизинчи жадди) ўртасида тузилган, сўнг Дува Чечанхон билан

1

*Ол-томга* — қизил тамга; подшоҳ тамгаси.

Илангиз нўён (Амир Тсмурнинг тўртинчи жадди) тарафидан янгиланган бу аҳдномага кўра, хонлик мартабаси Қобулхон авлодига, амир ул-умаролик мартабаси Қочувли баҳодир авлодига теккан. Ва яна "Тарихи арбаъ улус"да айтилишича, шунга қарамай, давлатни бошқаришда Илангиз нўённинг роли ва нуфузи катта бўлган. "Илангиз нўённинг ҳусн тадбири орқасида,— деб айтилади мазкур асарда,— Чигатой улуси ободонлик касб этди. Илангиз нўён кимнинг қандай муроди бўлса унга стказди". Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу даврда улусдаги ҳаёт бирмунча яхшиланди. Дувахон эл-юртни обод қилиш ишида ҳам баҳоли имкон саъй-ҳаракат кўрсатди. Масалан, Андижон шаҳарининг қайтадан қурилиши ва унинг Фарғона воҳасининг бош шаҳарига айлантирилиши ана ўша Дувахоннинг номи билан боғлиқдир. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, Дува Чечанхон умрининг охиригача Қайдухонга содиқ иттифоқчи бўлиб қолди, кўп урушларда, хусусан унинг Улуғ юрт устига, қоонга қарши қилган ҳарбий юришларида фаол иштирок этди. Лекин, қоонга қарши урушлардан бирида уларнинг иккалалари ҳам оғир ярадор бўлишди. Қайдухон кўп ўтмай заҳм туфайли ўлиб кетди. (1301 йилнинг кузида), Дува Чечанхон эса бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Дува Чечанхон вафотидан (ҳ. 706/1306-07 йили) кейин Чигатой улуси яна харжу марж исканжасида қолди. 1306 йили Олмалиқ<sup>1</sup> ёнидаги Сабҳу болода хон кўтарилган унинг ўгли Кўнчакхон ва Толику ибн Қадачи ибн Бўри ибн Мутугэн ибн Чигатойхоннинг ҳукмронлиги узоққа бормади. Иккалаларини бирга олганда, улар ҳаммаси бўлиб икки йил ҳукмронлик қилдилар. Лекин уларнинг даврида улусларда ўлтирган шаҳзодалар ҳамда доругачи ва тонмачиларнинг<sup>2</sup> исёнлари кучайди. Айниқса Ўзганд тарафда улус қилиб ўлтирган Ўгадай қооннинг авлоди Қурсобанинг исёни улусга катта ташвишлар келтирди.

1309 йили Чигатой улуси саҳнасида Дува Чечанхоннинг истеъдодли ўғли Кеспакхон пайдо бўлди. У дастлаб оғаси Эсон Буқохонни тахтга ўтқизди (1309—1318), сўнг ога-ини бир ёқадан бош чиқариб, Чопар, Тўқма ва

<sup>1</sup> Олмалиқ — Еттисувнинг катта шаҳарларидан, Ила дарёси воҳасида жойлашган. XV асрнинг иккинчи ярмида қалмоқлар истилоси оқибатида ғайрон бўлган.

<sup>2</sup> Доругачи — шаҳарнинг ҳарбий бошлиги; тонмачи — дорухачининг ўринбосари; унга юриш олдидан қўшин тўплаш вазифаси юклатилган.

Бойқажорлар исѐнини бостириб, улусда эмну омонлик ўрнатдилар. Сўнг, ака-ука биргалашиб, улусни Қайдунинг тасарруфидан чиқарибгина қолмай, унга қарашли вилоятлардан баъзиларини Чигатой улуси таркибига қўшиб олишга муваффақ бўлдилар. Эсон Буқохон даврида Чигатой улусининг ижтимоий-сиѐсий аҳволи бирмунча барқарорлашди. Лекин уларнинг қоон билан олиб борган кураши самара бермади. Аксинча бир урушда ҳатто мағлубиятга учрадилар. Таъбир жоиз бўлса шуни ҳам айтиш керакки, Эсон Буқохон фақат номигагина хон эди. У Олмалиқдан нарига чиқмади. Ҳокимиятни эса унинг ақл-идрокли ва эпчил иниси Кеспакхон бошқарарди.

Эсон Буқохон вафотидан кейин иниси Кеспакхон расман Чигатой улуси тепасига келди (1318—1326). "Кеспакхон ибн Дувахон,— деб ёзади Мирзо Улуғбек,— султони одил, хушахлоқ, мақтовларга тўла хислатли [киши] эди. Унинг подшоҳлиги айѐмида жаҳонбонлик юмушларининг қоидалари камол даражасида, мамлакат бошқариш қонуни амалиѐти тантана ва олий авжига етган эди. Салтанат ишлари унинг зукколиги ва ҳашаматидан равнақликда бенуқсон эди". Булар одатдаги тождорлар ва ҳукм-фармонларга қилинадиган ҳамду сано, ҳавоий гап эмас. Мирзо Улуғбекнинг бу гаплари заминида асос бор, албатта. Бунга Кеспакхоннинг тутими ва қилган ишлари яққол мисол бўлиши мумкин. Кеспакхон марказий давлат идораларини мустаҳкамлаш ва улуснинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган бир эмас, иккита ислоҳот: пул ислоҳоти ва ҳарбий-маъмурий ислоҳот, яна бир қатор яхши ишларни амалга оширди.

Кеспакхон, Чигатой хонлари орасида биринчи бўлиб, Қашқадарѐ воқасида, қадимий Насафдан икки фарсах нарида ўзига муҳташам бир қаср (мўғул лафзида — Қарши) қурдирди. Бу ер шундан кейин Кеспакхон ва бошқа Чигатой хонларининг доимий қароргоҳига айланди. Бора-бора шу қаср атрофида кўп бинолар (хусусий уйлар, карвонсарой, ҳаммом, бозор ва б.қ.) қад кўтарди. Ҳозирги Қарши шаҳарининг тарихи шундан бошланди. Кеспакхон қадимий Балх шаҳарини қайта тиклашда ҳам ҳиммат кўрсатди. Ваҳоланки, бу шаҳар, Мирзо Улуғбекнинг сўзлари билан айтганда, "соҳибқирони аъзам [Чингизхон] замонидан бери вайрона ва қамишзорга айланиб ётар эди". Кеспакхоннинг шаҳар қурилиши ва мамлакатни обод қилиш билан боғлиқ фаолиятининг ижтимоий-сиѐсий моҳияти бениҳоят каттадир. Бу — мўғул феодалларининг ҳаёт тарзи ўзгариб бораётганлиги, бир умр кўчманчилик

билан машгул бўлиб келган қавм ва халқларнинг ижтимоий онги ўзгариб, ўтроқлик ҳаёт тарзи афзаллигини тушуниб бораётганлигини кўрсатади.

Кспакхон ўтказган пул ислоҳоти ўтроқ аҳолининг, хусусан ҳунармандлар ва тижорат аҳлининг манфаатларини кўзлаб қилинди. Ваҳоланки, халқ бир хил пул бирлигининг йўқлигидан кўп қийналган эди. Бир хил пул бирлигининг йўқлиги, биринчидан, бозорда олди-сотди муносабатларида кўп чалкашликлар ва қийинчиликлар туғдирса (масалан, Бухоро, Самарқанд, Термиз каби шаҳарларда маҳаллий ҳукмдорлар номидан ўз пули чиқариларди), иккинчидан, хорижий мамлакатлар билан бўладиган савдо-сотиқнинг ривожланишига тўғоноқ бўлиб турарди. Шуни ҳисобга олиб, Кспакхон Чигатой улуси учун битта, ягона пул бирлигини жорий қилди. Кейинчалик бу пул бирлиги (динори кспакий) ҳатто Олтин ўрда ва Эронда ҳам муомалага киритилди. Бу ҳол мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларининг ривожланишига катта туртки бўлди. Кспакхон жорий этган пул бирлиги динори кспакий ва дирҳами кспакий деб аталиб, бир динор икки мисқол<sup>1</sup> вазнда бўлган.

Кспакхон ўтказган ҳарбий-маъмурий ислоҳотга кўра, улус туманлар (Бухоро ва Самарқандда) ва ўрчинларга (Фарғона ва Шарқий Туркистонда) бўлинди. Мўгулча бу атама (туман)нинг маъноси: ўн минг; ўн минг хонадондан иборат қишлоқ; ўн минг аскар тўплаб бсрадиган жой, бошқа сўз билан айтганда бирон катта шаҳар теварагида жойлашган район, округ дсмакдир. Бу ислоҳот илгари фсодал ҳукмдорлар ихтиёрида бўлган ва тез-тез ўзгариб турадиган майда-майда улусларни тартибга келтириб, мамлакатни бошқариш ишини бир қадар снгиллаштирди. Мана шундай катта ишларни бундан илгари элхон Ғозонхон (1295—1304) қилгани маълум. Тўғри, уни Рашидиддиндай доно ва тадбиркор вазири бор эди. Бу ишларни у ўша Рашидиддиннинг маслаҳати ва срдарида қилган. Лекин, Кспакхоннинг шундай маслаҳатчиси бўлганми? Бу ҳақда манбаларда маълумот йўқ. Аммо унинг ҳам маҳаллий халқ ичидан чиққан Рашидиддинга ўхшаган маслаҳатчиси бўлган, албатта. Буни у ўтказган ислоҳотлар кўрсатиб турибди.

Биз сал юқорироқда Кспакхон кўчманчи мўгул фсодалларининг ўзбошимчалиги ва золимлигига қарши курашди, деб айтдик. Лекин бу латифага ўхшаган гап эмас,

<sup>1</sup> Мисқол — 4,235 гр. га баробар оғирлик ўлчови.

бўлган гап. Унинг Чигатой шаҳзодаларидан Ясовур билан олиб борган кураши буни тўла тасдиқлайди. Бу ҳақда Сайфий Ҳаравийнинг "Тарихномаи Ҳирот" асарида ўта қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Ясовур — Есин Дуванинг ўғли, Чигатойхоннинг набираси — XIV асрнинг бошида Чигатой улусидан қочиб бориб Хуросонда ўрнашди. Бу воқеа Эсон Буқохон ва Кеспакхон даврида юз берган бўлиши керак. Сайфий Ҳаравийнинг айтишича, Ясовур элхон Ўлжайтухон (1304—1317) билан аввалдан алоқа боғлаган ва унга садоқат билан хизмат қилишга ваъда берган. Хон эса Омул (Чоржўй) дан то Мозандаронгача бўлган ерларни унга инъом қилган ва Хуросон амирларидан Ясовурга бўйсуниларини талаб қилган. Қисқаси, ўшанда Ясовур кўп нарсага эришди. Кеспакхон ҳали ясовур Мовароуннаҳрда эканлигидаёқ, оғасидан исён зўраймасдан туриб уни тутиб жазолашни талаб қилди. Лекин Эсон Буқохон бошда бепарволик қилди. Натижада Ясовур Хуросонга қочиб улгурди ва қисқа фурсат ичида мамлакатда ўз мавқеъини бирмунча мустаҳкамлаб олди. Ўлжайтухон эса, юқорида айтилганидек, уни ўз қаноти остига олди. 1316 йили Кеспакхон Ясовурга қарши қўшин тортди, лекин уни бартараф қилолмади, аксинча ўзи мағлубиятга учради. Ясовур эса рақибни устидан қозонган ғалабасидан мағрурланиб, кўп ўтмай Мовароуннаҳрга бостириб кирди ва унинг жанубий вилоятларини талон-торож қилди. Сайфий Ҳаравий келтирган маълумотларга қараганда, Ясовур ва унга иттифоқдош бўлган Хуросон амирлари ўшанда Мовароуннаҳрдан 50 минг одамни асир қилиб олиб кетишган. Кейин Кеспак унга қарши яна қўшин тортди, лекин Термиздан нарига ўтмади. Чунки Ясовур бундан хабар топиб, Фарёб ва Мурғобгача бўлган юртларнинг халқларини Ҳирот вилоятига кўчириб олиб келди, ўзи эса ўша тарафларнинг мустаҳкам қалъаларидан бирига кириб яширинди.

Ясовур кейинчалик Ҳирот маликалари ва Шимолий Афғонистон шаҳарларининг ҳокимларидан унинг ҳузурига келиб тобълик қилишларини талаб қилди. Уларнинг баъзилари ўшанда совға-салом билан келиб, унинг оёғига йиқилдилар, бошқа бирлари ҳар хил важҳ кўрсатиб буни пайсалга солдилар. Фақат биргина Малик — Ғиёсиддин Курт (1307—1329) рад жавобини берди. Ясовур эса бунга жавобан Ҳиротнинг тсварак-атрофидаги деҳқон хўжаликларини беармон талон-торож этди, экинзорларини эса пайҳон қилди.

Абу Саъидхон тахтга ўлтиргандан (1318) кейин Ясовур дарҳол унга тобсьлик изҳор қилди. Шундан кейин у тамом куч-ғайратини Хуросонда ўз мавқъсини янада мустаҳкамлаб олишга қаратди. Ҳирот маликига тобсь бўлган маҳаллий ҳокимлардан эса бундан буёғига унга тобсь бўлишларини талаб қилди. Маълум даражада у бунга эришди ҳам. Малик Ғиёсиддиндан бошқа ҳокимлар, хусусан Бохарз, Фарах ва Исфазор ҳокимлари бориб унга тобсьлик изҳор этдилар. Шундан кейин Ясовур Ссистонга қўл чўзди. Тўғри, у бу ерда маълум муваффақиятга эришди ва Ссистоннинг бир-икки қалъасини бўйсундиришга муваффақ бўлди. Лекин, бари бир, халқнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди ва уч минг одамидан ажралиб, охир-оқибат чскинишга мажбур бўлди.

1319 йили Ясовур Ҳиротни ишғол қилиш ва гарданкаш Малик Ғиёсиддинни тиз чўктиришга қаттиқ ҳаракат қилди. У катта қўшин билан келиб Ҳиротни чор атрофдан қуршаб олди, уни эгаллаш учун уч марта (1319 й. 4, 18 апрель ва 30 май кунлари) қаттиқ уринди. Лекин бўлмади. Катта талафот кўриб чскинишга мажбур бўлди. Охири Абу Саъидхоннинг катта қўшин билан Султониядан йўлга чиққанини эшитиб, чскинишга мажбур бўлди.

Ўша йили ёзда, яъни 1319 йил июнь охирида, Кеспакхон билан Малик Ғиёсиддиннинг бирлашган кучлари Ясовурга қақшатқич зарба бердилар. Ясовурнинг ўзи ўша жангда ўлдирилди. "Тарихномаи Ҳирот" китобининг муаллифи бу воқсани батафсил баён қилган. Унинг сўзларига қараганда, иттифоқчилар Ясовурнинг ўрдусига яқинлашганларида ҳуфиёна одам юбориб, амирлари билан музокара олиб бордилар ва уларни хожасини ташлаб Кеспакхон ва Малик Ғиёсиддин тарафига ўтишга даъват қилдилар. Бунинг эвазига эса жону молларини сақлаб қолиш ва катта инъому эҳсонлар ваъда бердилар. Икки ўртадаги келишувга биноан, Ясовурнинг амирлари уруш бошланиши олдидан қўшин-мўшини билан уларнинг тарафига ўтиб кетадиган бўлишди. Хулласи калом, Ясовурнинг амирлари сўзининг устидан чиқдилар ва жанг олдидан амир ул-умаро Бекбўлатни ўлдириб, одамларини олиб Кеспакхон билан Малик Ғиёсиддин тарафига ўтиб кетдилар. Шу билан урушнинг ҳам, Ясовурнинг ҳам тақдирини ҳал қилдилар-қўйдилар. Ясовур қолган-қутган одами билан (Сайфий Харавийнинг сўзларига қараганда 200 атрофида одам билан) жон-жаҳд билан тспалашди.



Лекин бўлмади. Бу сафар Кепакхон билан Малик Ғиёсиддиннинг қўли баланд келди.

Кепакхоннинг Ясовур билан узоқ вақт олиб борган кураши — бу фақат ўз манфаатини кўзлаб, бир умр шахсий бойлик тўплаш учун бошқаларни талон-торож қилиш билан кун кечиршни афзал кўрган кўчманчи фсодалларга қарши, марказлашган давлат тузиш йўлида олиб борган курашидан жонли бир саҳифадир.

1326 йили Кепакхон тўсатдан вафот этди. Кўпчилик тарихчилар у ўз ажали билан ўлди, деб ёзадилар. Лекин Ибн Баттутанинг сўзларига қараганда, уни иниси Тормоширин ўлдирган.

Кепакхондан кейин бир неча ой Дувахоннинг фарзандлари ўртасида тож-тахт учун кураш борди. Ҳокимият дастлаб Илчиғдойга насиб этди. Бир-икки ойдан кейин унинг ўрнини Дурра Темур эгаллади. Унинг ҳокимияти ҳам узоққа бормади. Ўша 1326 йилнинг охирида ҳокимиятни Дува Чечанхоннинг яна бир ўғли Тормоширин эгаллади (1326—1334).

Илчиғдой ва Дурра Темур даврида Чигатой улусининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, католик мазҳабини тарғиб қилувчи роҳибларнинг фаолияти кучайганини ҳисобга олмаганда, бирон жиддий ўзгариш юз бермади. Доминика черковининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Фома Мангазола 1326—1329 йиллари Ўрта Осиёда туриб туркмуғул қавмлари орасида насронийликни (унинг католик мазҳабини) тарғиб қилиш билан машғул бўлди. 1329 йили у Авиньон (Франция)га қайтиб борди, лекин кўп ўтмай Папа Иоанн XII (1316—1334) уни Самарқандга епископ қилиб тайинлаб изига қайтариб юборди. Хўш, ислом аллақачонлар тантана қилган мамлакатда ёт бир динни ёйишга уринишга асос бормиди, ўзи? Бор эди, албатта. Уругни униб-ўсиши мумкин бўлган ерга сепадилар одатда. Ислом дини тарқатилмасдан аввал Ўрта Осиёда ҳам насронийликнинг айрим ўчоқлари бўлган. Масалан, академик Бартольд "Еще о христианстве" деган мақоласида Самарқанд, Ургут, Мирзачўл, Сирдарёнинг ўнг ва сўл соҳилларидаги ерларда насронийларнинг қишлоқлари бўлганлигини айтади. Тўғри, араб истилоси Ўрта Осиёда ҳам тантана қилгандан кейин насронийлик шашти бу ерда бирмунча сусайди. Бироқ муғуллар истилосидан кейин насронийликка интилиш ва уни тарғиб қилиш Ўрта Осиёда ҳам кучайди. Биринчи навбатда муғулхонларининг барча дин ва мазҳабларга бир хил қараш сиёсати бунга

йўл очиб берди, албатта. Папа Иоанн XIIIнинг ҳаракати ва епископ Фома Мангазоланинг фаолиятига ҳам шу сиёсат қўл келди.

Тормоширин ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Ҳиндистон устига катта ҳарбий юриш уюштирди ва Деҳлигача бориб, катта ўлжалик бўлиб қайтди.

Энг муҳими шулки, Тормоширин ҳокимият тепасига келиши ҳамано ўзи мусулмон бўлди ва ислом расмий равишда давлат дини деб эълон қилинди. Шу сабабдан у Алоуддин (дин ифтихори) деган фахрий лақаб билан сарафроз этилди. Тормоширин Олмаликқа бошқа бормади ва мунтазам Қаршида истиқомат қилди. У бутун вужуди билан ҳақиқий мусулмон эди ва ислом ақидалари, шариат қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қиларди. Шу билан бирга, барчага баробар ва одил киши эди. Ибн Баттута Ўрта Осиёда бўлганида у билан учрашган экан, бу ҳақда ўта қимматли маълумот ёзиб қолдирган. Мана унинг сўзлари: "...эгнида Қуддуси шарифда<sup>1</sup> тўқилган матодан тўқилган кўк либос, бошида эса ўша матодан салла. У мачитдан пиёда қайтиб келаётган эди. Йўл-йўлакай, унга одамлар арз-дод билан мурожаат қилишар, у эса арз-додчи хоҳ катта ва хоҳ кичик бўлсин, эркак ёки хотин бўлсин, бундан қатъи назар, рўбарўсида тўхтаб арз-додини тингларди. Кейин у менга одам юборди. Борганимда у чодирда экан. Одамлар чодирни ўраб ўлтиришган эканлар. Ичкарида амирлар ўз ўринларида ўлтиришарди. Мулозимлари эса уларнинг олди ва орқасидан жой олишган эдилар. Уларни чор атрофдан ўраб ҳарбийлар туришарди. Олдиларида эса қурол-аслаҳалари...

Мени подшоҳ ҳузурига, унинг чодирига олиб кирганларида у минбарга ўхшаган, ҳарир мато билан қопланган тахт устида ўлтирган эди. Чодирнинг ички тарафи заррин ипак мато билан қопланган, подшоҳнинг бош тарафида, бошидан тахминан ярим метр баландда дуру жавоҳирлар билан безатилган ва ёқут қадалган тож осиб қўйилганди. Подшоҳнинг ўнгу сўл тарафидан улуғ амирлар жой олиб ўлтиришибди, подшоҳнинг ўғиллари эса унинг олдида слпигич кўтариб туришарди. Чодир эшиги олдида ноиб, вазир, ҳожиб ва муҳрдор ўлтиришибди. Тўртталаси, менга кўзи тушиши билан ўринларидан туришиб, мен билан ичкарига киришди.

<sup>1</sup> Қуддуси шариф — ҳозирги Ерусалим.

Подшоҳга чуқур таъзим бажо келтириб, саломлашдим. У мендан Маккаю Мадина ва Қуддуси шарифдан, Малик Носир<sup>1</sup> ҳар иккала Ироқ ва унинг подшоҳлари ҳамда Эрондан сўради...

Биз ҳар куни у билан намозда бирга бўлдик. Ўша кунлари фавқулодда совуқ эди. Подшоҳ намозларнинг барчасини мачитга бориб ўқирди, бомдод намозини ҳам, хуфтондагисини ҳам канда қилмасди. Эрталабдан то кечгача туркча дуо ўқиб ўлтирарди. Мачитда бўлганида барча унинг олдига борар, у эса улар билан қўл олишиб сўрашарди... Унга бирон совга, узумми, ё хурмоми барибир, олиб келишса уни мачитдагиларга ўз қўли билан улашарди".

Тормоширин, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қўшни мамлакатларга ҳам қўшин тортиб Чиғатой улусини бирмунча кенгайтирган. "Ул хони комил замонида бўлиб ўтган воқсалардан бири шулки,— деб эслайди Мирзо Улуғбек,— лашкар тортиб Ҳиндистон мамлакати сари юриш бошлади ва Деҳли дарвозасигача ҳеч ерда тўхтамасдан босиб борди. Унинг атроф ва ноҳияларидан нима топган бўлса талаб олди. Деҳли шаҳари атрофини зафарли лашкарларга лашкароғ қилгани сабабли, Деҳли волийси бир гуруҳ акобир ва аъёнларини пешкаш расми билан туҳфа ва ҳадялар билан ташқарига чиқарди. Эл ҳам таслим бўлганини изҳор қилди. [Сўнгра] у ердан кўчиб, то Гужорат, Сумнот ва Сурат ҳудудигача босиб борди..."

Қисқаси, Тормоширинхон ҳақиқий мусулмон киши эди, ўтроқ халқлар ва уларнинг турмуш тарзини ҳурмат қиларди. Кўчманчилик ҳаёт тарзи унга ёт бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам у улуснинг шарқий ноҳияларига бормай қўйди, умрини Мовароуннаҳрда, ўтроқ халқ орасида кечирди.

Мўғул кўчманчи феодаллари ва ҳокимият тепасида турган хонлару шаҳзодалар ўтроқлик ҳаёт тарзига мослашган ва исломга мукқасидан кетган хонни кечирмадилар. Чингизхон ёсосини<sup>2</sup> бузганликда айблаб 1334 йили унга қарши қўзғолон кўтардилар. Қўзғолончилар тепасида

1

Мамлуклар сулоласига мансуб Миср султони (1294—1295; 1299—1309; 1309—1340).

2

Ёсо (Ёсо ва Юсун)— тузук, қарор; подшоҳ буйруғи; қонун-қоида. Чингизхон жорий қилган ва XIII—XIV асрларда турк-мўғул халқлари орасида амалда бўлган қонун, йўриқ-йўсун.

юқорида номи зикр этилган хон — Дурра-Темурнинг ўғли хонзода Бузан турди. Тормоширин қўзғолон кўтарган қариндошлари билан курашишга ожизлик қилди ва Ғазнин, Ҳиндистон тарафларга қочиб кетишга азму қарор қилди. Лекин, Жайхундан ўтганда Балх ҳоқими Кепакхоннинг ўғли хонзода Янги уни тутиб Бузаннынг одамларига топширди. Бузан эса уни шу заҳотиёқ ўлимга маҳкум этди.

Тормошириннинг ўрнига ўлтирган ва 1334—1342 йиллари ҳукмронлик қилган Бузан (Дурра-Темурнинг ўғли), Чангши (Эсон Буқохоннинг ўғли) ва Чангшининг иниси Эсон Темур номигагина хон ҳисобланар эдилар. Чигатой улусида бутун ҳокимият кўчманчи турк-мўғул феодаллари қўлига ўтди.

Бузан ва унинг ҳукмронлиги ҳақида манбаларда айрим қисқа, лекин диққат-эътиборга молик маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, Ибн Баттута уни табааларига нисбатан адолатсиз, мусулмонларга эса ҳурматсизлик билан муомалада бўлганлигини, ҳатто насронийлар билан яҳудийларга черков ва ибодатхоналарини тиклаб олишга ижозат берганини айтади. Тарихчи Мусавий (1428—30й. ёзилган "Тарихи Ҳайрат" китобининг муаллифи) ва Шарафиддин Али Яздийнинг сўзларига қараганда, у кўп чигатой шаҳзодалари ва амирларини ўлдирган. Яна шу ҳам маълумки, ўзи ҳам ўша йилиёқ (1434й.) тахтдан туширилган.

Чангши ҳам ислом ва мусулмонларга қарши бўлиб, бўдда дини тарафдорларига ва насронийларга (католик мазҳабадагиларга) ҳомийлик қилган. У кўп вақтини Олмалиқда ўтказган ва насроний епископлардан Бургундия (Франция)лик Ричард, искандариялик роҳиблар Франциск ва Раймонд Руфларни, Испаниялик Пасхалисларни қабул қилиб, уларга зўр ҳурмат-эҳтиром кўрсатган. Ва ҳатто стти яшар ўғлини чўқинтириб, унга Иоанн деб от қўйган. Чангши Олмалиқда насронийлар учун черков қуришга ижозат берган. Чангши, Мирзо Улуғбекнинг маълумотларига қараганда, иниси Эсон Темур тарафидан урушда мағлубиятга учраб, унинг амри билан ўлдирилган.

Эсон Темур қанча вақт ҳукмронлик қилгани бизга маълум эмас. Унинг даврида бирон диққатга сазовор воқеа содир бўлмаган. Фақат "Тарихи арбаъ улус"да мана бундай гап бор: "...Ўзи чидаб тура олмайдиган йўлдан борди. Девонаваш подшоҳ эди. Онасига туҳмат қилиб,

"оғам Чангшихонга ёғий бўлишимга сен сабабчи бўлгансан", деб унинг икки эмчагини кесиб ташлаган".

Эсон Тсмурни Ўгадай қооннинг авлоди Али Султон тахтдан туширди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, икки ўртада уруш бўлган. "[Али Султон] Эсон Тсмурхон устига голибона хуруж қилиб, ноҳақ хонлик тахтига ўлтирди",— деб ёзганди Мирзо Улуғбек. Али Султон мусулмон киши ва мусулмонлар тарафдори эди. Унинг даврида насронийлар яна таъқиб остига олиндилар. 1339 йили бўлган қиргинда насроний тарғиботчиларнинг кўпчилиги ўлдирилди. Али Султон даврида қилинган яна бир золимлик шу бўлдики, илгари Чингизхон авлоди билан ҳазрат Амир Тсмур авлоди ўртасида тузилган аҳднома йўқ қилинди.

Гапнинг қисқаси, XIV асрнинг 40-йилларига келиб, Чигатой улуси икки қисмга: Мўғулистон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетди. Мўғулистонга улуснинг Шарқий ва Шимолий қисми (Ила воҳаси, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Шарқий Фарғона) кирди. Бу улус тарихда Мўғулистон ёки Жете номи билан машҳур бўлди. Чигатой улусининг ғарбий қисмига Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг шарқий-жанубий қисми қарайдиган бўлди. Бу мулк тарихда Чигатой улуси номи билан машҳур.

## Иккинчи боб

### ЧИГАТОЙ УЛУСИ ЎЗАРО ФЕОДАЛ КУРАШ ИСКАНЖАСИДА (XIV асрнинг 40—50-йиллари)

Шундай қилиб хон ҳокимияти, давлатнинг марказлашиш ёки марказлашмаслиги, мўғуллар асоратига тушиб қолган халқлар билан бўладиган муносабат хусусида турк-мўғул феодаллари ўртасида борган тортишув ва курашлар охир-оқибат Чигатой улусининг иккига ажралиб кетишига олиб келди.

Аслини олганда бу кураш анчадан бери, Чингизхон империяси тузилгандан кўп вақт ўтмай бошланган эди. Лекин, XIII аср охиригача очиқ-ошкора эмас, балки зимдан борарди.

Бир гуруҳ хон ва феодаллар маҳаллий аслзода ва бой-бадавлат кишилар ҳамда аҳли савдо билан яқин муносабатда бўлиш, шаҳар ва савдо-сотиқнинг тараққиштига ривож бериш, маҳаллий ҳукмдорларнинг жабру

бедодлигига барҳам бериш, олиқ-солиқ тизимини тартибга солиш, ислом ва маҳаллий халқлар маданияти ривожига ҳомийлик қилиш тарафдори эдилар. Улуғ қоонлардан Ўгадайхон (1229—1241) билан Мунқахон (1251—1259) маъна шундай сиёсат тутиш тарафдори эдилар. Бундай кишилар бошқа мўғул давлатларида ҳам бор эди. Масалан, Олтин ўрдада Ботухон (1227—1255), Беркахон (1257—1267) ва Ўзбекхон (1312—1342), Элхонийлар давлатида Ғозонхон (1295—1304) билан Ўлжойғухон (1304—1317), Чигатой улусида Кенакхон (1318—1326) билан Алоуддин Тормоширин (1326—1334) ана шунақа ҳукмдорлар жумласидан эдилар. Улар бу йўлда айрим муҳим ишларни амалга оширдилар ҳам. Масалан, Ўгадай қоон мусулмонларга ҳомийлик кўрсатди ва карвон йўлларида бож олиш тизимини тартибга солди. Мунка қоон эса олиқ-солиқ тизимини тартибга солиш ва солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалигига барҳам бериш мақсадида 1252—1257 йиллар орасида Хитой, Эрон ва Русияда аҳолини рўйхатга олдирди. Ўшанда олиқ-солиқ ҳажми ҳам аниқ белгиланди. Бунда солиқ тўловчининг уй шароити ва имкониятлари ҳисобга олинди. Хитой билан Мовароуннаҳрда бадавлат кишилардан 15, камбағаллардан бир динор, Хуросон билан Ироқда бадавлат кишилар 7, камбағаллар 1 динор солиқ тўлайдиган бўлишди. Бу ҳукмдорлар шаҳарлар қурдилар ва уларни обод қилдилар; деҳқончилик ва ҳунармандчилик тараққиётига ҳисса қўшдилар. Масалан, Ўгадай қоон пойтахт шаҳар Қорақурумни қайта қурди, унинг атрофида, ундан тахминан икки фарсах париди, Турбу балиқ ("балиқ" мўғул тилида шаҳар демакдир) деб аталган ажойиб бир кўшк ҳам қурди. Ва Ўгадой қоон даврида яна ҳунармандчилик ва савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида косиблар ва тожирларга хазинасидан қарз бериб туриш тартиби жорий этилди; деҳқончилик ва боғдорчилик рағбатлантирилди. Бу ҳақда "Жомий ут-таворих" асарининг иккинчи китобида жуда кўп факт ва мисоллар учратиш мумкин.

Яна бир бошқа сиёсат тарафдорлари давлатни марказлаштириш, ўтроқлик ҳаёт тарзига ўтиш, мўғуллар асоратига тушиб қолган халқларнинг урф-одати, маданиятига яқинлашишга тамоман қарши эдилар. Улар ўтроқ халқларни фақат эксплуатация ва талон-торож манбаи деб билардилар; шаҳарлар, боғу роғлар ва экинзорларни йўқотиб, ўрнини яйлов ва ўтловларга айлантириш тарафдори эдилар. Улар фақат қадимдан турк-мўғул халқлари

ўртасида ҳукм суриб келаётган ибтидоий қонунлар ва Чингизхон ёсоти билан яшаш тарафдори эдилар. Афсуски, ушбу реакцион сиёсат тарафдорлари кўпчиликини ташкил этарди.

Зикр этилган икки хил сиёсат ўртасидаги кураш Чигатой улусида (Чигатойлар давлатида) XIII асрнинг 60-йилларида бирмунча кучайди. Муборакшоҳ билан Бароқхон Чигатой хонлари орасида биринчи бўлиб кўчманчи феодалларнинг йўриғидан чиқдилар ва Мовароуннаҳрнинг ерлик аҳолиси билан яқинлашиш сиёсатини тутдилар. Шу мақсадда Муборакшоҳ 1266 йили турк-мўғул қавмлари орасида катта нуфузга эга бўлган барлос ва жалоир қабилаларини ўзи билан эргаштириб, Етти-сувдан Чирчиқ-Оҳангарон воҳасига кўчириб ўтди ва Оҳангаронда хонлик маснадига ўлтирди. У ислом динини қабул қилиб мусулмон ҳам бўлди. Бароқхон эса Муборакшоҳдан бирмунча аввалроқ ўтроқлик ҳаёт тарзини ихтиёр этган эди. Масалан, Чағониён (ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари) унинг маврусий мулки эди. У шу ерда маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб кетди ва турк-мўғул кўчманчи феодалларнинг босқинлари, талон-торожларига қарши кураш олиб борди. Вассоф келтирган маълумотларга қараганда, Бароқхон мусулмонликни Бухорода қабул қилган ва Султон Ғиёсиддин (дин кўмакчиси) деган фахрий лақаб ҳам олган.

Муборакшоҳ ва Бароқхонга ўхшаганларнинг бундай сиёсати кўчманчи феодалларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Қайдухон ҳар иккала сиёсат ўртасида катта уруш чиқиши ва оқибатда эл-улус, мамлакатлар вайрон бўлишининг олдини олиб, ҳар иккала гуруҳни келиштириб қўймоқчи бўлди. Шу мақсадда 1269 йили Талос водийсида катта қурултой чақирди. Унга мўғул шаҳзодалари, нўёнларининг кўпчилиги йиғилди. Қурултой ўшанда тўрт банддан иборат қарор қабул қилди. Унинг бир банди марказлашган давлат тузиш ва ўтроқлик ҳаёт тарзи тарафдорларининг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бу бандда хусусан ўтроқ аҳолини, шаҳар ва қишлоқларни кўчманчиларнинг талон-торожидан ҳимоя қилиш ҳақида яхши фикрлар айтилганди. Рашидиддиннинг гувоҳлик беришича, қурултой қарорида "Улар (кўчманчи феодаллар) бундан буён чўл ва тоғу тошларда яшайдилар, экинзорларга мол-қўйларини ҳайдамайдилар, раиятдан ортиқча олиқ-солиқ талаб қилмайдилар", деган муҳим гаплар бор эди. Лекин

Талос қурултойида қабул қилинган қарорнинг қолган уч банди кўчманчи феодалларнинг мақсад ва маңфаатларини кўзлаганди. Шунинг учун ҳам Муборакшоҳ ва Бароқхондан кейин қарийб 52 йил мобайнида Чигатой хонлардан бир нечтаси Мовароуннаҳрда макон қуриб муқим туришга журъат қилмади. Улар Еттисувда, хусусан Чу ва Талос дарёлари бўйида ўрду қуриб ўлтирдилар.

Бироқ улар бу билан тиниб-тинчиб кетмадилар. Турк-мўғул кўчманчилари ўтроқ аҳолини талон-торож қилишда давом этдилар. Бу йўлда улар, ҳатто ўзаро рақобат ва келишмовчиликларни унутиб, биргалашиб ҳаракат қилдилар. Элхон Ўлжайтухон (1304—1317)нинг Хуросондаги ноиблари билан Чигатой шаҳзодалардан Ясовурнинг Мовароуннаҳрнинг жанубий вилоятларини талон-торож қилгани (1316—1317 йил) бунга яққол мисолдир. Шунга ўхшаш 1373 йили Элхонийларнинг Хуросондаги ноиб Ийсудор ўғил Чигатойхоннинг набираси Никнай билан қўшилиб Бухорони талон-торож қилди, халқини ўлдирди, биноларига ўт қўйди. Бу ҳақда Рашидиддин китобининг иккинчи жилдида мана буларни ўқиймиз: "Ҳижрий 671 йилнинг ёз фаслида (1372 йилнинг июль-август ойларида) аввал бирмунча вақт Бароқхоннинг номидан Амуя қалъасини бошқариб турган ва дарё соҳилини қўриқлаётган одамларга кўп зиён-заҳмат стказган Оқбек исмлик шахс Абақхон ҳузурига келиб арз қилди: "Дарёнинг нариги соҳилидан келаётган бошқа юртларнинг аскарари Бухоро тарафидан кучайтирилмоқда ва шу тарафларга юборилмоқда. Ўша ерни (Бухорони) вайрон этилса айнан муддао бўлур эрди". Абақхон Бухоро юришига Хуросон ҳокими Ийсудор ўғилни тайин қилди ва унга амр этди: "Бордию ўша юрт халқи ватанини тарк этиб, Хуросонга кўчиб ўтишга рози бўлса, унда уларни хафа қилма, аксинча бунга рози бўлмаса [ўша] Бухорони торож эт". [Абақхон] унинг ёнига Никнай ўғил, Чорду ва Оладуни бир туман аскар билан қўшди.

Улар ўша юртларга боргандан кейин Кеш билан Нахшабни бир неча бор босдилар, сўнг Бухорога бориб, унинг тсварак-атрофида ўринлашдилар. Ўша пайтда Масъудбек Қайдухоннинг ўрдусида эди. У йўқлигида бу ерда амалдор ва мансабдорларни садри жаҳон назорат қилиб турган эди. Оқбекнинг Зийрак исмлик асли бухо-

1. *Садри Жаҳон* — XII асрда Бухорода раислик мансабида турган сиййидлар сулоласининг вакили.



ролик хизматкори бор эди. Ўта сурбет, фитначи ва ғаламис одам эди. Уни бир мўғул навкарга қўшиб шаҳарга юборди ва деди: "Абақахоннинг буйруғини етказ. [Шаҳар халқи] хотин-халажи, болалари, латта-путтаси ва мол-қўйини олиб тўхтовсиз шаҳарни тарк этиб Ху-росон сари йўл олсин!" Аммо, йўлдин озган авом ун-нос<sup>1</sup> садри жаҳоннинг сўзига кирмадилар ва уни (Зийракни) ўлдирдилар. Мўғул навкар қайтиб келиб бор гапни Оқбекка айтди. Мўғуллар дарҳол отландилар ва шаҳарга қараб чопиб кетдилар. Шаҳарликлар дарвозаларни беркитиб олиб, кун бўйи улар билан савалашишдилар. Кечқурун садри жаҳон шаҳар аъёнларини тўплаб ярашиш маъқуллигини уларга уқдирди. Оқбекнинг онаси ҳинд, бобоси Тожиддин зийрак деган одам эди. Дарвозалардан бири унинг (Тожиддин зийракнинг) ихтиёрида эди. Саҳар пайти дарвозани очгач қўшинлар ҳижрий 671 йил ражаб ойининг биринчи куни (1373 йил 22 январь куни) шаҳарга бостириб кирдилар ва одамларни асир қилиш, ўлдиришга тутиндилар. Шаҳар кўчаларида қон дарё бўлиб оқди, [ҳатто] шаҳар мадрасалари ичида энг катта ва обод бўлган Масъудбек мадрасасини ичидаги қиммат-баҳо китоблар билан қўшиб, ёқиб юбордилар. Қатли ом<sup>2</sup> ва талон-торожлар бир ҳафта давом этди..."

Шу ерда кўчманчи феодалларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим воқеани эсга солиб ўтмоқчимиз. Қайду билан Чопар ҳам, Дувахон ва бошқа чигатой шаҳзодалар ҳам бутпарастлигича қолдилар. Қароргоҳлари эса Чигатой улусининг шарқий-шимолий қисмида қолди. Дувахоннинг ўғли Эсон Буқахон даврида улуғ қооннинг қўшинлари Хитой тарафдан Чигатой улусига бостириб кирдилар ва хонларнинг ёзги, қишки қароргоҳларини талаб кетдилар. Ҳофизи Абрўнинг сўзларига қараганда ("Зайли Жомеъ ут-таворих"), Чигатой хонларининг қишки ўрдуси ўша вақтда Иссиқкўл атрофида, ёзгиси — Талосда бўлган.

XIV-аср бошида баъзи Чигатой хонлар яна Мовароуннаҳрга кўчиб келиб маҳаллий халқ билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва бу бой, ҳар жиҳатдан маданий мамлакатни идора қилиш ишини ўз қўлига олишга интилдилар. Шулардан бири Кепакхон ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида юқорида ҳикоя қилдик. У бошлаган сиёсатни иниси Тормоширинхон давом этдир-

1

Авом ун-нос — оддий халқ, қора халқ.

2

Қатли ом — ёшасига қилинадиган қирғин.

моқчи бўлди. Лекин оқибати яхши бўлмади. Охир-оқибат, иккалалари ҳам кўчманчи турк-мўғул феодалларининг қаршилигига дучор бўлдилар. Улар, унинг тафсилотини юқорида келтирдик, охири Тормоширинни ўлдирдилар, қароргоҳни эса яна Еттисувга кўчирдилар.

Лекин, Қозонхон (1343-1346) улус пойтахтини яна Мовароуннаҳрга кўчириб келиб, Кеспакхон ва Тормоширинхон сиёсатини давом этдирмоқчи бўлди. У қаттиқ-қўллик билан кўчманчи феодалларнинг ўзбошимчалигига чек қўйиш, марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. "Тарихи арбаъ улус" муаллифи у ўта қаттиқ қўл одам бўлганлигини айтади. "Қозон султон ибн Ясул ўғлон,— деб ёзади китоб муаллифи,— салтанат яловини баланд кўтаргач... буюк амирларнинг кўпчилиги ва улуғ нўёнларнинг аксариятини ҳаёт боғидан улоқтириб ташлади". Кўриниб турибдики, у ўз рақибларини аяб ўтирмаган; уларни жисмоний йўқ қилиб ташлашга муваффақ бўлган. Қозонхоннинг нияти қатъий эди. У Чигатой улусининг бу катта ва муҳим қисмини ўзи, шу ердан туриб идора қилмоқчи эди. Шу мақсадда у ҳозирги Қаршининг кунботар тарафида, ундан икки мархала масофада ўзига Занжир сарой деб аталган махсус қаср қурдирди ва уни давлатнинг бош қароргоҳига айлантирди. Қозонхон дастлаб кўчманчи турк-мўғул феодалларини тийиб қўйишга ва мамлакатда XIV асрнинг 40-йил бошларидан кучайиб кетган феодал тарқоқлик ва талон-торожларга оз бўлса-да чек қўйишга муваффақ бўлди. Бунга у қаттиққўллик билан сиёсат юргизиши орқасида эришди. Бора-бора аҳвол шу даражага бориб етдики, хондан кўпчилик қўрқадиган бўлиб қолди. "Зафарнома" муаллифининг сўзларига қараганда, хон амирлари билан нўёнларни кенгашга чақиртиргундай бўлса, улар аввал аҳлу оиласидан, яқинларидан рози-ризалик олиб, сўнг жонини ховучлаб хоннинг ҳузурига борар эканлар. Лекин, барибир бўлмади. Дўқ-пўписа ва қаттиққўллик билан юргизиладиган сиёсатнинг ҳам интиҳоси бўларкан. Қозонхон яшашдан асл мақсади фақат талон-торожлик ва шахсий бойлик орттиришдан иборат бўлган кўчманчи феодалларни тиз чўктиролмади. Улар баланд мартабали ва нуфузли амир Қазағон билан бирикдилар. Хон ҳам атрофига куч тўплай бошлади.

Маълумки, улусда кўп замонлардан бери хонлик маснади Чингизхон авлоди, амир ул-умаролик мансаби

1

*Мархала* — бир кунлик йўл.

эса барлос қабиласининг қўлида эди. Чунки улусдаги энг кучли тўрт қабила: орлот, жалоир, қовчин ва барлос ичида энг кучли ва нуфузлиси барлослар эдилар. Орлотлар асосан Балх ва унга тобё срларда, жалоирийлар Хўжанд вилоятида, барлослар Қашқадарё воҳасида истиқомат қилардилар. Лекин амир Беркалдан кейин барлосларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган нуфуз ва эътибори синди. Амир Беркалнинг ўғли Тарағой баҳодир билан Ҳожи барлос амир ул-умаролик мансабини номи юқорида тилга одинган амир Қазағонга олдириб қўйишди. Ҳожи барлос абжирлик қилиб, Кеш вилоятининг ҳокимлигини қўлга киритиб олди, аслида ёввош ва юмшоқ кўнгил Тарағой баҳодир бўлса Қозонхон лашкарида юзбоши бўлиб қолди, холос.

Амир Қазағон зўр ҳарбий истёдодга эга бўлиши билан бир қаторда ўткир сиёсатдон, тадбиркор ва ўлгунча айёр одам эди. Улусда амир ул-умароликдай олий мансабни қўлга киритиб олгандан кейин, бор кучи ва истёдодини ишга солиб, бундан баландроқ мансабга интилди. Бировга амал, яна бир бошқасига ср-сув бериб, атрофига одам йиға бошлади. Хон бўлса салтанатнинг оғирлигини елкасига олиб тиним билмай фаолият кўрсатиб турган амир ул-умародан бошда чексиз хурсанд эди. Амир Қазағон эса шу йўл билан тез орада улуснинг обрўли, катта нуфузга эга бўлган одамларидан бирига айланди.

Қозонхон амир ул-умаронинг асл ниятини анча кечикиб пайқади. Ҳокимият аста-секин қўлдан кетаётганини билди. Ксч бўлса-да у ҳам отини қамчилаб қолди. Амир ул-умарони йўқотиш, ҳсч бўлмаса нуфузини синдиришга бел боғлади.

Шу тариқа улус амирлари очиқдан-очиқ тарафгузарликка ўтишди. Хондан норози бўлганлари Соли саройга бориб амир Қазағон билан бирикдилар, амир ул-умародан норози бўлганлар эса Қарши ва Занжирсаройга келиб, хоннинг атрофига уюшдилар. Оқибатда улус янги уруш гирдобига бориб қолди.

Икки ўртадаги зиддият урушга олиб келди. 1339 йили Темур қопуғнинг кун юрар (жануб) тарафида жойлашган Дарайи занг мавзёсида Қозонхон билан амир Қазағон

1

*Соли сарой* — Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган қишлоқ. Ҳозирги Сурхондарё вилоятига қарашли Сарой қишлоғи.

2

*Темур қопуғ* — Дарбанди оҳонин, Темур қаалқа помлари билан ҳам машҳур. Бойсунтоғдаги узунлиги тахминан 3 км ва эни 20 метр келадиган дара оғзида қурилган темир дарвоза.

ўртасида катта уруш бўлди. Лекин, бахтга қарши, амир Қазоғоннинг омади келмади. Қозонхон уни аниқ нишонга олди. У отган ўқ Қазоғоннинг чап кўзига келиб санчилди ва уни кўр қилди. Сардорнинг ўлдирилиши ёки оғир захмдор этилиши одатда урушнинг тақдирини ҳал қилади. Мулозимлар амир ул-умарони зўр қийинчилик билан жанг майдонидан олиб чиқдилар. Амир Қазоғон тирик қолган бир қисм одами билан Соли сарой тарафга қараб чекинди. Шундай қилиб, Қозонхон рақиби устидан ғалаба қозонди. Лекин, амир ул-умаро бўш келмади. Зўр бериб атрофига одам йиғиб, Қозонхонга қарши янги, ҳал қилувчи урушга ҳозирлик кўрди. Бунга қулай фурсат келишини кутди.

Ниҳоят, амир Қазоғон орзиқиб кутган кун ҳам келди. 1346 йилнинг қиши ўта оғир кечди. Одамлар ҳам, чорва ҳам кўп қийналди. Хоннинг Қарши чўлида турган от, мол ва қўйларининг катта қисми ўшанда совуқдан нобуд бўлди. Бундан амир ул-умаро усталик билан фойдаланди. У Қарши устига лашкар тортди. Икки ўртада яна уруш бўлди. Аммо, тақдир тақозоси билан, бу сафар ғалаба амир ул-умарога насиб этди. Қозонхоннинг ўзи шу урушда ҳалок бўлди.

Қарши остонасида 1346 йил қиш этагида бўлган мана шу урушдан кейин улуснинг инон-ихтиёри амир Қазоғон ва унинг тарафдорлари бўлган кўчманчи фсодаллар қўлига ўтиб қолди. Лекин, турк-мўғул халқлари ўртасида ҳукм суриб келаётган ёсо ва юсунга кўра, у ўзини хон деб эълон қилолмади. Чунки у Чингизхонга авлод эмас эди. Шунинг учун хонликка муносиб одамни Чингизийлар орасидан қидирди. Тўғри, тожу тахтга муносиб одамлар Чигатойхон авлоди орасида ҳам бор эди. Аммо амир Қазоғон уларни тахтга ўтқизгиси келмади. Аксинча, Чигатойларни тожу тахт теварагидан йироқлаштирди. Хонликка муносиб одамни амир Қазоғон Угадайхон авлоди орасидан топди. У ўша йили тахтга Донишмандчахонни ўтқизди. Амир ул-умаро уни бир қўғирчоққа айлантириб олиб, ҳокимиятга тўлиғича ўзи эгалик қилмоқчи бўлди. Лекин Донишмандчахон ҳам анойи одам эмас экан. Орадан кўп ўтмай, ўртада келишмовчилик ва қийлу қоллар бошланди. Охири икки йил ўтиб, 1348 йили амир ул-умаро хонни дорулбақога<sup>2</sup> жўнатди.

1-

Қийлу қол — гап-сўз.

2

Дорулбақо — абадий уй; нариги дунё.

Амир Қазағон яна Чигатойлар билан тил топишга қарор қилди ва улардан бирини — Баёнқули ўғлон исмли бир хонзодани улус тахтига ўтқизди. Янги хон Дониш-мандчахонга қараганда зийракроқ одам экан, амир ул-умаро билан муросаю мадорада бўлди; у билан мас-лаҳатлашиб иш тутди; ҳатто бир сафар, 1351 йили, унинг гапига кириб, Ҳирот устига, Малик Ғиёсиддин Картга қарши қўшин тортиб, Жайхуннинг нариги соҳилига ўтди. Бироқ бу уруш хон билан амир ул-умарога муваффақият келтирмади. Чигатойлар лашкаридан анча-мунча одам ўлиб, кўп кишининг захмдор бўлгани қолди, холос. Кейинчалик хон амир Қазағоннинг сўзларига кам эътибор бўлиб қолди. Салтанат тизгинини ўз қўлига олиб, мустақил иш тута бошлади. Хуллас, иккаларининг муросаси келишмай қолди. Бир-бирини ўртадан кўтариб ташлаш тараддудига тушиб қолишди. Улар қулай фурсат келишини пойлашди. Бир йили, қирчиллама қиш пайтида, амир ул-умаро бир гуруҳ мулозимлари ва хизматкорларидан баъзиларини олиб, енгил-елпи қуролланган ҳолда, Жайхуннинг нариги тарафига ўтди ва Арҳанг саройнинг машҳур тўқайзориде шикор билан машҳул бўлди. Баёнқулихоннинг айғоқчилари эса Соли саройда шикор хусусида гап бошланган куниёқ Қаршига одам юбориб, хонни бундан огоҳлантирган, хон эса бунинг тадбир-чорасини аллақачон кўриб қўйган эди. Унинг одамлари амир ул-умаро билан изма-из дарёдан ўтиб, ўша тўқайзорга ўринлашиб олган эдилар. Шикор қарийб бир ой давом этди ва мўл бўлди. Кунлардан бир куни, шикор айна қизиган бир пайтда, амир ул-умаро ёввойи тўнғизни қувиб бориб, хоннинг одамлари қўйган пистирмага йўлиқди ва урёт умоқидан Бурулдой мерганнинг ўғли Қутлуқ Темур отган қазо ўқиға мубтало бўлди. Даҳшатумуз бу воқеа, тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий келтирган маълумотларга қараганда, 1355 йили қишда содир бўлди.

Амир ул-умаронинг мурдасини Соли саройга олиб ўтиб, ўша срада дафн қилдилар. Аммо шундан кейин ҳам амир ул-умаролик мансаби барлосларга тегмади. Амир Қазағоннинг тарафдорлари ҳали кўп эди. Улар марҳумнинг ўғли амир Абдуллани Самарқанддан олдириб келиб, Қаршида амир ул-умаролик мансабига ўтқиздилар.

1

*Арҳанг сарой* — Амударёнинг сўл тарафида жойлашган ва Балхга қарашли вилоят.

Амир Абдулла тадбиркорликда отасидан ўтиб тушарди. У хоннинг ҳам иззат-ҳурматини ўрнига қўйди, амирларнинг ҳам кўнглини топди. Отасига ўхшаб амирлардан ҳеч нарсани аямади. Шу сабабдан тез орада унинг тарафдорлари кўпайди. Янги амир ул-умаронинг қилган катта ишларидан бири шу бўлдики, 1357 йили пойтахтни Қаршидан Самарқандга кўчирди. Чунки бу ерда унинг Қаршига қараганда тарафдорлари кўпроқ эди. Ва яна Қозонхоннинг хешу ақрабо ва яқинларидан узилмаса бўлмасди. Шундан кейин амир ул-умаро Баёнқулихоннинг пайига тушди. Орадан бир ярим-икки йил ўтиб, амир Абдулла хонга қарши фитна уюштирди. Унинг одамлари бир куни тун яримдан оғанда хоннинг ҳарамига бостириб кириб уни ва хотин-болаларини тигдан ўтказдилар. Шу тариқа амир ул-умаро салтанатни мустақил тебратмоқчи бўлган яна бир рақибини ўртадан кўтариб ташлади.

Амир ул-умаро ва унинг маслаҳатдошлари улус тахтига Чигатойхон наслдан бўлган, лекин ҳали балоғатга етмаган Темуршоҳни ўтқиздилар. "Тарихи арбаъ улус"да айтилишича, у Есу Темурхоннинг ўғли экан. Ҳа, ҳақиқатан ҳам у ҳали жуда ёш эди. Бундай шароитда, ўз-ўзидан маълум, салтанатни бошқариш, тўғриси унга тўла хўжайинлик қилиш осон, албатта. Ниҳоят, амир Абдулла кўзлаган мақсадига етишадиган бўлди.

Бахтга қарши амир Абдулланинг орзуси ушалмади. Кўп ўтмай ўзи ҳам, хон ҳам Баён сулдус билан Ҳожи барлос уюштирган фитнанинг қурбони бўлишди. Уша йили Баён сулдус Ҳисордан, Ҳожи барлос Шаҳрисабздан амир ул-умаро билан хонга қарши қўшин тортдилар ва Самарқанд ёнида амир ул-умарога шикаст стказдилар. Ушанда амир Абдулла қочиб қутулди ва Андаробда кун кечирди, хон эса асир олиниб фитначи амирларнинг буйруғи билан қатл этилди.

Темуршоҳ ўлдирилгандан кейин, Чигатой улусининг жилови Баён сулдус билан Ҳожи барлоснинг қўлига ўтди. Лекин улар улусни интизомга келтиролмадилар. Орадан ярим йил ўтмасдан яна ур-йиқитлар бошланди. Бунинг оқибатида Чигатой улуси, тўғриси унинг Мовароуннаҳр билан Балх вилоятини ўз ичига олган ғарбий-жанубий

1

*Андароб* — Ҳиндукуш тоғлари этагида, Тоҳаристоннинг Кобул вилояти билан чегарадош ҳудудида Балхдан Қобулга олиб борадиган йўл устида жойлашган ўрта аср шаҳари.

қисми, майда-майда мустақил бекликларга бўлиниб кетди. Масалан, қадимдан Амир Тсмурнинг ота-боболарига мулк бўлган Кеш билан унинг туманлари Ҳожи барлоснинг қўлига ўтиб қолди. Хўжанд вилоятида Боязид жалоир ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди. Балх ва унга тобсь бўлган туманларда Ўлжой Буғо сулдус мустақиллик туғини кўтарди. Шибирғон вилоятида найман қабиласидан чиққан Муҳаммадхўжа Аперди ўзини ҳокими мутлоқ, деб эълон қилди Хутталон билан Арҳанг сарой вилоятларида амир Кайхусров билан Ўлжойту Аперди мустақилликдан дам урдилар. Самарқанд вилоятига қарашли Тотканд билан Сарипулда Хизр Ясовурий бош кўтарди. Ҳирот ҳукуматини бўлса ҳалиги қувиб юборилган амир ул-умаро Абдулланинг ўгли амир Ҳусайн эгаллаб олди.

Бу парчаланиш охир-оқибат, Чиғатой улусини уруш-талаш гирдобига тортди. Орадан кўп вақт ўтмай, Ҳизр Ясовурий элини жамлаб қўшни бекликларни босди, "амир Ҳусайн [ҳам] сипоҳ жамлаб, ҳар лаҳза бир тарафга ҳужум қилди." Айниқса, бир пайтлар Ҳирот ҳукмдори бўлган Муъиззиддин Ҳусайннинг тез-тез қилиб турган хуружларидан танг бўлиб, эли билан Қарши атрофига кўчиб келиб, тирикчилик ўтказиб турган кўҳистонликлар бу уруш-талашлардан кўп азият чекдилар. Охир-оқибат бу ердан кўчиб, Шибирғонга, Муҳаммадхўжа Апердининг қаноти остига кўчиб бордилар.

Хулласи калом, мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқлик ва харжу марж халқ бошига тушган бало бўлди. Юрт-юртни, эл — қўшни элни қон-қаро қақшатди, ҳузур-ҳаловат ўртадан кўтарилди. Раиятга ҳам, бадавлат кишиларга ҳам, қўйингки барча мўмин-мусулмонга оғир бўлди. Айниқса, қора халқнинг аҳволи оғирлашди.

XIV асрнинг 40-йилларида Чиғатой улусининг ғарбий қисмидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол мана шунақа эди.

Улуснинг Шарқий қисмидаги аҳвол ҳақида қўлимизда маълумот жуда кам. Лекин бу ҳақда баъзи фикрларни айтиш мумкин. Авваламбор шуни айтиш керакки, улуснинг ғарбий-жанубий қисмида ҳокимият кўпроқ барлослар қўлида бўлгани каби, улуснинг Шарқий қисмида дуглот амирлари катта ижтимоий-сиёсий мавқеъга эга эдилар. Улар форсийзабон манбаларда "амир", кўчманчи аҳоли ўртасида эса "бек" ёки "нўён" деб аталардилар. Барлос амирлари каби, дуглотлар ҳам катта нуфузга эга бўлиб, кимни хон кўтариш, шунингдек давлатни идора қилиш

ишлари тамом уларнинг қўлида эди. Икки оғиз сўз "Чигатой", ва "мўғул" атамалари ҳақида. "Чигатойлар" деб Мовароуннаҳрга кўчиб келиб ўрнашиб қолган турк-мўғул қабилалари, "мўғуллар" деб эса Чигатой улусининг шарқий-шимолий қисмида, яъни Етгисув, Ила воҳаси ва Шарқий Туркистонда кўчиб юрган қавмлар аталади. Шу боис, юқорида айтиб ўтганимиздек, улуснинг шарқий-шимолий қисми тарихда Мўғулистон ёки Жете номи билан аталадиган бўлди.

Энди дуғлот амирларининг келиб чиқиши ҳақида. "Тарихи Рашидий" муаллифининг маълумотларига қараганда дуғлотлар ("дуғлот" ёки "дуқлот" мўғулча сўз бўлиб, "чўлоқ" дегани) аслида Оқсув (Шарқий Туркистон)лик бўлиб, Чингизхон Шарқий Туркистонни истило қилгандан кейин унинг катта қисмини уларнинг йўлбошчисига инъом қилган. Дуғлотларнинг йўлбошчисига берилган бу улусни "Манглай суба" деб атадилар. Бу сўзнинг маъноси "офтоб ру", яъни "офтобга қараган ўлка" демакдир. Манглай суба, тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг сўзларига кўра, кун чиқиш (Шарқ) тарафда Кавсан ва Борскўл билан, кун ботиш, яъни ғарб тарафдан Фарғона мамлакатнинг этагида жойлашган Сомгур ва Чўқмашон билан, шимолда Иссиқкўл ва кунюриш, яъни жануб тарафдан Харрақон ва Сор ал-уйғур билан чегарадошдир. Унинг катта шаҳарлари Оқсув, Кошғар, Хутан, Ёрканд, Косон, Ахсикет, Андижон, Отбоши, Кавсан эди. Манглай субанинг марказий шаҳари дастлаб Оқсу, сўнг Кошғар бўлди. Дуғлот амирлари орасида машҳури Бойдархондир. Аввал у юқорида номи зикр этилган Қайдухоннинг хизматида бўлган. Маълумки, ўша Қайдухон Ўгадай қооннинг номидан Шарқий Туркистонни идора қилиб турган эди. Ҳижрий 706 (милодий 1306—1307) йили Бойдархон Дува Чечанхон тарафида туриб, Чопарга қарши урушда қатнашди ва Шарқий Туркистонда ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатишда унга катта ёрдам кўрсатди. Бунинг эвазига Дува Чечанхон Бойдарга Етгисув ўлкасини инъом қилди. Шундан кейин дуғлот амирларининг мулки икки баробарга кўпайди.

Бойдар вафот этгандан сўнг ўрнига тўнғич ўғли амир Тулак ўлтирди. Ундан кейин ўрнига Бойдарнинг кенжа ўғли амир Пўлодчи маснаднишин бўлди. Шундан бошлаб Мўғулистонда дуғлот амирларининг (Бойдархоннинг ўғиллари амир Тулак, Пўлодчи, Шамсиддин, Қамариддин,



Шайх Давлат) куч-қудрати ва нуфузи бениҳоят ортди. Улар кимни тахтга ўтқизиш, уруш ва тинчлик масалалари билан боғлиқ барча муҳим давлат ишларини ўз қўлларида тутдилар.

XIV-асрнинг бошларида Чигатой улусининг Шарқий-шимолий қисмида ҳам барқарорлик йўқ эди. Қоон билан Чигатой авлоди, шунингдек Чигатойларнинг ўзлари орасида ҳам бирлик йўқ эди. Улар асосан ўзаро кураш билан банд эдилар. Қайдухон вафотидан (1303 йили; Чу ва Ила дарёси ўртасида жойлашган Шивлиқ тоғи тепасига дафн этилган) кейин Дувахоннинг маслаҳати билан тахтга Қайдунинг тўнғич ўғли Чопар ўтқизилди. Жамол Қаршийнинг сўзларига қараганда, у Қайду (Қайду I) номи билан 1303 йилнинг баҳорида Эмилда тахтга ўтқизилди. Унинг даврида шаҳзода Баён билан Чопар ҳамда Чопар билан қоон ўртасида келишмовчиликлар кучайди ва охир-оқибат бу урушга олиб келди. Бу ҳол Еттисув ўлкасига кўп зиён-заҳмат етказди. 1305 йили Чопар билан Мовароуннаҳр Чигатойлари ўртасида ҳам қонли тўқнашувлар юз берди. Улар охири ярашишга рози бўлдилар ва уларнинг бошлиқлари шу ишни амалга ошириш учун Тошкентда йиғилишадиган бўлишди. Лекин ярашиш ҳақидаги аҳдни Мовароуннаҳрлик шаҳзодалар [Чигатой ва Ўгадай авлоди] буздилар. Чўнг балиқ деган ерда улар Чопарнинг иниси шаҳзода Шоҳга ҳужум қилдилар, унга катта талафот етказдилар. Шоҳ қолган-қутган аскарлари билан иниси Беркажорнинг олдига қочиб борди. Ўшанда мовароуннаҳрлик шаҳзодалар Шоҳнинг ўрдаси ва улусини талон-торож қилдилар. Чопар бўлса ўша пайтда Ардиш (Иртиш) ва Олтой тарафларда қооннинг амирлари билан уришиб ётган эди. Лекин бу уруш унга муваффақият келтирмади. Баъзи бир шаҳзодалар ва лашкарнинг хиёнати туфайли Чопар тор-мор этилди ва атрофидаги 300 одам билан базўр қочиб қутилди.

Дувахон вафотидан кейин (1307 й.) шаҳзодалар бамаслаҳат ўғли Кунчакхонни тахтга ўтқиздилар. Унга қадар Кунчакхон Борскўл атрофида улус қуриб ўлтирган эди. Кунчакхон Олмалиқ ёнида Сабқун боло деган ерда тахтга ўтқизилди. Унинг даври ҳам тинч кечмади. Шаҳзодаларнинг қўзғолони бўлиб ўтди. Бўрибоши (Еттисувнинг ғарбий ноҳиясидаги жой)да икки ўртада бўлиб ўтган урушда аввал қўзғолончиларнинг қўли баланд келди. Кейин, Кунчакхон уларнинг амир ва лашкаридан

айримларини ўз тарафига ағдариб олиб рақиблари устидан тўла ғалаба қозонди. Ўшанда қўзғолончиларнинг кўп раҳбарлари, шулар қаторида қўзғолоннинг асосий йўлбошчиларидан бири шаҳзода Қурсабо ҳам ўлдирилди.

Бу урушлар Еттисув ва унинг шаҳар ҳамда қишлоқларига катта зиён-заҳмат етказди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожига катта зарба берди. Кепакхон бунга барҳам бериш, мамлакатда, хусусан Еттисув ва Кошғарда барқарорликни тиклаш мақсадида ҳижрий 709 (милодий 1309—1310) йили Чигатой улусининг ҳамма тарафдаги шаҳзода ва нўёнларни қурултойга тўплади. Қурултой қатнашчилари Кепакхоннинг тўнғич акаси Эсон Буқани тахтга ўтқизишга қарор қилдилар. Унинг ёзлик қароргоҳи Иссиқкўл атрофида, қишлик ўрдаси эса Талос водийсида эди. Эсон Буқaxon мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун курашди, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. Қоон билан муносабатларнинг яхшиланмаганлиги бунга сабаб бўлди. Қобуқ ва Есун мурэн (Ардиш дарёсининг ирмоқларидан бири) бўйида турган қооннинг қоровул қисмлари билан бўлган тўқнашув урушга олиб келди. Бунинг натижасида қооннинг катта лашкари икки тарафдан бостириб кириб Эсон Буқaxonнинг улусини талаб, кўпларини асир қилиб ҳайдаб кетди. Эсон Буқaxon 1215 йили Жўчи улусининг ҳукмдори Ўзбекхон билан қоонга қарши иттифоқ тузишга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо бунга эришолмади.

Эсон Буқaxon (бу бошқа Эсон Буқа — Дувахоннинг ўғли) бефарзанд эди. Улусбеги амир Пўлодчи 1348 йили Гулжа тарафдан Оқсувга 18 ёшлик Туғлуқ-темурухонни олдириб келди ва уни Эсон Буқaxonнинг қувғинликда туғилган ўғли деб эълон қилиб тахтга ўтқазди. Туғлуқ Темурухон ва унинг хонлик маснадига ўлтириши воқеаси худди афсонага ўхшаш қизиқ тарих. Масалан, "Тарихи Рашидий" китобида бир ривоят келтирилган, мазмуни бундай: "Мўғуллар орасида юрган ва ота-бобом ҳикоя қилиб берган ривоятлардан шу маълум равшан бўлмишим, Туғлуқ Темурухоннинг отаси Эсон Буқaxonнинг ҳарамида икки хотини бор экан. Улуғининг исми Сотилмиш хотин, иккинчи ҳарами Минглик хотин. Хоннинг фарзанди йўқ эди. Хон бир замон лашкар тортиб кетди. Мўғулларнинг расми шундай эдики, ҳарам ихтиёри катта хотинда бўларди ва уни ҳарами калон деб аташарди. Ҳарами калон нени истаса шуни қиларди. Кимнидир

асраб-авайлаб, кимнидир бировга хотин қилиб бериб юборар эди. У Минглик хотинни бировга бериб юборди. Ўшанда Минглик хотиннинг хондан ҳомиласи бор эди. Сотилмиш хотин Минглик хотиндан рашк қилди; бир ўғил ва бир қиз тугади, уларнинг отаси улуғ амирлардан бири, деб ўйлади. Хон лашкаркашликдан қайтиб келгач, Минглик хотинни суриштирди. Сотилмиш хотун жавоб қилдики, "мен уни бир одамга бахшида қилдим", деб. Хоң унинг мендин ҳомиласи бор эрди", деди ва шу сабабдан [катта хотинидан] ранжиди... Эсон Буғахон оламдан ўтди. Мўғул улусида хонликка муносиб киши қолмаган эди... Улус харобаликка юз тутди. Амир Пўлодчи дуғлотким, менинг жаддим эрур, хон излаб топиш тараддудига тушди, мулку мамлакатни интизом ва тартибга келтиришни ўйлади. Тоштемир деган бир мўғулни Шеровулнинг қизи олдига юборди ва дедикки, "Минглик хотинни топиб ҳомиласи нима бўлганини аниқла. Агар ўғил туққан бўлса ўғирлаб бу ерга олиб кел!" Тоштемир бу ишнинг мушкуллигига шама қилди, одамлар орасидан олиб ўтишга тўғри келишини айтди. Амир Пўлодчи у нимаки талаб қилган бўлса бериб, уни йўлга солиб юборди. [Тоштемир] кўп вақт Мўғулистон теварагини кезди. Шеровулга стишди ва Минглик хотин билан фарзандини суриштирди. Минглик хотиннинг ўғли борлигини ва яна шу ерлик кишидан ҳам ўғил кўрганлиги ҳозир иккаласи ҳам бирга эканлигини айтдилар. Хоннинг ўғлига Туғлуқ Темурхон, Шеровулнинг ўғлига Инжу Малик деб от қўйишган эканлар.

Қиссага келсак, [Тоштемир] иложини қилиб Туғлуқ Темурхонни олиб қочди ва амир Пўлодчи ҳузурига ошиқди. Амир Пўлодчи оқсувлик эди ва Чиғатойхон бир вақтлар Манглай субани унинг жаддига инъом этган эди.

...Тоштемур Туғлуғ Темурхон билан Оқсувга яқинлашганларида уларга савдогарлар ҳамроҳ бўлдилар. Музорт довонидан ўтаётганимизда хон тасодифан яхмалакдан сирганиб, жарликка қулади. Тоштемур бир тутам гулхан ёқиб уни теварак-атрофдан қидира кетди. Шу пайт довондан ўтиб бораётган карвон шу ерга келиб тўхтади. Тоштемур савдогарлардан бирининг олдига борди. Унинг исми Бскчик экан. Хон билан юз берган

1

*Музорт довоши* — Тяньшань тоғ чўққиларидан бири; Гулжадан Оқсув ва Ушга олиб борадиган йўл шу довондан ўтади. Хитойлар уни Бинь-шань деб атайдилар.

воқсани унга арз қилди. Савдогар шерикларидан бир нечасига воқсани айтиб берди. Улар Тоштемур билан бирга ўша яхмалак устига боргандилар. Ўша Бекчик арқон боғлаб пастга тушди ва хонни саломат юқорига олиб чиқди... Шундан кейин биргаликда уни Оқсувга, амир Пўлодчи ҳузурига олиб бордилар. Амир Пўлодчи уни ўша ерда хонлик маснадига ўтқизди. Вақт ўтиб, тамом Мўғулистон, балки Чигатойхонга тобёъ бўлган юртларнинг аксарияти унга тобёъ бўлди".

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар келтирган бу қисса кўринишдан худди латифага ўхшайди. Лекин Туғлуқ Темурхоннинг узоқ Ғулжадан топиб келиб хонлик тахтига ўтқизганликлари ва бу ишда амир Пўлодчининг фаол иштироки бўлганлиги ҳақиқатдир. Туғлуқ Темурхоннинг эса Чингизхон авлоди эканлиги шубҳасиздир. Тарихий манбаларда унинг шажараси қуйидаги тартибда келтирилган: Туғлуқ Темурхон — Эсон Буғахон — Дувахон — Бароқхон — Йисун Қорахон — Мутугэн — Чигатойхон — Чингизхон — Ясуго баҳодир — Бортон баҳодир — Қобулхон — Туминахон — Бойсунқурхон — Қайдухон Дутум Мэнэнхон — Буқоҳон — Бузанжархон — Алонқува она.

Шундай қилиб, Туғлуқ Темурхон 1348 йили Чигатой улусининг шарқида хон бўлиб кўтарилди. Кўп курашлардан кейин, айниқса амир Пўлодчининг саъй-ҳаракати билан у Мўғулистоннинг катта қисмини бирлаштиришга ва хон ҳокимиятини нисбатан мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

### Учинчи боб

## XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МЎҒУЛИСТОН ДАВЛАТИ. ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ ИСТИЛОЧИЛИК ЮРИШЛАРИ

Шундай қилиб, 1348 йили амир Пўлодчи билан Туғлуқ Темурхон Чигатой улусининг шарқий-шимолий қисмида тарихда Мўғулистон номи билан машҳур бўлган янги феодал давлатига асос солдилар. Бу давлат жуда катта ҳудудни ўз ичига олган эди. Унга қадим-қадимдан ўзининг юксак маданияти, моддий ва маънавий бойликлари билан шуҳрат топган Шарқий Туркистондан ташқари, Иртиш ва Эмилдан то Тангри тоғ (Хитойча: Тяньшань)гача ва Борскўлдан то Фарғона билан Балхаш

кўлигача чўзилган ўрамда истиқомат қилиб турган халқлар ва ўлкалар кирган. Мўғулистоннинг катта мамлакат эканлигини шундан ҳам билса бўладики, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар келтирган маълумотларга қараганда, унинг бир четидан иккинчи четига олти-етти ой йўл босиб етганлар. Балхаш кўли (ўрта асрларда Кўкча денгиз деб аталган) ўша замонларда Ўзбекистон (Ўзбек улуси) билан Мўғулистон ўртасидаги чегара ҳисобланган.

Мўғулистонда мўғул қавмларидан ташқари, туркийзабон халқлардан қалмоқлар, қирғизлар, қозоқлар ва уйғурлар истиқомат қилганлар. Лекин уларнинг турмуш тарзи бир хил эмасди. Дину эътиқоди ҳам бошқа-бошқа эди уларнинг. Масалан, Шарқий Туркистон халқи (асосан уйғурлар) ўтроқ аҳоли бўлиб, асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Дину эътиқод бўйича мусулмон эдилар. Даштлик ва тоғлик ерларда кўчиб юрган халқ (мўғуллар, қолмоқлар, қирғиз ва қозоқлар) эса асосан чорвачилик билан машғул бўлиб, уларнинг катта қисми ислом ва мусулмончиликдан ҳали йироқ эдилар. Лекин баъзи хонлар ва уларнинг яқинлари мусулмон кишилари эдилар.

Мўғулистоннинг маъмурий-давлат тузилиши қандай бўлганлигини аниқ айтиб бериш қийин. Манбаларда учрайдиган қисқа ва узук-юлуқ маълумотларга таяниб бу ҳақда қисқа ва умумий бир фикр айтса бўлади. Ҳар қандай феодал давлатда бўлгани каби, Мўғулистон феодал давлатининг тепасида ҳам Чингизхон ва Чигатойхон наслдан бўлган хон турган. Лекин унинг ҳокимияти шунчаки номига бўлиб, давлат ва мамлакатнинг инонихтиёри дуглот қавмидан чиққан ва улусбеги деган юксак лавозимни эгаллаб турган амирлар (Пўлодчи, Худайод ва б.қ.) ҳамда улус-улус бўлиб ўлтирган кўчманчи феодаллар қўлида эди. Айниқса, улусбегининг давлатни идора қилишдаги роли ва нуфузи катта бўлган. Замондош тарихчиларнинг сўзларига қараганда, тахтга Чингизийлардан кимни ўтқазिश, бошқа мамлакат ва халқлар билан қандай муносабатда бўлиш, қайсилари билан яқинлашишу, қай бирларига қарши уруш очиш, кимни қайси давлат лавозимига тайинлаш, қўйингки давлатнинг барча муҳим ишларини асосан ўша улусбеги ҳал қиларди. Лекин, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида узоқ-яқин улусларда ўлтирган маҳаллий феодалларнинг роли ҳам кичик эмасди. Хон ҳам, улусбеги ҳам ўз фаолиятида йирик қабила ва қавмларнинг этакчилари билан

ҳисоблашишга мажбур эдилар. Биз буни ўшандай феодаллардан Қамариддин, Анқо тўра, Мир Каримберди, Мир Ҳақберди, Саъид Али, Темур уйғур ва бошқаларнинг фаолиятида яққол кўрамиз. Улардан Қамариддин билан Темур уйғур ҳатто хонларни (Қамариддин — Илёсхўжани, Темур уйғур — Эсон Буғахон учинчини) тахтдан тушириб, зўравонлик билан тожу тахтни эгаллаб олдилар. Бу ерда яна шуни ҳам айтиш керакки, кўчманчи феодаллар зийрак ва тадбиркор хонларни, хусусан мунтазам урушлар олиб бориб, уларни мўл ўлжалик қилиб турадиган хонларни қўллаб-қувватлаганлар. Акс ҳолда, уларни тахтдан тушириб, ўзларига муносибини ўтқизганлар.

Мўғулистоннинг маъмурий ва давлат тузилиши ҳақида яна нималарни айтиш мумкин? Ҳар бир қавм ва қабила қадимдан ўзига тегишли бўлган (ёки алоҳида хизматлари учун хон тарафидан инъом этилган) бир ерда улус-улус бўлиб яшаганлар. Улусларнинг тепасида ўша қавм ва қабиланинг бошлиғи турган. Улар "бий", "бск", ёки "ўғлон" деб аталган.

Қисқаси, Мўғулистон том маъноси билан, марказлашмаган, бошқарув маъмурияти кучсиз давлат бўлган.

Мўғулистонга оид тарихий манбаларда амир ул-умаро, оталиқ, бск, баковул, бахши, вазир, доруға, дсвон, ясовул, эшик оғабоши, котиб, қушбеги, қушбегийи, кулл, қурултой, кенгаш, мироб, мирохур, миршаб, мулозам, муфтий, муҳрдор, нақиб, навкар, понсодий, раият, сардор; солиқ, солиғ стуқ, ссади, султон, ўғлон, тавочи, тугбеги, улус, улусбеги, учбеги, учбегийи баронғор, учбегийи жавонғор, ҳазонпонсади, ҳоқим, хон хирож, ҳафтсади, шайх. ул-ислом, юрт каби атамаларни учратамиз.

Бу ерда "қурултой" ва "кенгаш" атамалари, хусусан қурултой давлатнинг ўзига хос олий органини англатади. Хонни сайлаш ва уруш эълон қилишдан тортиб давлатнинг барча муҳим ишларигача шу қурултойда ҳал қилинган. Қурилтойга хон, улусбеги ва ўғлонлардан ташқари, улусларнинг барча йўлбошчилари қатнашиб қал қилувчи овозга эга бўлган. Кенгаш эса (чанги дсб ҳам аталган) мавқс-эътибори билан қурилтойдан кичик бўлиб, зарур пайтларда хон тарафидан чақирилиб туриладиган ўзига хос давлат кенгаши ҳисобланган.

"Юрт" ва "улус" атамаларига келсак, улар бирон қавм ёки қабила истиқомат қилиб турган ҳудудни англатади.

"Бек" ва "улусбеги"лар эса ўша юрт, улус ва унинг хадқи тепасида турган ҳокимлардирлар.

"Раият" — бу умуман солиқ тўловчи халқ, қора халқ. "Мулозим" билан "навкар" эса хон ва феодалларнинг ўзлари билан доимо бирга бўладиган хос хизматкорларидирлар. "Султон" ва "ўғлон" атамалари эса шахзодаларни, айрим ҳолларда умуман қўшин бошлиқларини (ўғлон) англатади.

Бир талай атамалар, масалан, вазир, девон, доруға, котиб, ҳаким, мироб, миршаб, муҳрдор, сардор, нақиб, шайхулислом, муфтий атамалари аҳолиси ўтроқ ва ислом мамлакатларига, Мўғулистонга нисбатан олганда эса Шарқий Туркистонга тегишлидир.

Мўғулистоннинг кўчманчи аҳоли истиқомат қилиб турган вилоят ва туманларини олганда бу ерларга оталиқ, баковул, бахши, ясовул, эшик оғабоши, қушбеги, қушбеги мирохур, тавочи, туғбеги, улусбеги атамаларини татбиқ этиш мумкин.

Бу сзда "улусбеги", "оталиқ", "қушбеги", "тавочи", "эшик оға боши" лавозимлари давлатнинг юқори даражадаги лавозимларидир. "Улусбеги"— у ҳақда юқорида айтиб ўтилди — ўз ўрни ва эътибори билан, хондан кейинги иккинчи юксак лавозим ҳисобланган. Улусбегини баъзан амир ул-умаро (амирлар амири, улуг амир) деб атаганлар. Оталиқ (отака, кўкалдош деб аталган) хонзодаларнинг тарбиячилари бўлишган ва улар балоғатга етгунларича уларнинг улусини идора қилганлар. "Қушбеги" билан "қушбеги"га келсак, уларнинг араб имлосида ёзилиши бир хил. Шунга қарамай, Ўрта Осиё тарихининг баъзи тадқиқотчилари бу атамалар бир маънони — қушбеги, яъни подшоҳ ва хонларнинг, шунингдек амир Пулодчи, амир Худайдодга ўхшаган йирик феодалларнинг ов қушлари ва ҳайвонларига мутасаддийлик қилувчи ва шикор маросимларини уюштиришга масъул бўлган мансабдорлар деб ҳисоблаб келадилар. Аслида бу фикр "қушбеги" атамасига нисбатан тўғри. "Қушбеги" атамасига келсак: "қуш" сўзи (туркийча) — юриш ва кўчиш вақтида хон қароргоҳини, "қушбеги" эса ўша хон қароргоҳининг бошлиғи маъносини англатади. "Тавочи"га келсак, бу лавозим эгаси асосан ҳарбий юришлар олдидан лашкар тўплаш, уни юриш ва уруш вақтларида ўринлаштириш билан шуғулланган. Эшик оға боши (эшик оғаси) зиммасига эса хоннинг қабул маросимларини уюштириш вазифаси юклатилган.

Бошқа лавозимларга келсак, "баковул"— хоннинг хусусий ошпази, бахши дсб — котиблар, ҳарбий бўлинмаларнинг ҳисоб-китобини олиб борувчи, сипоҳийларга маош берувчи мансабдорларни айтганлар. Ясовул эса хонларнинг кичик хизматчилари бўлиб, хоннинг шахсий топшириқларини бажарган ва ўрдуни қўриқлаб турган.

Шунингдек, манбаларда "туғбсги", "сссади", "понсодий", "учбсги", "учбсгийи баронғор", "учбсгийи жавонғор", "ҳафтсади", "ҳазор понсадий" каби атамалар ҳам учрайди. Булар — ҳарбий атамалар саналади. Масалан, "туғбсги"— байроқдор қисм бошлиғи, "сссади"— уч юз кишидан иборат ҳарбий қисмга, "понсадий"— беш юз кишилик, "ҳафтсадий"— стти юз кишилик, "ҳазор понсадий"— бир минг беш юз кишилик қўшин бошлиғини англатган. "Учбсги", "учбсгийи жавонғор" ва "учбсгийи баронғор" атамаларига келсак, уни аслида "ўқчунғор" дейилади. "Тарихи арбаъ улус"да айтилишича, у ғул (марказ қисм) ёнида борувчи бўлинма бўлиб, туркийда чиндовул, араб тилида соқа дсб аталади. "Ўқчунжор,— дсб ёзади Мирзо Улуғбек,— ғул ёнидан, унинг ён томонидан шундай миқдорда юрадики, қадам ташлаганларида чиққан чангни, уларнинг қорасини ғулдагилар кўриб туришлари зарур. Улар ҳам ғул юриб бораётган йўл чангини ёки ғул қорасини кўриб туришлари лозим". Демак, бундай махсус қисм (учбсгийи жавонғор, учбсгийи баронғор) қўшиннинг сўл ва ўнг қанотларига қўйилган бўлиб, уларни қўриқлаш вазифасини ўтаганлар.

Мўғулларнинг қўшин тузилиши Ўғизхон ва Чингизхон даврида мавжуд бўлган тартибни сақлаб қолган. У, авваламбор, барча улуслардан тупланган ва тепасида асосан қабила бошлиқлари турган лашкардан иборат бўлган. У ўнлик, юзлик, учюзлик, сттиюзлик, минглик ва ўнминглик бўлинма (туман)да таркиб топган. Унинг асосий қисмини отлиқ аскарлар (суворийлар) ташкил этган. Ҳарбий юришлар ва жанг олдидан у қуйидаги тартибда ясол (саф) тузган: жавонғор (сўл қанот), баронғор (ўнг қанот), ғул (марказ), қоровул (қўшин олдида ва қанотларда борувчи қўриқчи ва хабарчи қисм), қировул (илғор қисм кетидан борувчи махсус ҳарбий бўлинма), шиковул (қўшиннинг қанотларида борувчи қисм) ва захира қисмдан ташкил бўлган.

Турк-мўғул халқларида қурол-яроғ кўтаришга қодир бўлган ҳар бир эр киши сипоҳий ҳисобланган. Жарчининг овози эшитилиши билан у икки от, камида бир ойга



етадиган озиқ-овқат ва отига ем, шунингдек зарур қурол-яроқларни олиб айтилган ерга, кўрсатилган соатда тўпланиши шарт бўлган.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, кўчманчилар нафақат бир-бирини, яъни бир қавм — иккинчисини талон-торож қилиб турган, балки кўпроқ қўшни халқларни, ўтроқ ўлка ва мамлакатларнинг халқини талаганлар. Ҳарбий юришлар кўчманчи феодалларга ҳам, уларнинг табааларига ҳам беҳисоб бойлик келтирган. Улар ана шу юришлардан катта ўлжа ва асирлар олиб қайтганлар.

Хулласи калом, Туглуғ Темурхон билан Пулодчи Мўғулистоннинг ижтимоий-сиёсий мавқеъини бир қадар мустақкамлаб олганларидан кейин, истилочилик кўйига кириб олдилар, хусусан Чигатоё улусининг ғарбий-жанубий қисмини босиб олиш сиёсатини тутдилар. Улар Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий бухрондан фойдаланиб, ҳижрий 761 йилнинг раби ул-аввал (1360 йилнинг февраль ойи ўрталари) ойда катта қўшин билан Туркистон ва Мовароуннаҳрнинг ўтроқ ноҳияларига бостириб кирдилар. Мўғул қўшинига катта амирлардан Улуғ Туқ Темур, Ҳожибек ва қонғли қавмининг сардори амир Бекчик бош бўлдилар. Сайрам ва Туркистоннинг катта йўл устида жойлашган шаҳару қишлоқлари қаршилик кўрсатмай Туглуқ Темурхоннинг амирларига таслим бўлдилар. Орадан бир ой ўтиб-ўтмасдан мўғул қўшини Сирдарёнинг ўнг соҳилида пайдо бўлди. Улар Сирдарёдан ҳеч қандай қаршиликка учрамай ўтиб олдилар. Туглуқ Темурхон қўшинни Хўжанд рўбарўсидаги Чаноқ булоқда тўхтатди. Шу ерда қисқа кенгаш ўтказилгач лашкарга бир кеча-кундуз дам берилгандан кейин Мовароуннаҳрнинг ичкарасига қараб юришни давом этдиришга қарор қилинди.

Мўғуллар Мовароуннаҳр ичкарасида ҳам деярлик қаршиликка учрамадилар. Халқнинг отини миниб, нонини сб тирикчилик ўтказиб юрган амирлар, унинг боши ташвишда қолган пайтда велинсьматини ҳимоя қилишга қодир бўлмади. Амирлар бирлашиб, душманга қаршилик кўрсатишга ярамадилар. Аксинча, баъзилари тўғридан-тўғри ганим тарафига ўтиб кетдилар. Шундайлардан бири Хўжанд ҳокими Боязид Жалоир бўлиб чиқди. У мўғул лашкарининг илғор қисми Сайхундан кечиб ўтиши ҳамано, ўз қавми билан бориб ёғийга қўшилди ва мўғулларга ғажарчлик (йўл кўрсатувчилик) вазифасини ўтади. Кўпни кўрган ва суяги уруш-талашларда пишган

Хожа барлос эса душман Қаршига яқинлашиб қолганини эшитибоқ, аҳду аёли ва хизматкорларини олиб Хуросонга қараб қочди. Бошқа амирлар ҳам эл-юртини ташлаб тум-тарақай қочдилар. Лскин, эл ҳимоячисиз қолмади. Юртнинг юкини Темурбек ўз елкасига олди. У ақл-фаросат билан иш тутди. Мўғулларнинг асосий қучи Мовароуннаҳрга ичкариламасдан туриб, уларни тўхтатиш ва эл-юртни талон-торож ва таҳқирлашлардан асраб қолиш чорасини қидирди. Бу вақтда мўғул қўшинининг илғор қисми Хузорга келиб қолган эди. Ўша кунлар ва ўзининг азму қарори ҳақида Темурбекнинг ўзи бундай дейди: "Туғлуқ Темурхон (катта амирлардан) Бекчик, Ҳожибек Эрқинит, Улуғ Туктемур ва Жстенинг бошқа амирларидан уч фавж<sup>1</sup> (қўшин) тузиб, уларни Мовароуннаҳр мамлакатини торож қилиш учун жўнатганлиги, ўша уч фавж қўшин Хузор деган ерга келиб тушганлиги хабари менинг қулоғимга стди. Шунда Туғлуқ Темурхонни бориб кўришдан аввал ўша очкўз амирларни мол-дунё билан алдаб, Мовароуннаҳрни қатлу ғоратдан сақлаб қолишга қарор қилдим. Тилга олинган амирларни кўрганимда уларни ҳайбатим босди, шекилли, (менга) кўп иззат-икром кўрсатиб, мени ҳаддан зиёд сийладилар. Уларнинг кўзларига ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлганидан, совғасовурин йўсинида уларга берилган ҳар турлик тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннаҳрни босиб олиш, торож қилиш ниятидан қайтдилар. (Шундан сўнг) тўғри бориб (хон билан) кўришдим. Хон келишимни яхшиликка йўйиб (салтанат ишларида) мендан кенгаш сўради. Кўрсатган маслаҳатларимни тўғри топиб, ҳаммасини қабул қилди... Амирларни бундан буён Мовароуннаҳрга боришларни манъ этди". Ўшанда Туғлуқ Темурхон ота мулк Кеш вилоятини, тобё туманлар ва то Жайхун соҳилларигача бўлган ерлар билан қўшиб, Темурбекка инёом этди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Темурбек ота юрти Кешга қайтиб келди ва аста-секин теварак-атрофига йигит тўплаб, қўшин туза бошлади. Қисқа вақт ичида унинг туғи остига каттагина лашкар жамъ бўлди. Хурсандчиликка боис бўладиган нарса шу бўлдики, Ҳизр ясовурий ҳам Самарқанд лашкарини олиб Темурбекка келиб қўшилди.

<sup>1</sup> Фавж — умуман, ҳарбий бўлишма.

Лскин орадан кўп вақт ўтмай, Жсте амирлари орасида ихтилоф чиқди. Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрда ўғли Илёсхўжани қолдириб, ўзи шошилич равишда Мўғулистонга қайтди. Илёсхўжахон отасининг йўлини тутди. Мовароуннаҳрни идора қилишда ерлик амирларга, хусусан Боязид жалоир, Хизр ясовурий ва Темурбекка таянди. Боязид жалоирга Хўжандни, Хизр ясовурийга эса Тотканд билан Сарипулни қайта инъом қилди. Темурбекни эса ҳузурда олиб қолди. Улкан мақсадларни кўзлаб шу ишни қилди у. Темурбекнинг ҳарбий салоҳияти ва улусдаги катта обрўсидан фойдаланиб, илгари Чиғатой улусига тобё бўлган Жайхуннинг нариги тарафидаги вилоятлар — Балх, Бадахшон, Хутталон ва Кобулни ҳам ўз тасарруфига киритиб олмоқчи бўлди. Хуллас, бир ҳафтадан кейин хон уни Хизр ясовурийга қўшиб Жайхуннинг нариги тарафига жўнатди. Кетидан эса лашкарнинг катта қисми билан хоннинг ўзи борадиган бўлди. Темурбек Илёсхўжахоннинг асл ниятини фаҳмлади. У эл-юртни катта уруш гирдобига тортмоқчи. Темурбек ва Хизр ясовурийнинг қўли билан Ҳожи барлос, Баён сулдус ва амир Ҳусайнга ўхшаган гарданкашларни бартараф қилмоқчи. Шунга қарамай, Темурбекнинг хонга "хўп" дейишдан бошқа иложи қолмаган эди. Амирларнинг бошини бириктириш ва биргалашиб улусни мўғуллар истибодидан озод қилиш ниятини дилига тугиб қўйди. Йўл-йўлакай шу ҳақда ўйлади. Иккала амир Хизр ясовурий билан Темурбек Темур қопиғдан ўтганидан кейин шу ерда амир Ҳусайнни учратиб қолдилар. У йигитлари билан аллақачон Жайхундан кечиб ўтиб, шу ерни лашкаргоҳ қилиб ўлтирган экан. Тасодифан юз берган учрашувдан уччалалари ҳам хурсанд бўлдилар. Чунки фақат бирлашибгина мўғуллар истибодидан қутулиш мумкин эди. Дарҳол Ҳисори шодмон, Хутталон ва Бадахшонга чопар юбориб, Баён сулдус, Кайхусрав ва Шоҳ Баҳоуддинни Соли саройга кенгашга чақиртирдилар. Аммо улар келишмади.

Шу пайт Самарқанддан "Илёсхўжахон Мовароуннаҳрни тарк этиб, Мўғулистонга қайтиб кетибдур", деган хушxabар олинди. Темурбек бундан фойдаланиб, улусни тузишга киришни таклиф қилди, лскин амирларнинг боши бу сафар ҳам қовушмади. Амир Ҳусайн минг бир баҳонани кўндаланг қилиб Соли саройда қолди, Хизр ясовурий эса йўлда Тахти қорачага<sup>1</sup> етганларида одам-

1

*Тахти қорача* — (тахти Қорачор) — Самарқанднинг жанубий-шарқий тарафида, ундан тахминан 43-45км масофада, Шаҳрисабз — Самарқанд йўли устида жойлашган дошон.

лари билан қочиб кетди. Боязид жалоир билан яқинда шу атрофларда пайдо бўлган Ҳожи барлосни ҳам иттифоққа келтириб бўлмади. Темурбек 1360 йилнинг қолган қисмини Соли сарой билан Термизда кечирди.

Класи йили, ҳижрий 762 йилнинг жумоди ул-аввал ойи (1361 йилнинг январь ойи)да Туғлуқ Темурхон катта лашкар билан яна Мовароуннаҳрда пайдо бўлди. Яна ўша бундан бир йил илгариги аҳвол: парокандалик, мутеълик. Мўғул қўшини Сайхундан ўтиши ҳамона яна ўша хоин Боязид жалоир хоннинг қаршисида тиз чўкди. Хоннинг мавкаби Самарқанддан бир манзил масофа нарида тўхтаганда Баён сулдус билан Ҳожи барлос ҳам келишиб хоннинг оёқларини ўпдилар. Утган йили эса унга душманлик мақомида турган эдилар. Бу Туғлуқ Темурнинг эсидан чиқмаган экан, уларни силаб-сийпаб ўлтирмади. Бундай пайтларда гап ташувчиларнинг иши ҳам ўнгидан келади. Бунақа одамлар ҳамма срда топилади. Туғлуқ Темурхон Самарқандга кириб келиши билан улар келиб Боязид жалоирни чақдилар ва хон ҳамма саройга тўпланган пайтда уни жаллоднинг қўлига топширди. Буни кўриб, мовароуннаҳрлик бекларни қўрқув ва ваҳима босди. Ҳожи барлос қабулдан чиққан ҳамона Самарқанд билан Кешни бутунлай тарк этиб, Хуросонга кетиб қолди. Темурбек ҳам бирмунча вақт хоннинг назаридан сал нарироқда юрди. Фақат Ҳамид тархоннинг воситачилиги билан яна Туғлуқ Темурхоннинг қабул назарига манзур бўлди. Хон ҳеч нарса бўлмагандай уни муносиб қабул қилди ва яна бош-оёқ сарупо билан сийлаб, мингбошилиқ лавозимига тайинлади: Кеш вилоятининг ҳокимлигини ҳам унга берди.

Шундай қилиб, Туғлуқ Темурхон ғанимларини тинчитди: Боязид жалоир ясоққа стказилди, Ҳожи барлос юртидан бир умрга бадарга қилинди, Темурбекни эса мансаб ва улус бериб ўз тарафига оғдириб олди. Яна бир жиддий душман — амир Ҳусайн қолди. Айни пайтда узоқда, Ҳисори шодмоннинг мустаҳкам қалъалари ичига кириб писиб ўлтирибди. Лекин, тинч ўлтирармикин? Бунга ишонмаган хон қаҳратон қишнинг изғиринларига қарамай, унга қарши қўшин жўнатди. Икки ўртада Вахш дарёси бўйида икки кун уруш-талаш бўлди. Урушнинг иккинчи куни, амир Ҳусайннинг қўли баланд келиб турган куни, мўғул лашкарининг жавонғори синиб, че-

1

*Бир манзил* — карвон бир кунда босиб ўтадиган йўл: уч-тўрт фарсахлик масофа.

кинишга юз тутиб турган бир пайтда, Хутталон ҳокими амир Кайхусрав хоинлик қилиб, қўшин-мушини билан мўғуллар тарафига ўтиб кетди. Бу — урушнинг тақдирини ҳал қилди-қўйди. Амир Ҳусайн уруш бой берилганини англаб, қолган-қутган одами билан Жайхуннинг нариги тарафига ўтиб кетди. Мўғуллар уни Қундузгача таъқиб қилиб бордилар, лекин қўлга туширолмадилар. Мўғуллар қишнинг қолган қисмини Қундуз билан Толқонда ўтказиб, баҳорда юришни давом эттирдилар ва амир Ҳусайнни таъқиб қилиб Ҳиндукуш дово­нигача бордилар. Ушанда мўғуллар Жанубий Туркистоннинг йўл устида жойлашган қишлоқ ва қасабаларини<sup>2</sup> беармон торож қилдилар. Лекин, улар барибир, амир Ҳусайнни тополмай, куз аввалида Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур бўлдилар.

Ўша йили кузда хоннинг амри билан Баён Сулдус ҳам қатл этилди. Хон уни, амир Ҳусайн қочиб кетгандан кейин, Ҳисори шодмонга ҳоким этиб тайинлаган эди. Кўп ўтмай у гарданкашлик қилган эди.

Ўша 1361 йили кузда Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрни ўгли Илёсхўжахонга топшириб, ўзи яна Мўғулистонга қайтди. Бунга кўчманчи феодалларнинг исёни ва Дашти қипчоқдаги баъзи ҳукмдорларнинг ғимиллаб қолганлиги сабаб бўлди. Ушанда у амир Бекчикни соҳиб ихтиёр этиб тайинлади. Темурбекка эса сипоҳийгирликни топширди.

Лекин, хон қайтиб кетгандан кўп вақт ўтмай, 1362 йили, Темурбек билан амир Бекчикнинг оралари бузилиб қолди. Бунга мўғулнинг ўта мутакаббирлиги, камситишлар ва фитна қўзғатишлар сабаб бўлди. Бу ҳақда Амир Темурнинг ўзи бундай эслайди: "Улар (амир Бекчик ва унинг шериклари — Б. А.) Туғлуқ Темурхонга хат ёзиб, "Темур бизга қарши исён тигини кўтарди", дедилар. Хон бу ёлгон гапларни чин билиб, мени ўлдириб, йўқотиш ҳақида ёрлиғ юборди. Бу ёрлиғ менинг қўлимга тушиб қолди. Ундан ўлимга маҳкум этилганимни билиб олдим".

Хулласи калом, ўшанда Темурбек эсон-омон қочиб қутулди ва бирмунча вақт Хоразмда туркман чўлларида, Мовароуннаҳр ва Жанубий Туркистоннинг кўзга ташланмайдиган ерларида яшириниб юрди. Лекин, мўғул истилочилари билан курашни сустрлаштирмади: атрофига одам йиғди, куч тўплади.

1

Ҳиндукуш дово­ни — Балхдан Кобул ва Ғазнага олиб борадиган карвон йўли устида жойлашган баланд тоғли дово­н

2

Қасаба — шаҳарча; катта қишлоқ.

1362 йили Темурбек билан амир Ҳусайн яқинлашиб қолдилар. Улар анча-мунча ҳарбий кучга эга эдилар. Иттифоқчилар бир сафар Балх жилғасида амир Абу Саъид ва Мингли сулдус бош бўлган уч минг кишилик мўғул қўшинларига қаттиқ зарба бердилар. Ҳама йили Мовароуннаҳрда яшириниб юрган чигатой беклари ҳам фаоллашиб қолишган эдилар. Ҳама кунлари улардан баъзилари: Сулаймон барлос, амир Мусо, Жоку барлос, Жалолоддин барлос ва Ҳиндука барлослар Темурбек билан амир Ҳусайнни қидиришиб Термизга келиб тушганлари маълум бўлди. Агар уларнинг барчаси бир ёқадан бош чиқаришса, халқи ва юртини мўғул зулмидан шу йилнинг ўзида озод қилиш учун шароит туғилганди шу пайт.

Ҳанда улар — Темурбек билан амир Ҳусайн — мўғулларни енгиб Балхни ҳам эгалладилар. Навбат — Мовароуннаҳрга, чунки Тохаристон билан Бадахшонда мўғул лашкари йўқ, Лекин, бу ёғига уларнинг иши яна юришмади. Арсифда<sup>1</sup> турганларида ҳам, Дарагезда<sup>2</sup> ҳам, улар бу ёғига биргалашиб ҳаракат қилиш ва Чигатой улусини мўғуллардан биргалашиб озод қилишга аҳд-паймон қилишган эдилар. Балх олингандан кейин амир Ҳусайн ўзгариб қолди. У тап тортмасдан "биз қуббат ул-исломда<sup>3</sup> қолишга қарор қилдик", — деди-қўйди. Амир Темур бу мутакаббур, тангназар ва шуҳратпараст одамни яхши биларди. Шунинг учун индамади. Иккиюзламачилигини юзига солиб ўлтурмади. Қисқаси, Ҳама йили мўғулни Мовароуннаҳрдан суриб чиқариб бўлмади. Темурбек эса кўпроқ дарёнинг нариги соҳилида, Ҳулимда, Толқонда турди. Кузда дарёнинг ўнг соҳилига ўтиб, Пули сангинда<sup>4</sup> мўғулларнинг катта қўшинига қақшатғич зарба берди. 1363 йили у Темур қопуғдан ўтиб, яна бир-икки ерда ғалаба қозонди. Айниқса, унинг Кешни олиши эса қоладиган воқеа бўлди. Темурбек 300 сара йигитни уларнинг орасида амирлардан Сулаймон барлос, Баҳром жалоир ва Жалолоддин барлослар ҳам бор эдилар — ўзи билан бирга олиб Кеш сари юзланди. Кеш жилғасига

<sup>1</sup> Арсиф — Балх кўхистони (у Элбрус тоғ деб аталади)да жойлашган хушманзара дара.

<sup>2</sup> Дарагез — Балхнинг жанубий тарафида, ундан тахминан тўрт фарсах масофада, Балхоб дарёси бўйида жойлашган хушманзара дара.

<sup>3</sup> Қуббат ул-ислом — ислом қуббаси: Балх шаҳарининг ўрта ерлардаги фахрий номи.

<sup>4</sup> Пули сангин — Ҳисор вилоятида Сурхоб (Қизилсув) дарёсининг сул ермоғи бўлмиш Оби ҳингов устига қурилган тош кўприк.

яқинлашганда йигитларни шу ерда тўхтатди ва уларга "ҳар бирингиз отингизнинг икки биқинига бир боғдан шох-шабба боғлангиз. Шундай бўлсинким, унинг бир учи ерда бўлсин!", деб буюрди. Сипоҳийлар йўл четидаги дарахтлар ва буталарни кесиб, шох-шабба йиғдилар ва Темурбек айтгандай қилиб отларининг икки биқинига боғладилар. Йигитлар ҳам, амирлар ҳам бошда бунинг маъносига тушунмадилар, чунки бунақаси илгари ҳарбий ишларда кўрилмаган эди. Бунга отга қамчи босганларидан кейин тушундилар. Шох-шаббалар йўлни шу қадар тўзитдики, узоқдан кўрган одам "кўп минг кишилик лашкар келаётибди", деб ўйлаши мумкин эди. Хуллас, уч юз отнинг туёғидан кўтарилган чанг-тўзон йўқ деганда икки фарсах масофани тутди. Қалъа девори устида турган мўғул соқчи ҳам, унинг ёнида пайдо бўлган доруға билан кўтвол ҳам буни кўриб қўрқиб кетдилар. Бўлмаганда икки туман отлиқ аскар шаҳар остоналарида пайдо бўлди, деб ўйладилар улар. Шаҳарда ҳаммаси бўлиб бир ярим-икки минг мўғул аскарлари бор эди. Доруға билан кутвол жанг қилишга жазм қилмадилар ва аҳлу аёли, кўч-кўронини олиб, шаҳарни узоқдан қуюн бўлиб келаётган кимнингдир тумонат аскарига бўшатиб чиқдилар. Шундай қилиб, Темурбек бор-йўғи 300 йигит билан ота юрти Кешни мўғуллардан қайтариб олди.

Темурбек Кешнинг бузилиб ётган ерларини таъмирлаш, шаҳар деворларини тиклашга киришди. Шу билан бирга, улусдаги умумий вазиятни тафтиш қилиб келиш учун Қарши, Самарқанд, Бухоро ва Хўжандга хабаргирлар жўнатди.

Орадан икки-уч кун ўтиб ўша хабаргирлардан бири "Илёсхўжахон катта қўшин билан Кешдан келиб, тўрт фарсах нарида турибди" деган хабар топиб келди. Темурбекни бир оз ваҳима босди. Чунки атрофига тупланган йигитлари ҳали мингга стмаган, амир Ҳусайндан эса дарак йўқ эди. Бунинг устига Кешнинг мустаҳкам қалъаси йўқ эди. Шунинг учун мўғуллар башарти Кешга ҳужум қилгудай бўлсалар, амир Ҳусайн ёки бошқа биронтаси ёрдамга етиб келгунча, теварак-атрофдаги тоғларга чиқиб кетишга қарор қилди. Лекин, мўғуллар ҳужум қилмадилар. Қаршидан келган савдогар "Туғлуқ Темурхон вафот топибдур. Улуғ Туқ Темур бирлан амир Ҳамид Илёсхўжахонни олиб Мўғулистонга жўнаб кетибдур. Тошариқда турган мўғул лашкари эрса орқасига қайтиб кетибдур", деган хабар олиб келди. Темурбек ва унинг амирлари ғайбдан келган бу бахтни Аллоҳ таоланинг инояти деб билдилар.

Ўша кунлари Темурбекнинг йигитлари бориб Хузорни босдилар. Доруға ва унинг одамлари аҳлу аёли ва қўлига теккан бисотини олиб қочиб кетдилар. Қўшинга икки кун дам берилгандан кейин, Темурбек Кеш ва Хузордан кейинги кунлари тўпланган лашкарларга хўжа Салбарийни чиндовул<sup>1</sup> этиб Жигдалик<sup>2</sup> мавзъсига қайтди ва ҳар жиҳатдан қулай бу срни лашкаргоҳ қилиб, теварак-атрофнинг лашкари тўплангунча бир ҳафта турди. Шунда Кешга келишда Темур қопугда қолдирилган қўшин ва бундан қирқ кун муқаддам Шер Баҳром бошчилигида Балжуанга жўнатилган қўшин келиб зафар асар лашкарга қўшилди. Муҳими ўша кунлари Балх тарафдан 2 минг чоғлик йигити билан амир Ҳусайн ҳам Жибдаликка келди.

Эртаси куни Темурбек ва унинг иттифоқчилари қўшини билан Жигдаликдан кўчиб, Хузорга келдилар. Шу ерда икки-уч кун туриб чошкарни бскаму-кўст қилиб олмоқчи эдилар, лекин бўлмади. Мўғул лашкари яна Тариқда пайдо бўлди. Темурбек ва амир Ҳусайн лашкарни сафлаб уни ўша тарафга стаклаб кетдилар. Мўғуллар ҳам ясол<sup>3</sup> тузиб жангга шай эканлар. Унинг жавонғарида амир Қорахўжа билан амир Ҳомид, баронғорида Тук Темур билан амир Бскчик бош бўлиб турган эдилар. Икки ўртада жанг бошланди. Катта қирғин-барот уруш бўлди. Охир-оқибат, Темурбек ва унинг иттифоқчилари мўғул лашкари устидан ғалаба қозондилар. Икки томон ҳам каттагина талафот берди. Мўғуллардан ўлганлар орасида амир Бскчикнинг биродари Давлатшоҳ, баҳрин умоқининг сардори амир Пўлод ва яна иккита хонзода бор эдилар. Амирлардан Бскчик, Искандар ўғлон, Ҳомид, Юсуфхўжа асир олиндилар. Муҳими шундаки, асирлар орасида Илёсхўжахоннинг ўзи ҳам бор эди. Бошда унинг нияти бошқа эди — Темурбек билан амир Ҳусайнни бартараф қилиб, кейин Мўғулистонга қайтмоқчи эди. Мана, фалакнинг гардиши билан ўзи бир ёқлик бўлиб турибди. Лекин Темурбек билан амир Ҳусайн олийжаноблик қилишди. Уни ўлдиришмади. "Туркларнинг жибиллатида"<sup>4</sup> бўлган вафодорлик анъаналарига

1 Чиндовул — (чигдовул) — қўшиннинг дум қисми: арьергард.

2 Жигдалик — Хузор билан Кеш ўртасидаги жой.

3 Ясол — қўшин сафи.

4 Жибиллат — хулқ-атвор, тугма фсъл.



кўра, хон асирликдан озод этилди",— деб ёзади "Зафарнома" муаллифи.

Эртаси куни Темурбек билан амир Ҳусайн мўғулларни таъқиб этиб йўлга чиқдилар ва Оби ёмда уларнинг йўлини тўсиб чиқиб, катта талафот стказдилар. Шундан кейин Илёсхўжахон ва амирларининг қаршилиқ кўрсатишга кучи қолмади. Мўғулларнинг қолган-қутган одамлари Хўжанд тарафга чекиндилар. Уларни Хўжанддан ҳам суриб чиқардилар. Кейин мўғуллар Тошкентдан ҳам қувиб чиқарилди.

Шундай қилиб, Темурбек ва амир Ҳусайннинг саъй-ҳаракати билан 1363 йилнинг кузида қарийб тўрт йилдан бери давом этиб келаётган мўғул истибдодига чек қўйилди.

Бироқ ҳуррият нашидаси узоққа чўзилмади. Илёсхўжахон 1365 йилнинг баҳорида катта қўшин тўплаб яна Туркистон билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Темурбек шошилиқчи равишда теварак-атрофга тавочи ва жарчиларни юбориб, лашкар жамлашга киришди. Шу билан бирга, Соли саройга чопар юбориб, амир Ҳусайнни содир бўлган воқсадан хабардор қилди.

Лашкар уч кун ичида тўплангач Темурбек уни олиб ўша кунидея йўлга чиқди. Ҳузорга етганда амир Ҳусайннинг Пўлод Буғо ва Зинда Чашм бошчилигида юборган икки минг кишидан иборат аскари келиб унга қўшилди. Самарқанд теварагида (Ипор кўпригида) икки кун одамлар билан чорполарга дам берилгандан кейин яна йўлга чиқиб, 20-май куни Сайхундан ўтиб, Чинос атрофида келиб тушдилар. Буйруққа биноан, ҳар бир қўшин теварак атрофини тўралар ва чирлар билан ўрадилар, ичкарасидан эса араваларни бир-бирига занжирлаб, иккинчи мудофаа ҳалқасини ҳосил қилдилар. Лашкарнинг теварак-атрофида қоровуллар кучайтирилди. Ўша кун тун яримлаганда қолган лашкарини олиб амир Ҳусайн ҳам Чиносга етиб келди.

Тонг ёришмасдан Темурбек билан амир Ҳусайн қисқа чанги<sup>1</sup> ўтказдилар ва вақтни беҳуда ўтказмасдан қўшин сафларини ростлашга киришдилар. Баронғорда амир Ҳусайн, жавонғорда эса Темурбекнинг ўзи турадиган бўлди. Баронғорнинг қанбулига Тилончи, орлот, хировулига амир Ўлжойту Аперди, Шер Баҳром, Пўлод Буғо, Фарҳод Аперди ва Малик баҳодир тайин этилдилар;

1

Чанги — кенгаш.

Жавонғорнинг қанбулига амир Сор Бўғо қипчоқ, хировулига Темурхўжа ўғлон қўйилди. Ғулга кекса, ишбилармон амирлардан Жоку барлос, амир Сайфиддин, Мурод барлос ва Аббос баҳодир қўшини билан қўйилди. Келишувга биноан, ҳамма қисмлар: баронғор ҳам, жавонғор ҳам, ғул ҳам, бошқа қисмлар ҳам душман устига бир вақтнинг ўзида баробарига ташланадиган бўлдилар.

Жанг чошгоҳга яқин, ярим кечада бошланган ёмғир бир оз тингандан кейин бошланиб кетди. Темурбек мўғулларнинг Шамғум нўён бош бўлиб турган баронғорини биринчи ҳамладаёқ суриб ташлади. Бу ҳол мўғул лашкарини саросимага солди. Бундай пайтларда турк-мўғул халқлари орасида амалда бўлган урфга кўра, ядачиларнинг ёрдамига таянадилар. Илёсхўжахон ҳам шундай қилди. Яда ишга солингандан кейин осмонни қора булут қоплаб, савалаб турган ёмғир селга айланди, қаттиқ довул кўтарилди. Кўз очиб-юмгунча жанг майдони ботқоқликка айланди. Отлар тиззасигача лойга ботиб юришга мажоли қолмади. Шунга қарамай, Темурбекнинг йигитлари суръатни бир дақиқа ҳам пасайтирмай жон олиб — жон бериб савалашдилар. Лекин, амир Ҳусайн тарафидан ҳам шунақа дадил ҳаракат бўлмади. Аксинча, Илёсхўжахон энди чекинишни ихтиёр қилиб турганда, амир Ҳусайн журъатсизлик қилди. Биринчидан, қўшинлари мўғулларга ўхшаб бошига кигиз ташлаб олиб турган ўрнидан бир қарич ҳам силжимади. Темурбек дадил ҳаракат қилишга ундаб олдига икки марта чопар жўнатса ҳам фойдаси бўлмади, иккинчи марта бориб келган чопарига амир Ҳусайн: "Ёғий бирлан чопишиб ўлишга тайёрман, лекин ботқоққа ботиб кетишга тоқатим йўқ. Темурбекка ҳам айтиб қўй, обрў борида уруш палосини йиғиштирсун", — дебди.

Темурбек уруш палосини йиғиштирмади, аксинча, сангни давом эттирди. Шу ерда Илёсхўжахон ҳийла-найланг йўлига ўтди. У "баронғор қисм чекинсун", деб буйруқ берди. Лекин жавонғорнинг қанбули, хировули ва қоравули ўринларидан силжимадилар. Бу — Темурбек ва унинг қўшинига қўйилган бир тузоқ эди. Бу ҳам етмагандай, айтини ўша пайтда қўшиннинг амир Ҳусайн бош бўлган баронғор қисми Сайхун (Сирдарё) бўйига

1

*Ядачи (жадачи)* — керак бўлганда махсус сеҳрли тош ёрдамида қор-ёмғирни ёғдириш, ёки уни тўхтатиш кароматига эга бўлган жодугар.

қараб чскина бошлади. Бундай шароитда урушни давом эттириб бўлмасди, албатта. Шунинг учун ҳам Темурбек амирлари билан от устида қисқа кенгаш ўтказиб, урушни тўхтатиш ва фурсатни бой бермай жанг майдонини тарк этишга қарор берди. Шундай қилинганда одамларни ҳам, чорпони ҳам, уруш анжомларини ҳам омон сақлаб қолиш мумкин бўларди. Чунки, тушунган одамга ташаббус ва галаба аллақачон қўлдан бой берилган эди. Тарихда "Жанги лой" номи билан машҳур бўлган бу урушда Темурбек қарийб 10 минг одамидан ажралди. Замондош тарихчининг сўзларига қараганда, даҳшатомуз бу воқеа 1365 йилнинг 22-май куни содир бўлди.

Амир Ҳусайн шу қадар қўрқиб кетган эдики, Темурбек уни Сайхун соҳилидан ҳам, Дизакдан ҳам, Самарқанддан ҳам тополмади. У ҳеч ерда узоқ тўхтамай тўғри Соли саройга қочиб борди. Лекин у шу қадар ваҳима исканжасида қолган эдики, охир-оқибат у ерда ҳам қолмади. Аҳлу аёли, мулозимлари, хизматкорлари ва хазинасини олиб Жайхуннинг нариги тарафига ўтиб кетди ва кўп тоғу тош ва доvonлар ошиб, тўғри Шабартуга<sup>1</sup> борди. Шу ерни паноҳ қилиб, Жайхуннинг теvarак-атрофига хабаргирлар жўнатди. Хабаргирлар башарти нохуш гап топиб келгундай бўлсалар, Шабартуни ҳам тарк этиб, Ҳиндистонга кетиб қолмоқчи бўлди амир Ҳусайн.

Темурбек амир Ҳусайн тутган ишни қилмади. Одамларини эсон-омон Кешга олиб келди ва шаҳарни бир оз бўлса-да мустаҳкамлаш ва лашкар йиғиш билан банд бўлди. Ўша пайтда Кешнинг мудофаа иншоотлари йўқ эди. У Илёсхўжахондай хавfli душманнинг хуружига бардош беролмасди. Шу сабабли Темурбек Самарқандга бормоқчи ва ўша ердаги бор кучларни йиғиб, мўғул босқинчилари билан курашни давом эттирмоқчи бўлди. Шу мақсадда Темурхўжа ўғлон, Жовурчи, Аббос баҳодир ва бошқаларни етти қўшин қилиб Самарқандга жўнатди. Самарқандда қўрқиб-писиб ўлтирган амирлар Темурбекнинг одамлари келганидан хурсанд бўлдилар. Темурбекнинг азм-қарори уларнинг кучига-куч ғайратига-ғайрат қўшди. Лекин, Жовурчи баҳодир бир куни кайф устида ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир гапни айтиб қўйди. У ҳамманинг олдида билиб-билмасдан "Темурбек До-

<sup>1</sup>

*Шабарту* — Ҳиндукушдаги доvonлардан бирининг номи.

вудхўжа билан амир Ҳинду акани амир Ҳусайнга тутиб бермоқчи, биз шундай топшириқ бирлан келганмиз",— деб қолди. Самарқандлик амирлар бу иғвога учиб, эрта тонгда, Темурбекнинг одамлари қаттиқ ухлаб ётган пайтда, Самарқанддан чиқиб кетдилар. Чунки, амир Ҳусайннинг қассоблигини яхши билардилар. Улар тўғри Илёсхўжахоннинг олдига бордилар. Илёсхўжахон уларни қўшинининг манғулой қисмига ғажарчи қилиб тайинлади.

Мўғуллар йўл-ўчарда ҳам, Самарқандга яқинлашиб қолганларида ҳам қаршилиikka учрамадилар. Самарқандлик амирлар эса мўғулларнинг қоровул қисми яқинлашиб қолганини эшитиб шаҳарни ташлаб қочдилар. Юз берган бу воқеа тез фурсат ичида Кеш билан Ҳузорга ҳам тарқалди. Темурбек амир Жоку барлос ва бошқалар билан кенгашиб ноилож эл-юртини тарк этди ва Жайхундан ўтиб, Балхда қарор топди.

Шу тариқа, бир умр халқнинг нонини еб отини минганлар, эл-юрт бошига оғир кунлар келганда бу сафар ҳам ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, жуфтакни ростлаб қолдилар.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, ўша пайтларда Самарқанднинг ҳам мустаҳкам девори ва қалъаси йўқ эди. Шаҳарнинг мудофаа иншоотлари 1220 йили, Чингизхон хуружи пайтида, вайрон қилинган эди. Шундан бери Самарқандни ҳеч ким тикламади. Шаҳарнинг чор атрофи очиқ, бунинг устига ўша кунлари у ерда аскар ҳам йўқ эди. Илёсхўжахоннинг амирлари уни найзанинг учини оғритмасдан эгаллаш ниятида эдилар. Лекин умидлари пучга чиқди. Хайрият, Самарқандни ҳам, халқини ҳам ҳимоя қилувчилар бор экан. Улар халқ йўлига, эл-юрт озодлиги йўлига жонини фидо қилиб, бошини тиккан одамлар эканлар. Тарих китобларда улар сарбадорлар, яъни бошини дорга тикканлар деб аталардилар. Сарбадорлар аҳолининг уч тоифаси: зиёлилар, ҳунармандлар ва ҳарбийлар орасидан чиққан кишилар бўлиб, ўзларининг маълум ҳаракат дастурига эга эдилар. Улар мамлакат ва маҳаллий халқни қарийб 145 йилдан бери эзиб келаётган мўғул босқинчилари ва уларнинг маҳаллий халқ орасидан чиққан малайлари: катта ер эгалари ва йирик савдогарлар зулмига қарши бош кўтариб, мамлакатда халқ ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган одамлар эдилар.

Шаҳарни яна мўғул лашкари тарафидан босиб олиш хавфи кучайган ана ўша оғир кунларда ҳокимлар эмас, балки сарбадорлар меҳнаткаш халқнинг жонига оро кирдилар. Мўғул лашкари қоровулининг қораси кўриниши билан ўша сарбадорларнинг бошлиқлари: Самарқанддаги мадрасалардан бирининг мударриси Мавлонозода, наддоф<sup>1</sup> Абубакр Калавий ва мерган йигит Хурдак Бухорийлар Самарқанд ва самарқандликларнинг кўксига қалқон бўлишди.

Сарбадорларнинг етакчилари ўша заҳотиёқ йиғилишиб шаҳарни мудофаа қилиш ва бостириб келаётган душман билан курашиш режаларини туздилар, халқни қуроллантирдилар; ҳаммани сафарбар қилиб, кечаси билан ишлаб шаҳарнинг кириш-чиқиш ерларини мустаҳкамладилар. Катта-кичик кўчаларни у ер, бу еридан тўсиб, ёнига тош ва темир парчаларини уйдилар. Эртаси куни намози бомдоддан кейин Мавлонозода ва унинг ўринбосарлари муҳим бир қарорни халойиққа эълон қилдилар. Ушбу қарорга кўра, шаҳарда ҳокимият ўша кундан эътиборан халқ кўлига ўтади: божу<sup>2</sup> хирож<sup>3</sup> ва бошқа олиқ-солиқларнинг ҳажми бирмунча камайтирилади. Ислом дини қабул қилинганига 700 йил кечганига қарамай, халқдан ундириб келинаётган жизя солиғи бекор қилинди. Қул меҳнати бир қадар енгиллаштирилди.

Ўша куни чошгоҳга яқин мўғуллар шаҳарнинг Шоҳи зинда тарафида шоҳ кўчада пайдо бўлдилар. Улар шаҳарни бўм-бўш фараз қилиб, бамайлихотир келар эдилар. Кўчанинг бошланиши ерида, унинг икки тарафига қўйилган пистирма сездирмай уларни ўтказиб юборди. Мўғуллар тўсиб қўйилган тўсиқларга дучор бўлдилар. Ана шундай тўсиқлардан бири Чорсуда эди. Мўғуллар тўсиққа ўт қўймоқчи бўлдилар. Лекин кўчанинг икки тарафидан отилган ўқ ёмғирига дучор келдилар. Уларнинг кўпчилиги отдан қулаб тўсиқлар олдида ер тишладилар. Мўғулларнинг кунботар тарафдан бостириб кирган бошқа гуруҳи ҳам кўзлаган мақсадига эришолмади. Эртаси куни мўғуллар шаҳарни манжаниқлардан<sup>4</sup> ўққа тутдилар.

<sup>1</sup> *Наддоф* — пахта титувчи.

<sup>2</sup> *Бож* — ҳунармандлар ва савдогар аҳлидан олинадиган солиқ.

<sup>3</sup> *Хирож* — даромад солиғи. У асосан деҳқонлардан олинган ва кўпинча даромаднинг учдан бир қисмини ташкил этган.

<sup>4</sup> *Манжаниқ* — тош отувчи махсус қурилма.

Ўшанда кўп уй-жойлар вайрон бўлди, қурбонлар ҳам берилди. Лекин Самарқанд ва самарқандликлар таслим бўлмадилар. Унинг эртасига ундан ҳам шиддатлироқ уруш бўлди. Мўғуллар барибир мурод-мақсадига етолмадилар. Бунинг устига, халқнинг қарғиши ва Худонинг қаҳрига учрадилар — отлари ва чорполарига ўлат касали тегиб, кўп от-уловидан айрилдилар. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг сўзларига қараганда, ўшанда тўрт суворийдан фақат биттасида от қолди, холос. Мўғуллар ўша куниёқ бор лашкарларини йиғиб, шаҳарни ташлаб қочдилар. Улар нафақат Самарқандни, балки тамом Мовароуннаҳрни бўшатиб чиқишга мажбур бўлдилар, ўшанда.

Шундай қилиб, мўғулларнинг 1360, 1361, 1365 йиллари Чигатой улусининг бу катта ва муҳим қисмини ўз ҳукмига итоат эттиришга қаратилган босқинчилик уруши барбод бўлди.

## Тўртинчи боб

### ТЕМУР ВА ҚАМАРИДДИН

Улусбеги Пўлодчи Туғлуқ Темурхондан сал олдин вафот этди. Аммо нимагадир унинг мансабини Қамариддинга беришмади. Бу олий мансаб қариндоши амир Худойдодга насиб бўлди. Амир Қамариддин хоннинг эътиборли амирларидан эди. Шунинг учун хоннинг ҳузурига кириб тиз чўкди ва амир Худойдоднинг ҳали ёш эканлиги, сиёсатда тажрибасизлиги, аслида эса ушбу лавозим шаръан қонун бўйича унга тегишли эканлигини ётиғи билан тушунтирди. Барибир, Туғлуқ Темурхон унинг сўзларига эътимод қилмади. Амир Қамариддин хондан норози бўлди, лекин бошда буни пинҳон тутди, ҳеч кимга билдирмади. Илёсхўжахон (1363—1369) даврида эса дуғлат амирлари билан хон ўртасидаги муносабат кескинлашди. Оқибатда хон дуғлат амирларини давлат ишларидан четлаштирди. Бу иш хон ва унинг ҳукуматига зарар келтирди. Хондан норози бўлган мўғул амирларининг сони тобора оша бориб охири 1367 йили хонга қарши очиқ кураш йўлига ўтдилар. Ҳатто улар Мўғулистоннинг Олмалиқ, Бешбалиқ каби шаҳарлари устига босқин уюштира бошладилар. Амир Қамариддин мамлакатдаги беқарорликдан усталик билан фойдаланди

ва 1369 йили Илёсхўжахонни ўлдириб, Мўғулистон ҳокимиятини қўлга олди. "Тарихи Рашидий" муаллифи келтирган бир ривоятга кўра, амир Қамариддин бир кунда хондан бошқа яна ўн саккиз нафар хонзода ва хоннинг яқинларини ўлдирган. Улардан биттаси тирик қолди. Амир Худойдод Туғлуқ Темурхоннинг Оқа бика номли хотинидан туғилган сағир ўғли Хизрхўжахонни асраб қолди, холос.

Қамариддин тиниб-тинчиб кетмади. У Чигатой улусининг ғарбий қисмини, яъни Мовароуннаҳр ва унинг теvarак-атрофидаги ерларни ҳам ўзига қаратиб олишга, яна бус-бутун Мўғулистонни барпо қилишга бел боғлади. Чигатой улусини тиклашни Амир Темур ҳам ўзига мақсад қилиб олган эди. Шу боис 1370—1389 йиллар орасида — Амир Темур билан Қамариддин ўртасида катта урушлар бошланиб кетди. Бир-бирларининг мулкига қилиб турилган хуружлар, Мўғулистоннинг катта-кичик водийлари ва жилғаларида бўлган урушларни ҳақиқатан ҳам муҳолифлар ўртасидаги ҳаёт-мамот уруши деб атаса бўлади. Қисқаси, ҳар иккала тараф бир-бирининг ҳарбий-сиёсий синдириш, Чигатой улусини эски аслига келтириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, жилла бўлмаганда унинг устидан ўз сиёсий таъсирини ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб олдилар. Шу мақсад йўлида жон олиб-жон бериб курашдилар.

Амир Темур ўн йил мобайнида Мўғулистон устига етти марта ҳарбий юриш уюштирди.

Биринчи юриш ҳижрий 772 (1370-71) йили бўлди. Бунга амир Қамариддиннинг Тошкент устига қилган хуружи баҳонайи сабаб бўлди. Ўша йили у Ила бекларидан Кепак, Темурбек, Шер Аввалбек, Ҳожибек билан бирикиб Тошкент устига хуруж қилди ва шаҳарни тасарруфга киритиб олди. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, ораларида низо чиқиб, Қамариддин Тошкентни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Амир Темур бунга жавобан мўғулларга қарши қўшин юборди ва улар душманни Қўчқор мавзёигача таъқиб қилиб бордилар.

Иккинчи юриш орадан тўрт йил ўтиб, ҳижрий 775 йил охирида (милодий 1374 й. май ойида) бошланди. Амир Темур қўшини билан Сирдарёдан ўтиши ҳамоно Мунқаз ва Авранг Темур эли итоатга келди. Ўшаида Тошкент ҳокими Баҳром жалоир ҳам Суюрғатмишхон билан Амир Темур ҳокимиятини тан олди. Лекин Мунқаз ва Авранг Темур элига ҳам, уларнинг йўлбошчиларига

ҳам ишониб бўлмасди. Ва яна ўша Мунқаз ва Авранг Темур эли тепасида турган Кепак Темур билан Баҳром жалоир бир-бирларига тескари бўлишган эди. Бугун бўлмаса эртага уруш чиқиб қолиши ҳам икки эмасди. Бундан ташқари, жалоирийларнинг ўзлари орасида ҳам келишмовчиликлар мавжуд эди. Баҳром жалоирнинг Сада эшон ва Тезакчи баҳодир билан муносабати ҳам яхши эмасди. Бундай шароитда Тезакчи баҳодир, ёки Сада эшоннинг Кепак Темур билан тил бириктириб, жалоирийларнинг ичида уруш-талаш бошланиб кетиши ёки Тошкент устига босқин уюштиришлари, ёки амир Қамариддинга қўшилиб кетишлари хавфи туғилган эди. Амир Темур мана шуларни ҳисобга олиб, ҳар эҳтимолга қарши, бир неча амирни — Аббос баҳодир, Шайх Али баҳодир ва Хитой баҳодирларни қўшин билан Тошкент атрофида қолдириб, ўзи Самарқандга қайтди.

Амир Темурнинг шубҳалари тўғри бўлиб чиқди. Самарқандга қайтганидан кўп вақт ўтмай, Кепак Темур табааларини олиб Мўғулистон тарафга қочиб кетди. Аббос баҳодир, Шайх Али баҳодир ва Хитой баҳодир, Баҳром жалоирни ўзларига қўшиб, Кепак Темур ва одамларининг орқасидан тушдилар ва Ойша хотин кўпригида унга етиб олдилар. Мўғулларнинг катта кучи ҳам ўша ерда турган экан. Икки ўртада қаттиқ уруш бўлди, лекин тарафларнинг биронтаси устунликка эришолмади. Улар эртаси куни яна сафга тизилдилар, бироқ аҳвол урушгача бориб етмади. Уруш бошланмасдан олдин Темур амирларининг қароргоҳига мўғулларнинг элчиси келди. Темурий амирлар ўзаро кенгашиб сулҳга рози бўлдилар.

Амир Темур сулҳдан хабар топиб амирларидан бир қадар ранжиди ва бир ой тайёргарликдан кейин лашкарни ўзи олиб Мўғулистон устига отланди. Янги (Қозоғистоннинг ҳозирги Жамбул шаҳари)дан ўтгандан кейин душман лашкарининг қораси кўринди. Шу ерда мўғуллар ҳийла-найранг ишлатдилар. Йўлнинг икки тарафига пистирмалар қўйиб ва асосий кучини ўша ерда қолдириб, ўзлари оз куч билан чекина бошладилар. Амир Темур туркларнинг Ўғизхон замонидан қолган бу расм-одатини яхши биларди. Шунинг учун мўғулларнинг найрангига учмади. Бир қисм лашкарни чекинувчиларнинг кетидан жўнатиб, ўзи қўшиннинг асосий қисми билан, мўғулларнинг ўша ерда турган қисмлари ва пистирмаларининг пайига тушди. Пировардида, Амир Темур мўғулларнинг ўша ерда турган қўшинларини бирёқлик қилди-ю юришни



шу ерда тўхтатди. Бунга Амир Мусо билан Зинда чашмларнинг феъл-атвори ва кайфиятидаги носозлик сабаб бўлди. Ҳазрат соҳибқирон ҳақ бўлиб чиқди. Туркистонга, Адин кўзи деган бир манзилга етганларида уларнинг ҳазрат соҳибқиронга қарши фитна уюштирганликлари маълум бўлди. Уша кечаси унинг чодирини тева-рак-атрофдан қаттиқ тирборон этилиб, тилка-пора қилинди. Бу пайтда Темур чодирда йўқ эди. У, яқинларининг маслаҳати билан, барвақт бошқа чодирга кўчиб олган экан.

Амир Темур ўзини ҳеч нарса билмаганга солди. Самарқандга борганларида фитначилар сардори амир Мусо, Зинда чашм, Ҳизр Ясовурийнинг ўғли Абу Исоқ, ҳазрат Худовандзода Абулмаолий<sup>1</sup> ва Шайхулислом мавлоно Абуллайсий ҳибсга олиндилар. Сўроқ-тафтишлардан кейин Зинда чашмни суюрғол мулкидан маҳрум қилиниб, уни Худовандзода Абулмаолийга қўшиб юртдан чиқариб юборилди. Фитна бошлиғи амир Мусо эса ўлимга маҳкум этилди, лекин қариндоши Сароймулк хоним ўртага тушиб, жаллоднинг қўлидан қутқариб олди.

Мўғулистон устига учинчи юриш ҳижрий 776 йил шаъбон ойининг биринчи куни (1375 йилнинг 5 январида) бошланди ва, умуман олганда, муваффақиятли тугади. Амир Қамариддиннинг асосий кучлари Жорун, Кўк тома ва Бурка руриёнда тор-мор келтирилди. Амирзода Жаҳонгир бош бўлган илғор қисмлар эса Ила дарёсининг нариги тарафига ўтиб, мўғулларга қақшатқич зарба берди. Бу юришда Темур қўшини Қамариддинни Пойи тоққача қувиб борди. Бироқ шу ерда келганда амир Қамариддин кўздан ғойиб бўлди. Амирзода Жаҳонгир уни тутиб келиш учун юборилди.

Амир Темур Пойи тоғда эллик уч кун турди. Шу ватқ ичида амирзода Жаҳонгир Қамариддинни кўп қидирди, тополмагач, охири Уч кармондан катта ўлжа ва асирлар олиб қайтди. Асирлар орасида Қамариддиннинг оғаси амир Шамсиддиннинг қизи Баён оға билан унинг қизи Дилшод оға ҳам бор эдилар.

Олий ўрду ва қўшин Пойи тоғдан кўчиб, Қора қисмиқ яйлови, Отбош орқали Арпа ёзига келиб тушдилар. Амир Темур Тангри тоғнинг мана шу дилкушо манзилида катта тўю томошо бериб Дилшод оғони хотинликка олди. Сўнг,

1

Ҳазрат Худовандзода Абулмаолий — Термиз саййидларидан. Амир Темур уларга бир умр ҳомийлик қилган.

қўшинлар Ясси довондан Фарғонанинг Ўзгандига келиб тушдилар. Ўзганд яқинида Амир Темурни мадҳ улё Қутлуғ Туркон оға, қариндошлари ва хизматкорлари билан келиб, кутиб олдилар.

Амир Темур Қаршига борганда лашкарни юрт-юртига тарқатиб юборди ва 1375-76 йил қишини Қаршининг ғарбий тарафида, ундан тахминан икки кунлик йўлда жойлашган марҳум Қозонхоннинг Занжир саройида кечирди.

Ўша қишда Хўжанд ва Ўратепада турган беклар Одилшоҳ (Баҳром жалоирнинг ўғли), Шайх Муҳаммад (Баён сулдуснинг ўғли) ва Сор Буға қипчоқ Амир Темурга қарши исён кўтардилар. Аввал Оқ ўрда<sup>1</sup> хони Урусхон (1361-1375) ҳузурига, сўнг, унинг вафотидан кейин Мўғулистонга, Қамариддиннинг олдига қочиб бордилар. Қамариддин бу воқсадан ўзгача хулоса чиқарди. Амир Темур салтанатида бузилиш пайдо бўлди, деган фикрга келди ва 777 йилнинг қиш ўртасида (1376 йилнинг январь ойида) соҳибқироннинг Хоразмда эканлигидан фойдаланиб, Фарғона вилоятига юриш қилиб Андижонни босди. Бунинг устига, қозоқ ҳазораси ўша пайтда Фарғонада ҳоким бўлиб турган Умаршайх мирзодан аразлаб, мўғуллар тарафига ўтиб кетди. Устига устак, Умаршайх ҳам лашкарни уй-уйига тарқатиб юбориб, кам сонли черик билан қолган эди. Шу сабаб у Қамариддинга қаршилиқ кўрсатолмади ва қишнинг ўша совуқ кунлари аҳлу оиласи, мулозим ва хизматкорларини олиб Андижон билан Ўш оралиғидаги тоққа чиқиб кетди.

Андижонда содир бўлган бу хунук воқсадан ташвишга тушган Амир Темур тез фурсатда теварак-атрофнинг лашкарини йиғиб Фарғона устига отланди. Амир Қамариддин Темурнинг лашкар билан ўзи келаётганини эшитиб Андижон, Косон, Ўш ва Ўзгандни талаб Отбош тарафга чекинди. У Амир Темур буни жазосиз қолдирмаслигини биларди. Шунинг учун Отбошга келиб тушиши ҳамон аҳлу оиласини лашкарнинг бир қисмига қўшиб, Мўғулистоннинг ичкарасига жўнатиб юборди, ўзи бўлса 4.000 отлиқ аскар билан Отбошдан чиқаверишда, йўлнинг икки тарафида, пистирмалар қўйиб ётди.

1

Оқ ўрда — Жўчи улусининг сўл қаноти. Таркибига Сирдарё ва Орол денгизидан то Ишим ва Сариксувгача, шарқда Балхаш кўлигача бўлган ерлар кирган; пойтахти Сигноқ.

Амир Темур Қамариддинни Отбошгача таъқиб қилиб борди. У қурган пистирмадан беҳабар ҳолда қўшиннинг катта қисмини амирзода Жаҳонгир бошчилигида мўғулларни таъқиб қилиш учун юборди. Унинг ёнида 200 йигити, Хитой баҳодир ва Шайх Али Баҳодирдан бўлак одами қолмаган эди. Ҳар эҳтимолга қарши, мудо-фаа чораларини кўриб қўйди. Лашкаргоҳ теварагини аравалар билан тўсиб, бир-бирига занжирлатиб қўйди; теваарак-атрофда қоровулларни кучайтирди.

Бу сафар амир Қамариддиннинг хурсандлиги чексиз эди. Ниҳоят, Темурбекдай енгилмас саркарда тузоққа илинди. У озгина кучи билан қопқонга тушиб ўлтирибди. Отбошнинг кириш-чиқишини тўсса бас, бу ёғи аниқ — Темурбек маҳв этилажак! Қамариддиннинг кўпдан ор-зиқиб кутган ғалабага ишончи баланд эди.

Тузоққа илинганини Амир Темур анча кейин пайқади. Лекин ҳазрат соҳибқирон ҳам, одамлари ҳам ваҳимага тушмадилар, аксинча бир жон-бир тан бўлиб ҳаракат қилдилар. Илк саҳарда қуршовни ёриб чиқиб, мўғул-ларнинг йўл устида турган қисмини тор-мор келтирдилар. Тўсатдан қилинган ҳужум Қамариддинни довдиратиб қўй-ди. Амир Темурга ёрдамчи кучлар етиб келди, деб фараз қилиб, чекинишни буюрди. Темурнинг аскарлари Санг-ёғочда бўлган урушда ҳам ғолиб келдилар. Амир Учқора Қамариддинни кўздан қочирмай таъқиб қилиб борди. Йўл устида бўлган яна бир тўқнашувда Қамариддиннинг отига ўқ тегиб ўлди, ўзи эса бир неча еридан захмдор бўлди. Шунга қарамай, жонини омон сақлаб қола билди. Қисқа-си, бу гал ҳам Қамариддинни қўлга тушуrolмадилар.

Соҳибқирон амирзода Жаҳонгирнинг ўлими туфайли Самарқандга қайтишга мажбур бўлди. Таъзия маросим-лари ўтгандан кейин, ўша 1376 йили мўғулларга қарши уруш давом эттирилди. Ҳазрат соҳибқирон лашкар билан Қамариддинга қарши амирзода Умаршайх, амир Оқбўға ва Хитой баҳодирни жўнатди. Улар зўр суръат билан ҳаракат қилиб, амир Қамариддинга Қоратепанинг этагида етиб олиб катта шикаст етказдилар. Лекин Қамариддин қолган-қутган одами билан яна қочиб қутулди. Темурий амирлар катта ўлжа ва асирлар олиб қайтдилар.

1377 йил баҳор фаслида Амир Темур Мўғулистон устига тўртинчи бор ҳарбий юриш уюштирди. Ниҳоят, ашаддий рақибини тамом ўртадан кўтариб ташлашга аҳд қилди у. Катта қўшиннинг манғулой қисмига амир Мусо,

1

Мангулой — илгор қисм; авангард.

Аббос баҳодир ва амир Оқ Темур тайинландилар. Улар кечаю кундуз тиним билмай йўл босиб, Иссиққўлнинг Буғам деган ерида амир Қамариддинга етиб олдилар. Биринчи тўқнашувдан кейиноқ мўғуллар мағлуб этилиб, чекинишни ихтиёр қилдилар. Темурий амирлар шу ерда катта ўлжалик бўлдилар. Ҳазрат соҳибқироннинг ўзи бош бўлиб, Қамариддинни Қўчқоргача қувиб борди. Шу ерда Самарқанддан чопар Тўхтамиш ўғлон Урусхондан мағлуб бўлиб олий остонага бош уриб келганлиги ҳақида хабар келтирди. Амир Темур шу Оқ ўрда тарафдан хавфсираб юрган эди. Бу хабар унинг ташвишига-ташвиш қўшди. Демак, Оқ ўрдада тожу тахт учун кўпдан бери бораётган курашда Урусхоннинг қўли баланд келибди. Ким билсин, балки у энди Мовароуннаҳр ёки Хоразмга кўз тикар. Қамариддин билан бирикса-чи? Унда эндигина оёққа туриб келаётган салтанати яна хавф-хатар остида қоладими?! Нима қилиб бўлса ҳам Урусхонни ўзаро кураш гирдобига тортиб ўз-ўзи билан овора қилиб қўйиш керак. Бунинг учун Тўхтамиш ўғлонни силаб-сийпаб ва зарур ёрдам кўрсатиб, тезроқ унга қарши оёқлантириши даркор. Шуни ҳисобга олиб Амир Темур юришни шу ерда тўхтатишга ва Самарқандга қайтиб Тўхтамиш ўғлон ва Оқ ўрда масаласи билан машғул бўлишга қарор берди. Ўзи боргунча хонзодани овунтириб турсин учун Туман Темур ўзбекни унинг истиқболига жўнатди. Ҳазрат соҳибқироннинг ўзи ҳам Ўйноғу ва Ўзганд орқали Самарқандга қайтди.

Темур саройида Тўхтамишхонга зўр иззат-ҳурмат кўрсатди. Орадан кўп вақт ўтмай унга керакли қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, от-улов, жавоҳир ва нақдинолар берди ва байроқ ҳамда нақора билан таъминлаб, Оқ ўрдага қайтариб юборди. Ўшанда Тўхтамиш ўғлон Амир Темурнинг катта ёрдами билан Сарбон билан Сиғноқда мустаҳкам ўрнашиб олди.

Мана шу тўрт юришдан кейин амир Қамариддиннинг қаноти синди, Мўғулистоннинг ҳарбий кучи тор-мор этилди. Мўғулнинг энди бирмунча вақт Фарғона ёки Туркистонга кўз олайтиришга мажоли қолмади. Тўғри, ҳали Анқо тўра ва Ҳожибекка ўхшаш катта амирлари бор. Ҳали улар шу кунларда катта ҳарбий кучга эга, лекин ораларида иттифоқчилик йўқ. Агар бирга бўлганларида Тўхтамиш ҳам, Мўғулистон ҳам шу кунларга қолмаган бўлур эди. Тўхтамишхон жон олиб-жон

1

*Байроқ ва нақора — олий ҳокимиятга эгалик белгиси.*

бериб кураш олиб бораётган маҳалда аксинча Анқо тўра билан амир Ҳожибек Амир Темур билан сулҳ тузиб, Ясси, Саброн, Сайрам ва Тошкентга, умуман Мовароуннаҳрнинг нариги тарафидаги вилоятларга бошқа таъдий ва босқин қилмасликка сўз бердилар. Ўшанда Темур бу ёғига катта хавф-хатар Оқ ўрда тарафдан, Урусхон тарафидан бўлишини ҳисобга олиб, Мўғулистон юришини Иссиққўлда тўхтатиб, Самарқандга қайтди. Бу сафар ҳам у юртига Ўзганд, Ўш, Андижон, Марғилон ва Хўжанд орқали қайтди.

Амир Темур Урусхон ва Хуросон ташвишларидан фориғ бўлгач, ҳижрий 785 (1383) йили амирзода Алини катта қўшин билан Мўғулистон устига отлантирди. Бу унинг Мўғулистон устига қилган бешинчи юриши эди. "Нима бўлса ҳам фитначи Қамариддинни тутиб кел!", деб буюрди у амирзодага. Бироқ амирзода Али топшириқнинг уддасидан чиқмади. Йўлда мўғулларнинг пистирмасига учраб, кўп одамидан айрилди ва орқага қайтишга мажбур бўлди. Ҳазрат соҳибқирон энди Мўғулистон устига тажрибали амирларни: Сайфулмулук, Сотилмиш ҳамда Арғуншоҳ ахтачини<sup>1</sup> туманлари билан юборди. Орадан кўп вақт ўтди. Улар бедарак кетишди. Шундан кейин уларнинг орқасидан амир Жаҳоншоҳ, Элчи Буғо, Шамсуддин Учқора ва Соин Темур баҳодир 10 минг сара отлиқ аскар билан юборилди. Отақумга етганларида амир Сайфулмулук, Сотилмиш ва Арғуншоҳ ахтачини қўшинлари билан шу ерда учратдилар. Улар баҳрин элини тор-мор келтириб ва тамом халқини талон-торож қилиб қайтган эканлар. Амир Жаҳоншоҳга ҳазрат соҳибқирон амир Қамариддинни тутиб келишни қаттиқ буюрган эди, Иссиққўлдан ўтиб, у ўша пайтда ўрду қуриб ўлтирган Култспагача борди. Афсуски, Қамариддинни у ердан ҳам тополмади.

XIV асрнинг 80-йиллари охирида Тўхтамишхоннинг агрессив сиёсати бошқача тус олди. "Ҳазрат соҳибқироннинг чексиз иноятлари ва ҳақ-ҳуқуқларини унутиш кайфияти пешонасига ёзилган экан, куфрон неъматлик водийсига қадам қўйди", деб ёзган эди тарихчи Шарафуддин Али Яздий. Агар у Мўғулистон беклари билан — Анқо Тўра, Ҳожибек ёки Қамариддин билан тил топишга ҳаракат қилиб қолгундай бўлса-чи? Унда нима бўлади? Амир Темурнинг кўнглидан шу фикр кечди-ю, фасод

1

Ахтачи — подишоҳ, хон отхонасининг хизматчиси.

газак олмасдан бурун Мўғулистон амирларини бартароф қилишга ақд қилди. Шу пайт Мўғулистонда қизиқ бир воқеа содир бўлди. Юқориоқда улусбеги Худайдод билан амир Қамариддиннинг оралари бузилиб қолганлиги, у мамлакатда ҳокимиятни эгаллаб олгач рақибларидан аёв-сиз ўч олганлигини айтиб ўтгандик. Шундан кейин амир Худайдод унинг кўзидан нарироқда бўлишни ихтиёр қилди ва Оқсувда ўрнашиб олиб, яхши кунлар келишини кутди. Лекин вақтни бекорга ўтказмади. Улусбеги ўшанда Туғлуқ Темурхоннинг сағир ўғли Хизрхўжани Қамариддиннинг қиличи дамидан қутқариб, Кошғар билан Бадахшон оралиғидаги бир тоққа яширган эди. Маълум вақт ўтиб, хонзодани у ердан бошқа ерга кўчирди, чунки хавфсизлик чораси шуни тақозо қиларди. Шундай қилиб хонзода амир Худайдоднинг ишончли одамлари назорати остида яна ўн икки йил мамлакатнинг шарқий-жанубий ҳудудларида, хусусан Лўбнўр кўли бўйида яширинча кун кечирди. Қаранг-а, худди латифага ўхшайди бу тарих. Агар эсингизда бўлса, отаси Туғлуқ Темурхоннинг тарихига ўхшаб кетади. Улусбегининг отаси амир Пўлодчи Туғлуқ Темурхонни шу тарзда яширган, сўнг одам юбориб олдириб келиб хонликка кўтарган эди. Хуллас, 1387 йили Хизрхўжа исмлиқ бир шахс Мўғулистон тахтига ўтқазилди.

Ҳазрат соҳибқирон ҳижрий 791(1389) йили катта қўшин билан йўлга чиқиб, Ол-қўшун, Бўрибоши ва Тспалиқ қирқ орқали Узтоғ довонига кўтарилди. Отлар бағоят чарчаб қолгани сабабли, ҳар ўн отлиқдан уч кишини пиёда Самарқандга қайтариб, отларини бошқаларга олиб бердилар. Юриш жуда оғир кечди. Отин сурига етгунларича сув бўлмади ва лашкар сувсизликдан кўп азият чекди. Йўл устида қудуқ қазишга мажбур бўлдилар ва сув топиб сипоҳийлар ҳам, чорпо ҳам ўзларини қондирдилар. Тўғра ўтлоқ деган ерда фармони олийга биноан шикор уюштирилди. Айғир ёли саҳросида ҳам шикор мўл бўлди. Шундан кейин зафар асар лашкар йўлга чиқиб, Ўлан жарлиқ саҳросидаги Чопар айғир мавзёсига келиб қўндилар. Шу пайт ўша саҳрода баҳрин қабиласини қидириб юрган Анқо тўранинг лашкаридан Авлун Буғо ва Анкажақ бир минг отлиқ аскар билан зафар асар лашкар ўнг қанотида қоровуллик қилиб турган Мирак элчи билан Пир Али тозлар билан тўқнашиб қолдилар. Охир-оқибат, мўғуллар чекинишга мажбур бўлдилар. Улардан бир кишини асир олиб дарҳол олий

остонага жўнатдилар. Ҳазрат соҳибқирон асирдан сўраб-суриштириб, Анқо тўранинг умумий аҳволини билиб олди. Маълум бўлишича, Анқо тўра ўша пайтда Уранг ёрни лашкаргоҳ қилиб ўлтирган экан. Ҳазрат соҳибқирон дарҳол унинг тепасига Шайх Али баҳодир билан Икки Темурни лашкарнинг илғор қисми билан отлантирди, ўзи эса қоронғу тун бўлишига қарамай, лашкарнинг қолган қисмини олиб йўлга тушди. Аммо бунинг оқибати хайрли бўлмади. Эрталаб маълум бўлдики, ғажарчи уларни йўлдан оздирган экан. Ўша куни кун бўйи Қасн қори йўлидан юриб кечки пайт Кўк солига келиб тушдилар. Эртаси куни эса Ой ўкузга келиб тўхтадилар. Амир Темур шу ерда амирзодалар, нўснлар ва амирларни тўплаб кенгаш ўтказди. "Биз чамаси уч кунлик йўлдан адашдик,— деди у,— ёғий эса шояд бундин воқиф бўлиб, теварак-атрофга тарқалиб кетган бўлса. Бинобарин, душманга қарши икки тарафдин борганимиз маъқул". Шундан кейин, лашкарнинг бир қисми амирзода Умаршайх бошчилигида бир тарафдан юборилди. Мўғулистонлик амир Ҳомиднинг ўгли амир Жалил унга ғажарчи қилиб тайинланди. Лашкарнинг иккинчи қисми билан ҳазрат соҳибқироннинг ўзи Шира, Шабарту, Қўймароғ, Кўрагон ва Буюрлағу йўли билан Қорағужурга қараб йўл олди. Амирзода Умаршайх Анқо тўрага Қобуқ сойининг бўйида етиб олди. Икки ўртада қаттиқ жанг бўлди, лекин ғалаба насими амирзода Умаршайхнинг байроғи сари эсди. Анқо тўра Қоқма буржўйга, ундан Ардиш (Иртиш) дарёси сари қочди. Умаршайх қатта ўлжалар билан олий ўрдуга қайтди. Кейин у Олакўл водийсини яна бир бор тинтиб чиқди. Қорағужурда лашкарга бир неча кун дам берилди. Тўпланган ўлжа ҳазрат соҳибқироннинг амр-фармони билан лашкарга тақсимлаб берилди. Шундан кейин амир Жаҳоншоҳ билан Учқора баҳодир 30 минг аскар билан Ардиш тарафга, Анқо тўрага қарши юборилди. Ҳазрат соҳибқироннинг ўзи эса Эмил ғужурга йўл олиб Сарой ўрдага бориб тушди. Бу ер Мўғулистон хонларининг асосий қароргоҳларидан бири эди. Темур лашкарнинг қолган қисмини Мўғулистоннинг жанубий ҳудудларига юборди. У мамлакатни шу сафар тўла бўйсундирмоқчи бўлди. Фармони олийга биноан, мамлакатнинг теварак-атрофига юборилган барча қўшинлар Мўғулистон хонларининг бош қароргоҳи Юлдузга тўпланадиган бўлди.

1

*Ғажарчи — йўл кўрсатувчи.*

Амир Темур ўшанда Туркистонда, Мўғулистон билан Ўзбекистон (Ўзбек улуси) ўртасида турган қўшинларни ҳам ҳаракатга солди. Улар олдиндан белгилаб берилган режага кўра, Ур довон, Ила дарёсидан ўтиб Суюткўл (Сайрам) ва Чечакликни ғорат қилишлари, сўнг Юлдузга қараб йўл олишлари керак эди. Туркистонлик амирлар ҳазрат соҳибқироннинг буйруғини тўлиқ адо этдилар, Юлдузга қараб бораётганларида эса йўлда Хизрхўжахон билан тўқнашиб қолдилар. Икки кун урушдилар, унда томонларнинг биронтаси устун келолмади; шундан кейин икки ўртада битим имзоланиб, тарқалиб кетишди.

Амир Жаҳоншоҳ билан Учқора баҳодир бошлиқ Анқо тўрага қарши юборилган қўшинлар эса уни Ардиш дарёси бўйидан топиб унга катта талафот етказдилар. Сўнгра катта ўлжаю асирлар билан Юлдузга, Амир Темур ҳузурига қайтдилар.

Ҳамма қўшинлар йиғилгач, Амир Темур ўлжа ва асирларни Самарқандга жўнатди. Сўнг, яна бирмунча вақт Хизрхўжахоннинг орқасидан тушиб, Чолиш (Қорашаҳар) гача қувиб борди. Умаршайхга эса Фарғонага қайтишга ижозат берди. Шундан кейин ҳазрат соҳибқироннинг ўзлари ҳам Самарқандга йўл олдилар ва 1389 йилнинг августида пойтахтга кириб келдилар.

Ҳижрий 792 (1390) йили Темур Қамариддинни Ардиш тарафларга қочган деб гумон қилиб (унинг бир йил муқаддам ўлиб кетганидан беҳабар эди) ва Анқо тўра билан қўшилиб кетишидан чўчиб, Шимолий Мўғулистонга яна аскар юборди. Унинг қўшинлари Тошкент ва Иссиқкўл орқали Кўктепага, у ердан Олмалиққа бордилар. Сўнг Ила ва Қоратол дарёларидан ўтиб, Ардишга чиқдилар. Лекин Қамариддинни ҳам, Анқо тўрани ҳам тополмай, мўғул улусларини талаб Балхаш орқали орқага қайтдилар. Амир Темур сўнгги юришларда катта ғалабани қўлга киритди. Мўғулистоннинг яна бир нуфузли амири Анқо тўранинг куч-қудрати синдирилди. Хўш, Қамариддинга нима бўлди? Биз уни кўздан ғойиб бўлганини (сал юқорироқда уни амир Жаҳоншоҳ қувиб бориб, Култепада кўздан қочирганини) айтган эдик. Тарихчи Муҳаммад Ҳайдар амир Қамариддиннинг бирмунча вақт теварак-атрофда кезиб юргани, сўнг истисқо касалига мубтало бўлиб, ўлиб кетганини айтади. Лекин, Анқо тўра синди-

1

*Истисқо касали* — қоринга сув йиғилиши орқасида бўладиган оғир касаллик; водянка.



рилгани, амир Қамариддин ўлиб кетгани билан Мўғулистон, барибир, бу сафар ҳам бўйсундирилмади. Бундан кейин мустақиллик учун кураш байроғини Хизрхўжахон қўлга олди. Аммо, сурункасига уруш бўлмади. Аксинча, тез орада ҳар иккала давлат ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилди. Хизрхўжахоннинг шу мақсадда Самарқандга жўнатган ўғли Шамъи Жаҳон Амир Темур билан сулҳ тузиб қайтди. Хизрхўжахон билан Амир Темур қариндош бўлиб олдилар — Хизрхўжахон қизи Тўкал хонимни Амир Темурга хотинликка берди.

Шундай қилиб, ўн йил мобайнида олиб борилган қуролли кураш барибир Чиғатой улуси иккала қисмининг бирлашишига олиб келмади. Мўғулистон — Мўғулистонлигича, Мовароуннаҳр — Мовароуннаҳрлигича қолди. Лекин, Иссиққўл атрофидаги ерлар Темур давлатига қўшиб олинган бўлиши керак, чунки 1402 йилдан кейин Кичик Осиёдан кўчирилган қора тоторларни у Иссиққўл атрофидаги ерларга ўрнаштирди. Хитойга юриш олдидан эса Амир Темур Мўғулистоннинг шимолий қисмини Тошкентга қўшиб уни Мирзо Улуғбекка улус қилиб берди, Шарқий Туркистонни эса Фарғонага қўшиб Иброҳим Султонга берди. Лекин бу ерларни ҳали бўйсундириш керак эди. Хитойга юриш эса ҳазрат соҳибқироннинг вафоти туфайли (1405 й. 18 февраль) ўлда-жўлда қолди.

## Бешинчи боб

### МЎҒУЛИСТОН XV АСРДА. ЧИҒАТОЙЛАР БИЛАН ТЕМУРИЙЛАР МУНОСАБАТИ

Хизрхўжахон бор-йўғи уч йил ҳокимият тспасида турди ва 1389 йили вафот топди. Мамлакат яна Чиғатойларнинг тожу тахт учун кураши исканжасида қолди. Кураш асосан марҳум хоннинг тўрт ўғли: Шамъи Жаҳон, Муҳаммад ўғлон, Шерали ўғлон ва Шоҳ Жаҳон ўғлон ўртасида кечди. Бу воқеа тез орада тсварак-атрофдаги мамлакатларга ёйилди. Шарафиддин Али Яздий бундан ҳатто етти йиллик уруш (1399-1404) пайтида Ғарбий Эрон ва Озарбайжон тарафларда турган Амир Темур ҳам хабар топганини айтади. Масалан, у бундай деб ёзади: "(Ўша пайтда содир бўлган воқсалардан) яна бири шулки, Жете мамлакатининг ҳукмдори Хизрхўжа ўғлон вафот топди; ўғиллари Шамъи Жаҳон ўғлон, Муҳаммад ўғлон,

Шерали ўғлон ва Шоҳ Жаҳон ўғлон ўртасида нифоқ чиқиб, бу халойиқ ўртасида фисқу-фасод ва исён чиқишига сабаб бўлди". Фарғонани идора қилиб турган Умаршайх мирзонинг фарзанди Мирзо Искандар бундан фойдаланиб, Андижон лашкари ва амирлардан Пирмуҳаммад Тағой Буғо барлос, Нурак барлос, Баён Темур бекчиқларни олиб Кошғар устига юриш қилди. Буни эшитиб, Мўғулистон сарҳадида қўшин билан турган Бердибек, Худайдод Ҳусайний, Шамсиддин Аббос, Додмалик барлос, Сиддиқ тобон каби амирлар ҳам ҳаракатга келдилар. Мазкур амирлар амирзода Искандарга Кошғарда бориб қўшилдилар. Сўнг биргаликда мамлакатнинг ичкари районларига юрдилар. Ўшанда улар Ёркандгача бордилар ва уни талон-тарож қилдилар. Ундан Сориқ қумаш, Калпин, Олакўл, Ёрқўрғон, Чоҳартоқ ва Кийик боққа етиб торож қилдилар. Уч шаҳарини бўйсундирдилар ва ўша тарафларда юрт қуриб ўлтирган элу улуснинг бир қисмини кўчириб Оқсувга қараб юрдилар. Оқсувнинг бир-бирига туташ учта мустақкам қалъаси бор эди. Амирзода уни қирқ кун давомида қамал қилди. Сўнг шаҳар боёнлари пешкашлари билан чиқиб қалъани унга таслим этдилар. Ўшанда шаҳарда катта карвон билан турган Хитой савдогарларини ҳам тамом мол ва карвони билан олиб чиқиб шаҳзода Искандарга топширдилар. Шундан кейин Темурийзоданинг қўшини Бой ва Кавсонга юриб уларни торож қилдилар. Шу ерда турган амир Хизршоҳнинг ҳарами Ҳожи Мулк оға ва унинг қизи Эсон мулк асир олиндилар. Ўшанда амирзода Искандарнинг қўшинлари Торимни ҳам олиб, халқини кўчириб олиб кетдилар. Сўнг улар Хўтандан то Хонбалиққача бўлган ерларни босдилар. Амирзода ўша йилги (1399 й.) қишни Хўтанда ўтказди.

Хизрхўжахоннинг ўғлонлари ўртасидаги кураш қандай кечгани тафсилоти ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин ўшанда амирлар келишиб, марҳумнинг тўнгич ўғли Шамъи Жаҳон ўғлонни тахтга ўтказдилар. Турк-мўғул халқлари ўртасида қадимдан амалда бўлган тўнгич фарзанднинг ҳақ-ҳуқуқи ва имтиёзи Муҳаммад ўғлон, Шерали ўғлон ва Шоҳ Жаҳонни шу қонун-қоидага бўйсунушга мажбур этган.

Шамъи Жаҳон чамаси Мўғулистонда барқарорлик ўрнатишга муяссар бўлган, чунки Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннаҳр устига юриш тараддудига тушган. Чунки мамлакат нотинч бўлганда бунга жазм қилолмас

эди. Шамъи Жаҳон бунга ҳатто Хитойни ҳам тортмоқчи бўлиб, шу мақсадда 1407 йили Хонбалиққа элчи юборган. Хитой императори бунга нима жавоб қилгани бизга номаълум. Аммо 1408 йили Шамъи Жаҳон вафоти сабабли бу юриш амалга ошмай қолди.

Шамъи Жаҳоннинг ўрнини иниси Муҳаммадхон эгаллади. У қаттиққўл ва сиёсатдон одам эди. У мамлакатда тартиб-интизом ўрнатди, хусусан ҳали мусулмон бўлмаган мўғуллар орасида исломни ёйишда саъй-ҳаракат кўрсатди. Бунга итоат этмаганларга қаттиқ чоралар кўрди. Муҳаммад Ҳайдарнинг сўзларига қараганда, Муҳаммадхон мўғулларни салла ўраб юришга мажбур қилди, бунга итоат қилмаганларни эса муҳтасиблар тутиб олиб бошига мих қоқдилар. Муҳаммадхон Темурийлар давлатига нисбатан устомонлик билан сиёсат юргизди. Масалан, бошда Ҳиротга элчи юбориб, Шоҳрух мирзога тобёлик ва хизматкорлик изҳор этди, ҳатто улар қуданда тутиндилар. Ўшанда Шамъи Жаҳоннинг қизи Мехр Нигор хонимни Муҳаммад Жукий мирзога хотинликка олиб бердилар. Лекин исёнчи амир Худайдод Ҳусайний Халил Султонни асир олиб (1409 йил 30-март куни), Мовароуннаҳрга ҳокимлик даъво қилиб юрган йиллари (1403-1410) уни қўллаб-қувватлаб, Шоҳрух Мирзога гарданкашлик қилди. "Муҳаммадхон,— деб ёзади тарихчи Абдураззоқ Самарқандий,— биродари Шамъи Жаҳонни амир Худайдоднинг илтимосига биноан ёрдам учун юборди. (Шамъи Жаҳон) Тошкент атрофига етгач, амир Худайдод уни зўр хурсандлик билан кутиб олди ва (ҳурмат эҳтиром ҳамда) хизматкорлик шартларини бажо келтирди". Худайдод Ҳусайний шундан кейин Мовароуннаҳр қўлга кирди, деб фараз қилди ва Самарқанд устига юриш тараддудига тушди. Бироқ унинг бу орзуси ушалмай қолди — Шамъи Жаҳон ёрдам ўрнига халақит берди унга. Шамъи Жаҳон аслида ҳушёр ва кенг мулоҳазали йигит эди. Биродари Муҳаммадхоннинг амр-фармони билан бу ерларга келишга келиб қўйди-ю, кейин яна ўйланиб қолди. Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишича, "(амир) Худайдод можароси хусусида яқинларини кенгашига тўплаб: "Соҳибқирон ҳазратлари қанчадан-қанча иноятлар кўрсатганлигига қарамай, амир Худайдод унинг фарзандларига нисбатан нима вафодорлик қилди?", деган саволни ўртага ташлади. Маслаҳатдан кейин эса уни қатлга еткизди ва бошини амир Шоҳмаликнинг ҳузурига

жўнатди. Бу пайт амир Шоҳмалик лашкар билан Хўжандда турган эди.

Муҳаммадхон кейинчалик ҳам Темурийлар давлатининг ички ишларига аралаштиришда давом этди. У Шайх Нуриддин Улуғбек билан Шоҳрухга қарши исён кўтарган йиллари (1411-1412йй.) Шайх Нуриддинни қўллаб-қувватлади. Муҳаммадхон амир Шайх Нуриддиннинг сўзига кириб, унинг ҳузурига ҳар иккала давлат ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида Мўғулистонга келган Мирзо Улуғбекнинг элчиларини ҳибсга олди. Шайх Нуриддинга ёрдам учун эса қўшин билан яна ўша иниси Шамъи Жаҳонни юборди. Мўғуллар Темурийларга қарашли Сайрамни қамал қилгач, Сирдарё бўйига юзландилар. Улуғбек уларга қарши амир Шоҳмалик ва амир Шоястамни катта қўшин билан юборди. Ўшанда Шоҳмалик, тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, мўғулларга қарши бир тадбир ишлатди. У амир Шоястамни 2000 отлиқ аскар билан Янги вилояти<sup>1</sup> устига юборди. "Шоястам,— деб ҳикоя қилади Абдураззоқ Самарқандий,— душманни хотиржамлик тўшагида ғафлат уйқусида ёткан ҳолда топди, ул тўдани талон-тарожга етказиб, уй-жойларини ер билан баробар қилди ва амир Шоҳмалик ҳузурига 6000 от ва бошқа ўлжалар билан қайтдилар". Шундан кейин Шамъи Жаҳон билан бирга келган мўғуллар теварак-атрофга тарқалиб кетдилар.

Муҳаммадхон ҳижрий 818 (1415) йилгача ҳукмронлик қилди. 1412-1416 йиллар орасида мўғуллар билан Темурийлар бир-бирларининг юртига босқин қилгани ҳақида манбаларда маълумот йўқ. Аксинча, Муҳаммадхон обдончилик ишларига кўпроқ қўл урди. Манбаларда, масалан "Тарихи Рашидий"<sup>2</sup> да келтирилган маълумотларга кўра, хон Чодиркўл<sup>2</sup> довоннинг шимолий тарафида, харсанг тошлардан улкан бир работ<sup>3</sup> қурдирди. Унинг пештоқи йигирма газ, катта гўмбазлик эди. Мана шундай работ фақат Кашмирда бор эди.

Муҳаммадхон мамлакатда барқарорликни тиклаш учун кўп курашди, мусулмончилик асосларини бирқадар мус-

<sup>1</sup> Янги вилояти — Ўттор вилоятининг ўрта асрлардаги номларидан.

<sup>2</sup> Чодиркўл — қорли Тўрғат чўққисида жойлашган кўл; эни 10 верст ва узунлиги 20 верстдан сал ортиқ.

<sup>3</sup> Работ — карвонсарой; йўловчи ва сайёҳлар қўниб ўтадиган манзил.

таҳкамлашга муяссар бўлди. Лекин, барибир, ўзаро фсодал курашни бартараф қилолмади.

Муҳаммадхоннинг сўнги тақдири бизга маълум эмас. Ҳижрий 819 (1416) йили Мўғулистон тахтини Шамъи Жаҳоннинг ўғли Нақши Жаҳон эгаллади. Ўша йили унинг элчилари совға-саломлар ва Мўғулистоннинг тансиқ моллари билан келиб ҳоқони саъидга, яъни Шоҳрухга итоаткорлик изҳор этишади. Бу сзда бизга икки нарса қоронғу. Биринчиси — Муҳаммадхоннинг сўнги тақдири, иккинчиси — отаси Шамъи Жаҳон тирик туриб, нима учун тахтга ўғли Нақши Жаҳон ўтқизилди? Шубҳаларимизни "Тарихи Рашидий" муаллифи бирқадар ойдинлаштириб беради. Асарда мана бундай ибора бор: "Мўғуллар орасида маълум ва машҳурким, амир Худайдод олти хонни тахтга ўзи ўтқизиб, ўзи туширган". Кўриниб турибдики, Муҳаммадхоннинг тожу-тахтдан ажралишида ҳам, отаси тирик тургани ҳолда Нақши Жаҳоннинг хонлик маснадига чиқишида ҳам улусбеги Худайдоднинг қўли борга ўхшайди. Бунда мамлакатда узлуксиз давом этиб турган ўзаро фсодал курашларнинг ҳам таъсири йўқ эмас, албатта.

Улуғбек Мўғулистондаги бсқарорликдан фойдаланиб, буюк бобоси вафотидан кейин қўлдан кетган Кошғарни қайтариб олишга қарор қилди. Бу юртда ўшанда Улусбеги Худайдоднинг набираси амир Саид Али ҳукм суриб ўлтирган эди. Кошғар Улуғбекга сув билан ҳаводск зарур эди ўша йиллари, чунки Фарғонани улус қилиб ўлтирган темурийзода Мирак Аҳмад унга бўйсунисдан бош тортди, амир Саид Али эса Мирак Аҳмадни ҳартарафлама қўллаб-қувватлаб турди. Ҳатто амир Саид Али 1415 йили Мирак Аҳмадга қўшилиб Фарғона устига қўшин тортди. Ўшанда иттифоқчилар Андижон бўсағасида Улуғбек мирзонинг амирларидан Муҳаммад Тобон билан Мусо ака бошчилигида ўша сзда турган қўшинларни тор-мор келтирдилар ва Фарғонани хўб талаб, катта ўлжаю асирлар билан Кошғарга қайтдилар.

Мирзо Улуғбек бу свузликка жавобан 819 (1416) йили Кошғар устига Сиддиқ баҳодир, Али такрит ва Али Тағойи бошчилигида катта қўшин юборди. Темурийлар қўшини Кошғарни деярлик талофатсиз бўйсундирдилар. Абдураззоқ Самарқандий бу воқсани батафсилроқ баён қилган. Унинг сўзларига қараганда, Мирзо Амирак Аҳмад "(ҳоқони саиднинг чақириғи билан) Хуросонга жўнаб кетаётганида амир Шайх Али тоғойини ўз ноиби қилиб

Кошғарда қолдирган эди. (Лекин) амир Шайх Али тағойи (Мирак Аҳмадга содиқ қолмади,) ўғлини Самарқандга жўнатди ва улуғ амирнинг (Амир Темурнинг) руҳини шафс<sup>ь</sup> келтириб, Мирзо Улуғбекдан гуноҳларидан ўтишларини сўраттирди ва Кошғарга одам юборса унга мамлакатни топшириб ўзи Самарқандга боражагини маълум қилди. Мирзо Улуғбек Сиддиқ баҳодир ва Али такритларни (Кошғарга) жўнатди ва Шайх Али тағойи Кошғарни уларга топшириб, ўзи Самарқандга қайтди".

Шарқий Туркистон шу тариқа 1416 йили қайтадан Темурийлар давлатига қўшиб олинди.

Нақши Жаҳон Шарқий Туркистоннинг қўлдан кетиши масаласида бошқаларга ўхшаб куйинмади, аксинча Темурийлар давлати билан яхши муносабат ўрнатди. Ҳатто ўша кунлари Темурийларга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилиб Мўғулистонга келган Бадахшон элчисига рад жавобини берди.

Аммо барибир, мамлакат нотинчлигича қолди. Бу ерда Хизрхўжахоннинг авлоди ўртасида тожу-тахт учун зимдан кураш бораётгани ҳақида Ҳирот билан Самарқандга бир-биридан ташвишли хабарлар келиб турарди. Шуни ҳисобга олиб, Мирзо Улуғбек 1417-18 йилнинг қишини Хужанд дарёси (Сирдарё) бўйида ксчирди, Хуросондан тумани билан Муҳаммад Жукийни ҳам сўратиб олди. Хоқони Саид билан Улуғбекнинг ташвишлари ўринсиз эмас экан. Ҳижрий 821 йилнинг раби ул-аввал ойида (1418 йил апрель ойида) "Сиддиқ баҳодирнинг навқари Кошғар тарафдан келиб, Увайс ўғлон Жете хони Нақши Жаҳонни қатлга сткизиб, мўғуллар орасига гулгула тушганлигини арз қилди. Мирзо Улуғбек бу воқсанинг тафсилотини суриштириб билиб келиш учун Мўғулистонга ишончли бир одамини жўнатди ва 1416 йилдан бери Самарқанд аркида қамоқда ётган мўғул амирларини дарҳол бўшатиб юборди. Шу пайт Самарқандда фахрий маҳбус сифатида истиқомат қилиб турган собиқ Кошғар ҳокими амир Саид Али ҳам қочиб кетди. Лекин, қочириб юборилди деб айтилса тўғри бўлади. Мўғулистонда юз берган кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, Мирзо Улуғбек бу ерда тобора кучайиб бораётган ўзаро феодал курашга аралашиш мақсадида шу ишни қилган, албатта. Дарҳақиқат, орадан кўп вақт ўтмай, Мўғулистонда ур-йиқитлар авжига минди. Ҳижрий

1

Увайс ўғлон — Шералихоннинг ўғли; Хизрхўжахоннинг набираси. 1418-1421 ва 1425-1428 йиллари Мўғулистон хони.

822 йил ражаб ойининг охирларида 1419 йил август ойининг 20-ларида) улусбеги амир Худайдод бошлиқ бир гуруҳ дуғлат амирлари Вайсхонга қарши бош кўтардилар. Афтидан, кураш анча жиддий бўлганга ўхшайди. Абдураззоқ Самарқандий бу курашда ҳатто аёллар ҳам четда қолмаганини айтади. У ёзади: "Амир Худайдоднинг қизи подшоҳга қасд қилиб, мўғуллар орасида тартибсизлик содир бўлиб турганлиги ҳақида (822 йил) ражаб ойининг охирида (1419 йил 22-август куни) Кошғардан хабар келди". Ва яна "Андижон тарафдан Абуллайс келиб, Шер Баҳромнинг ўғли Жетедан қочиб, Кошғарга келганлиги, унинг кетидан эса бошқа бир гуруҳ изма-из яқинлашиб келаётганлиги хабарини арзга стқаздилар". Шундан кейин, шаъбон ойининг охирида (1419 йил 20-сентябрь куни) Улуғбек Арслонхўжа тархон, Ёдгор барлос, Маҳмуд тархон ва яна бир неча кўзга кўринган амирларни тумани билан олиб Мўғулистон устига юриш бошлади. Ёскин, юриш Тошкентга борганда тўхтатилди. Мирзо Улуғбек Маҳмуд тархонни тумани билан Кошғар устига юбориб, ўзи Самарқандга қайтди. Шунга қарамай, Вайсхон билан дуғлот амирлари ўртасида бошланган кураш ташаббускори Улуғбек эканлиги кўриниб турибди. Улуғбек Вайсхоннинг рақибларини қўллаб-қувватлашда давом этди. Масалан, 1421 йилнинг ёз кунлари Самарқандга ёрдам сўраб улусбеги Худайдоднинг ўғли амир Қулмуҳаммад ва амир Қамариддиннинг ўғли Жаҳоншоҳ келишди. Кўриниб турибдики, Вайсхон билан курашда улусбеги Худайдод ёлғиз эмас экан. Хон билан курашга унинг ашаддий рақибни бўлган амир Қамариддиннинг авлоди ҳам бел боғлаган экан. Уларни биргаликда, аҳдлашиб ҳаракат қилган, деб бўлмайди. Бу гуруҳларнинг ҳар бири ўз ҳолича, мустақил ҳаракат қилишганлиги тарихий манбалардан маълум. Улуғбек мирзо умуман Вайсхонга қарши бўлган, у билан курашда бор имкониятини ишга солган, вақти-вақти билан қўшини билан Мўғулистон ҳудудида пайдо бўлиб, дуғлот амирларининг курашига кўмак бериб турган. Унинг ҳижрий 824 йил жумоди ал-охир ойининг ўртасида (1421 йил 17 июнь куни) Мўғулистон устига уюштирган ҳарбий юриши ҳам шу мақсадни кўзлаб қилинган. Ўшанда Мирзо Улуғбек Қорабулоққача бориб етди ва ўша ерда амирлардан Ҳарий Малик билан Искандарни мангулой тариқида олдинга юбориб, ўзи асосий кучлар билан, ойнинг охиригача шу ерда турди,

1

Мангулой — қўшиннинг илгор қисми; авангард.

ражаб ойининг сўнги кунлари (1421 йил 28-30 июль кунлари) Вайсхоннинг рақиби Шермуҳаммад ўғлоннинг элчилари Малик Ислом билан Садр Ислом Қорабулоққа, икки давлат ўртасида тинчлик аҳдини тузиш таклифи билан келишди. Ушанда икки ўртада шундай аҳднома тузилганми-йўқми бу ҳақда биз билган тарихий манбаларда бирон гап айтилмаган. Лекин бор гап шулки, Мирзо Улуғбек Мўғулистонга юришни шу ерда тўхтатиб, Самарқандга қайтган. Аммо, Шермуҳаммад ўғлоннинг элчиларига қайтишларига ижозат бермаган ва уларни ўзи билан бирга Самарқандга олиб кетган. Уларга фақат ўша 824 йил зулҳижжа ойининг 13-куни (1421 йил 10-декабрь куни) гина юртига қайтишга, шунда ҳам Кошғар орқали қайтишларига ижозат берилган. Афтидан, ўша йили Вайсхон, академик Бартольднинг сўзларига қараганда, рақиблари устидан ғалаба қозонган ва Мўғулистон тахтида мустаҳкам ўрнашиб олган.

Мирза Муҳаммад Ҳайдар ва Маҳмуд ибн Валининг китобларида Вайсхон билан Шермуҳаммад ўғлон ўртасидаги кураш қандай кечгани ҳақида диққатга сазовор маълумотлар учратамиз. Вайсхонни нафақат мўғул қабилаларининг кўпчилик бошлиқлари, ҳатто улусбеги Худайдод билан Саид Али ҳам қўллаб-қувватлаганлар. "Тарихи Рашидий" муаллифининг сўзларига қараганда, Вайсхон билан Саид Али бир кун кечаси Шермуҳаммад ўғлонни Қонғли деган ерда босқин қилганлар ва уни тор-мор келтирганлар. Шермуҳаммад ўғлон ушанда яна Самарқандга, мирзо Улуғбек ҳузурига қочиб борди. Кўп ўтмай, Самарқандга амир Худайдоднинг ўғли Қулмуҳаммад ҳам қочиб борди. Ҳар иккалалари қарийб тўрт ой мобайнида Самарқандда истиқомат қилдилар. Мирзо Улуғбек 824 йил зулҳижжа ойининг 16-куни (1421 йил 10-декабрь куни) Шермуҳаммад ўғлонга Мўғулистонга қайтишга ижозат берди. Лекин, фақат Кошғар орқали қайтиши шарт қилиб қўйилди. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек Шермуҳаммад ўғлонни қўллаб-қувватлаш ҳақида Фарғона ҳокими амир Абуллайсга ҳамда Кошғардаги ноиби Пир Али такритларга ҳам кўрсатма берди. Шермуҳаммад ўғлон билан Вайсхон ўртасидаги кураш шундан кейин яна тўрт ой давом этди ва бу гал энди Шермуҳаммад ўғлон рақиби устидан ғалаба қозонди. Ҳижрий 825 йил жумоди ул-аввал ойининг бошида (1422 йил 23-апрелда) Шермуҳаммад ўғлон, Мирзо Улуғбекнинг атрофлича ёрдами билан, Мўғулистон тахтини эгаллади.



Шу тариқа Улуғбекнинг 1416 йилдан бери қалбига тугиб юрган орзу-истаги ушалди. У Мўғулистон тахтига ўз одамини ўтқизишга муваффақ бўлди. Аммо барибир, Шермуҳаммадхон кўп ўтмай, валинеъматини унитди, унинг юзига оёқ қўйди. У Мирзо Улуғбекдан норози бўлиб Мўғулистонга қочиб борганларга бошпана берибгина (масалан, Пир Али такритнинг ўғлига) қолмай, балки Темурийлар давлатининг ички ишларига ҳам аралаша бошлади. Натижада ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатлар яна кескинлашди. Мирзо Улуғбек 827 йил зулҳижжа ойининг бошида (1424 йилнинг 25-октябрь куни) ихтиёридаги бор қўшинни олиб Сирдарё бўйларига қараб йўлга тушди. Ҳумоюн мавкаб Шоҳрухияга келиб қўнғач, шу атрофда қишни ўтказиб, келаси йили эрта баҳорда Мўғулистон устига юришни давом эттиришга қарор қилди. Мирзо Улуғбек "теварак-атрофнинг лашкари шу ерга тўплансин"—деган буйруқ билан вилоятларга тавочи ва жарчилар юборди.

Лашкарнинг ўнг қаноти катта амирлардан Ҳарималик ва Шайх Абу Саъид бошчилигида Андижон атрофида, Султон Увайс барлос, хожа Юсуф ва Таваккал барлос бош бўлган сўл қанот Ўтрор атрофида ва Қорасомонда қишлайдиган бўлди. Лашкарнинг ғули (марказ қисми) Улуғбекнинг ўзи бошчилигида Шоҳрухияда турадиган бўлди. Юриш, аввалдан белгилаб қўйган режага биноан, ҳижрий 828 йил раби ул-аввал ойининг 27-куни (1425 йил 17 февраль куни) бошланди. Тошкентда лашкарнинг ўнг ва сўл қаноти ғулга келиб қўшилдилар.

Ўша кезде Ашпарада турган муғуллар Темурийларнинг барча хатти-ҳаракатидан огоҳ эдилар. Улуғбек қўшинларининг Тошкентга тўпланганидан огоҳ бўлган муғулларнинг илғор қисми Иброҳим ибн Туқ Темур бошчилигида Талос (Янги Тароз<sup>1</sup>)га қараб ҳаракатга келди. Мирзо Улуғбек уларга қарши 30 минг кишилик аскар юборди, аммо улар муғулларни қўққисдан босишга мурасар бўлолмадилар. Амир Иброҳим ибн Туқ Темур хабар топиши ҳамоно Иссиққўл тарафга қочиб улгурди. Улуғбекнинг амирлари йўлда учраган баъзи овулларни талаб, Олий ўрдуга қайтдилар. Мирзо Улуғбекнинг ўзи ўша Иброҳим ибн Туқ Темурнинг орқасидан тушди. Раби ул-охир ойининг 11-куни (1425 йил 3-март куни) Буғом

1

*Янги Тароз* — тарихда Янги ва Тароз номлари билан машҳур бўлган ўрта аср шаҳари.

дараси атрофида, Қизилсув деган ерда мўғулларга етиб олди. Лекин уруш бўлмади. Мўғуллар Улуғбек қўшини яқинлашгач, лашкароҳни ташлаб қочдилар. Кўп ўтмай амир Иброҳим шу Буғом дарасида Қамариддиннинг ўғли Жаҳоншоҳни учратиб қолди. Иккалалари қўшилишиб курашни давом эттиришга аҳд қилдилар. Улар 1425 йил 5-март куни Оқсув ёнида турган Темурий қўшинларининг илғор қисми устига ташландилар. Икки ўртада шиддатли уруш бўлди. Иккала тараф ҳам катта талофат кўрди. Унда Мирзо Улуғбек амирларининг қўли баланд келди. Амир Иброҳим ва унинг икки ўғли урушда ҳалок бўлдилар. Ўша куниеқ Мирзо Улуғбек лашкарнинг қолган қисми билан Оқсувга келиб тушди ва ўн кун мобайнида шу ерда турди. Бу йўл билан — фавқулодда ва майда жанглар билан кузатилган мақсадга эришиб бўлмасди. Душман майда-майда кучларга бўлиниб олиб ўзига қулай шароитда уруш олиб бораётган эди. Буёғига урушни яхшилаб режалаштириб олиш керак эди. Абдураззоқ Самарқандий ўша кунлари Мирзо Улуғбек Оқсувда катта кенгаш ўтказгани ва мўғулларга қарши курашнинг бундан буёғидаги режаларини атрофлича муҳокама қилиб олганини ҳикоя қилади. Сўнг Чўнг кеминда амир Жаҳоншоҳ бош бўлиб турган мўғулларга қарши Арслонхўжа тархон бошчилигида 10 минг кишилик қўшин юборди. Қўшиннинг яна бир қисми Кетмонтепа тарафга, Шермуҳаммад ўғлонга қарши юборилди.

Арслонхўжа тархон амир Жаҳоншоҳни Чўнг кеминдан тополмади, у аллақачон Иссиқкўл тарафга қочиб улгурган эди. У душманни таъқиб қилишни истамади, чунки бу ҳолда тоғу-тош орасига ичкарилаб кетиб асосий кучлардан узилиб қоларди. Бу эса охир-оқибат ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Арслонхўжа тархон қайтишда, бир довон устидан ўтиб, Чилик деган ерда мўғулларнинг шу ерда турган бир қисмини тор-мор келтирди ва шу атрофда Улуғбек бош бўлган асосий кучларга келиб қўшилди.

Чиликдан Абиш, Буrolғу ва Қўшбулоққа юрдилар, лекин мўғулларни учратмадилар. Қўшбулоқда Мирзо Улуғбек ҳузурига улусбеги амир Худайдоднинг элчиси амир Шайх Дарвиш кўкалтош келиб улусбегининг бўйсунуш ва хизматкорлик ҳақидаги аҳдномасини топширди. Улуғбек бундан мамнун бўлди ва элчига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, совға-саломлар бериб, кетишга ижозат берди. Арпа ёзига етганларида амир Жаҳоншоҳдан хабар

топдилар. У Иссиққўлда Садр Ислом билан Малик Исломни кутиб ўлтирган экан. Башарти қўшилиб кетгундай бўлсалар, унда жиддий кучга айланар эдилар. Мирзо Улуғбек бунга йўл қўймасликка қарор қилди ва Садр Ислом билан Малик Исломнинг йўлини тўсиш учун Сангтош дово­нига қўшин юборди. Амир Жаҳоншоҳ ҳам иттифоқчиларини қарши олиш учун ўша Сангтош до­нига илғор қисм юборган эди. Улуғбекнинг қўшини уни шу ерда тор-мор келтирди. Мўғуллардан кўп одам ўлди, қолганлари асир олиндилар. Мирзо Улуғбек Арпа ёзидан ўтиб, Чорин сойини кечиб ўтди ва Тошбўйноқ орқали Қизил сувга келиб тушди. Шу ерда Мирзо Улуғбекнинг ҳузурига улусбеги Худайдоднинг ўзи келди. Улуғбек уни кўпдан бери кутарди. Шунинг учун унга ҳаддан зиёд ҳур­мат эҳтиром кўрсатди.

Қизилсувда турганларида Садр Ислом билан Малик Исломдан ҳам хабар топилди. Чиғатойхоннинг Ила дарёси соҳилидаги Оқ қуёш деб аталган Ўрдусида турган ва зўр бериб Шермуҳаммад ўғлонни қидириб ётган эканлар. Улуғбек уларга қарши 20 минг кишидан иборат отлиқ қўшинни юборди. Санг-тошда уларга 3 минг кишилик қўшин келиб қўшилди. Лекин мўғуллар вақтида отини қамчилаб қолган эканлар, Тескас сойидан ўтиб ҳам душмандан асар топмадилар. Шу ерда улусбеги Худай­доднинг одамлари соқчилар кузатувида Самарқандга жўнатиб юборилдилар, улусбегини эса Мирзо Улуғбек ёнида олиб қолди. Чунки кўпни кўрган, Мўғулистон ва унинг одамларини яхши билган бу одамнинг кенгаш ва маслаҳатлари керак бўлиб қолиши мумкин эди. Шу ерда Шермуҳаммад ўғлон ва унинг иттифоқчилари билан бўладиган кураш режаси янгидан, ҳар томонлама муҳокамадан ўтказилди. Кутилмаган тасодифлар юз бер­маслиги учун мўғул сардорларига қарши кучайтирилган (20 минг одамдан иборат) хабарчи (разведка) қисм юбориладиган бўлди. Юқорида тилга олинган Шайх Дарвиш кўкалтош шу қисмга ғажарчи этиб тайинланди. Кўп вақт ўтмай, хабарчи қисм Шермуҳаммад ўғлоннинг қасрда турганини аниқлади. У аҳлу оиласини Такас сойи орқасига ўтказиб юбориб, ўзи лашкар билан ҳамон ўша Кетмонтепада турган экан.

Кетмонтепада ҳар иккала лашкар ўртасида ҳижрий 828 йил жумоди ул-охир ойининг 15-куни (1425 йил 5-май куни) қаттиқ уруш бўлди. "Матлаъ ус-саъдайн"да бу уруш қуйидагича тасвирланган: "Жаноб Мирзо

Улуғбек ўн бешинчи жумоди ул-охирда лашкарга тартиб беришга киришди. Амир Арслонхўжа тархон ва унинг биродари амир Маҳмудни жавонғорга, амир Бузургни унинг қабулига тайинлади. Баронғорга амир Луқмон ва амир Ҳарий Маликлар тайин этилдилар. Лашкарнинг гули эса Мирзо Улуғбекнинг муборак зоти билан безатилди. Амир Искандар Ҳинду Буқо, Иброҳим Икки Темур, Увайс қавчин, хожа Юсуф ва Мурод қавчинлар гулнинг қоравули этиб тайинландилар. Мукаммал бир неча қўшин кўмак учун захирага тайин этилди... Душман тарафдан баронғорда Поянда Буқо, жавонғорда Малик Садр, гулда Шермуҳаммад ўғлон турдилар.

Икки лашкар худди мовий денгизга ўхшаб жўшу хурушга келиб, бир-бирлари устига ташландилар. Қаҳру ғазаб булутидан найза ва камон ўқлари чақмоқ бўлиб отилиб чиқдилар, майдон саҳнидан (эса) тиғу найзалар (ниҳол каби) униб чиқдилар. Иш тиру камон (отиш)дан тиғу найза санчиш ва сқалашишгача бориб стди. "Ҳаё-ҳаё!", "ур, ҳа, ур!" наъралари кўтарилди. Шермуҳаммад ўғлон тўғридан-тўғри тўқнашиш билан бирон иш чиқмаслигини англагач амирлари билан (кенгашиб): "баронғор ва жавонғорлар бирлашинлар ва кутилмаганда бир тарафга ҳужум қилиб, ўқ (сёмғирини) ёғдирсунлар. Агар бирор натижа чиқса — бу айнан кутилган муддао, чиқмаса чекинган ва қочган тақдирда ҳам узрлик бўлади", деган қарорга келди. Шунга биноан, ҳаммалари жам бўлиб, юлдузлардан ҳам, яъжуж (ва маъжуж) тўдаларидан ҳам кўп бир лашкар зафар шиор қўшиннинг жавонғорига бирдан ҳамла қилди. Амир Арслонхўжа (тархон) тоғ сингари барқарор бўлиб турган ўрнини ҳимоя қилди ва душман ҳарқанча ҳаракат қилмасин, уни (ўрнидан) силжита олмади. Мирзо Улуғбек бу аҳволни мушоҳада қилиб кўриб, "қоравул ва заҳирадаги туманлар гул олдидан айланиб ўтиб жавонғорга қўшилсинлар", — деб амр қилди. Ғалаба ёр лашкарнинг сафлари "Албатта, Оллоҳ, Ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек бир сафга тизилганларида жиҳод қиладиган зотларни севади"<sup>2</sup> (дейилганидек) мустаҳкамлангач, жаноб мирзо Улуғбек сурон<sup>3</sup> солишга буюрди: ноғора садоси ва карнай овози

1

Яъжуж ва Маъжуж — йўлида нима учраса емириб ва кемириб кетувчи бир афсонавий халқ.

2

Қуръон, "Саф" сураси, 4-оят.

3

Сурон — жанг пайтида қилинадиган маҳсус чақириқ.

янгради, уруш дўмбирасининг гумбирлаши ва сурнай нолишидан тоғларга зилзила тушди ва зафар паноҳ лашкар баробарига ҳужумга ўтди... Олам шаҳзодаси Улуғбек кўрагоннинг байроғи илоҳий қудрат ва раббоний кўмак туфайли баралла ёйилди, фатҳу нусрат офтоби иноят матлаъидан балқиди ва ўша куни (эрта тонгдан) то кечгача ғалаба ёр лашкарнинг уриш, тутиш ва ўлдиришдан бўлак бошқа бирон иши бўлмади. Қоронғу тушганда осмон ҳашаматли сипоҳ Бойбот ва Тақиқу мавзёсига тўпландилар. (Шу ерда) "амир Довуд ва Элчи Буқолар қочганлар кетидан 10 минг отлиқ аскар билан қувиб борсинлар",— деган ҳумоюн фармон содир бўлди. Ул жаноб (Мирзо Улуғбек) осмон қадар бсдовни ўша ерлардаги яйловларнинг энг яхшиси бўлган ва ул мавсумда райҳонларнинг хилма-хиллиги билан олий беҳиштнинг гулзори тусини олган Юлдуз яйлови томон илғор тарзида ҳаракатга келтирди. Зафар шиор лашкарнинг қўлига кўп ўлжалар тушди".

Шундай қилиб, Мирзо Улуғбек шу урушда мўғул ҳукмдори Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонди. Ўлжалар ва асирлар Улуғбекнинг қароргоҳига олиб келинди. "Мўғуллар яқин орада ўзини ўнглаб ололмасин",— деб уларнинг мол-мулки ва чорполари тортиб олинди. Шундан кейин ҳумоюн мавкаб Юлдуздан кўчиб, мўғул хонларининг бош қароргоҳи бўлмиш Қаршига келди. Лекин, Улуғбек Мўғулистоннинг жанубий юртларига бормади ва шу ердан Мовароуннаҳрга қараб йўл олди. Ҳар иккала тарафга катта кулфатлар келтирган бу уруш 100 кундан ортиқ давом этди. Мирзо Улуғбекнинг амирлари катта ўлжа ва асирларни ҳайдаб қайтдилар. Ўлжалар орасида Мўғулистон хонининг бош қароргоҳидан, яъни Қаршидан олинган икки бўлак катта Кош тоши (нефрит) ҳам бор эди. "Мирзо Улуғбек,— деб ёзади тарихчи Абдураззоқ Самарқандий,— ўшал кош тошни (махсус) арава бирлан доруссалтана Самарқандга стказиш учун 2 минг чапдаст кишини ўша ерда қолдирди. Бу тошни қадим подишоҳлар Хитой тарафидан (бу ерга) келтирган ва ҳазрат соҳибқирон ул тошни Мовароуннаҳрга кўчирмоқчи бўлиб, амир Жаҳоншоҳни бир неча минг киши билан у ерда қолдирган, аммо улар тошни кўчириб келтиришдан ожиз қолиб, ҳазрат соҳибқирон "нега у тошни келтирмадилар?"— деб таассуф билдирган эдилар". Бир замонлар Дува Ссценхон Хитой тарафлардан олиб келтириб, мўғул ҳукмдорлари қароргоҳига ўрнатган бу тош аслида уч қисмдан иборат бўлиб, Амир Темур фақат

унинг бир қисминигина Самарқандга олдириб келтиришга муяссар бўлган экан. Тошнинг қолган икки бўлагини Мирзо Улуғбек махсус араваларга юклатиб, Самарқандга олдириб келтирди. Унинг биттасини Улуғбекнинг амрфармони билан моҳир сангтарош усталар тарошлаб ҳазрат соҳибқироннинг қabri устига ўрнатдилар.

Мирзо Улуғбек Самарқандга ҳижрий 828 йил шаъбон ойининг 10-куни (1425 йил 27-июнь куни) қайтиб келди. "Тарихи жадидаи Тошканд" ("Тошкентнинг янги тарихи") китоби муаллифи келтирган маълумотларга қараганда, Мирзо Улуғбек Мўғулистон юришидан қайтишида Сойбуйи қалъаси билан Жиззах оралигида жойлашган Илонўти (Илон ўтди) деган тор бир ердан ўташтиб қоятошга мана бу сўзларни ёздириб қўйган экан: "Улуғ Тангрининг... қўллаб-қувватлаши билан улуғ султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, Тангри таолонинг ердаги сояси, ислом динининг яловбардори, дин ҳомийси Муъинуддин Улуғбек кўрагон — тангри унинг салтанатини пойдор қилсин — Жете ва Мўғулистонга юриш пайтида ушбу ердан ўтган. Ҳижрий 878-сана".

1425 йилги урушда Мўғулистоннинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қудратига путур етди, лекин барибир, у бу сафар ҳам Темурийлар давлатига бўйсунмади.

Орадан кўп вақт ўтмай Шермуҳаммадхон вафот топди. Унинг ўрнини яна ўша Вайсхон эгаллади. Бундан ташқари, Жаҳоншоҳ ҳам узил-кесил тор-мор этилмай қолди. Ҳатто у Улуғбекнинг Самарқанд тарафга улусбеги Худайдоднинг одамларини қуриқлаб бораётган қўшинларига Сантош довоида ҳужум қилиб, уни тор-мор келтирди. Улуғбек унга қарши Арслонхўжа тархонни бир тарафдан, амирлардан Искандар, Муҳаммад ва Шоҳ Валини иккинчи йўлдан юборди, бироқ улар Жаҳоншоҳни Сантошдан топмадилар. У аллақачон Иссиққўл тарафга ўтиб кетган экан. Арслонхўжа тархон изидан тушди, лекин у Қўчқор ва Жумғал орқали кунботиш тарафга қочди. Улуғбекнинг амирлари уни кўп қидирдилар, лекин тополмай қайтдилар.

Вайсхон 1428 йилгача подшоҳлик қилди. Унинг даврида феодал тартибсизликлар, тож-тахт учун кураш, айниқса қалмоқларнинг кетма-кет ҳужумлари кучайди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Вайсхон қалмоқлар билан олтмиш бир марта урушган, лекин фақат бир марта ғалабага эришган. Икки марта асирга тушиб қолган ва бир сафар катта товон тўлаб, иккинчисида эса

синглисини қалмоқларнинг сардори Эсон тойшига хотинликка бсриб қутилган. Охири бўлмагач, Вайсхон пойтахтни Бешбалиқ (Шарқий Туркистон)дан Илибалиқ (Етти-сув)га кўчиришга мажбур бўлди.

1428 йили Вайсхон яна бир тож-тахт даъвогари — Сотуқхон билан бўлган курашда ҳалок бўлди. Лекин Сотуқхон Мўғулистон тахтида ўрнашиб ололмади. Ўлдирилган хоннинг тарафдорлари уни мамлакатдан қувиб юбордилар. Сотуқхон ўшанда Кошғарга қочиб борди, аммо у ерда ҳам жон сақлаб қололмади.

Афтидан 1434 йилгача мамлакатда феодал кураш ва ур-йиқитлар давом этган. Тож-тахт ворислари эса ҳали сағир эдилар. Кураш асосан икки феодал гуруҳ ўртасида борган. Бирлари Мўғулистон тахтига марҳум Увайсхоннинг тўнғич ўгли Юнусхонни (у ўша вақтда 13 ёшда эди) ўтқизмоқчи бўлишди, иккинчилари эса хоннинг кенжа ўгли Эсон Буғохонга тарафгузарлик қилдилар. Охир-оқибат Эсон Буғохон тарафдорларининг қўли баланд келиб уни тахтга ўтқиздилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: "Вайсхоннинг воқасида мўғул улуси икки фариқ бўлур. Бурунроқ Юнусхоннинг эгачисини Улуғбек мирзо (ўгли) Абдулазиз мирзога олиб эрди. Ул муносабат била Эразан баҳрин туман бекларидин Мирак туркман-ким, чарос туманбекларидин эрди, хонни уч-тўрт минг уйлук мўғул улуси била Улуғбек мирзога келтурдилар-ким, кўмак олиб яна мўғул улусини олғайлар. (Лекин) Мирзо мурувват қилмади, баъзисини асир қилди, баъзиларини вилоятга паришон қилди... Хонни (эса) Ироқ сари ўтказиб юборди". Ва яна ўша Бобур мирзонинг сўзларига қараганда, ушбу воқеа тахминан ҳижрий 837 (1434) йили содир бўлган. Кўриниб турибдики, Мирзо Улуғбек бу сафар Мўғулистоннинг ички ишларига ара-лашгиси келмаган. Шу сабабдан ҳам шу ишни қилган.

1434 йили Мўғулистон тахти Эсон Буғохонга қолди. У ҳали балогат ёшида эмасди. Шу сабабдан ҳокимият уни қўллаб-қувватлаб тахтга ўтказган амирлар қўлида қолди. Бу ҳам етмагандек, Улуғкўл атрофида ўлтирган дуғлот амирлари ўз юртида мустақиллик эълон қилдилар ва Эсон Буғохон ҳокимиятини тан олмай қўйдилар. Оқсув ва Қушпой ҳукмдорлигини амир Саъид Али тортиб олди. Чарос ва баҳрин кабиларининг бошлиқлари ўша кезларда Чу водийсида кўчиб юрган қалмоқ тойшисининг хизматига кирдилар; қолучи ва бўлғочи қабилаларининг етакчилари эса кўчманчи ўзбеклар хони Абулҳайрхонга

қўшилиб кетдилар. Балогатга етмаган хонга васий этиб тайинланган Турфон беги Тсмур уйғур эса ҳокимиятни тамом ўз қўлига олди.

Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг маълумотларига қараганда, Мўғулистонда фсодал тарқоқлик шу даражага бориб етган эдики, зодагон ва баснлар ўз ҳолига қўйиб берилган бўлиб, кўплари ўзини тамом мустақил деб билардилар. Шундайлардан бири улусбеги Худайдоднинг ўғли Мир Муҳаммадшоҳ Отбошда, амир Мир Каримберди — Олабуғада, Мир Ҳақберди бекчиқ Қўйсуда ўзларини ҳокими мутлоқ, деб эълон қилдилар. Лекин улар ўз улусларида тинч ўтирмадилар. Мир Каримберди Фарғонага, Мир Ҳақберди Туркистон ва Сайрам устига талончилик юришлари уюштириб турдилар.

Айнан ўша йиллари Улуғбек Кошғардан айрилиб қолди. Уни ўша улусбеги Худайдоднинг ўғли амир Саид Али босиб олди.

XV асрнинг 40-йилларига келиб, Эсон Буғахон ўз мавқеъини бирқадар мустаҳкамлаб олди. У ҳам баъзи-баъзида Фарғона устига босқин қилиб турди. Масалан, Мирзо Улуғбек подшоҳлигининг сўнгги йиллари у Фарғонани босди. "Улуғбек мирзонинг ва ўғилларининг ғавғосида,— деб ёзган эди Бобур,— Эсон Буғахон фурсат топиб келиб Фарғона вилоятини Қандибодомгача чопиб ва Андижонни олиб, элини тамом асир қилди. "Чамаси, Эсон Буғахоннинг Темурийлар юртига босқини XV асрнинг 50-йилларида ҳам давом этган ва Султон Абу Саъид (1451-1469) унга қарши юриш билан жавоб берган. "Бобурнома"да ўқиймиз: "Султон Абу Саъид мирзо тахт олганда черик тортиб бориб, Янгидан бери Ашпарада Эсон Буғахонни яхшигина босди". Лекин, шундан кейин ҳам мўғуллар тиниб-тинчимаганлар. Натижада Султон Абу Саъид Юнусхонни Ироқи ажамдан чақиртириб олган, унга зарур ёрдам кўрсатиб Мўғулистонга, Эсон Буғахонга қарши юборишга мажбур бўлган. "Унинг (Эсон Буғахоннинг) дафъига Султон Абу Саъид мирзо Юнусхонни... Ироқ ва Хуросондин тилаб ва тўйлар қилиб, дўстлар бўлуб, мўғул улусида хон қилиб юборганда Сағричи туман беклари тамом ул фурсатда Эсон Буғахондин ёмонлаб Мўғулистонга келиб эдилар, буларнинг орасига келди. Ул фурсатда Сағричи бекларининг улуғи Шер Ҳожибек эрди, анинг қизи Эсон Давлат бегимни олди. Мўғул тўраси била хонни ва Эсон Давлатбегимни бир оқ кигиз устига ўлтурғузуб хон



кўтардилар". Юнусхон ёрдам эвазига Султон Абу Саъидга Мовароуннаҳрга талабгузарлик қилмасликка сўз берди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг сўзларига қараганда, бу воқеа 860 (1456) йили содир бўлган. Юнусхон Соғричи ва бошқа қавмлар, шунингдек Мир Каримберди ва Мир Ҳақбердининг ўгли Мир Иброҳимларнинг ёрдамига суяниб, Эсон Буғахонга қарши уруш очди. Лекин, номлари тилга олинган амирлар жанг олдидан уни ташлаб кетдилар. Икки ўртада бўлган урушда Юнусхон мағлубиятга учрагач қочиб бориб Фарғона билан Еттисув чегарасида жойлашган Жетикентга бориб ўринлашди ва то Эсон Буғахоннинг вафотига (1462й.) қадар шу ерда турди.

Шундан кейин Юнусхон Мўғулистоннинг ғарбий қисмида ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлди. 1468 йили Оқсув ва Кошғарни, 1471 йили Турфонни ҳам эгаллади. Қисқаси, 1472 йили Юнусхон Мўғулистоннинг тўла хўжайинига айланди.

Шу ерда, таъбир жоиз бўлса, Эсон Буғахон ҳукмронлиги йилларида содир бўлган бир муҳим тарихий воқеани эслатиб ўтмоқчимиз. Бу — Эсон Буғахоннинг қозоқ хонлигига асос солинишидаги хизматидир. Бу воқеанинг тафсилоти "Тарихи Рашидий"да қуйидагича баён этилган: "Ўша пайтда (1455-56й.) Абулҳайрхон<sup>1</sup> бутун Дашти қипчоққа подшоҳ бўлди ва Жўчи нажод султонларни тамом тор-мор келтирди. (Лекин) улардан иккитаси: Жонибекхон билан Гирайхон Мўғулистон тарафга қочдилар". Маҳмуд ибн Вали Гирайхон билан Жонибек Султон бу ишни Абулҳайрхонга нисбатан нозилик сифатида қилган, деб айтади. Масалан, у бундай дейди: "Тўқай Темурхоннинг<sup>2</sup> баъзи авлоди, масалан Гирайхон билан Жонибек Абулҳайрхонга гарданкашлик қилди ва ўз юртини ташлаб кўчиб кетди". Эсон Буғахон уларни яхши қарши олди ва Мўғулистоннинг ғарбий қисмида жойлашган Чу ва Қўзибоши ўлкаларини инъом қилди. Эсон Буғахон Мўғулистоннинг ички юртларини қалмоқлар ва кўчманчи ўзбекларнинг босқинидан ҳимоя қилиш учун шундай қилган, албатта. Хуллас, кейинроқ Ғарбий Мўғулистон Абулҳайрхондан қочган қабилаларга макон бўлган. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг маълумот-

<sup>1</sup> Абулҳайрхон — Шайбоний; кўчманчи ўзбеклар давлати (1428-1468)нинг асосчиси ва бошлиғи.

<sup>2</sup> Тўқай Темур — Жўчихоннинг ўн учинчи ўгли. Ботухон ва Беркахон замонида Ҳожи тархонда хон бўлган.

ларига қараганда, Жонибек ва Гирайхон ҳузурига қочиб келганлар сони тез орада 200 минг кишига етган. Худди шу ерда — Чу билан Қўзибошида бўлғуси қозоқ хонлигига асос солинган. Унинг асосчилари деб эса ўша Жўчий нажод султонлар: Гирайхон билан Жонибекхонни, хонликка асос солинган йил деб эса 1465-66 йилни ҳисобламоқ лозим.

Юнусхоннинг Мўғулистонда ҳокимиятни қўлга кириштириши осон бўлмади. Дастлаб Темурий султон Абу Саъид ва Шер Ҳожибек (Соғричи қавмининг бошлиғи)га ўхшаган ҳукмдор ва амирларнинг қўллаб-қувватлаши билан Мўғулистоннинг ғарбий қисмида ўрнашди. Сўнгра унга Мир Каримберди, Иссиққўлда ўлтирган марҳум Мир Ҳақбердининг иниси Мир Иброҳим каби мўътабар амирлар қўшилдилар. Мўғуллар кўп вақт мустақил яшашга ўрганиб қолганликлари сабабли мулозимлик ва хизматкорлик лавозимини ўрнига қўймадилар. Хон бундан бирқадар қисилди ва Кошғарга бориб қалъасини қамал қилди. Амир Саид Али бу вақтда улуғ ёшда эди. У Эсон Буғахонга одам юбориб, ўзи Кошғар қалъасига кириб яширинди. Исо Буғахон бу пайт Мўғулистоннинг шарқий қисмида жойлашган Юлдуз яйловида турган эди. Амир Саид Алининг чопаридан бу хабарни эшитиб, дарҳол олти минг отлиқ аскар билан Кошғар йўлига келиб қўшилди. Кошғардан уч фарсах нарида, унинг Оқсув тарафида жойлашган Хонсолор деган ерда икки ўртада — Юнусхон билан Эсон Буғахон ўртасида уруш бўлди. Унда Исо Буғахон билан амир Саид Али Юнусхон устидан ғалаба қозондилар. Юнусхон қочди, аҳлу аёли эса амир Саид Алининг қўлига тушди. Юнусхон ўшанда Мўғулистонга қочиб борди. Лекин бахти келишмади. Шу ерда одамлари уни ташлаб, теварак-атрофга тарқалиб кетдилар, хон бўлса кўчини Мўғулистонда қолдириб, ўзи Хуросонга, Султон Абу Саъид мирзо ҳузурига қочиб борди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар "хон шу қадар хароб эдики, ҳатто султонга пешкаш учун арзигудай бирон нарса тополмади",— деб ёзади. Ўшанда Мирзо Султон Абу Саид Андижон ноҳиясидан бир ерни хонга инъом қилди. Шу ердан хон кейинча Мўғулистонга ўтди, илгари теварак-атрофга тарқалиб кетган одамлари аста-секин унинг атрофига йиғилдилар. Шу пайт Мир Саид Али Кошғарда 1457 йили вафот этди. Бу Юнусхонга келажақда Кошғар ва Мўғулистонга йўл очиб берди.

Мир Саид Алининг икки ўгли бор эди. Тўнғичи — Сонсиз Мирзо. Онаси чарослардан. Иккинчи ўгли Муҳаммад Ҳайдар мирзо<sup>1</sup>. Онаси Ўрун Султон бегим Юнусхоннинг аммаси эди. Турк-муғул одати бўйича отасининг ўрнини тўнғич ўғил Сонсиз мирзо эгаллади. Сонсиз мирзо халқ ва амирларнинг онасига бағоят ҳурматлари зўр бўлгани учун Муҳаммад Ҳайдар мирзога Кошғар билан Янги ҳисорни берди, ўзи эса Ёркандни пойтахт қилди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарни отаси Эсон Буғахоннинг қизи Давлат Нигор хонимга уйлантирган эди, шунинг учун у бўлғуси курашларда Исо Буғахоннинг тарафини олди. Сонсиз мирзо ёрдам сўраб Юнусхонга мурожаат қилди. Шу сабабдан Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Кошғарда туролмади ва Оқсувга, Дўстмуҳаммадхоннинг ҳузурига қочиб борди.

Сонсиз мирзо отасидан кейин етти йил Кошғарда ҳукмронлик қилди ва 869 (1465) йили шикор пайтида отдан йиқилиб вафот топди. Ундан ўн та ўғил қолди: катталари Мирзо Абубакр билан Умар Мирзо.

Эсон Буғахон 1462 йили ўз ажали билан ўлди. Ўрнига ўғли Дўстмуҳаммадхонни подшоҳ қилдилар. Тахтга ўлтирганда 17 ёшда эди. У ҳаммаси бўлиб етти йил подшоҳлик қилди. Дўстмуҳаммадхон ўз даврида Ёрканд билан Кошғар устига лашкар тортиб, Кошғарни ғорат қилди. Ундан Оқсувга борди. Шу сабабдан Муҳаммад Ҳайдар мирзо ундан ранжиб Юнусхондан ёрдам сўради.

Дўстмуҳаммадхоннинг қилган яна бир ёмон иши шу бўлдики, у отасининг ҳарами муҳтарамини уламонинг қаршилигига қарамай, никоҳига олди. Муҳаммад Ҳайдар "хон қаршилиқ кўрсатган уламолардан етти нафарини ўлдирди, охири мавлоно Муҳаммад Атторга қилич ўқталиб, никоҳ маросимини бажаришга мажбур қилди", — деб ёзади. Дўстмуҳаммадхон шунинг касрига учраб ҳижрий 873 (1468—69) йили 24 ёшида вафот топди. Ундан кейин халқ орасида ғала-ғовур бошланди. Дўстмуҳаммадхондан Кепак Султон исмлик бир ўғил қолди. У ўзига қарашли одамлардан бир қисмини олиб Турфон ва Чолиш тарафларга кетиб қолди.

Шундан кейин Юнусхон Оқсувга келиб халқини ўз тасарруфига олди. Воқеанинг тафсилоти қуйидагича: уни бу сафар ҳам Султон Абу Саъид мирзо қўллаб-қувватлади. Бу гал унинг омади юришди. Тамом Мўғулистон

1

Машҳур тарихшунос олим Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг бобоси.

халқи унинг атрофига жам бўлди. Унинг галаба қилишига маълум даражада Муҳаммад Ҳайдар мирзо билан Сонсиз мирзо ва авлоди ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб бўлди, албатта. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Оқсувга келиб Дўстмуҳаммад мирзога қўшилди, Сонсиз мирзо эса Юнусхоннинг олдига ёрдам сўраб борди. Шундан кейин Юнусхон Оқсувга келди, лекин Кепак Султонни кўпчилик қўллаб-қувватлаб турганини ҳисобга олиб, уни таъқиб қилиб ўлтирмади ва одамларини олиб Мўғулистонга борди. Ўша вақтда Мўғулистонни Эсон тойшининг ўғли Омонсончи тойши бошлиқ қалмоқлар эгаллаб турган эди. Маълумки, бир пайтлар Увайсхон қалмоққа асир тушиб қолиб, жон омонлиғи деб синглиси Махтум хонимни Эсон тойшига хотинликка беришга мажбур бўлган эди. Махтум хоним унга мусулмон бўлишни шарт қилиб қўйди ва шундан кейингина унинг никоҳига ўтди. Эсон тойшининг Махтум хонимдан икки ўғли ва бир қизи бор эди. Ўғилларидан бирининг исми Иброҳим, иккинчисининг исми Илёс эди. Қизини Мир Каримбердининг ўғли Мир Қодирбердига узатган эди. Охири ака-укалар билан Омонсончи тойши ўртасида рақобат содир бўлди ва Омонсончи тойши Илада туролмай Мўғулистонга қочиб келди. Муҳаммад Ҳайдарнинг айтишича, унинг ихтиёрида 30 минг аскар бор эди. Ўшанда Иброҳим билан Илёс ҳам қалмоқ хони билан келишолмай Хитой тарафга кетиб қолдилар. Бу воқеа Дўстмуҳаммадхон вафотидан аввал содир бўлган эди. Дўстмуҳаммадхоннинг вафоти ҳиж. 873 йили, ака-ука Иброҳим билан Илёсларнинг Хитой ҳудуди сари қочиши воқеаси эса бундан аввал содир бўлганди. Ака-укалар Хитойда вафот топдилар.

Юнусхон ўшанда Мўғулистонга сиғмади. Чунки у шаҳар маданияти ва ўтроқлик тарафдори эди; мўғул амирларининг кўпчилиги эса ҳамон кўчманчилик ҳаёт тарзини маъқул кўрардилар. Шу сабабдан улар Юнусхонни ўша оғир кунларда қўллаб-қувватладилар.

Омонсончи тойши Иброҳим ва Илёсдан жудо бўлиб, Мўғулистонга келгандан кейин Ила дарёси бўйида Юнусхон билан тўқнашиб қолди. Юнусхон ўша жангда мағлуб бўлди, амирларидан кўпчилиги эса ўша урушда шаҳид бўлдилар. Юнусхон қолган-қутган одами билан Туркистон тарафга қараб қочди ва Сирдарё бўйида, Қоратуй деган ерда қишлади. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар келтирган маълумотларга қараганда, ўшанда Юнусхон билан бирга шу ерга кўчиб келган мўғуллар 8 минг уйлик бўлганлар.

Шу сзда Юнусхон кўчманчи ўзбекларнинг ҳужумига дучор бўлди. Тарихий манбаларда ("Тарихи Рашидий", "Абдуллонома", "Баҳр ул-асрор") воқеа батафсил баён этилган. Унинг тафсилоти қисқа тарзда бундай: қирчил-лама қиш эди. Ҳандай кунлардан бирида Юнусхон шикор қилмоқ учун дарёнинг нариги соҳилига ўтди. Шу пайт кўчманчи ўзбеклар Буруч ўғлон исмлиқ бир хонзода бошчилигида унинг ўрдусини босдилар. Бундан хабар топган Юнусхон дарҳол овни тўхтатиб шошилишч равишда ўз қароргоҳига — Қоратуйга қайтди. Бу пайтда Буруч ўғлоннинг одамлари талон-тарож ва маишат билан банд эдилар. Юнусхон уларни қўққисдан босди ва кўпчилигини қириб ташлади. Буруч ўғлоннинг ўзи эса асир олинди ва Юнусхоннинг амр-фармони билан шу срнинг ўзида қатл этилди.

Баҳор келиши билан Юнусхон Қоратуйдан Тошкентга қараб йўл олди. Шу пайт Тошкентни султон Абу Саъид мирзо номидан Шайх Жамол исмлиқ амир идора қилиб турган эди. Бу пайт Султон Абу Саъид Ироқда ҳалок бўлиб (1469й.), Хуросон тахтида Султон Ҳусайн мирзо, Самарқанд тахтида эса Султон Аҳмад мирзо, Ҳисор, Қундуз ва Бадахшонда Султон Маҳмуд мирзо, Андижон ва Фарғонада Умаршайх мирзо ҳоким бўлиб ўлтирган эдилар. Юнусхон келгусида уларнинг иккитасини — Султон Аҳмад билан Умаршайхни ўзига куёв қилиб қаратиб олди (Меҳр Нигор хонимни Султон Аҳмадга, Қутлуғ Нигор хонимни мирзо Умаршайхга, учинчиси Хуб Нигор хонимни эса дуғлот мирзолардан Муҳаммад Ҳусайнга берган) ва Темурийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ўз таъсирини ўтказадиган бўлиб қолди. Юнусхон Тошкентда бир йил асирликда ҳаёт кечирди. Ҳша йили амир Каримберди дуғлотнинг иниси Абдулқуддус Шайх Жамолни ўлдириб хонни асирликдан озод қилди. Бу яхшилиги учун Юнусхон Мўғулистонга қайтгач, амир Абдулқуддусни гўргон қилди ва дуғлотларнинг мансабини унга инъом қилди.

Шу пайт қалмоқлар Мўғулистонни холи қолдириб юртларига кўчиб кетганлари ҳақида хабар олинди. Юнусхон ғайбдан келган бу бахтдан ўзида йўқ хурсанд бўлди ва одамларини олиб Мўғулистонга қайтди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар "то мўғул улуси у билан хушлашиб кетмагунга қадар хон бирон шаҳар ва мамлакатга бормади", деб ёзади. Афтидан, Юнусхон мўғул фсодалларининг кўчманчилик тарзига бўйинсуниш ҳақидаги шартини

вақтинча бўлса-да қабул қилганга ўхшайди. Кўп ўтмай, Кошғарни итоат этиб турган Муҳаммад Ҳайдар хонга итоаткорлик ва хизматкорлик изҳор қилди, Кепак султонни эса яқинлари Турфонда ўлдириб, бошини Юнусхон ҳузурига жўнатдилар.

Шундай қилиб, 1472 йилга келиб Юнусхон Мўғулистонни бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Темурийлар билан қуда-анда тутиниш Юнусхонга қўл келди. Бу унга ўз мулкани Фарғона, Тошкент ва Туркистон ҳисобига кенгайтириш имконини берди. Айниқса, Умаршайхдан кўп нафъ кўрди. Мирзо Умаршайх унга Аҳси, Марғинон, Ўш ва Сайрамни (1482), 1485 йили Тошкентни инъом қилди. Буни Умаршайх хон Султон Аҳмад мирзо билан бўлажак курашида ёрдам беради, деб қилди. Лекин, Юнусхон ҳар сафар Умаршайх мирзо чақиртирганда лашкар билан Фарғонага келиб турди, лекин Султон Аҳмад мирзо билан урушга бормади, чунки Султон Аҳмад мирзо ҳам Умаршайхга ўхшаб унга куёв эди. Балким, хожа Убайдуллоҳ Аҳрор билан Марғинонда бўлган тарихий учрашув бунга сабаб бўлгандир. Чунки Хожа Аҳрор ўзаро уруш ва низоларга қарши одам эди.

Юнусхон 70-йилларнинг ўрталаридан (XV-аср) Кошғарда Абубакр мирзо билан Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўртасида бошланган ўзаро феодал курашга ҳам аралашди.

Маълумки, Абубакр мирзо (Сонсиз мирзонинг тўнғич ўғли) бошда Кошғарда Муҳаммад Ҳайдар мирзо билан бирга эди. Кейинроқ ундан ранжиб Ёрқандга қочиб борди ва у ерда ҳокимиятни қўлга олди. Шундай бўлса-да Муҳаммад Ҳайдар ҳузурига одам юбориб, унга итоат этишини маълум қилди. Муҳаммад Ҳайдар буни қабул қилди ва унинг олдига 3 минг сара йигитини йиғиб Ёрқандга юборди. Абубакр мирзонинг иниси Мирзо Умар ҳам улар билан бирга кетди. Шундан кейин оға-ини Ёрқанд ва унга қарашли ерлар забтида саъй ҳаракат кўрсатдилар. Ёрқандда мустаҳкам жойлашиб олганларидан кейин эса Хўтан хусусида фикр қила бошладилар. Бу пайтда Хўтандда Хизршоҳга авлод бўлган икки оға-ини: Хон Назар мирзо билан Қул Назар мирзо ҳукмфармолик қилиб ўлтирган эдилар. Хон Назар мирзо кейинча Кошғарга итоат этмай қўйди. Муҳаммад Ҳайдар бунинг учун ака-укалардан ранжиди. Айни шу пайтда Абубакр мирзо ундан Хўтанни сўраб қолди ва Муҳаммад

Ҳайдар жон деб унинг илтимосини қондириб Хутанни унга хат қилиб берди.

Мирзо Абубакр икки бор уринишдан кейин Хутанни идора қилиб турган Хон Назар мирзо билан Қул Назар мирзони турли йўллар билан ўртадан кўтариб ташлади. У Хутанни деб ўз иниси Мирзо Умарни ҳам аямади. Ундан шубҳаланиб, кўзига мил тортдирди. Қисқаси, Мирзо Абубакр тез орадан Хутан вилоятининг ҳам тўлақонли ҳокими бўлиб олди. Мирзо Абубакр борган сари қувватланиб, Ёркандни босиб олди ва Кошғарни орзу қила бошлади. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг амирлари шубҳаланиб, хонни ҳушёрликка даъват қилдилар. Лекин хотини Чўмоқ оғани риоя қилиб (у бошда Сонсиз мирзонинг хотини ва Абубакр мирзонинг онаси эди; Муҳаммад Ҳайдар унга кейин уйланган), амирларнинг андишасига бсэътибор бўлди. Бунда Чўмоқ оғанинг таъсири ҳам катта бўлди, албатта. У "амирларни кўролмасдан содиқ фарзанди билан уруштиришмоқчи", деб туриб олди. Иккинчи тарафдан эса ўғли Абубакрни огоҳлантириб қўйди. Муҳаммад Ҳайдар хотини ва ўғай фарзанди Абубакр мирзонинг сўзларига кириб, катта амирларини ўзидан узоқлаштирди. Оқибатда кучсизланиб қолди. Мирзо Абубакр эса бундан фойдаланиб, Кошғар атрофидаги қалъаларни торож қилди. Муҳаммад Ҳайдар Юнусхон ҳузуридан қочиб келиб унинг хизматига ёлланган куёви амир Абдулқуддусни лашкар билан Абубакр-мирзонинг устига юборди. Шу пайт Мирзо Абубакр Янги ҳисор теварагини торож қилиб турган эди. Абдулқуддус Абубакр мирзо билан тўқнашиб, мағлубиятга учради. Абдулқуддус номус қилиб, қайнотаси Муҳаммад Ҳайдарнинг олдига бормади ва 300 одами билан Бадахшонга, Султон Маҳмуд мирзонинг ҳузурига борди. Султон Маҳмуд мирзо унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди ва Хуст вилоятини инъом қилди. Абдулқуддус кўрагон ўша тарафларда Катур кофирларининг қўлида шаҳид бўлди.

Шундан кейин Абубакр мирзо Кошғар ва Шарқий Туркистонда катта кучга айланди. Муҳаммад Ҳайдар охири уни дафъ қилишга қасд қилди ва отлиғ пиёда бўлиб қарийб 30 минг кишидан иборат лашкар тўплаб мирзо Абубакр устига юриш бошлади. Мирзо Абубакр ҳам тахминан шунча лашкар билан унинг муқобилига чиқди. Бахтга қарши, Муҳаммад Ҳайдар рақибини енголмади, аксинча ўзи мағлуб бўлиб Кошғарга қайтди. Лекин, барибир, Абубакр мирзо билан курашни давом

эттириш фикридан қайтмади ва улуғ хон Юнусхондан ёрдам сўради. Юнусхон Муҳаммад Ҳайдарнинг илтимосини қабул қилди ва 15 минг аскар олиб Абубакр мирзо устига юрди. Муҳаммад Ҳайдар ҳам лашкарини тартибга солиб хонга келиб қўшилди ва улар биргаликда Ёрканд устига юрдилар. Мирзо Абубакр Ёрканд қалъасини мустаҳкамлади, қамал урушларига ҳозирлик кўриб қўйди. Юнусхон қўшинлари билан Ёрканд қалъасининг кунчиқиш тарафига келиб тушди. Шу сзда икки ўртада қаттиқ уруш бўлди. Абубакр мирзо бу сафар ҳам ғалаба қозонди. Юнусхон билан Муҳаммад Ҳайдар енгилиб, Кошғарга қочиб бордилар. Хон Муҳаммад Ҳайдарга "бу йил лашкар жамла ва вилоятинг забтида машғур бўл, иншоолло келаси йили бориб уни, албатта, бартараф этурмиз",— деб тасалли бериб, ўзи Мўғулистонга қайтди.

Келаси йили, яъни 885 (1480) йили Юнусхон 60 минг кишилиқ лашкар билан Кошғарга келди. Муҳаммад Ҳайдар урушга ўтган йилдагига қараганда яхшироқ тайёргарлик қилиб ўлтирган эди. Иккалалари қўшилиб, яъни Ёрканд устига юрдилар. Иттифоқчиларнинг ихтиёрида бу сафар 90 минг кишилиқ пидёю отлиқ аскар жам бўлган эди. Улар Ёрканд қалъасини теварак-атрофдан қуршаб олдилар. Хон ўрдуси билан Ёрканднинг кунчиқиш тарафидаги Қолуғоч мавзёсига қўнган эди. Ўша куни намози пешин пайтида қалъадагилар ҳам отилиб чиқдилар. Икки ўртада жанглар бошланиб кетди. Хоннинг ўзи ҳам жангга кирди. Жар (ҳандақ) ёқасида икки ўртада қисқа, қаттиқ жанг бўлди. Бир соат ичида хон мағлубиятга учраб орқага чекинди ва Кошғарга қайтиб борди. Хоннинг аскарлари Мўғулистон тарафга кетиб қолди. Муҳаммад Ҳайдар "хон Кошғарда қололмади ва 5000 хонадонни кўчириб Оқсу тарафга кетди. Юнусхон ҳам у билан бирга кетди. Ўшанда Кошғар халқининг кўпчилиги Андижонга кўчиб кетди...", деб ёзган. Шу тариқа Кошғар мирзо Абубакр учун очиқ қолди. Бу воқеа 885 (1480) йили содир бўлди. Шу пайтда тарихчи Муҳаммад Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Ҳусайн (Мир Муҳаммад Ҳайдар дуғлотнинг ўғли) 12 ёшда эди. Уни Юнусхоннинг тўнғич ўғли Султон Маҳмудхон ҳузурига Мўғулистон тарафга бериб юбордилар.

Юнусхон ўша қишни — 1480—81 йил қишини — Оқсувда кечирди. Оқсувнинг чуқур, ўр, жар ёқасида жойлашган иккита қалъаси бор эди. Уларнинг бирида Муҳаммад Ҳайдар, иккинчисида Юнусхон ўринлашдилар.



Баҳор келиши билан хон Мўғулистонга қайтди, Муҳаммад Ҳайдар зироат қилиб Оқсувда қолди. Иттифоқчилар яйлов барқ уриб, отлар семиргандан кейин мирзо Абубакр устига яна юриш қиладиган бўлдилар. Шундан кейин, Кошғарда бир-бирлари билан қўшиладиган бўлиб тарқалишдилар. Бироқ фитна қўзғатувчилар "хон Мўғулистонга қайтиши олдидан унинг мўғуллари эл-юртингни талайди",— деб Муҳаммад Ҳайдарни ҳам ўз томонларига оғдириб олдилар. Фитначилар хоннинг кичик ўғли Султон Аҳмадни отасидан ажратдилар ва қалъага кириб мустаҳкамланиб хонга қарши исён кўтарадиган бўлдилар. Хон кўчаётганда эса дарвозаларни беркитиб олдилар. Султон Аҳмад отасига хиёнат қилди ва Муҳаммад Ҳайдар ҳузурига қочиб ўтиб исёнчилар билан қўшилди. Юнусхон Муҳаммад Ҳайдарнинг ҳузурига одам юбориб, уни шайтон оздирган йўлдан қайтармоқчи бўлди, лекин фойда чиқмади. Шундан кейин кўчиш ниятидан қайтиб, ўзи ҳам қалъа ичига кириб яширинди. Сўнг Мўғулистонга, Султон Маҳмудхонга одам юборди. Орадан ўн етти кун ўтганда у 30 минг аскар билан отасига ёрдамга етиб келди. Икки ўртада ҳар куни огир жанглар бўлиб турди. Ота-бола Муҳаммад Ҳайдарни қирқ кун қамаб турдилар. Охир ул-оқибат фитна қўзғатганлар қочиб қолишди. Лекин Султон Аҳмад улар билан кетмади. Тавба-тазарруъ қилиб отасининг ҳузурига келди. Кўп уринишлардан кейин Муҳаммад Ҳайдарни ҳам тутиб хоннинг ҳузурига олиб келдилар. Юнусхон уни итобга олди, кўп дашном берди ва уялтирди, лекин ўлдирмади. Аксинча, унга Оқсувни берди, ихтиёрига уч юз бош от ҳам берди. Сўнг уни ўзи билан бирга Мўғулистонга олиб кетди.

Баҳор поёнига етиши билан Юнусхон яна Кошғар устига қўшин тортди. Шу аҳвол асносида Темурий Султон Аҳмад Фарғонага қасд қилиб, Самарқанддан қўшин билан чиққани ҳақида хабар олинди. Буни Умаршайхнинг чопари олиб келди. Умаршайх мирзо илтижо қилиб Юнусхондан ёрдам сўрабди. У оғаси хавф солганда ҳамма вақт Юнусхонни Фарғонага чақиртирарди. Юнусхон куёвига ёрдам бериш учун Андижон устига қараб юрди. Хон оға-ини ўртасида низо чиқиб, урушга айланишини истамас эди. Шунинг учун ҳам куёвларини яраштириб қўярди. Умаршайх мирзо хонни Андижон остонасида кутиб олди. Ўшанда Умаршайх Ўш вилоятини хонга инъом қилди. Хон ўша қишни Ўшда кечирмоқчи

1

*Итоб* — дўқ-пўписа ва сиёсат билан сўроқ қилиш.

бўлди, мўғулларни эса, Султон Маҳмудхонга қўшиб, Мўғулистонга қайтариб юборди. Аммо қиш келиши билан ўшда Муҳаммад Ҳайдарни қолдириб, ўзи ҳам Мўғулистонга қайтди. Умаршайх бўлса оғаси Султон Аҳмад туғдирган хавф-хатардан қутилиб қолди. Шунда Муҳаммад Ҳайдар ўгли Муҳаммад Ҳусайнни хондан тилаб олди.

Умаршайх мирзо Юнусхон Мўғулистонга қайтиб кетгандан кейин ўшга ўз доруғасини<sup>1</sup> жўнатди. Муҳаммад Ҳайдар эса Мўғулистонга кетолмас, ўшда ҳам қололмасди. Шунинг учун ўғиллари Муҳаммад Ҳусайн билан Саид Муҳаммадларни Умаршайхнинг олдида қолдириб, ўзи Кошғарга жўнаб кетди. Ўйладики, Абубакр мирзо қариндошлик ва фарзандликни риоя қилиб у билан ярашади, унга қасд қилмайди. Лекин, мирзо Абубакр уни дарҳол қамаб қўйди ва Муҳаммад Ҳайдар бир йил қамоқда ётди. Сўнг Абубакр мирзо уни Бадахшон тарафга ўтказиб юборди. Ўша пайтда Бадахшон султон Абу Саъиднинг ўгли Султон Маҳмуднинг қўлида эди. Муҳаммад Ҳайдар Бадахшондан Самарқандга ўтди ва ҳазрат хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрор<sup>2</sup>, мирза Султон Аҳмад<sup>3</sup> билан кўришди. Мирзо Султон Аҳмад унга кўп илтифоту навозишлар кўрсатди. Сўнг Султон Маҳмудхон уни Тошкентга чақиртириб олди.

Маълумки, Шайх Жамол ўлдирилгандан кейин Султон Аҳмад мирзо Тошкентни Умаршайх мирзога берган эди. Ўшанда Шоҳрухия қалъаси ҳам Мирзо Умаршайхнинг забтига ўтди. Кейинча шу икки вилоят устида оға-ини ўртасида низо чиқди. Султон Аҳмад Тошкентга таарруз қилгандан кейин Умаршайх яна ёрдам сўраб Юнусхонга мурожаат қилди. Ўшанда Умаршайх мирзо Сайрамни ҳам Юнусхонга инъом қилди.

Юнусхон Сайрамга жўнаб кетгандан кейин шаҳар ва ўтроқликни ихтиёр қилиб юрган мўғуллар хоннинг кенжа ўгли Султон Аҳмадхонни ёқлаб Мўғулистонга қочиб кетдилар. Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг сўзларига қараганда, тамом Мўғулистон шундай кайфиятда бўлди. Илож қанча? Хон Султон Аҳмадхонни Мўғулистонга юбориб, ўзи ўша қишни Сайрамда кечирди

1

Доруға — мўғуллар ва кўчманчи ўзбеклар даврида шаҳар ва вилоят ҳокими.

2

Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрор — Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндalarидан, элпарвар инсон (1404—1490)

3

Султон Аҳмад — Темурий Султон Абу Саъиднинг тўнғич ўгли; Мовароуннаҳр ҳокими (1457—1494).

ва Умаршайх мирзонинг илтимоси билан тўнғич ўгли Султон Маҳмудхонни 30 минг аскар билан Султон Аҳмад мирзога қарши юборди. Фарғона тарафдан 15 минг аскар билан Умаршайх мирзо йўлга чиқди. Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмудхон ва Умаршайх мирзо бошлиқ уч лашкар Шоҳрухия атрофида бир-бирига қарши саф тортдилар. Лекин қутблар қутби ҳазрат хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрор Самарқанддан келиб, урушга йўл қўймадилар ва тарафгузарларни бир кигиз устига ўтқизиб, яраштириб қўйдилар. Уччала подишоҳ сулҳ тузиб, аҳду паймон билан уни мустаҳкамладилар. Шундан кейин Султон Аҳмад мирзо Самарқандга, Умаршайх мирзо — Фарғонага ва Султон Маҳмудхон Тошкентга жўнаб кетдилар. Ўшанда (1485 йили) Умаршайх мирзо Юнусхонга Тошкентни ҳам берди.

Қисқаси, Юнусхон 1480 йилдан кейин Мўғулистонга бормади ва Оқсув, Кошғар, Ўш, Марғинон, Сайрам ва Тошкентда истиқомат қилди. Юнусхон 1487 йили Тошкентда вафот этди ва Шайх Хованд Таҳур мазорига дафн этилди. Шундан кейин хонлик маснадига унинг тўнғич ўгли Султон Маҳмудхон ўтқизилди. Лекин у ҳам кўчманчилик ҳаёт тарзини қабул қилмай, Тошкентда қолди, ҳукмронлиги эса фақат Мўғулистоннинг ғарбий қисмига шойиъ бўлди. Мамлакатнинг марказий ва шарқий қисмида эса Султон Аҳмадхон ҳукм юргизди. Кошғар билан Шарқий Туркистонда эса Абубакр мирзо мустақиллик байроғини тикди.

## ХУЛОСА

Чингизхон Еттисув, Шарқий Туркистон ва Мовароуннаҳрни иккинчи ўгли Чигатойхонга махсус ёрлик билан улус қилиб берган бўлса-да, бу улус маълум мустақил давлат даражасига кўтарилолмади. Чигатойхон ва унинг авлоди XIII аср мобайнида, яъни барча улуслар қоон ҳукуматига бўйсунган даврда — Ўгадай қоон, Гуюк қоон, Мунка қоон ва Хубилой қоон замонида — ундан фақат инжу<sup>2</sup> сифатида фойдаландилар. Йосо ва юсупга кўра,

1

*Шайх Хованд Таҳур* — Тошкентлик машҳур шайх; Шайх Умарнинг ўгли; тахминан 761 (1359) йили вафот этган ва ҳозир ҳам унинг номи билан аталадиган даҳада дафн этилган. Мазори муқаддас жой саналади.

2

*Инжу* — сеп, эрга узатилаётган қизга бериладиган мол-мулк; шаҳзода ва хонзолаларга бериладиган ер-сув, мол-мулк.

яъни турк-мўғул халқлари орасида амалда бўлган тартиб-қоида ва одатга биноан, давлат ҳам, унинг қармоғида бўлган ер-сув, мамлакат ва халқлар ҳам хон ва авлодининг мулки ҳисобланган, уларнинг инон-ихтиёрида бўлган. Қоон эса вилоят, ўлка ёки мамлакатни, унинг ер-суви ва халқи билан қўшиб, ўғиллари ва қариндошларига инжу сифатида тортиқ қилган. Лскин, улуслар, том маъноси билан, қоон ҳукуматига бўйсунган ва у тайин қилган ноиблар тарафидан идора қилинган. Масалан, Чиғатой улусининг ғарбий қисми бўлган Мовароуннаҳр ва Туркистонни 1227-1289 йиллари машҳур хоразмлик боён Маҳмуд Ялавоч<sup>1</sup> ва унинг ўғли Масъудбеклар идора этганликларини биламиз. Инжу соҳиблари эса, фикримизча, улусдан тўпланадиган даромаднинг бир қисмини олиш билан кифояланганлар. Унинг ички ишларига аралashiш ҳуқуқига ҳам эга эмас эдилар. Биз буни юқорида, Рашидиддиннинг "Жомиъ ут-тавориҳ" китобининг иккинчи жилдида ҳикоя қилинган Чиғатой<sup>2</sup> билан Ўгадай қоон ўртасида бўлиб ўтган қийлу қоллар<sup>2</sup> мисолида ҳам кўрган эдик. Бошқа сўз билан айтганда, Чиғатойхон қоондан сўроқсиз улусдан бир вилоятни кимгадир инъом этиб қўйгани учун Ўгадай қоон ундан изоҳнома, яъни ёзма тушунтириш хати талаб қилган эди. Тарихий манбалардан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Муборакшоҳ, Кеспакхон, Тормоширин ва Қозонхондан бошқа барча Чиғатой хонлар Мовароуннаҳрга кўчиб келмай, ота юртларида истиқомат қилганликлари ҳам Чиғатой улуси, том маъноси билан, мустақил давлат бўлмаганлигидан далолат беради. Чиғатойхоннинг вориси Қора Ҳалоқунинг Гуюк қооннинг амри билан тахтдан туширилиши ёки 1269 йили Чиғатой улусининг пойтахти Мовароуннаҳрдан яна Еттисувга кўчириб кетилиши фактлари ҳам бунга ёрқин мисолдир.

1251 йилдан сўнг улусдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ўзгарди. Бунга мўғул империясида бошланган қўшхокимиятчилик сабаб бўлди, албатта. Қорақўрумда ўлтирган қоон энди давлатни Итил бўйида ўлтирган Ботухон, ундан кейин тахтга нойил бўлган Беркахон билан маслаҳат ва кўрсатмалари билан бошқарадиган бўлишди. 1251 йилда Қорақўрумда бўлган қурултойдан

1

Маҳмуд Ялавоч 1239 й. Ўгадайхон тарафидан Хитойга ноиб қилиб тайинланди, 1254 йили вафот топган ва Хонбалиқ (Пекин)да дафн этилган.

2

Қийлу қоллар — борди-келди гап-сўзлар.

ксийн Чигатой улусининг катта бир қисми, хусусан Мовароуннаҳр билан Туркистон Олтин ўрданинг ҳарбий-сийсий таъсирига тушиб қолди. Тўғри, Чигатойхоннинг набираси Олғу (1261—1266) Олтин ўрдаликларнинг таъсирини синдириш ва Чигатой улусининг мустақиллигини бир оз бўлса-да таъминлашга муваффақ бўлди. У ўшанда Жўчи улусининг Мовароуннаҳр ва Туркистонда турган ҳарбий қисмларига қақшатқич зарба берди. Олтин ўрданинг бу мамлакатларда ўлтирган ноибларини юртдан қувиб чиқарди. Лекин, кўп ўтмай, Олтин Ўрда хонлари қайтадан ўзларининг Чигатой улусида ҳарбий-сийсий мавқеъини тиклаб олдилар. То Амир Темур ҳокимият тепасига келгунга қадар бу ерда ўзларининг азм-қарорини ўтказиб келдилар. Бунга тарихий манбаларда ишончли маълумотлар бор. Масалан, "Темур тузуклари"да Амир Темур ҳокимият тепасига келган дастлабки йилларда "Туронзаминни ўзбеклар тоифаси қолдиқларидан тозалаш учун кураш олиб боргани" ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ерда "ўзбеклар тоифаси" деганда Ботухон даврида Олтин ўрда лашкарининг ўнг қанотини ташкил этган ва Сирдарёнинг қуйи оқими, Ўрол, Тобол, Тура дарёлари бўйлари ҳамда Туманда кўчиб юрган турк-мўғул қавмлари англашилади. Улар XIV—XV-асрларда форс ва араб тилида ёзилган тарихий китобларда "ўзбек" номи билан аталган. Ўтамиш Ҳожининг "Чингизнома" асарида ҳам бу ҳақда қимматли маълумотлар учрайди.

Чигатой улуси Дувахон, Эсон Буғахон ва Кеспакхон даврида бирмунча ривож топди. Масалан Дувахон, Қайдухон билан иттифоқда Эрон ва Озарбайжонни идора қилиб турган Ҳалокуийлар ва Жўчи улуси ҳукмдорларининг Чигатой улусига ўтказиб турган тазйиқини вақтинча бўлса-да тўхтатди, шаҳар қурилишига (Андижон, Бухоро) эътибор берди, тарқоқ мўғул улусларини федерация шаклида бўлса-да бир давлатга бирлаштириш ғоясини кўтариб чиқди. Эсон Буғахон даврида Чигатой улусида феодал урушлар тўхтади, мамлакат бирмунча юксалди. Кеспакхон эса бирқатор муҳим ислохотлар ўтказиб, улуснинг маъмурий тузилишини такомиллаштирди, мамлакатнинг иқтисодий-молиявий аҳволини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Энг муҳими, бу даврда мамлакатда ислом тантана қилди.

Аммо Чигатой улуси барибир марказлашган давлат даражасига кўтарилаолмади. Аксинча, Кеспакхондан кейин у яна феодал урушлар ва Чигатойхон, Ўгадайхон авлоди ўртасида тож-тахт талашишлар исканжасида қолди.

Тўғри, Қозонхон буни бартароф қилиш ва улуснинг бирлигини тиклашга ҳаракат қилди, бироқ бунинг уҳдасидан чиқолмади.

Ўзаро феодал кураш — биз бу хусусда юқорида батафсил тўхталиб ўтдик,— асосий икки феодал гуруҳ: кўчманчи феодаллар билан ўтроқлик ҳаёт тарзига майл кўрсатган, шаҳар ва ўтроқ халқ турмуши, маданиятини ёқдириб, у билан яқинлашишга интилган, ислом динига рағбат берган ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилган феодал гуруҳлар ўртасида борди. Биринчи гуруҳга, яъни кўчманчилик турмуш тарзи тарафдорлари гуруҳига Гуюк қоон, Чигатойхон, Ясовур, амир Қазоғонга ўхшаган феодаллар киришган. Ўгадай қоон, Мунка қоон, улус хонларидан Муборакшоҳ, Барақхон, Кспакхон, Қозонхон ва Юнусхон иккинчи гуруҳнинг кўзга кўринган намояндаларидан эдилар. Лекин, бахтга қарши, ўтроқлик ҳаёт тарзини ёқловчилар ғалабага эришолмадилар. Бу курашда кўчманчи феодалларнинг қўли баланд келди. Чунки улар кўпчилик эдилар. Энг ёмони, бу кураш мамлакат ва раиятга кўп зиён-заҳмат етказди. Охири-оқибат, Чигатой улуси XIV-асрнинг 40-йилларида иккига ажралиб кетди. Унинг шарқий қисмида амир Пўлодчи билан Туғлуқ Темурхон Мўғулистон (у Жете деб ҳам аталади) давлатини тузиб олдилар. Улуснинг Ғарбий қисми (Мовароуннаҳр, Туркистон ва Балх) саккизта мустақил феодал бекликка бўлиниб феодал курашлар исканжасида қолди.

Шу ўринда яна бир муҳим ғапни айтиб ўтиш жоиздир. Мазкур рисолаани Чигатой улусининг муфассал тарихи деб ҳисобламаслик керак. У шунчаки бу йўлда қўйилган дастлабки қадам, мазкур улус тарихидан кичик бир лавҳа бўлиб, унда асосан биз муҳим сиёсий воқеаларга, шунингдек Темурийлар билан Чигатойлар ўртасида XIV асрнинг сўнги чораги ва XV асрда бўлиб ўтган муносабатлар тарихига қисқагина тўхталиб ўтилди, холос. Чигатой улусининг муфассал тарихини ёзиш эса ҳали олдинда. Бунинг учун жуда кўп манбаларни, хусусан турли тилларда битилган қўлёзма асарлар, археологик, нумизматик манбаларни топиш ва қунт билан ўрганиш талаб қилинади.

---

## МУНДАРИЖА

Икки огиз эслатма.....	3
------------------------	---

### Биринчи қисм

#### ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛАЛАР

Амир Темурунинг давлатни идора қилиш сиёсати ( <i>дастлабки мулоҳазалар</i> ).....	5
Тарихий манбалар тилга кирганда.....	23
"Темур тузуклари".....	29
Хабар-ижтимоий зарурат ( <i>алоқа тарихидан</i> ).....	42
Ўзбек қавмлари.....	46
Қадимий қонунларимиз.....	51

### Иккинчи қисм

#### ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР

Абадиятга даҳлдор инсон.....	58
Амир Темурни яхши ўрганайлик.....	72
Искандарнинг ўчини Спитамендан оласизми?.....	73
Ислому — адолатли ва ноқ таълимот.....	82
Тарихни сохталаштириб бўлмайди.....	85
Тоғ қоронгусида.....	91
Илму фан халқ ва мамлакатга хизмат қилсин.....	98
Ҳаммамиз учун дастуруламал.....	102
Ҳақ-ҳуқуқимизни тан олсинлар.....	106

### Учинчи қисм

#### СУҲБАТЛАР

Амирнинг қиличи қасрда? <i>Суҳбатдош Мурод Абдуллаев</i> .....	109
Бизким — мулки Турон. <i>Суҳбатдош Шухрат Жабборов</i> .....	111
Мангу устивор ҳақиқат. <i>Суҳбатдош Ҳакимжон Сатторий</i> .....	117

Миллий тарбия сарчанмалари. <i>Сухбатдош Абдулла Шер</i> .....	122
Номи абадий ўчмас шахс. <i>Сухбатдош Бахтиёр Омон</i> .....	127
Сибирга кетмаган ўзбек. <i>Сухбатдош Ҳакимжон Сатторий</i> .....	133
Тарих ва келажак. <i>Сухбатдош Қулман Очил</i> .....	142
Нурли саҳифалар. <i>Сухбатдош Темур Убайдулло</i> .....	154
Тарих — ҳақиқат онаси. <i>Сухбатдош Шодмонбек Отабоев</i> .....	159
Темурнинг улкан хизматлари. <i>Сухбатдош Туроб Ниёз</i> .....	164
Темуршуносликни қайси йўналишда ривожлантириш керак? <i>Давра суҳбати</i> .....	167
Теран томирлар. <i>Сухбатдош Шухрат Жабборов</i> .....	172
Ўтмиш — ўзагимиздир. <i>Сухбатдош Муҳаммад Исмоил</i> .....	173
Ўтмиши йўқнинг келажаги йўқ. <i>Талабаларнинг саволларига жавоблар</i> .....	179
Ҳамма нарсага эгамиз, аммо... <i>Талабалар билан суҳбат</i> .....	188

#### Тўртинчи қисм

### АМИР ТЕМУРГА МАКТУБЛАР

Амир Темурга мактублар.....	192
Жаҳон меҳробида пайдо Алишер.....	245

#### Бешинчи қисм

### ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

Темур ва Қамариддин. <i>Янги тадқиқот</i> .....	255
---	-----



Научно-популярное издание

*Бурибой Ахмедов*

**ВСПОМИНАЯ АМИР ТЕМУРА**

*На узбекском языке*

Издательство "Ўзбекистон"— 1996  
700129, Ташкент, Навоий, 30.

Нашр учун масъул: *Бахтиёр Омон*  
Рассом: *Абдуқаҳҳор Маҳкам*  
Техн.муҳаррир: *Ульяна Ким*  
Мусахҳиҳ: *Муниса Йўлдошева*

Теришга берилди 18.01.96. Босишга ружсат этилди 29.07.96  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/32. Таймс гарнитурда офсет босма усулида  
босилди. Шартли босма л. 19,32. Нашр л. 20,29.  
Нухаси 8000. Буюртма № Д-771. Баҳоси шартнома асосида

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Нашр № 307-95.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникави  
ва дастурий воситалар базасида тайёрланиб, Ўзбекистон Республика  
си Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбина  
тида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

157,20



"УЗБЕКИСТОН"

АМИР ТЕМУРИЁД ЭШИБ

БУРИБОЙ  
АХМЕДОВ